Р67

Мавжуда Ражабова

ҲУҚУҚ ВА АДОЛАТ:
ЎТМИШ, БУГУН, ИСТИҚБОЛ

МАВЖУДА РАЖАБОВА

ҲУҚУҚ ВА АДОЛАТ:
ЎТМИШ, БУГУН, ИСТИҚБОЛ

Тошкент – 2009

67.3(5)
Р 17

Ражабова, Мавжуда
Ҳуқуқ ва адолат: Ўтмиш, бугун, истиқбол / М.Ражабова. — Тошкент: YURIST — MEDIA MARKAZI, 2009. — 416 Б.

ББК 67.3(5)

Тақризчилар:

А. Ш. Жузжоний
юридик фаилари доктори, профессор;
Ҳ. Т. Одилқориев
юридик фанлари доктори, профессор

№488 — 2008/2079

Ушбу китобда исломда давлатчилик ва унинг тарихий-ҳуқуқий илдизлари, шариатда жиноятларни таснифлаш ҳамда уларга жазо белгилаш масалалари чуқур таҳлил қилииади.

Муаллиф миллий ҳуқуқимиз тарихини ўрганиш билан чегараланиб қолмай, Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг мамлакатимиз давлат қурилиши ва бошқарувини ислоҳ этиш ҳамда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган ва оширилаётган ислоҳотлар ҳақидаги илмий-амалий фикр-мулоҳазаларга кенг тўхталади. Шунингдек, юридик фаннинг бугуни ва истиқболига назар ташлар экан, назарий ва амалий муаммоларни теран таҳлил этади, бошқа муаллифлар билан дадил баҳсга киришади.

Китоб юридик соҳа мутахассисларига, олимлар, магистрлар, талабалар ва ушбу масалалар билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

268358
NAMANGAN DAVLAT UNIVERSITETI Axborot-resurs markazi

ISBN 978-9943-337-37-4
©М.Ражабова,
«YURIST-MEDIA MARKAZI» нашриёти, 2009 й.

КИРИШ

2007 йилнинг бошида Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти бўлмиш ЛЙСЕСКО (ISESKO) томонидан Тошкент шаҳрига «Ислом маданияти пойтахти» деган ном берилиши мамлакатимизда яшаётган барча-барчани қувонтирди. Шунингдек, бу эътироф — буюк юртдошларимизнинг ислом таълимотини яратишдаги ҳиссаси, яъни она заминимизнинг жаҳон цивилизацияси бешиги сифатидаги ўрни ҳамда таъсирига, қолаверса, истиқлол йилларида аждодларимиз томонидан яратилган серқирра ва бой маданий-маънавий ва маърифий меросни авлодларга етказиш борасида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг бевосита фаол раҳбарлигида амалга оширилган ислоҳотлар самарасига берилган юксак баҳо ҳамдир. Дарҳақиқат, ўтмиш билан келажагимизни ўзида мужассамлаштирган тарихий обидалари, осори атиқаларидан тортиб, бугунги ижтимоий ҳаётнинг халқимизга хос ва мос тарзда йилдан йилга юксак суръатлар билан ўсишига беназир хизмат қилаётган, маънавиятимизнинг асосий ўзагини ташкил этган муқаддас ислом динининг қоидаларини ўрганишга бўлган қизиқиш миллий ўзликни янада теран англашга кўмаклашмоқда.

Таъкидлаш жоизки, миллий давлатчилигимиз ва миллий қадриятларимизни мустаҳкамлашда, хусусан, ёш авлоднинг ота-боболаримиз қолдирган ўлмас меросини чуқур ўрганиши, асраб-авайлашига кенг имкониятлар яратган истиқлол универсал хусусиятга эга ислом ҳуқуқи — шариатдаги қоидаларни илмий жиҳатдан чуқур таҳлил этишга ва унинг ҳозирги қонунчилигимизга мос ижобий жиҳатларини топишга ундайди десак, хато қилмаймиз. Зеро, кишилик жамияти ва тамаддуни бир неча минг йиллик тарихий тараққиёти давомида бир босқичдан янги

босқичга кўтарилган сари замон ва маконда эскирган, жамият ривожига тўсиқ бўлувчи, моҳиятан яроқсиз қонун-қоидалар, меъёрлардан воз кечиб, улар ўрнига фойдали ва ижобий тартиб-таомилларни такомиллаштириш асосида янги сифат ҳамда миқдорий ўзгаришлар сари дадил одимлаб келмоқда. Шу нуқтаи назардан ёндашилса, ислом фалсафаси ва ҳуқуқи «ўзлигимизни, тарихий илдизларимизни англаш, дину диёнатимизни асраб-авайлашга қаратилган бўлиб, биз шу асосда ислом динининг ҳаққонийлиги ва поклиги, инсонпарварлиги ва бағрикенглиги, одамзотни доимо яхшилик ва эзгуликка чорлаши билан боғлиқ тушунчаларни, бир сўз билан айтганда, унинг маърифий моҳиятини нафақат юртимиз, балки бутун дунё жамоатчилигига етказишни ўз бурчимиз деб ҳисоблаймиз»[1]

Кўпчилик аҳолиси ислом динига эътиқод этувчи Ўзбекистон Республикаси ҳозирги вақтда дунёвий тараққиёт йўлини танлаган. Шу билан бирга юртимизда диний эътиқод эркинлиги қонун асосида кафолатланган. Президент Ислом Каримов таъбири билан айтганда, ислом ғоялари орқали «аҳолини энг олий руҳий, ахлоқий ва маънавий қадриятлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилиш тарафдоримиз. Лекин биз ҳеч қачон диний даъватлар ҳокимият учун курашга, сиёсат, иқтисодиёт ва қонуншуносликка аралашиш учун байроқ бўлишига йўл қўймаймиз»[1]

Фикримизча, шариатнинг жиноят ва жазо билан боғлиқ қоидаларини ўрганиш илмий аҳамиятга ҳам эга. Мамлакатимизда инсонпарварлик, адолат, қонунийлик, халқчиллик тамойилларини ўзида мужассамлаштирган қонунларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш жараёнида шариатдаги айрим меъёрлардан ҳам самарали фойдаланиш мумкин.

---

[1] **Ислом Каримов.** Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш — барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15-том, Тошкент, «Ўзбекистон», 2007 йил, 279—280-бетлар.

Жамиятимиз ва давлатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида жиноятчиликка қарши курашнинг янги усуллари амалиётга татбиқ қилинаётган, айниқса жиноий жазоларни либераллаштириш жараёни давом этаётган бир шароитда шариат бўйича жиноий жавобгарлик масалаларини ўрганишнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Чунки шариатда жиноятнинг олдини олиш, турли жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражасига қараб жазо тайинлаш каби кўпдан-кўп эътиборга сазовор жиҳатлар борки, улардан ҳозирги кун амалиётида ҳам самарали фойдаланиш мумкин.

Шуни алоҳида эслаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида мазкур қомуснинг моҳиятида «ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таянилгани» ҳам эътироф этилган. Зеро, «муқаддас ислом динимизни пок сақлаш, уни турли хил ғаразли хуруж ва ҳамлалардан, туҳмат ва бўҳтонлардан ҳимоя қилиш, унинг асл моҳиятини униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизга тўғри тушунтириш, ислом маданиятининг эзгу ғояларини кенг тарғиб этиш вазифаси ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда»[2].

Ушбу китобнинг биринчи бўлими «Шариатда жиноят ва жазо» деб номланган бўлиб, унда ислом ҳуқуқидаги жиноят ва жазога алоқадор аксарият қонун-қоидаларнинг илмий-амалий жиҳатдан асослантирилган жиҳатлари ўз ифодасини топган. Айниқса, ислом ҳуқуқида манба сифатида асрлар давомида фойдаланиб келинган Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» асаридаги жиноят ва жазо масалалари чуқур таҳлил қилиниб, уларнинг маъмун-моҳиятини мамлакатимизнинг жиноят ҳуқуқи фани билан боғлиқ масалалар қиёсий ўрганилган ҳолда ўзаро боғлиқлик ва фарқлаш мавжудлигига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, жиноят таркибининг

[1] **Ислом Каримов.** Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том, Тошкент, «Ўзбекистон», 1998 йил, 59-бет.

[2] **Ислом Каримов.** Юксак маънавият — енгилмас куч. «Маънавият», 2008 йил, 37-бет.

тўрт белгилари: объекти ва объектив томони, субъекти ва субъектив томони, алоҳида ёндашиш асосида айбдорга жазо тайинлаш, иштирокчилик, ярашиш муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш ва бошқа ўзига хос ўхшашликлар мавжуд деган хулосага келинган.

Ислом ҳуқуқшунослигига оид кўплаб манбаларнинг таҳлили, айниқса, жиноятчиликка қарши кураш масалалари билан боғлиқ ушбу тадқиқот натижасида ўзбек миллий давлатчилигининг тарихий-ҳуқуқий илдизлари чуқур ва мустаҳкам деган қатъий тўхтамга келингани диққатга сазовордир.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, ушбу китоб «Ҳуқуқ ва адолат: ўтмиш, бугун, истиқбол» деб номлангани ҳам бежиз эмас, албатта. Зеро, мамлакатимиз ҳуқуқ тизими бой тарихий меросдан озиқланган ҳолда Ўзбекистонда истиқлол йилларида адолат тамойили устувор бўлган ҳуқуқий демократик давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини шакллантириш учун ғоят қисқа фурсатда мазмунан бир неча ўн йилликларга татигулик кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилди. Ўз навбатида қўлга киритилган ютуқлар халқимизни мамлакатни модернизациялаш ва жамиятни ислоҳ этишга сафарбар қилди. Шу сабабли китобнинг иккинчи бўлимида миллий ҳуқуқ тизими ва қонунчиликни такомиллаштириш билан боғлиқ фикр-мулоҳазалар, айниқса, Олий Мажлис палаталарининг 2005 йил 28 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган мамлакатни демократлаштириш ва модернизациялаш дастурини рўёбга чиқаришга дахлдор бўлган суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни ҳақидаги илмий-амалий таҳлиллар ўрин эгаллаган.

Эътироф этиш лозимки, айни кезларда Ўзбекистонда барқарор сиёсий вазият ҳукм сурмоқда. Халқимизнинг бош мақсади юрт тинчлигини мустаҳкамлаш, Ватан тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга

қаратилган. Кўзланган мақсадга эришиш учун жамиятни ислоҳ қилиш билан боғлиқ жараённи босқичма-босқич тадрижий тарзда йўналтириш учун талай амалий тадбирлар бажарилди. Жумладан, қонун чиқарувчи ҳокимият икки палатали тарзда муваффақиятли фаолият кўрсатишига эришилди. Яна бир муҳим жиҳат шундаки, Ўзбекистонда ҳақиқий кўп партиявийлик тизими қарор топди. Қуйи палата — Қонунчилик палатасида бешта сиёсий партия фракциялари ўз электоратларини, қолаверса, бутун халқимизнинг муштарак манфаатларини ифодалаш мақсадида ўз фаолиятида очиқ-ошкоралик, фикрлар хилма-хиллиги асосида профессионал тарзда ишлаётгани эътиборга молик.

2005 йилнинг август ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб ўлим жазосини бекор қилиш ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини прокуратурадан суд органларига ўтказиш тўғрисидаги фармонлари асосида бир қанча кодекслар ҳамда қонунларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди.

Бундан ташқари, «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини амалга ошириш учун нодавлат-ноҳукумат ташкилотлар фаолиятини тартибга солувчи етарли ҳуқуқий негиз тўлиқ шакллантирилган.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, 2000—2007 йиллар давомида, яъни миллий давлатчилик асосларини шакллантиришнинг мантиқий давоми ҳисобланган «фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври»даги[1] *иккинчи босқичида Ўзбекистонда давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасида амалга оширилган ўзгаришлар ҳамда янгиликларнинг дунё ҳамжамияти ва халқаро ташкилотлар томонидан самарали дея эътироф этилаётгани ғоятда қувонарлидир. Нафсиламбрини айтганда, истиқлол йилларидаги ислоҳотлар самараси ва муваффақиятлар ҳақида ҳар қанча фикр юритсак, камлик*

---

[1] **Ислом Каримов.** Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. «Ўзбекистон», 2007, 5-бет.

қилади. Бу даврда қўлга киритилган ютуқлар хусусида эса бир неча жилдли таҳлиллар ёзиш мумкин.

Мазкур китобнинг иккинчи бўлимидан жой олган муҳим масалалар шундан иборатки, истиқлол йилларида юртимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш, энг муҳими, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир инсонга муносиб турмуш шароити яратиш учун аҳолининг ҳуқуқий билими, ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга ҳам давлат сиёсати даражасида алоҳида эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг таъкидлашича, ҳуқуқий тафаккур шаклланмаса, турли хил номутаносибликлар келиб чиқади[1].

Инсоният тараққиётининг бугунгидек мураккаб ва таҳликали даврида юртимизда юксак онгли, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли — бир сўз билан айтганда, комил инсонни тарбиялаш ҳам ҳаётий заруратга айланди. Чунки «юксак маънавият — енгилмас куч» эканига жамиятни ислоҳ этишнинг ҳозиргача бўлган жараёнида ҳам ишонч ҳосил қилганимиз айни ҳақиқат.

Юридик фан, унинг истиқболи ҳақида фикр юритиш учун, авваламбор бу фан ютуқларидан қонунчиликни такомиллаштиришда самарали фойдалана олиш хусусида бош қотириш даркор. Зеро, ҳар қандай фан, у табиий фан ёки гуманитар фан бўладими — бундан қатъи назар, давлатга, халққа, жамият тараққиётига хизмат қилиши лозим. Ўзбекистонда юридик фан ривожига, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқ соҳалари юзасидан изчил, тизимли, чуқур методологик асосларда изланишлар, тадқиқотларни бажаришга қанчалик кенг ва тезроқ йўл очиб берсак, илмда кўпроқ изланиш, фикрлар хилма-хиллигига эришилади. Изланиш, баҳс-мунозара бор жойда эса ҳақиқат юзага чиқади, бу эса тараққиёт учун пойдевор вазифасини ўтайди.

---

[1] **Ислом Каримов.** Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том, «Ўзбекистон», 1998, 26-бет.

Мазкур китобнинг учинчи бўлимидан жой олган ҳар бир мақола юридик фанининг муайян соҳаси ривожига ҳисса қўшаётган тадқиқотчиларнинг изланишларини ҳар томонлама ўрганиб таҳлил қилиш, айниқса, илмий даража олиш юзасидан ихтисослашган кенгашлар муҳокамасига ҳавола этилган диссертациялардаги фикр-мулоҳазалар, таклифлар борасидаги илмий баҳслашувларни қамраб олган.

Назаримизда, юридик фанларнинг истиқболи порлоқ, тадқиқотлар мавзуи турли-туман, қарашлар ва ғоялар хилма-хил. Олимларнинг куч-ғайрати, фикру зикри фанда вакуум — бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик чорасини кўришга йўналтирилиши зарур. Аччиқ бўлса-да эслаш жоизки, йигирманчи асрнинг охирги беш-олти йилида Ўзбекистонда ёшларнинг эътиқоди, диний дунёқарашига салбий таъсир этувчи ислом таълимотига мутлақо ёт ғояларнинг хориждан юртимизга экспанция қилувчи кимсаларнинг таъсирига ҳам дуч келдик. Аммо салбий иллатларнинг олдини олиш борасидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг оқилона, изчил сиёсати ҳар қандай пуч ғояларнинг жамиятда ўрни ва истиқболи йўқ эканлигини узил-кесил исботлади.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, мазкур китоб билан танишган ҳар бир ўқувчи миллий давлатчилигимизнинг ҳуқуқий асосларини бир бутун, яхлит ҳолатда, яъни ўтмиш, бугунги кун ва келажак тўғрисидаги ҳуқуқий қарашларни теранроқ англаш имконига эга бўлади. Зеро, «ҳаққоний тарихни билмасдан туриб, ўзликни англаш мумкин эмас»[1].

Муаллиф

---

[1] **Ислом Каримов**. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7 том, «Ўзбекистон», 1999, 153-бет.

ШАРИАТДА ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

I боб. ИСЛОМДА ДАВЛАТЧИЛИК ВА УНИНГ ТАРИХИЙ-ҲУҚУҚИЙ ИЛДИЗЛАРИ

1.1. Ислом давлати шаклланган даврдаги ижтимоий-иқтисодий муҳит ва давлатнинг моҳияти

Ислом давлатининг пайдо бўлиши VI аср охири ва VII асрнинг биринчи ярмида Арабистон ярим оролида юз берган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ўзгаришлар билан узвий боғлиқдир. Бу даврда араб қабилачилиги ва уруғчилигига асосланган тузум емирила бориб, янги сиёсий институтлар шакллана бошлаган эди. Ўзига хос ислом давлатининг шаклланишида пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўрни беқиёс.

Арабистон ярим оролидагилар қабила-қабила, яъни тўп-тўп бўлиб яшаган. Ҳар бир қабиланинг ўз сардори бўлиб, ҳамма араблар жоҳил ва бадавий (саҳройи) эди[1] Бу даврда Маккада бутпарастлар, мажусийлар, христианлар[2] ва бошқа динларга мансуб аҳоли яшаган. Умуман олганда, VI асрда дунё халқларининг ижтимоий ҳаёти жуда оғир аҳволда бўлиб, Ғарбдаги аксарият давлатлар инқирозга учрай бошлаган эди. Сиёсий, иқтисодий, маънавий ва диний емирилишлар оқибатида 476 йилга келиб (кейинги барча йиллар милодий ҳисобда берилган) Рим империяси батамом қулаган, шунингдек, Византия империяси ҳам сиёсий ва иқтисодий зиддиятлар таъсирида ич-ичидан нураётган эди. Абдурауф

---

[1] **Абдурауф Фитрат.** Мухтасар ислом тарихи. «Нур», 1992, 6-б.

[2] **Закои Кўнрапа.** Пайғамбаримиз ва Ашараи Мубашшара. Биринчи китоб, Т., «Мовароуннаҳр», 1995, 51-б.

Фитратнинг берган баҳосига кўра, бу даврда ер юзи тамоман хароб аҳволга келганди[1].

Мусулмон дунёси олимларининг фикрича, ислом дини пайдо бўлишидан олдинги давр «жоҳилият даври» деб аталиб, унда жабр-зулм, адолатсизлик жуда кучайган, айниқса, Арабистон ярим ороли ва унга яқин ҳудудларда ичкиликбозлик, қиморбозлик, ахлоқий бузуқликлар авж олган, қабилалар ўртасида ўзаро адолатсиз тўқнашувлар, урушларнинг кети узилмас, бирор-бир кишидан қасос олиш учун бутун қабила аъзоларини қириб ташлаш, аёл зотини инсон ўрнида кўрмаслик, оилада қиз бола туғилганда уни ўлдириш ёки тириклайин ерга кўмиб ташлаш[2] ва бошқа ваҳшиёна жиноий таомиллар одатий тусга айланган экан. Аҳолининг маънавияти жуда қолоқ бўлиб, аксарияти ёзиш ва ўқишни билмас эди.

Инсониятни жаҳолат гирдобидан чиқаришга ва энг муҳими, Арабистонда илк бор ўзига хос давлатнинг пайдо бўлишига айнан ислом дини сабабчи бўлди. Исломнинг асосий мақсади ўз диний ғояларини қабилалар орасида тарғиб-ташвиқ қилиш масъулияти Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбар зиммасига тушди. Бу улуғ инсон муқаддас ислом динининг дастуриламал илоҳий манбаи ҳисоблаиган Қуръони каримдаги диний, ҳуқуқий ва ахлоқий ғояларни йигирма уч йил давомида аста-секинлик билан ижтимоий ҳаётга жорий этиш орқали аҳолининг маънавиятини ислом ғоялари билан бойитишга эришган.

Ушбу мавзуни ўрганиш жараёнида фойдаланилган манбалар VII асрда Арабистонда вужудга келган ислом давлатининг ташкил топиш жараёни кескин кураш, қарама-қаршиликлар, зиддиятлар кучайган шароитда давлатдаги бошқарув тизимининг жуда оддий шаклини жорий этиш йўли билан амалга оширилганидан гувоҳлик беради. Бу давлатда ҳуқуқ манбаи сифатида муқаддас

[1] **Абдурауф Фитрат.** Мухтасар ислом тарихи. «Нур», 1992, 6-б.

[2] **Закои Кўнрапа.** Ҳазрати пайғамбаримиз ва ислом дини. Иккинчи китоб. Т., «Мовароуннаҳр» 1995,169-бет.

китоб — Қуръони каримдан самарали фойдаланилган. Қуръони карим қоидаларини ижтимоий ҳаётга татбиқ этиш жараёнида Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбарнинг суннатлари (ҳадислар) ҳам иккинчи асосий манба бўлиб хизмат қилган.

Қуръондаги диний-ҳуқуқий ғоялар жамиятда иймон, инсоф, адолат, тенглик, инсонпарварлик, дўстлик, меҳр-оқибат каби умуминсоний қадриятларнинг қарор топишига қаратилган эди.

Ислом давлати ҳақида сўз юритар эканмиз, аввало Қуръон ёки ҳадисда акс этган қоидалар ҳуқуқий хусусиятга эга эканини эътироф этишимиз лозим. Шу билан бирга ҳар иккала асосий манбалардаги диний ғоялар ҳуқуқ нормалари билан уйғунлашгани учун ҳам уларнинг ҳар бирига алоҳида ҳуқуқий баҳо бериш мумкин эмас.

Таъкидлаш лозимки, Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбар илк ислом жамоасини бошқарган даврларда (610—632) ҳали давлат механизми, уни бошқариш тизими тўлатўкис шаклланган эмас эди. Аммо шунга қарамай, тарихий-ҳуқуқий манбаларда қайд этилишича, Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбар томонидан Мадинада амалга оширилган қатор чора-тадбирлар фақат исломдаги диний ғояларни рўёбга чиқаришдангина иборат бўлиб қолмасдан, балки ҳуқуқий нормаларни ижтимоий ҳаётга татбиқ этиш, илк ислом давлатчилигини ривожлантириш ва маълум бир ҳудудда ўзига хос сиёсатни амалга оширишда ҳам муҳим ўрин тутган. Жумладан, ўша даврда мазкур давлатда солиқ тизимига асос солиниб, закот, хайр-эҳсон, ўлжалар ҳисобидан байтул-мол — хазина (давлат бюджети) вужудга келтирилган; ташқи ва ички душманлардан ҳимояланиш мақсадида қўшин тузилган, қўмондонлик лавозими таъсис этилган. Давлатнинг рамзи сифатида оқ рангли байроқдан фойдаланилган, қабилалар

бирлашиши оқибатида араб миллати тушунчасига асос солинган[1] ва давлатга хос бир қанча белгиларни ифодаловчи қонун-қоидалар жорий этилган.

Шу ўринда Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбарнинг сиёсий фаолиятига дахлдор бўлган минтақада тинчликни таъминлаш мақсадида бир-бирига қарама-қарши томонларни ўзаро ҳамкорликка чақирган «Ҳудайбия сулҳи» тўғрисида тўхталиб ўтиш жоиз, деб биламиз. Ҳуқуқий хусусиятга молик мазкур ҳужжат 628 йилнинг 13 мартида Макка билан Мадинада истиқомат қилувчи аҳоли ўртасида тузилган бўлиб, унда икки муҳим масала ўз ечимини топган. Уларнинг биринчиси — ўн йилга мўлжалланган сулҳ бўлиб, унда мусулмонларнинг Макка зиёратлари маълум муддатга кечиктирилган.

Иккинчиси — икки томондан (қурайшлар ёки мусулмонлардан) бирининг ҳимоясига ўтмоқчи бўлган бошқа қабилаларга «ихтиёрийлик», «тенглик»[2] ҳуқуқининг берилиши эди. Яъни бирор-бир қабила хоҳласа[3], Расули акрам бошчилигидаги мусулмонларга, хоҳласа, қурайш жамоаси таркибига қўшилиш имкониятига эга бўлган. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш зарурки, бугун цивилизация маркази деб тан олинган Европада катта аҳамият касб этиб келаётган «ихтиёрийлик, ўз тақдирини ўзи белгилаш» каби ғоялар бундан ўн уч аср муқаддам ислом давлати асосчиси Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбар томонидан ҳаётга татбиқ қилингани диққатга сазовордир.

VII асрнинг биринчи ярмида, аниқроғи, 632 йилнинг 8 мартида ислом дини ғоялари асосида Арабистонда ўзига хос давлатга асос солинганига Муҳаммад Мустафонинг Арофат тоғида 124 минг нафар мусулмон ҳожилар, яъни бир неча давлатлардан келган турли миллат вакиллари ҳузуридаги «Вадо» (видолашув) нутқида айтилган фикр-

---

[1] **Закои Кўпрапа.** Ҳазрати пайғамбаримиз ва ислом дини. Иккинчи китоб, Т., «Мовароуннаҳр», 1995, 65—66-бетлар.

[2] **Закои Кўпрапа.** Ўша китоб. 150-б.

[3] **Закои Кўпрапа.** Алвидо, дунё! Ассалом, охират. Учинчи китоб, Т., 1996, 14—16-бетлар.

мулоҳазаларни далил сифатида келтириш мумкин. Унда диний йўсиндаги ибодат қоидалари билан биргаликда давлатни бошқариш, мерос, фуқаролик, жиноят, оила ва никоҳ ҳамда бошқа ҳуқуқий соҳаларни акс эттирган бир қанча қоидалар ўз ифодасини топган.

«Оллоҳнинг китоби — Қуръонни сизларга омонат қолдиряпман, унга маҳкам боғланганингиз сари йўлингиздан ҳеч адашмайсизлар», дея сўзларини якунлаганлар Расулуллоҳ. Ўша учрашувдан сўнг ислом дининиг асосий манбаи — Қуръони карим оятларининг нозил бўлиши тугаганлиги манбаларда кўрсатиб ўтилган.

Таъкидлаш жоизки, VII асрда Арабистонда асос солинган мазкур давлат бу ҳудудга ташқаридан зўрлаб киритилган эмас, балки шу ҳудуддаги ижтимоий муносабатларнинг маҳсули сифатида шаклланган.

Манбаларда қайд этилишича, ислом давлатининг пайдо бўлишига диний сабаблар билан бирга ижтимоий, сиёсий, иқтисодий зиддиятлар ҳам катта таъсир кўрсатган. Маккадаги бой-бадавлат ва шуҳратпараст кишилар иқтисодий жиҳатдан кам таъминланган камбағалларга нисбатан жабр-зулмни кучайтирган пайтда исломнинг тенглик, инсонпарварлик, ижтимоий адолат ғоялари тарғиб қилина бошланган эди. Қурайш қабиласидагилар бошқа уруғларга, айниқса, ҳошимий уруғига қарши очиқдан-очиқ тазйиқ ўтказишга уриниб, ташқи кучлар ёрдамида мусулмонларни ҳар томонлама таъқиб эта бошлаган. Улар фақат тижорат билан шуғулланиб, бойлик орттиришга ҳирс қўйганида ислом асосчиси Муҳаммад пайғамбар деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиш, ҳалол меҳнат эвазига даромад олиб, иймон-эътиқодли бўлишни тарғиб қилган. Бу ғоялар эса Макка зодагонларининг қаршилигига учраган.

Ниҳоят, жамият тараққиёти жараёнидаги кучли қарама-қаршиликлар, курашлар натижасида ислом давлатига асос солинган. Айни пайтда, давлат бошқарувининг ҳуқуқий тамойиллари Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбар томонидан ишлаб чиқилган.

Ислом давлатини шакллантиришда ҳуқуқий нормаларнинг ҳам ўрни беқиёс бўлган. Зеро, давлат бошқаруви бевосита ёзилган қонун-қоидаларга асосланган ҳолда ташкил этилган бўлиб, улар жамият тараққиётига мутаносиб равишда аста-секинлик билан такомиллаштириб борилган. Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбар томонидан бошқарилган ислом давлати учун қатъий қонунлар мажмуаси ҳисобланган Қуръони карим давлат сиёсатини амалга оширишда асосий манба бўлиб хизмат қилган. Қуръондаги диний, ахлоқий ва ҳуқуқий қоидаларнинг ўша давр ижтимоий воқеалари, жамиятдаги турли ҳодисаларга бевосита боғлиқ эканлиги исботланган. Қуръони карим, унинг сура ва оятлари дунёвий ҳаёт тарзини ҳисобга олган ҳуқуқий нормаларни ўзида мужассамлаштирган манба сифатида ҳам хизмат қилиб келган.

Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбар томонидан бошқарилган кезларда ислом давлати ташқи сиёсат борасида ҳам бир қанча ишларни амалга оширган. Жумладан, қўшни Византия, Эрон, Миср, Ҳабашистон, Яман давлатларига давлат бошлиғи номидан элчилар юборилган. Элчилар томонидан етказилган мактубларда асосан қўшничилик асосида муроса билан яшаш ва исломга даъват ғоялари ифодаланган[1].

Таъкидлаш лозимки, Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбар даврида қабила-уруғларнинг ихтиёрий равишда ислом давлатига бирлашиш жараёни кечган. Эндигина ривожлана бошлаган ислом давлати муайян маъмурий ҳудудларга, вилоятларга бўлинган ҳолда бошқарилган. Ҳар бир ҳудудни волий (ҳоким) бошқарган, улар ўз ҳудудида ижрони таъминловчи давлат органи ҳисобланган.

Илк ислом давлатида ҳокимият тизими деярли ривожланмаган эди. Чунки Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбарнинг ўзлари умумий раҳбарликни амалга

[1] **Закон Кўпрапа.** Ҳазрати пайғамбаримиз ва ислом дини. Иккинчи китоб, Т., «Мовароуннаҳр», 1995, 69-б.

оширганлар. Жумладан, қозилик ҳам у улуғ зот томонидан йўлга қўйила бошланган. Ҳар қандай ҳуқуқий муаммолар Қуръони карим оятлари ва пайғамбар суннатлари асосида ҳал этилган.

Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбар ҳаётликларида ҳокимиятни у киши вафотидан сўнг саҳобалардан айнан ким эгаллаши тўғрисида аниқ фикр-мулоҳаза айтмаганлар. Аммо Қуръони каримда «Эй мўъминлар, Оллоҳга итоат қилингиз ва пайғамбарга ҳамда ўзларингиздан бўлган мусулмон ҳокимларга бўйинсунингиз!»[1] деган оят мавжуд. Шунга биноан, ислом давлатида пайғамбардан сўнг ҳокимиятни халифалар (ўринбосар) эгаллаши тартиби жорий этилган.

Илк ислом давлатидаги давлат бошлиғи институти замон ва маконга кўра такомиллашиб борган ва якка ҳокимиятчиликка асосланган.

---

[1]**Алоуддин Мансур.** Қуръони карим. Таржима ва изоҳлар. Т., «Чўлпон», 1992, 60-б.

1.2. Ислом давлатининг илк босқичида давлатни бошқариш тартиби

Ҳуқуқий пойдевори Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбар томонидан қўйилган ислом давлатини пайғамбаримиз вафотидан сўнг халифалар бошқаришган ва давлат сиёсатини ҳам улар юритишган. Зеро, «халифа» сўзи араб тилида «ўринбосар» деган маънони англатади.

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) вафоти олдидан шундай деган эканлар: «Халифалик мендан сўнг умматим ичида ўттиз йилдир, ундан сўнг подшолик бўлади!»[1]

Ҳақиқатан ҳам, халифалар: Абу Бакр икки йил, Умар ўн ярим йил, Усмон ўн икки йил, Али беш йил, Ҳасан олти ой давлат бошлиғи лавозимини эгаллаган. Юқорида қайд этилганидек, Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбар томонидан башорат қилинган ўттиз йиллик халифалар ҳазрати Абу Бакр, Умар, Усмон, Али ва Ҳасандир. Умуман олганда, ислом давлатчилигида халифа лавозимини эгаллаган шахсга жуда масъулиятли вазифани бажариш юкланиши ҳисобга олиниб, ундан илмли, адолатли, иқтидорли бўлиш ва жисмоний камчиликлардан (кар, кўр, соқов каби камчиликлардан) холи бўлиш талаб этилган.

Ўрганилган манбаларда «хулафои рошидийн»лар, яъни тўғри йўлдан борган халифалар давлатни бошқарганида ҳам жамиятдаги турли гуруҳларнинг қаршилиги сезилгани қайд этилган. Ислом давлатчилиги тарихини ўрганиш билан шуғулланган олимлар бу даврни шартли равишда иккига: «олтин» (632—650 йиллар) ва бошбошдоқлик (650—661 йиллар) даврига бўладилар. Халифа Усмон ва Али давлатни бошқарган даврда фитна кучайиши оқибатида давлат раҳбарлари ўлдирилгани ўша даврда ҳам экстремистик унсурларнинг борлигидан далолат беради.

---

[1] **Зуҳриддин Ҳуснидинов.** Ислом дини ва диний экстремизм: гоялар курраши. «Халқ сўзи», 1999 й., 22 сентябрь.

NAMANGAN DAVLAT UNIVERSITETI Axborot-resurs markazi 269358

Ҳуқуқий жиҳатдан баҳоланганда, халифаликнинг илк даври демократик принциплар асосида тузилган республика шаклидаги давлатни бошқариш тизимидан иборат бўлган эди, десак хато қилмаймиз. Чунки дастлабки халифалар — «хулафои рошидийн» давридаги давлат бошлиқлари сайлов асосида ҳокимиятни эгаллаган. Халифалик лавозими учун ўтказилган сайловлар умумий сайлов, номзод танлаш усули, хусусий сайлов[1] йўли билан амалга оширилган.

Умумий сайлов шундан иборатки, бунда халифа барча умматларнинг кўпчилиги томонидан овоз (байъат) бериш йўли билан сайланган. Биринчи халифа Абу Бакр, тўртинчи ҳамда бешинчи халифалар бўлган Али ва Ҳасан шундай йўл билан сайланганлар.

Номзод танлаш усулида илгариги халифа ўз ўрнини ким эгаллашини, бўлажак халифа номини айтади ва бу номзодни кўпчилик ёқлаб овоз беради. Ушбу усулда иккинчи халифа Умар сайланган. Унинг номзоди халифа Абу Бакр томонидан тавсия этилган.

Хусусий сайловда илгариги халифа томонидан танлаб айтилган, ҳокимият тизимида ишлаган бир неча номзоддан бирини халифаликка муносиб деб ҳисоблаган нуфузли сиёсатчиларнинг овоз беришлари орқали давлат бошлиғи сайланган. Бундай сайлов икки босқичли сайлов сингари амалга оширилган. Санаб ўтилган уч йўсиндаги сайлов «ижмои уммат» — «умматлар келишуви» деб юритилган.

Таъкидлаш жоизки, Арабистондаги ислом таълимоти асосида ташкил топган мусулмон давлатида давлатчиликни ривожлантириш (632—661 йиллар) мақсадида ўз даври учун демократик ҳисобланган кўпгина қонун-қоидалар ишлаб чиқилган. Жумладан, турли сайлов тизимини жорий қилиш орқали халифа сайланган. Аммо жамиятнинг тараққий этишига хизмат қилган бу сайлов усуллари жуда содда, такомиллашмаган, ўша давр ижтимоий-сиёсий тараққиёти даражасига мос ва хос бўлган.

---

[1] **Закои Кўнрапа**. Алвидо, дунё! Ассалом, охират. Учинчи китоб, Т., 1996, 121-б.

Кишилик жамияти юксалиб, тараққиёт юқори даражага кўтарилган ва давлатчиликни ривожлантиришда демократик усуллар такомиллашган ҳозирги даврда мазкур сайлов тартибларидан фойдаланишга бирор-бир эҳтиёж қолмаган. Қолаверса, бугунги кунда дунёдаги барча давлатлар ўзларининг ривожланиш тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда такомиллашган сайлов тизимига эгадир. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «дин бундан буён ҳам аҳолини энг олий руҳий, ахлоқий ва маънавий қадриятлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилиши тарафдоримиз. Лекин биз ҳеч қачон диний даъватлар ҳокимият учун курашга, сиёсат, иқтисодиёт ва қонуншуносликка аралашиш учун байроқ бўлишига йўл қўймаймиз»[1] деган фикрни билдириб, Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий тараққиёт жиҳатидан дунёвий давлат эканини ўринли эътироф этган.

1.3. Давлат бошқарувининг салтанат шакллари ва усуллари. Шом умавий халифалиги

Баён этилганлардан ташқари, ўша даврдаги давлат ижтимоий ҳаётида халифа лавозимини эгаллаш жараёнида тўртинчи шаклдан ҳам фойдалаиилган. У қилич ҳуқуқи асосида ёки монархия шаклида ҳокимиятни бошқариш дейилади. Бунда мусулмонлар орасида қарама-қаршиликларнинг кучайиши, ихтилофларнинг келиб чиқиши оқибатида уларнинг қаршилигини бостиришга, давлат сиёсатини тўғри йўлга тушира олишга қодир бўлган нуфузли сиёсатчилардан бирининг халифаликни зўрлик билан эгаллаши тушунилади. Қилич ҳуқуқи шаклида халифаликни эгаллашга мушарраф бўлган биринчи давлат бошлиғи Шом вилояти ҳокими лавозимида ишлаган Абу Суфён ўғли Муовия ҳисобланади.

---

[1] **Ислом Каримов.** Буюк келажак сари. Т., «Ўзбекистон», 1998, 6-б.

Маълумки, ислом халифалиги тарихий-ҳуқуқий жиҳатдан (VII–XX асрлар) беш даврдан иборат тарихий жараённи ўз ичига олади:

– «Хулафои рошидийн» халифалиги даври (632–661 йиллар);

– Шом умавийлар халифалиги даври (661–750 йиллар);

– Ироқ аббосийлар халифалиги даври (750–1258 йиллар);

– Миср аббосийлар халифалиги даври (1261–1517 йиллар);

– Усмонли турклар халифалиги даври (1517–1924 йиллар).

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Али ибн Абу Толиб, яъни тўғри йўлдан борган тўртинчи халифа давлат раҳбари мавқеини эгаллаганида халифаликка қарашли барча вилоят волийлари ва мусулмон жамоалари унинг номзодини ёқлаб овоз берган бўлса-да, Муовия уни ёқлаб овоз беришдан бош тортган. У Алига қарши очиқдан-очиқ кураш олиб бориб, ўзи бошқарган Шом вилоятини халифалик таркибидан чиқарган, ўзини эса алоҳида ҳудуд халифаси деб эълон қилган.

Ўша пайтдан (661 йил) бошлаб халифаликда парокандалик юз беради: Али тарафдорлари «шиа»лар ва Муовия тарафдорлари «сунний»лар деб атала бошланади. Ислом давлатидаги мусулмонлар икки йўналишга: шиа ва суннийларга бўлинади. Аммо халифа Али ўлдирилганидан сўнг унинг ўғли Ҳасан халифаликни эгаллаб, давлатдаги зиддиятларни, айниқса, давлат ҳокимиятини эгаллаш учун кураш, очиқдан-очиқ уруш бошланиши эҳтимолини ҳисобга олган ҳолда, қисқа муддат ичида халифаликдаги тангликни, ички келишмовчиликларни бартараф этиш мақсадида шошилинч чора-тадбирлар кўради. Лекин кўп ўтмай у минтақада тинчликни таъминлаш, ислом давлатидаги тарқоқликка барҳам бериш учун ихтиёрий равишда ҳокимиятни Муовияга топширади.

Замонамиз тарихчилари, жумладан, диний уламоларимиз ҳам ҳазрати Ҳасанни «хулафои рошидийн»нинг бешинчиси дейишни инкор этмоқдалар. Аммо Абдурауф Фитрат «Ҳазрати Али шаҳодатидан сўнг унинг тарафдорлари имом Ҳасанни халифа қилдилар»[1], Закои Кўнрапа эса «Куфа халифаси Али ўлдирилганидан сўнг ўрнига Ҳасан халифа этиб сайланди. У олти ой халифалик қилди»[2] деган фикрни билдирган. Ислом давлатчилиги тарихига оид асарларда ҳам шунга ўхшаш фикр-мулоҳазалар билдирилган. Биз ҳам ҳазрати Ҳасанни тўғри йўлдан борган бешинчи халифа деган фикрдамиз. Қолаверса, Расули акрамнинг ўзлари набиралари Ҳасан тўғрисида «Менинг мана бу ўғлим (набирам) саййиддир. Шояд Оллоҳ таоло унинг воситаси ила мусулмонларнинг икки гуруҳини яраштирса!»[3], деган ҳадисларини келтиришни жоиз деб биламиз.

Биринчи уммавий халифа Муовия давлатни бошқариш жараёнида ўзидан илгариги халифаларнинг ҳокимиятни бошқаришдаги сиёсий йўлига амал қилмасдан, кенгаш, маслаҳат асосида иш кўрмасдан, якка ҳокимиятчиликка, ижтимоий адолат иормаларининг бузилишига, аҳолини талаш, жабр-зулмга кенг йўл очиб беради. У халифаликни мутлақ монархия, мутлақ ҳоким шаклида бошқаришни жорий этган. Халифалик лавозими отадан ўғилга, қариндош-уруғларга мерос тариқасида ўтишининг тарафдори бўлган.

Юқорида қайд этилганидек, Шом уммавий халифаларидан баъзи бирлари давлатни бошқарганда «араб» ва «ажам» сиёсатини қўллаб-қувватлашган, яъни «араб миллати олий ирқдан тарқалган», деган ғояни илгари суриб, ўзлари босиб олган ҳудудда яшовчи турли миллатларни доимий равишда итоатда сақлашга

---

[1] **Абдурауф Фитрат.** Мухтасар ислом тарихи. Т., «Нур», 1992 й., 6-б.

[2] **Закои Кўнрапа.** Алвидо, дунё! Ассалом, охират. Учинчи китоб. Т., «Мовароуннаҳр», 1996, 127-б.

[3] **Исмоил ал-Бухорий.** Ҳадислар тўплами. Т., «Қомуслар бош таҳририяти», 1997, 532-б.

уринганлар. Араблаштириш, миллий адоват, камситишга йўл қўйилганлиги сабабли кейинчалик арабларга қарши озодлик, мустақиллик учун кураш олиб борувчи турли ташкилотлар тузилган. Халифаликдаги ички зиддиятларнинг бу қадар кучайиши охир-оқибатда мазкур сулола вакилларини ҳокимиятдан бутунлай четлаштиришга олиб келган.

Таъкидлаш лозимки, Мовароуннаҳр ҳудуди ҳам умавий халифалар томонидан ишғол этилган ва бу ҳудуд халифалик таркибига киритилган. Бу даврда суннийликнинг давлатчилик ҳақидаги таълимоти очиқдан-очиқ бузилган, якка ҳокимиятчилик асосида бошқариш охир-оқибатда давлатнинг инқирозга юз тутишига сабаб бўлган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, халифаларнинг ислом дини ғояларини Мовароуннаҳрда яшаган халқларга сингдириши осон кечмаган. Манбаларнинг гувоҳлик беришига қараганда, Мовароуннаҳр ҳудудини эгаллашда араблар жуда қаттиқ қаршиликка дуч келганлар. Халқнинг мустақилликни сақлаб қолиш учун арабларга қарши кураши узоқ йиллар давом этган. Ўлкада ислом дини ғояларини ёйиш учун уммавий халифалар сиёсатда турлича усулларни қўллаганлар. Жумладан, улар ўзлари эгаллаган ҳудудда яшовчи туркий аҳолиии ислом динини қабул қилишга мажбур этиб, бу динни ихтиёрий қабул қилмаганларга нисбатан жузъя ёки хирож тўлашни жорий этган. Аг-Табарийнинг таъкидлашича, араблар жузъя ва хирож тўловчилар бўйнига бу ҳақда ёзилган муҳрланган қоғоз остирганлар. Бундаи ташқари, «Араб ҳокимиятининг кучи — хирожда» деган ақида тарғиб қилинган[1]. Шунга қарамасдан, мовароуннаҳрликлар вақти-вақти билан араб мустамлакачиларига қаттиқ қаршилик кўрсатиб, мустақиллик учун курашишни давом эттирганлар. Кейинчалик арабларнинг исломни жорий этишдаги солиқ сиёсати ўз кучини йўқота борган. Уммавий халифалар тахтдан четлаштирилиб, уларнинг ўрнини эгаллаган аббосий

[1] Ўзбекистон халқлари тарихи. Т., «Фан», 1992, 75—81-б.

халифалар (750 йил) ҳам Мовароуннаҳрда ўз ҳукмронлигини сақлаб қолишга ҳаракат қилган. Қаршиликлар эса давом этган. Бухорода рўй берган Абу Муслим, Муқанна қўзғолонлари арабларнинг бу ҳудуддаги мавқеининг пасайишига сабаб бўлган. Улар ерлик аҳолини итоатда сақлаш учун илгари жорий қилинган хирож ёки жузъя тўловларини бекор қилишга мажбур бўлганлар. Араблар аҳолини жума намозига жалб этиш учун икки дирҳамдан пул тарқатган. Ислом дини ғоялари аста-секинлик билан ижтимоий ҳаётдан жой ола бошлаган, Мовароуннаҳр халифалик таркибига киритилган. Аммо IX асрдан бошлаб бу ҳудудда янгидан ташкил топган давлатлар вассал сифатида халифаликка бўйсунган бўлса-да, амалда мустақил сиёсат юритганлар.

Манбаларда қайд этилишича, ислом давлати — халифаликка асос солингунга қадар қурайш қабиласи бир неча уруғдан ташкил топган бўлиб, уруғлар орасида, жумладан, уммавий ва ҳошимийлар ўртасида ўзаро келишмовчиликлар содир бўлиб турган. Бундай ҳолатлар халифалик замонида кескин тус олиб, ўзаро ҳокимият талашишга сабаб бўлган.

1.4. Ироқ аббосий халифалиги

Ҳошимий уруғига мансуб Абул Аббос Абдуллоҳ Ироқ шаҳрида умавий халифалардан ҳокимиятни тортиб олиб, (750 йил) ўзини халифа деб эълон қилади. Шу йўсинда аббосийлар халифалигига асос солинган. Умавий халифалар араб бўлмаганларга қарши «араблик», арабларга қарши «қабилачилик» сиёсатини амалга оширган бўлса, аббосий халифаларининг сиёсати улардан фарқ қилган. Улар дастлаб араб бўлмагаиларга суяниб, араблар ва уммавийларга нисбатан жабр-зулм, уларни таҳқирлаш, инсоний ҳақ-ҳуқуқларини камситишга урингаи, кейинчалик эса арабларга суянган[1] ҳолда араб

[1] **Закои Кўнрапа.** Алвидо, дунё! Ассалом, охират. Учинчи китоб. Т., 1996, 136-б.

бўлмаган халқларни камситиб, адолатсизликка йўл қўйганлар. Улар араб ва ажамлар орасидаги муносабатларда келишувчилик сиёсатини амалга ошириш орқали давлатни салтанат (монархия) шаклида бошқаришга уринишган. Умавий халифаликнинг маркази Шом (Сурия) ҳисобланган, аббосийлар эса Бағдод (Ироқ)ни ўзларига марказ қилган эди. Уммавийлар оқ байроқ ва оқ кийим, аббосийлар қора байроқ ва қора кийими билан ажралиб турганлар.

Аббосий халифалар давлатни салтанат шаклида бошқариб, давлат сиёсатида суннийлик таълимотини асос қилиб олганлар. Давлат бошлиғи халифа бўлган.

Беш аср давомида жамият тараққиётидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиб келган бу халифалик мўғуллар истилоси оқибатида барҳам топди.

Аббосий халифалар ислом давлатини марказлашган давлат тарзида бошқара олмагани сабабли у парчаланиб кетган. Жумладан, Миср, Сурия, Эрон, Хуросон, Турон IX асрда халифаликдан ажралиб чиққан. Ироқ аббосий халифалари ўттиз етти нафар бўлиб, улардан ўнтаси тахтдан туширилгани, тўққизтаси ўлдирилгани, учтаси кўр бўлиб, тўрттаси юрак хасталиги касаллигидан, қолганлари ўз ажаллари билан вафот этгани[1] манбаларда битилган. Қайд этиш жоизки, IX—XI асрларда халифаликнинг юксак маданият ўчоғига айланишида мовароуннаҳрлик Имом Бухорий, Имом Термизий, Форобий, Ибн Сино, Хоразмий, Беруний, Фарғоний ва бошқа буюк алломаларнинг хизмати беқиёс.

1.5. Миср аббосий ва Усмонли турк халифаликлари

Мўғуллар Бағдодни, яъни аббосийлар халифалигининг марказини эгаллаганидан сўнг уч йил давомида ҳеч ким халифа лавозимига эриша олмаган. Охирги аббосий халифанинг мўғулларга бўйсуниб, мағлуб бўлишига

[1] **Закои Кўнрапа.** Алвидо, дунё! Ассалом, охират. Учинчи китоб. Т., 1996, 136-б..

унинг вазири — шиа мазҳабидаги ал-Қамийнинг «хизмати» катта бўлган. У мўғуллар билан тил бириктириб, уларга ёрдам берган ва алдов йўли билан халифани мўғуллар қўлига топширган. Халифа мўғуллар томонидан қатл этилган. Ироқ аббосий халифалиги тугатилгандан уч йил ўтгач, аббосийлардан бўлган Аҳмад ибн Зоҳирни (Мустансир биллоҳ) Миср султони халифа деб эълон қилади. 1261 йилдан Миср аббосийлар халифалигига асос солинади. Аммо Миср аббосийлар халифалигида халифа давлат бошлиғи эмас, балки давлатда диний ва дунёвий сиёсатни амалга оширишда султонга маслаҳатчи бўлган, холос.

1517 йили Араб халифалигининг ўрнини Усмонли турк халифалиги эгаллайди. Усмонли халифалар Туркия ичида подшоҳ, давлат бошлиғи ҳисобланган бўлса, давлат ташқарисида мусулмонларнинг халифаси ҳисобланган. Шунинг учун Усмонли турк давлатида подшоҳнинг икки вазири бўлиб, улардан бири «Садри Аъзам», иккинчиси эса «Шайхулислом» деб номланган. Садри Аъзам давлат ишларини бошқариш билан машғул бўлган, Шайхулислом халифанинг вакили сифатида барча мусулмон давлатларидаги аҳолининг шариатга асосан иш юритишини таъминлаган. Усмонли турк халифалигида суннийлик таълимоти асосида шариат қонун-қоидалари билан давлатни бошқариш жорий этилган.

Давлатни бошқариш шакли монархиядан иборат бўлиб, подшоҳларга бек, амир, чалабий, хон, хоқон, ғозий каби номлар берилган. Усмонли турк давлатида суннийлик таълимоти жорий этилгани учун давлат бошлиғи «ақлли бўл, адолат қил, золим подшоҳ тахтдан туширилади» деган тамойиллар асосида иш юритишга интилганлар. Усмонли турк халифалари бир неча аср давомида шариатга суянган ҳолда давлат сиёсатини юргизган. Давлат бошлиғи лавозимини эгаллашга меросхўр сулола ичидан энг катта шаҳзодани валиаҳд деб билиб, мутлақ монархия тарафдори бўлган.

Ўтган аср бошларида жаҳон давлатлари ижтимоий ҳаётида юз берган сиёсий ўзгаришлар, тўс-тўполонлар, курашлар, айниқса, Биринчи жаҳон уруши Усмонли турк халифалигининг парчаланишига сабаб бўлди. Усмонли турк давлатида то 1920 йилгача подшоҳ ва халифа лавозими бир мансабдор шахснинг қўлида эди. 1920 йилнинг март ойидан бошлаб бу мансаблар бир-биридан батамом ажратилди. Салтанат бекор қилинган қисқа давр, яъни 1920 йилнинг бошидан то 1924 йилнинг мартигача фақат халифа фаолият кўрсатган. Буюк Миллат Мажлисининг 1924 йил 3 мартдаги қарори билан халифалик тугатилган. Халифаликка асосланган Усмонли турк давлатининг тугатилишида Мустафо Камол Отатуркнинг хизмати беқиёс. У 1923—1928 йиллар давомида Туркияда ислоҳот ўтказиб, ислом динини давлатдан ва мактабдан ажратди. Шунингдек, у кўпхотинлиликни тақиқлаган, никоҳ ва талоқда эркак ва аёлнинг ҳуқуқларини тенг деб эътироф этган, диний мактаблар, дин ишлари ва вақф вазирлигини тугатган, дунёвий суд тизимини, европача кийиниш ва Европа маданиятини жорий қилган, ниҳоят, халифалик бекор қилинган[1].

Усмонли турк империяси — буюк салтанат сифатида беш аср ҳукм сурган. Усмонли турк империяси даврида суннийликнинг ҳанафия мазҳаби таълимоти қонунчиликда ҳукмронлик қилган. Шунинг учун 1869—1876 йилларда ҳанафия ҳуқуқ мактаби таълимоти асосида қонунлар мажмуаси — «Мажалла» ишлаб чиқилган. Қозилар мана шу манбага суяниб иш кўрганлар.

Қайд этиш лозимки, буюк салтанат соҳиби Амир Темурнинг Анқара яқинида турк подшоҳи Султон Боязидни енгиши усмонлиларнинг илк марказлашган давлатини қулатган. Бу давлатда «бебошлик» даври бошланиб, қарийб юз йил мобайнида улар ўзаро бирлаша олмаганлар. Темурийлар ва ундан кейинги даврда Турон заминидаги ҳукмдорларнинг бирортаси турк халифасига итоаткор бўлмаган. Соҳибқирон Амир Темур эса тарихда «Европа халоскори» деган ном қолдирган.

---

[1] **Л. Массэ.** Ислам. М., «Наука», 1982, 7-б.

Манбаларга таяниб айтиш мумкинки, давлатни адолат, тинчликсеварлик, инсонпарварлик ғояларига асосланган ҳолда бошқариш тўғрисидаги Муҳаммад (с.а.в.) томонидан ишлаб чиқилган, кейинчалик эса «хулафои рошидийн» даврида ривожлантирилган таълимотларни амалда жорий этиш Умавий, Ироқ, Миср, Усмонли халифалари томонидан бузилган. Улар турли хатоларга йўл қўйиб, яккаҳоким (монарх) сифатида давлатни бошқаришга интилганлар ва оқибатда ҳокимиятдан маҳрум бўлганлар. Халифалик эса жамиятда ўрни йўқлиги сабабли фақаттина тарихий бошқарув шакли сифатида муҳрланган. Чунки XX аср бошларида жаҳонда турли миллатлар ва элатлар мустақилликни қўлга киритиш учун астойдил курашиб, алоҳида-алоҳида давлат сифатида тан олинган.

VII асрда пайдо бўлган шиалик ва суннийлик ўртасидаги рақобат аста-секин ғоявий жиҳатдан бир-бирига қарама-қарши кучлар курашига айланиб, то ҳозирги давргача давом этиб келмоқда.

Салжуқийлар ҳукмдори Маликшоҳнинг вазири Низомулмулк томонидан ёзилган «Сиёсатнома» асарида Муҳаммад (с.а.в.) нинг халифа Алига мусулмон аҳолисининг ғоявий жиҳатдан бўлиниши ҳақида куйиниб гапиргани, бу зиддиятга мутлақо қарши фикрда бўлгани[1] қайд этилган. Яна шу манбада Муҳаммад (с.а.в.) ислом динида турлича бўлинишлар юз бериши ҳақида ҳам қатор фикрларини ҳадислар орқали баён қилганлари ёзилган. «Агар давлатда, унга қарши турли оқимлар пайдо бўлса, — деб таъкидлаган Низомулмулк, — давлат бошлиғи, яъни подшоҳ энг аввало мамлакатни улардан тозалаши керакдир, шундагина аҳоли эркинликда, мулк ва давлатларига эгалик қилиб, тинч яшайди»[2]. Муаллифнинг бу фикри гўёки ҳозирги даврдаги диний-сиёсий оқимларнинг қилмишлари ҳақида айтилган башоратдек туюлади.

---

[1] **Низомулмулк.** Сиёсатнома ёки шар ул-мулк. Т., «Адолат», 1997, 160-б.
[2] Ўша асар, ўша бет.

1.6. Суннийлик ва шиаликнинг давлатни бошқаришдаги фарқи

Мусулмон давлатчилигига оид манбаларни ўрганиш асносида суннийлик ва шиаликнинг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг ўзаро фарқи, ҳокимиятнинг ким томонидан эгалланиши, қай йўсинда бошқарилиши, давлат бошлиғи лавозимини эгаллаган шахснинг мавқеи, унинг давлатни бошқариш услуби каби сиёсий масалалар юзасидан бир-бирига зид қарашлар илгари сурилгани ҳақидаги маълумотларга дуч келдик. Ҳар икки йўналиш (мазҳаб) асосчилари ибодатда бир-биридан унча фарқ қилмайдиган қонун-қоидаларни ишлаб чиққан бўлса-да, аммо ҳокимиятни эгаллаш ва бошқариш борасида қарама-қарши ғояларни тарғиб этганлар. Жумладан, суннийлар ўзларини «аҳли сунна ва ал-жамоа» — «суннат аҳли» деб эълон қилиб, дастлабки тўрт халифа, Қуръони карим ва Муҳаммад пайғамбарнинг суннатларига қатъий риоя этган ҳолда давлатни бошқариш зарур, деб ҳисоблашади. Улар ҳокимиятни сайлов асосида, қолаверса, барчанинг иштирокидаги сайлов тизими ёрдамида ташкил қилиш, давлат бошлиғи — халифа диний ва дунёвий сиёсатни амалга ошириш жараёнида давлат фаолияти билан боғлиқ баъзи муҳим масалаларни халқ муҳокамасидан ўтказиши, баъзан эса шариатдан чуқур билимга эга бўлган илоҳиётчилар билан маслаҳатлашган ҳолда амалга ошириш, шунингдек, жамоа аъзоларининг ҳукмдорга бўйсуниши зарурлиги, давлат бошлиғи ғайриқонуний сиёсат олиб бориб, жабр-зулм ўтказган тақдирдагина у мусулмон аҳолиси томонидан ҳокимиятдан четлаштирилиши мумкин, деган таълимотларга асос солганлар. Яна суннийлик таълимотига кўра, Қуръон ва суннатлар билан тартибга солинмаган баъзи бир муҳим муаммоларни шахсан ўзи ҳал эта олиш қобилиятига эга бўлган, мусулмон ҳуқуқини мукаммал билган етук шахс халифа лавозимини эгаллашга ҳақли ҳисобланган.

Шиалар таълимотига кўра эса, давлат бошлиғи — имом, бу лавозимни эгаллаш учун сайлов ўтказишга асос

йўқ, чунки Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбарнинг қизи Фотима билан куёви Алидан тарқалган мусулмон шахс имомликни эгаллашга ҳақли бўлиб, у Оллоҳнинг вакили ҳисобланади. Имом узил-кесил (мутлақ) ҳокимиятга эга бўлиб, давлат ҳудудида яшаб турган барча аҳоли унга сўзсиз бўйсуниши лозим. Давлатни бошқариш ва давлат сиёсатини амалга ошириш борасида имомнинг ўзи кенгаш, маслаҳатсиз қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга. Шу ўринда бу таълимотнинг ҳам эндиликда эскиргани кўзга ташланмоқда. Эрон Ислом давлатида яқинда бўлиб ўтган сайловлар жараёнида аҳолининг демократик йўл билан давлат ҳокимияти тизимини яратишга бўлган интилиши бунга ёрқин мисол бўла олади.

Ислом динидаги бу икки йўналиш тарихий тараққиёт жараёнида турли мазҳаблар ва оқимларга бўлиниб, турли ғоя ва фикрлар туғилишига сабаб бўлган.

Манбалардаги маълумотларга қараганда, суннийликда бир неча сиёсий оқимлар, Ҳанафий, Моликий, Шофиъий ва Ҳанбалий таълимотларига асосланган ҳуқуқ мазҳаблари мавжуд[1].

Шиаликда жаъфарий, зайдий, исмоилий, ибодийлар каби мазҳаблар мавжуд. Уларнинг ҳам ҳар бири диний-ҳуқуқий масалалар юзасидан алоҳида қарашларга эга.

Бизнингча, мусулмон ҳуқуқи ва қонунчилигининг тарихий-ҳуқуқий жиҳатдан ривожига беназир ҳисса қўшган суннийликдаги ҳуқуқ мазҳаблари таълимотларини турли даврларда жамият тараққиётига тўсқинлик қилиб келган сиёсий экстремистик оқимлар ва ҳаракатларга қўшиб юбормаслик керак.

Хулоса қилиб айтганда, «ислом ҳақ дин, уни аждодларимиз араб қиличидан қўрққанидан ёки моддий ваъдаларига қизиққанидан эмас, чин дилдан ўрганиб, тушуниб, эски ботил эътиқодлар билан қиёслаб, афзаллигига ишонч ҳосил қилгач, ихтиёрий қабул қилган эканлигига иймон келтирмоғимиз керак»[2].

---

[1] **М. Ражабова.** Шариатда жиноят ва жазо. Т., «Қонун ҳимоясида», 1996, 15–18-бетлар.

[2] **Муҳаммаджон Имомназаров.** Огоҳ бўлайлик. Т., «Академия», 1999, 162-б.

Ачинарлиси шундаки, XX асрнинг охирида ақидапарастлар ва ислом ниқоби остида ҳокимиятга интилаётган диний-экстремистик оқимларнинг аъзолари халифаликка қайтиш тўғрисидаги ўта тор, мутаассиб, динлар ва миллатлар орасига низо соладиган, энг муҳими, шариатдаги барча инсонлар, ирқи, жинсидан қатъи назар, тенглиги, инсонпарвар бўлиш, ўзаро ҳамкорликда яшаш, адолат билан иш юритиш, ҳалол меҳнат эвазига кун кечириш, бегуноҳ инсонларнинг қонини ноҳақ тўкмаслик ҳақидаги умуминсоний қадриятлар билан уйғунлашган ижобий ғояларни очиқдан-очиқ рад этиб, халқаро террорчилик ва дин ниқоби остидаги экстремизмни авж олдириб, бутун инсоният ҳаётига таҳдид солишга уринмоқда.

Ислом дини давлат мафкураси даражасида хизмат қилган ва қилаётган давлатларда давлат бошлиғини сайлаш тўғрисидаги суннийликдаги ижобий таълимот рад этилиб, давлат бошлиғи лавозими мерос тариқасида авлоддан авлодга берилиб, давлат монархия, якка ҳокимиятчилик тарзида бошқарилмоқда. Айниқса, шиалар ва суннийлар фирқаларга бўлиниб, ислом дини ниқоби остида ношаръий ишларга қўл урганликлари, баъзан бегуноҳ аҳолининг қонини тўкиш эвазига тахтни эгаллашга уринганликларига тарихда мисоллар оз эмас. Аммо барча даврларда ҳам диннинг асл моҳиятини бузишга ҳаракат қилган жиноятчилар жазосиз қолмаган. Манбаларда ислом давлатчилиги тарихига йўлдош, турли давр ва маконда шаклланган ҳамда барҳам топган еттита катта йўналиш, оқим тарафдорлари ўз замонасида динга мутлақо алоқаси йўқ экстремистик ёки сепаратистик кучлар деб жазоланган. Булар жумласига: 1) Муътазила; 2) Мушаббиҳа; 3) Қадаррийя; 4) Хавориж; 5) Зайдийя; 6) Нажжорийя; 7) Муржиъйа киради. Бу етти йўналиш яна бир нечтадан кичик-кичик, жами 72 та фирқалар (партиялар)га бўлинган. Масалан, йирик имомлардан саналган Муҳаммад Зоҳид Қутқу ибн Иброҳим ал

Бурсавий «Ҳазрати пайғамбаримизнинг уммати эса етмиш уч фирқага бўлинди. Етмиш икки фирқа залолатда қолиб, ҳалок бўлган. Фақатгина «аҳли сунна вал жамоа» мазҳаби саломатда қолиб, нажот топгандир. Буни эса «Саводил Аъзам» дейдилар. Бинобарин, аҳли сунна жамоатидан заррача айрилган киши исломни эгнидан ечган, яъни исломиятдан узоқлашган бўлур» деб ҳисоблаган. Ҳозирда ислом дини ниқоби остида фаолият кўрсатаётган экстремистик кайфиятдаги «Ҳизб ут-таҳрир»га ўхшаш фақат тожу тахт, ҳокимиятга эга бўлишга интилганларнинг ўрни ҳам юқорида қайд этилган ислом таълимотидан мутлақо ажралган етти бузғунчи оқимлар ичидадир, дейишга ҳақлимиз.

Ҳозирда жаҳон тараққиётида юз бераётган интеграциялашув жараёни, ўзаро ҳамкорлик муносабатлари тобора кенгайиб бораётган бир пайтда диний-сиёсий оқимлар ва ақидапарастлар бу жараёнларга тўсиқ бўлиб, дин ниқоби остида уюшган жиноий гуруҳлар ва уюшмалар ташкил этиб, ўта оғир жиноятлар содир этмоқда. Бундай «ташкилотлар» тарқалган араб давлатларида уларнинг қилмишлари жиноят ҳисобланиб, қаттиқ жазо жорий қилинган. Масалан, «Мусулмон биродарлар» диний-экстремистик уюшма раҳбарларидан бири Саид Қутб 1954 йилда Миср Араб Республикаси (МАР) суди томонидан жазоланиб, 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган. 1964 йилда у жазони ўтаб, озодликка чиққандан сўнг ўзининг диний-экстремистик фаолиятини давом эттиргани учун орадан кўп вақт ўтмасдан (1965) яна қамоққа олинган. Ҳукуматга қарши фитна уюштирганликда айбланиб, суд ҳукми билан осиб ўлдирилган.

Шунингдек, 1974 йилнинг 18 апрелида МАР Президенти Анвар Саодатни отиб ўлдирган икки нафар экстремистик исломий уюшма аъзолари суд ҳукми билан ўлим жазосига, 29 нафар айбдорлар умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Умуман олганда, МАР

Президенти Анвар Саодат томонидан «Ҳизб ут-таҳрир» жиноий уюшмасининг илдизи ҳисобланган «Мусулмон биродарлар»га ўхшаш бир неча экстремистик уюшма таркибидаги жиноятчиларга нисбатан инсонпарварлик принципи асосида суд томонидан белгиланган жазони енгилроқ жазога алмаштириш ёки жазодан озод қилиш сиёсати қўллангани кейинчалик бу давлатда янгитдан қатор диний экстремистик жиноий гуруҳлар ёки жиноий уюшмаларнинг кўпайишига олиб келган. Оқибатда Анвар Саодатнинг ўзи экстремистик террорчилар томонидан ўлдирилиши билан якунланган. Ўзбекистон Республикасида шунга ўхшаш жиноятларни содир этган жиноятчиларга жазо тайинлашда айб учун жавобгарлик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги каби принципларидан янада самарали фойдаланиш зарурлигини тақозо этади. 2000 йилнинг январь ойида Араб давлатлари лигаси аъзолари ҳисобланган 20 дан ортиқ давлат раҳбарлари «Жазоир ва минтақадаги террорчилик гуруҳларига қарши курашни кучайтириш» тўғрисида ўзаро келишиб олди[1]. Бу эса террорчиликка бутун дунё миқёсида кураш бошланганидан далолат беради.

[1] Террорчиликка қарши кураш. «Халқ сўзи», 2000 й., 24 январь.

II боб. МУСУЛМОН ҲУҚУҚИДА АДОЛАТ ВА ҚОЗИЛИК

2.1. Ислом ҳуқуқида қозиликнинг пайдо бўлиши ва унинг мазмун-моҳияти

Ислом ҳуқуқида давлатчиликни шакллантириш ва ривожлантириш, давлат механизмини такомиллаштиришда муҳим ўрин тутган қозилик ҳокимияти тўғрисидаги таълимотни ўзида акс эттирган ғояларнинг баъзи бир жиҳатларини тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Арабистон ярим оролида пайдо бўлган ислом давлати, унинг қонунчилик тизимини ўзида мужассамлаштирган шариат IX асрлардан бошлаб Мовароуннаҳр — Марказий Осиё ҳудудида ҳам ривожланиб, Шарқ уйғониш даврига келиб, ҳуқуқий жиҳатдан юксала борди ва тараққий топди.

Шу ўринда «Ислом ҳуқуқида қозилик лавозими қачон таъсис этилган?» деган савол хусусида ҳам ўйлашга тўғри келади. Қайд этиш жоизки, Муҳаммад (с.а.в.) бошчилигида ислом давлати ташкил этила бошлаган (610—632 йиллар) даврда қозилик мансаби таъсис этилмаган. Қозилик фаолиятини Пайғамбарнинг ўзлари амалга оширганлар. Шунингдек, биринчи халифа Абу Бакр даврларида ҳам бу давлатда алоҳида қози тайинланмаган. Халифанинг ўзи айни бир вақтда қози вазифасини ҳам бажариб келган. Аммо иккинчи халифа ҳазрати Умар ибн Хаттоб қозиликни халифалик ҳокимиятининг алоҳида тармоғи сифатида ажратиб, биринчи марта Куфа шаҳрига мустақил қози тайинлаган. Кейинги халифалар ҳам худди шу тарзда қозиликни мустақил тизим тариқасида ривожлантиришга ҳаракат қилганлар.

«Қози» сўзи араб тилидан олинган бўлиб, унинг луғавий маъноси «буюрмоқ», «ҳукм қилмоқ» тушунчасини англатади. Муқаддас Қуръони каримдаги бир неча оятлар мазмунида ҳам бу сўзнинг маъноси мужассамлашган. Мисол учун, «Нисо» сурасида (58-оят) «... адолат билан ҳукм қилишга буюради»[1], «Ғофир» сурасида (68-оят) «... ҳукм қилса»[2], «Моида» сурасида (49-оят) «улар ўртасида Аллоҳ нозил қилган нарса оятлар билан ҳукм қилинг»[3] кабилар бирор-бир низони ҳал этиш ва қарор қабул қилиш ҳақидаги Оллоҳнинг буюрганини англатади. Шу ўринда суннийлик таълимотидаги тўрт мазҳаб асосчиларининг қози тушунчаси ҳақидаги фикрларини айтиб ўтиш жоиздир. Ҳанафий мазҳабида қози сўзининг шаръий маъноси ажратиш, икки шахс орасидаги келишмовчиликни бекор қилиш, низони тугатиш деб таърифланган бўлса, шофиъий мазҳабидагилар Оллоҳнинг ҳукми, номи билан икки киши даъвосини ажратиш деб фикр юритган. Моликий мазҳабидагилар уни шаръий ҳукм, бирор-бир аниқ фикрга келиш, қўллаш, деб тушунган бўлса, ҳанбалий мазҳабидагилар шаръий ҳукмга биноан мажбур қилиш, ажратиш хусусиятига эга[4], деб ҳисоблайдилар.

Ватандошимиз Бурҳониддин Марғиноний эса «қози» — «қадо» сўзидан олинган бўлиб, у бирор-бир ишни кўриш маъносини англатади, деган фикрни билдирган. Гарчанд бу мулоҳазаларда қози сўзи турлича шаклда ифодаланган бўлса-да, биз ҳанафий мазҳаби томонидан бу сўзга билдирилган тушунчани маъқуллаб, ҳозирги кунда ҳам бу тушунчалар ўзининг аҳамиятини йўқотган эмас деб ўйлаймиз.

---

[1] **Абдулазиз Мансур.** Қуръони карим маъноларининг таржимаси. Т., «Ислом университети», 2001, 87-б.

[2] Ўша китоб. 475-б.

[3] Ўша китоб. 116-б.

[4] **Доктор Муҳаммад Рафат Усмон.** Ислом фиқҳида қозилик Низоми («Ал-Низоми ал-Қазои фил-ал-ислам». 1989 й. «Мактабатул халоҳ». Ал-Қувайт. Араб тилида) 17—21-бетлар.

Шу ўринда «муфтий» ва «қози» сўзи айнан бир маънони англатадими, деган савол туғилади. Муфтий — фатво берувчи, бирор-бир шаръий маънодаги қонун-қоидани татбиқ қилишни тушунтирувчи, тавсифловчи, шарҳловчи ёки аниқлаб берувчи, чуқур шаръий билимга эга бўлган мансабдор шахс бўлиб, юз берган турли хил ижтимоий воқеликларни ўрганиб, тегишли ҳолатларни таҳлил қилган ҳолда диний ва дунёвий масалаларни шариат асосида ҳал этиш масъулияти унга юклатилган.

Қози эса ҳар бир ижтимоий воқеликка нисбатан бевосита шаръий қонунларни татбиқ этиш ва уларни қўллаш, одатда ижро этиш, яъни амалиётга татбиқ этишни таъминлаш ваколати юклатилган мансабдор шахсдир.

Хулоса қилиб айтганда, муфтий шариатдаги турли ҳуқуқ соҳаларини тушунтириш билан шуғулланса, қози шу ҳуқуқ нормалари асосида аниқ қарорлар ва ҳукмлар қабул қилади. Муфтий ва қози ҳокимият вакили ҳисобланиб, улар мазкур лавозимга давлат раҳбари, султон, подшоҳ ёки президент томонидан тайинланади.

Мусулмон ҳуқуқида қози лавозимини таъсис этиш зарурати дастлаб Қуръони каримда, кейин эса пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) суннатларида, шунингдек, мазҳаблар таълимотларида акс эттирилган.

Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбар қозилик лавозимига масъулият билан қарашни таъкидлаганлар. Ул зот ўз ҳадисларида қозиларнинг шахси ҳақида шундай фикр билдирганлар: «Икки хил қозилар борки, улар дўзахга маҳкумдирлар. Яна бир хиллари эса жаннатийдирлар. Ҳақни билиб, ҳаққоний ҳукм чиқарадигани жаннатийдир. Ҳақни билса-да, ноҳақ ҳукм чиқарадиган ёки умуман илми бўлмаса-да, ўз раъйича ҳукм чиқарадиган қозилар дўзахийдирлар»[1].

[1] Минг бир ҳадис. Араб тилидан А.Мансур таржимаси. «Мовароуннаҳр», Т., 1998 й., 84-б.

Зикр этилган мазкур ҳадис жуда чуқур маънога эга. Чунки унда, биринчидан, қози ҳар бир иш ҳолатларини қонун асосида чуқур таҳлил қилиши, яъни ҳақни, ҳақиқий ҳолатларни синчковлик билан аниқлаган бўлиши, унинг қабул қилган ҳукми ёки қарорида далиллар асосида исботланган ҳолатлар акс этиши зарур эканлиги, иккинчидан, ҳар бир қози етарли билимларни эгаллаган бўлиши зарурлиги талаб этилади.

2.2. Шариатда қозини тайинлаш тартиби

Шариатда қозини тайинлаш масаласига алоҳида эътибор берилган. «Кимки турли воситалар орқали қозилик мансабини эгаллаган бўлса, у ўз ҳолига ташлаб қўйилади. Бордию ўзи хоҳламаса-да, уни мажбуран қози қилиб қўйишса, Оллоҳ таоло унинг сўзларини тўғрилаб турувчи ёрдамчи бир фаришгани ҳамроҳ қилиб қўяди»[1], дейилган пайғамбаримизнинг яна бир ҳадисларида. Бизнингча, бу ҳадисни чуқур таҳлил қилишнинг ҳожати бўлмаса керак.

Қозилик лавозимини «югуриб-елиб» эгаллаш керак эмас, балки масъул раҳбар мазкур лавозимга муносиб номзодни ҳуқуқшунослар орасидан излаши, унинг лойиқ-нолойиқлигини обдан ўрганиб, авваламбор билим ва тажрибасига эътибор қаратиши, бу лавозимда ишлаш масъулиятини ҳис қила оладиган донолар орасидан энг сарасини тавсия қилиши зарур экан. Шу ўринда яна Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбарнинг «қайси бир ҳоким кўпчилик ичида Оллоҳга манзурроқ кимса турганда бошқасини бирор амалга тайинлаб юборса, демак у Оллоҳга ҳам, унинг расулига ҳам ва мўминларга ҳам хиёнат қилибди»[2], деган ҳадисларини ёдга олмоқни жоиз деб ҳисоблаймиз.

«Кимки одамлар ўртасида қозилик лавозимига тайинланган бўлса, демак у пичоқсиз сўйилади»[3], дейиш

---

[1] Минг бир ҳадис. Араб тилидан А.Мансур таржимаси. «Мовароуннаҳр», Т., 1998 й., 107-б.

[2] Ўша асар, 109-б.

[3] Ўша асар, 115-б.

билан сарвари олам қозилик лавозими нақадар масъулиятли, ҳушёрликни талаб қилувчи, ўта машаққатли лавозимлардан бири эканлигини алоҳида уқтирганлар.

Шу ўринда Бурҳониддин Марғинонийнинг билимсиз ва қобилиятсиз шахсни қози этиб тайинламаслик керак, деган фикрини келтиришни лозим топдик. Зеро, улуғ алломанинг таъкидлашича, бундай ҳолатга йўл қўйиш юртда жабр-зулмнинг ортишига сабаб бўлади. Аллома ўз фикрини ўша давр амалиётидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги мисоллар орқали исботлаган. Жумладан, Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбар даврларида саҳобалар қозиликни эгаллашни рад этганлар, имоми Аъзам — Абу Ҳанафийдек буюк олим ҳам султоннинг мажбурлаб, ҳатто зиндонбанд этишига қарамасдан, қозилик лавозимини эгаллашни рад этган, унинг шогирди имом Муҳаммад эса мажбуран қирқ кун қамоқда сақланганидан сўнг ноилож қози лавозимига тайинлашларига розилик берган. Бунинг сабабини Бурҳониддин Марғиноний қуйидагича изоҳлайди: «Қози лавозими шахсга юксак мажбурият юклайди, чунончи, бу лавозим инсон ҳуқуқларини қўриқлаш ва жамиятни адолатсизликдан тозалашни тақозо этади» (Ҳидоя, 2-жилд).

Шунингдек, қозиликка танланган шахс бу лавозимда ишловчининг барча мажбуриятларини тўлиқ амалга ошириш қобилиятига эга бўлсагина давлат бошлиғи уни қози лавозимига лойиқ деб топишга масъулдир. Улуғ аллома шу зайл қози тайинлашда шошма-шошарликка йўл қўймаслик ҳақида давлат раҳбарини огоҳлантиради.

Мусулмон ҳуқуқига оид тарихий манбалар ва ҳозирги воқеликларга чуқурроқ назар ташласак, уларнинг барчасида фақат иқтидорли ва тажрибага эга бўлган мутахассисларгина қозилик лавозимига тавсия қилинганининг гувоҳи бўламиз.

Шариатда қозиликни амалга оширишдаги энг муҳим талаблардан яна бири иймон ва адолат асосида қарор қабул қилиш талабидир.

Бизнингча, мусулмон ҳуқуқида қозини ижтимоий адолатни қарор топишга юқори даражада масъулият билан қарашга ундашдан мақсад унинг қабул қилган ҳар бир қарори шариат қоидаларига тўлиқ мос келиши ва унга асосланган бўлиши зарурлигидир. Жумладан, «Нисо» сурасининг 58-оятида «Дарҳақиқат, Оллоҳ омонатини ўз эгаларига топширингиз ва одамлар ўртасида ҳукм қилганингизда, адолат ила ҳукм қилишингизни буюради»[1], дейилган. Бунда қози томонидан чиқарилган ҳар бир ҳукм ёки қарор адолатли бўлиши лозимлиги назарда тутилган. Қолаверса, пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳам адолат тушунчасига тўхталиб, ҳадисларидан бирида «адолат дин иззати, султон қуввати, раийат тотувлиги, ҳамма яхшиликларга тарози»[2], деб бежиз айтмаганлар. Ушбу ғояни қалбига жо қилган Соҳибқирон Амир Темур ҳам ўз давлатини «Куч — адолатда» деган шиорга амал қилган ҳолда бошқарган. Шунингдек, бу буюк салтанат соҳиби ўз «Тузуклари»да баён қилган салтанатни ташкил этиш ва давлатни бошқаришдаги энг муҳим бўлган ўн икки тамойилнинг олтинчисида «адолат ва инсоф билан Тангрининг яратган бандаларини ўзимдан рози этдим. Гуноҳкорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм қилиб, ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим»[3], деб ёзади. Зеро, у ўзи тузган давлатда адолатпарварлик сиёсатига кенг ўрин берганлиги учун ҳам халқнинг меҳрини қозонгани тарихдан маълум. Бизнингча, мусулмон ҳуқуқида адолат қозилик жараёнини амалга оширишдаги асосий принциплардан бири бўлиб, у ҳукм ва қарор қабул қилишда асосий мезон ҳисобланган.

Жамият тараққиётида муҳим ўрин тутиб келаётган ушбу ғоя бугунги мустақиллик даврида янги давлатчиликни шакллантириш ва ривожлантиришда ҳам муҳим восита бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.

---

[1] **Абдулазиз Мансур.** Қуръони карим маъноларининг таржимаси. Т., «Ислом университети», 2001, 87-б.

[2] **Низомулмулк.** Сиёсатнома. Т., «Адолат», 1997, 55-б.

[3] Темур тузуклари. Т., Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996, 55-б.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов айтганидек, «ислоҳотларимизнинг пировард мақсади битта — адолатли жамият барпо этиш»[1]. Давлатимиз раҳбари ҳукумат сиёсатини амалга оширишда адолат тамойилининг устуворлигини ҳамиша эътироф этиб келмоқда. Мустақилликнинг бугунги талабларидан бири ҳам жамиятда «адолат ўрнатиш» эканини унутмаслигимиз кераклигини қайта-қайта уқтирмоқда. Айниқса, судья (қози)ларнинг адолатли бўлиши, уларнинг ижтимоий адолатни тантана қилишида қонуний ёндашуви бугунги кунда ҳам беқиёс аҳамиятга эга. «Халқ очликка, йўқчиликка, ҳамма нарсага чидаши мумкин, аммо адолатсизликка чидай олмайди»[2], дейди Юртбошимиз ўз маърузасида. У судьянинг ҳар бир иш юзасидан адолатли қарор қабул қилиши зарурлигини доимо эслатиб, адолат тамойилини ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти тараққиётининг асосий ўзаги бўлишига даъват қилади. Зеро, муқаддас Қуръони каримда «қалбидан адолат жой олган подшоҳ энг ҳурматли подшоҳдир», деб эътироф этилган.

Қайд этиш жоизки, 2002 йилнинг февралида Туркиянинг Истанбул шаҳрида Ислом Конференцияси ташкилоти ва Европа Иттифоқининг ҳамкорликдаги анжумани бўлиб ўтди. Ушбу анжуманда эътироф этилганидек, Ғарбнинг эркин демократик жамияти асосида эркинлик принципи ётса, мусулмон жамияти замирида қадимдан ҳуқуқ ва адолат тушунчаси мужассамлашгандир[3].

Ҳозирда ўзига хос қонунчилик тизимига эга Миср Араб Республикасида қозилик идоралари биноларининг пештоқида адолат тарозисининг паллалари тенг турган тасвир туширилганлигини кўриш мумкин. Назаримизда,

---

[1] **Ислом Каримов.** Адолат, Ватан ва халқ манфаати ҳар нарсадан улуғ. Т., «Ўзбекистон», 1998, 51-б.

[2] **Ислом Каримов.** Адолат, Ватан ва халқ манфаати ҳар нарсадан улуғ. Т., «Ўзбекистон». 1998, 52-б.

[3] **А.Степанов.** «Диалог на босфоре. Что объеденяет и что разъеденяет Европу и мир ислама». Труд, 2002 йил 19 февраль.

бу рамзий белги судьяниинг ўз фаолиятида ҳар бир ишни доимо адолат тарозиси билан ўлчаши, адолат тарозисининг мувозанатини бузмаган ҳолда ҳукм чиқариши зарур эканлигини англатади. Бу эса жамиятда ижтимоий адолатнииг қарор топиши муқаррар эканига халқниинг ишончини ошириши шубҳасиздир.

Мусулмон ҳуқуқида ҳам ҳокимият тизимида қозиликниинг мустақиллигини таъминлаш зарур деган принцип мавжуд, чунки давлат бошлиғи қозиларни тайиилар экан, давлат ижтимоий адолатни таъминлашга эришади, деб ҳисобланган.

Манбаларда қози мазҳаблардан холи бўлиши керак, деган таълимот ҳам мавжуд. Бу Ҳанафий мазҳабидаги қозининг бошқа, яъни шофиъий, моликий, ҳанбалий каби мазҳаблар томонидан яратилган таълимотлар асосида ҳам ҳукм, қарор қабул қилиши мумкии деган тушунчани билдиради.

Маълумки, ҳар бир давлат ҳудудида яшовчи аҳоли турли мазҳабларга эътиқод қилади. Улар диний ва дунёвий масалаларни ҳуқуқий жиҳатдан ўз мазҳаблари нормалари асосида ҳал этишни талаб қилиб қозилик маҳкамасига мурожаат қилиши мумкин. Бундай ҳолатларда қозининг ишни ҳал қилишда турлича ёндашуви, турли хил қарор қабул қилишга мажбур бўлиши табиийдир. Фикримизни янада аниқроқ баён қилиш мақсадида қуйидагиларни мисол тариқасида келтирмоқчимиз. Масалан, муайян бир жиноят учун ҳанафийлар уч йилга озодликдан маҳрум қилиш керак деса, моликийлар жарима солиш жазосини, шофиъийлар эса жазоламаслик керак, деган нормани ишлаб чиққан бўлса, бундай ҳолатда қозининг холис қарор қабул қилишига бирор-бир кафолат берилмагандек кўринади.

Мусулмон ҳуқуқидаги мазҳабчиликка эҳтиёж қолмаганининг яна бир сабаби шундаки (диний ибодатлар, расм-русумлардан ташқари), йигирманчи асрнинг иккинчи ярмида жаҳон тараққиётида юз берган

ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий юксалишлар бу таълимотлардан ҳозирги мусулмонларнинг дунёвий ҳаётига оид масалалар бўйича ҳуқуқий жавоб топа олмаслиги очиқ-ойдин кўриниб турибди. Тўғри, бундан ўн икки аср илгари мазҳаблар томонидан ишлаб чиқарилган ҳуқуқий қонун-қоидалар замон ва маконларда такомиллашиб ривожланган. Масалан, турли мазҳаб таълимотини аралаштириб юбормаслик, айниқса, қозилик амалиётида уларни қўллаш имкониятини яратиш мақсадида ўз даврида Усмонли турк империяси томонидан (1869 – 1876 йиллар) фақат ҳанафийлар таълимотига суянган ҳолда «Фуқаролик ва суд ҳуқуқлар» (Мажалла) масалалари юзасидан мусулмон ҳуқуқи нормалари тўплами – Кодекси ўша давр воқеликлари таҳлили асосида яратилган.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, дунё халқлари инсоният тараққиёти жараёнида эришилган ижобий ғояларни умумлаштириб, уларни умумбашарий қадриятлар даражасига кўтарган ҳолда ривожлантириш чорасини излаб топишга интилиб, ўзаро манфаатли, халқаро аҳамиятга молик ҳужжатлар ишлаб чиқишга муваффақ бўлди. Пировард натижада инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бугунги кунда жаҳондаги барча халқларнинг, турли динларга мансуб кишиларнинг, жумладан, мусулмон оламининг ҳам асосий шиорига айланди.

2.3. Ислом ҳуқуқида қозининг ахлоқ-одоби бўйича талаблар

Мусулмон ҳуқуқида қозилик жараёнини амалга оширишдаги муҳим принципларидан яна бири қозиларнинг хулқ-атворини тартибга солувчи одоб-ахлоқ қоидаларининг ишлаб чиқилишига бўлган заруратдир. Бу қатъий қоидаларга кўра, қози вазмин-босиқ, кўп гапирмайдиган, ҳуда-беҳудага кулавермайдиган, ҳалол-покиза, хуллас, юриш-туришда барчага ўрнак бўларли

даражада юксак одоб-ахлоққа эга бўлиши керак. У қозилик мансабини эгаллаганидан сўнг атрофида ёрдўстини кўпайтиришдан ўзини тийиши, айниқса, турли касбдаги, хусусан, савдо-сотиқ билан шуғулланувчилар, зиёфат ва тўй-ҳашамларда хизмат қилувчилардан узоқроқ юриши, яқин қариндошларидан ташқари бошқаларнинг тўйига бормаслиги, ўзи ҳам жуда оддий тарзда, яъни оила аъзолари ва яқинлари иштирокидагина тўй-маърака, йиғинлар ўтказишга одатланган бўлиши, доимо озода, кўпчиликнинг диққатини ўзига жалб қилмайдиган кийим-бошда юриши лозим.

Мусулмон ҳуқуқида қозига фақат икки ҳолатда бегоналарникига ташриф буюришига, яъни касал кишини кўришга бориши ва жанозада иштирок этишига рухсат берилган. Бу масала пайғамбаримизнинг «беморни бориб кўриш, жанозада иштирок этиш... ҳар бир мусулмон зиммасига юклатилган (вожиб)»,[1] деган ҳадислари билан асослантирилади. Шунинг учун ҳам қозига мусулмончиликдаги бу мажбуриятларни монеликсиз бажаришга рухсат берилган.

Баъзи бир олимлар қози нафақат касал кўриши, дафн маросимларида иштирок этиши, балки ўзи яшаб турган жойдаги аҳолининг тўй-ҳашамларида қатнашиши, шунингдек, тижорат билан шуғулланиши ҳам мумкин деган фикр билдирган. Бу масалага ҳам мазҳаб асосчилари турлича қарайдилар. Ҳанафий мазҳабида қози ўзи савдо-сотиқ билан шуғулланмасдан ишончли кишиси орқали тижорат ишларини амалга ошириши мумкин дейилса, моликий мазҳаби эса қозининг тижорат билан шуғулланишини макруҳ деб ҳисоблайди. Шофиъий мазҳабида эса қозининг ўзига бириктирилган ҳудуддаги барча тўйларда иштирок этиши жоиз деб билинади. Қози ўзининг яқин қариндошларидан ташқари, бирор-бир кишидан совға олиши мумкин эмас, деган фикр ҳам мазкур таълимотдан ўрин олган. Шунингдек, у бу

[1] Минг бир ҳадис. 53-б.

лавозимга тайинлангунига қадар фақат қариндош-уруғчилик ришталари билан боғланганлардан совға олган ва ўзи ҳам совға берган бўлиши керак. Қозиликка эришганидан кейин эса ҳатто ўз қариндошларидан ҳам совға олмаслиги керак. Бошқа бирор-бир кишидан-ку инчунин. Чунки у бегонадан совға олар экан, мазкур совға унга мансаби билан боғлиқ ҳолда, бинобарин, пора тариқасида берилган, бу эса уни мансабини суиистеъмол қилишга ундайди, деган жуда тўғри фикр билдирилган.

Мусулмон ҳуқуқи таълимотида қозилик мансабини вазирлик лавозимидан юқори деб ҳисоблаш лозимлиги қайд этилган. Негаки, вазир қозига нисбатан бирор-бир ҳукм чиқара олмайди, уни мансабидан четлаштириш ваколатига ҳам эга эмас. Аммо қози вазирнинг ноқонуний қилмиши устидан ҳукм чиқаришга масъулдир.

Шариатда қозига хизматни ўташ жараёнида махсус кийим-бош берилиши ҳам кўзда тутилган. Ҳанафий мазҳабининг асосчиларидан бири ҳисобланган Абу Юсуф «Қози-куззот» лавозимида ишлаган пайтда халифа Хорун ар-Рашид халқ танисин, ҳурмат-эҳтиром билан қарасин дея қозиларга шариатда биринчи бўлиб махсус кийим кийиш зарурлигини жорий этган.

Шунингдек, Хорун ар-Рашид давридан бошлаб, мамлакат ҳудуди катта бўлганлиги туфайли ҳудудий бўлинишдаги барча қозиларнинг фаолиятини назорат қилиш ва уларга раҳбарлик қилиш учун «Қози-куззот» (Олий суд раиси) лавозими таъсис этилган. Қози-куззот зиммасига қуйидаги ваколатлар юклатилган:

— халифа томонидан қозиларни ишга тайинлашдан илгари уларнинг номзодини ўрганиш ва давлат бошлиғига ишга тайинлаш ҳақида тавсия билдириш;

— қозилар томонидан ҳал қилинган ишларни ўрганиб, назорат қилиш;

— қозиликка нолойиқ ходимларни лавозимидан четлаштириш ёки номзодни рад этиш чорасини кўриш ва бошқалар[1].

[1] **Зоҳир ал-Қосимий.** Шариатда ва ислом тарихида ҳукмни тартиблари (қоидалари). «Дорун нафоис, Байрут — Лубнон». 185—186-бетлар (араб тилида).

2.4. Ислом ҳуқуқида қозиларнинг ихтисослашуви

Мусулмон ҳуқуқида ихтисослаштирилган қозилик маҳкамаларини ташкил қилишга алоҳида эътибор берилган:

1) шахснинг ҳаёти ва соғлиғига қарши қаратилган жиноий ишларни кўришга ихтисослашган қозилар;

2) ҳарбий (аскарий) қозилар;

3) сув транспорти — кема қозилари;

4) йўл ҳаракати билан боғлиқ ишларни кўрувчи қозилар;

5) никоҳдан ажратиш ва оилавий муносабатлардан келиб чиқувчи низоларни ҳал қилувчи қозилар;

6) мерос масалаларини ҳал қилувчи қозилар ва ҳоказо[1].

Мусулмон ҳуқуқи таълимотида ҳуқуқшунослик касби бўйича билимга эга аёллар қози лавозимида ишлаши тўғрисида баҳсли фикрлар мавжуд. Хусусан, ҳанафий мазҳабидаги олимлар қиёслаш йўли билан, яъни, «агар аёлни гувоҳлик бериши мумкин десак, у қози ҳам бўла олади» деган бўлса, моликий, шофиъий, ҳанбалий мазҳабидаги олимлар «аёлларнинг қози бўлиши жоиз эмас», дейдилар. Буюк аллома Бурҳониддин Марғинонийнинг мусулмон оламида кенг шуҳрат топган «Ҳидоя» асарига ёзилган шарҳлардан бири «Мухтасар» номли китоб бўлиб, унда жумладан шундай дейилган: «Хотин кишининг қози бўлиб ҳукм қилмоғи дуруст, магар жазолар ва қасосларда ҳукми дуруст эмас. Чунки буларда хотин кишининг гувоҳлиги мақбул эмас». Имом ибн Жарб ат-Тобарий (Андулис — Испанияда) эса аёл қози бўлиб ишлашга ва ҳамма масалалар бўйича ҳукм қабул қилишга ҳақли деб таъкидлаган ва ўз фикрини қуйидагича асослаб берган:

---

[1] **Зоҳир ал-Қосимий.** Дор Ан-Нафоис, Бейрут, 1992. Шариатда ва ислом тарихида ҳукм тартиблари (қоидалари). 242—246-бетлар (араб тилида).

1. Агар аёл зоти халқ орасидаги муаммоларни ҳал қилишда иштирок этишга қобилиятли бўлса, уни қози лавозимига тайинлаш мумкин.

2. Шариат илмини чуқур эгаллаган аёлнинг муфтий лавозимида ишлашига йўл қўйилган, қиёсий жиҳати шундаки, қозилик муфтийликка яқин лавозим ҳисобланади.

3. Халифа Умар Умму Шифо исмли аёлни бозорларда савдо интизомига риоя қилишни назорат этиш (ҳисба) лавозимига тайинлаган.

4. Имом ал-Бухорийнинг ҳадисларида «Хотин эрининг уйида масъул» дейилган, яъни аёл эрининг уйида бош бўлса, у қозиликни ҳам эплайди[1]. Юқорида қайд этилган масъул вазифаларни уддалай олган ҳар қандай аёл қозилик лавозимида ҳам бемалол ишлаши мумкинлиги табиий, албатта.

Ажабланарлиси шундаки, ҳозирги кунда ҳам Миср Араб Республикасидаги ҳуқуқшунос олимлар ва қозилик маҳкамасидаги мутахассислар аёл зотининг қози лавозимини эгаллаши мумкин эмас, деган таълимотга қўшилган ҳолда аёлни мазкур лавозимга нолойиқ деб даъво қилмоқда. Уларнинг айтишича, аёлнинг қозилик фаолиятида учраб турадиган турли жиноятлар, хусусан, ўта раҳмсизлик билан одам ўлдириш, номусга тегиш каби ҳодисалар унинг оиласига, айниқса, фарзандлари тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши, шунингдек, баъзи ишларни ҳал этиш вақтларида аёлларга хос ҳиссиётга берилиб, нохолис қарор қабул қилиши мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу соҳага тегишли бўлган қонунларда аёлларнинг қози бўлишини тақиқловчи бирор-бир норма мавжуд эмас. Қолаверса, муқаддас Қуръони каримда, пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳадисларида ҳам қозилик фақат эркакларга хос касб, деб қатъий белгиланмаган. Зеро, бизнинг замонамизда ҳам «ҳамонки

[1] **Зоҳир ал-Қосимий.** Дор Ан-Нафоис, Бейрут, 1992. Шариатда ва ислом тарихида ҳукм тартиблари (қоидалари). 249—253-бетлар (араб тилида).

ҳар қандай ҳолат ва ҳаракат қонунда тақиқланмаган экан, демак, рухсат этилади» деган қоида мавжуд. Демак, ислом тарихи, шариатта хос асосий манбаларда аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги эътироф этилган экан, улар қозилик лавозимини эгаллашга ҳақлидир ва уларнинг бу лавозимни эгаллашларига монелик қиладиган бирор-бир асос йўқ, деб ҳисоблаймиз.

2.5. Бурҳониддин Марғиионийнинг «Ҳидоя» асарида қозилик ҳақида

Буюк ватандошимиз шайхулислом Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» асари саккиз асрдан буён мусулмон оламида ислом қонуншунослигининг тарихий манбаларидан бири, Шарқ Уйғониш даврининг ҳуқуқий-маънавий ёдгорлиги сифатида турли тадқиқотчилар томонидан катта қизиқиш билан ўрганиб келинмоқда.

Бу асар аввало аждодларимизнинг ўтмишда ислом ҳуқуқшунослигига қўшган ҳиссаси, ўзлари яшаган даврда, замон талабларини ҳисобга олиб, жамиятни қонун асосида мустаҳкамлашга интилганидан далолат беради.

Шуни таъкидлаш лозимки, Бурҳониддин Марғиноний яшаган даврларда мусулмон ҳуқуқи билан шуғулланиш осон бўлмаган. Чунки ўша давр фиққшунослиги бугунги замонавий ҳуқуқ мезонлари каби аниқ соҳаларга (жиноят, фуқаролик, ер, молия, меҳнат, маъмурий, тергов жараёни каби) бўлинмаган, яъни у жамият ҳаётининг ҳар бир соҳаси бўйича шаклланган ва ўзаро уйғунликда ривожланган тармоқли тизимга эга бўлмаган. У даврдаги фиққшунослик барча масалаларни умумий тарзда ўрганишни кўзда тутган.

Ислом қонуншунослигининг яна бир асосий фарқли жиҳати шундан иборатки, у фақат соф ҳуқуқий меъёрлар мажмуидан иборат эмас. Шунингдек, у диний расм-русумлар, ахлоқий мезонларни ҳам қамраб олади. Бошқача айтганда, унда ҳуқуқий меъёрлар ахлоқий ва диний қарашлар билан уйғунлашиб кетган.

Бурҳониддин Марғиноний мана шундай талабларга риоя қилиб, ўзи яшаган жамият ҳаётидаги барча диний ва дунёвий масалаларни давр талабларига жавоб берадиган ҳолда, замонасига мос исломий қонун-қоидаларни ишлаб чиққан.

Биз бу меросни халқимизнинг муайян тарихий тараққиёт жараёнида босиб ўтилган тажриба ва сабоқлар мужассами сифатида илмий нуқтаи назардан ўрганар эканмиз, ундан аввало инсоний, маънавий жиҳатдан кўп ибратли масалалар шарҳ этилганига гувоҳ бўламиз. Булар, аввало, ҳуқуқ ишларини юритишда адолат ва холислик тамойилларига амал қилиш, тўғри ва ҳалол бўлиш, ҳукм чиқаришда қонундан четга чиқмаслик каби муҳим ҳаётий масалалардир. Шу маънода, шоҳ асар бўлмиш «Ҳидоя»даги қозилик фаолияти, қозилик ишларидаги холислик ва адолат тамойиллари ҳақидаги ибратли фикр-мулоҳазалар мавжуд.

Ушбу асардаги «Қозилик мажбуриятлари» номли махсус бўлимда қозилик ишларини юритиш қоидалари, қозининг ўз ишига ҳалол муносабатда бўлиши, тўғрисўзлик, адолатпешаликни ўзига шиор қилиб олиши таъкидланади. Аллома, айниқса, низоли ва жанжалли масалаларни, яъни ҳар бир ишни ҳал этишдаги холислик, чиқарилган қарор ёки ҳукмнинг адолатли ва қонуний бўлиши, қозилик ишига дахлдор кишилар — мутахассисларнинг юксак билим ва тажрибаси ҳамда ахлоқ-одоби ҳақида алоҳида тўхталади. Тилга олинган бу масалалар ҳуқуқий нуқтаи назардан ҳам, маънавий нуқтаи назардан ҳам ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмайди.

Маълумки, ўрта асрларда айрим ҳукмдорлар, диннинг моҳиятини юзаки тушунувчи кўпгина диндорлар Қуръон оятларини ёки ҳадисларни билган киши турмушда учрайдиган кўпдан-кўп масалалар бўйича ҳукм чиқариб кетавериши мумкин, деб ҳисоблаган. Бу эса ўз навбатида адолатсизликларга сабаб бўлган.

Бурҳониддин Марғиноний бундай фикрларни рад этган ҳолда, ҳуқуқ масалалари, аввало, қозилик ишлари билан шуғулланадиган киши исломий талаблар асосидаги ихтисосликка эга бўлиши лозимлигини уқтиради. Қози юксак билимли ва қобилиятли бўлиши зарурлигини, шундагина жамиятда қонунлар ижроси таъминланиб, адолат барқарор туришини таъкидлайди ва бу масъулиятли лавозимнинг ўзига хос аҳамиятини шундай тушунтиради: «Қозилик лавозими кишиға юксак мажбурият юклайди, чунончи, бу мансаб инсон ҳуқуқларини муҳофаза этиш ва жамиятни ноҳақликдан халос қилишни тақозо этади».

Марғинонийнинг жанжалли ишларни ошкора ҳал этиш, айниқса муҳокама якунида қабул қилинган қарор ёки ҳукмни кўпчиликнинг ҳузурида ўқиб эшиттириш зарурлиги тўғрисидаги фикрлари ҳам жуда ибратлидир.

«Ҳидоя»да қозилик мансабини эгаллаган киши бўлар-бўлмасга зиёфатма-зиёфат юришдан тийилиши, айниқса, уни алоҳида, жамоатдан ажратган ҳолда зиёфатга чақирувчиларга рад жавобини бериши зарурлиги таъкидланади. Башарти, қози бундай зиёфатга боришга розилик берса, унинг ўз вазифасини бажаришда одилона йўл тутишига шубҳа пайдо бўлади, дейди фиқҳ илмининг султони.

Алломанинг илмий мероси шундан далолат берадики, у жамият ҳаётидаги қонун-қоидаларни исломий ахлоқ, исломий маънавият асослари билан мустаҳкамлашга ҳаракат қилган. У зотнинг уқтиришларича, қози бирор-бир ишни касал ёки оч ҳолда муҳокама этиши мумкин эмас. Чунки бундай пайтда унинг жисмидаги заифлик холис ва одил ҳукм чиқаришга монелик қилади. Шунингдек, у нимадандир қаттиқ ҳаяжонланган, қўрқувга тушган ёки ҳаддан зиёд тўйиб овқатланган пайтларда ҳам ҳукм чиқармагани маъқул экан. Чунки бундай вазиятларда ҳам кишининг ақли ва фикри чалғийди, одам кўпроқ ором олишни, ҳордиқ чиқаришни истаб турган бўлади.

«Ҳидоя»да қозининг бирор-бир ишни мажлисда кўриш пайтидаги масъулияти айниқса катта экани таъкидланади. Бундай вазиятда у ҳар икки тараф — даъвогар ва жавобгарга, айбланувчи ва жабрланувчига бир хилда муносабатда бўлиши, улардан бирортаси билан алоҳида суҳбатлашмаслиги, улардан ҳеч қайсисига имо-ишора қилмаслиги, иштирокчилардан фақат биттасига тааллуқли бўлган саволларни бермаслиги, жавобларини маъқулловчи ишоралар қилмаслиги, иштирокчилардан ҳеч бирига кулиб қарамаслиги, улардан ҳеч бирини мақтамаслиги — хуллас, қозилик ахлоқ-одобига зид бўлган барча хатти-ҳаракатлардан тийилиши зарур экани батафсил баён этилган. Марғиноний бобомизнинг аёл ва эркак кишининг жамият ҳаётидаги ўрни ҳамда нуфузига тенг кўз билан қараши у кишининг ниҳоятда одил ва бағрикенг инсон бўлганидан далолат беради.

Мусулмон ҳуқуқшунослигида аёл кишини, гарчи қонуншунослик илмини эгаллаган, яъни мутахассис бўлса-да, қози этиб тайинлаш мумкинми, деган масала азал-азалдан кўпдан-кўп тортишувларга сабаб бўлиб келган. Марғиноний бу масалада ўз фикрини баён этиб, аёл кишини муфтийлик ва қозилик лавозимига сайлаш мумкин, деган илғор фикрни олға сурган.

Мана шу мисоллардан ҳам кўриниб турибдики, «Ҳидоя»да аждодларимизнинг жамият ҳаётини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш борасидаги ибратли интилишлари ўз ифодасини топган. Беқиёс маънавий ва илмий бойлик сифатида бизгача етиб келган бу мерос тасаввуримизни бойитишда, ҳуқуқ ишларини юритишда адолат ва ҳақиқат мезонларини ҳамиша ёдда тутишда муҳим аҳамиятга эга.

III боб. ШАРИАТ ВА УНИНГ АСОСИЙ МАНБАЛАРИДА ЖИНОЯТГА ДОИР МАСАЛАЛАР

3.1. Қуръони каримда жиноят ва жазога оид асосий ғоялар

Қуръони карим шариат қонун-қоидаларининг асосий манбаи муқаддас илоҳий китоб ҳисобланади. У мусулмон халқларининг фалсафий, ахлоқий ва ҳуқуқий қарашлари акс эттирилган дастуриламалдир. Қуръондаги «Нисо» сурасининг 105-оятида «Биз сизга ушбу ҳақ китобни — Қуръонни одамлар орасида Оллоҳ кўрсатган йўл билан ҳукм этишингиз учун нозил қилдик»[1], —деб қайд этилган. Манбалардан маълумки, Қуръони карим пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом томонидан бир неча йиллар, аниқроғи 23 йил мобайнида ваҳий йўл билан Оллоҳнинг Каломи сифатида қабул қилинган. Шу аснода у киши ўзлари бошқарган ўзига хос давлат ҳудудида шариат қонунларига қатъий амал этиш тартибини жорий этганлар.

Қуръон — арабча сўздан олинган бўлиб, «қироат», «ўқув» маъносини англатади[2].

Исломшунос олимлар Қуръоннинг узоқ вақт давомида нозил бўлишининг бир неча сабаблари бор, деган фикрни билдиришган. Жумладан, пайғамбаримиз дилларини секин-аста қувватлантира бориш ва ул зотга оғир масъулиятни дарҳол юкламаслик; шариат қонунларини секин-аста, тартибли, босқичма-босқич тарзда ҳаётга тадбиқ қилиш; унинг оятларини ёдда сақлаб қолиш тез ва осонлиги; ниҳоят, оятларнинг ижтимоий воқеалар билан ҳамнафаслиги Қуръоннинг бўлак-бўлак нозил бўлиш сабабларидан ҳисобланади[3], деб тушунтирадилар.

---

[1] Қуръони карим. Т., «Чўлпон», 1992, 66-бет.
[2] Ислом справочниги. Т., «Ўз.С.Э. Бош редакцияси», 1986, 195-бет.
[3] **Ю. Шокиров.** Ислом шариати асослари.Т., «Меҳнат», 1992, 11-бет.

Қуръони карим 114 та сура ва 6260 та оятдан иборат. Уларнинг бир қисми Маккада, бир қисми эса Мадинада иозил бўлган.

Қуръонда диний-ахлоқий йўл-йўриқлар билан бир қаторда, ҳуқуқий тизим ҳам акс эттирилган. Аммо уни қонунлар мажмуаси (кодекс) дея олмаймиз, чунки у диний ва ҳуқуқий масалаларни ўзаро чамбарчас боғлаган кенг қамровли муқаддас, илоҳий китоб — каломуллодир.

Ислом ҳуқуқшунос олимлари Қуръонни мусулмон ҳуқуқининг манбаи сифатидаги ўзига хос нуфузини, унинг ҳуқуқ манбаини Оллоҳнинг хоҳиш- иродаси ва у чегараланмаган мустақилликка эга деб ҳисоблайдилар.

Ҳақиқатан ҳам, Қуръони карим сураларининг оятларида ҳуқуқнинг барча соҳалари, жумладан, жиноят ҳуқуқига тегишли бир қатор қонун-қоидалар мавжуд бўлиб, улар диний ҳуқуқ тушунчалари билан суғорилгандир.

Қуръони карим вужудга келган тарихий шароитни ҳисобга олсак, у муайян бир ҳудудда давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши билан боғлиқлиги сабабли ўша даврдаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муаммоларни тўла-тўкис ечишга қодир бўлганлиги маълум. Аммо орадан бир неча асрлар ўтиши, жамият ўзининг бир неча асрлик тарихий тараққиёт йўлини босиб ўтиб, бугунгидек ривожланган поғоналарни эгаллаган бир шароитда ҳаётдаги ҳар бир масаланинг ечимини бу китобдан топа олмаслигимиз табиийдир. Китобдан фақатгина умумий манба сифатида фойдаланиш ва ундаги ҳуқуқий қонун-қоидаларни, айниқса, жиноят ва жазо масалаларини акс эттирган ихчам тушунчаларни ўрганиб, таҳлил қилиш мумкин, холос.

Маълумки, Қуръони каримда фақат бир неча оғир жиноят турлари ҳақидагина сўз юритилган. Жумладан, ўғрилик, босқинчилик, қасддан одам ўлдириш, тан жароҳати етказиш, порахўрлик, зино, туҳмат, жосуслик, исён, спиртли ичимликларни истеъмол қилиш, ота-

онанинг қасддан ўз фарзандини ўлдириши, судхўрлик ва бошқалар. Аммо бу илоҳий китобдаги кўпгина сураларнинг қатор оятларида шахс томонидан содир қилинган у ёки бу қилмиш Оллоҳ наздида жиноят саналиб, жазога сазовор бўлиши муқаррар эканлиги такрор ва такрор зикр этилган. Шу билан бирга, юқорида санаб ўтилган жиноятларнинг баъзи бирлари учун белгиланган қатъий жазо — ҳад ва қасос ёки товон ҳақида ҳам айтилган.

Шариатнинг асосий манбаларидан бири ҳисобланган Қуръони каримни ўрганиш шуни кўрсатадики, ислом дини тарқала бошлаган дастлабки даврда исломгача баъзи бир жиноятлар учун жазо белгилашда адолатсизликка йўл қўйилгани, шариатда эса бунинг олдини олиш мақсадида индивидуаллаштириш, жиноят турларини фарқлаш асосида содир этган жиноятга яраша жазо қўллаш тартиби жорий қилиниб, жиноятчиликка қарши қатъий кураш олиб борилган. Мисол учун айтсак, исломгача қасддан одам ўлдириш жинояти учун нафақат айбдор, балки унинг қариндош-уруғлари, баъзи бир ҳолларда эса бутун бошли қабила аҳлининг қони ноҳақ тўкилиб, улар қириб ташланган. Шариат бунга бошқача ёндашишни, яъни ҳар бир жиноятчининг ўзи жиноий қилмишига яраша жазоланиши ёки бир сўз билан айтганда, пайғамбаримизнинг «Ал қасосу минал ҳақ» — «қасос ҳақдир», яъни ҳар қандай жиноят жазога сазовор[1], деган ҳадисларига асосан иш тутиш ғояси илгари сурилган.

Қуръондаги жиноят турларини икки гуруҳга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ:

1. Аниқ жазо чоралари белгиланган жиноятлар.
2. Жазо белгиланмаган жиноий қилмишлар.

Жумладан, «Моида» сурасининг 33-оятида «Албатта, Оллоҳ ва пайғамбарига қарши урушадиган ва ерда бузғунчилик қилиш ҳаракатида юрадиган кимсаларнинг жазоси — ўлдирилиш ё дорга осилиш, ёки оёқ-қўллари

---

[1] **Абдумалик Қорабой ўғли**. «Халқ сўзи» газетаси, 1995, 20 январь.

тескарисига, яъни ўнг қўл ва чап оёқ ёки чап қўл билан ўнг оёқ кесилиши ёхуд ўз ерларидан сургун қилинишларидир. Бу жазо улар учун бу дунёда расволик — шармандалик бўлур»[1], дейилган бўлиб, диндан қайтиш жинояти ва унга белгиланган жазо ҳақида сўз юритилади.

Шу суранинг 38-оятида «Ўғри эркакни ҳам, ўғри аёлни ҳам қилмишларига жазо бўлсин учун, Оллоҳ томонидан азоб бўлсин учун қўлларини кесинглар»[2] деб, шунингдек, яна шу сурадаги 45-оятда «...жонга-жон, кўзга-кўз, бурунга-бурун, қулоққа-қулоқ, тишга-тиш ва яна бошқа барча жароҳатларга ҳам қасос олинади»[3] деб қайд этилганки, бундан ўғрилик ва қасддан тан жароҳати етказиш жиноятларига Оллоҳ томонидан жазо белгиланганлиги маълум бўлади.

«Бақара» сурасининг 178-оятида «Эй мўминлар, сизларга ўлдирилган кишилар учун озод киши муқобилига озод кишидан, қул учун қулдан, аёл киши учун аёлдан қасос олиш фарз қилинди. Энди кимга биродари томонидан бир оз авф қилинса, яъни қотилдан қасос олиш ўрнига товон олишга рози бўлинса, у ҳолда яхшилик билан бўйинсуниш ва чиройли суратда товон тўлаш лозимдир»[4], — дейилган бўлса, «Нур» сурасининг 2-оятида «Зинокор аёл ва зинокор эркак — улардан ҳар бирини юз даррадан уринглар. Агар сизлар Оллоҳга ва охират кунига иймон келтиргувчи бўлсангизлар, Оллоҳнинг бу ҳукмида, (яъни зинокорларни дарралашда) сизларни уларга нисбатан раҳм-шафқат (туйғулари) тутмасин»[5], — деб кўрсатилган бўлиб, шу оятнинг изоҳида эса «бу ҳукм бўйдоқ ёки тул ва бева (яъни оиласиз) зинокорларнинг жазосидир. Агар оилали эркак ва хотинлар зинокорлик қилсалар, уларнинг жазолари тошбўрон қилиб ўлдирилишдир», деб баён этилган.

---

[1] Қуръони карим. Т., «Чўлпон», 1992, 76-бет.
[2] Ўша асар, 77-бет.
[3] Ўша асар, 78-бет.
[4] Ўша асар, 21-бет.
[5] Ўша асар, 250-бет.

Яна «Нур» сурасининг 4-оятида «Покиза аёллар (зинокор) деб бадном қилиб, сўнгра (бу даъволарга) тўртта гувоҳ келтира олмаган кимсаларни саксон дарра уринглар ва ҳеч қачон уларнинг гувоҳликларини қабул қилманглар!»[1] деб туҳмат жинояти учун ҳам жазо белгиланган.

Шунингдек, «Нисо» сурасининг 16-оятида «Сизлардан икки эркак шундай қилса (яъни баччавозлик ёки фоҳишабозлик қилса), уларни уриб-сўкиш билан таъзирини беринг»[2], деб бесоқолбозлик жинояти учун таъзир жазоси қўлланиши лозимлиги айтилган.

Хуллас, Қуръони каримнинг жиноят ҳуқуқига тегишли қатор оятларида диндан қайтариш, исён, босқинчилик, ўғрилик, зино, далил-исботсиз зинокорликда айблаш-туҳмат, одам ўлдириш ва тан жароҳати етказиш жиноятлари учун турли жазо: ўлим жазоси, қўл ва оёғини кесиш, 100, 80 дарра уриш, тошбўрон қилиш, сургун, товон тўлаш ва таъзир белгиланганлиги кўрсатилган.

Қайд этилганлардан ташқари, Қуръони каримда яна қуйидаги жиноий қилмишлар ҳақида оятлар бўлса-да, уларга бирор-бир аниқ жазо белгиланмаган.

«Бақара» сурасининг 188-оятида «Мол-дунёларингизни ораларингизда ноҳақ — ҳаром йўллар билан емангиз! Яъни бир-бирингизнинг ҳаққингизни еманг! Ва гуноҳ қилаётганингизни билиб туриб, одамларнинг молларидан бир қисмини ҳаром йўл билан ичиш учун молларингизни пора қилиб ҳокимларга узатманг»[3], деб қайд этилгандир. Бу биргина оятнинг мазмунидан иккита жиноят турини англашимиз мумкин. Буида, ўзганинг мол-мулкини ўзлаштириш ёки камомад қилиш йўли билан талон-торож қилиш ва уни пора тариқасида бериш жиноятлари ҳақида сўз юритилган.

«Бақара» сурасининг 276—278-оятларида «Оллоҳ судхўрликнинг фойдасини йўқ қилади... Оллоҳ ҳар қандай

[1] Қуръони карим. Т., «Чўлпон», 1992, 250-бет.
[2] Ўша асар, 57-бет.
[3] Ўша асар, 22-бет.

судхўрликни ҳалол деб биладиган кўрнамакни ва судхўрлик қиладиган жиноятчини севмайди... судхўрлик сарқитларини тарк этингиз»[1], дейилган. «Оли Имрон» сурасининг 130-оятида судхўрлик жинояти тушунчасига тўхталиб, «Эй мўминлар, берган қарзларингизни бир неча баробар қилиб олиш билан судхўрлик қилманг!» деб унинг қаттиқ қораланиши баён қилинган. Чунки судхўрлик кишиларга моддий зарар етказиш билан боғлиқ бўлиб, зарурат туғилганлиги сабабли бировдан қарзга пул олинганида, мулкдор олинган қарзни маълум бир фоиз устама билан қайтаришни талаб этиши кўзда тутилган бўлади. Ўз вақтида қарзини қайтара олмаганда, муддат ўтиши билан устама тарзида берилиши лозим бўлган пулнинг миқдори ўз-ўзидан кўпайиши табиийдир. Шунинг учун ҳам Қуръони каримда судхўрликни гуноҳ — жиноят, деб тушунтириш билан бир қаторда уни содир этишдан сақланишга даъват этилган. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, «Бақара» сурасининг бошланиш қисмида «Оллоҳ ва пайғамбар судхўрликка қарши уруш эълон қилганликлари»[2] уқтирилгандир.

Шу ўринда айтиш лозимки, исломдаги беш тамойилнинг бири ахлоқ-одоб ҳисобланади. Унга кўра ҳар бир мусулмон ўзининг таниш-билишлари, дўстлари ва қариндош-уруғларига нисбатан меҳрибон бўлиши, иқтисодий жиҳатдан қийналганда эса беғараз моддий ёрдам қўлини чўзиши лозим.

Ҳар қандай шахс эҳтиёж юзасидан пулга зарурат туғилганда бегонага эмас, балки энг яқин таниши, дўсти ёки қариндош-уруғига мурожаат қилади. Шундай экан, мусулмон бўла туриб, шариатдаги бундай жирканч иллатни била туриб, фойда кўриш мақсадида судхўрлик билан шуғулланган шахсларнинг ножўя хатти-ҳаракати олдини олиш чорасини кўриш жамиятимиздаги ҳар бир шахсдан талаб қилинади.

---

[1] Қуръони карим. Т., «Чўлпон», 1992, 34-бет.
[2] Ўша асар, 6-бет.

Ҳозирги даврда Саудия Арабистонида судхўрлик жиноятини содир этгани исботланган ҳолларда иккала томон, яъни ўзи рози бўлиб пул қарз олган ва қарзга пул берган шахс ҳам жазоланади. Шунинг учун ҳам кўпгина ислом банкларида ҳисобда турган маблағлар ҳисобидан фойда ва фоиз ёки дивидентлар тўланмайди.

Бундан ташқари, Қуръони каримдаги «Нисо» сурасининг 107-оятида «Сиз ўзларига хиёнат қиладиган жиноятчор кимсаларнинг ёнини олманг! Албатта, Оллоҳ хоин ва жиноятчи бўлган кимсаларни севмайди»[1] дейиш билан жиноят ҳақида хабар бермаслик ва жиноятларни яшириш ҳақида сўз юритилиб, бундай жиноий қилмиш ҳам жазога сазовор эканлигини кўзда тутади.

«Бақара» сурасининг 282-оятида «...Гувоҳлар гувоҳлик учун чақирилганда бош тортмасинлар»[2], дейилган бўлса, «Нисо» сурасининг 135-оятида эса «Эй мўминлар, адолат билан тургувчи ҳамда ўзларингнинг ёки ота-она ва қариндош-уруғларнинг зарарига бўлса-да, Оллоҳ учун тўғри гувоҳлик бергувчи бўлинглар! У (яъни гувоҳлик берувчи) бой бўладими, камбағал бўладими, ҳар иккаласига ҳам Оллоҳнинг ўзи сизлардан кўра яқинроқдир. Агар тилларингизни буриб, нотўғри гувоҳлик берсанглар ёки гувоҳлик беришдан бош тортсанглар, албатта, Оллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардор бўлган зотдир»[3], деб била туриб ёлғон гувоҳлик бериш ёки кўрсатма беришдан бош тортиш ҳам гуноҳ — жиноят ҳисобланиши белгилаб қўйилган.

«Моида» сурасининг 32-оятида «...Кимки бир жонни ўлдирмаган ва ерда бузғунчилик қилиб юрмаган одамни ўлдирса, демак, гўё барча одамларни ўлдирибди ва кимки унга ҳаёт ато этса, яъни ўлдиришдан бош тортса, демак «гўё барча одамларга ҳаёт берибди»[4], деб кўрсатилган.

---

[1] Қуръони карим. Т., «Чўлпон», 1992, 66-бет.
[2] Ўша асар, 34-бет.
[3] Ўша асар, 68-бет.
[4] Ўша асар, 76-бет.

Мазкур оятда қасддан одам ўлдириш жиноятнинг жамият учун ижтимоий жиҳатдан қанчалик хавфли эканлигидан, шу билан бир қаторда, исломда инсонпарварлик ғояси илгари сурилганлигидан далолат беради. Айни пайтда бу чақириқ жиноятчиликка қарши кураш чораси ҳамдир.

«Моида» сурасининг 90-оятида «Эй мўминлар, ароқ — маст қиладиган ичимлик-ичиш, қимор ўйнаш, бутлар (яъни уларга сиғиниш), чўплар (яъни чўплар билан фолбинлик қилиш) шайтон амалидан бўлган ҳаром иш»[1], деб тўрт турдаги жиноятлар санаб ўтилган. Шунингдек, «Ҳужурот» сурасининг 12-оятида «Эй мўминлар, кўп гумонлардан четланглар! Чунки айрим гумонлар гуноҳдир! (Ўзгаларнинг айблари ортидан) жосуслик қилиб юрманглар ва айримлари ғийбат қилмасин!» дейилган. Бу оятнинг илмий изоҳида эса мазкур оят воситасида кишиларни уч иллатдан қайтариш кўзда тутилгани айтиб ўтилади: биринчиси — ўзгалар ҳақида ёмон гумон қилиш, иккинчиси — бировларнинг айбларини ахтариб топиш учун орқаларидан жосуслик — айғоқчилик қилиб юриш, учинчидан — ғийбат қилиш. «Ғийбат, — деганлар пайғамбаримиз, — биродарингнинг ортидан унинг ўзи эшитиб қолса хафа бўладиган айб-нуқсонини айтишингдир». Демак, ғийбат сабабли бўҳтон ва туҳмат юз беради. Бу эса оғир жиноятдир! Шунинг учун ҳам пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) «Ғийбат қилиш бировни ноҳақ ўлдиришдан ёмонроқдир», деганлар[2].

«Ал-Исро» сурасининг 31-оятида «Эй инсонлар, болаларингизни йўқчиликдан қўрқиб ўлдирманглар», 35-оятида «...ўрталарингиздаги олди-берди, савдо-сотиқдан бирон нарсани ўлчаган вақтларингизда ўлчовни тўла-тўкис қилинглар ва тўғри торозидан тортинглар! Мана шу энг яхши ва чиройли ечим — ҳукмдир»[3], дейилганидан маълум бўладики, ота-она томонидан ўз боласини қасддан ўлдириш, олибсотарлик, харидорлар ва буюртмачини алдаш ҳамда савдо қоидасини бузиш каби

[1] Қуръони карим. Т., «Чўлпон», 1992, 82-бет.
[2] Ўша асар, 391—392-бетлар.
[3] Ўша асар, 198-бет.

қонунбузарликлар шариатда қатъий тақиқланган, яъни улар ҳам жиноят турларидан бири эканлиги белгилаб қўйилган.

Қуръони каримда, шунингдек, юқорида санаб ўтилган жазо тури аниқ кўрсатилмаган жиноят турлари ҳақида сўз юритилибгина қолмай, балки ҳар қандай жиноят келиб чиқишининг олдини олиш, унга қарши жамиятнинг барча аъзолари курашиши лозимлиги ҳам кўрсатилган. Жумладан, «Ал-Исро» сурасининг 32-оятида «Зинога яқинлашманглар! Чунки (бу) бузуқликдир — энг ёмон йўлдир»[1], деб шариатда ўта оғир жиноят — зинокорликка қарши курашишга даъват этилган.

«Ҳашр» сурасининг 7-оятида «...Пайғамбар ўзи саволига ато этган нарсани олинглар, у зот сизларни қайтарган нарсадан қайтинглар ва Оллоҳдан қўрқинглар. Албатта Оллоҳнинг жазоси қаттиқдир»[2], деб огоҳлантирилган.

«Бақара» сурасининг 179-оятида «Сизлар учун қасосда ҳаёт бор, эй аҳли донишлар! Шояд жиноятлардан сақлансангизлар!»[3] деб қайд этилган. Демак, ҳар қандай киши қасосга дучор бўлишини ўйлаб ўзини қотиллик қилишдан тияди. Натижада қотилдан қасос олиш ҳукми борлиги сабабли жуда кўп қотил ва ўлдирилувчи бўлиши мумкин бўлган кишиларнинг ҳаёти сақлаб қолинади. Мазкур оятларнинг мазмунини янада чуқурроқ таҳлил қилганимизда, шундай хулоса келиб чиқадики, жамиятдаги иқтисодий, ижтимоий-маданий, тарбиявий ва ҳуқуқий чоралар уйғунлаштирилган ҳолда қўлланилсагина жиноятчиликка қарши кураш ўз самарасини беради. Шу маънода Шайх Қодирхон ўғлининг «Кимки Оллоҳдан қўрқса, у ҳеч кимга тажовуз қилмайди. Оллоҳдан қўрқиш ер юзида жиноят қилишдан қайтарадиган асосий сабабдир»[4], деган фикри айни ҳақиқатдир.

---

[1] Қуръони карим. Т., «Чўлпон», 1992, 298-бет.
[2] Ўша асар, 427-бет.
[3] Ўша асар, 21-бет.
[4] **Шайх Зоҳидхон Қодир Отахон ўғли**. Пайғамбарлар қиссаси. Т., «Қомуслар бош таҳририяти», 1993, 25-бет.

3.2. Суннатнинг мусулмон жиноят ҳуқуқи манбаи сифатидаги ўрни

Шариатнинг иккинчи асосий манбаи суннатлардир.

Қуръони каримнинг «Нисо» сурасидаги 59-оятда «Бирон-бир масалада ўзаро тортишиб қолсангиз, Оллоҳ китоби — Қуръони каримга ва Расулуллоҳнинг суннатларига мурожаат қилинглар. Мана шундай қилсангиз, сизларга яхши бўлур ва тўғри, чиройли йўл топган бўлурсизлар»[1], деб қайд этган исломшунос олим Ю. Шокиров.

«Суннат» сўзи араб луғатида одат, анъана, хатти-ҳаракат деган маънони англатади[2]. Аммо исломшунос олим Ю.Шокировнинг ёзишича, «суннат» сўзи умуман «йўл» маъносини англатади[3].

Суннат бамисоли Қуръоннинг қўшимчаси ҳисобланади ва Қуръон билан биргаликда шариатнинг асосини ташкил этади. Таниқли француз шарқшунос олими Л.Массенинг фикрича, суннатни Қуръонсиз қўллаб бўлади, аммо Қуръонни суннатсиз қўллаб бўлмайди[4].

Ҳадисшунос олимлар эса суннат деб, пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) нинг айтган сўзлари, қилган ишлари ва бошқалар қилган ишга сукут сақлаб туришларига айтилади[5], деб ҳисоблайдилар. Ҳақиқатан ҳам, суннат бу—ҳадислар тўпламидир. У Муҳаммад пайғамбарнинг Қуръонда қамраб олинмаган у ёки бу масалаларни ечиш муносабати билан берган кўрсатмалари, сўзлаган маърузалари, фикрлари мажмуидир. Голландиялик исломшунос олим Арен Венсинк «Суннатга риоя қилиш - Муҳаммадга тақлид қилмоқдир»[6], деб суннатни жуда

---

[1] **Ю. Шокиров.** *Ислом шариати асослари.* Т., «Меҳнат», 1992, 62-бет.
[2] Ислом справочниги. Т., «Ўз.С.Э. Бош редакцияси», 1989, 245-бет.
[3] **Ю. Шокиров.** Ўша асар. 36-бет.
[4] **Л. Массе.** Ислам. М., 1982, 72-бет.
[5] **Ю. Шокиров.** Ўша асар. 36-бет.
[6] **Дж. Еремеев.** Шариат. Исламский кодекс, право и мораль. «Азия и Африка сегодня», 1991, 7-сон, 32-бет.

юксак баҳолаган. Хадича Сулаймонова эса «Суннат Қуръон билан тенг қонун кучига эга бўлган, инкор қилиб бўлмайдиган ҳуқуқий ҳужжатдир»[1], деб фикр билдирган.

Шу ўринда суннат билан ҳадис бир хил маънони англатувчи сўзларми, деган савол туғилади. Ю.Шокировнинг қайд этишича, «ҳадис» сўзи «суннат» сўзидан кенгроқ тушунчадир. Ҳадис суннатдан фарқли равишда пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) қилган амаллари, ахлоқи ҳамидлари, одоблари, муборак шаклу шамойиллари ҳақида саҳобаларнинг айтган сўзларини ҳам ўз ичига олади[2].

«Ҳадис» сўзи араб тилидан олинган бўлиб, «гап» ёки «ривоят» маъносини англатади.

Кўпгина манбалардан маълумки, араблар ўзларига нисбатан тараққий этган қатор мамлакатлар ҳудудини эгаллаш билан ислом шариатини тарқатган. Шунда бу давлатлардаги урф-одат, қонун-қоидалар ўзига хос жамиятларга эга эканлиги сабабли улар баъзи бир масалаларни ҳал этишда қийинчиликларга дуч келганлар. Улар зиддиятли ҳолга дуч келганларида, кўпинча Муҳаммад (с.а.в.)нинг нуфузидан, яъни у кишининг чуқур маъноли сўзларидан, ўзида акс эттирган ҳадислардан устамонлик билан фойдаланган.

Демак, шариат меъёрлари қўлланган барча мусулмон давлатларнинг ижтимоий ҳаётида ислом ҳуқуқи ва диний масалаларни ҳал этишда, айниқса, мусулмон қонун-қоидаларини яратишда асосан суннатдан фойдаланилган. Шунинг учун ҳам у шариатнинг асосий манбаларидан бири ҳисобланади.

Умуман олганда, ҳадис илмининг намояндалари пайғамбаримизнинг нақл ва ҳикматларини икки туркумга бўлишган:

а) Муҳаммад(с.а.в.)нинг оддий ҳикмати, яъни Оллоҳ томонидан руҳлантирилмаган, шунчаки чуқур маъноли сўзлари;

---

[1] **Х. С. Сулаймонова.** Собрание сочинений. Том 1. Т., «Фан», 1967, 41-бет.
[2] **Ю. Шокиров.** Ислом шариати асослари. Т., «Меҳнат», 1992, 36-бет.

б) Оллоҳ томонидан руҳлантирилган, яъни Тангридан илҳомланиб айтилган ҳикматдир. Бу қудсий ҳадислар, яъни илоҳий нақллар деб юритилган. Лекин ҳар иккиси ҳам қонун кучига эга бўлган.

Мусулмон ҳуқуқи масалалари билан шуғулланган собиқ шўро даври олимлари, жумладан, М.Муллаев «Муҳаммад (с.а.в.) вафотидан сўнг пайғамбар сафдошларининг ҳар бири бу ҳадислардан ўзича фойдаланди. Улар ҳеч қаерда ёзиб қўйилмаган, оғиздан-оғизгача кўчиб юрар эди ва асрлар давомида шунчалик кўп ҳадислар тўпланиб қолдики, улар бир-бирига зид кела бошлади. Чунки ҳар бир ҳадис айтувчи ўз фикрини ишончли қилиб кўрсатар ва суд ишларида ҳадислар қолиб, уни айтувчиларнинг нуфузига қараб ҳукм чиқарилар эди»[1], деган фикрини тарғиб қилган. Фикримизча, бундай фикр ҳақиқатдан узоқдир, чунки биз ўрганган шариат ислом ҳуқуқ тизимига алоқадор кўпгина манбаларда зикр этилган, Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) ҳаётликларида ҳадис тўплаш ҳақида бирор-бир топшириқ бермаган бўлсалар-да, саҳобаларнинг ҳадис ёзиш билан машғул бўлганидан хабар топганларида индамаганликлари, қолаверса, биринчи халифа — Абу Бакр ҳадисларга асосланган ҳолда кенг жамоа билан келишиб давлатни бошқара борганлиги, кейинги халифалар — Умар ва Усмон эса ҳадисларни мукаммал билган саҳобаларгагина уни жамлаш ҳақида топшириқ бергани, ҳадис тўплаган олимлар жуда эҳтиёткорлик, аста-секинлик билан бирор-бир ўзгариш ва хатоликка йўл қўймасдан ҳадисларни жамлаганликлари қайд этилган.

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг «Мендан бир сўз ёки калима эшитган бўлсангизлар, уни албатта бошқаларга етказинглар», деган сўзларига амал қилган, ҳадис илмининг асосчилари деб танилган юртдошларимиз

---

[1] **М.М. Муллаев.** Происхождение и реакционная сущность шариата. Душанбе, «Ирфон», 1967, 39-бет.

Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий ва бошқалар «ас-Сиҳоҳ ас-Ситта», яъни ҳадисларга доир олти саҳиҳ китобларни яратдиларки, бу манбалар асрлар оша биз яшаётган замонгача етиб келган. Улардан ҳозирда ҳам мусулмон давлатларида қатор ҳуқуқ соҳалари, жумладан, жиноят ҳуқуқининг манбаи сифатида кенг фойдаланилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳадис китоблари орасида Имом ал-Бухорийнинг «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ» асари энг ишончли ҳадисларни ўз ичига олган, деб эътироф этилади. Ислом оламидаги барча олимлар бир овоздан «ижмоъ» асосида «Бу китоб ўзининг мўътабар ва муқаддаслиги жиҳатидан Қуръони каримдан кейинги китобдур»[1], деб қарор қабул қилганлар. Шунингдек, ҳадис илмининг асосчиларидан бири ҳисобланган Абу Довуднинг «Сунан» китобидан бошқа ҳадис китобларидан фарқли ўлароқ, кўпроқ шариат қонунлари ва ислом ҳуқуқшунослиги фиқҳга, шунингдек, жиноятларга оид ҳадислар ўрин олган.

Мусулмон ҳуқуқининг мазҳаб асосчилари ҳам шариат қонун-қоидаларини ишлаб чиқишда ҳадислардан кенг фойдаланганлар. Шу сабабли суннатлар асосий манба сифатида доимий равишда ўрганилган, талқин қилинган ва талқин қилинаётир.

Имом ал-Бухорийнинг «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ» ҳадислар тўпламидаги жиноят ҳуқуқига оид жиноят ва жазо масалаларини ўзида акс эттирган саҳиҳ — ишончли ҳадислар тадқиқот сифатида ўрганилди. Ал-Бухорий ҳадис тўпламларининг 3 ва 4-жилдларида жиноят турлари ва уларда кўзда тутилган жазо масалалари ифодаланган ҳадислар ҳам ўрин олган. Жумладан, ҳад урмоқ ва ҳад урилмоғидан асровчи феъл-атвор ҳақидаги китобда шариат ҳуқуқи тизимининг ҳад туридаги қатъий жазо белгиланган жиноятлардан спиртли ичимлик ичиш ва

[1] **Ю. Шокиров.** Ислом шариати асослари. Т., «Меҳнат», 1992, 43-бет.

ўғриликда пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) томонидан қўлланган жазолар тўғрисидаги кўплаб ҳадислар ўз ифодасини топган. Зикр этилишича, ичган бир одам пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) томонидан хурмо новдаси ҳамда кавуш билан уриб калтакланган, кейинчалик халифа Абу Бакр эса ичкилик истеъмол қилишда айбланган шахсни 40 дарра уришга ҳукм қилган. Бу ҳол пайғамбар ҳаётлик пайтларидаёқ ароқ истеъмол қилган шахсга нисбатан таъзир туридаги жазо қўлланилганлигидан дарак беради. Агар ҳад қўлланганида ичимлик ичган шахс ўлиб қолган тақдирда, унинг ворисларига товон тўлаш лозимлиги ҳам кўрсатилган. Чунки пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) маст кишини ўлгунча урмоқни буюрмаганликлари[1] қайд қилинган.

Шу ҳадисда яна «...мастни тутиб келиб қўлимиз, кавушимиз ва кийимларимиз билан калтаклаб жазолар эдик. Умар халифалигининг сўнгги йилларига келиб, қирқ дарра уриладиган бўлди. Одамлар орасида фисқу фасод кучайганда эса саксон даррага етказилди»[2], дейилган. Демак, маст қилувчи ичимлик истеъмол қилган жиноятчига нисбатан жазо ўзгартирилиб, бу жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги даражасини ҳисобга олиб, кучайтирилган жазо — «ҳад» қўллаш жорий этилган. Ҳад туридаги жазо Оллоҳ томонидан жорий қилинган, Оллоҳнинг ҳақи ҳисобланиб, бу ҳақда эса Қуръони каримда ўғрилик қилган эркак ва аёлнинг қўлини кесиш кераклиги кўрсатилганини назарда тутиб, пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ўғрилик қилган эркагу аёл, зодагон ва бечораҳолга бу жазодан бир хил фойдаланишни айтиб, ҳад шаръий жазо — каффоратдур, деганлиги ҳақида бир неча ҳадислар мавжуд[3]. Баён этилган ҳолатлар ўша пайтда ҳам жиноий жазо белгилашда қонун олдида барчанинг тенглиги тамойилига амал қилинганидан далолат беради.

[1] **Ал-Бухорий**. Ҳадис. 4-жилд, Т., «Қомуслар бош муҳарририяти», 1992, 290-бет.

[2] **Ал-Бухорий**. Ҳадис. 4-жилд, Т., «Қомуслар бош муҳарририяти», 1992, 291-бет.

[3] Ўша асар. 293-бет

Ҳадислардан бирида «...ўғирланган мол-мулкнинг миқдори чорак динор ва ундан зиёд пул қиймати уч дирҳам турадиган теридан ясалган қалқон бўлганида қўл кесиш, ундан камига эса қўл кесилмаслиги»[1], таъкидланади. Демак, пайғамбаримиз даврида ҳам жазо турини табақалаштирган ҳолда қўллаш, яъни жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига қараб, оғир ва енгил турларга бўлинганлигини келтирилган ҳадис мисолида кўришимиз мумкин.

Ҳад жазоси белгиланган шахслар содир этган жиноий қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, тавба қилиб, тўғри йўлга киргани жамият аҳли томонидан эътироф этилгандан сўнг унинг гувоҳлиги қабул қилинган[2]. Бу эса жазонинг таъсири нақадар юқори эканлигини кўрсатади.

Яна бир ҳадисда ислом динини қабул қилган қабилаларидан бирининг бир гуруҳ аъзолари пайғамбарнинг туябонини ўлдириб, туяларни ҳайдаб қочиб кетганидан хабар топган Муҳаммад пайғамбаримиз (с.а.в.) уларни тутиб келтиришни буюриб, олиб келинган жиноятчиларнинг қўл-оёқларини кесиб, қон тўхтатиш чорасини кўрмасдан туриб ўлдиришга ҳукм қилганликлари кўрсатилган. Бунда уч турдаги жиноятларни: ўғрилик, қасддан одам ўлдириш ва диндан қайтган айбдорларни жазолаганлигини, яъни бир неча оғир жиноятларни содир этган айбдорларга жами жиноятлари учун энг оғир жазо — ўлим қўлланилганлигини кўрамиз.

Хотини бўла туриб зино қилган эркак ва эри бўла туриб зинодан ҳомиладор бўлиб қолган аёлни «ражм» — тошбўрон қилиб ўлдириш ҳақида ҳадислардан бирида батафсил баён этилган[3].

---

[1] **Ал-Бухорий**. Ҳадис. 4-жилд, Т., «Қомуслар бош муҳарририяти», 1992, 294-295-бетлар.

[2] Ўша асар. 295-бет.

[3] Ўша асар. 299-бет.

Зино қилган бўйдоқ эркак ва аёлга дарра урилиб, иккаласи биргаликда бадарға қилинган ва уларнинг ҳар бирига эса юз даррадан уриш жазоси қўлланилган.[1]

Зино қилган ақли норасо эркак ва аёлга нисбатан жазо қўлламаслик ҳам алоҳида қайд этилган[2].

Зинокорликда айбланган бошқа динга мансуб айбдорларга ҳам Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) томонидан «ражм» — тошбўрон қилиш ҳақида ҳукм чиқарилганлиги аниқ бир жиноят иши тафсилотида ёритилган. Унда зикр этилишича, Тавротда ҳам бу жиноят турига тошбўрон қилиш жазоси белгиланганн учун ҳам шундай ҳукм чиқариш асос қилиб олингани зикр этилган.

Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) таъзир ва адаб тариқасида ўн даррадан ортиқ урмасликни[3] ҳамда бу жазо турини унчалик ижтимоий хавфли бўлмаган жиноятларни содир этганларга, мисол учун бирор озиқ-овқат маҳсулотларини ўзлари яшайдиган жойга олиб бориб сотмоқ ниятида (фойда кўриш мақсадида бўлса керак) кўтара харид қилган кишининг таъзирини бериб, калтаклашга буюрганликлари ҳақида ҳам ҳадисларда қайд этилган.

Муҳаммад (с.а.в.) жамоа аҳлига мурожаат қилиб, уларга етти жиноятни содир этишдан: Оллоҳга ширк келтирмоқ; сеҳр-жоду билан шуғулланиш; ноҳақ бировни ўлдирмоқ; судхўрлик; етимнинг ҳақини емоқ; жанг майдонидан қочмоқ ва бегуноҳ пок аёлга туҳмат қилмоқдан ўзларини тийишни уқтирганлари ҳам ҳадисларда баён этилган[4].

«Товонлар» деб номланган бўлимда эса ўша давр амалиётида мавжуд бўлган аниқ жиноят ишлари тафсилотини баён қилган ҳолда қасддан одам ўлдириш ва тан жароҳати етказиш каби жиноий қилмишларнинг

---

[1] **Ал-Бухорий**. Ҳадис. 4-жилд, Т., «Қомуслар бош муҳарририяти», 1992, 312-бет.

[2] Ўша асар. 314-бет.

[3] Ўша асар. 320-329 бетлар.

[4] Ўша асар. 314-бет.

(қасддан ёки эҳтиётсизликдан содир этиш) турли-туман шакллари юзасидан пайғамбар томонидан чиқарилган ҳукмларнинг баёни кўрсатилган.

Улар билан танишилганда «бирор кимсани ўлдирган киши икки қасос йўлидан бирини танлагайдур: ё хун ҳақини ёки қасосини олгайдур», деган Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)нинг сўзлари келтирилиши билан бир қаторда янглиш одам ўлдиришда эса афв этиш, жиноятчи афв этилганда жабрланувчининг ворисларига хун ҳақи: бир қул ёки чўрини озод этиш билан каффорат тўлаши кераклиги, эркагу аёлларнинг ўзаро етказилган жароҳатлари учун қасос олишлари, яъни тенг жазо тамойилини қўллаш ва ниҳоят ҳомиладор аёлга билатуриб қасддан жароҳат етказилганда у вафот этса, ҳомила товони учун бир қул ёки чўрини озод қилиш, ҳомиладорлигида ўлдирилган аёлнинг товон ҳақини тўлаши эса айбдорнинг қариндошлари зиммасига юклатилганлиги[1] баён қилинган.

Булардан ташқари, экинзорларни пайҳон қилиш, дарахтларни қонунсиз кесмоқ, топиб олинган мол-мулкни ўзлаштириш ҳам тақиқланган, яъни улар гуноҳ — жиноят ҳисобланиши ҳадисларда зикр этилган[2].

Яна шу ҳадислар тўпламида мусулмон бўла туриб диндан қайтганларнинг жиноий қилмишига яраша жазолаш кераклиги саккизта ҳадис мазмунида баён этилган. Диндан қайтган мусулмон «муртад» деб аталган. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) «Оллоҳга ширк келтирмоқ, ота-онасига оқлик қилмоқ ва ёлғон гувоҳлик бермоқ — гуноҳи азимлардандир»[3] деб, уларни жиноят сифатида белгиланганликларини кўрамиз.

Шунингдек, диндан қайтган эркагу аёл тавба қилдирилади, акс ҳолда ўлдирилади[4], деб ҳад жазосини

---

[1] **Ал-Бухорий**. Ҳадис. 4-жилд, Т., «Қомуслар бош муҳарририяти», 1992, 320-329-бет.

[2] Ўша асар. 319-бет.

[3] Ўша асар. 331-бет.

[4] Ўша асар. 332-бет.

қўллаш қайд этилган. Хулоса шуки, диндан қайтиш жиноятини содир этган айбдорга, тавба қилиб, ўз динига қайтиш ҳақида тушунтирилади, агар у айбни бўйнига олиб, иқрорлик билдириб, қилган жиноий қилмиши учун пушаймон бўлиб, яна қайта ислом динини қабул қилганини эътироф этса, жазодан озод қилинади. Агар у шундан кейин ҳам яна исломни тарк этса, энди унинг жиноий қилмиши хавфли ҳисобланади ва унга нисбатан қатъий ҳад жазоси — ўлим қўлланилиши лозим бўлади.

«Мажбур қилмоқ» деб номланган бобдаги ҳадислардан бирида номусга тегиш жиноятини содир этган эркакка ҳад туридаги жазо қўлланиши, зўрланган аёл эса жабр тортган, мажбур қилинган, деб жазодан озод қилиниши қайд этилган[1].

Яна бир ҳадисда «Мазлумни ҳимоя қилиб, золимни ўлдирган шахсдан товон ҳам, қасос ҳам олинмагайдур!»[2] дейилган. Бу ҳадис қуйидагича асосланади: ҳар қандай мажбур қилинувчи шахс қўрқув остида ўзини ўзи ҳимоя қила олмайди, шунинг учун уни бирон киши ёрдамида жиноятчидан ҳимоя қилишга, хавфу хатарини бартараф этишга рухсат берилади; унинг бу қилмиши тақиқланмаган ҳисобланади. Демак, шариатда ҳам зарурий мудофаа ва охирги зарурат оқибатида қилинган ҳаракат жавобгарликни истисно қилувчи ҳолат, деб саналган.

«Бақара» сурасининг судхўрлик ҳақидаги охирги оятлари нозил бўлганда Расулуллоҳ масжидга чиқиб, тик турган ҳолда уларни одамларга ўқиб бериб, кейин ароқ савдосининг ҳаромлигини айтиб, «Ва агар шундай қилмасангизлар, Оллоҳ бирлан унинг Расули сизларга уруш эълон қилгай», деб жамоага мурожаат қилганликлари ишонарли тўпламдаги ҳадислардан бирида ўз аксини топган. Бу ҳадиснинг сарлавҳасида

---

[1] **Ал-Бухорий**. Ҳадис. 4-жилд, Т., «Қомуслар бош муҳарририяти», 1992, 343-бет.

[2] Ўша асар. 344-бет.

«Оллоҳ тижоратни ҳалол қилиб, судхўрликни ҳаром қилгандур»[1], деб номланади.

Шунингдек, ушбу ҳадислар тўпламида бошқа турдаги жиноий қилмиш, жумладан, бозорни касод қилиш учун атайлаб нарх-навони ошириш, савдо-сотиқда алдамчилик — харидор ва буюртмачини алдаш, савдо қоидасини бузиш; пора олиш мақсадида товламачилик қилиш; қози томонидан ноқонуний ҳукм чиқариш каби ислом шариатида макруҳ саналган[2] гуноҳлар — жиноятлар ҳақида ўша давр амалиётига хос бўлган қатор мисоллар намуна қилиб кўрсатилган.

Мазкур манбада жиноят ҳақида хабар бермаслик ва жиноятни яширган кишининг қилмиши қаттиқ қоралангани ҳам ўз аксини топган.

Яна бир ҳадисда Расулуллоҳнинг минбарга чиқиб «Хамрнинг ҳаром қилинганлиги хусусида оят нозил бўлди. Хамр беш нарсадан — узум, хурмо, буғдой, арпа ва асалдан тайёрланиб, у ақлни оздирувчи ичимликдир»; «Маст қилгувчи ҳар қандай ичимлик ҳаромдур»[3], деганлари ҳам ўз аксини топган.

Шу тариқа суннатда Қуръони каримда ўз аксини топмаган қатор жиноят турлари, таъзир жазо турлари, жиноят ҳуқуқи фанига алоқадор бўлган иштирокчилик; жиноий жавобгарликни истисно этувчи ҳолатлар (зарурий мудофаа) ва бошқа қатор масалалар ҳам маълум даражада ёритилганлигини кўришимиз мумкин. Қисқаси, ҳадисларда жиноят ва жазо тушунчалари, унинг турлари ўша давр амалиётининг умумлашмаси сифатида таҳлил қилинган десак, хато бўлмайди. Шунинг учун ҳам суннат Қуръони каримдан кейин уни бойитган, тўлдирган, бой амалий тажрибани ўзида мужассамлаштирган муҳим шариат манбаси ҳисобланади.

---

[1] **Ал-Бухорий**. Ҳадис. 3-жилд, Т., «Қомуслар бош муҳарририяти», 1994, 172-бет.

[2] **Ал-Бухорий**. Ҳадис. 4-жилд, Т., «Қомуслар бош муҳарририяти», 1992, 348-бет.

[3] **Ал-Бухорий**. Ҳадис. 3-жилд, Т., «Қомуслар бош муҳарририяти», 1994, 540—541-бетлар.

3.3. Ижмоъ ва қиёс – мусулмон жиноят ҳуқуқининг манбалари

«Ижмоъ» – арабча сўз бўлиб, ўзбек тилида иттифоқ, якдиллик, ҳамфикрлик деган маънони билдиради[1].

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом вафотларидан сўнг у киши билан бир замонда яшаган, шариат илмини мукаммал эгаллаган олимларнинг (мужтаҳидларнинг) Қуръон ва суннатда аниқ жавоб топилмаган масалалар юзасидан ҳамфикр бўлиб, якдиллик билан қарор қабул қилишлари «ижмоъ» дейилган. Ижмоъ асосида шариатнинг барча ҳуқуқ соҳаси, жумладан, жиноят ва жазога тегишли масалалар ҳал қилинган.

Ижмоънинг шаръий ва қонуний бўлиши учун қуйидаги ҳолатларнинг мавжуд бўлиши талаб қилинган:

– уни қабул қилишда бир даврда яшаган олимларнинг (мужтаҳидларнинг) ҳозир бўлиши ва улар муайян масалани ҳал этишда узил-кесил бир фикрда бўлиши зурурлиги;

– олимлар (мужтаҳидлар) турли шаҳарларда, ҳаттоки турли мамлакатларда истиқомат қилса ҳам, улар бир вақтда яшаган бўлиши зарурлиги;

– ижмоъ пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) вафотларидан сўнг бўлмоғи лозим[2].

Ижмоъ ислом қонуншунослигининг асосий негизларидан бири ҳисобланади.

Таниқли ўзбек ҳуқуқшунос олимаси Хадича Сулаймонова «агар шариат шарҳловчилари томонидан айтилган фикр билан «барча мусулмонлар» рози бўлганида, у қабул қилинган ва қонун кучига эга бўлган. Аслида эса, албатта, бундай янги ҳолат «барча мусулмонлар»нинг розилиги билан қабул қилинган, бу

---

[1] **Ю. Шокиров.** Ислом шариати асослари. Т., «Меҳнат», 1992, 50-бет.
[2] **Ю. Шокиров.** Ислом шариати асослари. Т., «Меҳнат», 1992, 50-бет.

ҳолатни мустаҳкамлашга руҳонийларнинг розилиги етарли бўлган. Халққа эса улар томонидан қабул қилинган қарорлар билан жимгина рози бўлиш ҳуқуқи берилган. Бундай жимлик розилик аломати деб қабул қилинган», деб «ижмоъ» тушунчасини, фикримизча, бирмунча нотўғри таърифлаган. Чунки, юқорида қайд этилганидек, икки асосий манбада ечими топилмаган масала юзасидан «барча мусулмонлар»нинг розилиги эмас, балки етук мутахассис олимларнинг биргаликдаги муҳокамаси якунида қабул қилинган қарори «ижмоъ» ҳисобланади.

Ижмоъ икки ҳолда: шариатнииг асосий манбаларида (Қуръони карим ва суннат) аниқ жавоб топилмаган масалалар бўйича ёки мавжуд жавобнинг шарҳи ёки изоҳи тариқасида ҳам қабул қилиниши мумкин.

Мусулмон ҳуқуқининг етук ҳуқуқшунос олимлари ижмоъни икки турга: «ижмоъ сариҳ» ва «ижмоъ сукутий»га ажратадилар.

Ижмоъ сариҳ — муҳокама қилинган масала юзасидан фикр билдириш, ижмоъ сукутий — сукут сақлаш билан рози эканлигини билдириш. Аммо сукут сақлаш йўли билан розилик билдиришнинг қуйидаги шартлари: биринчидан, олим кўрилган масаладан хабардор бўлиши; иккинчидан, ўзининг бирор-бир ҳаракати ёки ишорати билан эътироз билдирган бўлмаслиги; учинчидан ва энг муҳими, сукут сақлаш қонун қабул қилингунича давом этган бўлиши талаб қилинади.

Ижмоъ асосида қабул қилинган қарор, албатта, Қуръони карим ва суннат талабларига тўлиқ мос бўлиши керак. Шу сабабли ҳам уни қатъий бажариш ҳар бир мусулмондан талаб қилинган.

Ижмоъга келишилгандан сўнг ҳеч ким унга қарши чиқишга ҳаққи йўқ, бу масала қайта муҳокама ҳам қилинмайди.

Мусулмон ҳуқуқига оид назарий манбаларда қайд этилишича, барча мазҳабларга мансуб ҳуқуқшунос олимлар бир жойга тўпланиб, бир овоздан ҳал қилган

ижмоъий масалалар унчалик кўп эмас. Аммо шариат қонунларини қабул қилишда муайян масала юзасидан бирор-бир мазҳабга мансуб ҳуқуқшунос олимларнинг ўзаро келишилгани етарли, деб ҳисобланган ҳоллар учрайди. Бу тартиб эса қонуншунос-ларнинг қонун яратиш фаолиятини амалга оширишни осонлаштиради. Бундай ҳолат ҳанафий мазҳабида кўпроқ учрайди. Чунончи, бу мазҳаб таълимотларида гоҳо «Бу ҳукм фалон мужтаҳиднинг фикри асосида қабул қилинган» деб таъкидланган.

Бу эса қонуннинг ижмоъ ёрдамида қабул қилинганидан дарак беради. Фикримизни янада ойдинлаштириш мақсадида ижмоъга қуйидаги мисолларни келтириб ўтамиз.

Муҳаммад пайғамбар ва ундан кейин тўрт халифа замонида ҳам судда судланувчига нисбатан унинг қариндошлари гувоҳлик берган, бу гувоҳлик ҳимоя ёки айблов тарзида бўлишидан қатъи назар, қабул қилинган. Аммо вақт ўтиши билан айбланувчиларнинг қариндош-уруғлари гувоҳлик берганида адолат чегарасидан чиқиб, қариндошлик ҳиссиётига берилиб кетган, баъзи бир ҳолларда айбдорнинг ҳаракатини холис баҳолашда қийинчиликларга дуч келинган. Шунда ҳуқуқшунослар (мужтаҳидлар) мазкур қонунни ижмоъ ёрдамида бекор қилиш ва унга ўзгартириш киритган ҳолда янги қонун қабул қилишни лозим топганлар. Ижмоъ асосида қабул қилинган қонунга кўра, судланувчилар қариндошларининг ҳар қандай (хоҳ оқловчи, хоҳ қораловчи) гувоҳлиги эътиборга олинмаслиги[1] кўрсатилган.

Шунингдек, «Ҳидоя» асарининг жиноят ҳуқуқи қонун-қоидаларини ўзида акс эттирган бобларида ҳам кўпчилик жиноятларга жазо белгилашда ижмоъга кенг ўрин берилганини кўрамиз. Мисол учун, қасддан содир этилган қотиллик қурол ёки шунга ўхшаш темир, ёғоч ва олов

[1] **Ю. Шокиров.** *Ислом шариати асослари.* Т., «Меҳнат», 1992, 54-бет.

билан бировнинг атайлаб ўлдирилишига айтилади, деб бу жиноят тушунчаси ижмоъ асосида қабул қилинган[1].

Фикримизча, суд амалиётида жиноят қонун-қоидаларини тўғри татбиқ қилиш масаласи бўйича Олий Суд Пленуми қарорларини қабул қилишда ижмоъда бўлгани сингари шу соҳанинг етук олимларини янада кенгроқ жалб этиш мақсадга мувофиқдир.

Қиёс ҳам мусулмон жиноят ҳуқуқининг манбаларидан бири ҳисобланади. Қиёс — тенглаштириш, солиштириш, таққослаш демакдир[2]. Юқорида зикр этилган манбада масалага аниқ жавоб топилмаган тақдирда қиёсга мурожаат қилинади.

Қиёс янги пайдо бўлган масаланинг сабабини Қуръони каримда, суннатда ёки ижмоъда ўз ечимини топган масалаларнинг сабабларига солиштириш йўли билан унга ҳукм чиқаришга имкон беради[3].

Исломшунос олим Ю.Шокиров қиёсни қуйидаги бир неча таркибий қисмларга ажратиб таҳлил қилган:

а) асосий масала — Қуръони каримда, суннатда ёки ижмоъда ўз жавобини аниқ топган масала;

б) сабаб — шу масалага ҳукм берилишига асос бўлган ҳодиса;

в) ҳукм — масала устидан чиқарилган хулоса;

г) янги масала — мазкур манбаларда аниқ жавобини топмаган масала[4].

Шу ўринда қиёслаш ёрдамида қабул қилинган ва жиноят турларидан саналган қуйидаги мисолни келтирмоқчимиз:

Қуръони каримда маст қилувчи ичимлик ичганлик ҳақида шундай оят бор: «Эй мўминлар, ароқ, қимор, Оллоҳдан бошқанинг йўлида сўйилган ҳайвон ва фол — буларнинг ҳаммаси шайтон амалидан бўлган ҳаром

---

[1] **Бурҳонуддин Марғиноний**. Ҳидоя. 2-жилд, Қозон — Россия, 1886, 625-бет.

[2] Ислом справочниги. Т., «Ўз.С.Э. Бош редакцияси», 1989, 294-бет.

[3] **Ю. Шокиров.** Ислом шариати асослари. Т., «Меҳнат», 1992, 54-бет.

[4] **Ю. Шокиров.** Ислом шариати асослари. Т., «Меҳнат», 1992, 54-бет.

ишдир. Бас, нажот топишингиз учун уларнинг ҳар биридан узоқ бўлингиз»[1]. Шариатда эса маст қилувчи ичимликларни истеъмол қилиш ман қилинган. У ҳаром — қатъий тақиқланган, деб ҳисобланади. Уни жиноят дейишнинг сабаби, у инсоннинг мол-мулкига, соғлиғига, обрўсига зарар етказиш билан бир қаторда уни турли жиноятларга ҳам бошлайди. Шунинг учун ҳам маст қилувчи ичимликларнинг зарарли оқибатларини ҳисобга олиб, истеъмол қилиш тақиқланган, у ижтимоий хавфли бўлганлиги учун жиноят ҳисобланган.

Қуръонда ароқдан (хамр) бошқа маст қилувчи ичимликлар тўғрисида ҳукм айтилмаган. Илк исломда араблар узумдан олинган, қайнатилмаган ва қайта ишланмаган маҳсулотни «хамр», «ароқ» деганлар. Шунинг учун ҳуқуқшунос олимлар маст қилувчи ичимликларнинг барча турларида ҳам ароқдаги салбий натижалар рўй беришини ҳисобга олиб, унга қиёс қилиб, бу каби ичимликларни ҳаром[2], қатъий тақиқланган, деб белгилаганлар.

Демак, асосий масала — хамр, унинг Қуръондаги ҳукми — истеъмол қилиниши тақиқланган. Бунинг сабаби — у инсоннинг ақли, соғлиғи, мол-мулки, обрўсига зарар етказиш билан бир қаторда уни жиноятга ҳам ундайди. Янги масала — бошқа маст қилувчи ичимликларни ҳам ҳаром — қатъий тақиқланганлиги сабабли бу масала узил-кесил ўз ечимини топган ва жиноят деб белгиланган.

Мусулмон ҳуқуқи тизимида қиёсдан манба тариқасида фойдаланилишининг асосий сабаби кишилик жамияти тараққиётининг узлуксиз ривожлана бориш жараёнида юз берган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-маънавий ўзгаришларни ўрганиб, уларни таҳлил қилиш асосида ҳуқуқнинг барча соҳалари ҳаётдан ортда қолмаслигини таъминлаш, шунингдек, қонунчиликни такомиллаштириш

---

[1] Қуръони карим. Т., «Чўлпон», 1992, 82-бет.

[2] **Абдулазиз Мансур ва Баҳманиёр Шокир**. Мусулмончилик илк сабоқлари. Т., «Камалак», 1992, 26-бет.

ва ривожлантириш масалаларини ҳал этишда кўмаклашишдан иборатдир.

Шариатда қиёсдан фойдаланиш барча мазҳабларга мансуб олимлар (мужтаҳидлар) томонидан эътироф этилган. У фақат юқори малака ва мансаб даражасига эга бўлган ҳуқуқшунослар томонидан қўлланилгандагина қонун кучига эга бўлган.

Манбалардан маълум бўлишича, қиёсдан фойдаланиш ҳақида Қуръони карим ва суннатларда ҳам кўрсатилган. Масалан: Қуръони каримда Оллоҳнинг «...ибрат олинглар, эй кўзи очиқ одамлар», «албатта, бу нарсаларда фикр юрита биладиганлар учун катта аломатлар бор»; «...албатта, бу ҳодисаларда ақли бор қавмлар учун зўр оятлар бор»[1], — деб инсон тафаккурини янада чуқур мулоҳаза қилиш, ақл билан иш юритишга чақирилган.

Шариатнинг тўрт асосий манбаси ҳақида тўхталиб ўтдик. Баён этилган фикрлардан илк ислом давлатининг ривожланиш босқичида, яъни чорёрлар (тўрт халифа) даврида қонун ва меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлари бўлмаган, фақат шариат манбаларидан фойдаланилган, деб тушунмаслик керак. У пайтдаги давлат ўзининг қонун ижодкорлигини иккинчи даражали йўл билан, яъни аниқ жазо чорасини белгиловчи суд амалиёти ва диний-ҳуқуқий таълимот орқали амалга оширган.

Ҳуқуқшунос олимлар шариат манбаларининг ўзига хослигини юқори баҳолаб, «беқиёс ва эпчилдир» дейдилар. Улар турли усулларни қўллаб, аниқ бир ҳодисага мос келувчи қоида, меъёрни шариатдаги жуда кўп ҳужжатлар орасидан ҳамма вақт топиш, шариат қонун-қоидаларини қўллаб, ҳар қандай ишни ҳал қилиш мумкин, деб тўғри хулосага келганлар.

---

[1] **Ю. Шокиров.** Ислом шариати асослари. «Меҳнат», 1992, 72-бет.

Ҳозирги катта ўзгаришлар ва илмий-техникавий тараққиёт даврида, турмушимизда янги ижтимоий муносабатларнинг келиб чиқиши билан мусулмонларга ҳар қандай жамиятда яшашга, замон билан баробар юришга имкон берадиган қонунлар ишлаб чиқишда мусулмон уламолари ва қонуншунослари фиқҳнинг асосий манбалари ва қоидаларига доимий равишда мурожаат қилиб боришга эҳтиёж сезаётганини[1] Ю.Шокиров тўғри қайд этган.

[1] **Ю. Шокиров.** Ислом шариати асослари. «Меҳнат», 1992, 57-бет.

IV боб. ШАРИАТДА ЖИНОЯТ ТАЛҚИНИ

4.1. Шариатда жиноят тушунчаси ва унинг турлари

Шариатда жиноят тушунчасининг асосини диний ғоялар билан чамбарчас боғлиқ бўлган ҳуқуқий қонун-қоидалар ташкил этади. Шунинг учун ҳам мусулмон ҳуқуқида жиноят тушунчасини таҳлил этишга алоҳида ёндашиш лозим.

Шариатнинг турли мазҳаблари учун умумий бўлган таълимотларга кўра, жиддий ҳисобланган ҳар қандай гуноҳ — жиноят мусулмон тақиқларини бузганлик учун жазога лойиқ хатти-ҳаракатлар сифатида қаралиши керак. Унинг моҳияти исломнинг дин, ҳаёт, ақл-идрок, авлодлар давомийлиги ва мулкка эгалик каби беш умуминсоний қадриятлари ҳимоясига қаратилган ҳуқуқий тамойиллар ва қонун-қоидаларда ўз ифодасини топган. Мазкур таълимотнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, қонунбузарликка Оллоҳ иродасига бўйсунмаслик сифатида қаралишидир. Шунинг учун ҳам шариат бўйича ҳуқуқшунос олимларнинг (фиқҳ — уламолар) фикрига кўра, ҳуқуқий жиҳатдан ғайриқонуний ҳисобланган — мусулмон ҳуқуқи қоидаларидан четга чиққан ҳар қандай хатти-ҳаракатлар фақатгина «дунёвий» санкциялардангина эмас, шу билан бирга улар диний жиҳатдан гуноҳ ҳисобланиб, охират жазосига ҳам сабаб бўлади[1].

Француз олими Р.Шарлнинг фикрича, мусулмон жиноят ҳуқуқига мувофиқ ҳар қандай қонунни бузиш гуноҳ ҳисобланади. Шунга биноан қонунбузарлик оқибатлари тўғрисида хулоса чиқарганда, қилмишларнинг нафақат ҳуқуқий, балки диний жиҳатини инобатга олмоқ лозим[2], деб ҳисоблайди.

---

[1] **Л. Р. Сюкияйнен, В. А. Лихачёв.** Мусульманское деликатное право и уголовное законадательство стран Зарубежного Востока. «Мусульманское право». М., ИГП АН СССР, 1984, 77-бет.

[2] **Р. Шарл.** Мусульманское право. М., 1959, 41-бет.

Ўрта асрнинг мусулмон ҳуқуқшунослари ва ҳозирги замон тадқиқотчилари ҳуқуқбузарликнинг бир қанча таснифларини ишлаб чиққанки, уларни таҳлил қилиш мусулмон жиноят ҳуқуқининг ўзига хос томонларини янада чуқур ўрганишга яқиндан кўмаклашади. Уларнинг негизида кўпинча иккита асосий мезон: муайян ноўрин қилмишлар учун жазо белгилаш даражаси; бузилган ҳуқуқ ва манфаатларнинг характери[1] ётади.

Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» асарида жиноят деб, қонун тилида шахсга ва мулкка қарши қаратилган қонун билан тақиқланган қилмиш тушунилади[2], дея кўрсатилган. Шариатдаги мазкур таъриф жиноят тушунчасига берилган умумий тушунча бўлиб, шариат масалаларига бағишланган асарларда жиноятнинг айрим турларига алоҳида тушунча берилган. Жумладан, «Мухтасар» номли асарда ёзилишича, «жиноят» сўзи луғатда жиноят ва гуноҳ маъносини, шариат истилоҳида одамнинг жонига ё аъзоларига зарар келтириш маъносини[3] билдиради.

Ўғирлик — бировнинг мулкини хуфиёна тарзда олиб ўзлаштириш[4], зино — эркак кишининг ўз мулкида бўлмаган, яъни никоҳ ё мол жиҳатидан хўжайинлиги бўлмаган, шунингдек, хўжайинлигининг шубҳаси ҳам, эҳтимоли ҳам бўлмаган аёлни ватий қилмоғи[5], деб келтирилиши фикримиз далилидир.

Бир киши зинокорликдан пок, озод, мукаллаф, болиғ ва ақлли кишини зино билан очиқчасига сўксса, яъни «зино қилдинг» ёки «зинокор», ёхуд «зинодан туғилгансан» деса[6], бу далил-исботсиз зинода айблаш — туҳмат;

---

[1] **Л. Р. Сюкняйнен, В. А. Лихачёв.** Мусульманское деликатное право и уголовное законадательство стран Зарубежного Востока. «Мусульманское право». М., ИГП АН СССР, 1984, 78-бет.

[2] **Бурҳонуддин Марғиноний.** Ҳидоя. Т., 1883, 211-бет.

[3] Мухтасар. Т., «Чўлпон», 1994, 304-бет.

[4] **Бурҳонуддин Марғиноний.** Ҳидоя (араб тилида). 1-жилд, Бомбей: Мустафо босмахонаси, ҳижрий 1302—1304 й., 518-бет.

[5] Мухтасар (шариат қонунларига қисқача шарҳ). Т., «Чўлпон», 1994, 284-бет

[6] Мухтасар. Т., «Чўлпон», 1994, 288-бет..

боғийлар — мусулмон подшоҳига итоатдан ва бўйсунишдан бош тортган мусулмон кишилардир[1], деб эса давлатга қарши исён кўтариш жиноятининг таърифлари шариатга оид назарий манбаларда қайд этилган.

Судхўрлик жинояти деганда, ўз маблағидан бировга қарз бериб, ана шу маблағ ҳисобидан фойда олиш тушунилади.

Маълумки, шариатда спиртли ичимликларни истеъмол қилишнинг ўзи жиноят ҳисобланган. Абу Ҳанифа «Ҳад уришга лойиқ маст деб, гапира олмайдиган ёки гапни тушуна олмай қолган, эркак билан аёлнинг фарқига бормай қолган одамга айтилади»[2], деб спиртли ичимликларни истеъмол қилиш жиноятига баҳо берган бўлса, Абу Юсуф ва Муҳаммад аш-Шайбоний гапирганда алжирайдиган, гаплари аралаш-қуралаш бўлиб кетадиган одамни маст дейилади[3], деб бу жиноят тушунчасини таърифлаганлар.

Ўз замонасида кўпчилик ҳуқуқшунос олимлар томонидан спиртли ичимликларни истеъмол қилиш жиноятига берилган бу таъриф маъқулланган. Аммо Имом Шофиъий жиноятчининг юриш-туриши ва ҳаракатларига қараб мастлигини аниқлайдилар[4], деб унга тўлдириш киритган.

Шу ўринда Р.Шарлнинг «Оврупа қонунларига биноан ҳайвон ва ўликлар устидан ҳам суд ҳукми чиқарилаётган бир пайтда мусулмон ҳуқуқи жиноий жавобгарлик масаласини ҳал этишда бундай ёндашишдан воз кечиб, улардан роппа-роса 12 аср илгарилаб кетган эди»[5], деган ўринли фикрини келтириш мумкин. Собиқ шўро даври ҳуқуқшунос олимларидан М. Муллаев[6], Ш.Эшонова[7] ва

---

[1] Мухтасар. Т., «Чўлпон», 1994, 303 – бет.

[2] **Бурҳонуддин Марғиноний**. Ѣидоя. 508 – бет.

[3] Ўша асар. 508 – бет.

[4] Ѡша асар. 508 – бет.

[5] **Р. Шарл.** «Мусульманское право». М., 1959, 43 – бет.

[6] **М. М. Муллаев.** Происхождение и реакционная суҳность шариата. Душанбе: Изд – во «Ирфон», 1967, 53 – бет.

[7] **Ш. Эшонова.** Нормў шариата и их применение Казийскими судами в Средней Азии до 1924 г.: Автореферат диссертации на соис.к.юр.наук. Т., 1992, 18 – бет.

бошқалар «Овропадаги бошқа давлатларнинг жиноят ҳуқуқидан фарқли ўлароқ, шариат жиноят ҳуқуқи қонун-қоидалари жиноят тушунчасига таъриф бермайди, у ёки бу қилмиш учун жазоларнинг баёнини келтиради», деб ёзадилар. Муаллифларнинг фикрича, гўё шариатда бирор-бир жиноят турларининг тушунчаси ҳақида сўз юритилмаган эмиш. Ваҳоланки, юқорида зикр этилганидек, шариатда нафақат жиноят ҳақида умумий тушунча, балки бир қанча оғир жиноят турларига ҳам етарлича таъриф ва тасниф берилган.

Шу билан бир қаторда, ўрганилган назарий манбаларда одам ўлдириш жиноятининг бешта тури: 1) қасддан ўлдириш; 2) қасдга ўхшаш ўлдириш; 3) беқасд (билмай) ўлдириш; 4) беқасдга ўхшаш (хато-янглиш) ўлдириш; 5) бирон сабаб билан ўлдириш турлари ва тушунчалари ҳам аниқ кўрсатилган.

Манбалардан бирида бошқа динга мансуб кишиларнинг турли хилдаги суратлари: иконалари, хочлари ва бошқа расм солинган урф-одатларини акс эттирувчи нарсаларни ислом нуқтаи назаридан ҳеч қандай қимматга эга бўлмагани учун бу нарсаларни ўғирлаган жиноятчи ўзганинг мулкига тажовуз қилишда эмас, балки жамоат тартибини бузишда айбли деб топилиши ва шунга мувофиқ жазоланиши[1] таъкидлаб ўтилгандир. Шунингдек, шариат манбаларида бошқа давлат ва динга мансуб кишиларни (зиммий) мусулмон давлатлари ҳудудида содир этган қилмишлари учун жиноий жавобгарликка тортиш ва жазолаш ҳақида ҳам фикр юритилган.

Жумладан, «Ҳидоя» асарида бошқа юртдан (дорил—ҳарб) мусулмон юртига келиб, бу ерда турғун яшаётган ғайридинлар (зиммий) билан зино қилган шахсларга ҳам ҳад йўқ, балки турғун яшаётган ғайридинларга ҳад бор, деб кўрсатилган фикрга Имом Муҳаммад аш-Шайбоний қарши чиқиб, ғайридинга (зиммий)га ҳам ҳад йўқ деса, Абу Юсуф эса «ҳаммаларига ҳад бор деб ҳисобланган

[1] **Абу Йусуф Йаъкуб.** Китаб-ал-Харадж: Хрестоматия по исламу. Перевод с арабского, введения и примечания. М., «Наука», 1994, 202-бет.

ҳолда ғайридинлар (зиммийлар) мусулмон давлатида паноҳ истаб истиқомат қилса, шу муддат давомида мусулмонларининг қонунларига ибодатда эмас, муомалада бўйсунади. Шунинг учун ғайридинлар ҳад, қасос ҳукмларда мусулмонлар билан бир хил жазога тортилади. Лекин маст қилувчи ичимликларни истеъмол қилиш бундан мустасио»[1] деган фикрии билдирганлар.

Тарихий келиб чиқиши, тажовуз объекти ва жазо белгиланишига қараб, шариат жиноят ҳуқуқи тизимидаги жиноятларни уч гуруҳга бўлиши мумкин.

Биринчи гуруҳга Оллоҳ ҳуқуқи ва бутун мусулмон жамиятининг қатъий манфаатларига тажовуз қилишга қаратилган ўта оғир жиноятлар: зино, ўғрилик, босқинчилик, йўлтўсарлик, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш, далил-исботсиз зино қилишда айблаш — туҳмат, диндан қайтиш ва исён киради. Бундай жиноятларни содир қилган шахсларга нисбатан қатъий жазо — «ҳад» белгиланган.

Ҳозирги кунда Саудия Арабистонида санаб ўтилган жиноят турларидан ташқари наркотик моддаларни шу мамлакат ҳудудига олиб келган ҳар қандай шахс (фуқаролиги, жинси ва ёшидан қатъи назар), шунингдек, рэкет, спиртли ичимликларни мамлакатга олиб кириш, уни тайёрлаш ёки сотиш ҳам шундай оғир жиноятлар қаторига киритилган.

Манбалардан маълум бўлишича, турли мазҳабларга мансуб ҳуқуқшунослар юқорида қайд этилган жиноят турларидан баъзи бирларини биринчи гуруҳга киритиш-киритмаслик ҳақида турли фикрларни билдиришган. Жумладан, бир гуруҳ олимлар далил-исботсиз зинода айблаш — туҳмат жиноятига Қуръони каримда қатъий жазо белгиланган бўлса-да, бироқ бу жиноятни содир этиш оқибатида асосан баъзи шахсларнинг ҳуқуқи, манфаатига путур етказилади, шунинг учун бундай жиноят учун жазо фақатгина жабрланувчининг талабига кўра

---

[1] **Бурҳонуддин Марғиноний**. Ҳидоя. 497-бет.

қўлланилади, жабрланувчи эса жиноятчининг гуноҳидан кечиши мумкин, деб уни биринчи гуруҳ жиноятлари қаторига қўшмаслик фикрини билдирган. Аммо ҳанафий мазҳабидаги ҳуқуқшунос олимлар бу жиноят ҳаммадан аввал жамият манфаатларига дахлдор бўлгани учун афвга (гуноҳдан кечишга) йўл қўйилмайди, деб ҳисоблаганлар.

Шунингдек, араб олимларидан Иброҳим Десукий аш-Шехау, Ҳасан Содиқ ал-Масрафауи исённи[1], Атия Мустафо Машраф исёндан ташқари, диндан қайтишни[2], Муҳаммад Салом Мадкур эса спиртли ичимликларни истеъмол қилишни[3] ҳам биринчи гуруҳ жиноятларига киритмаслик керак, деган фикрни билдирганлар.

Биз мазкур фикрларга қўшилмаймиз ва қайд этилган учта жиноят турлари исён, диндан қайтиш ва спиртли ичимликларни истеъмол қилишни биринчи гуруҳдаги жиноятлар қаторига киритишни лозим, деб ҳисоблаймиз. Чунки шариатда уларга ҳад жазоси қўлланилган.

Иккинчи гуруҳга — исломгача бўлган давр билан боғлиқ алоҳида шахсларнинг ҳаёти, соғлиғига қарши қаратилган, яъни одам ўлдириш ва тан жароҳати етказиш жиноятлари киритилган. Уларни содир қилган айбдор шахсларга «Жиноятга тенг жазо» (талион) тамойили асосида жазо қўлланилади. Аммо шариат манбалари, жумладан, Қуръони карим ва суннатда бу гуруҳга киритилган жиноятлар учун кўзда тутилган жазони бирмунча юмшатиш ҳақида сўз юритилганини кўриш мумкин. Айниқса, жамият тараққиёти, шариат қонунчилигининг такомиллашиб бориши ва ривожланиши натижасида баъзи бир ҳолларда инсон қонини тўкканлик ўрнига қонли қасос олиш учун, уни ўзаро тинч-тотув, дўстона келишув асосида қонун билан белгиланган

---

[1] **Ҳасан Содиқ ал-Масрафауи**. Жамоат хавфсизлиги ва тартибини сақлашда мусулмон жиноят ҳуқуқи нормаларининг қўлланишдаги таъсири. «Аш-Шариа уа-ль Конун», 1978, 35-бет (араб тилида).

[2] **Атия Мустафо Машраф.** Исломда одил судлов. Қоҳира, 2-нашр, 1966, 144-бет (араб тилида).

[3] **Муҳаммад Салом Мадкур**. Исломда спиртли ичимликларини истеъмол қилганлик учун жазо. Кувейт: «Аль-Уай ал-Ислами», 1972, № 90, 29-бет (араб тилида).

тартибда «товон» тўлаш каби енгилроқ турдаги жазо билан алмаштирилишига ҳам ўрин берилган. Товон тўлови учун кафиллик масъулияти (жавобгарлик) эса жиноятчининг қариндошлари ёки жамоаси (оқиллари) зиммасига юклатилади.

Ва ниҳоят, учинчи гуруҳни ташкил этувчи жиноятларга ўз табиатига кўра, ижтимоий муносабатларга қарши жиноий тажовуз қилишга қаратилган бошқа барча турдаги жиноятлар, жумладан, закот тўламаслик, шахсларга моддий зарар етказиш (ўғрилик ва босқинчиликдан ташқари), битимлар юзасидан мажбуриятларни бажармаслик, хун учун товон тўламаслик, кам ўлчаш, кам тортиш, товламачилик қилиш, порахўрлик, хазина ёки етимнинг ҳақини ўзлаштириш, қонунга хилоф ҳолда қасддан суд қарорларини чиқариш, ёлғон гувоҳлик бериш, жамоат жойларида юриш-туриш қоидаларини бузиш, фуқароларга ёки ўзига бўйсунувчиларга нисбатан зулм ўтказиш, энг муҳим диний ақидаларни инкор қилиш, давлат мулкини турли хил нопок йўллар билан талон-торож қилиш, жодугарлик ва сеҳргарлик, номусга тегиш, бесоқолбозлик, нафақа тўлаш мажбуриятидан қасддан бош тортиш ва ҳоказолар киритилади. Бу жиноятлар учун мусулмон давлатларининг нуфузли ҳокимият идоралари томонидан жорий этилган таъзир жазо турларини қўллаш кўзда тутилган.

Жиноят ҳуқуқи фани назариясидан маълумки, ҳар бир жиноят тўртта таркибий белгилардан: жиноят объекти, жиноят субъекти, жиноятнинг объектив ва субъектив томонларидан ташкил топган. Мусулмон жиноят ҳуқуқидаги жиноят турларини ўрганиб, уни таҳлил қилганда қайд этилган жиноят таркибида тўртта белги мавжуд эканлиги ҳам ғоятда диққатга сазовордир.

Демоқчимизки, суннийликнинг тўрттала мазҳаби таълимотларида жиноят турларининг тушунчалари илмий-назарий ҳамда амалий жиҳатдан таҳлил қилинган ва таснифланган. Шу асосида ҳар бир жиноятга индивидуал жазо белгиланган.

4.2. Шариатда жиноят объекти

Шариатнинг жиноят ҳуқуқи билан боғлиқ қоидаларини диққат билан таҳлил қилсак, уларнинг ҳар бири жиноят таркибидан ташкил топганлигига амин бўламиз. Жиноят таркибининг асосий элементларидан бири эса жиноят объектидир.

Шахснинг ижтимоий хавфли ва ҳуқуққа хилоф жиноий қилмиши қандай мақсадга қаратилганлиги, яъни тажовуз қайси ижтимоий муносабатларни бузишга йўналтирилган бўлса, шу муносабат жиноятнинг объектини ташкил этади.

Маълумки, шахснинг ҳар қандай турдаги ижтимоий хавфли қилмиши жиноят қонуни билан қўриқланувчи у ёки бу ижтимоий муносабатларга тажовуз қилиб, зарар етказади. Шунинг учун ҳам бирор-бир муносабатни жиноят объекти деб айтиш учун шахснинг жиноий қилмиши фақатгина жиноят қонунлари билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга тажовуз қилишга қаратилган бўлиши шарт. Ўз навбатида ҳар қандай ижтимоий муносабатлар ҳам жиноятнинг объекти бўлавермайди. Чунки баъзи бир ижтимоий муносабатлар бошқа ҳуқуқ соҳаси қонун-қоидалари билан, фуқаролар ўртасидаги ўзаро даъволар фуқаровий ҳуқуқи билан тартибга солинади[1].

Жиноят ҳуқуқи назариясидан маълумки, жиноятнинг объекти билан бир қаторда унинг предмети ҳам мавжуд. Уларни бир-бири билан қўшиб юбормаслик керак. Аммо жиноят объекти ва предмети ўзаро узвий боғлиқлигини ҳам унутмаслигимиз лозим. Жиноят объекти — бу ижтимоий муносабатлар бўлса, жиноятнинг предмети эса моддий буюм, ашё ҳисобланади[2].

---

[1] **О. Х. Расулов.** Совет жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Т., «Ўқитувчи», 1969, 100-бет.

[2] Советское уголовное право. Общая часть. М., Изд-во Московского университета, 1974, 106-бет.

Шариат бўйича жиноятларнинг умумий объекти дин ва давлат асослари, шахснинг ҳаёти, соғлиғи, қадр-қиммати, номуси, мулкнинг турли-туман шакллари, айниқса, хусусий мулклар, жамоат тартиби ва хавфсизлиги, диний қоидалар, савдо-сотиқ тартиб-қоидалари, одил судлов асослари ва бошқа қатор ижтимоий муносабатлар бўлиши мумкин. Масалан, диндан қайтиш, Худога шак келтириш, кўпхудолилик (маъжусийлик), исломдан юз ўгириш бир жиноятнинг турли кўринишларидир. Бу жиноятларнинг умумий объекти диний муносабатлар бўлиб, айбдорнинг жиноий қилмиши диний муносабатларга путур етказишга қаратилган бўлади. Буларни содир этиш билан шахс ислом динининг жамиятдаги мавқеини пасайтиришга ҳаракат қилади. Маълумки, илк ислом тарқалаётган пайтда бундай жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси юқори ҳисобланган. Чунки айбдор ўзининг жиноий ҳаракатлари билан кўпчилик аҳолининг ислом динидан юз ўгиришига сабабчи бўлиши мумкин эди. Шунинг учун ҳам бу жиноятга қатъий жазо — «ҳад» белгилангани бежиз эмас.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 145-моддасига биноан диний ташкилотнинг қонуний фаолиятига ва диний маросимларни ўтказишга тўсқинлик қилиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Бу эса халқимизга диний эътиқод эркинлигини амалга ошириш имкониятини яратиб бериш билан бир қаторда, умуминсоний қадриятларимизни тиклашга қаратилган ижобий ишлардан биридир.

Мусулмон жиноят ҳуқуқи тизимида ҳам жиноятларнинг объектини, айниқса, унинг предмети қийматини мукаммал аниқлаш шахснинг жиноий қилмишини тўғри квалификация қилиш билан бир қаторда, унга нисбатан тегишли жазо турини белгилашга амалий ёрдам берган. Жумладан, «Ҳидоя» асарида Абу Ҳанифанинг Имом Шофиъий томонидан қаршиликка

учраган ўтин, хашак, қамиш, балиқ, қуш, маргимуш, қизил кесак, оҳак каби нарсаларни ўғирлаганда қўл кесилмайди, деган фикрлари, шунингдек, Абу Юсуфнинг сомон, тупроқ, тезакдан бошқа ҳамма нарсаларни ўғирлаганда қўл кесилади[1], деб мулоҳаза билдиргани қайд этилган. Яна шу асарда сут, гўшт ёки пишмаган мева, қовун, тарвуз каби тез бузиладиган нарсаларни, ўрилмаган экинларни, сархуш қиладиган шаробларни, ўйин қуроллари, олтин-кумуш бутларни, шахмат-нарда, масжид эшигини, Қуръонни, қумни, қоғозни, итни, марҳум қариндошнинг уйидаги нарсани, хотин ўз эрининг молини, қул ўз хўжасини ёки унинг хотинига тегишли молни унинг уйидан, меҳмон мезбоннинг молини меҳмонда бўлган вақтда, ўлжа олинган молдан, киришга рухсат берилган жойдан ҳамда ҳаммомдан, яйловда ёки йўлда кетаётганида туялардан бирини ёки уларнинг устидаги юкдан бирор-бир нарсани, норасида болани ўғирласа ҳам қўл кесилмайди[2], деб кўрсатилган.

Аммо Имом Шофиъий ва Абу Юсуф Қуръон савдо моли ҳисобланганн учун ҳамда агарда ўғирланган боланинг эгнида тилладан ишланган буюмлар бўлиб, у ўн дирҳам баҳога етса, иштирокчиликда содир этилган ўғриликда ҳам ўғирланган молнинг қиймати жиноятчиларнинг ҳар бирига ўн дирҳамдан тўғри келса, масжиддан нарса ўғирласа, ҳисоб-китоб дафтарини ўғирлаганда (чунки бундай дафтар йўқолганида мол ҳам йўқолган ҳисобланган), қўл кесиш лозим[3], деб ҳисоблаганлар.

Шу ўринда алоҳида қайд этиш лозимки, шариатда давлат хазинасидан ўғирланган мулкка нисбатан шахсий, хусусий мулкни ўғирлик йўли билан эгаллашнинг ижтимоий хавфлилик даражаси юқори деб қаралган ва бу жиноят учун кучайтирилган жазо қўлланилган.

---

[1] **Бурҳониддин Марғиноний.** Ҳидоя (араб тилида). 1-жилд, Бомбей, «Мустафо босмахонаси», ҳижрий 1302—1304 йил, 520-бет.

[2] Ўша асар. 521-бет.

[3] Ўша асар. 518-бет.

Масалан, давлат хазинасидан бирор нарса ўғирлаган шахснинг ҳам қўли кесилмайди. Сабаби — хазинадаги мулк халқ оммасининг мулки эди. Ўғри эса халқ таркибига киради, ўғрининг ҳақи билан муштарак молдан ўғирласа ҳам қўли кесилмайди[1], деб таъкидланади «Ҳидоя» асарида.

Шунинг учун ҳозирги кунда ҳам кўпчилик араб давлатларида шу мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий асосини ташкил этувчи хусусий мулк ҳуқуқига фақатгина ҳуқуқ соҳаси (институти) эмас, балки ҳуқуқий тамойил, деб қаралади[2].

Замонамизнинг мусулмон ҳуқуқшунос олимларидан деярли кўпчилиги давлат мулкига нисбатан хусусий мулкнинг жамиятда тутган ижтимоий аҳамияти ва мавқеи юқори, деган фикрларни билдириб келмоқдалар. Жумладан, ҳозирги кунда Саудия Арабистони, Ливия ва бошқа мусулмон давлатларида шахснинг хусусий мулкига қарши қаратилган жиноятлар учун жазо тайинлашда асосан шариатнинг жиноят ҳуқуқи қонун-қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда ҳад қўлланилишининг асосий сабаби ҳам исломдаги беш қадриятдан бири — мулкка хусусий эгаликни ҳимоя қилишни кўзда тутади.

Демак, бу давлатларда хусусий мулкка қарши ўғрилик, босқинчилик каби жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси юқори бўлгани учун ҳам қатъий ҳад жазосининг қўлланиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Мусулмон жиноят ҳуқуқи билан шуғулланувчи ҳозирги замон олимларининг қайд этишича, давлат мулкини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилинганда мулкнинг кимгадир тўлиқ тегишлилигига шубҳа пайдо бўлади, чунки ҳар бир мусулмон давлат мулкининг кўпайишига ўз улуши билан ҳисса қўшиб, эгалик қилиш ҳуқуқидан фойдаланиши

---

[1] **Бурҳониддин Марғиноний.** Ҳидоя (араб тилида). 1-жилд, Бомбей, «Мустафо босмахонаси», ҳижрий 1302—1304 йил, 522-бет.

[2] **Ифрейх Насер Юсуф**. Ответственность за преступление против собственности по законодательству Арабских стран. Автореф. диссертации на соискание уч. степ. канд. юрид. наук. М., МГУ, 1989, 10-бет.

мумкин[1]. Шариатда эса, шубҳа пайдо бўлганида ҳад қўлланилмайди, деган қоида амал қилади.

Жамият тарихининг гувоҳлик беришича, хусусий мулкни тан олган давлатгина бой-бадавлатдир, асосий аҳолиси мулкдор бўлган мамлакатдагина барқарорлик ҳукмрон, инсон манфаатига таянадиган тузумгина қудратлидир. Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон Президентининг деҳқонларга ер бериш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш, қишлоқларда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва тезлаштириш борасидаги ҳаракатлари, хусусийлаштиришни кенгайтириш йўлида қўллаётган тадбирлари сиёсий, иқтисодий, маънавий ва ҳуқуқий барқарорликдан манфаатдор бўлган мулк эгаларини кўпайтириш ва ҳимоя қилишга қаратилган қутлуғ қадамдир[2].

Ёш ва мустақил давлатимизда хусусий мулкни ҳар томонлама ривожлантиришга кенг имкониятлар яратилиши бу мулк шаклларининг жамиятда тутган нуфузи сезиларли даражада ўзгараётганлигидан дарак бермоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, хусусий мулкка қарши қаратилган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ошмоқда.

XX аср 90-йилларининг бошида социализм инқирозга учраб, ўз нуфузини йўқотган пайтида, собиқ иттифоқ ҳуқуқшунос олимлари томонидан Жиноят кодексида «ўзганинг мулки» деган умумий тушунчалар ишлатила бошланди. Аммо мустақил Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 8 декабрида қабул қилинган Конституциясининг 53-моддасида «хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир...»[3], деб хусусий мулкнинг нуфузи оширилиб, у ҳам бошқа мулк турлари

---

[1] **Ифрейх Насер Юсуф**. Ответсвенность за преступление против собственности по законодательству Арабских стран. Автореф. диссертации на соискание уч. степ. канд. юрид. наук. М., МГУ, 1989, 17-бет.

[2] **Б. Каримов.** Ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар. «Ҳаёт ва қонун» журнали, 1995, № 2–3, 10-бет.

[3] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., «Ўзбекистон», 1992, 19-бет.

каби Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан қўриқланадиган бўлди.

Бизнингча, шариатдаги жиноят турларини умумий объектлардан иборат деб чегараламаслик, аксинча, уларни ҳам бевосита жиноят объекти сифатида таҳлил қилиш зарур. Масалан: одам ўлдириш жиноятларининг бевосита объекти бу — шахснинг ҳаёти, тан жароҳати етказишда эса шахснинг соғлиғи, далил-исботсиз зинокорликда айблаш, яъни туҳматда — шахснинг обрўйи, қадр-қиммати, ислом динидан қайтишда — дин асослари ва ҳоказолар жиноятнинг объекти бўлиши мумкин.

Мусулмон жиноят ҳуқуқида шахс бирор-бир жиноятни содир этар экан, у ёки бу турдаги ижтимоий муносабатларга тажовуз қилгани учун қилмишига яраша жазоланади. Шунингдек, жиноят объекти, айниқса, унинг предметини аниқлаш, жиноий қилмишларни фарқлаш, ҳар бир жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини таҳлил қилиш ва ниҳоят, қозилар томонидан жиноий қилмиши ҳуқуқий жиҳатдан тўғри баҳолашга ёрдам берган.

4.3. Шариатда жиноятниинг объектив томони

Жиноят қонуни билан қўриқланадиган объектга қарши қаратилган ижтимоий хавфли ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг ташқи ҳолатини характерловчи белгилар жиноятнинг объектив томонини[1] ифода этади.

Ҳаракат ёки ҳаракатсизлик қонун томонидан қўриқланадиган объектга қарши қаратилган, яъни ижтимоий хавфли бўлсагина жиноят ҳисобланади. Ижтимоий хавфли бўлмаган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик унда жиноят белгилари бўлмаганлиги туфайли жиноят ҳисобланмайди[2].

---

[1] **С. Х. Расулов.** Совет жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Т., «Ўқитувчи», 1969, 107-бет.

[2] **С. Х. Расулов.** Совет жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Т., «Ўқитувчи», 1969, 17-бет.

Қилмишнинг объектив томони бўлмаса, жиноятнинг объектига тажовуз ҳам бўлиши мумкин эмас, субъектнинг онгида хатти-ҳаракатнинг объектив белгиларини аниқ гавдалантирувчи субъектив томон ҳам бўлмайди ва ниҳоят, жиноятнинг субъекти ҳам бўлмайди. Жиноятнинг бошқа элементлари билан биргаликда, унинг объектив томони жиноятчи содир этган айбнинг даражасини аниқлайди ва унга насбатан белгиланадиган жазо чораларининг характерига таъсир кўрсатади[1].

Шариатда ҳам содир этилган жиноий қилмишнинг объектив томонини тавсифловчи қатор белгилар мавжуд. Мисол учун ўғрилик, босқинчилик (йўлтўсарлик), зино, зинокорликда айблаш — туҳмат ҳамда бошқа қатор жиноятлар таркибининг объектив томонини таҳлил қилганимизда уларнинг ижтимоий хавфли ва ҳуқуққа хилоф ҳаракатлардан иборат эканлигини кўрамиз. Қайд этилган жиноятлар бир-биридан, асосан, қилмишнинг хусусияти билан, мулкка қарши қаратилган жиноятлар эса бир-биридан мулкни қонунсиз эгаллаш усули, яъни жиноятнинг объектив томони билан фарқ қилади.

Жумладан, ўғриликда мулк хуфиёна тарзда олинса[2], босқинчиликда маъсум, яъни моли, жони сақланган мусулмон ёки зиммий (хоҳ озод, хоҳ қул бўлсин) устига йўлтўсарлик (босқинчилик) қилиб бостириб борилади[3], зинокорликда айблашда эса пок, озод кишини очиқдан-очиқ зинокорсан деб ҳақоратлашдан[4], ибораг турли ножўя сўзлар билан ҳақоратлайди, зинода эса никоҳ ё мол жиҳатидан қарам бўлмаган аёл билан жинсий яқинлик қилишдан[5] иборат ҳаракат қилиш кўзда тутилади. Демак, юқорида санаб ўтилган жиноятлар бир-биридан объектив томонининг белгилари билан фарқланади.

---

[1] **В. Н. Кудрявцев.** Объективная сторона преступления. М., «Госюриздат», 1960, 9-бет.

[2] **Бурҳониддин Марғиноний**. Ҳидоя (араб тилида). 1-жилд, Бомбей, «Мустафо босмахонаси», ҳижрий 1302—1304 йил, 516-бет

[3] Мухтасар. Мусулмон ҳуқуқига қисқача шарҳ. Т., «Чўлпон», 1994, 194-бет.

[4] Ўша асар. 284-бет.

[5] Ўша асар. 284-бет.

Шариат манбаларида қайд этилишича, зинокор деб ҳақоратлаш жиноятнинг объектив томонини тавсифловчи белгиларга қуйидагилар: айбдор томонидан «зино қилдинг», «зинокорсан» ёки «зинодан туғилгансан» ёинки «сен ўз отангдан эмассан», «сен фалончининг ўғли эмассан», шунингдек, вафот этган кишини «зинокор эди» қабилидаги иборалар ишлатилиб, инсоннинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи сўзлар айтилгандагина унинг қилмиши жиноят деб тан олинган.

Худди шу жиноятнинг объектив томонини ифодаловчи яна бошқа белгиларга қараганда, икки киши бир-бирига «эй зинокор», «сенинг ўзинг зинокор» деса ёки эр хотинини «эй зиночи», деб сўкканда хотин: «тўғри, мен сен билан зино қилдим», деган сўзларни айтиб, жавоб қайтарганида, аёлнинг ҳаракатида жиноят бор, деб жазоланганги қози судлари амалиётида учраган.

Юқорида кўрсатилган жиноий қилмишлар қаторида мусулмонларни фосиқ, кофир, ўғри ёки шунга ўхшаш сўзлар билан ёинки олимни, яъни шариат илмининг билимдони ҳисобланган кимсани эшак, тўнғиз, ит деб ҳақоратлаган шахснинг қилмиши ҳам жиноий жазога сазовор деб, унга нисбатан таъзир қўлланилган.

«Ҳидоя» асарида «Омонат қўйилган нарсага хиёнат қилиб, уни еб юборган, зўрлик қилиб тортиб олган, кўрсатиб туриб, ошкора ўғирлаганларнинг қўллари кесилмайди. Сабаби ўғрилик махфий бўлади. Буларнинг эса номлари бошқа»[1], деб кўрсатилган. Бунда ҳам ишониб топширилган мулкни ўзлаштириш, талончилик ва босқинчилик жиноятларини бир-биридан фарқлашга қаратилган фикр билдирилган бўлиб, улар ўзаро объектив томондан, яъни ижтимоий хавфли ва ҳуқуққа хилоф қилмишни содир этиш усуллари билан фарқ қилиши кўрсатилган. Демак, ўзлаштиришда — мулк жиноятчига ишониб топширилган бўлиши, босқинчиликда — зўрлик

[1] **Бурҳониддин Марғиноний**. Ҳидоя (араб тилида). 1-жилд, Бомбей, «Мустафо босмахонаси», ҳижрий 1302—1304 йил, 521-бет.

ишлатиб мулкни олиш ва ниҳоят, талончиликда — мулк очиқдан-очиқ жабрланувчи ихтиёридан тортиб олинадиган ҳаракатдан иборат бўлади, ўғрилик уларнинг ҳар учаласидан мулкнинг «махфий», «хуфиёна» — яширин йўл билан эгалланиши билан ажралиб туради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 164—166-моддаларида айнан шу уч турдаги жиноятлар — босқинчилик, талончилик ва ўғрилик учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, улар бир-биридан, шариатда қайд этилганидек, объектив томони билан фарқ қилади.

Шунингдек, шариатда шахснинг жинсий эркинлигига қарши қаратилган жиноятларнинг ҳам объектив томонини тавсифловчи белгиларини ўрганиб фарқлаш мумкин. Масалан, зино — эркак кишининг бегона аёл андоми (жинсий аъзоси)га қилган жинсий яқинлиги. Жинсий эҳтиёжини ғайритабиий усулда қондиришда эса эркак бегона аёлнинг андомидан бошқа жойларига яқинлик қилиб, ўзининг жинсий эҳтиёжини ғайритабиий усулда қондиради. Бесоқолбозлик деганда, эркакнинг орқа аъзосига яқинлик қилиш[1] тушунилади. Бу жиноятларни объектив томонидан фарқ қилиш жазо тизимини тўғри белгилашга асос бўлган, чунки зино учун ҳад жазоси, қолган икки жиноятга нисбатан эса таъзир жазоси қўлланилади. 1995 йилнинг апрелидан бошлаб амалда татбиқ этилган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси махсус қисмининг IV бобида ҳам жинсий эркинликка қарши жиноятлар жой олган бўлиб, улар ҳам ўзаро бир-биридан қилмишининг ижтимоий хусусияти хавфлилиги билан фарқ қилади, бунда ҳам шариатдаги тушунчалар мавжудлиги кўринади.

Шунингдек, мусулмон жиноят ҳуқуқида закот тўламаслик, битимлар юзасидан мажбуриятларни бажармаслик, тўкилган қон учун товон ҳақи тўламаслик, рамазон ойида рўза тутмаслик ва муҳим диний ақидаларни

---

[1] **Бурҳониддин Маргиноний**. Ҳидоя (араб тилида). 1-жилд, Бомбей, «Мустафо босмахонаси», ҳижрий 1302—1304 йил, 496-бет.

инкор қилиш каби жиноятлар объектив томондан қараганда ҳаракатсизлик билан содир этилишини пайқаш қийин эмас.

Қайд этиб ўтилганидек, ҳар қандай ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ҳам жиноят объектив томонининг асосий белгиси бўла олмайди. Фақатгина ижтимоий хавфли, ҳуқуққа хилоф ҳаракат ва ҳаракатсизлик жиноят таркибининг объектив томонини ташкил этади.

Мусулмон жиноят ҳуқуқида зино жинояти дейилганда никоҳда бўлмаган эркак ва аёлнинг жинсий яқинлик қилиши тушунилади. Маълумки, шариатда никоҳ муқаддас ҳисобланади. Никоҳсиз яшаш қаттиқ қораланади. Зино ҳам никоҳсиз, пинҳона яшашнинг бир кўринишидир.

Исломда уйланиш ёки турмушга чиқиш табиий поклик бўлиб, кишида ҳаётга ўзидан бошқалар учун ҳам яшашга ҳаракат қилиш туйғусини уйғотади. Уйланган киши фарзанд тарбия қилиб, у жамиятнинг муносиб аъзоси бўлишини хоҳлайди. Шу билан авлодлар давомийлигини шаръий давом эттирган бўлади.

Зино эса одоб-ахлоққа зид бўлиб, кишиларда инсонийлик нурини ўчиради, ғайриқонуний, жамиятга кони зарар бўлган қаровсиз болалар туғилишига сабаб бўлади. Зинодан туғилган болалар ота-она меҳридан узоқ бўлиб ўсади. Шунинг учун ҳам улар ўзларининг бундай бахтсизликларига жамият сабабчи деб тушунади ва қўлларидан келгунича жамиятнинг бошқа аъзоларидан ўч олмоқчи бўладилар. Бундан ташқари, мусулмон жиноят ҳуқуқига кўра, зино жиноятининг ижтимоий хавфлилиги қонун томонидан ҳимоя қилинадиган қадриятлардан бири — наслни давом эттиришга тажовуз қилиши, шу билан бир қаторда, ахлоқ устунлари ва оила манфаатларига таҳдид солиши билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам шариатда зино ҳаром амал сифатида қораланади.

Қуръондаги «Ал-Исро» сурасининг 32-оятида бу ҳақда шундай дейилган: «Зинога яқинлашманглар, чунки бу бузуқликдир — энг ёмон йўлдир»[1].

«Мухтасар»да ҳам зинонинг ижтимоий хавфлилиги ҳақида тўхталиниб, зинонинг «...ҳаромлигига кўп нарсалар — жамиятнинг саломатлиги, хотин-эрининг номуси ва бошқалар боғлиқдир»[2], деб таъкидланган.

Ҳозирги кунда ҳам жамиятимизда зино билан шуғулланувчилар оз эмас. Суд амалиётидан маълумки, кўпчилик ёш оилаларнинг ажралиш ҳақидаги даъво аризаларида эр хотинининг, хотин эса эрининг зинога ружу қўйгани, оилада болалар тарбиясига ҳар икки жинсдаги шахсларнинг ахлоқи салбий таъсир кўрсатишини рўкач қилиб, ажралиб кетаётганлиги ташвишли ҳолдир. Бундан ташқари, ота-онасининг ким экани ва қаерда яшашидан бехабар бўлган, болалар уйида тарбияланаётган айрим гўдаклару оилани сақлаб қолиш мақсадида зинокор эрнинг (аёлнинг) ахлоқсизлигидан азият тортаётган аёлларнинг (эркакларнинг) ҳақиқий дардини тингловчилар кам топилади. Улар бу ҳақда қанчалик билимдон прокурор, судья ёки ҳимоячига мурожаат қилмасин, бир хил мазмундаги, яъни «бизда зино учун жавобгарлик белгиланмаган, бундай ҳолда зўрлаш йўқ», деган лўндагина жавобини оладилар. Бизнингча, зино сабабли ажрашган оилаларга болаларнинг моддий таъминоти ва тарбияси ҳақида етарлича қайғурилмаяпти. Шариатда бундай ахлоқсизликлар жиноят ҳисобланиб, айбдорлар жазоланади. Бу эса жамиятдаги ҳар бир шахсни зино йўлига киришдан сақлайди.

ОИТС (СПИД) касаллигига қарши курашувчи тиббиёт ходимларининг таъкидлашича, бу касаллик тарқалишининг асосий сабабларидан бири ҳам айнан зино билан шуғулланиш оқибатидир.

---

[1] Қуръони карим. Т., «Чўлпон», 1992, 198-бет.
[2] Мухтасар. Т., «Чўлпон», 1994, 284-бет.

Шариатда ўғрилик, босқинчилик (қароқчилик), одам ўлдириш ва тан жароҳати етказиш каби қатор моддий жиноятларда жиноий оқибатнинг юз бериши кўзда тутилган. Масалан, одам ўлдиришдаги жиноий оқибат жабрланувчининг ҳаёти бўлса, ўғрилик, босқинчилик, талончилик, мулкни ўзлаштириш йўллари билан талон-торож қилишга эса мулкий характердаги зарар етказиш кўзда тутилган.

Намоз ўқишдан бош тортиш, намоз қоидаларига риоя қилмаслик, энг муҳим диний ақидаларни инкор этиш, бирор кишини далил-исботсиз зинокорликда айблаш, зино кабиларни формал жиноятлар деб атай оламиз. Чунки бу жиноятларда зарарли оқибат кўрсатилмасдан, ижтимоий хавфли ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг ўзи қилмишнинг объектив томонини ифодалайди.

Мусулмон жиноят ҳуқуқида ҳам баъзи бир жиноятларни ҳуқуқий жиҳатдан тўғри баҳолашда улар объектив томонининг зарурий ва факультатив белгиларини аниқлашга катта аҳамият берилган. Жумладан, ўғирланган мол-мулк ҳовли, уй, сандиқ каби жойларда сақланаётган, яъни қўриқланадиган жойда бўлиши талаб қилинган. Шунингдек, кўчага қўйган бўлса-да, қўриқланадиган мулк ўғирланса ҳам ҳад қўлланилган[1].

Кўриниб турибдики, мусулмон жиноят ҳуқуқида ҳам жиноятларнинг объектив томонини тавсифловчи қатор белгиларни аниқлаш, бир жиноятни иккинчисидан фарқлаш ва қози судлари амалиётида жиноятларни тўғри квалификация қилиб, адолатли ҳукм (фатво) чиқариш кўзда тутилган.

---

[1] **Бурҳониддин Маргиноний**. Ҳидоя (араб тилида). 1-жилд, Бомбей, «Мустафо босмахонаси», ҳижрий 1302–1304 йил, 525-бет.

4.4. Шариатда жиноят субъекти

Маълумки, жиноят таркибининг зарурий белгиларидан бири — жиноятнинг субъекти ҳисобланади.

Шунга кўра ва жиноят ҳуқуқи фанига биноан ижтимоий хавфли қилмишни содир этгани учун жиноий жавобгарликка тортилиши лозим бўлган шахс жиноятнинг субъектидир.

Мусулмон жиноят ҳуқуқи тизимида ҳам жиноятнинг субъекти масаласига алоҳида эътибор билан ёндашилган. Шариатда ҳам жиноят субъектини аниқлаш, бирор-бир шахс томонидан содир этилган жиноий қилмишни таснифлаш, уни ҳуқуқий жиҳатдан тўғри баҳолаш, баъзан эса айбдорни жиноий жавобгарлик ва жазодан озод этиш масаласини ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этган. Унда таъкидланишича, ҳар қандай жисмоний шахс эмас, балки эс-ҳуши жойида, ўз қилмишига ўзи жавоб бера оладиган, яъни ўз юриш-туришининг моҳиятини тушунадиган ва ўз хатти-ҳаракатини идора қилиш қобилиятига эга бўлган, ақли расо шахсларгина жиноятнинг субъекти ҳисобланади. Шахсни ақли норасо деб эътироф этиш унинг айбини ва унга белгиланиши лозим бўлган жазони инкор этадиган ҳолат саналади. Жумладан, «Ҳидоя»да ақли расо, балоғат ёшидаги одам ўн дирҳам пул ёки унинг қиймати баробаридаги нарсани ўғирлагани исботланса, қўли кесилади[1], деб қайд этилган.

Демак, жиноят субъекти нафақат ақли расо шахс бўлиши, балки унинг маълум бир ёшга, яъни вояга етган бўлиши ҳам шарт эканлиги кўрсатилган. Яна шу асарда «норасида ва руҳий касалликка чалинган шахслар болиға (вояга етган) аёл билан зино қилсалар»[2], шунингдек, агар қароқчилар ичида норасида ёки ақли норасо ёки маҳрами (бунда аёл киши кўзда тутилган) бўлса, ҳаммаси ҳаддан озод қилинади[3], деб қайд этилган бўлиб, бунда ақли

---

[1] **Бурҳониддин Марғиноний**. Ҳидоя (араб тилида). 1-жилд, Бомбей, «Мустафо босмахонаси», ҳижрий 1302—1304 йил, 518-бет.

[2] Ўша асар, 498-бет.

[3] Ўша асар, 536-бет.

норасо, вояга етмаганлар ва аёллар томонидан жиноятлар содир этилганда, ҳад туридаги жазо қўлланилмаслиги кўзда тутилган. Биз танишган шариатга доир кўплаб илмий асарларнинг деярли барчасида жиноят содир этган шахсни жиноят субъекти деб таниш учун у маълум ёшга етган ва ақли расо бўлиши лозим эканлиги зикр этилган.

Мисол учун, ҳанафий мазҳаби асосчиларидан бири Абу Юсуфнинг ёзишича, балоғат ёшига етмаган, шубҳали ҳолатларда эса 15 ёшга тўлмаган ўсмирларга, шунингдек, ҳайз кўрмаган ёки 15 ёшга тўлмаган қиз болаларга ҳам ҳаднинг бирор-бир тури белгиланмаган. У ўз фикрини назарий жиҳатдан асослаш мақсадида ҳадислардан қуйидаги мисолларни келтирган. «Уҳуд жанги давом этаётганида, — деб таъкидлайди муаллиф, — Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) кейинчалик халифалик лавозимини эгаллаган Умар Ибн Хаттобни шу жангга юбориш мақсадида ёши нечада эканини сўраган эканлар. Шунда Умарнинг 14 ёшдалигини билиб, «ҳали ёш экансан» деб, уни жангчилар сафига қабул қилмаганлар. Орадан анча вақт ўтгандан сўнг яна Умарни чақириб, неча ёшга кирганини сўраб, унинг 15 ёшга тўлганини эшитгач, унга ҳам жанг қилиш учун рухсат берган эканлар. Умар Ибн Хаттоб халифа бўлган пайтида саҳобалардан бири бу ҳақда унга эслатганида, у «бу ёш болалар билан катталар орасида чегара», деб жавоб бериш билан бирга, жойлардаги ҳокимларга (волий) кимда-ким ўн беш ёшга тўлган бўлса, уни ҳарбийлар сафига қабул қилинсин, бу ёшга етмаганларни болалар қаторида моддий жиҳатдан таъминланишига ёрдам беринглар», деган мазмунда хат юбортирган экан. Шунингдек, Халифа Абу Бакр ҳузурига вояга етмаган, ўғрилик жиноятини содир этган ўсмир келтирилганида, унга жазо қўлланилмаган. Шунда даврадаги шайхлардан бири «бу ўсмир 15 ёшга тўлса, унинг берган гувоҳлиги қабул қилинади ва албатта, ўшанда унга нисбатан ҳад жазоси қўлланилади», деб жавоб берган экан.

«Саҳобалардан бири баён қилган ҳадислардан бирида кўрсатилишича,—деб фикрини давом эттиради муаллиф,— турмушга чиққан ёш қиз эри билан жинсий алоқада бўлгани ҳолда, яна бир киши билан зино қилса, у то ҳайз (ретун) кўрмагунча унга ҳад қўлланилмайди»[1].

Ҳанафий мазҳаби бўйича жиноят субъектининг ёши 15 ёш деб белгиланган.

Француз олими Р. Шарл мусулмон жиноят ҳуқуқига жиноятнинг субъекти тушунчаси батафсил ёритилганлигини юқори баҳолаб, «мусулмон ҳуқуқига биноан эс-ҳуши жойида бўлган, дин ва фуқаролик ҳуқуқи нуқтаи назари талаб қилган даражада ўз қилмиши учун жавоб бера оладиган шахс ҳар бир хатти-ҳаракати учун тўлиқ жавобгар ҳисобланади. Эс-ҳушнинг йўқолишига сабаб бўладиган савдойилик ҳам (ақли норасолик) жавобгарликдан озод қилувчи ҳолатлар саналади»[2], деган. Собиқ шўро даври олими М. Муллаев Р.Шарлнинг бу фикрига қарши чиқиб, «Шарлнинг бу таърифи нотўғри. Аслида эса мусулмон ҳуқуқида бундай ҳолат юзаки. Мусулмон суд юритиш амалиётидан маълумки, қозилар ҳеч қачон айбдорнинг ақли расолиги, унинг вояга етган-етмаганлиги ғамини емаганлар»[3], деб кўрсатган.

Аслида эса М.Муллаевнинг бу фикри ўринсиз. Бизнингча, шариатнинг жиноят ҳуқуқи тизимидаги ақли расолик ва вояга етмаганликни аниқлаш лозим экани ҳақидаги қонун талабини амалиётда бажаришдан бўйин товлаган ва унга юзаки ёндашиб, жиноий ишни ҳал этишда қонунбузарликка йўл қўйган саноқли қозиларнинг хатти-ҳаракатини бутун бир шариат ҳақидаги таълимотнинг камчилиги деб талқин этиш адолатсизликдан бошқа нарса эмас.

---

[1] **Абу Йусуф Йаъкуб**. Китаб-ал-Харадж: Хрестоматия по исламу. Перевод с арабского, введения и примечания. М., «Наука», 1994,194-бет.

[2] **Р. Шарл.** Мусульманское право. М., 1959, 43-бет.

[3] **М. М. Муллаев.** Происхождение и реакционная сущность шариата. Душанбе: Изд-во «Ирфон», 1967, 54-бет.

Таъкидлаш лозимки, мусулмон жиноят ҳуқуқида ақли заиф, исрофгарчилик ва нобудгарчиликка йўл қўювчилар, ақлдан озганлар, гўдаклар, хотираси суст, серуйқу ва гунг (тилсиз) кишилар ақли норасолар қаторига киритилган. Масалан, «Мухтасар»да «тилсиз, ёзув ва ишора билан ўзига жавоб вожиб бўладиган даражадаги ишга, мисол учун, зино, хамр (ароқ) ичиш, ўғриликка иқрор бўлса, жазо берилмас, қўли кесилмас. Чунки иқрори шубҳалидирки, шубҳа билан жазоланмас»[1], деб қайд этилган.

Шариатда балоғат ёши қизлар учун — 9, ўғил болалар учун — 12 ёш қилиб белгиланган. Лекин 9 ва 12 ёш вояга етганликни белгиловчи энг кичик ёшлар бўлиб, мусулмон ҳуқуқида умумий балоғат ёши 15 ёш деб белгиланган. Демак, 15 ёшга тўлиб жиноят содир этган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш, яъни жазолаш мумкин бўлган. Бироқ турли мазҳабларга мансуб ҳуқуқшунос олимлар 12 ёшдан 15 ёшгача бўлган жиноятчи ўсмирларга нисбатан фақатгина таъзир туридаги жазо чорасини қўллаш ҳақида турли-туман фикрларни билдирганлар. Уларнинг бу борадаги фикрлари ҳам мунозаралидир. Умуман олганда, мусулмон жиноят ҳуқуқида унчалик ижтимоий хавфли бўлмаган жиноятларни содир этган, вояга етмаган айбдорларга нисбатан енгил жазо — таъзирнинг 19 даррагача уриш, огоҳлантириш, жамоат иззаси ва ҳоказо турлари қўлланилган. Аммо юқорида қайд этганимиздек, ўсмирларга нисбатан ҳад, қасос ёки товон жазо турлари ўрнига фақатгина таъзир туридаги жазодан фойдаланиш[2] мақсадга мувофиқ, деб ҳисобловчи айрим ҳуқуқшунос олимларнинг фикрларини ҳам учратишимиз мумкин.

Қисқаси, мусулмон ҳуқуқидаги ҳанафийлар мазҳаби ҳуқуқшунослари 15 ёшга тўлган ва ақли расо шахслар жиноят субъекти бўла олади, деб ҳисоблаганлар.

---

[1] Мухтасар. Т., «Чўлпон», 1994, 332-бет.

[2] **В. А. Пантелеев, И. Д. Козочкин, В. А. Лихачёв.** Уголовное право развивающихся стран. М., Университет дружбы народов, 1988, 123-бет.

4.5. Шариатда жиноятнинг субъектив томони

Жиноятнинг субъектив томони шахснинг ижтимоий хавфли ҳаракат ва ҳаракатсизлигига, шунингдек, ундан келиб чиқадиган ижтимоий хавфли оқибатларга бўлган руҳий (нсихик) муносабатдир.

Жиноят субъектив томонининг зарурий белгилари эса қасд ёки эҳтиётсизликдир[1].

Инсон юриш-туришининг исботи сифатидаги ҳаракат шунчаки ҳаракат эмас (уни ҳайвонлар ҳам содир этади), балки ақл-идрокка асосланган ва аниқ мақсадга йўналтирилган онгли фаолиятдир, яъни у субъектив майллар билан ажралмас бирликда ҳамда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган натижа сифатида олиб қаралади[2].

Буларнинг барчаси жиноят таркибини таҳлил қилиш жараёнида қилмишнинг субъектив томонини ҳар томонлама ва синчиклаб тадқиқ этишнинг аҳамиятини кўрсатади[3]. Уни эътироф этиш жиноят содир этган шахснинг руҳиятида кечаётган ички жараёнлар ҳақида тасаввур беради ва ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахснинг шуури ва ихтиёри орасидаги ўзаро алоқани кўрсатади[4].

Ислом жиноят ҳуқуқига оид ўрганилган қатор илмий-назарий асарларда жиноятнинг субъектив томонини характерловчи асосий белги айбнинг мавжудлиги, шунингдек, қасддан содир этилган жиноятлар эса маълум мотив ва мақсад билан содир қилиниши назарий жиҳатдан чуқур ўрганилганлиги диққатга сазовордир. Жумладан, шахснинг ҳаёти ва соғлиғига қарши қаратилган жиноятларнинг назарий жиҳатларини ҳуқуқшунос олимлар (фиқҳ уламолари) қуйидагича талқин этганлар.

---

[1] **С. Х. Расулов.** Совет жиноят ҳуқуқи. Т., «Ўқитувчи», 1969, 144-бет.

[2] **С. Ф. Анисимов.** Мораль и поведение. М., «Мысль», 1985, 35-бет.

[3] **П. С. Дагель.** Проблемы вины в советском уголовном праве. Владивосток: Ученые записки Дальневосточного гос. университета. Выпуск 27, ч.1, 1986, 57-бет.

[4] **Ш. Бердиев.** Уголовная ответственность за самовольное использование транспортных средств, машин либо механизмов в корыстных целях. Диссертация на соискание уч. степени канд.юрид.наук. Т., 1990, 99-бет.

Шариатда одам ўлдириш жиноятининг ўзи айбнинг шаклига қараб бир неча турларга бўлинган. Жумладан, «Ҳидоя» асарида бу жиноят 5 турга бўлиниб, таҳлил этилган.

1. Қасддан ўлдириш.
2. Қасдга ўхшаш ўлдириш.
3. Беқасд (билмай) ўлдириш.
4. Беқасдга (билмасдан) ўхшаш ўлдириш.
5. Сабабли қотиллик[1].

Қасддан қилинадиган қотиллик деб, қурол ёки шунга ўхшаш темир ёки ёғоч ёхуд олов билан бировни атайлаб (қасддан) ўлдиришга айтилади[2].

Бундай жиноятни содир этган шахс оғир гуноҳлар, яъни ўта оғир жиноятни содир этган ҳисобланади. Демакки, бу турдаги одам ўлдиришни содир этишда жиноятчи ўз ҳаракатининг ижтимоий хавфли ва ҳуқуққа хилоф жиноий оқибатларига кўзи етади ҳамда шу оқибатлар юз беришини истаганлиги муҳим ўрин тутади. Бунда айб тўғри қасддан иборат бўлади.

Шариатда бу жиноий қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси юқори саналган, чунки бу билан қасос ҳуқуқи ҳам туғилади[3], яъни: ўлдирилмиш ўрнига ўлдирувчини ўлдириш зарур бўлур[4].

«Қасдга ўхшаш қотиллик, Абу Ҳанифа фикрича, — дейилган «Ҳидоя» асарида, — қурол ва унинг ўрнига ўтадиган нарсалар билан эмас, бошқа нарса билан қасддан уриб ўлдиришдир. Абу Юсуф билан Шофиъий одатда ўлдириш учун ишлатилмайдиган нарса билан уриб ўлдиришдир[5], деб кўрсатганлар».

---

[1] **Бурҳониддин Марғиноний**. Ҳидоя (араб тилида). 2-жилд, Қозон, Россия босмахонаси, 1886, 625-бет.

[2] Ўша асар, ўша бет.

[3] **Бурҳониддин Марғиноний**. Ҳидоя (араб тилида). 2-жилд, Қозон, Россия босмахонаси, 1886, ўша бет.

[4] Мухтасар. Т., «Чўлпон», 1994, 304-бет.

[5] **Бурҳониддин Марғиноний**. Ҳидоя (араб тилида). 2-жилд, Қозон, Россия босмахонаси, 1886, 626-бет.

«Мухтасар»да бу турдаги жиноят тушунчаси: «ўлдириш нияти билан урган нарсаси аъзоларни титиб юборадиган бўлмайди (таёқ, қамчига ўхшаш). Бунда ўлдирув қасди билан сўкмаган (урмаган) бўлур, балки оғритув ё қўрқитув нияти билан урган (сўккан) бўлур»[1], деб янада кенгроқ ёритилган.

Қасддан одам ўлдиришнинг ушбу туридаги шахснинг ижтимоий хавфли ҳаракати, айб эгри қасд шаклида содир этилган бўлади, яъни бундай ҳолда жиноятчи ўз ҳаракатининг ижтимоий хавфли ва ҳуқуққа хилофлигини англайди, унинг ижтимоий хавфли оқибатига кўзи етади ва шу оқибатни истамаса-да, унга онгли равишда йўл қўяди.

Демак, шариатда ҳам биз юқорида зикр этиб ўтган қасднинг иккала шаклида айбдорнинг жиноят содир этиш жараёнидаги руҳий ҳолати ёки кайфияти жабрланувчининг ҳаётига тажовуз қилиш, уни ўлдиришга қаратилган бўлса-да, аммо улар бир-биридан қасднинг шаклига қараб фарқланади. Бу ҳол ўз навбатида, шахс қилмишининг ижтимоий хавфлилик даражасига қараб, жазо турини белгилашга хизмат қилади.

Беқасд (билмай) ўлдиришда объектга нисбатан субъект томонидан хатоликка йўл қўйилган бўлади. Мисол учун, ўқотар қуролдан кийикни мўлжаллаб отиб, ўқ адашиб одамга тегса ёки душманга қараб отилган ўқ мусулмонга ёки ўзи билан бир сафда курашаётган ғайридинга (зиммийга) тегиб қолса ёинки нишонга қараб отган ўқ одамга бориб текканида[2] беқасд ўлдириш деб ҳисобланади. Бу жиноятнинг субъектив томони айбнинг эҳтиётсизлик шаклида содир этилган, деб қараш мумкин.

Одам ўлдиришнинг шариатдаги тўртинчи тури — беқасдга ўхшаш ўлдириш деганда, масалан, ухлаб ётган кишининг устига иккинчи бир киши йиқилиб тушганида ўлим юз берганида ҳам айб мавжуд деб қаралган. Субъектив томондан ҳуқуқий баҳо берадиган бўлсак, бу

---

[1] Мухтасар. Т., «Чўлпон», 1994, 305-бет.

[2] **Бурҳониддин Марғиноний**. Ҳидоя (араб тилида). 2-жилд, Қозон, Россия босмахонаси, 1886, 627-бет.

жиноят ҳам айбнинг эҳтиётсизлик шаклида содир этилган тури деб ҳисобланган.

Одам ўлдиришнинг бешинчи тури «сабабли ўлдириш» деб номланган. Кўпгина манбаларда таъкидланишича, ўз мулкидан ташқари жойга қудуқ қазиб қўйганда ёки тош териб қўйганида бирор-бир киши қудуққа тушиб кетса ёки тош ағдарилиб, бирон киши унинг остида қолиб ўлим юз берса, қудуқ қазиган ёки тошни териб қўйган киши одам ўлдиришнинг сабабчиси сифатида айбланган. Аммо имом Шофиъий бу хилдаги одам ўлдиришни беқасд ўлдириш кабидир[1] деб, уни алоҳида турга бўлишга қарши фикр билдирганлар.

Шахснинг соғлиғига қарши қаратилган жиноятлар ҳам мусулмон ҳуқуқи мазҳаб асосчилари томонидан икки тоифага — айбнинг қасд ва эҳтиётсизлик шаклларига бўлиб таснифланган, ўз навбатида етказилган жароҳатларнинг енгил ва оғирлик даражасига қараб, улар ҳам бир неча турларга бўлинади. Масалан, Абу Юсуф кишининг бош қисмига етказилган жароҳатларни оғирлик даражасига қараб, турга бўлиб ҳуқуқий жиҳатдан баҳолаган. Чунончи, кишининг бош қисми бир оз ёрилиб қон оқишига сабаб бўлган жароҳат; бошдаги гўшт қисмининг бир оз кесилиши; бош гўштининг чуқурроқ кесилиши; бош суягига қадар етказилган чуқур жароҳат; бош суягининг ёрилишига сабаб бўлган жароҳат; бош суякнинг синишига сабаб бўлган жароҳат ва ниҳоят, бош мияга етказилган жароҳат натижасида киши ақли заифланишига сабаб бўлган ҳолатлар, деб тушунтиради. Унинг фикрича, биринчи тўрт хил жароҳатлар қасддан етказилган бўлса, уларнинг енгил даражада эканини ҳисобга олиб, қасос — тенг жазо қўлланилган, кейинги уч хили оғир ва киши ҳаёти учун хавфли бўлгани сабабли қасосга йўл қўйилмасдан оғир товон ҳақи тўлаш жазоси кўзда тутилган[2].

---

[1] **Бурҳониддин Марғиноний**. Ҳидоя (араб тилида). 2-жилд, Қозон, Россия босмахонаси, 1886, 627-бет.

[2] **Абу Йусуф Йаъкуб**. Китаб-ал-Харадж. Хрестоматия по исламу. Перевод с арабского, введения и примечания. М., «Наука», 1994, 177-бет.

Юқорида кўрсатилган қатор ҳолатлар таҳлилидан келиб чиқадиган хулоса шуки, шариатда ҳам жиноят таркибининг субъектив томонини характерловчи белгиларни аниқлаш, яъни шахс томонидан бирор-бир жиноят содир этишда айбнинг қасддан ёки эҳтиётсизлик шаклларининг мавжудлигини аниқлаш ҳам ижтимоий хавфли қилмишни ҳуқуқий жиҳатдан тўғри баҳолашда хатога йўл қўймаслик, шу асосда эса жазо тизимининг тўғри қўлланилиши қонун ва қозилик судларининг диққат марказида бўлган.

Шунингдек, шариатга тегишли назарий манбаларда мураккаб айбли жиноятларни тўғри квалификация қилишга катта эътибор берилган. «Бир киши, — деб таъкидланади «Мухтасар»да, — иккинчи кишини ўлдириш учун ўқ узса, бу ўқ шу шахсга тегиб ўтиб, яна бошқа шахсга ҳам тегиб уни ҳам ўлдирса, айбдорга биринчи шахсни қасддан ўлдиргани учун қасос қўлланилган, иккинчи шахсни эҳтиётсизликдан ўлдирган деб товон тўлаш мажбурияти юклатилган»[1].

Мураккаб айбли жиноятларга шариатдан қуйидаги мисолни келтириш мумкин. Шахсга етказилган иккита жароҳатдан биттаси қасддан, бошқаси эса беқасд (эҳтиётсизлик орқасида) етказилса-ю, шу жароҳатлар жароҳатланган кишининг ўлимига сабаб бўлса, бунда айбдорнинг яқин қариндошлари ярим товон ҳақини, айбдорнинг ўзи эса ўз маблағи ҳисобидан қолган ярим товон ҳақини тўлаган. Агар шу шахсга қасддан етказилган жароҳат тузалиб кетса-ю, аммо у беқасд ёки эҳтиётсизликдан етказилган жароҳат таъсири сабабли ўлган бўлса, айбдорнинг яқинлари ўлимга олиб келган беқасд жароҳат учун тўлиқ товон ҳақи тўлайди, айбдорнинг ўзига нисбатан эса қасддан етказилган жароҳатига тенг қасос олиш жазоси қўлланилган. Агарда шу ҳолатнинг акси бўлса-чи? Яъни жароҳатланган шахс

[1] Мухтасар. 309-бет.

беқасд жароҳати тузалган бўлиб, қасддан етказилган жароҳат сабабли ўлган бўлса, бунда айбдордан қасддан одам ўлдиргани учун қасос олинган, унинг яқинлари эса беқасд жароҳатнинг товонини тўлаганлар[1].

Бир сўз билан айтганда, шариатда ҳам мураккаб айбли жиноятлар назарий ва амалий жиҳатдан тўғри баҳоланган бўлиб, бундай ҳолатларда айбнинг қасддан ёки эҳтиётсизлик шаклларига қараб, жиноятлар учун жазо индивидуаллаштирилган ҳолда қўлланилган, ҳар иккала айб шаклига алоҳида-алоҳида жазо тури белгиланган, натижада эса жиноятлар жами учун у ёки бу жазо тури одилона қўлланилган.

Булардан ташқари, суннийлик мазҳабларидаги мужтаҳид (олимлар) қиличини қинидан чиқариб «ўқталувчи ақлли, болиғ кимсани ўлдирув сабабли ҳеч нарса вожиб бўлмас, хоҳ шаҳарда ва ё қишлоқда, хоҳ даштда, хоҳ кундузи, хоҳ кечаси бўлсин[2], таёқ ё кесак билан ўқталувчини ўлдириш сабабли ўлдирувчига ҳеч нарса вожиб эмас. Қилич билан ўқталган ҳолатда ёрдамга ҳеч ким улгурмайди, шунинг учун ўлдириш дуруст бўлади»[3], дея манбаларда кўрсатиб ўтилган.

Бир шахс иккинчи шахсга жиноят қуроли (қилич, таёқ ва ҳоказолар) билан ўқталганда мудофааланувчининг ҳаётига тажовуз қилиш очиқ-ойдин бўлганида, тажовузчини ўлдирса, унинг ҳаракати зарурий мудофаа доирасида содир қилинган, деб бундай ҳоллар жиноят ҳисобланмаган. Зарурий мудофаа нафақат мудофааланувчи томонидан, балки ўзга манфаати йўлида бошқа шахслар томонидан ҳам содир қилиниши кўзда тутилган. Шунингдек, мусулмон жиноят ҳуқуқида қилмишнинг зарурий мудофаа ҳолатида содир

---

[1] **Абу Йусуф Йаъкуб**. Китаб-ал-Харадж. Хрестоматия по исламу. Перевод с арабского, введения и примечания. М., «Наука», 1994, 180-бет.

[2] **Бурҳониддин Марғиноний**. Ҳидоя (араб тилида). 2-жилд, Қозон - Россия босмахонаси, 1886, 627-бет.

[3] Мухтасар. 309-бет.

қилинганини баҳолашда қатор ҳолатлар: қилмиш содир қилинган жой, вақт, шароит (кундузи ёки кечқурун, шаҳар ёки ҳеч ким бўлмаган дашт ва ҳоказо), қилмишнинг хавфлилик даражаси, қурол тури ва бошқалар инобатга олинган.

Амалдаги Жиноят кодексимизнинг 37-моддасида зарурий мудофаа тушунчаси акс эттирилган бўлса-да, зарурий мудофаа ҳолати тўлиқ ифодаланмаган.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси ЖКсининг 37-моддаси биринчи қисмидаги «агар зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқилмаган бўлса» деган сўзлар ўрнига «агар ҳужум мудофааланувчи ёки бошқа шахснинг ҳаёти учун хавфли куч ишлатиш билан ёки бевосита шундай куч ишлатиш хавфи остида содир этилаётгани аниқ бўлса» деган жумлалар киритилса тўғрироқ бўларди.

Шариатнинг жиноят ҳуқуқи назариясида нафақат зарурий мудофаа тушунчаси мавжуд, шу билан бир қаторда зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш тушунчаси ҳам акс этган: «Кундузи шаҳар ё қишлоқ ичида таёқ билан ўқталувчини ўлдириш сабабли қасос вожиб бўлур, чунки кундузи шаҳарда ёрдамга биров улгуриши мумкин, шунинг учун таёқ ўқталиши билан ўлдириб қўйиш тузук бўлмайди»[1], деб қайд этилган.

Шариатда ҳам айбни фақат шахснинг содир этган жиноятига психик муносабати деб қарамасдан, балки унинг ижтимоий-сиёсий томонига ҳам эътибор берилган. Жумладан, «Мухтасар» асарида «агар босқинчи молмулкни эгалламасидан олдин ўлдирилса сиёсат учун ўлдирилган бўлади. Уни ўлдирган шахсга нисбатан жазо қўлланилмайди»[2]. Шунингдек, зино жинояти учун юз қамчи урилган бўйдоқ[3] айбдор эркак ҳам сиёсат учун тураржойидан қувиб юборилган, деб таъкидланади.

---

[1] Мухтасар, 307-бет.
[2] Ўша асар, 224-бет.
[3] Ўша асар, 226-бет.

Хулоса қилиб айтганда, ислом жиноят ҳуқуқи назариясида ҳам бирор-бир бевосита объектга қарши қаратилган жиноятларнинг субъектив томонини чуқур таҳлил қилиш, жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражасига қараб бир неча турларга бўлингани айбдорларнинг жиноий қилмишига психик муносабатини ҳуқуқий жиҳатдан тўғри баҳолаш ва жамият учун ижтимоий хавфлилик даражаси юқори бўлган жиноятларга қаттиқ жазо белгилаш мақсадига хизмат қилган.

V боб. ШАРИАТДА ЖИНОИЙ ЖАЗО МАСАЛАЛАРИ

5.1. Шариатда жазо тушунчаси ва унинг турлари

«Жазо, — деб ёзади таниқли араб ҳуқуқшунос олими Муҳаммад ал-Фадел, — жиноят содир этган кишига қонун томонидан белгиланган азобдир. Жиноят содир этгани учун жиноятчига давлат томонидан етказиладиган жисмоний қийноқ ва озордан иборат. Жазо айрим ҳуқуқларни чеклаш йўли билан амалга оширилади»[1].

Дунёвий давлатда жиноий жазонинг мақсади шариатдан фарқли равишда биринчидан, айбдорни ахлоқан тузатиш ва унинг келгусида жиноят содир этмаслиги учун огоҳлантириш, тарбиялаш бўлса, иккинчидан, ҳар қандай жиноий жазо фақатгина давлат томонидан — унинг ваколатли идорасидаги масъул ходимлари — судьялар томонидан белгиланиши жамиятнинг ҳар бир аъзосини жазо турларидан воқиф этиб, ўз навбатида уларни ҳам жиноятга қўл урмасликка чақириш, шу йўл билан эса давлатнинг жиноий-ҳуқуқий сиёсатини тўғри амалга ошириш каби ижтимоий-сиёсий вазифани рўёбга чиқаришни кўзда тутади.

Мустақилликка эришган ёш давлатимиз 1993 йилнинг бошидан бошлаб жиноятчиликка қарши курашда жазонинг таъсирчанлигини ошириш мақсадида қатор чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Мамлакатимизда уя қуриб олган «жиноят оламининг қирол»лари бошчилик қилган жиноий гуруҳларни фош этиб, уларни содир қилган жиноятига яраша қаттиқ жазолаш орқали шаҳар ва қишлоқларимизда халқимизнинг тинч-осойишта яшаши

---

[1] **Муҳаммад ал-Фадел.** Жиноят ҳуқуқининг умумий асослари. Дамашқ, 1964, 521-бет (араб тилида).

таъминланаётган бўлса, 2001 йилдан бошлаб жиноий жазоларни либераллаштирилиши натижасида айбдорларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар, жумладан, жарима, ахлоқ тузатиш ишлари ва ҳоказолар судлар томонидан амалиётда кўпроқ қўлланилмоқда.

Жанубий яманлик муаллиф М.Ҳайдар «Жазо бу — фақат суд ҳукмига кўра жиноят содир этган муайян шахсга нисбатан давлат томонидан қўлланиладиган мажбурий чорадир»[1], — деб ҳисоблайди.

Р.Шарлнинг таъкидлашича, мусулмон ҳуқуқшунослари VIII асрдан бошлаб мусулмон ахлоқини тузатишга оид жазолардан таъзирни қўллаш орқали жазоларни индивидуаллаштириш, яъни жиноятнинг турига қараб, ҳар бир жиноятчига алоҳида-алоҳида жазо чораларини белгилаш тамойилига суянган эдиларки, бу қоида Европа қонунларига анча кеч киритилган[2].

Ислом ҳуқуқи бўйича барча жиноятлар жазо белгиланиши ва тажовуз объектига қараб учта гуруҳга:

1) ҳад жазо турлари;
2) қасос ёки товон ва каффорат жазо турлари;
3) таъзир жазо турларига бўлинган.

«Ҳад» — сўзи луғатда чекка, чет, икки нарса орасидаги парда, монеъ маъносидадир. «Мухтасар» асарида шариатда, Қуръонда, ҳадис ва ижмоъда муайян азоб ҳамда жазога лойиқ жиноят қилувчига Оллоҳ таоло томонидан белгиланган жазодир. Оллоҳ таолонинг ҳақи дегани шуки, унинг амрини тўлиқ бажаришни талаб қилиш ва шу билан розилигини исташликдир. Одамнинг (банданинг) ҳақи деганда, ундан (яъни одамдан) зарарни дафъ қилмоқ ва унга нафъ келтирмоқдир[3], деб ҳад тушунчаси қайд этилган.

---

[1] **М.С. Хайдар**. Основание уголовной ответственности и наказание по уголовному праву Народной Демократической Республики Йемен. Автореф. канд.диссертации. М., 1985, 15-бет.

[2] **Р. Шарл.** Мусульманское право. М., 1959, 41-бет.

[3] Мухтасар. 284-бет.

Ҳад жазо турлари асосан зино, туҳмат, ўғрилик, қароқчилик (босқинчилик), спиртли ичимликларни истеъмол қилиш, ислом динидан қайтиш, исён кўтариш ва бошқа жиноятларга нисбатан белгиланган. Шунингдек, «Мухтасар»да «Ҳад жазоси зино, туҳмат қилиш, ўғрилик, қароқчилик учун қўлланилишига кўра у жиноятларни чеклаб баён қилиш зарур»[1] деб, бу жазо турларини бир нечта саноқли жиноятларга нисбатан қўлланилгани учун ҳам чекланган деган маънони англатади, деб таъкидланган.

Ҳад жазоси турларига 40 мартадан кўпроқ дарра уриш, яъни 80, 100 дарра каби, қўл ёки оёғини кесиш, тошбўрон қилиб, осиб ёки бошини танасидан жудо қилиб ўлдиришлар киради. Бу жазо ҳақида Қуръони карим оятларида айтиб ўтилгани учун ҳам шариатнинг кўзга кўринган ҳуқуқшунос олимлари ҳадни қатъий жазо — Оллоҳнинг ҳақи ҳам деб ҳисоблайдилар.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳад жазо турларининг «қасос» ёки товон (дия, хун) ва таъзир жазо турларидан фарқ қилиши ҳам шариатда ўз аксини топган. Жумладан, «Мухтасар»да: «Бас, таъзир ва қасос ҳад эмас, чунки таъзир чекланмаган жазодир, қасос эса банданинг ҳақидир, баида кечса, кечилади. Ҳад кечилмайди»[2], деб уларни фарқлаш кўрсатилган.

Шахснинг ҳаёти ва соғлиғига қарши қаратилган одам ўлдириш ва тан жароҳати етказиш жиноятларига нисбатан қасос ёки товон (дия) ва каффорат каби жазо турлари қўлланилган. Бу ҳол шариатда «жиноятга тенг жазо» қоидасига риоя қилиш, деб юритилади.

Мусулмон жиноят ҳуқуқи назариясига кўра, тан жароҳати етказилгани учун Қуръони каримда ёзилганидек, «Жонга-жон, кўзга-кўз, бурунга-бурун, қулоққа-қулоқ, тишга-тиш» қасос олинади. Шу боисдан бўлса керак, шариатда жабрланувчи то тўлиқ соғайиб, жиноий оқибатга сабаб бўлган барча ҳолатлар, шунингдек, етказилган жароҳатнинг оғирлик даражаси аниқлангунича

[1] Мухтасар. 284-бет.
[2] Ўша асар, ўша бет.

жазо қўллашни кечиктириш ҳам кўзда тутилган. Қози суд жараёнида қандайдир объектив сабабга кўра «тенг жазо» қўллаш мумкин эмас, деб топганда, жабрланувчининг розилиги билан айбдор зиммасига, жабрланувчи ёки унинг яқин қариндошларига товон тўлаш мажбурияти юклатилган.

Қасос олишда эса қасддан одам ўлдириш ёки қасддан жароҳат етказиш жиноятини содир этган айбдорга ўлим жазоси, агарда у ёки бу даражада жароҳат етказилган бўлса, айбдорнинг ҳам баданига етказган жароҳат даражасида қасос — тенг жазо қўлланилади. Қасдга ўхшаш қотиллик ҳам оғир гуноҳ — жиноят бўлиши билан бирга, каффорат ва товон (хун) тўланган[1].

Каффоратда бир қулни озод қилиш, қул топилмаса, айбдор икки ой муттасил рўза тутиши шарт бўлган[2].

Таъзир тамойил жиҳатидан қатъий жазо белгиланган «ҳад» ёки қасос тоифасидаги жиноятларга қўлланиши лозим бўлган жазони қўллаш мумкин бўлмаган ҳолларда, шунингдек, диний жиҳатдан гуноҳни ювиш билан жазоланадиган жиноятлар билан жазоланадиган жиноятлар содир этилган тақдирда қўлланиши мумкин. Мисол учун, ўғирликда ўғирланган нарса шариатда жорий этилган миқдор (нисоб)дан кам бўлса, ҳад эмас, балки таъзир қўлланилган. Шунингдек, ҳад жазосининг бирор-бир тури қўлланиладиган жиноятлар содир этилса, чунончи, жиноятга суиқасд қилинса ҳам мусулмон жиноят ҳуқуқида «таъзир»га сабаб бўладиган алоҳида жиноий қилмиш сифатида қаралади. Жумладан, қароқчилар йўл тўсаётганларида ҳали молни олмай ва ҳеч кимни ўлдирмай туриб қўлга тушса, уларни то тавба қилгунларига қадар қамаб қўйилган[3] ёки ўғри нарсани хонадан олиб чиқиб кетмай туриб қўлга тушса, қўли кесилмаган[4].

---

[1] **Бурҳониддин Марғиноний**. Ҳидоя (араб тилида). 2-жилд, Қозон — Россия босмахонаси, 1886 йил, 626-бет.

[2] Ўша асар, 652-бет.

[3] Ўша асар, 535 бет.

[4] Ўша асар, 525-бет.

Таъзир жазо турларига 3 даррадан 39 даррагача уриш, қамоқ, огоҳлантириш, жамоат иззаси, жарима, салла ўраб юриш ҳуқуқидан маҳрум этиш ва ҳоказолар киради.

Шариатда ҳам жиноий жазо давлат номидан унинг вакили бўлган имом ёки қози томонидан тайинланган. Хўжа ўзининг қули ва канизагини ҳокимнинг рухсатисиз жазолай олмаган. Чунки «Ҳад Оллоҳ таолонинг ҳақидир, ул эса шариат вакили бўлган қозининг қўлидадир»[1].

Демак, шариат бўйича ҳеч бир жиноятчи қози судининг ҳукмисиз жазоланиши мумкин эмас.

Манбаларда кўрсатилишича, агар бир шахс бир турдаги жиноятларни такроран содир этган бўлса, бир марта ҳад урилади, яъни бир одам казф (туҳмат) ёки зино ёхуд спиртли ичкиликларни истеъмол қилишни бир неча бор содир қилгани учун жазоланадиган бўлса, бир марта ҳад урилган. Агарда шахс ўша жиноятларнинг бир нечтасини содир этиб, айбдор деб топилса, ҳар бир жинояти учун алоҳида-алоҳида ҳад қўлланилган[2]. Шариатда жиноятлар жами бўйича жазо тайинлаш қоидаси мавжуд бўлган.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мусулмон жиноят ҳуқуқига доир илмий-назарий манбаларда кўрсатилишича, қонунда белгиланган жазони ижро этиш муддати ўтиб кетган бўлса, жиноятчи жазодан озод этилган. Масалан, тўрт кишидан иборат гувоҳлар бирор-бир шахсга нисбатан зино жиноятини содир этган, деб гувоҳлик берсалар-у, лекин жиноят содир этилганига узоқ муддат ўтган бўлиб, гувоҳларнинг имомдан узоқда яшагани бунга тўсқинлик қилмаган бўлса, гувоҳликлари қабул қилинмаган, жиноятчига ҳад урилмаган, яъни у жазодан озод этилган. Шунингдек, гувоҳлар бирон кишининг 10 дирҳам ва ундан ортиқ баҳодаги мулкни ўғрилагани ҳақида гувоҳлик бериб, айбдорнинг номини айтиб кўрсатма берса-да, жиноят содир этилганига узоқ муддат ўтган бўлса, ўғрига ҳад

---

[1] Мухтасар. 290-бет.

[2] ***Бурҳониддин Марғиноний***. Ҳидоя. 1-жилд, 514–515-бетлар.

жазоси қўлланилмай, балки ундан моддий зарарни тўлаш талаб этилади. Аммо туҳмат жиноятини содир этган шахсга нисбатан муддат ўтиб кетганлиги инобатга олинмаган. Агарда гувоҳлар бирор-бир шахсни зинокорликда айблаб, туҳмат жиноятини содир этган бўлса, бу жиноятнинг содир этилганига узоқ вақт ўтиб кетган бўлса-да, агар жабрланувчи имомнинг олдига бориб, жиноятчиларни жазолашни талаб қилса, ҳад қўлланилган, чунки бундай ҳолда инсон ҳуқуқлари бузилишига йўл қўйилган[1], деб ҳисобланган.

Ажабланарлиси шундаки, ўн тўрт аср илгари мазҳаб асосчиларининг асарларида жазони енгиллаштирувчи ҳамда оғирлаштирувчи ҳолатлар аниқ кўрсатилган бўлиб, улар жазо тайинлашда ва ҳаттоки жазодан озод қилишда инобатга олинган. Шариатда жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар қаторига қуйидагилар кирган:

1) айбини бўйнига олиш, чин кўнгилдан пушаймон бўлиш, бу ҳол айниқса, таъзир тури қўлланиши кўзда тутилган жиноятларда жазодан умуман озод қилишга асос бўла олган;

2) етказилган зарарни ихтиёрий равишда тўлаш (давлат мулкини ўзлаштириш, ишониб топширган мулкни талон-торож қилиш ва ҳоказолар);

3) мажбурлаш ёки моддий томондан, хизмат жиҳатидан қарамлик сабабли жиноят содир этиш. Масалан, «Ҳидоя» асарида ёзилишича, подшоҳнинг зўрлаши билан зино қилган кишига ҳад урилмаган. Подшоҳдан бошқа шахснинг зўрлаши билан зино қилганда, Абу Ҳанифа ҳад урилади, деган фикрни билдирсалар, Абу Юсуф ва Муҳаммад Шайбоний ҳад урилмайди[2], деган фикрни билдирганлар;

4) жабрланувчининг айбдорни кечириши ҳам жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолат қаторига киритилган;

---

[1] **Абу Йусуф Йаъкуб**. Китаб-ал-Харадж: Хрестоматия по исламу. Перевод с арабского, введения и примечания. М., «Наука», 1994, 180-бет.

[2] **Бурҳониддин Марғиноний**. Ҳидоя. 1-жилд, 499-бет.

5) вояга етмаганлар ёки аёллар томонидан жиноят содир этилганда ўлим жазоси қўлланилмаган, шунингдек, аёллардан тўлиқ товоннинг ярим миқдори ундирилган (мисол учун, йўлтўсарлик ва тан жароҳати каби жиноятларда);

6) қуллар томонидан жиноят содир этилганда, ҳад ва таъзирнинг ярми, яъни, 80, 100 ва 39 даррагача уриш ўрнига 40, 50, ва 19 даррагача уриш қўлланилган;

7) подшоҳ ҳад жазоси қўлланиши кўзда тутилган жиноятни содир этса, жазоланмаган, қасос жазоси эса доимий равишда товонга алмаштирилган[1].

Шариатда ҳам такроран жиноят содир қилиниши жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисобланган. Масалан, такроран жиноят содир этган ёки илгари судланган шахсга нисбатан бошқа енгил жазо эмас, фақат озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилган[2].

Шунингдек, гуруҳ бўлиб жиноятга қўл уриш ҳам жазо тайинлашда оғирлаштирувни ҳолат деб ҳисобланган ва барча иштирокчиларга бир хил жазо қўлланилган.

Шариатнинг диққатни ўзига жалб қилувчи яна бир томоии шундаки, жиноятга жазо белгилашда қонуннинг вақт бўйича амал қилиши ва унинг жазони енгиллаштирувчи орқага қайтиш кучига эга эканлигининг мавжудлигидир. Жумладан, Абу Юсуфнинг фикрича, қуллик пайтида далил-исботсиз бировни зинокорликда айблаш — туҳмат жиноятини содир этган қул иши қози томонидан кўрилаётганида қулликдан озод қилинган бўлса, унга озод шахсга қўлланиши лозим бўлган 80 дарра эмас, балки, қулларга қўлланилган 40 дарра ҳад уриш лозим бўлади[3].

Таъкидлаш лозимки, мусулмон жиноят ҳуқуқи масалалари билан шуғулланган ҳозирги замон ҳуқуқшунос олимлар шариатдаги жиноий жазо тизимини бир нечта гуруҳларга бўлиб, улар ҳақида бир-биридан фарқ қилувчи фикрларни баён қилишган. Жумладан, М.И. Садагдар

[1] **Бурҳониддин Марғинонй**. Ҳидоя. 1-жилд, 500-бет.

[2] **Абу Йусуф Йаъкуб**. Китаб-ал-Харадж: Хрестоматия по исламу. Перевод с арабского, введения и примечания. М., «Наука», 194-бет.

[3] Ўша асар, 187-бет.

мусулмон ҳуқуқида жазо алоҳида хусусиятга эга бўлиб, қуйидаги турларга: қасос — ўч олиш; дия — товон ҳақи; ўлим жазоси; тошбўрон қилиш; қўл-оёқларни кесиш; дарра уриш; сургун ва бадарға; мол-мулкини мусодара қилиш ва бошқалардан иборатдир[1], деб кўрсатган бўлса, Г.М. Керимов шариатдаги барча жазолар асосан тўрт турга: 1)бир хилда ўч — қасос олиш: ўлдирганда — ўлдириш, ҳақоратлаганда — ҳақоратлаш, жароҳатлаганда — жароҳатлаш ва шунга ўхшаш; 2) қон тўкканда, яъни ўлдирилганда ҳам, жароҳат етказилганда ҳам тўлов ёки жарима белгилаш; 3) қиёс (аналогия) асосида қонун билан белгиланган жазо; 4) шариат судьяларининг ихтиёрига кўра белгиланадиган жазоларга бўлинади[2], деган фикрни илгари сурган. А.С.Боголюбов эса қасос олиш чоралари ва эҳтиёт чоралари сон жиҳатдан кўп эмас ва улар оддий бўлиб, ўлим жазоси, қасос — тенг жазо, дия — ўлдирилган ёки қон тўккандаги товон тўлаш; таъзир, адаб — огоҳлантириш, жамоат иззаси ва содир этган жиноий қилмиш учун чин кўнгилдан пушаймон бўлиш, панд-насиҳатдан ташкил топган[3], деб таъкидлайди. Л.Р.Сюкияйнен ва В.А.Лихачёв мусулмон жиноят ҳуқуқидаги барча ҳуқуқбузарликларини уч гуруҳга бўлади: биринчи гуруҳга— Оллоҳнинг ҳуқуқини бузишга қаратилган ўта оғир жиноятларга нисбатан ҳад жазолари; иккинчи гуруҳга — шахснинг ҳаёти ва соғлиғига қарши қаратилган қасос ёки товон тўлаш жазолари қўлланадиган жиноятлар, ниҳоят, учинчисига эса қолган барча ҳуқуқбузарликлар киритилган бўлиб, уларга нисбатан — таъзир жазолари қўлланади[4], деб кўрсатганлар.

---

[1] **М.И. Садагдар**. Основные черты мусульманского права и его развитие в Иране по шиитскому направлению. Автореферат диссертации на соискание учен. степени канд.юрид.наук. М., 1963, 17-бет.

[2] **Г. М. Керимов**. Шариат и его социальная сущность. М., «Наука», 1978, 41-бет.

[3] **А. С. Боголюбов**. Ислам, религия, общество, государство. М., «Наука», 1984, 218-бет.

[4] **А. Р. Сюкияйиен, В. А. Лихачёв.** Мусульманское деликатное право и уголовное законадательство стран Зарубежного Востока. «Мусульманское право». М., ИГП АН СССР, 1984, 78-бет.

Биз ҳам Сюкияйнен ва Лихачёвларнинг фикрини маъқуллаб, шариатнинг тўрт асосий манбалари ва турли мазҳаблардаги ҳуқуқшунос олимларнинг (фиқҳ мужтаҳидларнинг) мусулмон жиноят ҳуқуқининг манбаси сифатида қўлланилган асарларини ўрганиб, улардаги жазо турларини уч гуруҳга бўлиш мумкин деб ўйлаймиз. Улар ҳад, қасос ёки товон (дия, хун) тўлаш ва таъзир жазо гуруҳларидан иборатдир. Бу гуруҳлар ўз навбатида юқорида кўрсатилган бир қанча турларга бўлинади.

Шундай қилиб, мусулмон жиноят ҳуқуқи бўйича жазо тайинлашда жиноий қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва жиноятчининг шахси ҳамда жазони енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳуқуқий мезон деб қаралган.

5.2. Ҳад жазоси турлари

Ҳад жазоси бир қатор жиноятлар, яъни зино, ўғрилик, зинокорликда айблаш, қароқчилик (босқинчилик), спиртли ичимликларни истеъмол қилиш, исён ва диндан қайтишда айбли деб топилган шахсларга нисбатан қўлланилган. Бу ҳақда асосий манбалар бўлмиш Қуръони карим ва суннатларда зикр этилган. Зино жиноятн учун ҳаднинг икки тури: тошбўрон (ражм) қилиб ўлдириш ёки юз дарра уриш қўлланилган. Жумладан, зино жиноятини содир этганликда айбланган оилали эркак ва аёлга нисбатан бу жазони тошбўрон (ражм) қилиш, уйланмаган эркак ва турмушга чиқмаган (эрсиз) аёлга нисбатан эса юз дарра уриш каби кўринишлари қўлланилган. Агар зинокор ўз хотини бўла туриб зино қилган бўлса, то ўлгунча тошбўрон қилинади[1], агар зинокор уйланмаган бўлса, юз дарра урилади. Дарра тугунсиз, силлиқ, яъни жуда оғритадиган ҳам, бутунлай оғритмайдиган ҳам эмас, ўртаҳол ишланган бўлиши керак[2], деб қайд этилган «Ҳидоя» асарида.

---

[1] **Бурҳониддин Марғиноний**. Ҳидоя. 1-жилд, ҳижрий 1302, 489-бет.
[2] Ўша асар, 489-бет.

Агар айбланувчи қул бўлса, 50 дарра урилади. Бунинг сабаби қуллар ҳаёт неъматларидан тўлиқ фойдаланмаслиги туфайли жазо азобларини ҳам тўлиқ тортмасликлари керак, деб таъкидланган «Ҳидоя»да. Дарра айбдорнинг юзи, жинсий аъзоларидан ташқари, танасининг ҳамма қисмига тақсимлаб урилади[1]. Демак, шариатда қулларга нисбатан ҳад жазоси белгилашда инсонпарварлик ва ижтимоий адолат нуқтаи назаридан ёндашилган.

Зино жинояти учун ҳад жазосининг икки туридан бирини белгилашда қозиларнинг эҳтиёткорлик билан ёндашишлари талаб этилган. Бунинг учун бир қатор зарур шартлар мавжуд бўлиши лозим бўлган. Булар — жазо турини нотўғри белгилаш натижасида маълум бир ҳуқуқий оқибатларнинг юзага келишига сабаб бўлиши эҳтимолининг олдини олиш, айбдорга жазо белгилашда эса жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи қатор ҳолатларни ҳисобга олиш, ниҳоят, баъзаи бегуноҳ шахсни қонунсиз жазолашга йўл қўймасликдан иборат бўлган. Айбдор тошбўрон қилиниши учун ҳур (озод) ва уйланган бўлиши шарт қилинган, борди-ю хотини кофир ёки чўри, ёхуд ақли норасо ёки норасида бўлса, тошбўрон қилинмаган. Шунингдек, бу сифатлар эрида бўлган мусулмон аёл ҳам жазоланмаган[2].

Бу ҳақда турли мазҳаб асосчилари турли-туман фикрларни билдиришган. Мисол учун, Абу Юсуфнинг фикрича, кофир хотинга нисбатан ҳам мусулмон хотин каби жазо камайтирилмайди. Абу Ҳанифа эса бу фикрни рад этиш учун ҳадисдаи далил келтирганлар[3].

Абу Ҳанифа ҳад жазосини қўллашнинг шартларидан яна бири — айбдорнинг мусулмон ва балоғат ёшида бўлишидир, деб ҳисобласалар, имом Шофиъий ва Абу Юсуф «мусулмон бўлиши шарт эмас»[4], деган фикрни

---

[1] **Бурҳониддин Марғиноний**. Ҳидоя. 1-жилд, ҳижрий 1302, 490-бет.
[2] Ўша асар, 492-бет.
[3] Ўша асар, ўша бет.
[4] Ўша асар, 502-бет.

билдирганлар. Бундан вояга етмаган айбдорга ҳад жазоси қўлланилмаган, деган хулоса келиб чиқади.

Бу жазо турини қўллашдаги зарурий шартлардан кейингиси тўртта гувоҳнинг кўрсатмаси (бир-биридан тубдан фарқ қилмаган) ёки айбдорнинг ўз айбига иқрорлиги асос қилиб олинган. Қози гувоҳларнинг ҳар бирига яккама-якка: «Зино нима? Қаерда юз берган? Қачон? Ким билан? Қайси ҳолда?» деган саволлар билан мурожаат қилган. Чунки бу ишда ўта эҳтиёткорлик зарур бўлган. Агар тўрт гувоҳнинг ҳар бири мазкур саволларга бир хил мазмунда қониқарли жавоб берсагина, ҳукм ижро этилган. Акс ҳолда гувоҳларнинг ўзлари жазога тортилиши мумкин бўлган. Зинокорнинг ўзи айбига иқрор бўлса, гувоҳларга ҳожат қолмаган. Бу ҳанафий мазҳабидаги муҳим шарт бўлиб, агар ҳад урилмай туриб ёки ҳад уриш асосида айбдор ўз иқроридан қайтса, у озод қилиб юборилади. Шофиъий мазҳабида эса озод қилинмайди, балки ҳад урилади[1], деб кўрсатилган.

Агар тўрт киши гувоҳлиги билан бир кишига ҳад урилганидан сўнг, гувоҳларнинг бири қул эканлиги ёки олдин казф жазосини (далил-исботсиз бировни зинокорликда айблаш — туҳмат) ўтаган киши экани маълум бўлиб қолса, барча гувоҳларга ҳад урилган. Сабаби — бири чиқиб кетса, учта гувоҳ қолади. Бу эса оздир, улар ҳам туҳмат — казф жиноятини содир этган деб ҳисобланган. Дарра урилиб жазоланган шахснинг товонини ҳеч ким тўламаган. Абу Юсуф билан Муҳаммад аш-Шайбонийнинг фикрича, ноҳақ жазоланган шахснинг товони давлат зиммасига тушади[2]. Киши ҳад зарбидан ўлиб қолса ҳам ёки гувоҳларнинг бирортаси сўзидан қайтса, Имом Аъзам товон тўламайди деса, Абу Юсуф ва Муҳаммад аш-Шайбоний товон тўланиши керак[3], деган фикрни билдирган.

---

[1] **Бурҳониддин Марғиноний**. Ҳидоя. 1-жилд, ҳижрий 1302, 502-бет.
[2] Ўша асар, 503-бет.
[3] Ўша асар, ўша бет.

Шунингдек, тўрт нафар гувоҳнинг кўрсатмаси билан шахс зинокорликда айбланиб, тошбўрон қилиниб, ўлим жазоси қўлланилгандан сўнг гувоҳлардан бири ўз сўзидан қайтса, унга ҳам ҳад урилган ва товоннинг тўртдан бир қисмини тўлаш юклатилган. Имом Шофиъий эса товон тўлатиб ўтирмай, ўлим жазоси бериш керак, дейди. Имом Зуфар эса ундайларга ҳад жазоси қўлланмайди, деган фикрни билдирган.

Зинода айбли шахсга ҳад урилмай, тўрт гувоҳдан бири ўз кўрсатмасидан қайтса, гувоҳларнинг ҳаммасига ҳад урилади. Айбланувчи эса ҳаддан озод бўлган. Имом Муҳаммад гувоҳликдан қайтган шахснинг ўзига ҳад урилади, холос деганлар[1].

Булардан ташқари, «Ҳидоя»да ҳад учун шарт қилинган жинсий алоқа бобида ўз хотинини уч талоқ — ажралганман, деб қўйгандан сўнг аёлнинг уч ойлик идда муддати чиқмай туриб, у билан жинсий яқинлик қилса ва сўралганда «ҳаром ишлигини билиб туриб қилдим», деб кўрсатма берса, шунингдек, ўриндиғига ётган аёлни суриштирмай яқинлик қилиб қўйган эркакка ҳам ҳад урилган. Чунки одатда унинг ўриндиғига яқин қариндошлари, маҳрамлари ҳам ётиши мумкин. Шунинг учун ҳам олдин суриштириб, сўнг яқинлик қилмагани учун жиноятчи ҳисобланади[2], деб кўрсатилган.

Агар ичган одамнинг оғзидан ароқ ҳиди келиб турган ҳолда ёки маст ҳолида ушланса ва икки киши бунга гувоҳлик берса, ҳад жазоси берилган. Айбланувчининг ўзи айбига иқрор бўлса ҳам, ароқ ҳиди келиб турса ҳам ҳад урилади. Имом Муҳаммад аш-Шайбоний Абу Ҳанифа ва Абу Юсуфнинг «борди-ю ҳиди кетганидан кейин иқрор бўлса, ҳад урилмайди» деган фикрига қарши чиқиб, «ҳад урилади»[3] деб баён қилган.

Шунингдек, ароқ ҳиди келган одамга ёки ароқ қайт қилган одамга сабаби аниқланмагунча ҳад урилавермаган.

---

[1] **Бурҳониддин Марғиноний**. Ҳидоя. 1-жилд, ҳижрий 1302, 503-бет.
[2] Ўша асар, 495-бет.
[3] Ўша асар, 508-бет.

Чунки ҳид бошқа нарсанинг ҳиди бўлиши мумкин. Ҳалол нарса ичиб маст бўлган одамга ҳам ҳад урилмайди. Масалан, қимиз ёки мингдевона ўсимлигини истеъмол қилиб, маст бўлганларга ҳад йўқ[1], деб бу жиноятга ҳам жазо тайинлашда жиноятчининг айбига таъсир қилувчи барча ҳолатларни далиллар ёрдамида исботлаш талаб этилгани кўрсатилган.

Ароқ ичган ва маст одамга 80 дарра урилган. Қулларга эса 40 дарра[2] уриш буюрилган.

Уйланган эркакни ёки эри бор аёлни зинокор деб ҳақорат қилган шахслар казф — зинокор, фоҳиша, деб ҳақоратлаганликда айбли деб топилиб, уларга нисбатан 80 дарра ҳад жазоси белгиланади. Лекин бу жазо фақат жабрланувчининг талаби билан амалга оширилган. Шариатда агар бир кишига «сен отангдан бўлмагансан» дейилса, ҳад урилади, чунки бу унинг онасини зинокор деб ҳақорат қилган билан баробардир»[3], деб қаралган.

Яна «сен фалончининг ўғли эмассан», дейилган бўлса, масала чуқур ўрганилган. Агар шахс бу сўзларни жаҳл устида айтган бўлса, ҳад урилади. Агарда жаҳлсиз ҳолда айтган бўлса, ҳад урилмайди, чунки бу сўздан нияти нима эканлиги жаҳл пайтида аниқ бўлади. «Эй зинокор аёлнинг ўғли» деб бировни ҳақорат қилса, онаси эрли ҳолда ўлиб кетган бўлса, ўғилнинг талаби билан жиноятчига ҳад урилган. Марҳумларнинг тирик ота-оналари ёки фарзандларини «зинокорнинг фарзанди» ёки «зинокорнинг отаси, онасисан», деб ҳақорат қилса ҳам ҳад белгиланган.

Аммо аслида зино қилган одамни «зинокор» деб ҳақорат қилса, ҳад урилмайди[4]. Демак, бу жиноятда ҳам шахснинг жазога сазовор жиноий қилмиши етарли даражада далиллар асосида ўз исботини топган бўлиши шарт экан. Казф — туҳмат жиноятини содир этгани учун

---

[1] **Бурҳониддин Марғиноний**. Ҳидоя. 1-жилд, ҳижрий 1302, 508-бет.
[2] Ўша асар, 509-бет.
[3] Ўша асар, ўша бет.
[4] Ўша асар, 511-бет.

жазоланган кишининг гувоҳлиги гарчи тавба қилса ҳам қабул қилинмаган. Имом Шофиъий эса «тавба қилса, қабул қилинади»[1], деган фикрни билдирган.

Албатта, жамият тараққиётининг ҳозиргидек ривожланган даврида ҳаднинг дарра уриш каби тури қўлланиши тарафдори эмасмиз. Аммо ҳозирда Покистон, Ливия, Эрон, Судан ва бошқа ислом давлатларида ҳаднинг ушбу турини қўллаш жорий этилган[2].

Мусулмон жиноят ҳуқуқи тадқиқотчилари ўғрилик жинояти учун ҳадни Қуръони карим ва суннатларга қатъий белгиланган жазо гуруҳларига киритиш ҳақидаги фикрни якдиллик билан маъқуллайдилар. Уларнинг бу ҳақдаги мулоҳазалари асосида ислом дини томонидан ҳимоя қилинадиган беш қадриятларидан бири бўлган — мулкка тажовуз қилишнинг қатъий қўриқланиши ётади. Шу билан бир қаторда, мусулмон ҳуқуқи мазҳабларининг таълимотида ўғрилик жиноятининг таркибини чуқур таҳлил қилган ҳолда унинг объектив томонини, объектини, айниқса, предметини, субъектнинг жиноят содир этишдаги айблилик даражасини ҳисобга олган ҳолда бу жиноятга нисбатан жазони индивидуал қўллаш лозимлиги ҳақидаги ғоя илгари сурилган.

Жумладан, ўғрилик айбни оғирлаштирувчи қуйидаги ҳолатларда содир этилганда, қатъий жазо — қўл кесиш қўлланилиши ҳақидаги назарий фикрлар мавжуд. Чунончи, айбдорнинг ўн дирҳам пул ёки унинг қиймати баробаридаги нарсани ўғирлагани исботланса, иштирокчиликда ўғрилик содир этган жиноятчиларнинг ҳам ўғирланган буюмлари, нарсаларининг қиймати ҳар бир жиноятчига ўн дирҳамдан тўғри келса, агар ўғирланган норасида бола эгнидаги мулкнинг — тилла буюмнинг баҳоси ўн дирҳамга етса (Абу Юсуфнинг фикрича), норасида қул боласи ўғирланса, масжиддан нарса ўғирланса, ҳовлида бир неча хоналар бўлиб,

---

[1] **Бурҳониддин Марғиноний**. Ҳидоя. 1-жилд, ҳижрий 1302, 514-бет.

[2] **В. А. Пантелеев, И. Д. Козочкин, В. Н. Лихачёв**. Уголовное право развивающихся стран. М., 1988, 123-бет.

уларнинг биридан нарсани ўғирлаб, ҳовлига олиб чиққанда қўлга тушса, ўғри ичкаридан қўли билан ўғирланган нарсани ташқаридаги шеригига узатса ёки аксинча, ташқаридаги жиноий шериги ичкаридан қўлини узатиб нарсани олса, тешикдан нарсани ташқарига ирғитиб, сўнг ўзи чиқиб олса, ҳовлидан олган нарсаларини юклаб чиқариб юборган бўлса, бир уйга кўпчилик бўлиб киргач, молларни баъзилари олиб, барчаси бирга чиқса, ҳаммасининг қўли кесилган. Шунингдек, енг ичида турган ҳамёнга қўлини тиқиб олса, эгаси қўриқлаб турган ёки устида ухлаб ётган туядаги қоплардан мулкни ўғирласа ва дўстининг нарсасини ўғирласа ҳам, ўнг қўли билагидан кесилган[1].

Шундан кейин ҳам жиноятчининг ахлоқи тузалмасдан, шу турдаги жиноятни такроран содир этса, чап оёғи тўпиғидан кесилган. Учинчи марта ҳам ўғрилик қилса, то тавба қилгунча ҳибсда сақланган[2]. Ўғирланган нарса йўқотилмаган бўлса, эгасига қайтарилади, агар йўқолган бўлса, унинг қийматини ўғри тўламайди, чунки у жазосини олиб бўлган, деб ҳисобланган[3].

Шунингдек, кўпчилик ҳуқуқшунос олимлар, айниқса, ҳанафий мазҳабидаги ҳуқуқшунослар ўғрилик учун бундай қаттиқ жазо (қўл кесиш) фақаттина маълум ёшга тўлган ва ақли расо, озод шахсларга нисбатан қўлланилади деса, шофиъий ва ҳанбалий мазҳабидаги уламолар эса қуллар, вояга етмаганлар ва ақли норасоларга нисбатан ҳам қўл кесиш жазоси қўлланиши лозим деб ҳисоблаганлар[4]. Шариат қоидаларига кўра, ўғрилик ва босқинчилик йўли билан фуқароларнинг мулкини эгаллаш ниҳоятда қаттиқ гуноҳ, ўта оғир жиноят ҳисобланган.

Юқорида зикр этганимиздек, шариатда ўғрилик ёки босқинчилик йўли билан бировнинг мулкини эгаллаш

---

[1] **Бурҳониддин Марғиноний**. Ҳидоя. 1-жилд, ҳижрий 1302, 520–525-бетлар.

[2] Ўша асар, 524-бет.

[3] Мухтасар, 294-бет.

[4] **Бурҳониддин Марғиноний**. Ҳидоя. 1-жилд, ҳижрий 1302, 517-бет.

маълум нисоб, миқдорга етган бўлса, тан жазоси қўллаш жорий қилинган. Нисоб, миқдор эса вақт, шароит, кишиларнинг моддий таъминланганлигини эътиборга олган ҳолда белгиланган. Чунончи, илмий манбаларда қайд этилишича, Саудия Арабистонида тўрт йил давомида (1972—76 йиллар) фақатгина битта шу турдаги жазо ҳукми ижро этилган[1].

Таъкидлаш лозимки, суннийликнинг тўртта мазҳабларидаги ҳуқуқшуносларнинг нисоб, яъни ўғрилик учун қўл кесиш жазоси белгилашда асос бўлган миқдорни аниқлашдаги фикрлари турлича. Мисол учун, имом Шофиъий нисобни бир динорнинг тўртдан бир миқдорида белгиланади, десалар, Имом Молик эса уч дирҳам белгиланади, деб ҳисоблаганлар. Бир динор — ўн дирҳамга тенг. Абу Ҳанифа уни ўн дирҳам деб белгилаганлар.

Шариатга оид манбаларда ёзилишича, қароқчилар мусулмон ёки зиммийнинг молини олган бўлса, уларнинг ўнг қўллари билан чап оёқлари кесилган. Агар молларини олмасдан, уларни ўлдирган бўлса, ҳамма айбдорларга ўлим жазоси берилади. Бунда мол эгалари кечириб ҳам ҳад ижро этилаверган. Шунингдек, қароқчилар молларини олиб, эгаларини қатл этишган бўлса, уларга жами жиноятлар учун жазо: қўл-оёқларини кесиб, осиб ўлдириш қўлланган. Имом Муҳаммад аш-Шайбоний бу фикрга бир оз қарши бўлиб, «кесув йўқ, осиш ва қатл этиш бор»[2], дейдилар.

Жиноят иштирокчиларидан бири мулкдорни ўлдирган бўлса-да, иштирокчи қароқчиларнинг барчасига бир хил ўлим жазоси қўлланилган.

Агар айбдорлар молни олмасдан туриб, шахсга тан жароҳати етказган бўлса, уларнинг барчасидан етказилган тан жароҳати даражасида қасос олинган. Борди-ю жиноятчилар мол-мулкни олиб, сўнг шахсга

---

[1] **А. Р. Сюкияйнен, В. А. Лихачёв**. Мусульманское деликатное право и уголовное законодательство стран Зарубежного Востока. «Мусульманское право» М., ИГП АН СССР, 1984, 97-бет.

[2] **Бурҳониддин Марғиноний**. Ҳидоя. 1-жилд, ҳижрий 1302, 535-бет.

жароҳат етказган бўлса, уларнинг қўл-оёқлари кесилган. Агар қароқчилар ичида вояга етмаган, ақли нораса ёки маҳрами (аёл) бўлса, уларнинг ҳаммаси ҳад жазосидан озод қилинган. Аммо Абу Юсуф ақли нораса, вояга етмаган, аёлдан ташқари бошқа шахслар томонидан жиноят содир этилган бўлса, ҳад бор деб ҳисоблаган. Бунда санаб ўтилган уч тоифадаги кишилар ҳад жазоси қўлланиши лозим бўлган бу жиноятнинг субъекти бўла олмайди, деб ҳисобланган[1].

Мусулмон шахс динидан қайтса, унга исломга қайтиш таклиф қилинган. Бу шахснинг ислом динидан чиқишга сабаблари аниқланиб, унга исломга қайтиш таклиф этилган[2]. Гумон қилинувчи уч кун қамоқда сақланган. Сўнг уни сўроқ қилганда тавба қилиб, ислом динига қайтса, хўб (жазоланмаган), акс ҳолда, ҳаднинг ўлим тури белгиланган[3].

Мусулмонлардан бир гуруҳи ўз подшосига бўйсунмай, унга қарши хуруж қилса, подшоҳ аввало яхшилик билан уларни бу ишдан қайтишга чақирган. Музокара ўтказиб, тушунмовчилик бўлса, бартараф этган. Борди-ю улар музокара қилмай уруш бошлаб юборса, подшоҳ ҳам уларга қарши қуролли жанг қилиб, асирга олинганларга ўлим жазосининг қўлланиши ҳанафий мазҳаби таълимотида акс этган[4]. Демак, шариатда давлат бошлиғини тахтдан ағдаришга қаратилган ғалаён ва фитнани ёвузлик, жамоат ўртасида зиддият туғдирувчи ва ҳокимиятга итоат қилмасликка сабаб бўлувчи ўта оғир жиноят[5] деб, унга ўлим жазоси қўлланилган.

Шуни қайд этиш жоизки, шариатда ҳад туридаги жазоларни (ўлим, қўл кесиш ёки дарра уриш) қўллашда қозилар ўта эҳтиёткорлик билан ёндашган. Манбаларнинг

---

[1] **Бурҳониддин Марғиноний**. Ҳидоя. 1-жилд, ҳижрий 1302, 536–538-бетлар.

[2] Мухтасар. 301-бет.

[3] Ўша асар, 590-бет.

[4] **Бурҳониддин Марғиноний**. Ҳидоя. 1-жилд, ҳижрий 1302, 303-бет.

[5] **А. Қодиров**. Яна жазо ҳақида. «Қонун номи билан». Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ахборотномаси. Т., 1995, 1–2-сонлари, 63-бет.

гувоҳлик беришига қараганда ҳад жазоси назарда тутилган жиноятлар билан боғлиқ ишларни кўришда бирор-бир шубҳали ҳолатлар маълум бўлганда ҳад ўрнида бошқа енгилроқ жазо, яъни таъсир туридаги жазолар қўлланилган (жарима, қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш ва бошқалар). Бундай ёндашув қозилик амалиётида ҳам инсонпарварлик принципи эътибордан четда қолмаганидан дарак беради. Инсон шахсини камситувчи, жисмоний азоб берувчи ўлим, қўл кесиш ёки дарра уриш каби ҳад жазолари дунёвий тараққиёт йўлини танлаган мамлакатимиз қонунларида учрамайди, мазкур жазолардан воз кечилган. Мазкур тадқиқотда ўтмишда қозилик амалиётида қўлланилган ҳад туридаги жиноий жазолар тарихий-ҳуқуқий жиҳатдангина таҳлил этилди.

5.3. Жазонинг қасос ва товон турлари

Мусулмон ҳуқуқининг барча тадқиқотчилари қасос ва товон (дия) каби жазо турлари одам ўлдириш (қасддан ва эҳтиётсизликдан) ва турли даражада тан жароҳатлари (бунда қасд ҳамда эҳтиётсизлик шакллари кўзда тутилган) етказиш каби жиноятларга нисбатан қўлланилади деб ҳисоблайди. Шариатда бу «жиноятга тенг жазо» тамойили, деб ҳам юритилади. Қуръони каримда «ҳар қандай ёмонликнинг жазоси худди ўзига ўхшаган ёмонликдир, яъни ҳар бир ёмонликнинг ўзига яраша жазоси бордир»[1], «Эй мўминлар, агар сизлар ўзингизга етказилган бирон зиён — заҳмат учун интиқом олмоқчи бўлсангизлар, у ҳолда фақат сизларга етказилган зиён баробаринда олингиз»[2], дея қайд этилган.

Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)нинг «Қасддан ўлдириш учун — ўч, қасос»[3], деган сўзлари ҳадислардан бирида ёзилган.

---

[1] Қуръони карим. Т., «Чўлпон», 1992, 361-бет.

[2] Ўша асар, 194-бет.

[3] **Ал-Бухорий**. Ҳадис. 4-жилд, «Қомуслар Бош муҳарририяти», 1992, 321-бет.

Шариатда қасос — ўч олишнинг аниқ рухсати кўрсатилган. Бу ҳуқуққа хилоф ва ижтимоий хавфли қилмишнинг оғир-енгиллигига қараб «тенг» жазо белгилаш демакдир.

Тарихдан маълумки, ислом дини вужудга келгунига қадар, араб қабилалари ва уларга яқин ҳудудларда яшаган бошқа қабила халқлари орасида ҳам қонли қасос олиш мавжуд бўлиб, бир қабиланинг аъзоси бошқа қабилага мансуб киши томонидан ўлдирилганда, марҳумнинг яқин қариндош-уруғлари, қабиладошлари қасос олиш мақсадида нафақат жиноятчини, балки бегуноҳ кўпдан-кўп қариндошларини ҳам ўлдирганлар. Исломда жазонинг қасос турини жиноятчининг ўзига нисбатан қўллаш тамойили жорий этилган. Демак, қасос жазоси исломга ундан илгари ўтган авлодлардан мерос сифатида кириб келган. Шу билан бир қаторда, шариатнинг илк ривожланиш босқичида қонли қасос билан бирга, жабрланувчининг яқин кишилари розилиги билан товон, яъни қон ҳақи тўлашга ўтиш ҳам жорий этилгани унинг ижобий жиҳати. Масалан, Қуръони каримдаги «Бақара» сурасининг 178-оятида «Эй мўминлар, ўлдирилган кишилар учун: озод киши муқобилига озод кишидан, қул учун қулдан, аёл киши учун аёлдан қасос олиш фарз қилинади. Энди ким биродари томонидан бир оз афв қилинса, яъни қотилдан қасос олиш ўрнига товон олишга рози бўлса, у ҳолда яхшилик билан бўйсуниш ва чиройли суратда товон тўлаш лозимдир»[1], деб кўрсатилган.

Америкалик олим шайх Муҳаммад Шолга «Христиан дини исломдан кўра раҳмдилроқ эмасми, унинг таълимотларида «Ким сенинг ўнг юзингга тарсаки туширса, чап юзингни ҳам тутиб бер», дейилган ҳолда, исломда «Аввало қасос олишга, сўнг афв қилишга чақиради», деган саволлар билан мурожаат қилишганда, у шундай деб жавоб берган экан: «Ислом чақириғи ҳақиқий инсон қалбининг чақириғидир. Балки бу масалада ислом

[1] Қуръони карим. Т., «Чўлпон», 1992, 21-бет.

христианликдан кўра раҳмдилроқ, десам муболаға бўлмайди. Чунки ёмонликка дучор бўлган кишига қасос олиш ҳуқуқи берилса, унинг қалби тинчланади. У ҳақ юзасидан бир ишни қилишга рухсат олади, сўнгра шу ҳақ эгасини қасос олишдан кўра афв қилиш яхши, деган фикрга кўндирилса, албатта, у афв қилади. Ҳеч шубҳа йўқки, инсон қасос олишига имкони бўла туриб, афв қилса, бу раҳмат ва иззатдан келиб чиққан афв бўлади. Аммо биз уни аввал бошдан афв қилишга чақирсак ва қасос олиш ҳуқуқини бермасак (христианларга ўхшаб), у бунга кўнган тақдирда ҳам бари бир ёмон кўриб кўнади, чунки бу ноиложликдан афв қилишдир».

Шариатда тан жароҳати етказиш жинояти учун Қуръони каримда кўрсатилганидек, «жонга-жон, кўзга-кўз, бурунга-бурун, қулоққа-қулоқ, тишга-тиш» тамойилига риоя қилинган ҳолда жазолаш билан бир қаторда, «Кимки афв этибдур, бул унинг учун каффоратдур ва Оллоҳ таоло нозил қилган ҳукмга мувофиқ ҳукм қилмаганлар золимлардур»[1], деган қоидага ҳам амал қилинган.

Мусулмон жиноят ҳуқуқи назариясида қотилликнинг қасддан (атайлаб) ўлдириш шаклини тавсифловчи қатор белгиларига қараб, уни ўта оғир жиноят, деб ҳисоблаган ҳолда, бундай жиноятни содир этган айбдорларга фақатгина тенг жазо — қасос қўлланилади. Ҳозирда ҳам бир қатор ислом давлатларида бу борада фақат ўлим жазоси қўлланилмоқда. «Оғир қасддан одам ўлдириш, уюшган жиноятчилик гуркираб ўсаётган, жиноят содир этишни касбга айлантирган, кишилик жамиятининг хавфсизлиги ва тинчлигига қарши жиноят содир этиш хавфи мавжуд бўлган жамиятда ўлим жазосидан кечмаслик керак, — деб таъкидлаган эди машҳур ҳуқуқшунос олим И.И.Карпец. — Тан олиш керак, ўлим жазоси қайта тарбиялаш эмас, балки жазо воситасидир»[2].

---

[1] Қуръони карим. Т., «Чўлпон», 1992, 78-бет.

[2] **И. И. Карпец.** Польза или зло? В книге «Смертная казнь». За и против. М., «Юрид.лит»., 1989, 361-бет.

Шариатда бир нечта жиноятчилар, яъни иштирокчиликнинг шаклидан қатъи назар, бир шахсни қасддан ўлдирганда, уларнинг ҳаммасига бир хил жазо — қасос қўлланилган. Шунингдек, бир киши бир неча кишини қасддан ўлдирганда эса уларнинг барчаси учун жиноятчига ўлим жазоси белгиланган[1].

Ёш болани (сабий) вояга етган (болиғ) киши, хотинни эркак киши, қулни озод киши, девонани соғ киши, кўрни кўзи очиқ киши, хаста (қўли ё оёғи кесик)ни соғлом киши, кофирни мусулмон киши ўлдирса, бу қасосда эътиборга олинмайди, яъни жиноятчидан (ўлдирувчи) қасос олинган, яъни ўлимга маҳкум этилган[2]. Имом Шофиъий эса қул учун ҳурдан қасос олинмайди[3], деб Ҳанафийга қарши фикр билдирган.

Абу Ҳанифанинг балоғат ёшидаги ва норасида инсонни сувга ғарқ қилдирган шахсдан қасос олинмайди, деган фикрига қарши Абу Юсуф ва Муҳаммад аш-Шайбоний «қасос олинади» деган бўлсалар, имом Шофиъий эса «Айбдор ҳам сувга чўктирилади» деган фикрни баён қилган[4].

Биров томонидан қасддан жароҳатлангандан кейин жабрланувчи ўриндиқда ётиб ўлса ҳам қасос олинган. Мусулмонларнинг бошига қилич кўтарган одам ўлимга ҳукм этилган. Шаҳарда бир одам бир кишига қурол ўқталиб, сўнг бошқа нарса билан урса, кейин бошқа одам келиб ўлдирса, шу ўлдиргандан қасос олинади. Тунда уйига ўғри кириб, нарсасини олиб чиқиб кетаётганида орқасидан қувиб бориб ўлдирган шахсга жазо йўқ[5], дейилади «Ҳидоя»да.

Жондан бошқа аъзоларга зарар етказган ҳолда қасос олиш, яъни айбланувчига ҳам худди шундай жароҳат етказилган, агар ўхшаш жароҳат етказиш мумкин бўлмаса,

---

[1] **И. И. Карпец.** Польза или зло? В книге «Смертная казнь». За и против. М., «Юрид.лит»., 1989, 361-бет.

[2] Ўша асар, 360-бет.

[3] Мухтасар, 305-бет.

[4] **Бурҳониддин Марғиноний**. Ҳидоя. 2-жилд, 629-бет (араб тилида).

[5] **Бурҳониддин Марғиноний**. Ҳидоя. 2-жилд, 625-бет (араб тилида).

масалан, қўлини, оёғини бўғинидан кесиш, қулоғининг тагидан кесиш, кўзини томири билан ўйиб олишга ўхшаш жароҳат етказишнинг имкони бўлмаса, товон тўланган[1]. Худди шу каби тишдан бошқа суякларни синдириб жароҳатлаганда ҳам қасос эмас[2], кўп миқдорда товон тўланган.

Шариатда қуйидаги ҳолатларда ҳам тан жароҳати етказилганида тенг жазо — талион қўлланилмаслиги кўрсатилган: озод киши билан қул ҳамда икки қул бир-бирига танасининг муҳим бир аъзосига жароҳат етказганда талион қўлланилмаган, чунки озод шахс билан қул орасида баробарлик йўқ, шунингдек, қуллар орасида ҳам уларнинг баҳоси тенг эмаслиги назарда тутилган. Бошни мияга қадар кесиш, қоринни ичакларигача кесиб, жароҳат етказган ҳолатда, шунингдек, тилни ва закарни кесганда, эр ўз хотинининг қўлини синдирганда қасос олинмаган. Аммо айбдор бу ҳолатларда товон ҳақи тўлаши шарт ҳисобланган.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, инсоният тарихий тараққиётининг маълум бир даврларига келиб, шариатда ҳам одам ўлдириш ва тан жароҳати етказиш жиноятлари учун белгиланган қасос жазоси жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг шаклига қараб фарқланган ҳолда жазо қўлланилиши билан бирга, товондан кенг фойдаланиш жорий қилинган.

Товон — дийиат — ўлдирилган кишининг ворисларига, тан жароҳати етказилганда эса жабрланувчига айбдор томонидан тўланадиган ҳақдир. Шариатда хун ҳақи: 100 бош қорамол ёки 1000 динор (1динор — 4,235 граммлик олтин танга), 10000 дирҳам (1 дирҳам — 3,13 грамм кумуш танга) ёки 2000 бош қўй, ёинки 200 дона мато (бир мато бир одамга кийим-бош тикишга етадиган ўлчамда) ёки 200 бош қорамол белгиланган. Бундай товон ҳақи миқдорини белгилашда Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) одам

---

[1] Мухтасар. 307-бет.
[2] Ўша асар, 636-бет.

ўлдирган айбдорнинг мол-мулки ҳисобидан: туяси борларга — 100 бош туя, қорамол эгасига — 200 бош қорамол, қўйи борларга — 2000 бош қўй тўлаш мажбуриятини юклаганлар. Халифа Умар эса олтини бор айбдорларга — 1000 динор, кумуши бор кишига — 10000 дирҳамдан, туяси борларга — 100 бош туя, қорамол эгасига — 200 бош қорамол, қўйи бор кишига — 2000 бош қўй, матоси борларга эса — 200 дона матодан товон ҳақи тўлашни белгилаганлар. Бундан ташқари, халифалар Умар ва Усмон одам ўлдирганда тўланадиган товон ҳақини пул ҳисобида ёки имконияти бор бўлса, туя билан тўлашга ҳам рухсат берган[1].

Қасддан одам ўлдирилганда оғир товон (дийиат) — бунда турли ёшдаги туялардан йигирма бешгадан қилиб, тўрт улуш, яъни бир ёшга тўлган урғочи туя, иккинчиси — икки ёшли она туя, учинчиси — уч ёшга тўлган она туя, тўртинчиси — тўрт ёшга тўлган она туя тўланган. Оғир дейишга сабаб, туяларнинг сонини эмас, балки бу ёшдаги туяларни бирма-бир топиш амримаҳол бўлган.

Билмасдан (янглиш) ўлдирганда ҳам товон ҳақи юз дона туя, аммо ёшига қараб беш улуш: бир, икки, уч, тўрт ёшли она туядан йигирма бош, бир ёшга тўлган эркак туядан — йигирма бош берилиши шарт ҳисобланган.

Қасдга ўхшаш ва беқасд (билмасдан) ўлдиришнинг каффорати — бир мўмин қулни озод этишдир. Агар бу чорадан ожиз бўлса, икки ой мунтазам рўза тутган ёки 60 кишининг қорнини тўйғазиши шарт ҳисобланган. Агар товон ҳақи тўлаши лозим бўлса, у мерос ҳуқуқидан ҳам маҳрум бўлган[2].

Аёллар жиноят содир этганида, улардан эркаклардан олинадиган товон ҳақининг ярми олинган. Шариатда аёлларнинг иқтисодий аҳволини ҳисобга олган ҳолда уларга нисбатан товонни қўллашда бир оз енгиллик берилган.

---

[1] **Абу Йусуф Йаъкуб**. Китаб-ал-Харадж: Хрестоматия по исламу. Перевод с арабского, введения и примечания. М., «Наука», 1994, 175-бет.

[2] **Бурҳониддин Марғиноний**. Ҳидоя. 1-жилд, 506-бет (араб тилида).

Шунингдек, шариатда шахсга етказилган жароҳатнинг оғир-енгиллигига қараб бир неча турдаги товон тўлаш белгиланган. Масалан, бадандаги жуфт аъзоларнинг ҳар иккаласига зарар етказилса тўлиқ товон, биттаси зарар кўрса ярим товон, бурунга, жинсий аъзога, ақлга, бешта ҳиссиётнинг биттасига, тилга зарар етказилса, соқол ёки соч буткул чиқмайдиган қилиб олиб ташланган бўлса, бармоқларнинг барчасига зарар етказилганда ҳам товон белгиланган.

Ҳар бир бармоқ учун товоннинг ўндан бири, тиш учун товоннинг ўндан бирининг ярми, билмасдан бош ёрса тўлиқ жон товонининг ўндан бирининг ярми, қасддан уриб суягини синдирса тўлиқ товоннинг ўндан бири, эҳтиётсизликдан уриб, бош суягини бежо этса, товоннинг ўндан бирининг ярми, бошнинг ёрилиши мияни ўраб турган пардагача етган тақдирида ҳамда миянинг ўзига етганда тўлиқ товоннинг учдан бири, бошни ёрган пайтида мияга ўтиб бошнинг икки тарафидан тешиб чиққанда товоннинг учдан икки улуши тўланган[1].

Вояга етмаган ўсмирлар ҳамда ақли норасо шахслар қасддан тан жароҳати етказганда, уларга қасос қўлланилмаса-да, уларнинг ота-онаси ёки қариндошлари жабрланувчига товон тўлаган.

Шунингдек, ҳомиладор аёлга қасддан тан жароҳати — унинг соғлиғи, ҳаёти ва ҳомиласига у ёки бу даражада зарар етказилганида ҳам товон ҳақи жорий этилганига алоҳида эътибор берилгани ҳам диққатга сазовордир. Жумладан, айбдор қасддан аёл кишининг қорнига тепса ёки урса ва шу сабабли ҳомиласи ўлик тушса — беш юз дирҳам, агар жиноий қилмиш оқибатида тирик бола туғилиб, бир оздан сўнг ўлса — айбдордан ўн минг дирҳам, шундай жиноий ҳаракат оқибатида дастлаб ўлик бола тушса, кейин аёлнинг ўзи ҳам ўлса — беш юз дирҳам бола товони, беш минг дирҳам онасининг товони, ҳомиладор аёлнинг қорнига урилгач ўлса, ўлгандан сўнг

[1] Мухтасар. 310—311-бетлар.

ўлик бола тушса, фақат она товони беш минг дирҳам, ниҳоят шундай ҳолда аёл ўлса, сўнгра боласи тирик туғилиб, у ҳам ўлса — иккаласи учун ҳам товон тўлаши зарур[1], деб ҳисобланган.

Бу ҳол амалдаги Ўзбекистон Жиноят кодексининг 104-моддаси ва 105-моддаларининг 2-қисми «а» ва «б» бандларида кўрсатилган жиноий жавобгарликка ўхшаб кетади.

Шариатда товон ҳақи тўлаш каби жазо туридан фойдаланиш бу асосан айбдорнинг жиноий қилмишидан жабрланган шахсга айбдор томонидан етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлиқ миқдорда ундиришга хизмат қилади. «Ҳидоя»да товон ҳақи жазо сифатида қўлланилгандан сўнг уни айбдор уч йил мобайнида тўлаши мумкин, деб кўрсатилган[2].

Ҳозирги кунда ҳам жазонинг товон ҳақи туридан шариат қонун-қоидалари ҳукмрон бўлган Саудия Арабистони, Уммон, Яман Халқ Демократик Республикаси ва бошқа давлатларнинг жиноят қонунида бошқа жазо турлари каби самарали фойдаланиб келинмоқда. Унинг миқдори давлат томонидан белгиланади. Мисол учун, Саудия Арабистонида товон ҳақи 45 минг реал, Яман Араб Республикасида эса 60 минг реал қилиб белгиланган[3].

Бу жазонинг самарадорлиги тўғрисида В.А.Лихачёв шундай деб ёзади: «Жабрланувчига етказилган зарарни ундиришни кўзда тутувчи бу санкция жиноят қонуни ва уни амалга оширувчи суднинг обрўсини албатта оширади. Шунинг учун ҳам ҳозир миллий ва халқаро даражада товон жазосидан қўшимча ёки асосий жиноий жазо сифатида тобора кенгроқ фойдаланишга даъват қилинмоқда»[4].

---

[1] **Бурҳониддин Марғиноний**. Ҳидоя. 1-жилд, 506-бет (араб тилида).

[2] Мухтасар. 310—311-бетлар.

[3] **Л. Р. Сюкияйнен, В.А. Лихачёв.** Мусульманское деликатное право и уголовное законодательство стран Зарубежного Востока. «Мусульманское право», М., ИГП АН СССР, 1984, 97-бет.

[4] **В. А. Лихачёв**. Уголовное право в освободившихся странах. М., «Наука», 1988, 101-бет.

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизими соҳасида ўтказилаётган ислоҳотларнинг асосини инсонпарварлик тамойиллари ташкил этмоқда. Бунга жиноий жазоларнинг либераллаштирилгани ҳам ёрқин мисолдир. Таъкидлаш лозимки, либераллаштириш муносабати билан Жиноят кодексидаги жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетгани, қилмиш ёки шахснинг ижтимоий хавфлилиги йўқолгани, айбдор ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлгани, касаллик ва амнистия туфайли шахсни жавобгарликдан озод қилиш турларига янги ярашганлик муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институти қўшилди.

Дунёнинг ривожланган давлатлари суд амалиётида тўлиқ синовдан ўтган, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятида инсонпарварлик ҳамда адолат тамойилларига батамом мос келадиган ярашув институти миллий қонунчилигимиз учун мутлақо янгилик эмас. Чунки жиноят содир этган шахс билан жабрланувчининг ўзаро келишуви халқимиз тарихида кенг қўлланилган. Бунда жиноят содир этган шахс жабрдийдага товон тўлагани учун жабр кўрган тараф уни кечириб, қозидан (суд) айбдорни жазодан озод қилишни талаб қилишга ҳақли бўлган. Аммо, суд амалиётида ярашув институти шариатдаги товон тўлашдан фарқ қилади.

Мазмун-моҳияти жиҳатидан миллий давлатчилигимизнинг бугунги ривожида муҳим ўрин эгаллаган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил август ойида қабул қилинган ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги Фармони Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия кодекслари ҳамда қатор қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қонунларни қабул қилиш учун асос бўлди.

Шунинг учун 2007 йилнинг 29 июнида Олий Мажлис Сенати томонидан маъқулланган «Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Унга асосан 2008

йил 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ЖКдаги жазо тизимидан ўлим жазоси бекор қилиниб, унинг ўрнига жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда терроризм жиноятини содир этишда айбдор деб топилган шахсларга нисбатан узоқ муддатли ва умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси жорий этилди.

5.4. Таъзир жазо турлари

Мусулмон ҳуқуқининг барча даврларидаги таниқли ҳуқуқшунос олимлари белгиланиши лозим бўлган жазо мезонини ҳисобга олган ҳолда шариатдаги жиноятларни уч гуруҳга бўлиб, илмий-назарий жиҳатдан чуқур талқин қилганлар. Мазкур жиноятларнинг учинчи гуруҳига киритилган бир қатор жиноятларга нисбатан таъзир жазо турларидан фойдаланиш назарда тутилган.

Таъзир тоифасидаги жазоларнинг турли хиллиги ҳақида мусулмон ҳуқуқи тадқиқотчилари турлича фикрлар билдиришган. Улар бундай жазоларнинг мавжуд кўринишларини тўртдан ўн биргача санаб кўрсатадилар. Шу билан бирга, бу жазолар орасидаги бир неча ўзига хос санкциялар ҳам кўрсатилган бўлиб, оғзаки огоҳлантириш ҳам шулар жумласидандир. Бу жазо ёлғон гувоҳлик берувчиларга нисбатан қўлланилган. Шунчаки лом-мим демай, сўзсиз ҳукм қилиш — «байкот» ёхуд айбдордан маълум муддатгача бирор-бир жойга кетишни талаб қилиш, жиноятчининг сочини (соқолини эмас) қириб олиш орқали ҳақоратлаш, юзиға қора суртиш ёки айбдорларни шаҳар кўчалари бўйлаб ярим яланғоч кўринишда айлантириш, яъни сазойи қилиш, ҳаётдан маҳрум этмай, лекин овқатланишни тақиқлаб, уч кунгача устунга боғлаб қўйиш каби жазолар қўлланилган[1].

---

[1] **Л. Р. Сюкияйнен, В. А. Лихачёв.** Мусульманское деликатное право и уголовное законодательство стран Зарубежного Востока. «Мусульманское право», М., ИГП АН СССР, 1984, 97-бет.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) замонларида махсус қамоқхона бўлмаган. Ўрганилган манбаларда қайд қилинишича, озодликдан маҳрум этилган айбдорлар ўз уйларида ёки масжидларда, у ерни тарк этмаслик шарти билан сақланган.

Ҳадисларда келтирилган мисоллардан бирида баён этилишича, уч киши мусулмонлар жамоасидан четда қолиб гуноҳ иш — жиноят содир қилади. Шунда пайғамбаримиз «учовларига гапирилмайди», деб қўядилар. Сўнг бутун жамоа, ҳатто уларнинг оила аъзолари, қариндош-уруғлари ҳам улардан юз ўгиради, ҳеч ким улардан аҳвол сўрамайди, гаплашмайди. Натижада улар қаттиқ изтироб чекади ва Оллоҳга ёлвориб, тавба қилади. Шундан сўнггина уларга илгаригидек муносабат қайта тикланади. Бу жамоат иззаси жазосидир.

Шариат қонунлари бўйича қўлланилган бундай жазо турининг самарали таъсирини ҳисобга олган ҳолда ва миллий қадриятларимизнинг ижобий тарафларини ҳаётимизга татбиқ этишни таъминлаш учун амалдаги кодексимизга қуйидаги жазо турини киритишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: «Жамоат иззаси. Айбдор ўз қилмишидан қаттиқ пушаймон бўлиб, қилган айбини тан олган ҳолда жамоа олдида тавба қилиб, узр сўрагандагина, унга нисбатан суд ҳукми билан жамоат иззаси қўлланиши мумкин. Ҳукм судланувчининг ишлаб турган ёки яшаш жойларидаги жамоа олдида ўқиб эшиттирилади, зарур ҳолларда бу ҳақда оммавий ахборот воситалари орқали ёхуд бошқа йўллар билан кенг жамоатчиликка билдирилади».

Ваҳоланки, 1995 йил апрелигача амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида юқоридаги жазо тури мавжуд бўлган бўлса-да, у «Жамоат иззаси айбдорга суд томонидан халқ орасида изза беришдир», деб умумий тарзда ифодаланган эди, холос. Шу сабабли ҳам бу жазо турини қўллаш ҳақида чиқарилган суд

ҳукмларини ижро этиш йўлга қўйилмаган эди. Қонундаги бу жазонинг ҳаётга тўлиқ татбиқ этилмаганлиги ундан воз кечишга олиб келди.

Шариатдаги жамоат иззаси ва бошқа қатор таъзир жазо турларидан, албатта, ижобий натижа берадиганларини танлаб олиб, амалдаги Жиноят кодексидаги озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни кўпайтиришда фойдаланиш мумкин, деб ҳисоблаймиз. Бу икки жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлади, биринчидан, мазкур жазолар ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларни содир этганларга нисбатан қўллашда қўл келади. Иккинчидан эса аксарияти мусулмон бўлган халқимиз ўта ориятли ва ўз қадр-қимматини ҳар қандай тазйиқлардан сақлашга интилувчи, Оллоҳ олдида гуноҳ қилмасликка ҳаракат қилувчи аҳли мўминлар жумласидан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам жамоа олдида изза қилинишнинг ўзи улар учун катта таъсирчан жазо деб саналишини эътиборга олмоқ лозим.

Дарҳақиқат, Президентимиз Ислом Каримов: «Миллий анъаналаримиз руҳида тарбияланган кўпгина фуқароларимизга содир этган жинояти учун сўроқ ёки тергов ишлари бошланишининг ўзиёқ тегишли хулоса чиқариб олиш ва қонунни бошқа бузмаслик учун кўп ҳолларда кифоя бўлади»[1], деб таъкидлаган эди.

Шариатда бошқа жазолар каби таъзирни қўллаш учун ҳам жиноятчи — гуноҳкор ўз айбига иқрор бўлиши ёки содир этилган жиноятнинг гувоҳлар кўрсатмалари асосида исботланиши лозим бўлади. Аммо таъзир жазо турлари ҳад ёки қасос тоифасидаги жазолардан кескин фарқ қилиб, уни ақли расо бўлган ҳар қандай шахсга, шу билан бирга вояга етмаганларга нисбатан ҳам, «шубҳали» деб ҳисобланувчи ҳар қандай ножўя хатти—ҳаракатни содир

---

[1] **И. Каримов.** Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-том. Т., «Ўзбекистон», 2002 й., 36—37-бетлар.

этган шахсларга, жумладан, жиноят содир этишга суиқасд қилинганда ҳам қўлланиши мумкин[1] бўлган.

Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» асарида ўтин, хашак, қамиш, кесак, оҳак, сут, гўшт ёки пишган мева, қовун каби тез бузиладиган нарсаларни, ўрилмаган экинларни, сархуш қиладиган шаробларни, ўйин қуроллари, олтин-кумушдан ясалган бутларни, шахматларда, қумни, қоғоз, ит-қоплонни, марҳум қариндошининг уйидаги нарсасини, хотин ўз эрининг молини, қул ўз хўжаси ва унинг хотинининг молини улар уйидан, меҳмон мезбон молини меҳмонлигида, ўлжа олинган молдан, киришга рухсат берилган жойдан ҳамда ҳаммомдан ва бошқа қатор ҳолларда ўғирланганда қўл кесилмайди[2], деб кўрсатилган. Бундай ҳолат шубҳали деб ҳисобланиб, таъзир қўлланган.

Булардан ташқари, таъзир жазоси турларининг яна бир хусусияти шундан иборатки, у муайян жиноятлар учун расмий жиҳатдан қатъий белгиланган санкциялар тизимини ўзида қамраб олмайди ва ҳуқуқ тартиботи идоралари ходимлари, айниқса, қозилар айбдорнинг шахси ҳамда у содир этган жиноий қилмишнинг характеридан келиб чиқиб, бериладиган жазонинг турини танлашлари лозим бўлади. «Ҳидоя»да ёзилишича, «Подшоҳ таъзир билан бирга ҳибсни ҳам раво кўрса, ўшани қўллай олади. Балки, у ҳибснинг ўзи билан ҳам чекланиши мумкин»[3]. «Мухтасар»да эса «Таъзир шарт бўлган кишини қози қамчилаб, ҳибсга солиши дуруст, гарчи ҳибс ҳам таъзир жумласидан бўлмаса-да»[4], деб шариатда бир жиноят учун таъзирнинг бир неча турини қўллаш мумкинлиги кўрсатилган.

---

[1] **Л. Р. Сюкияйнен, В. А. Лихачёв**. Мусульманское деликатное право и уголовное законодательство стран Зарубежного Востока. «Мусульманское право», М., ИГП АН СССР, 1984, 93-бет.[1] **И. Каримов.** Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-том. Т., «Ўзбекистон», 2002 й., 36 – 37-бетлар.

[2] **Бурҳониддин Марғиноний**. Ҳидоя. 1-жилд, 520-бет (араб тилида).

[3] **Бурҳоиддин Марғиноний**. Ҳидоя. 1-жилд, 516-бет (араб тилида).

[4] Мухтасар. 290-бет.

XIV асрда мамлакатимиз ҳудудини кезиб чиққан машҳур араб сайёҳи Ибн Баттутанинг ёзишича қараганда, «Хоразм шаҳрида кимки намози умумда иштирок этмаса, имом уларни жамоа ҳузурида жазолаган. Бунинг учун ҳар бир масжидда қамчин осиғлиқ турган. Ундан ташқари, бундайларга беш динор миқдорида жарима солинган (шариатда мусулмончиликка зид иш қилганлар бир от баҳосидан зиёда жарима тўлар эди). У масжид фойдасига ва камбағал-қашшоқларни боқиш учун сарфланган. Бу одат қадим замонлардан буён мавжуд экан»[1]. Ибн Баттута маълумотига кўра жарима бир от баҳосини, яъни 4 динорни ташкил этган.

Мусулмон жиноят ҳуқуқи бўйича айбдорнинг мол-мулкини мусодара қилиш, жарима солиш ва ҳаттоки мулкини йўқ қилиш (масалан, токзори нобуд қилинган) каби таъзир жазосининг хилма-хил турларидан ҳам кенг фойдаланилган. Аммо шафиъий, ҳанбалий ва моликий мазҳабидаги кўпчилик тадқиқотчилар бу турдаги санкциядан бошқача шаклда, яъни жиноятчи айбига иқрор бўлгунга қадар унинг барча мол-мулкини олиб қўйиш керак, деб ҳисоблайдилар. Яна баъзи бир олимлар эса қонунда кўрсатилган «Маълум муддатда жиноятчи иқрор бўлмаса, мулкини мусодара қилган маъқул», деган фикрни билдиради. Учинчи тоифа ҳуқуқшунос олимлар эса «Суднинг ҳукми билан айбдорнинг мулки қатъий тартибда хазина ихтиёрига ўтказилади», деган қарашни билдирса, ҳанафий мазҳабидагилар таъзирнинг бундай турини қўллашни умуман маъқулламайдилар[2].

Шунингдек, шариатнинг турли мазҳабларига мансуб тадқиқотчилар таъзир — тан жазосининг сонини белгилашда турлича нуқтаи назардан ёндашганликларини кўриш мумкин. Масалан, ҳанбалий мазҳаби бу жазони

---

[1] **И. Иброҳимов.** Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга сафҳати. Т., «Шарқ машъали» журналига илова, 1993, 58-бет.

[2] **Л. Р. Сюкияйнен, В. А. Лихачёв**. Мусульманское деликатное право и уголовное законодательство стран Зарубежного Востока. «Мусульманское право», М., ИГП АН СССР, 1984, 92-бет.

3 даррадан 10 даррагача уриш билан чегаралаш керак, чунки пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳам ҳаддан ташқари жиноятлар учун 10 даррадан кўп таъзир уришга йўл қўймаганлар, деб ҳисоблайди. Ҳанафий мазҳабидагилар эса таъзир ҳар қандай ҳолда ҳам ҳаддан кам санкция бўлиб, унинг «энг кўпи озод киши учун 39 дарра, қулларга 19 дарра бўлиши керак» деса, шафиъий мазҳабидаги олимлар бу жазо тури энг кўпи билан 19 дарра бўлиши керак, деб ҳисоблайдилар. Бир қатор ҳуқуқшунос олимлар ҳад жазосини қўллаш имконияти бўлмаган шубҳали ҳолларда таъзирнинг «энг кўп миқдори 100 дарра бўлиши керак, чунки жиноятчи томонидан содир этилган жиноий қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси юқори саналади, масалан, ўғрилик жиноятн учун қўл кесишга шубҳа пайдо бўлган ҳолат аниқланганда, таъзирнинг энг юқори миқдори 99 даррадан ташкил этган бўлиши керак», деб талқин қилади.

«Ҳидоя» асарида ёзилишича, Абу Ҳанифанинг «аёл ёки эркак билан бузуқ шаклда жинсий яқинлик қилиб, шаҳвоний нафсини қондирган кишига ҳам таъзир берилади» ва Имом Муҳаммад аш-Шайбонийнинг «бундай жиноятни содир этган одам ҳибсда сақланади, тавба қилсагина озод қилинади, йўқса ўлгунча ҳибсда», деган фикрларига Имом Шофиъий икки хил муносабат билдирган, яъни бир ривоятда иккисини ҳам ўлдириш керак, деган бўлса, бошқасида ҳад жазоси бериш керак[1], деб ҳисоблаган.

Яна шу асарда таъкидланишича, Абу Ҳанифа ўрталарида никоҳ мумкин бўлмайдиган маҳрамлардан бирини хотин қилиб олиб, жинсий яқинлик қилиб қўйса, ҳад урилмайди, балки 40 даррага етмайдиган миқдорда таъзир урилади, қулни, чўрини ёки кофирни «зинокор» деб ҳақорат қилса, таъзир берилади, омонат мол-мулк, нарсага хиёнат қилиб, еб юборган бўлса, зўрлик қилиб мулкни тортиб олса ёки мулкни кўрсатиб туриб ошкора олса ва давлат хазинасидан мулкни ўғирлаган айбдорнинг ҳам қўли кесилмайди. Бу жиноятлар учун таъзир қўлланилади, деб ёзилган.

---

[1] **Бурҳониддин Марғиноний.** Ҳидоя. 1-жилд, 496-бет (араб тилида).

Абу Ҳанифа бирор-бир кишининг ёлғон гувоҳлик бергани аниқланса, бозорларда сазойи қилиш керак десалар, Абу Юсуф билан Муҳаммад аш-Шайбоний оғритиб савалаб, ҳибсда сақлаш керак, дейдилар. Имом Шофиъий ҳам шу фикрда бўлган.

Моддий жиҳатдан хотинига, вояга етмаган (сабий) болаларига нафақа тўлашдан бош торттан шахсга нисбатан таъзир жазосининг ҳибсда сақлаш туридан фойдаланиш лозимлиги «Мухтасар» асарида ўз аксини топган.

Шофиъий таъзир таъсирида жазоланувчи ўлиб қолса, унинг товони ҳеч кимга тушмайди, деган фикрга қарши чиқиб, унинг товони давлат зиммасига тушади, деб ҳисоблайди.

Мусулмон ҳуқуқшунослари таъзир жазосини қўллаш кўзда тутилган жиноятлардан баъзиларини жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этган айбдорга нисбатан ўлим жазоси қўлланиши лозим, деб турлича фикр билдирганлар. Жумладан, моликий мазҳабидагилар уруш ҳолатида бўлган душман фойдасига жосуслик қилган кишига ўлим жазоси қўллашни талаб қиладилар. Шофиъий ва Ҳанбалий Қуръон ҳамда суннатларда акс эттирилган мусулмончилик қонун-қоидаларини рад этишга чақирувчи, шунингдек, сеҳр-жоду билан шуғулланувчи шахсларга, ислом динига эътиқод қилувчи кишиларнинг «умумий манфаат»ларига қарши қилмиш содир этилганда, яъни жамиятнинг умумий манфаатига зарар етказилганда ҳам шундай жазони қўллашни маъқуллаганлар. Ҳанафий мазҳабидагилар эса юқорида қайд этилган жиноятларга нисбатан ўлим жазоси қўлланишига қарши чиқсалар-да, аммо бир неча жиноятларни содир этган ва бошқа жазо чораси таъсирида умуман тузалмайдиган ўта хавфли (рецидивист) жиноятчиларга нисбатан ўлим жазоси қўллаш лозим, деб ҳисоблайдилар. Ал-Маварда ҳам подшоҳ мусулмонлар манфаатига жавоб бера олса, рецидивист-жиноятчиларга нисбатан умрбод қамоқда сақлаш ва ҳаттоки ўлим

жазосини қўллашга ҳақлидир[1], деган фикрнинг тарафдори бўлган.

Мусулмон жиноят ҳуқуқи назарияси алоҳида ҳолларда таъзир тоифасидаги қонунбузарлик учун жазодан озод этишга йўл қўяди. Мисол учун айтсак, айбдор тавба қилган тақдирда, бу жазо тури шак-шубҳасиз бекор қилинади. Бундан ташқари, агар ножўя қилмиш кимнингдир шахсий ҳуқуқига дахлдор бўлса, жабрланувчининг талаби бўйича таъзир жазоси қўлланилади ва жабрланувчи айбдорни кечирса, у жазоланмайди. Аммо шунга қарамасдан, ҳукмдор жамиятдаги умумий манфаатлардан келиб чиқиб, жиноятчини жазога тортиш мумкин бўлган. Шу билан бир вақтда кўпчилик ҳуқуқшунос олимларнинг фикрига кўра, шахснинг жиноий қилмиши Оллоҳга ширк келтиришдан иборат бўлса, жумладан, диний мажбуриятларни бажармаслик, ғайриқонуний йўллар билан давлат маблағи, мулкини ўзлаштириш ёки жамоат хавфсизлиги, тинчлигига таҳдид солувчи жиноятлар такроран содир этилса, афв этиш ёки гуноҳидан ўтишга йўл қўйилмайди. Чунки бунда муайян шахснинг эмас, балки бутун жамоанинг манфаатларига тажовуз қилинган ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бундай қилмиш учун албатта жазо берилиши зурур бўлган[1].

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, мусулмон жиноят ҳуқуқида юқорида санаб ўтилган таъзир жазосининг турларидан фойдаланиш яхши самара берган. Шу йўл билан ҳам жиноятчиликка қарши аёвсиз кураш олиб борилган. Шариатдаги ҳад, қасос ва таъзир жазоларининг барча турлари содир этилган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва айбдорнинг шахсини ҳисобга олган ҳолда индивидуал тарзда қўлланган, шунинг учун ҳам уларнинг самарадорлиги юқори бўлган.

---

[1] **Л. Р. Сюкияйнен, В. А. Лихачёв**. Мусульманское деликатное право и уголовное законодательство стран Зарубежного Востока. «Мусульманское право», М., ИГП АН СССР, 1984, 93-бет.

МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИДА ДАВЛАТ ҚУРИЛИШИ ВА СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИ

I боб. ДАВЛАТ ҚУРИЛИШИ ВА БОШҚАРУВИНИ ИСЛОҲ ЭТИШ

Эзгу ғояннг амалий ифодаси

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий ва ижтимоий кучларнинг барчаси жамият тараққиётини таъминлаш, тинч-фаровон ҳаётни барпо этиш, халқни бирлаштирувчи, истиқбол сари етакловчи миллий истиқлол ғоясини ёшларимиз онгига сингдиришдек буюк мақсадлар атрофида бирлашган. Бугунги кунда ана шу бош мақсадимизга эришиш, яъни жамият ва давлатни демократлаштириш ва модернизация қилиш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг янада чуқурлашиб, сифат ва самарадорлиги ортиб бораётгани фикримизнинг яққол далилидир.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш жоизки, Олий Мажлис палаталарининг 2005 йил 28 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисида Президентимиз Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган мамлакатни демократлаштириш ва модернизациялаш дастури ҳамда узоқ муддатли стратегик аҳамиятга молик ўта муҳим вазифаларнинг изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётгани хорижий шерик ва ҳамкорларимизнинг Ўзбекистонга нисбатан бўлган ишончини янада орттирмоқда.

Мазкур мажлисда давлатимиз раҳбари сиёсий партиялар ва фуқаролик институтларининг фаолияти хусусида тўхталар экан, уларнинг давлат аҳамиятига молик энг муҳим қарорларни қабул қилишдаги роли ва таъсирини кучайтириш, жамиятдаги обрў-эътибори ва мавқеини мустаҳкамлаш, давлат ва ҳокимият тузилмалари

фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг асосий воситасига айланишига эришиш «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилининг рўёбга чиқишида муҳим аҳамият касб этишига қатъий ишонч билдирган эди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда парламентнинг қуйи — Қонунчилик палатасининг дунёдаги ривожланган, демократик жиҳатдан тўлиқ шаклланган давлатлардаги парламентлар сингари кўп партиявийликка таянган ҳолда фаолият юритаётгани Ўзбекистонда кўп партиявийлик тизимига кенг имкониятлар яратилганидан далолатдир. Профессионал асосда ишлаётган қуйи палата таркибидан ўрин олган турли сиёсий йўналишлардаги бешта партия ҳамда сайловчилар ташаббускор гуруҳлари вакилларидан иборат депутатларнинг ҳамжиҳатликдаги фаолияти бу фикрнинг яна бир исботидир. Ўз навбатида мазкур омиллар Асосий Қонунимиз бўлган Конституциямизнинг 12-моддасидаги «...ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади», деган қоиданинг амалий ифодасидир десак, хато бўлмайди.

Президентимиз Ислом Каримов Конституциямизнинг 83-моддасида кафолатлаб қўйилган қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланиб, қуйи палатага юқорида номи тилга олинган Конституциявий Қонун ва Конституцияга тузатиш киритиш тўғрисидаги Қонун лойиҳаларини тақдим этган эди. Мазкур лойиҳалар Қонунчилик палатаси Кенгашининг 2006 йил 8 ноябрдаги Қарорига биноан умумхалқ муҳокамаси учун «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарида чоп этилди. Энг муҳими, Юртбошимиз қонун лойиҳаларини киритиш билан бир қаторда унинг мазмун-моҳиятини тўлиқ, ҳар томонлама шарҳлашга ҳам алоҳида эътибор берганлар.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, мазкур қонунларнинг қабул қилиниши натижасида, биринчидан, халқнинг жамият ҳаётидаги ижтимоий ва сиёсий фаоллиги

янада ошади, иккинчидан, ижро этувчи ҳокимият — давлатнинг ички ва ташқи сиёсати билан боғлиқ мақсадли вазифаларни амалга оширишидаги масъулияти ҳамда сиёсий партияларнинг ташаббускорлиги, роли, таъсири кучаяди, учинчидан, ҳокимиятнинг вакиллик ҳамда ижро этувчи органларини шакллантиришда сиёсий партияларнинг фаол иштироки учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратилади, тўртинчидан, ҳукумат ва маҳаллий давлат ҳокимиятининг парламент ҳамда маҳаллий вакиллик органлари олдида ҳисоб беришини таъминлайдиган ҳуқуқий механизм яратилади.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, мазкур Конституциявий Қонун ва Конституцияга тузатиш киритиш тўғрисидаги Қонуннинг қабул қилиниши бир томондан ҳукумат ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг масъулиятини оширса, иккинчи томондан сиёсий партияларнинг давлат ҳокимият органларини шакллантириш ва самарали ишлашига нисбатан таъсирнинг кучайишига олиб келади, ўз навбатида булар давлат ва нодавлат ташкилотлари сирасига кирувчи сиёсий партиялар ўртасида мувозанат, чеклов ва мутаносиблик тизими яратилишини таъминлаш учун кенг имкониятлар яратиши шубҳасиз.

Қайд этиб ўтиш жоизки, қонунлар лойиҳаларига бағишланган умумхалқ муҳокамаларида сенаторларнинг фаол иштирокини ташкил этиш бўйича Олий Мажлис Сенатининг вазифалари ҳақида Сенат Кенгаши томонидан 2006 йилнинг 21 ноябрида тегишли қарор қабул қилинган эди. Мазкур қарорда қўмиталар мажлислари ва жойлардаги маҳаллий Кенгаш депутатлари корпуси, партия фаоллари, аҳоли орасида мазкур қонун лойиҳалари моҳиятини тушунтириш ишларини олиб бориш юзасидан ўтказилган тадбирларда ҳар бир Сенат аъзосининг иштирок этиши белгилаб қўйилди.

Қарийб уч ой давом этган умумхалқ муҳокамалари жараёнида Сенат қўмиталари ва бир вақтнинг ўзида

маҳаллий кенгаш депутатлари ҳисобланган Сенат аъзолари жойларда ташкил этилган 300 дан ортиқ конференция, семинар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирларда қонун лойиҳаларининг жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни, шунингдек, давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларга яратилаётган имкониятлар ҳақида 300 га яқин маъруза ўқиб ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали 80 та мақола чоп этиб, мазкур ҳужжатлар аҳамиятини аҳолига тушунтириш ишларида фаол қатнашдилар. Қайд этиш лозимки, мазкур қонунлар мазмуни ва моҳиятига бағишланган турли мақолалар, мулоқот ва суҳбатларнинг оммавий ахборот воситалари томонидан кенг кўламда ёритиб борилгани уларга мамлакатимиз аҳолисининг ҳаттоки энг чекка қишлоқларда яшаётган турли қатламлар ўртасида ҳам қизғин муҳокамалар олиб бориш имконини берди.

Конституциявий қонун ҳамда Конституцияга тузатиш киритиш ҳақидаги қонун лойиҳаси хорижий мамлакатларда ҳам катта қизиқиш уйғотди. Кўплаб халқаро экспертлар, сиёсатчилар, олимлар ва журналистлар мазкур қонун лойиҳалари бўйича ўз муносабатларини билдиришди.

Европа Иттифоқига аъзо давлатлардан Буюк Британия, Италия, Германия, Франция, Испания, Польша, Бельгия, Австрия, Швейцария, Греция; араб мамлакатларидан Саудия Арабистони Қироллиги, Миср, Эрон Ислом Республикаси; шарқ мамлакатларидан Япония, Хитой, Ҳиндистон, Таиланд, Корея, Покистон; Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлардан Россия, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон, шунингдек, Америка Қўшма Штатлари, Исроил ва бошқа мамлакатларда мазкур қонун лойиҳалари юзасидан халқаро жамоатчилик фикрини ўрганиш мақсадида тақдимот маросимлари ҳамда турли кўринишдаги муҳокамалар ташкил этилди.

Тадбирларда иштирок этган чет эллик эксперт, сиёсатчи ва мутахассисларнинг аксарияти мазкур қонунларнинг қабул қилиниши Ўзбекистонда олиб борилаётган демократик ислоҳотларни янги босқичга кўтаришга, шунингдек, мамлакатда шаклланган сиёсий партияларнинг парламентдаги фаолиятига самарали таъсир кўрсатиши билан бир қаторда халқимиз хоҳиш-иродасининг парламентда ифода этилишида ҳам муҳим восита бўлиб хизмат қилишини эътироф этишган.

Мисол учун, Париждаги Халқаро дипломатия Академиясида бўлиб ўтган «Ўзбекистон: демократик ислоҳотлар стратегияси ва истиқболлари» мавзуидаги конференцияда Франция Сенати аъзоси, «Франция — Марказий Осиё» парламентлараро дўстлик гуруҳининг раиси А.Дюле мамлакатимизда «сиёсий партиялар ролини кучайтиришга йўналтирилган қонун лойиҳаси ва шу муносабат билан Конституцияга киритиладиган ўзгаришлар ислоҳотлар стратегиясини амалга оширишда муҳим қадам» бўлишини таъкидлаган. Россиялик эксперт Андраник Мигранянинг фикрига кўра, Ўзбекистонда ташкил этилаётган ҳамда ҳақ-ҳуқуқлари аниқ белгиланган мухолифатга эга партия тузилмаси сиёсий тизимдаги барқарорликни сақлашга интилади. Партиялар ўртасидаги зиддиятлар эса муросасизлик ва адоват руҳида кечмайди. Юзага келиши мумкин бўлган қарама-қаршиликлар қадриятлар ёки тараққиёт йўлига ғов бўлмайди, аксинча, улар муайян бир масалани ижобий ҳал этишда зарурий восита бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Бундай фикрлар нафақат қонун лойиҳаларига берилган баҳо, балки Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муқаррар тус олганидан, биз танлаган иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий ҳаётни либераллаштириш ўзбек моделининг ўзини тўлиқ оқлаётганидан далолатдир.

«Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунининг асосий мақсади давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришдан иборат бўлиб, мазкур Конституциявий Қонун 8 та моддадан ташкил топган.

Қонуннинг 2-моддаси қуйи палатадаги сиёсий партиялар фракцияси фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга хизмат қилади. Ушбу меъёрнинг биринчи қисмида сиёсий партия фракцияси тушунчаси ифодаланган. Унга биноан партия фракцияси партия манфаатини Қонунчилик палатасида ифодалаш мақсадида тузилган бўлиб, у белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлар бирлашмасидан иборатдир. Парламентдаги сиёсий партия фракциялари, шунингдек, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар ҳукуматнинг тутган йўли ва дастурий йўналишларига қўшилмаган тақдирда ўзларини мухолифат деб эълон қилиши мумкинлиги, мухолифатнинг қонун лойиҳалари муҳокамаси билан боғлиқ жараёндаги ҳуқуқлари қонунда аниқ белгилаб берилгани улар фаолиятини кафолатлайди. Сиёсий партиялар фракцияларининг ролини мустаҳкамлаш ҳамда айрим депутатлар турли вазиятларга мослашиб қарорлар қабул қилишига олиб келиши мумкин бўлган ҳолларни бартараф этиш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий Қонуннинг 23-моддасига тузатиш киритилиб, «Қонунчилик палатасига сайланган депутат фақат шу партия фракциясининг аъзоси бўлиши мумкинлиги» акс эттирилган.

3-модданинг қоидалари қуйи палата фаолиятини ташкил этишда сиёсий партиялар фракцияларининг

ролини кучайтиришга қаратилган бўлиб, унда «Қонунчилик палатасида тузилган сиёсий партия фракцияси ўз вакили Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари лавозимларидан бирини эгаллашида кафолатли ҳуқуққа эга» экани белгилаб қўйилган.

Ушбу меъёр ҳозир амалда бўлган «Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари ўз вазифаларини бажариш даврида сиёсий партияга аъзоликни тўхтатиб туради ҳамда фракция ва бошқа депутатлар бирлашмаси таркибига кириши мумкин эмас» деган тартибни тубдан ўзгартиради.

Қонуннинг 4-5-моддаларига асосан Бош вазирни тайинлаш ва уни лавозимидан озод этишнинг янги тартиб-таомили жорий этилмоқда. Бу эса амалда демократик қадриятлар чуқур илдиз отган, энг ривожланган давлатлардаги каби ҳукуматга эга бўлишимизга замин яратади. Шу билан бирга Конституциявий Қонунда Вазирлар Маҳкамасининг раҳбари мамлакат Президенти томонидан эгаллаб турган лавозимидан озод қилинишига асос бўладиган қатор ҳолатлар назарда тутилади (амалдаги қонун ҳужжатларида Бош вазир лавозимидан озод қилинишига асос бўладиган ҳолатлар белгиланмаган. Шу билан бир қаторда сиёсий партиялар фракцияларининг ташаббуси билан Бош вазирни лавозимидан озод қилишни назарда тутадиган меъёр амалдаги қонунларда мавжуд эмас).

Шу ўринда, Конституциявий Қонуннинг 6 ва 7-моддаларига алоҳида тўхталишни жоиз деб ҳисоблаймиз.

Жойларда ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ривожланиш масалаларини ҳал қилишда сиёсий партияларнинг ролини, уларнинг вакиллик ҳокимияти маҳаллий органларини шакллантиришга таъсирини кучайтириш мақсадида «Вилоят, Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлаш ва тасдиқлаш тартиби» деган 6-моддада «Вилоят ҳокими ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодлари Ўзбекистон Республикаси Президенти

томонидан халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳларининг ҳар бири билан маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг тегишли халқ депутатлари Кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этилади» деб белгилаб қўйилмоқда.

Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари депутатларининг вилоят ҳокими ҳамда Тошкент шаҳар ҳокими фаолиятини назорат қилиш функцияларини кучайтириш мақсадида 7-моддада партия гуруҳларига вилоят ҳокими ва Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тасдиқланган шахсларнинг қониқарсиз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига асосланган хулосалар тақдим этиш ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқи берилади.

Конституциявий Қонуннинг 8-моддасида мазкур ҳужжатни 2008 йилнинг 1 январидан кучга кириши белгилаб қўйилгани ҳукуматга барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мазкур қонунга мослаштиришни охирига етказишга шароит яратади.

Президентимиз ташаббуси билан киритилган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг муқаддимасида бундай дейилган: «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ушбу тузатишлар давлат бошқарувини янада демократлаштириш, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи тармоқлари, ҳукумат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари зиммасига Конституция билан юклатилган ваколатларни амалга оширишдаги роли ва масъулиятини ошириш, мамлакат Президенти вазифаларини аниқ-равшан белгилаш ҳамда ҳуқуқий меъёрлар доирасида чеклаш, шунингдек, юқорида кўрсатиб ўтилган ислоҳотларни амалга оширишда, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишда сиёсий партияларнинг роли ҳамда таъсирини кучайтириш мақсадида киритилди».

Мазкур қонун 2 та моддадан иборат бўлиб, Қонуннинг 1-моддаси биринчи банди билан Конституциянинг 89-моддаси қуйидаги таҳрирда, яъни «Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди», деб баён этилмоқда. Мазкур меъёр кўплаб демократик мамлакатларнинг конституцияларидаги шунга ўхшаш меъёрларга тўлиқ мос келади. Бу билан мамлакат Президенти бир вақтнинг ўзида «ижро этувчи ҳокимият бошлиғи» экани тўғрисидаги меъёр Конституциядан чиқарилиб, тузатилмоқда.

Шунингдек, Қонуннинг 1-модда, иккинчи ва учинчи бандлари билан Конституциянинг вилоят ҳокими лавозимини тасдиқлаш тартибини белгиловчи 93-моддасининг 15-банди; 102-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонунига мувофиқлаштирилиб ифодаланган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонуни ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилингани муҳтарам Юртбошимиз таъкидлаганидек, «...ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг давоми, мамлакатнинг давлат-ҳуқуқий ва сиёсий тизимини босқичма-босқич тадрижий ривожлантиришнинг натижаси, кучли давлатдан-кучли фуқаролик жамияти сари ташланган муҳим қадам бўлади. Мазкур қонунларнинг аҳамияти фақат ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқлари фаолияти билангина чекланиб қолмайди. Ушбу Қонун лойиҳаларидаги қоидаларнинг рўёбга чиқарилиши бутун сиёсий тизимга, давлат қурилиши тизимига, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар, мамлакатни демократик жиҳатдан янгилаш жараёнларига ҳам чуқур таъсир ўтказади».

Янгилик – тараққиёт маибаи

Юртбошимиз ташаббуси билан парламент қуйи палатасига киритилган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонуни ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни сенаторлар томонидан атрофлича муҳокама қилиниб маъқулланди.

Конституциявий Қонуннинг биринчи моддаси иккинчи қисмида «ушбу қонун Ўзбекистон Республикасига тегишли тузатишлар, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш учун асос» бўлиши қайд этилган. «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Президент Ислом Каримов томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда Қонунчилик палатасига киритилган. Бундай қонун Юртбошимизнинг Конституциямиз қабул қилинганлигининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида қуйидагича изоҳланган эди: «Бугунги кунда энг муҳим масалалардан бири – бу бошқарув ва ижро ҳокимияти устидан жамоатчилик назоратининг самарали тизимини ўрнатишдан иборат. Мазкур Қонун сиёсий партиялар ва жамоатчилигимизнинг марказий ҳукуматдан, маҳаллий

ҳокимият идораларигача — бутун ижро тизими устидан назорат ўрнатишга ҳуқуқий замин яратиши билан эътиборга сазовордир».

Ана шу нуқтаи назарни инобатга олган ҳолда мазкур Қонун билан «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги қонунлар ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий Қонунга тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритиш орқали соҳа қонунлари Конституциявий Қонун ҳамда Конституцияга мослаштирилди. Жумладан, «Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддаси, яъни Вазирлар Маҳкамасининг таркиби ва уни шакллантириш тартиби билан боғлиқ меъёр янги таҳрирда баён қилинган, шунингдек, мазкур қонун янги 4^1-модда, яъни «Бош вазир ва Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини лавозимидан озод этиш» деб номланган меъёр билан тўлдирилди. Чунки «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонунида Бош вазирни лавозимидан озод этиш борасида қонунчилигимиз учун янги асослар назарда тутилган.

Мазкур Қонуннинг 2-моддасига асосан «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 2-моддаси, яъни маҳаллий вакиллик ва ижроия ҳокимияти бошлиғини лавозимига тайинлаш ҳамда лавозимидан озод этиш тартиб-таомиллари ҳам ўзгартирилди.

Вилоят ҳокими ва Тошкент шаҳри ҳокими номзодлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳларининг ҳар бири билан маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг тегишли халқ депутатлари Кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этилади.

Мамлакатимизда давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш масаласининг қонуний асосларини такомиллаштириш мақсадида «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонундан ўрин олган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари» деган 13-модда «Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини лавозимидан озод этиш тўғрисидаги ташаббус билан Ўзбекистон Республикаси Президентига мурожаат қилиш» деган мазмунда, шунингдек, мазкур қонунга янги 13^1-модда, яъни парламентдаги кўпчилик ва парламентдаги мухолифат сиёсий партиялар фракцияларининг блокка бирлашишини назарда тутган меъёр билан тўлдирилди. Қайд этилганлардан ташқари, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонуннинг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларидаги партия гуруҳларига бағишланган 14-моддаси ҳам «вилоят ҳокими ва Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тасдиқланган шахсларнинг қониқарсиз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига асосланган хулосалар тақдим этиш ташаббуси ҳуқуқига эга» деган мазмундаги банд билан тўлдирилган. Бу каби янгиликлар Президентимиз таъбири билан айтганда, ҳар бир сиёсий партиянинг жамиятимиздаги кучи уларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий соҳаларда таклиф этган ва амалга ошираётган дастурларининг таъсири ва уларни қўллаб-қувватлаётган

тарафдорлари сони билан ўлчанишини кафолатлайди ҳамда рағбатлантиради.

Шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий Қонунда ўз аксини топган Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари фаолиятига тааллуқли 15-модда янги таҳрирда баён қилинган ҳолда янги 25^1-модда, яъни «парламентдаги кўпчилик ва парламентдаги мухолифат фракцияларнинг блокка бирлашиши тўғрисида»ги алоҳида меъёр киритилди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур Конституциявий Қонундаги депутатлар бирлашмалари тўғрисидаги (23-модда) меъёр ҳам «депутат фақат ўз партияси фракциясининг аъзоси бўлиши мумкин» деган мазмунда ўзгартирилган.

Мазкур Қонуннинг 5-моддаси билан «Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисида»ги Қонуннинг қуйидаги тўртта, яъни: Қонунчилик палатаси Спикерини ва унинг ўринбосарларини сайлаш (4-модда), Қонунчилик палатасининг қўмиталарини тузиш (7-модда), фракция ва депутатлар гуруҳлари (9-модда), Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш (22-модда) каби моддаларига қўшимча ёки ўзгартишлар киритилиб, Конституциявий Қонунга тўлиқ мослаштирилган бўлиб, мазкур Қонунга янги 9^1-модда билан (Парламентдаги кўпчилик ва парламентдаги мухолифат фракцияларнинг блокка бирлашиши) бойиди.

Мазкур Қонуннинг 6-моддасига биноан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги Қонуннинг 18-моддаси, яъни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш билан боғлиқ меъёр қуйидаги яиги таҳрирда «Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини тасдиқлаш»

тўғрисидаги тақдимномаси Сенат томонидан ўтказиладиган мажлисида кўриб чиқилади.

Сенат аъзолари умумий сонининг кўпчилик овозини олган Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Сенат томонидан тасдиқланган деб ҳисобланади.

Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини тасдиқлаш масаласи юзасидан қарори мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

Сенат тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини уч марта рад этган тақдирда, Ўзбекистон Реснубликаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Бош вазири вазифасини бажарувчини тайинлайди, Сенатни тарқатиб юборади ва янги сайлов тайинлайди.

«Сенат тарқатиб юборилган тақдирда, янги сайлов тарқатиб юбориш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч ой ичида ўтказилади» деган мазмунда баён этилган бўлиб, бу давлатни бошқаришда демократик қадриятларни янада чуқур илдиз отишига замин яратилганидан дарак беради.

Хулоса ўрнида Юртбошимизнинг қуйидаги дастуриламал ғояларини алоҳида таъкидлаб ўтишни ўринли деб ҳисоблаймиз:

«Албатта, ушбу қонунни муҳокама қилиш ва қабул қилиш ўз йўли билан, энг муҳими, уни ҳаётга жорий этиш, одамлар онгига бу ўзгаришларнинг барчаси эл — юртимизга нима беришини ва ҳар қайсимиздан нималарни талаб қилишини етказиш — бугунги кундаги асосий вазифамиздир, десак ҳар томонлама тўғри бўлади», — деб таъкидлаган эди Президент Ислом Каримов.

Сиёсий партиялар фаоллиги – тараққиёт мезони

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятида сиёсий партияларнинг роли муҳим аҳамият касб этади. Шу боис ҳозирги пайтда ҳар бир партия парламентнинг қуйи палатасида ўз фракциясига эга. Жамиятимиз ҳаётида сиёсий партияларнинг фаоллиги янада ортгани, айниқса, қуйи палатадаги сиёсий партиялар фракциялари қонун ижодкорлигига сезиларли даражада таъсир кўрсата бошлагани, фракциялар ўртасида ўзаро баҳс-мунозаралар, қонунларнинг лойиҳаларини муҳокама қилишда парламентаризмга хос демократик белгилар юзага келгани, яъни мажлислар муҳокамаларида ўзи аъзо бўлган сиёсий партиянинг дастурлари, ўз электорати манфаати, хоҳиш-иродасини инобатга олган ҳолда эркин фикр ва нуқтаи назарларини ўртага ташланаётгани – бир сўз билан айтганда, чинакамига парламент баҳс-мунозараси муҳитини яратмоқда. Ўтган давр мобайнида мамлакатимиз сиёсий ҳаётида рўй берган залварли ўзгаришлар сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрнини қонунларда кафолатлаш орқали мустаҳкамлашни, айниқса, уларнинг ролини янада кучайтиришни тақозо этди. Шу сабабли Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонун сиёсий партиялар фракцияларининг Қонунчилик палатасидаги мавқеини янада мустаҳкамлаш мақсадини кўзлагани билан кўплаб ривожланган давлатларнинг эътиборини ўзига жалб этди. 2008 йилнинг 1 январидан кучга кирган мазкур Қонунни ижро этиш билан боғлиқ бир қанча ташкилий-ҳуқуқий тадбирлар амалга оширилди. «Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларининг баъзи нормалари амал қилишини вақтинча тўхтатиб

туриш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ана шу мақсадга йўналтирилгани билан эътиборга молик.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонун ва Бош қомусимиз бўлган Конституциямизнинг айрим моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисидаги Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимиз ижтимоий, сиёсий-ҳуқуқий ҳаётида муҳим воқеалардан бири бўлди.

Қонуннинг номидан ҳам кўриниб турибдики, сиёсий партиялар ролининг кучайтирилиши пировард натижада, жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади. Мазкур Конституциявий Қонун 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб кучга кириши билан ҳар бир сиёсий партиянинг парламентдаги фракцияси фаолияти мутлақо янгиланиб, ҳуқуқий жиҳатдан бошқа сифат босқичига кўтарилади. Парламентдаги фракциялар фаолияти эндиликда қонун ижодкорлиги жараёнини мукаммаллаштириш, назорат—таҳлил фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилгани билан муҳим аҳамият касб этди.

Яна бир муҳим жиҳати шундаки, партия фракциялари келгусида муқобил қонун лойиҳасини тақдим этиш, муҳокама қилинаётган масалалар юзасидан ўзининг алоҳида аниқ таклифларини ялпи мажлис баённомасига киритиш, келишув комиссиясига ўз вакилини киришига эришиш ҳуқуқига эга бўлди.

Қайд этилганлардан ташқари, ҳар бир партия фракцияси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосарини сайлашда, қоида тариқасида, ўз фракцияси раҳбари ёки ўз фракцияси аъзолари орасидан бошқа номзодни тақдим этади.

Амалдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги

Конституциявий Қонуннинг 15-моддасининг 2-қисмида «Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари Қонунчилик палатаси қўмиталарининг таркибига сайланиши мумкин эмас» деб, яна шу модданинг тўртинчи қисмида эса «Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари ўз вазифаларини бажариш даврида сиёсий партияга аъзоликни тўхтатиб туради ҳамда фракция ва бошқа депутатлар бирлашмаси таркибига кириши мумкин эмас», дейилган. Айнан шунга ўхшаш қоидалар «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддаси иккинчи қисми ва 9-модданинг олтинчи қисмида ҳам учрайди.

Мазкур Қонуннинг 1-моддасига биноан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий Қонуннинг 15-модда иккинчи ва тўртинчи қисми шунга ўхшаш «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддаси иккинчи ва 9-моддасининг олтинчи қисмидаги Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосарларига тааллуқли меъёрларнинг амал қилиши 2008 йилнинг 1 январигача тўхтатилди.

Қонун қабул қилиниб, кучга кириши билан Спикер ўринбосарларига ўзлари аъзо бўлган фракция ёки бирор-бир қўмита аъзолигига кириш, Қонунчилик палатаси таркибидаги тузилмалари, яъни фракцияларда қўмитадан узилмаган ҳолда фаолият юритишга имкон берди. Шунингдек, спикер ўринбосарларининг партия аъзолигига тикланиши уларни сайловчилар, яъни партия электоратига янада яқинлаштирди. Бундан ташқари, санаб ўтилган қоидалар Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосарларига ўз фракцияси таркибида «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг

ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонуннинг кучга кирганидан сўнг фракция раҳбари ёки фаоли сифатида палата спикери ўринбосарлигига сайланишга номзод бўла олишга шароит яратди.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, мамлакатимизда сиёсий партияларнинг фаоллиги жамият тараққиётига хизмат қилади. Бу эса ҳар бир партия аъзоси зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

Келажак қайғуси

Мамлакатимизда бозор муносабатларига ўтиш жараёнида тадрижий, яъни эволюцион тарзда, босқичма-босқичлик принциплари асосида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар йилдан-йилга чуқурлашиб, янгича мазмун-моҳият билан бойиб бораётганлиги танлаган йўлимиз тўғри эканлигидан далолат беради. Юртбошимизнинг ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари билан иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларимиз самарасини дунё аҳли эътироф этиб келмоқда. Бугунги кунда пойтахтимиз Тошкент шаҳри қатори Нукус ва вилоятлар марказлари, шунингдек, «Шарқнинг гавҳари» деб эъзозланувчи кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларидан тортиб туманлар, шаҳарлар, ҳаттоки, чекка қишлоқлар ҳам таниб бўлмас даражада ўзгариб, қайтадан бунёд этилмоқда, десак, хато қилмаймиз. Чунки давлат бошлиғи ва ҳукуматимиз қурилиш соҳасидаги ислоҳотларни янада жадаллаштиришга доимо алоҳида эътибор қараттани боис бу тармоқда бозор иқтисодиёти тамойиллари ва талабларига мос келадиган хўжалик муносабатларини кенг жорий этиш механизмини такомиллаштириш, лойиҳалардан бошлаб ишнинг пировард натижаларигача бўлган жараёнларда самарадорликни ошириш билан боғлиқ аниқ чора-тадбирлар белгиланиб, қурилиш соҳасидаги муносабатларни тизимли тартибга солишнинг замонавий механизми яратилган. Капитал қурилиш тармоғидаги ислоҳотларнинг самарали бўлиши кўп жиҳатдан Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, унинг жойлардаги идоралари, тузилмалари фаолияти қонунларга тўлиқ амалга оширилишига ҳам боғлиқдир.

«Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон

Республикаси Қонунининг 8-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Қонуннинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг мансабдор шахслари томонидан қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга доир ишларни кўриб чиқиш ва бундай ҳуқуқбузарликлар учун жарима солиш тартибига ўзгартишлар киритишдан иборатдир.

«Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонуни ўн битта моддадан иборат бўлиб, унда қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар тушунчаси (2-модда), жавобгарлик асослари (3-модда), бу соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг турлари ва уларга белгиланган жарима миқдори (4-7-моддалар), ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқувчи мансабдор шахслар (8-модда), жарима солиш тўғрисидаги қарорни ижро этиш билан боғлиқ нормалар акс эттирилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг фаолиятини такомиллаштириш, капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш учун бу таркибнинг масъулиятини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2003 йил 2 декабрда қабул қилинган 538-сонли қарори билан мазкур Қўмита таркибидаги Давлат архитектура-қурилиш назорати бош бошқармаси тугатилган. Натижада, мазкур бош бошқарма бошлиғи ва унинг ўринбосарлари лавозимлари ҳам тугатилган. Шунинг учун «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 1-моддасига мувофиқ, «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун

юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 8-моддасининг учинчи хатбошиси чиқариб ташланган, яъни қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва бундай ҳуқуқбузарлик учун юридик шахсларга жарима солиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахслар қаторидан Давлат архитектура-қурилиш назорати бош бошқармаси бошлиғи ва унинг ўринбосарлари чиқарилди.

Вазирлар Маҳкамасининг Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини такомиллаштиришга доир юқорида биз айтиб ўтган 538-сонли қарори билан мазкур Қўмита таркибидаги Давлат архитектура-қурилиш назорати бош бошқармасига бевосита бўйсунган давлат архитектура-қурилиш назорати инспекциялари давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекцияларига айлантирилган. Шу муносабат билан, «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 1-моддасига мувофиқ, «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддасидаги «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шунингдек, вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар архитектура ва қурилиш бош бошқармаларининг бошлиқлари ҳамда давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияларининг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари эгадирлар» деган тўртинчи хатбошисини «архитектура ва қурилиш ҳудудий бош бошқармаларининг бошлиқлари ҳамда давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекцияларининг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари эгадирлар», деган мазмунда ўзгартирилди[1].

---

[1]«Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасидан тўртинчи ялпи мажлисда сўзланган маъруза.

Ҳамкорлик самараси

Маълумки, қонун — олий юридик кучга эга, умуммажбурий, давлатнинг қонун чиқарувчи органи томонидан ёки тўғридан-тўғри, яъни референдум ўтказиш орқали аҳоли томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Қонун ижодкорлиги мураккаб ва ғоят масъулиятли жараён эканлиги ҳаммага аён. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга субъектлардан парламентимизнинг Қонунчилик палатасига ёки референдум орқали халқ ҳукмига ҳавола этиш учун тайёрланган қонун лойиҳаси матни сифатли бўлишини таъминлаш тақозо қилинади.

Қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнининг ўзи ҳам маълум муддат талаб этадиган, бир неча босқичли амалий фаолиятдан иборат. Бунда қонунчилик ташаббуси субъектларига:

биринчидан, қонун лойиҳасини тайёрлаш тўғрисида тўхтамга келишига;

иккинчидан, қонун лойиҳаси матнини ишлаб чиқишига;

учинчидан, дастлабки лойиҳани олим ва мутахассислар иштирокида муҳокама қилишга, зарур ҳолларда эса лойиҳани қайта тайёрлашга;

тўртинчидан, лойиҳа юзасидан тегишли экспертизаларни ўтказишга;

бешинчидан, манфаатдор давлат органлари билан келишишга, тақриз олишга;

ва ниҳоят, бошқа ташкилий ишларни амалга оширишга тўғри келади.

«Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги Қонун, айтиш жоизки, қонун ижодкорлигининг дастлабки босқичи

билан боғлиқ жараённи тартибга солишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Сенатнинг олтинчи ялпи мажлисида «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини рад этиш тўғрисида қарор қабул қилингач, мазкур Қонун келишув комиссияси тузиш тўғрисидаги таклиф билан қуйи палатага қайтарилган эди. Қонунчилик палатаси Сенатнинг бу таклифини қабул қилиш ҳақида қарор қабул қилган ва мазкур комиссия таркибида иш олиб бориши учун сенаторлар билан тенг миқдорда, яъни учта депутатни вакил этиб белгилади.

Шундай қилиб, сенаторлар ва депутатлардан иборат келишув комиссияси томонидан «Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги қонуннинг сенаторлар эътирозлари инобатга олинган, илгаригисидан мутлақо фарқ қилувчи янги лойиҳаси тайёрланди.

Қонунчилик палатаси мазкур Қонунни ўзининг ялпи мажлисида депутатлар иштирокида муҳокамадан ўтказиб қабул қилди ва белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун уни Сенатга юборди.

Мазкур Қонуннинг 1-моддасида унинг мақсади қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат эканлиги кўрсатилган.

Мазкур қонун тузилиши ҳамда мазмун ва моҳияти жиҳатидан Сенат аввалги ялпи мажлисидаги муҳокамаси натижасида рад этилган Қонундан фарқ қилади. Эндиликда Қонун ўттиз икки моддадан иборат, илгариги қонунда моддалар ўн саккизта эди. Бундан ташқари, Қонундаги нормалар бир неча бобларга бўлинди. Илгаригиси бобларга ажратилмаган, умумий тарзда эди.

«Умумий қоидалар» деб номланган биринчи бобда саккизта модда, қонун лойиҳасини тайёрлаш билан боғлиқ иккинчи бобда тўққизта модда, «Қонунлар лойиҳаларининг мазмунига қўйиладиган асосий талаблар, қонун лойиҳаларининг экспертизаси» деб номланган учинчи бобда саккизта модда, «Қонунлар лойиҳаларини қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан Қонунчилик палатасига киритиш тартиби» деган ном остидаги тўртинчи бобда бешта модда мужассам бўлган. Ва ниҳоят, якунловчи қоидалар, қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш ва бу Қонуннинг кучга кириши билан боғлиқ нормалар бешинчи бобда баён қилинган.

Қонундаги нормалар таҳлилидан маълум бўладики, Сенатнинг таклифлари асосида келишув комиссиясида бамаслаҳат тайёрланган ва қуйи палата депутатлари овоз бериш билан қабул қилган янги нормалар биринчи бобдаги «Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга ошириш» (4-модда), «Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектининг вакили» (5-модда), қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш борасида Вазирлар Маҳкамасининг фаолияти (6-модда) ҳамда Адлия вазирлигининг ваколати (7-модда), иккинчи бобдаги «Қонун лойиҳасини тайёрлаш тартиби» (9-модда), «Қонун лойиҳасини бир нечта қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари билан биргаликда тайёрлаш» (10-модда), «Қонун лойиҳасини тақриз учун юбориш» (17-модда), қонун лойиҳаларининг мазмунига қўйиладиган асосий талаблар, шунингдек, қонун лойиҳаларининг экспертизаси билан боғлиқ учинчи бобдаги «Қонунлар лойиҳаларининг шакли» (18-модда), «Қонун лойиҳасининг тузилиши» (19-модда), «Қонун лойиҳасининг тилига тааллуқли талаблар» (20-модда), «Қонун лойиҳаси матнида тушунчалар ва атамалардан фойдаланиш» (21-модда), «Қонун лойиҳасида ҳаволалардан фойдаланиш» (22-модда), «Қонун лойиҳасининг молиявий-иқтисодий асослари» (25-модда)да ўз ифодасини топган.

Булардан ташқари, тўртинчи бобдаги қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектининг қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига киритиш тўғрисидаги қарорига оид 26-модда ва охирги, бешинчи бобдаги «Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш» деб номланган (31-модда), умуман олганда жами ўн бешта модда, Сенатнинг қонунни рад этишдаги важлари асосида келишув комиссияси томонидан қонуннинг янги матнини яратишда ҳисобга олинганини қайд этиш лозим. Шу ўринда Қонуннинг 25-моддасига алоҳида эътибор бериб, ундаги қўшимча моддий харажатлар ва бошқа харажатлар талаб этиладиган қонун лойиҳасини тайёрлашда унга молиявий-иқтисодий асослар илова қилинади, мазкур асосларни Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига келишув учун мажбурий тартибда юборади. Молия вазирлигига тегишли ёзма мурожаат келиб тушган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектига жавоб юборилиши керак. Давлат даромадларини камайтириш ёки давлат харажатларини кўпайтиришни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети моддалари юзасидан ўзгаришларни назарда тутувчи қонунлар лойиҳалари бўйича Вазирлар Маҳкамасининг хулосаси бўлиши зарур. Вазирлар Маҳкамасига тегишли ёзма мурожаат келиб тушган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектига хулоса юборилиши керак, деган талабдан айрим қонунлар лойиҳаси молиявий-иқтисодий жиҳатдан тўла-тўкис асослантирилган бўлишига эришиш соҳа ёки тармоқ ривожини, яна бир муҳим жиҳати қонунни амалиётда самарали ишлашини таъминлайди.

Кўриниб турибдики, мазкур Қонун янгича мазмун-моҳият билан бойитилган, олдингисидан мутлақо фарқ қилувчи, энг муҳими эса қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёни билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи

ҳолатларнинг аксариятини ўзида акс эттирган деган хулосага келишга тўлиқ асослар мавжуд. Тўғри, шиддаткор тез ўзгариб бораётган ижтимоий ҳаёт, жамият тараққиёти мазкур Қонунни келгусида янада мукаммаллаштириш масаласини ўртага ташлаши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Аммо ишончимиз комилки, қонун ижодкорлари, шу жумладан, Олий Мажлис палаталари қонунлар жамият таянчи, асоси, устқурмаси эканлигини назарда тутиб, бу соҳани юксалтиришга қаратилган фаолиятни кучайтириш йўлида ҳамжиҳатликда, ҳамкорликда олиб бораётган ишлари янада самарали бўлади[1].

---

[1]«Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги Қонуни юзасидан Сенатнинг ялпи мажлисида сўзланган маъруза.

Ўзбекистон ва Европа Иттифоқидаги асосий сиёсий жараёнлар, демократия ва инсон ҳуқуқлари масалалари

2007 йилнинг 14 март куни Тошкентда «Ўзбекистон — Европа Иттифоқи» парламентлараро ҳамкорлик қўмитасининг 6—мажлиси бўлиб ўтди.

«Ўзбекистон — Европа Иттифоқи» Парламентлараро ҳамкорлик қўмитасининг мажлиси регламентига мувофиқ қисқача маърузада Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ этиш ҳамда модернизация қилиш бўйича амалга оширилган кенг кўламли ишлар хусусида тўлиқ маълумот беришнинг имкони йўқ. Аммо фурсатдан фойдаланиб, мамлакатимизда охирги уч йил мобайнида, яъни «Ўзбекистон — Европа Иттифоқи» Парламентлараро ҳамкорлик қўмитасининг мажлислари оралиғидаги даврда амалга оширилган ислоҳотларнинг асосий йўналишларини баён этмоқчимиз.

Истиқлол йилларида босиб ўтган йўлимиз ҳуқуқий давлат ва очиқ демократик жамият қуриш, замонавий бошқарув усуллари ва бозор муносабатларига асосланган иқтисодий тизим яратиш, Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятларига, шунингдек, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашга жавоб берадиган мустақил ривожланиш стратегиясини шакллантириш ва амалиётга татбиқ этиш жараёнларига салмоқли таъсир этган воқеаларга жуда бой бўлди.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар муқаррар тус олганини бир қанча мисолларда кўриш мумкин. Ўзбекистон танлаган иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий ҳаётни либераллаштириш модели ўзини тўлиқ оқлаянти. Ўзгаришлар ўзбек жамиятининг барча соҳаларини, шу жумладан, давлат қурилиши, фуқаролик институтларини шакллантириш,

оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, шунингдек, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш соҳаларини қамраб олган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олий Мажлис палаталарининг 2005 йил 28 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишнинг асосий устувор йўналишларини белгилаб берди ва бугунги кунда уларни амалиётга муваффақиятли татбиқ этилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда барқарор сиёсий вазият ҳукм сурмоқда. Барча сиёсий ҳамда ижтимоий кучлар тинчлик ва мамлакатнинг тараққиёти, халқ фаровонлигини таъминлаш каби миллий истиқлол ғояларини ўзида мужассам этган эзгу мақсадлар атрофида бирлашган. Бош мақсадга эришиш, яъни жамият ва давлатни демократлаштириш ҳамда модернизация қилиш учун сўнгги йилларда ислоҳотлар қуйидаги бир қанча устувор йўналишларда амалга оширилиб, тобора чуқурлашиб бормоқда.

Биринчидан, Ўзбекистонда илк маротаба икки палатали парламентга сайлов ўтказилди. 2004 йил 26 декабрдаги сайлов ва 2005 йил 9 январдаги такрорий овоз бериш натижасида 120 нафар Қонунчилик палатаси депутати сайланди. Айни вақтда маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари, яъни халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ҳам сайлов ўтказилди. Ҳокимият вакиллик органларининг қўшма мажлисларида 84 нафар сенатор сайланди, 16 нафар Сенат аъзоси эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан тайинланди. Сайлов очиқ ва ошкора руҳда, сиёсий партиялар ўртасида кескин рақобат, кураш вазиятида ўтди. Сайловда қарийб 40 мамлакат, шу жумладан Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотидан 228 нафар хорижий кузатувчи қатнашди.

Иккинчидан, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг роли ва таъсири кучайтирилди. 2004 йил декабрдаги парламент сайлови натижасида Олий Мажлиснинг қуйи палатаси Қонунчилик палатаси ва юқори палатаси — Сенатдан иборат икки палатали парламент такомиллаштирилди. Ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи тармоғи парламент томонидан қабул қилинадиган қонунларнинг юқори сифатини, жамиятда умумдавлат ва минтақавий манфаатлар мутаносиблигини сақлаб туришни таъминлашга қаратилган ўзаро мувозанат ва чекловларнинг самарали тизими шаклланди. Масалан, Сенат томонидан жами 92 та қонун кўриб чиқилиб, улардан 86 таси маъқулланди, 6 таси эса рад этилди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, палаталарнинг ваколатлари орасида жиддий фарқлар мавжуд. Сенатнинг мутлақ ваколатларига Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди судьяларини сайлаш, Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини, Марказий банки бошқаруви раисини, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва Миллий хавфсизлик хизмати раисини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш киради.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Марказий банки бошқаруви раисларининг ҳар йилги ҳисоботини тинглаш йўлга қўйилгани ва ҳисоботларнинг сенаторлар томонидан танқидий баҳоланиши жамиятда қонун устуворлигини самарали таъминланишига олиб келади.

Энг муҳими, Ўзбекистонда ҳақиқий кўп партиявийлик тизими яратилди. Профессионал асосда ишлаётган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси таркибида турли сиёсий

йўналишлардаги 5 та партия вакиллари бор. Қонунчилик палатасида сиёсий партиялар фракцияларининг фаолияти тобора кучаймоқда, фракцияларараро кураш кенгайиб бормоқда, бу эса қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари сифатига ижобий таъсир этмоқда. Истиқлол йилларида сиёсий партияларнинг орттирган тажрибасини ҳамда халқаро тажрибани ҳисобга олиб, Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгилаб қўйилган қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланиб парламентнинг қуйи палатасига «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонуни ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-модданинг 15-бандига ва 102-модданинг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаларини киритди. Қонун лойиҳалари умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинди ҳамда халқаро экспертлар ва сиёсатшунослар, шу жумладан, Европа Иттифоқи экспертлари ва сиёсатшунослари томонидан маъқулланди.

Конституциявий Қонуннинг қабул қилиниши ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясига тузатишлар киритилиши ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг мантиқий давоми, мамлакатнинг давлат-ҳуқуқий ва сиёсий тизими изчил, босқичма-босқич ривожланишининг натижаси ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизими изчил ва босқичма-босқич ислоҳ этилмоқда. 2005 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўлим жазосини бекор қилиш ва 2008 йил 1 январидан эътиборан қамоққа олиш санкциясини бериш ҳуқуқини («Хабеас корпус» институти) прокуратура органларидан судларга ўтказиш тўғрисидаги фармонлари қабул қилинганн мазкур тизимни либераллаштиришнинг муҳим ютуғи ҳисобланади. Ўлим

жазосини бекор қилиш масаласи мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ босқичма-босқич ҳал этиб келинмоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, жиноят қонунчилигини ислоҳ этиш натижасида мамлакатимизда оғир ва ўта оғир жиноятлар сони кескин камайди.

«Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Қонун суд тизимини янада ислоҳ этишга улкан таъсир кўрсатган қонун ҳужжатидир. Ҳакамлик судлари давлат суд тизимига кирмайди ва «давлат» судларига нисбатан тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги низоларни ҳал қилишнинг муқобил шакли ҳисобланади.

Ўзбекистонда «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» ривожланиши ҳақида гапирганда яқинда қабул қилинган «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Қолаверса, Ўзбекистонда жамоат ташкилотлари, шу жумладан, нодавлат ноҳукумат ташкилотлари фаолияти учун етарли ҳуқуқий негиз шаклланган, ўндан ортиқ қонунлар қабул қилинган, мамлакатимизда беш мингдан зиёд ННТ, шу жумладан, хорижий ННТнинг 50 та ваколатхона ва шўъбалари фаолият кўрсатмоқда.

«Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси, «Сен ёлғиз эмассан» болалар ижтимоий жамғармаси, Ўзбекистон болалар жамғармаси, бошқа жамоат ташкилотлари кўмагида 2006 йил мобайнида «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» давлат дастурини амалиётга татбиқ этиш ишлари амалга оширилди. Президент Ислом Каримов ташаббуси билан 2007 йил «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниб, бу ўтган йили амалга оширилган ишларнинг мантиқий давоми ҳисобланади.

Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб тарихий модели бўлган «маҳалла» институти тикланиб, у фуқароларнинг жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга хизмат қилади. 2006 йил июль ойида фуқаролар

йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва маслаҳатчиларининг навбатдаги сайлови бўлиб ўтди.

Сўнгги икки йил давомида оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада эркинлаштириш учун тегишли шарт-шароитлар яратиш бўйича ислоҳотлар давом этди. Ўзбекистонда 973 та миллий ОАВ, 53 та хорижий ОАВ ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Интернет тармоғи хизматидан фойдаланувчилар сони 1,4 миллионга етди.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш кафолатлари учун зарур қонунчилик, маъмурий, судга оид ва бошқа самарали чоралар қабул қилинган.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги вазият ҳеч қачон умумэътироф этилган нормалар андозалар доирасидан чиқмаган ва чиқмаяпти. Давлат инсон ҳуқуқларининг ҳар қандай бузилишига қарши кескин кураш олиб бормоқда. Аввалампор, миллий қонунчиликда қийноқларни қўллашга тақиқ қатъий ва бу борада ҳеч қандай истисноларга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистонда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига риоя этишга катта аҳамият берилмоқда. Шу мақсадда, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, шу жумладан, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилотлар шаклланган. Уларнинг вужудга келиши эса бевосита аҳолининг сиёсий фаоллиги ўсишидан дарак беради.

Дунёнинг аксарият мамлакатлари сингари Ўзбекистонда барча жисмоний ва юридик шахсларга тааллуқли бўлган қонун устуворлиги принципи амал қилади. Бундан ташқари, давлат халқаро нормаларда назарда тутилган қонун устуворлигига риоя қилишни таъминлаш учун миллий қонун ҳужжатларини бузган шахсларга нисбатан таъсир кўрсатиш ҳуқуқий механизмларини қўллаш ҳуқуқига эга.

Буларга асосланиб, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига риоя қилиш ҳеч қачон иккинчи даражали масала бўлмаган, аксинча, ҳамиша давлатнинг устувор йўналиши ҳисобланган ва бугунги кунда ҳам шундай, деган хулосага келиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон парламентининг иккала палатаси демократияни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, демократик қадриятларни мустаҳкамлаш масалалари бўйича Европа Иттифоқи Парламент ҳамкорлиги қўмитаси билан ҳамкорликни мустаҳкамлашдан манфаатдор. Шунингдек, биз Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларнинг тажрибасини ўрганиш ва ундан фойдаланиш зарур деб ҳисоблаймиз ҳамда демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари масалаларига тааллуқли мулоқотларни янада ривожлантиришга тайёр эканлигимизни билдирамиз. Бу борадаги муҳокамалар «икки томонлама очиқ-ошкора тус»да бўлиши ва қандайдир «идеаллаштирилган андозалар»ни татбиқ этмасдан ўзаро ахборот алмашинувини назарда тутиши керак.

Истиқболли ҳамкорлик

Мамлакатимиз истиқлолга эришган дастлабки йиллардан бошлаб ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш мақсадида дунёнинг ривожланган давлатлари тажрибасига жиддий эътибор қаратиб келинмоқда.

Фикримизча, давлат ва жамиятни эркинлаштириш, демократлаштириш, айниқса, мамлакатни модернизациялаш жараёнларини бир маромда тўлиқ амалга оширишда миллий давлатчилигимизнинг тарихий тажрибаси, умуминсоний тамойилларга уйғун миллий қадриятларимиз билан бирга ривожланган давлатларнинг иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий соҳаларда тўплаган бой ижобий тажрибаларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратишимиз самарали кечмоқда. Бошқа соҳалардаги каби давлат қурилиши ва бошқаруви, айниқса, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш ҳамда янгилаш билан боғлиқ ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида ҳам тараққий этган давлатлар тажрибасини ўрганиш ва бу соҳада амалга оширилган самарали ишлар ҳақида чет эллик ҳамкасблар, давлат хизматчилари ва ноҳукумат ташкилотлари вакиллари билан мулоқотлар қилиш анъанага айланиб бормоқда. Адлия вазири, парламентнинг юқори (Сенат), қуйи (Қонунчилик) палатаси аъзолари, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари раҳбарларидан иборат Ўзбекистон делегацияси «Ўзбекистонда 2008 йилда жиноий жазоларни ижро этиш ва асосий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш» дастури асосида Германия Федератив Республикасида бўлди. Ушбу ташриф доирасида Германиянинг нуфузли давлат ҳокимияти бошқарув органлари, жумладан, Ташқи ишлар, Ички ишлар, Адлия вазирликлари раҳбарлари, Германия қуйи палатаси, яъни Бундестаг депутатлари,

шунингдек, Германия Федерацияси таркибидаги Берлин ўлкаси адлия бошқармаси бошлиғи — сенатор ҳамда ноҳукумат ташкилотлардан ҳисобланган Германия парламент жамияти, «Human Rights Watch»нинг Германия бюроси директори ва «Халқаро амнистия» ташкилотининг Марказий Осиё бўйича вакили, Конрад Аденауэр жамғармаси халқаро алоқалар бўлими раҳбари билан қизғин баҳс—мунозараларга бой учрашувлар ва ўзаро фикр—мулоҳазалар, ахборот алмашуви асосидаги мулоқотлар бўлиб ўтди.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, германиялик давлат ҳокимиятининг масъул мансабдор шахслардан тортиб, ноҳукумат ташкилот вакиллари Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш, мамлакатнинг модернизациялаштириш жараёнлари билан боғлиқ ислоҳотларни янада жадаллаштиришга хизмат қилаётган янги қонунлар қабул қилинаётганига катта қизиқиш билан қараётганига гувоҳ бўлдик.

Биргина мисол: Сенатнинг охирги саккизинчи ялпи мажлисида маъқулланган ва Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2007 йилнинг январида имзоланиб «Халқ сўзи» газетасида (2007 йил 4 январь) эълон қилинган «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги янги Қонуннинг мазмун-моҳияти билан яқиндан таниш бўлган германиялик Марианне Хойвогеннинг фикрига кўра, мазкур Қонунинг ННТнинг ахборотдан фойдаланиш кафолатлари акс этган нормасида давлат нодавлат нотижорат ташкилотининг сўровига иложи борича қисқа муддатда — ўттиз кундан кечиктирмай жавоб қайтариши кўрсатилгани ННТ ахборот эркинлигини таъминлашига хизмат қилади.

Ўз навбатида Ўзбекистон делегацияси аъзолари мазкур янги Қонун Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини тўла-тўкис шакллантириш, яъни «Кучли давлатдан-кучли жамият сари» тамойилини рўёбга чиқаришга хизмат қилишини қайд этишди.

Ташриф давомида Германия ички ишлар вазирлигида бўлиб ўтган учрашувда ушбу давлатда ҳам халқаро терроризм, гиёҳванд воситаларнинг ноқонуний савдоси, трансмиллий ташкилий жиноятчилик, умуман олганда, уюшган жиноятчиликка қарши курашда нафақат Европа Иттифоқига аъзо давлатлар, шунингдек, ер юзидаги барча давлатларнинг биргаликдаги ҳамкорлигини таъминлаш ҳозирги пайтдаги долзарб масала эканлиги таъкидланди. Зеро, террорчилик ташкилотлари, жумладан, дин ниқоби остидаги экстремист-террорчилар жиноий фаолиятида «курашиш» услублари «ўзгарувчан» хусусиятига эга экани, ҳатто улар ўзларини жиноий қилмишларини амалга оширишда кун ёки соат сайин янгича усул ва услубларда ҳаракат қилаётганини ҳисобга олган ҳолда уюшган жиноятчиликнинг ҳар қандай тури ёки кўринишига қарши курашда давлатларнинг ўзаро ҳамкорлик стратегиясини юқори даражага кўтариш чорасини кўриш, айниқса, ўзаро ахборот алмашувини янада такомиллаштириш зарур эканига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги қайд этилди.

Ўзбекистон делегацияси аъзолари ташриф дастурига биноан, Берлин шаҳрида жойлашган «Тегель» жазони ижро этиш муассасаси шароити билан танишишди. «Тегель» ёпиқ жазони ижро этиш муассасаси ГФРдаги энг катта муассаса ҳисобланади. Мазкур муассасада турли муддатга, яъни қисқа муддатдан тортиб то умрбод озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган эркаклар жазони ўтайди. Муассасада жазо ўтаётган маҳкумларнинг 32 фоизини чет элликлар, яъни 59 давлат фуқаролари ташкил қилади.

Ташрифнинг тўртинчи кунида Ташқи ишлар вазирлигида бўлиб ўтган давра суҳбатида Германия қуйи палатаси депутатлари, сиёсатшунос олимлар, мутахассислар иштирок этди. Тадбирда делегация аъзолари «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги

Конституциявий Қонун ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатиш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонун лойиҳаларидаги меъёрлар мазмун-моҳияти ҳақида маъруза қилганларида мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари германиялик депутатларда катта қизиқиш уйғотди.

Айниқса, германиялик депутатлар «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонунда ҳукуматнинг тутган йўли (курси) ва дастури ёки унинг айрим йўналишларига қўшилмайдиган сиёсий партиялар фракциялари, шунингдек, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар ўзларини мухолифат деб эълон қилиши мумкинлиги қонунда акс этаётганини Ўзбекистонда чинакам демократик жараёнларни янада кенгайишига имкон бериши, бу эса Ўзбекистонда демократик қадриятларга тўла мос ҳуқуқий давлатни барпо этишда муҳим омил бўлади, деган фикрлар билдирилди.

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, Ўзбекистонда давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги ўзгаришлар ва янгиликлар германияликлар томонидан қизғин қўллаб-қувватланмоқда.

Эгалик ҳисси имкониятлари

Маълумки, юртимизда коммунал хўжалигини ислоҳ қилиш, уй-жой фондидан фойдаланиш ва унга хизмат кўрсатиш тизимида бозор механизмларини жорий этиш бўйича қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий база яратилган бўлишига қарамай, айрим ҳолларда уй-жой мулкдорлари ширкатлари кўп қаватли уйлардаги уй-жой фондидан фойдаланиш ва уларни сақлашда юзаки фаолият олиб бораётгани сезилиб қолмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган йиғилишдаги маърузасида алоҳида таъкидланганидек, уй-жой мулкдорлари ширкатларини ҳақиқий ўзини ўзи бошқариш институтига айлантириш учун талай амалий ишлар қилиниши зарур. Чунки уй-жой мулкдорлари ширкатлари биринчи галда, уй-жой мулкдорларининг маблағларини жамлаган ҳолда, бирлашган буюртмачи сифатида иш юритмоғи, тўпланган маблағларни бевосита ўз олдида турган мақсадга, яъни уй-жой фондини таъмирлаш, ободонлаштириш ва сақлашга йўналтириши лозим.

Таъкидлаш жоизки, бу борада уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлигини кучайтиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2005 йилнинг 1 февралида қабул қилинган Қарори алоҳида аҳамиятга эга.

Мазкур Қарорда белгиланган талаб ва вазифаларни амалга ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси

Конституциясининг 83-моддасида белгиланган қонун ижодкорлиги ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда, Вазирлар Маҳкамаси 2005 йил 29 июнда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига амалдаги қонундан мазмун-моҳияти билан тубдан фарқ қиладиган «Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида»ги янги Қонун тақдим этган.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2005 йил 29 июнда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилган «Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лойиҳаси мазкур палата томонидан 2005 йилнинг 5 августида қабул қилинган ҳамда 2005 йил 12 августда Олий Мажлис Сенатига кўриб чиқиш учун тақдим этилган.

Олий Мажлис Сенатининг 2005 йил 2 декабрдаги тўртинчи ялпи мажлисида қабул қилинган Қарори билан мазкур Қонун рад этилиб, Қонун бўйича юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун Қонунчилик палатасига келишув комиссияси тузиш таклиф этилди ва комиссия таркибида иш олиб борувчи ўз вакилларини белгилади. Сенатнинг бу таклифига жавобан Қонунчилик палатаси 2006 йил 26 январда келишув комиссияси тузиш тўғрисида Қарор қабул қилди ҳамда комиссия таркибида иш олиб борувчи ўз вакилларини белгилади.

Мазкур Қонун келишув комиссиясида 2006 йил 20 февралда кўриб чиқилгач, келишув комиссиясининг иши якунлари бўйича Қонун юзасидан тайёрланган хулоса, Қонун матни, қиёсий жадвал ҳамда бошқа тегишли ҳужжатлар билан Қонунчилик палатаси мажлисига киритилган.

Ушбу Қонун келишув комиссияси таклиф этган таҳрирда Қонунчилик палатаси томонидан 2005 йил 22 февралда қабул қилинган ва шу йилнинг 23 февралида Сенатга юборилган. Қўмита томонидан мазкур қонун ўрганилганда уни маъқуллаш тўғрисида таклиф билдирилди.

Қонун бешта боб ва 41 моддадан иборат.

«Умумий қоидалар» деб номланган биринчи бобда Қонуннинг мақсади, кўп квартирали уйдаги жой мулкдори, уй-жой мулкдорларининг ширкати, кўп квартирали уйдаги яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдори ширкатларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, ширкатларнинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан муносабатлари, ширкатлар бирлашмалари (уюшма ва иттифоқлари) тушунчалари берилган.

Мазкур Қонуннинг ширкатни ташкил этиш ҳамда ширкатнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига тааллуқли иккинчи боби ширкатни ташкил этиш тартиби, ширкат устави, ширкатни давлат рўйхатидан ўтказиш, ширкатга аъзолик ҳамда бундай аъзоликнинг тугатилиши, ширкатнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уни қайта ташкил этиш ва тугатиш тартибини белгилайди.

«Ширкатни бошқариш» деб номланган учинчи бобда эса, ширкатнинг бошқариш органлари, ширкат аъзолари умумий йиғилишининг ваколатлари, йиғилишни чақириш, олиб бориш, қарорлар қабул қилиш тартиби, ширкат аъзосининг ширкат аъзолари умумий йиғилишидаги вакили, ширкатдаги ҳар бир уй-жой мулкдорлари йиғилиши, ширкат бошқаруви, унинг ваколатлари, бошқарув раиси, ширкат тафтиш комиссияси ваколатларини белгиловчи нормалар акс эттирилган.

Қонуннинг тўртинчи бобидаги нормалар ширкатда мулк ҳуқуқи ва мол-мулк масалаларига бағишланган. Унда қуйидагилар: жой мулкдорларининг умумий мол-мулки, ширкатнинг бундай мол-мулкни сақлаш бўйича умумий харажатлари, ширкат аъзоларининг мажбурий бадаллари ва мажбурий тўловлари тушунчалари баён қилинган, умумий мол-мулкни сақлаш ҳамда бошқариш, унга хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш билан боғлиқ нормалар, ширкатнинг ер участкалари, ана шундай участкаларда

жойлашган объектларнинг мулкдорлари билан ширкатнинг ўзаро муносабатлари таърифлари, ширкат мол-мулкининг ҳуқуқий ҳолати белгилаб берилган.

Якунловчи қоидалар акс эттирилган бешинчи бобда низоларни ҳал этиш тартиби, тарафларнинг ширкатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлиги, Қонуннинг кучга кириши тартиби белгиланган, амалдаги «Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонунни ўз кучини йўқотган деб топиш, қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш тўғрисидаги норма берилган.

Мазкур Қонун келишув комиссияси томонидан билдирилган таклиф асосида кўп квартирали уйдаги яшашга мўлжалланмаган жой мулкдорларининг ширкат билан ўзаро муносабатини тартибга солувчи янги «Кўп квартирали уйдаги яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдори» номли 5-модда билан тўлдирилган бўлиб, унга кўра «Кўп квартирали уйдаги яшаш учун мўлжалланмаган жойга нисбатан мулк ҳуқуқига эга бўлган юридик ёки жисмоний шахс кўп квартирали уйдаги яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдоридир.

Яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдори умумий мол-мулкка нисбатан улуши мулк иштирокчисидир.

Кўп квартирали уйдаги яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдори умумий мол-мулкни сақлаш ва таъмирлаш бўйича умумий харажатларни биргаликда зиммасига олиши шарт.

Яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдорининг умумий харажатлардаги иштироки улуши яшаш учун мўлжалланмаган жойнинг умумий майдонидаги мулкдорга қарашли жой майдонига мутаносиб равишда белгиланади.

Ширкатнинг кўп квартирали уйдаги яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдори билан муносабатлари улар ўртасида мажбурий тартибда тузиладиган шартнома билан тартибга солинади.

Кўп квартирали уйдаги яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдори шартнома тузишдан бўйин товлаган тақдирда, ширкат шартномани тузишга мажбурлаш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат этишга ҳақли».

Қонуннинг ширкат устави билан боғлиқ 9-моддаси биринчи қисмининг олтинчи хатбошисидаги ва 17-моддаси биринчи қисмининг саккизинчи хатбошисидаги мажбурий бадалларни ўз вақтида тўламаганлиги учун неустойка миқдорини белгилаш тартиби ҳамда бундай неустойка миқдорини умумий йиғилишда тасдиқлатиш таомилидан воз кечилди. Чунки Сенат қароридаги учинчи важ айнан неустойкани уставда акс эттирмаслик масаласи бўлиб, келишув комиссиясида атрофлича муҳокамадан ўтказилиб ҳал этилди.

Ширкат аъзоларининг умумий йиғилишини чақириш ва олиб бориш тартиби тўғрисидаги 19-модда «Ширкат аъзоларининг умумий мажлис баённомаси билан расмийлаштирилиб, у мажлис раиси ва котиб томонидан имзоланади» деган янги қисм билан тўлдирилди.

«Агар яшаш учун мўлжалланмаган жойлардан фойдаланиш умумий мол-мулкни сақлаш бўйича харажатларни кўпайтириб юборса, кўп квартирали уйда яшаш шароитларини ёмонлаштирса, ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдорлари учун қўшимча мажбурий бадаллар белгилаб қўйиши мумкин»лиги билан боғлиқ қоидани (28-модда) чиқариш тўғрисидаги Сенат қароридаги важ ҳам келишув комиссияси томонидан инобатга олинди.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур қонун соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини оширишга ва мавжуд муаммоларнинг ҳуқуқий ечимини топишга хизмат қилади[1].

---

[1] «Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни юзасидан бешинчи ялпи мажлисда сўзланган маъруза.

Қонун ижросини таъминлашда фуқаролар фаоллиги

Ривожланган давлатлар сингари мамлакатимиз шаҳарларининг ҳам обод бўлиши, замонавий тураржойларни барчанинг эътиборини жалб этадиган даражада бежирим ва кўркам ҳолатда сақлаш, асраш ва таъмирлашни таъминлаш ҳамда уй-жой фондини биргаликда бошқариш учун ихтиёрий бирлашма сифатида хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг ташкил этилгани жамиятимизни модернизациялаш жараёнида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз. Бунинг учун эса биринчи навбатда аҳолининг фаоллигини ошириш, уларда мулкдорлик ҳиссини шакллантириш лозим.

Юртбошимиз Олий Мажлис палаталарининг 2005 йил 28 январида бўлиб ўтган қўшма мажлисида жамиятимизни демократлаштириш ва янгилашнинг концепцияси, мамлакатимизни модернизация ҳамда ислоҳ этиш бўйича асосий вазифалар ва йўналишлар ҳақидаги таклифларни баён этиб, уй-жой коммунал хўжалигини ислоҳ қилишга ниҳоятда жиддий эътибор қаратиш зарурлигини, чунки кўп қаватли уй-жой фондини бошқариш иши мутлақо қониқарсиз ҳолатда эканлиги, ташкил этилган уй-жой мулкдорлари ширкатлари тураржойлардан фойдаланиш ва сақлаш ишидан умуман бехабар бўлган тасодифий кишиларга топшириб қўйилганидан ташвишланиб, бундай аҳволни ўнглаш учун кўп ишларни бошидан бошлашга тўғри келишини таъкидлаган эдилар.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, ўтган икки йил мобайнида қонун чиқарувчи ва ижро органлари томонидан тураржой коммунал соҳасини ислоҳ қилиш борасида бир қанча янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, қабул қилиниши натижасида мазкур соҳанинг ҳуқуқий асослари, яъни соҳада самарали фаолият юритишга тааллуқли ҳуқуқий механизм тубдан ўзгартирилди.

Бошқача айтганда, уй-жой коммунал тизимда ишлаш учун қулай шароит яратилди. Масалан, 2005 йил 10 февралдаги «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 3-сонли Президент Қарори уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда хизмат кўрсатувчи эксплуатация ва таъмирлаш ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини кучайтиришда ўзига хос ҳуқуқий замин яратди. Айниқса, ХУМШ уюшмаларининг ташкил этилиши, уюшма таркибига нафақат уй-жой мулкдорларининг ширкатлари, шу билан бир қаторда, коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг таъмирлаш, қайта тиклаш, авария хизматлари, шунингдек, тегишли ҳудуддаги кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланиш ва таъмирлаш ишлари билан шуғулланувчи бошқа пудратчи ташкилотларнинг кириши бу борада янада самарали меҳнат қилиш муҳитини юзага келтирди.

Мазкур қарор 2006 йил 12 апрелда Сенат томонидан маъқулланган амалдаги «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилинишида ҳуқуқий асос вазифасини бажарди. Ушбу Қонунда ширкат уй-жой фондини биргаликда бошқариш ҳамда уни сақлаш, асраш ва таъмирлаш, кўп қаватли уйдаги хусусий тураржойлар мулкдорларининг умумий мол-мулкдан фойдаланишини таъминлаш учун ташкил этилиши, унинг фаолияти ихтиёрийлик; ташкилий ва молиявий жиҳатдан мустақиллик; ўзини ўзи бошқариш; очиқлик ва ошкоралик; ўз ишини бозор механизмларига мувофиқ шартнома асосида ташкил этиш; коммунал хизматлар ва таъмирлаш хизматлари бозоридаги рақобат; уй-жой мулкдорлари олдида мунтазам ҳисобот бериш каби принциплар асосида амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Бундай муҳим раҳбарий ғоялар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи

бошқариш идоралари зиммасига ширкатлар билан муносабатга киришишда уларга ортиқча йўл-йўриқлар кўрсатмаган ҳолда ташкил этиш вазифасини юклайди. Чунки қайд этилган Қонуннинг 8-моддаси биринчи қисмида ширкатлар ўз фаолиятини мустақил ҳолда амалга оширувчи ўзини ўзи бошқаришнинг ҳақиқий институти сифатида эътироф этилган.

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, ширкатлар томонидан ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларининг ташкил этилиши, кўп қаватли уйларда уй-жой фондида яшаш қоидаларига риоя этиш ҳамда биргаликда ҳал этишни талаб қиладиган бошқа масалаларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда фаолият юритиши ҳам қонуний кафолатланган.

Хуллас, ХУМШ фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш, кучайтириш мақсадида тегишли қонунчилик базаси бойитилди. Жумладан, уй-жой ва коммунал соҳада ислоҳотларни чуқурлаштириш учун «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниши муносабати билан Уй-жой кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритилишидан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил майдаги Қарори билан ХУМШ намунавий низоми ҳамда ХУМШ билан кўп квартирали уйдаги тураржойга мўлжалланмаган бино мулкдори ўртасидаги намунавий шартнома тасдиқланди.

Тошкент шаҳридаги уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини таҳлил этган ҳолда жавоб бериш ўринлидир. 2007 йил 1 январь ҳолатига кўра шаҳар аҳолисига қулай шароит яратиш мақсадида ХУМШ сони 2006 йил давомида 856 тадан 1230 тага кўпайтирилиб, жами 2086 тага етказилди. Шунингдек, хизмат кўрсатишда, рақобат муҳитини ривожлантириш бўйича жами 96 та муқобил сервис компаниялари фаолият кўрсатмоқда.

Тошкент шаҳридаги барча туманларда ХУМШ уюшмалари тузилган. Кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатувчи ширкатларни янги Қонун асосида ташкил этиш деярли якунланиб, шаҳарда жами 2086 та ҳуқуқий мақомга эга бўлган, белгиланган тартибда низоми ишлаб чиқилиб, рўйхатдан ўтказилган хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тузилиб, улар томонидан ўртача 4,4 та кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатилмоқда.

Икки йилдан ортиқ давр мобайнида пойтахтдаги тураржой ширкатлари фаолиятини ташкил этишда рўй берган ўзгаришлар, ҳали ечимини топмаган айрим масалалар, айниқса, «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонун ижроси билан боғлиқ масала юзасидан Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ҳамда Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, мутахассислар ва туман ҳокимликлари билан ҳамкорликда мониторинг ўтказилди. Унинг натижалари Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2006 йил апрелда бўлиб ўтган сессиясида муҳокама қилингани ўта муҳим ва долзарб бўлган ана шундай ҳудудий муаммони ҳал этиш учун куч ва имкониятларни бирлаштириш ҳамда улардан унумли фойдаланишга қулай имконият яратди, деб ҳисоблаймиз. Унда муаммо ва камчиликлар рўйирост айтилиб, уларни бартараф этиш учун тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Мониторинг давомида 11 та туман бўйича жами 601 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолияти ўрганилиб, таҳлил қилинди.

Ўрганилган хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан жами 2653 та кўп қаватли уйлардаги 141709 та (битта ширкатга 236 та) хонадонларга хизмат кўрсатилган. Мазкур ширкатлар мулкдорлари эгаллаган майдон 9165,2 минг квадрат метрга тенг бўлиб, 1 метр квадрат учун бадал тўловининг ўртача миқдори 61,1 сўмни ташкил этган.

Таҳлил қилинган 601 та ширкат томонидан кўрсатилган хизматларнинг бир ойлик ўртача ҳисоби жорий йил январь ойи кўрсаткичлари бўйича 406,1 миллион сўмга тенг бўлиб, мулкдорлар томонидан жами 476,3 миллион сўмлик (117 фоиз) тўлов бажарилган.

Фаолияти ўрганилган ширкатларнинг 433 таси ўз кучи билан, 164 таси профессионал сервис компаниялари орқали, 4 таси эса бошқа ширкатлар ёрдамида ўз қарамоғидаги уйларга хизмат кўрсатмоқда.

Мониторинг натижалари шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонун талаблари барча жойларда ҳам тўлиқ ижро этилмоқда, деб бўлмайди.

Таъкидлаш жоизки, ўтказилган мониторинг ширкатларнинг ҳудудларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро муносабатларини янада кучайтириш, қонунда белгиланган тартибда умумий йиғилишлар ўтказиш ва қарорлар қабул қилиш, ишчи-ходимларни ишга тайинлаш ва уларнинг фаолиятини назорат қилиб бориш, мажбурий бадаллар тўловларини ўз вақтида ундириш ва кирим қилиш чораларини кўриш, ўзаро тўлов интизомига риоя қилишда камчиликлар ва айрим ширкатларнинг мол-мулкини турли йўллар билан ўзлаштириб, талон-торож қилиш ҳолатларига йўл қўйилаётгани ҳам мавжудлигини кўрсатади.

Юқорида санаб ўтилган мисоллардан кўриниб турибдики, ижобий ишлар билан бирга, ечимини топмаган муаммолар ҳам талайгина. Уларни бартараф этиш учун бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, Сенат қўмитаси ва Тошкент шаҳар Кенгаши Ишчи гуруҳи «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонун ижроси юзасидан ўтказилган мониторинг натижалари асосида аниқланган мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш ҳамда ширкатлар фаолиятини янада самарали ташкил этиш

имкониятларини таъминлаш бўйича аниқ таклифлар, тавсиялар билдирди.

Шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳам асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Чунки ХУМШ ўз мулкини бирлаштиргани сабабли мулкдор ҳисобланади. Ундан ташаббускорлик талаб қилиниши зарур. Мониторинг натижаларидан кўриндики, аҳолининг масъулияти ошган. Аҳоли ҳукумат қарорларининг моҳиятини улар ижросидан янада яққолроқ сезмоқда. Бу ишни давом эттириб, ривожлантириб бориш керак. Токи аҳоли бу ишни бажариш ўзига фойдали эканлигини англаб етсин. Қонун талабларини адо этиш мажбурий эканини ҳис этсин. Қолаверса, қонунда белгиланган тарзда уй-жой мулкдорлари томонидан уй-жой фондини асраш, таъмирлаш чораларини кўриб бориш, тежамкорлик билан иш тутиш каби масалалар ҳам уларнинг онгидан жой олиши зарур. Бунинг учун хусусий уй-жой мулкдорлари мажбурий ва ихтиёрий бадал тўловлари ҳисобидан мақсадли фойдаланиши керак. Вазифа битта — ўз мулкини асраш ва таъмирлаш.

Зеро, ҳар бир қонун доимий ва мунтазам равишда ижро этилгандагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Коиституцияси ва аёллар ҳуқуқи

Мустақиллигимиздан сўнг ўтган тарихан жуда қисқа бир даврда Ўзбекистоннинг мустақил давлатчилигини шакллантириш жараёнида залварли ишлар амалга оширилди. Энг муҳими, Конституциямиз қабул қилинди. Унда дунёдаги ривожланган давлатлардаги каби инсон ҳуқуқлари олий қадрият деб эълон қилинди. Халқаро ҳуқуқда умумэътироф этилган қадриятларни миллий қадриятлар билан уйғунлаштириш жараёнида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий ҳамда ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўзбекистонда ижтимоий адолатга тўла мос равишда демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини тадрижийлик билан босқичма-босқич тамойилига риоя қилган ҳолда изчиллик асосида шакллантирилмоқда.

Айтиш жоизки, истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб аёллар масаласи, жумладан, уларнинг жамиятдаги ўрнини белгилашга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу ўринда Конституция муҳокамасига бағишланган Олий Мажлисдаги сессияда, яъни 1992 йил 8 декабрдаги жараённи эслаш жоиз. Чунки ўша найтда Юртбошимизнинг таклифига биноан, Конституциянинг 46-моддасида «хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидир», деб белгилаб қўйилган эди. Шу норма аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва фаоллигини белгилаб берган, десак хато бўлмайди. Юртбошимиз 2007 йилнинг 8 мартида Хотин-қизлар куни муносабати билан хотин-қизларга йўллаган байрам табригида «Биз бугун барпо этаётган янги ҳаёт, янги жамиятда хотин-қизларимизни ҳокимиятнинг барча тармоқларида— бу қонунчилик ёки ижро ҳокимияти бўладими, суд-ҳуқуқ тизими бўладими -

том маънодаги тенг ҳуқуқли ва фаол иштирокини таъминлаш учун ҳали кўп иш қилишимиз керак» деган фикрида ҳам аёллар ҳуқуқи давлат сиёсати даражасида баҳоланганидан далолатдир.

Мамлакатимизда аёллар билан эркаклар тенг ҳуқуқли асосда фаолият кўрсатмайдиган соҳанинг ўзи йўқ. Аёлларнинг фаоллиги тўғрисида гапирганда, аёллар меҳнатини ташкил этиш билан боғлиқ, яъни қонун ҳужжатларида меҳнат фаолиятини амалга ошираётган аёлларга нисбатан имтиёз ва қўшимча кафолатлар яратилганлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексидаги алоҳида бобда аёлларга бериладиган қўшимча имтиёзлар ва кафолатлар ҳақида қатор нормалар мавжуд. Жумладан, ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланади (224-модда), тиббий хулосага мувофиқ ҳомиладор аёлларнинг ишлаб чиқариш нормалари, хизмат кўрсатиш нормалари камайтирилади ёки улар аввалги ишларидаги ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда енгилроқ ёхуд ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан холи бўлган ишга ўтказилади (226-модда). Ҳомиладор аёлларни ва ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлларни уларнинг розилигисиз тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш кунларидаги ишларга жалб қилишга ва хизмат сафарига юборишга йўл қўйилмайди (228-модда). Уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган аёлларга иш вақтининг ҳафтасига ўттиз беш соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати белгиланади (228-модда). Ҳомиладор аёлнинг, ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлнинг, шу жумладан, ҳомийлигида шундай боласи бор аёлнинг ёки оиланинг бетоб аъзосини парвариш қилиш

билан банд бўлган шахснинг илтимосига кўра, иш берувчи тиббий хулосага мувофиқ уларга тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси (119-модда) белгилашга мажбурдир (229-модда). Ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга ҳар йили уч иш кунидан кам бўлмаган муддат билан ҳақ тўланадиган қўшимча таътил берилади (232-модда). Аёлларга туққунга қадар етмиш календарь кун ва туққанидан кейин эллик олти календарь кун (туғиш қийин кечган ёки икки ва ундан ортиқ бола туғилган ҳолларда — етмиш календарь кун) муддати билан ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари берилиб, давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақа тўланади (233-модда). Ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугаганидан кейин аёлнинг хоҳишига кўра, унга боласи икки ёшга тўлгунга қадар болани парваришлаш учун таътил берилиб, бу даврда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нафақа тўланади (234-модда). Икки ёшга тўлмаган боласи бор аёлларга, дам олиш ва овқатланиш учун бериладиган танаффусдан ташқари, болани овқатлантириш учун қўшимча танаффуслар ҳам берилади. Бу танаффуслар камида ҳар уч соатда бир марта ҳар бири ўттиз дақиқадан кам бўлмаган муддат билан берилади. Икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи бўлган тақдирда, танаффуснинг муддати камида бир соат қилиб белгиланади (236-модда). Ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди, корхонанинг бутунлай тугатилиш ҳоллари бундан мустасно, бундай ҳолларда меҳнат шартномаси уларни, албатта, ишга жойлаштириш шарти билан бекор қилинади (237-модда).

Бундан ташқари, аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва кафолатлашни таъминловчи Президент Фармонлари, қарорлари, ҳукумат қарорлари аёлларимизнинг жамиятни демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда

фаол иштирокини таъминлашда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Қайд этиш жоизки, юртимизда аёллар масаласи давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири, доимо эътиборга молик масала сифатида таҳлил қилиб келинмоқда. Шу боис юртимиз аёллари, оналар Юртбошимиз томонидан уларга кўрсатилаётган эътибор, ғамхўрликка жавобан йил сайин янада фаол ишлашга азму қарор қилаётганлиги барчамизни қувонтиради.

Дарвоқе, сиёсий партиялар фаолиятида ҳам «Аёллар қаноти» йўналишида иш олиб борилаётгани жамиятда аёллар сиёсий фаоллигининг ортишига, бу ўз навбатида демократик қадриятларнинг чуқур илдиз отишига сабаб бўлмоқда. Жумладан, сайлов қонунчилигида депутатликка номзодлар кўрсатишда ҳам аёлларга имтиёз мавжуд. Яъни хотин—қизлар сони сиёсий партияларга кўрсатилган депутат номзодлар умумий сонининг 30 фоиз ўрин ажратилган бўлиши лозимлиги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунда акс эттирилган. «Шунга қарамасдан, — деб таъкидлайди Президент Ислом Каримов, — бугунги кунда маҳаллий вакиллик органларида аёлларимизнинг умумий иштироки 16 фоизни, қонунчилик палатасида 17,5 фоизни, Сенатда эса 15 фоизни ташкил этишини афсус билан қайд этамиз».

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, аёл... унга хос фазилатларни санаб ўтишнинг ҳожати йўқ. Чунки у ўз номи билан авлод давомчиси, гўзаллик тимсоли. У бежизга баҳорга қиёсланмайди. Баҳор кириб келганда борлиқ қанчалик яшнаб кетса, аёл кирган хонадон, даргоҳ ҳам шу қадар нурафшон бўлади. Аёлнинг хонадон фариштаси дея таърифланишининг боиси ҳам шундандир балки. Бугунги кун аёли теран нигоҳ, шаҳдам қадам, ўткир овози билан ҳар соҳада ўз ўрнини топмоқда. Замон билан ҳамнафас инсонни баҳолаш, унга таърифу таҳсин айтиш шарт эмас.

Одам савдоси (траффик жинояти): қонунчилик ва жавобгарлик[1]

Ўтган асрдан йигирма биринчи асрга трансмиллий ташкилий жиноятчиликнинг учта энг хавфли тури «мерос» бўлиб ўтди. Уларнинг биринчиси — халқаро терроризм ва дин ниқоби остидаги зўравонлик руҳи, куч ишлатиш, яъни экстремистик, фундаменталистик, сепаратистик хуружлар, иккинчиси — наркобизнес ёки нарко-траффик билан шуғулланаётган жиноий уюшмалар, учинчиси — одам савдоси, траффик билан шуғулланувчи йирик-йирик жиноятчи ташкилотларнинг йилдан-йилга кучаяётганидир.

Санаб ўтилган трансмиллий жиноятчилик, яъни ҳудуд ёки чегара танламаётган жиноятларнинг қайси бир турини таҳлил қилмайлик, уларнинг барчаси инсоният цивилизациясига очиқдан-очиқ тўсиқ экани, жамият тараққиёти ва давлатлар ривожига жиддий хавф туғдириши маълум бўлади.

Шу сабабли уюшган жиноятчилик, хусусан, халқаро терроризм, наркобизнес, қурол-аслаҳаларни ноқонуний сотиш билан боғлиқ ўта оғир жиноятлар қаторида одам савдосининг (траффик) ҳар қандай кўринишига қарши кураш муаммоси миллий қонунчилигимизда ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, ўтган асрнинг охирги чорагида ОАВда «одам савдоси» ёки «траффик» юридик атамаси тез-тез ишлатила бошланди. «Траффик» лотин тилидаги «traffico» сўзидан олинган бўлиб, уни италияликлар муомалага киритган. «Траффико» итальянча «тижорат», «савдо» маъносида истифода этилган.

Бу сўз дастлаб «табак траффик» шаклида қўлланилган бўлиб, унинг ўзбекча маъноси тамаки

[1] «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни юзасидан сўзланган маъруза.

савдоси, тамаки билан тижорат қилиш демакдир. Кейинчалик италияликлар уни қисқача «траффик» деб аташга одатланганлар. Шу тарзда «трафф» сўз ўзаги асосида янги сўз — «траффик», яъни одам савдоси ёки замонавий қулликнинг шакли деб талқин этилмоқда.

Она тилимизнинг софлигини асраш, шунингдек, ушбу сўзни тушунишда қийинчилик туғилмаслиги учун қонунларимизда «траффик» атамаси ўрнига «одам савдоси» атамаси ишлатилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Халқаро ҳуқуқда «инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурмат қилиш ва унга риоя қилишга кўмаклашиш», «халқаро ҳуқуқ бўйича мажбуриятларни виждонан тўлиқ адо этиш» каби асосий принциплар қайд этилган. Зеро, ўтган асрнинг охирги иккинчи ярми давомида БМТ шафелигида инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, миллий ва халқаро тараққийпарвар тадбирлар орқали халқаро ҳуқуқ нормалари ва андозаларига сўзсиз амал қилиш, ҳар бир инсоннинг табиий ҳуқуқлари билан бирга сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини том маънода англаб, эркинликларни таъминлашнинг янги механизмига асос солинди. Натижада инсон ҳуқуқларини тўла-тўкис таъминлаш чорасини кўрган давлатлар ўтмишдаги давлатчилик ва жамиятлардан мазмун-моҳияти билан мутлақо фарқ қилувчи янги ижтимоий адолатга асосланган ҳуқуқий давлатни, яъни ўз ҳуқуқ тизимини қатъий қонунлар, меъёрлар асосида бошқарадиган, энг муҳими, жамиятдаги ҳар бир шахс, индивиднинг эмин-эркин, ҳеч бир тўсиқсиз, қийноқсиз, камситишсиз хоҳлаган жойида эркин ҳаракатланган ҳолда яшаши, ҳаттоки, жамиятнинг яратувчиси, ҳаракатлантирувчи фаол аъзоси сифатида фуқаролар, давлат идоралари, мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан назорат қилишгача ҳуқуққа эга бўлган очиқ фуқаролик жамиятини шакллантиришга эришилди. Ҳозирда ривожланиш

йўлидан бораётган давлатлар қаторида Ўзбекистон Республикаси ҳам ҳуқуқий давлатчилик ва фуқаролик жамияти барпо этиш билан боғлиқ жараёнларда инсон ҳуқуқлари ва шахс эркинлигини таъминлаш юзасидан самарали воситаларни қўллаш борасида бир қанча ижобий тажрибага эга десак, хато қилмаймиз. Шу ўринда қайд этиш жоизки, БМТ, ЕИ ёки ЕХҲТ доирасида инсон ҳуқуқларини таъминлаш билан бевосита шуғулланувчи қатор қўмита ёки комиссиялар фаолият кўрсатмоқда.

Ҳозирги пайтда бутун дунёда инсонларни камситиш, ҳуқуқлариии тан олмаслик, одам савдоси каби жиноятлар кўпайиб бораётгани сир эмас. Ҳар қандай жамиятни ҳам ўз домига тортиб ютиб юбориш хавфи борган сари кучаяётган ҳозирги таҳликали даврда реал вазият бундай жиноятга қарши курашни янада кучайтириш, бу борада давлатлараро ва халқаро ташкилотлар доирасида ўзаро мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатиш ҳамда кучларни бирлаштириш лозимлигини тақозо этмоқда. Айнан одам савдоси муаммосига оид халқаро қонунчилик меъёрларини чуқурроқ таҳлил қилиб, такомиллаштиришга киришилгани ҳам одам савдоси каби ўта оғир жиноятларнинг жамиятлар тараққиётига жиддий ва ўта ижтимоий хавфли таҳдид экани очиқ-ойдин эътироф этилмоқда. Биргина мисол, Австрия давлатининг пойтахти Вена шаҳрида БМТнинг жиноятчилик бўйича огоҳлантириш ва жиноят ишлари юзасидан одил судловлик комиссиясининг қарори асосида 116 та мамлакатнинг бир минг 200 нафардан ортиқ давлат идоралари вакиллари ва экспертлари иштирокида одам савдосига қарши курашга бағишланган уч кунлик йирик халқаро анжуман ўтказилди. Мазкур тадбир ҳақида интернет орқали тарқатилган маълумотга қараганда, ҳар йили дунё бўйича тахминан 2 700 000 нафар инсон одам савдоси каби ўта оғир жиноятнинг қурбонига айланмоқда. Айниқса, одам савдоси жиноятидан жабрланганларнинг 80 фоизини аёллар ёки ёш болалар ташкил этаётгани

ташвишли ҳолдир. Мазкур ташкилий жиноятчилик натижасида олинаётган йиллик «мўмай даромад» миқдори 7 млрд. АҚШ долларидан ҳам ошиб кетяпти.

Мавжуд маълумотлар шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда ҳам охирги 3 йилда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига одам савдоси қурбонларига айланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан 1000 дан ортиқ аризалар келиб тушган. Уларнинг мурожаатлари асосида 700 га яқин жиноят ишлари қўзғатилган. Тергов натижаларига кўра 604 нафар шахсга нисбатан 287 та жиноят ишлари айблов хулосалари билан судга юборилиб, айбдор шахсларга нисбатан тегишли жавобгарлик чоралари қўлланилган. Таъкидлаш лозимки, жиноят ишлари бўйича айбланувчиларнинг ярмидан кўпини аёллар ташкил этади.

Одам савдоси билан боғлиқ жиноятчиликнинг ҳар қандай кўриниши ва турлари трансмиллий, яъни ҳудуд ва чегара билмас ёки танламас қилмиш экани боис, шу ўринда бундай ҳуқуқбузарликка қарши кураш билан боғлиқ халқаро ҳужжатларни эслаш жоиздир.

Одам савдосига қарши курашиш масаласи йигирма биринчи асрга ўтган асрлардан «мерос» бўлиб қолганини унга қарши кураш ҳақидаги биринчи халқаро ҳужжат 1899 йилда Лондон шаҳрида бўлиб ўтган халқаро конференцияда қабул қилинган «Аёллардан шаҳвоний мақсадларда фойдаланиш учун уларни ёллашга қарши кураш тўғрисида»ги резолюция экани тасдиқлайди. Шундан сўнг 1904, 1910 йилларда мазкур масала юзасидан халқаро битимлар, 1921 ва 1933 йилларда одам савдоси муаммолари бўйича халқаро конвенциялар қабул қилинган. Шу ўринда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1950 йилнинг 21 мартида қабул қилинган «Одам савдоси ва фоҳишаликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида»ги конвенцияни алоҳида тилга олиб ўтиш жоиз. Чунки Ўзбекистон Республикаси ҳам 2003 йилнинг 12 декабрида мазкур халқаро ҳужжатга қўшилган.

Шунингдек, БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йил 15 ноябрдаги 55/25-сонли резолюцияси билан қабул қилинган «Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида»ги конвенцияга қўшимча одам савдоси, айниқса аёллар ва болалар савдоси ҳақида огоҳлантириш ва чек қўйиш ҳамда бундай жиноятлар учун жазолаш тўғрисидаги баённома ҳам Ўзбекистон томонидан 2001 йилнинг 28 июнида имзоланган.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида одам савдоси учун жавобгарликни назарда тутган меъёр борми, деган ҳақли савол туғилиши табиий. Шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматига қарши жиноятлар акс эттирилган бобда «Одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш» (135-м), «Одам ўғирлаш» (137-м), «Зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш» (138-м) деган меъёрлар мавжуд.

Бундан ташқари, шунга ўхшаш киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кўчириш (трансплантат) ёки мурданинг қисмларидан фойдаланиш мақсадида қасддан баданга оғир шикаст етказиш (104-м., «и» банди), фоҳишахона сақлаш ёки қўшмачилик қилиш (131-м), фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини бузиш» (141-м) ва бошқа ўхшаш жиноятлар таркиблари мавжуд.

Мазкур жиноятларнинг мотив ва мақсади ғараз, яъни моддий фойда ёки даромад кўришни кўзда тутади. Чунки одам савдосидан кўзланган асосий мақсад ҳам жиноятчининг ўзи ёки бошқа шахслар орқали пул ёки бошқа моддий бойликларга эга бўлишдир. Одам савдоси тоифасидаги жиноятларни содир этиш усуллари ҳақида халқаро ҳуқуқда ягона тўхтамга келинган эмас. Бу юридик атама ҳақида универсал баёнларда қайд этилишича, мазкур жиноят унинг қурбонларини алдаш йўли билан содир этилмоқда. Алдаш усуллари турличадир. Жумладан, жабрланувчиларга кўп миқдорда маош тўланадиган иш топиб беришни ваъда қилган ҳолда уларни бошқа давлат

ҳудудига ўтказиш, чет элда никоҳдан ўтиш учун танишиш баҳонасида бир давлатдан бошқа давлатга олиб бориб сотиш ҳоллари ҳам учрайди.

Шунингдек, бошқа давлатга ўтказилган инсонларга нисбатан куч ишлатиш, яъни жисмоний жиҳатдан уриш, дўппослаш, қийнаш, овқат бермасдан қамаб қўйиш, баъзан турли даражадаги тан жароҳати етказиш, куч ишлатиш таҳдиди, яъни жинсий қулликка ёки фоҳишабозлик билан шуғулланишга рози бўлмаган инсонни (вояга етмаганни) ўлдириш билан қўрқитиш, чет элда яшаш учун рўйхати бўлмаган, кириш-чиқиши норасмий бўлганларни ўша давлатнинг тегишли хизматларига ушлаб бериш таҳдиди билан қўрқитиш ёки жуда кўп миқдорда жарима тўлашга мажбур қилиш, товламачилик, яъни унинг яқинларини, фарзандларини эл-юрт олдида шарманда қилиш, уларнинг шаъни, қадр-қимматини камситувчи, обрўсизлантирувчи турли уйдирмаларни тарқатиши мумкинлигини айтиб қўрқитиш орқали ҳам бундай жиноятлар амалга оширилиши мумкин. Шу ўринда қайд этиш керакки, ўз ватанидан ўзга юртларга алдаш йўли билан олиб чиқиб кетилган, жинси ва ёшидан қатъи назар, ҳар бир инсон таҳқирлаш (эксплуатация), ҳуқуқларининг чекланиши оқибатида улар ҳар қандай «юмуш»ни бажаришга мажбур бўлади. Мазкур Қонуннинг мақсади айнан юқорида санаб ўтилган ҳолатларни аниқлаш ва чек қўйишга қаратилган.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, айрим ҳолларда нафақат хорижий, балки маҳаллий ОАВ ёки экспертлар хулосаларида ҳам «одамни қулга айлантириш» ёки «қуллик» деган юридик атама нотўғри истифода этилмоқда. Биз мазкур атамаларнинг бу тарзда қўлланилишига мутлақо қаршимиз. Чунки, биринчидан, Ўзбекистон тан олган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 4-моддаси ҳамда Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 8-моддаси 1-бандида «ҳеч ким қулликда ёки эрксиз ҳолатда

сақланиши мумкин эмас, қуллик ва қул савдосининг барча кўринишлари тақиқланади» дейилган. Иккинчидан, ривожланган давлатлар каби мамлакатимиздаги ижтимоий тараққиёт, жамият ҳаётидаги бугунги ўзгаришлар, инсонларнинг ўзаро муносабатидаги муомала, менталитетимизнинг ўзига хослиги, айниқса, ўзаро меҳр-мурувватли бўлишга интилиш, меҳр-оқибатчилик бирор-бир инсоннинг бошқалар томонидан камситилиши ҳамда қулликка маҳкум этишга асос йўқлигини билдиради. Яъни шахс эркинлиги таъминланган эркин жамиятда яшаяпмиз дейишга тўлиқ ҳақлимиз.

«Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунни қабул қилишдан кўзланган мақсад мамлакатимизда одам савдосига қарши курашиш, яъни одам савдосининг олдини олиш, уни аниқлаш, унга чек қўйиш, оқибатларини минималлаштириш, одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича фаолият билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлиб, бу Қонун тўртта бобдаги 17 та моддани ўз ичига олади.

Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатда қайд этилишича, одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари, жумладан ИИВ, Миллий хавфсизлик хизмати, Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг шу йўналишдаги фаолиятлари Республика ва ҳудудлардаги Идоралараро комиссиялар томонидан мувофиқлаштирилиб борилади.

Жойлардаги фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, нодавлат ташкилотлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, шунингдек, фуқаролар одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органларига кўмаклашади ҳамда зарур ёрдам кўрсатади.

Мазкур Қонуннинг энг муҳим жиҳати шундаки, унда одам савдосидан жабрланганларни ҳимоя қилиш, яъни уларни нормал ҳаёт тарзига қайтариш, жиноий тажовузлар оқибатида уларнинг ижтимоий-маиший шароитлари оғирлашгани сабабли ҳуқуқбузарликлар содир этиш йўлига ўтиш ҳолатларининг олдини олиш — бир сўз билан ифодалаганда, ижтимоий реабилитация билан шуғулланувчи ихтисослаштирилган муассасалар ташкил этиш белгиланмоқда, жабрланганларнинг хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўриш юзасидан ҳуқуқий механизм ҳамда кафолатлар яратилмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, мазкур Қонуннинг маъқулланиши одам савдоси билан боғлиқ халқаро ҳужжатлардаги қоидаларнинг Ўзбекистон Республикаси Қонунларига уйғунлаштирилишига ҳамда жиноятчиликка қарши кураш, хусусан, одам савдоси билан боғлиқ ҳар қандай ҳуқуқбузарликка, айниқса мазкур тоифадаги жиноятларга чек қўйиш борасидаги миллий қонунчилигимиздаги ҳуқуқий асосларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Сайлов қонунчилиги такомиллаштирилди

Ҳозирги кунда мамлакатимизда давлат ҳокимияти вакиллик органлари демократик сайлов ўтказиш бўйича умумэътироф этилган халқаро принциплар ва ҳуқуқий нормаларга тўлиқ мос келадиган миллий сайлов қонунчилигимиз асосида шакллантирилмоқда. Қонунчилик билан кафолатланган сайловларнинг даврийлиги ва мажбурийлиги, адолатлилиги ва эркинлиги принциплари, уларнинг умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилиши; фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилишни таъминлаш; сайловларни жамоатчилик ва халқаро кузатувчилар иштирокида ўтказиш механизмлари Ўзбекистон сайлов тизими демократия тамойилларига асосланганининг ўзига хос сифат кўрсаткичлари ҳисобланади. Бинобарин, сайлов қонунчилиги энг асосий конституциявий тамойил бўлган халқ ҳокимиятини амалга татбиқ этилишини таъминловчи муҳим омилдир.

Шу билан бирга, айни даврда сиёсий партияларнинг ижтимоий-сиёсий етуклик даражасини бунданда юксалтириш, уларнинг мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга йўналтирилган ислоҳотларни амалга оширишдаги ролини ошириш сайлов қонунчилигини янада такомиллаштиришни ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятида сиёсий партиялар вакиллигини кучайтиришни тақозо этмоқда.

Ана шу ҳаётий заруратдан келиб чиқиб, давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Конституциямизнинг 83-моддасида белгилаб қўйилган қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва

қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини парламент қуйи палатасига киритганлар.

Мазкур Қонун мазмун-моҳияти жиҳатидан кенг қамровли бўлиб, ундаги ўн тўртта модда асосида Конституциямизнинг 77-моддаси биринчи қисмига, шунингдек, «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги (4-модда), «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги (7-модда), «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги (8-модда) Конституциявий қонунлар ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги (2-модда), «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги (3-модда), «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги (5-модда), «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги (6-модда), «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида»ги (8-модда), «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги (10-модда), «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги (11-модда), «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги (12-модда), «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида»ги қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган.

Қонуннинг концепциясида уни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсадлар қуйидагилардан иборат, деб таъкидланган:

Биринчидан, Парламентнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган социал, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларга мувофиқ равишда самарали қонунчилик

базасини шакллантириш борасидаги фаолиятини ташкил этишда сиёсий партияларнинг роли ва таъсирини янада кучайтириш.

Иккинчидан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида оммавий жамоат бирлашмаси — Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг вакиллигини таъминлаш орқали ҳозирги ва келажак авлодларининг қулай атроф-муҳит, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитнинг табиийлигини муҳофаза қилиш, табиат заҳиралардан оқилона фойдаланиш, аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ҳуқуқларини рўёбга чиқариш ва уларга сўзсиз риоя қилиш учун кенг имкониятлар яратиш;

Учинчидан, сайлов тизими ва қонунчилигини янада эркинлаштириш ҳамда демократлаштириш, сиёсий партияларнинг сайлов жараёни ва давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришдаги ваколатларини кенгайтириш ҳамда фаоллигини кучайтиришдан иборатдир.

Мазкур мақсадларни рўёбга чиқариш учун қонунда қуйидагилар акс эттирилган:

Биринчидан, Қонуннинг биринчи моддасига мувофиқ сиёсий партияларнинг парламент қуйи палатасидаги вакиллигини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддаси 1-қисмининг янги таҳририга биноан Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринлари сонини 120 тадан 150 тага оширилган. Бунда 135 нафар депутат кўппартиявийлик асосида бир мандатли ҳудудий сайлов округларидан сайланади.

Иккинчидан, Қонуннинг учинчи моддасига кўра, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, экологик аҳволни яхшилаш, аҳоли саломатлиги учун курашиш масалаларнинг муҳимлигини эътиборга олган ҳолда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 1-моддаси янги таҳририга биноан, сайлов қонунчилигига депутатлик ўринларини квоталаш

институти киритилган. Бунинг учун, мамлакатимизнинг маъмурий-ҳудудий бўлинишидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Экологик ҳаракатига Қонунчилик палатасига 15 нафар депутат сайлаш ҳуқуқи берилган. Шунинг учун мазкур Қонунга алоҳида 7^1-боб киритилган бўлиб, унда Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатасига депутатларни сайлаш тартиби, Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатсига депутатликка сайланадиган шахсларга қўйиладиган талаблар; Ҳаракат томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига депутатларни рўйхатга олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати; Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан депутатларнинг такрорий сайловини ўтказиш тартиби, шунингдек сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш ва экологик Ҳаракатдан сайланган депутатларнинг фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ бошқа нормалар белгилаб қўйилган.

Учинчидан, Қонуннинг 2, 3, 5—11-моддалари билан "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги ва бошқа қонунлардаги сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг сайлов жараёнида номзодлар кўрсатишда иштирок этишини назарда тутувчи моддалар чиқариб ташланган.

Таъкидлаш зарурки, депутатликка номзодларнинг бевосита фуқаролар томонидан сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларини тузиш орқали кўрсатилиши Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий тизими тараққиётининг муайян босқичида, яъни сиёсий партиялар институти ва уларнинг мақоми, мамлакат ижтимоий сиёсий ҳаётига таъсир доираси эндигина шаклланиб келаётган давр учун хос эди. Давлат ва ҳуқуқ тизими, айниқса сиёсий партияларнинг ҳозирда эришган фаоллик даражаси номзодларни сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан кўрсатиш институтидан воз кечиш имконини берди.

Шунингдек, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг биринчи

моддаси қуйидаги янги мазмунда, яъни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиининг Қонунчилик палатаси беш йил муддатга сайланадиган бир юз эллик депутатдан иборат.

Қонунчилик палатасининг бир юз ўттиз беш депутати ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланадиган бўлади.

Тўртинчидан, Қонунда сайлов тизими ва қонунчилигини янада эркинлаштириш ва демократлаштиришга қаратилган қатор нормалар ўз аксини топган. Хусусан, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонунга алоҳида модда, яъни — "Сиёсий партиянинг ваколатли вакили" деб номланган 17^1-модда киритилди. Мазкур моддада депутатликка ўз номзодларини кўрсатган сиёсий партия Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган тартибда аъзолари сафидан сайлов участкаларида овозларни санашда иштирок этиш учун ваколатли вакилини тайинлаш ҳуқуқига эга бўлиши қайд этилган. Худди шундай норма "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонунга ҳам сиёсий партиянинг ваколатли вакили деб номланган янги 17^1-модда киритилган.

Бундан ташқари, сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари имзо варақаларининг тўғри тўлдирилганини Марказий сайлов комиссияси томонидан текширилиши жараёнида иштирок этиш ҳуқуқига эга (23^1-модда). Мазкур норма имзо варақаларининг тўғри тўлдирилганини текширишда холисликни янада кенгайтириш, сайловларнинг очиқ ва ошкоралигини қўшимча кафолатлаш ҳамда уларни ўтказишда сиёсий партияларнинг ҳуқуқларини тўлиқ амалга оширишни таъминлашга хизмат қилади.

Бешинчидан, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 27-моддасига

(Сайловолди ташвиқоти) киритилган "Сайловчилар йиғилиши участка сайлов комияссиялари томонидан ташкил этилади" деган қоида қуйидаги норма билан алмаштирилмоқда: "Сайловчилар йиғилиши сиёсий партиялар томонидан мустақил ҳолда ташкил этилади. Сайловчилар йиғилишини ўтказиш жойи ва муддати, қоида тариқасида, участка сайлов комиссиялари билан келишиб олинади. Маҳаллий ҳокимият органлари ва жамоат бирлашмалари, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари депутатликка номзодларга йиғилишлар ўтказиш учун жиҳозланган хоналар ажратишлари, уларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказишни ташкил этишда, зарур маълумот ва ахборот материалларини олишда ёрдам кўрсатишлари шарт" эканини алоҳида таъкидлаш ўринли деб ҳисоблаймиз. Худди шундай норма "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига (Сайловолди ташвиқоти) ҳам киритилмоқда.

Олтинчидан, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 28-моддасига (Ишончли вакиллар) киритилаётган ўзгартишга мувофиқ Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлагига номзодларнинг ишончли вакиллари сони 5 нафардан 10 нафарга оширилади. Бу тартиб сиёсий партиялардан депутатликка номзодларнинг ўз сайловолди компаниясини янада фаол ўтказиши учун шароит яратади.

Еттинчидан, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 42-моддасига (Сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш) мувофиқ овозларни санаш натижалари участка сайлов комиссияси мажлисида кўриб чиқилиши ва сайлов комиссиясининг раиси, раис ўринбосари, котиби, бошқа аъзолари томонидан имзоланадиган баённомада қайд этилиши белгиланган. Шундан сўнг баённома участка сайлов комиссияси раиси ёки раис ўринбосари томонидан эълон

қилинади ва мазкур баённоманинг нусхаси участка комиссияси биносида барчанинг танишиши учун камида 48 соатлик муддатга осиб қўйилади. Шунга ўхшаш сайлов натижаларининг очиқлигини таъминловчи тартиб-таомил "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 39-моддаси саккизинчи—ўнинчи қисмларидан ўрин олган.

Саккизинчидан, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги ва "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонунларнинг 18-моддасига (Сайлов комиссияларининг қарорлари устидан тушган шикоятларни қараб чиқиш) ҳам қўшимчалар киритилмоқда. Бунда шикоят қилган шахс ўз аризасини кўриб чиқиш жараёнида бевосита иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлиги назарда тутилган.

Тўққизинчидан, Қонун сиёсий партияларнинг сайловларда фаол иштирок этиши учун кенг имкониятлар яратиш мақсадида сайловда иштирок этиш истагида бўлган партиянинг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида кечи билан олти ой олдин рўйхатдан ўтиши билан боғлиқ муддат тўрт ойга қадар қисқартирилган.

Умуман олганда, "Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун асосида киритилган янги ўзгартиш ва қўшимчалар келгусида мамлакатимизда сайлов қонунчилигини янада такомиллаштиришни, жамият ҳаёти ва давлат қурилишини босқичма-босқич демократлаштиришни таъминлашга хизмат қилади. Бу эса сиёсий партиялар ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатига мамлакатимизни ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ долзарб вазифаларни изчиллик билан самарали ҳал қилишда фаол иштирок этиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш имконини беради.

II боб. СУД–ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ

Яшаш ҳуқуқи дахлсиздир

Мустақиллик йилларида амалга оширилган ислоҳотлар самараси, қўлга киритилган ютуқлар ва истиқболдаги режалар хусусида ўзига хос сарҳисоб қилиб олиш асло фойдадан холи эмас. Биргина суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш билан боғлиқ кенг кўламли ишлар, уларнинг миллий давлатчилигимизни ривожлантиришнинг ҳозирги даврдаги аҳамияти тўғрисида узоқ сўз юритиш мумкин. Бироқ биз бу ўринда мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар хусусида тўхталишни лозим топдик.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг ташаббуси, теран, изчил ва оқилона сиёсатининг маҳсули ўлароқ, суд-ҳуқуқ тизимида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Улар ичида Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши билан боғлиқ масала муҳим ўрин тутади. Бу ҳақда Юртбошимизнинг Фармони қабул қилинганига бир йил тўлди.

Шу ўтган қисқа даврда Фармонда белгилаб қўйилган вазифаларни рўёбга чиқариш мақсадида босқичма-босқич тизимлаштирилган самарали ишлар амалга оширилди, десак, муболаға бўлмайди.

Айниқса, давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, нодавлат ташкилотлар, жумладан, сиёсий партиялар биргаликда аҳоли ўртасида ўлим жазосини бекор қилишнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш ишларини ташкил этаётгани, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази махсус сўровнома асосида аҳолининг фикрини ўрганиб, тадқиқот натижаларини

жамоатчилик эътиборига ҳавола қилаётгани, олимлар ва мутахассислар томонидан ўлим жазоси бекор қилинишига бағишланган кўплаб китоблар, рисолалар ва мақолалар чоп этилаётгани фикримизнинг исботидир.

Ўзбекистонда ўлим жазосини бекор қилиш билан боғлиқ сиёсатни хорижий давлатлар, жумладан, Европадаги етакчи давлатлар ҳисобланган Германия, Франция, Бельгия ва бошқа мамлакатлар олимлари, мутахассислари қўллаб-қувватлаб, юксак баҳоламоқда.

Мисол учун айтсак, Германиядаги «ALIVE» ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилоти бошқаруви раиси Петра Херманнининг таъкидлашича, ўлим жазосини бекор қилиш ҳуқуқий давлат ва ривожланган жамиятнинг ривожланган таркибий қисми ҳисобланиши, шунинг учун ҳам Ўзбекистон раҳбариятининг ўлим жазосини жиноий жазо сифатида бекор қилиш борасидаги қатъий қадам ташлагани халқаро миқёсда эътироф этилган тамойил ва меъёрларни нафақат тан олиш, балки уларга содиқ эканидан далолатдир.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, ўлим жазоси кишилик жамиятининг барча босқичлари ва ижтимоий тузумларида, яъни ибтидоий жамоа тузумидан бошлаб то ахборот ҳамда интеллектуал ривожланиш асри ҳисобланган ҳозирги даврда ҳам энг оғир жазо ҳисобланади. Одамлар тўда-тўда шаклда бир уруғ бўлиб яшаган замонда ҳам, кейинчалик ижтимоий турмуш тарзи юксалиши натижасида уруғлар бирлашиб, қабилалар сифатида кун кечиришган кезларда ҳам бир-бирини ўлдириш билан боғлиқ воқеалар содир этилганида қабиладошини ўлдирган одамдан қасос олиши расм бўлган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўлим жазоси жазо тизимига киритилган чоғларданоқ, унинг шафқатсизлиги сабабли амалиётда уни қўллаш ёки бекор қилиш тўғрисида турли баҳс-мунозаралар ва тортишувлар юзага келган. Бу масала ҳозирда ҳам узил-кесил ечимини

топмаган десак, асло хато эмас. Бу ўринда манбалардан бирида ўлим жазосини қўллаш билан боғлиқ муҳокама жараёни тўғрисида баён қилинган қуйидаги мисолни келтириб ўтиш жоиз. Унда ёзилишича, қадимги тарихда Пелопон жанги деб ном олган греклар ва афиналикларнинг ўзаро урушидан сўнг афиналиклар сотқинлик қилиб ўзларига ўтган грекларни (Митилена шаҳри) қатл этиш, уларнинг хотин ва болаларини эса қул қилиш керак, деган масалани халқ мажлисида (қонун қабул қилувчи кенгаш) муҳокама этган.

Муҳокамада ўлим жазосини қўллаш тўғрисида икки хил фикр билдирилган. Бир гуруҳ одамлар бу жазони қўллашни ёқлаган бўлса, бошқалар унга қарши чиқишган. Айниқса, афиналик файласуф Диодот ўлим ўта қаттиқ жазо экани, уни амалда қўллаш жиноятчиликнинг камайишига олиб келмагани, яъни у ижобий самара бермаганини ўша давр амалиётидаги аниқ мисоллар ёрдамида мажлис иштирокчиларига тушунтира олади. Натижада ушбу масала овозга қўйилиб, иштирокчилар ўлим жазосини қўллашга қарши овоз беришади. Бундан кўриниб турибдики, ўша замондаёқ ўлим жазосидан воз кечилган. Аммо кейинчалик давлатларнинг жиноятчиликка қарши кураш фаолиятидаги умумий қонуниятлардан кўра ўзига хос ривожланиш тамойиллари устунлик қилиши оқибатида ўлим жазосидан фойдаланиш қонунлаштирилган. Масалан, қадимги Бобил давлатида яратилган Хаммурапи қонунларида «жонга жон, тишга тиш» тамойили акс эттирилган. Бу жазо талион, яъни тенг жазо деб аталган. Бунда етказилган зарар миқдорида жиноятчининг ўзига ҳам айнан шу тур ёки миқдорда шикаст ёки зарар етказиш, деган қоидага амал қилинган. Қасос олиш айрим диний таълимотларда, жумладан, ислом таълимотида ҳам мавжуд бўлган. Хусусан, мусулмон ҳуқуқидаги тенг жазо унгача бўлган даврдаги талиондан фарқ қилади. Илгари тенг жазога нафақат жиноятчи, балки у билан бирга унинг яқинлари ҳам тортилган бўлса,

шариатда бу жазо фақат жиноятчининг ўзига нисбатан қўлланилган. Бу ҳозирда жиноят ҳуқуқидаги жазони алоҳида (индивидуал) қўллаш тамойилига мутаносибдир. Бундан ташқари, мусулмон ҳуқуқидаги қасос олиш мазмун-моҳияти жиҳатидан исломгача бўлган таълимотлардан тубдан фарқ қилади. Жумладан, Қуръони каримнинг «Бақара» сураси 178-оятида «Сизларга ўлдирилган кишилар учун қасос олиш фарз қилинди: озод киши муқобилига озод кишидан, қул учун қулдан, аёл учун аёлдан. Биродари томонидан афв этилса (хун тўлашга рози бўлинса), у ҳолда яхшилик билан бўйинсуниш ва хунини яхшилаб тўлаш (зарурдир).

Бу (ҳукм) Роббингиз томонидан енгиллик ва марҳаматдир» дейилган. Мазкур оят мазмунидан жиноятчига нисбатан ўлим жазоси қўллашдан кўра уни афв этиш, яъни бошқа енгилроқ жазо — хун ёки товон тўлаш мажбуриятини юклашни Оллоҳнинг ўзи ихтиёр этган, деган маънони англаш қийин эмас.

Бу борада хорижий давлатлар тажрибасига назар ташласак, ўрта асрларда ўлим жазоси асосий жазо тариқасида аксарият жиноятлар учун қўлланилганига гувоҳ бўлиш мумкин. Мисол учун айтадиган бўлсак, Германияда Карл V даврида 100 минг нафар, Англияда Генрих VIII томонидан 70 минг нафар, Нидерланияда Филипп II томонидан 18 минг нафар кишига ўлим жазоси белгиланган. Россия тарихида Иван Грозний деб ном олган Иван IV даврида (1550 йил) қабул қилинган «Суд» ҳужжатида 60 турдаги жиноятларга ўлим жазоси кўзда тутилган.

Ўзбекистонда ўлим жазосини бекор қилиш хусусида сўз юритганда, бу масаланинг икки муҳим, яъни ҳуқуқий ва сиёсий жиҳатларига алоҳида тўхталиш жоиз. Ўлим жазосини бекор қилишнинг ҳуқуқий асослари сифатида инсон ҳаёти бузилмас ва ҳеч қандай куч билан ажратилмас бойлик; бу жазо жиноятга мойил инсонларни жазолаш ва жиноятчиликнинг олдини олишга асос бўла

олмайди; ўлим жазосини қўллашда хатога йўл қўйиш тузатиб бўлмайдиган оқибатга олиб келиши мумкин; ўлим жазосининг Жиноят кодексида мавжудлиги маҳкумни тузатиш каби жазолаш мақсадини йўққа чиқаради, деган хулосаларни баён этиш мумкин.

Ўлим жазосидан воз кечишнинг сиёсий омиллари эса Ўзбекистон истиқлол йилларида барча соҳаларда амалга оширилган изчил ислоҳотлар натижасида мутлақо янги мазмун-моҳият билан бойиган фуқаролик жамияти барпо этилаётгани, айниқса, ислоҳотларни чуқурлаштириш борасидаги саъй-ҳаракатлар барча соҳаларни, жумладан, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий жабҳаларни қамраб олгани билан боғлиқ. Булар ёшларимизнинг онги, тафаккури ва дунёқарашининг сезиларли даражада ижобий томонга ўзгаргани, ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айлангани, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқаришига кенг имконият яратилганида яққол ўз ифодасини топди. 2006 йилнинг май-июнь ойида бўлиб ўтган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови билан боғлиқ жараёнлар ҳам бу фикримизни тўлиқ исботлади.

Ўлим жазоси тўғрисида фикр юритганда, ўтган асрнинг 30—50-йилларида собиқ шўро тузумининг тоталитар ҳуқуқ тизимида ҳам бу жазонинг сақлангани, 20 миллион нафар кишининг «қатағон қурбонлари»га айланганини эсга олиш жоиз. 80-йиллардаги «пахта иши», «ўзбеклар иши» баҳонасида ўлим жазосига маҳкум қилинган юртдошларимизнинг Президентимиз Ислом Каримовнинг мардонавор саъй-ҳаракатлари туфайли оқланганги ҳам тарихий ҳақиқатдир.

XX асрнинг иккинчи ярмида инсоният цивилизациясининг янги даври бошланиб, инсон ҳуқуқлари ва шахс эркинлиги, жумладан, ҳар бир шахснинг яшаш ҳуқуқи олий қадрият сифатида эътироф этилди. Хусусан, БМТ томонидан қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»нинг 3-моддасида

ҳар бир инсоннинг яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига эгалиги белгиланган бўлса, «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт»да яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқи экани кафолатланади, дейилган.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, Ўзбекистонда ўлим жазосини бекор қилишда Конституциямиздаги «...инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади» (13-модда), «яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир» (24-модда), «давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди» (43-модда) каби меъёрлар асосий мезон ҳисобланади.

Мамлакатимиз моҳият жиҳатдан ҳуқуқий давлат, мазмунан фуқаролик жамият қуриш йўлини танлади. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятида эса қонун устуворлигидан кўра қонун ҳукмронлиги муҳим аҳамиятга эга. Қабул қилинган қонунларни амалда қўллашда барча — юридик ёки жисмоний шахсларнинг қонунлардаги меъёрларга риоя қилишини таъминлашга эришилгандагина жамиятда шахснинг эркинлигига дахлдор ҳуқуқлари рўёбга чиқади. Шу боис мустақиллик йилларида юртимизда амалга оширилган ислоҳотлар замирида ҳам айнан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шахснинг эркинлигини таъминлаш билан боғлиқ қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни умумэътироф этилган халқаро демократик меъёрларга мослаштиришга йўналтирилган. Шу нуқтаи назардан ёндашганда, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш жараёнида босқичма-босқич тамойили асосида жиноий жазо тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташланаётганини эътироф этиш жоиз.

Фикримиз исботи тариқасида айтадиган бўлсак, 1995 йилгача амал қилинган Жиноят кодексида 33 та жиноятга ўлим жазоси кўзда тутилган эди. Кейинги Жиноят

кодексида эса 13 таси сақлаб қолинди, яъни 20 та турдаги жиноятдан ўлим жазоси олиб ташланди. Аёллар, олтмиш ёшдан ошган эркаклар ва вояга етмаганларга нисбатан бу жазо қўлланилмайди. Шунингдек, ўлим жазоси афв этиш тартибида йигирма беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилиши мумкин (ЖКнинг 51-моддаси). Жиноятга оид қонунчиликни эркинлаштириш ва инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштириш масаласини муҳокама қилиш чоғида Президентимиз Ислом Каримов «ҳуқуқий доктринамиз мутлақо янгича, демократик тамойилларига асосланган бўлишини, қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, фуқароларни қонунга бўйсуниш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш чинакам демократик, ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришнинг нафақат мақсади, балки унинг воситаси, энг муҳим шарти ҳисобланишини» алоҳида таъкидлаган эди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари жиноий жазоларни либераллаштиришдан кўзланган яна бир мақсад — ўлим жазоси кўзда тутилган жиноятларни қисқартириш тўғрисида шундай фикр билдирган эди: «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1977 йил 8 декабрда қабул қилинган резолюциясида «ўлим жазоси» масаласида кўзда тутиладиган асосий мақсад — бундай жазони бекор қилиш эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда ўлим жазоси қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар миқдорини янада камайтириб боришдан иборат бўлмоғи лозим». Ана шу устувор вазифадан келиб чиқиб 1998 йилда Жиноят кодексидаги бешта моддадан ўлим жазоси олиб ташланди. 2001 йилда яна тўртта моддадаги жазо қисқартирилди. 2004 йилда эса бу жазо бор-йўғи иккита, яъни айбни оғирлаштирувчи ҳолатда қасддан одам ўлдириш ва терроризм жиноятлари учун татбиқ этиладиган бўлди. Булар мамлакатимизнинг халқаро ҳуқуқ

субъекти сифатида халқаро ҳужжатларга зикр этилган мажбуриятларни сўзсиз бажаришга интилаётганининг амалдаги исботидир. Шу маънода Президентимиз Ислом Каримовнинг ўлим жазосидан мутлақо воз кечиш ҳақида билдирган таклифи тўлиқ асосга эга. Биринчидан, Жиноят кодексининг 42-моддасида жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятини давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек, бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланиши белгиланган. Ўлим жазоси қўлланганда эса «маҳкумни ахлоқ тузатиш мумкин», деган жазонинг асосий мақсади ўз-ўзидан йўққа чиқади. Бошқача айтганда, жазонинг мақсади маҳкумни ахлоқан тузатиш эмас, ундан қасос олишга айланади. Бу эса жамиятдагилар онгида инсон ҳаёти — олий қадрият, деган тушунча қасддан ўлдириш орқали топталади, деган тасаввурни пайдо қилади. Иккинчидан, ўлим жазосининг сақланганлиги жамият аъзоларининг атрофида рўй бераётган хавфли воқеликларга бефарқлигидан дарак беради. Фикримизча, эркин ҳаёт кечиришни, оддийроқ қилиб айтганда, Европа, Осиёдаги ривожланган давлатлар, жумладан, Россия Федерацияси, Япония ва бошқа давлатлардаги каби фаровонликка, юқори турмуш даражасига тезроқ эришишни истаган, жамиятнинг барча соҳаларида руҳий, маънавий, жисмоний жиҳатдан соғлом ва мўътадил муҳит яратиш ҳаётий воқеликка айланишини хоҳловчи жамият аъзоларининг диққат-эътибори, куч-ғайрати ҳар қандай жиноятларга, жумладан, ўлим жазоси қўлланадиган жиноятларнинг олдини олишга қаратилган бўлиши керак. Ҳолбуки, инсон ҳаётига тажовуз қилиш бир томонлама, фақат жамият аъзоларига эмас, балки давлат учун ҳам узил-кесил тақиқланган бўлиши шарт. Акс ҳолда инсон ҳаёти мутлақ дахлсиздир, деган муҳим жамият ахлоқ-одоби қоидаларига путур етади.

Ана шу тамойилдан келиб чиқиб, ҳозирги кунда жаҳондаги 100 га яқин давлатларнинг қонунчилигида ўлим

жазоси бекор қилинган. Жумладан, Швеция ва Финляндия 1972 йилда, Германия 1949 йилда, Франция 1981 йилда, 1990 йиллардан бошлаб Ирландия, Венгрия, Руминия, Чехия, Словакия, Швейцария, Греция, Польша, Молдова, Италия, Испания давлатлари ўлим жазосидан воз кечган. Бундан ташқари, 30 дан ортиқ давлатларнинг қонунчилигида ўлим жазоси мавжуд бўлса-да, амалиётда қўлланилмайди.

Шу ўринда, Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўлим жазосини бекор қилиш ўта мураккаб масала бўлиб, чуқур ва ҳар томонлама ўрганишни, биринчи навбатда аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш лозим, чунки бугунги кунда уларнинг кўпчилиги ўлим жазосининг бекор қилинишига қарши» деган фикрига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Нега деганда, ўлим жазосини бекор қилиш масаласини аҳолига тушунтириш жараёни бир неча босқични ўз ичига олиши мумкин. Ўлим жазосини бекор қилиш билан боғлиқ масала нафақат ҳуқуқшунос олимлар, мутахассислар, шунингдек, сиёсатшунос, диншунос, психолог, тарихшунос ва бошқа соҳа олимларининг биргаликдаги саъй-ҳаракатини тақозо этади. Фикримизча, аҳолига бу борада тушунтириш ишларини амалга оширишда дастлаб турли соҳа вакилларини жалб этган ҳолда кенг кўламли ташкилий—ҳуқуқий-маърифий ишлар билан боғлиқ тадбирлар дастури ишлаб чиқилиши лозим.

Ўта оғир жиноят содир этган (айбни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш, терроризм) маҳкумларга ўлим жазоси ўрнига умрбод озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинлаш билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий масалани ҳал этишга навбат етганида, Жиноят кодекси, Жиноят ижроия кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш юзасидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга субъект томонидан тайёрланган қонун лойиҳасини Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига киритиш орқали муҳокама қилинади. Кейин

эса Сенатда маъқулланиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланганидан сўнг қонуний ҳал этилган бўлади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўлим жазоси ўрнига суд томонидан умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган маҳбуслар жазони алоҳида колонияда ўташи лозим бўлгани сабабли уларни сақлаш билан боғлиқ жазони ўташ муассасасини қуриб битказиш учун бюджетдан тегишли маблағ ажратилиши ва бинони тайёрлаш ҳам маълум муддат талаб этади. Шу сабабли ҳам давлатимиз раҳбари ўлим жазосини бекор қилиш билан боғлиқ барча ташкилий-ҳуқуқий жараёнлар 2-3 йил ичида амалга ошиши мумкинлигини билдирди.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, инсон ҳаёти дунёдаги энг олий қадрият ҳисобланади. Зеро, ҳаёт ҳар бир инсонга бир маротаба берилади, шунинг учун ҳам ундан инсонни маҳрум этишга ҳеч ким қодир эмас, деган тушунчани барчанинг онгига сингдириш пайти етиб келди. Шу боис барча ислоҳотлар ва қонунлар инсон манфаатларига хизмат қилишини назарда тутсак, ўлим жазосининг жазо тизимидан олиб ташланиши ҳар томонлама адолатлидир. Зотан, жазонинг асосий мақсади шахсга жавобгарликнинг муқаррар эканини англатишдан иборат.

Шахсий дахлсизлик кафолати

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар жамиятни тубдан янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва демократлаштиришга йўналтирилгани, яъни кенг кўлами ва самарадорлиги билан улкан ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этмоқда.

Ҳуқуқий давлат барпо этиш концепцияси асосида барча ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий меъёрлар ёрдамида тартибга солиниши, меъёрий-ҳуқуқий тизимда ҳуқуқнинг устуворлиги ортиб бориши, инсон ҳуқуқлари, демократия ва инсонпарварлик масаласи устувор аҳамият касб этиши, умуминсоний қадриятларнинг айрим гуруҳлар манфаатидан устун қўйилиши, шунингдек, халқаро муносабатларда интеграциянинг ривожланиши натижасида миллий ҳуқуқ тизимини дунё андозаларига мослаштириш ва уйғунлаштириш заруриятининг пайдо бўлиши — бир сўз билан ифодалаганда, қонун устуворлигига эришиш учун миллий қонунлардаги меъёрларнинг халқаро ҳуқуқ меъёрлари билан бир хиллигига эришиш лозим, деган ғоя мужассамдир. Умуман олганда, ҳуқуқий давлат концепциясида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини самарали ҳимоялаш, демократик институтларни кучайтириш ва кенгайтириш орқали фуқаролик жамиятини ривожлантириш, ҳуқуқий меъёрлардан жамиятни бошқариш ва тартибга солишда асосий восита сифатида янада кенгроқ фойдаланишга алоҳида эътибор берилади. Мамлакатимизда бу концепцияга ўзига хослик, яъни тараққиётнинг ўзбек модели тамойилларига нечоғлиқ мос келиши, шунингдек, жамият аъзоларининг дунёқараши, тафаккур тарзини ўзгариш ёки янгиликка тайёрлаш нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда ёндашилмоқда.

Мамлакатимизда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш концепцияси давлат қурилиши ҳамда

сиёсатининг асосий ўзагига айланди. Президентимиз Ислом Каримов дунёнинг ривожланаётган давлатлари сингари давлат ва жамиятда ҳар бир инсоннинг эркинлигини таъминловчи ҳуқуқий меъёрларнинг ҳукмрон бўлиши ҳамда одил судловни амалга оширувчи суд ҳокимияти мустақиллигини янада мустаҳкамлашга эришиш учун узлуксиз равишда босқичма-босқич ислоҳотларни амалга ошириш ташаббусини қўллаб-қувватлаб, ислоҳотларнинг самарасини таъминлаш билан бевосита боғлиқ асосий йўналишлар ва вазифалар юзасидан энг муҳим ғоялар, таклифлар ва фикрларни илгари суриб келмоқда. Қувонарлиси шундаки, бошқа соҳаларда бўлгани каби суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар ҳам янги поғонага кўтарилмоқда. Энг муҳими, суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган ислоҳотлар шошмашошарликдан холи бўлиб, бири иккинчисини тўлдириб бораётгани, соҳадаги муаммолар чуқур ўрганилаётгани ва таҳлил қилинаётгани, айниқса, инсон ҳуқуқларини амалда ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалалар узоқни кўзлаган ҳолда тадрижийлик асосида ҳал этилаётгани билан эътиборни ўзига жалб этмоқда.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25- ва 44-моддаларида баён этилган «ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас»», «ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шиқоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади» деган конституциявий қоидаларни эсга олиш жоиз. Мазкур қоидалар «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»даги «ҳеч ким асоссиз қамалиши, ушланиши мумкин эмас» ёки «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт»даги «ҳар бир инсон озодлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким

ўзбошимчалик билан ҳибсга олиниши ёки ҳибсда сақланиши мумкин эмас. Қамоққа олиниши ёки ҳибсда ушланиб турилиши туфайли озодликдан маҳрум этилган ҳар бир шахс ўз ишининг судда кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга, токи суд дарҳол унинг ушланиши қанчалик қонуний эканлиги борасида қарор чиқара олсин ва агар унинг ушланиши ноқонуний бўлса, озод қилиш ҳақида фармойиш бера олсин», деган қоидаларга тўлиқ мутаносибдир.

Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган бу каби қоидаларини миллий қонун ҳужжатларида акс эттиришга доимо катта эътибор бериб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 августда қабул қилинган «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармони замирида ҳам айнан шундай мазмун-моҳият мужассамлашган. Ушбу Фармон суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичидаги муҳим вазифалардан бири бўлган қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказишни амалиётга жорий этишнинг ҳуқуқий асоси бўлиши баробарида суд ҳокимияти мустақиллигини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

«Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунни тайёрлаш муайян муддатни талаб этди. Чунки шахсни қамоққа олишда суд томонидан санкция бериш институти суд амалиётида муҳим янгилик ҳисобланади. Аниқроқ айтганда, бу борада ҳали амалий тажрибага эга эмасмиз. Шунинг учун ҳам бу жараённи бир маромда, имкон қадар камчиликларсиз амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Олий суд, Бош прокуратура, Адлия, Ташқи ишлар, Ички ишлар вазирликлари, МХХ тергов

бўлинмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек халқаро ташкилотлар, Ўзбекистонга хайрихоҳ хорижий давлатларнинг ҳукуматга қаралли ёки ноҳукумат ташкилотлари билан ҳамкорликда бир қанча амалий ишлар ва тадбирларни ўтказишга тўғри келди.

Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги саъй-ҳаракати билан БМТ ва унинг минтақавий ташкилотлари, Осиёдаги Хитой, Япония, Корея Республикаси, Малайзия, Индонезия, Европа Иттифоқига аъзо бўлган Германия, Франция, Италия, Греция, Бельгия, Буюк Британия, шунингдек, АҚШ, Россия Федерацияси, Қозоғистон, Озарбойжон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон Республикалари сиёсатшунослари, давлат ва жамоат ташкилотлари, ОАВ вакиллари иштирокида Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистонда ўлим жазосини бекор қилиш» ҳамда «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш» билан боғлиқ фармонлари мазмун-моҳиятини тушунтиришга бағишлаб ўтказилган учрашув, брифинг, конференция ва давра суҳбатларида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш борасида амалга оширилаётган туб демократик ўзгаришлар хорижлик ҳамкорларимиз ва шерикларимиз томонидан зўр қизиқиш билан ўрганилди ҳамда қўллаб-қувватланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, қамоққа олишга санкция бериш ваколатини судларга ўтказиш билан боғлиқ масалани ҳал этишда қатор хорижий давлатлар, жумладан, Россия Федерацияси, Германия, Франция ва бошқа мамлакатларнинг қонунчилик тажрибалари чуқур ўрганилиб, илмий ва амалий асосда таҳлил қилинди. Энг асосийси, улар мамлакатимиз прокурор-тергов амалиётида тўпланган тажрибалар билан уйғунлаштирилди.

Хорижий мутахассис ва олимларнинг мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларга нисбатан билдираётган бундай эътибор ва хайрихоҳлиги

жаҳон сиёсати майдонида давлатимиз нуфузини янада ортириши шубҳасиз.

Олий суд ва ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан ўтган икки ярим йил давомида Ўзбекистонда ўлим жазосини бекор қилиш ҳамда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш юзасидан юзга яқин конференциялар, икки юзга яқин семинарлар ва давра суҳбатлари ўтказилиб, ушбу масалалар мутахассислар ва олимлар иштирокида батафсил муҳокама қилинди. Шунингдек, бу борада мингга яқин мақолалар чоп этилгани, кўплаб телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар тайёрланганини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Бир сўз билан айтганда, судгача иш юритиш босқичида инсонни конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиш, унинг дахлсизлигини таъминлаш борасида қўшимча кафолатларни белгиловчи мазкур Қонунни қабул қилишга ўз вақтида пухта тайёргарлик кўрилди.

Яна шуни ҳам қайд этиш жоизки, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази томонидан «Фуқароларнинг ўлим жазосига муносабати» ва «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши» мавзуида республиканинг барча минтақаларини қамраб олган аҳолининг турли қатламлари орасида 2005—2007 йилнинг ўтган беш ойи давомида бир неча маротаба социологик сўров ўтказилди.

Сўров натижалари йилдан-йилга ўлим жазосини бекор қилиш тарафдорлари кўпайганини кўрсатади. Масалан, 2005 йилда бу борадаги кўрсаткич 21,8 фоизга тенг бўлган бўлса, 2007 йилда 90,3 фоизга ўсган. Шунингдек, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказишни ижобий деб баҳолаганлар 55 фоиздан (2006 йил) 80 фоизгача (2007 йил) кўпайган. Бу ҳолни мазкур масала юзасидан қабул қилинган давлат раҳбари Фармонларининг моҳиятини аҳоли ўртасида тарғиб-ташвиқ қилиш билан боғлиқ мақсадли ишлар амалга оширилгани билан изоҳлаш мумкин.

Мазкур Қонунни қабул қилишдан кўзланган мақсад «Прокуратура тўғрисида»ги, «Судлар тўғрисида»ги қонунлар ҳамда Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш орқали «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Президент Фармонида белгилаб берилган вазифаларни амалиётда қўллаш имкониятини яратиш, яъни мазкур масала юзасидан ҳуқуқий механизм яратилишига эришишдир.

Авваламбор, Жиноят-процессуал кодексидаги эҳтиёт чораси сифатидаги қамоққа олиш ҳақида сўз юритишдан олдин эҳтиёт чораси тушунчасига қисқача тўхталишни жоиз деб ҳисоблаймиз. Жиноят-процессуал кодексининг 237-моддасида эҳтиёт чораларининг бир нечта тури белгиланган. Муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат; шахсий кафиллик, жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг кафиллиги, гаров, вояга етмаганларни кузатув остига олиш учун топшириш; ҳарбий хизматчининг хулқ-атвори устидан қўмондонлик кузатуви ва ниҳоят, қамоққа олиш ана шундай чоралар сирасига киради.

Эҳтиёт чораларининг турличалиги ҳисобга олинган ҳолда «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Президент Фармонининг 1-банд, иккинчи хатбошида «эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш қонунда белгиланган бошқа эҳтиёт чораларини қўллаш самарасиз бўлган алоҳида ҳолатларда» суд томонидан қўлланилиши белгиланган.

Умуман олганда, Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ (236-модда) эҳтиёт чораси айбланувчи ёки судланувчиларга нисбатан қўлланилади, аммо мазкур Қонуннинг 3-моддаси бешинчи бандига асосан, «алоҳида ҳолларда ушлаб турилган гумон қилинувчига нисбатан суд томонидан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилиши мумкин. Бу ҳолда гумон қилинувчига у ушланган кундан бошлаб ўн кун ичида айб эълон қилиниши лозим. Акс ҳолда эҳтиёт чораси бекор қилиниб, шахс қамоқдан озод қилинади».

Шу ўринда қайд этиш жоизки, 2001 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб Ўзбекистонда жиноий жазоларнинг либераллаштирилгани, айниқса, Жиноят кодексининг махсус қисмида жиноятлар таснифи ўзгартирилиб, оғир ёки ўта оғир жиноятлар бор-йўғи 24 фоизни ташкил этгани сабабли прокурорлар томонидан қамоққа олиш туридаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳам йилдан-йилга камайиб бормоқда. Фикримизни рақамларда ифодаласак, 2002 йилда жами эҳтиёт чоралари қўлланилган айбланувчиларнинг 26 фоизи (68974 нафар шахсдан 18131 нафарига)га нисбатан қамоққа олиш тўғрисидаги эҳтиёт чораси қўлланилган бўлса, 2006 йилда бу кўрсаткич 18,5 фоизни (71149 нафар — 13205 нафар) ташкил этган. Ушбу кўрсаткич 2007 йилнинг биринчи ярим йилида 14 фоизга тенг бўлди.

Энди бу борада амалга оширилган ишларнинг натижасига тўхталадиган бўлсак, «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш ва айбсизлик презумпцияси акс этган 10-модданинг биринчи қисмига ўзгартиш киритилиб, «ҳеч ким суд қарорига асосланмаган ҳолда қамоққа олиниши мумкин эмас» деган янги — учинчи қисм билан тўлдирилди. Шунингдек, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг ваколатларига «қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномаларни кўриш» ҳам кириши белгилаб қўйилди.

Энг муҳими, Қонуннинг 3-моддасида Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш (18-модданинг иккинчи қисми), суднинг ваколатлари (29-модданинг биринчи қисми), терговчининг ваколатлари (36-модданинг биринчи қисми), процессуал мажбурлов чораси қўлланилгани ҳақида хабар қилиш (217-модданинг биринчи қисми), ушлаб туриш муддати (226-модданинг биринчи қисми ҳамда учинчи қисмининг

биринчи жумласи), ушлаб турилганларни озод қилиш асослари ва тартиби (234-модда биринчи ва тўртинчи қисмлари), эҳтиёт чораси қўлланилиши мумкин бўлган шахслар (239-модданинг иккинчи қисми), эҳтиёт чорасини қўллаш, бекор қилиш, ўзгартириш тўғрисидаги қарор ёки ажрим (240-модда иккинчи қисми) билан боғлиқ қоидалари тегишлича ўзгартирилиб, янги таҳрирда баён қилинди. Мазкур модданинг 10-бандида Жиноят-процессуал кодексининг 241—243, 247-моддалари, яъни эҳтиёт чоралари устидан шикоят бериш, қамоққа олиш ва эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни қўллаш тартиби, қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тартиби назарда тутилган тўртта модда янги таҳрирда баён этилган. Уларга кўра прокурорнинг ёки прокурор розилиги билан терговчининг гумон қилинувчи ёки айбланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги илтимоснома туман (шаҳар) суди, округ, ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси томонидан якка тартибда кўрилади. Суд мажлиси ёпиқ тарзда ўтказилади. Материаллар судга келиб тушганидан сўнг судья уни ўн икки соатдан кечиктирмасдан кўриб чиқади. Жиноят-процессуал кодексининг 226-моддасига биноан, шахсни ушлаб туриш муддати 72 соат, яъни уч сутка бўлиб, судга фақат прокурор (терговчи прокурор орқали) қамоққа олишга санкция бериш тўғрисидаги қарор билан мурожаат этади. Судда прокурор, агар ишда ҳимоячи қатнашаётган бўлса — адвокат, ушлаб турилган гумон қилинувчи ёки айбланувчи иштирок этади. Зарур ҳолларда судга терговчи чақирилади. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш прокурорнинг маърузаси билан бошланади. Сўнгра гумон қилинувчи ёки айбланувчи, ҳимоячи, судда ҳозир бўлган бошқа шахсларнинг кўрсатмалари эшитилади, материалларни ўрганиб, судья қамоққа олиш ёки қамоққа олишни рад этиш ёхуд тарафларга яна қўшимча қирқ саккиз соатдан кўп бўлмаган муддатда

қўшимча далиллар тақдим этиш имкони берилгани ҳақида ажрим қабул қилади.

Судьянинг ажрими устидан ҳимоячи, гумон қилинувчи ёки айбланувчи уч кун ичида шу суд орқали юқори судга, яъни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ёки Республика ҳарбий судига апелляция тарзида шикоят билан, прокурор эса протест билан мурожаат қилиши мумкин. Шикоят берилган ёки протест киритилганда, ишни кўрган суд йигирма тўрт соат ичида материалларни тегишли юқори турувчи судга юбориши керак. Апелляция босқичида протест ёки шикоят уч нафар судья томонидан кўриб чиқилади. Худди шундай тартибда айбланувчини қамоқда сақлаш муддатлари прокурорнинг илтимосномаси баён қилинган қарори, яъни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва унга тенглаштирилган прокурорларнинг илтимосномасига биноан 5 ойгача, Бош прокурор ўринбосарининг илтимосномасига биноан 7 ойгача, Бош прокурорнинг илтимосномасига биноан 9 ойгача ёки алоҳида мураккаб ишлар юзасидан бир йилгача туман (шаҳар) судлари томонидан узайтирилади. Муддатни яна узайтиришга йўл қўйилмайди.

Жиноят-процессуал кодексининг 240-моддаси иккинчи қисмида «судгача иш юритиш босқичида қўлланилган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси шахсни бундан кейин қамоқда сақлаш учун асослар мавжуд бўлмаганда прокурор томонидан, шунингдек, прокурорнинг розилиги билан терговчи томонидан судни албатта хабардор этган ҳолда бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин» деб баён этилмоқда.

Мазкур Қонун 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб кучга кириши белгилангани Олий суд, Бош прокуратура, ИИВ ва МХХга идоравий-ҳуқуқий ҳужжатларни қонунга тўлиқ мослаштириш, шунингдек, судьялар, прокурорлар,

терговчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш каби бир қанча ташкилий тадбирларни охирига етказишга имкон берди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари, хусусан, шахсий дахлсизлик Конституциямиз асосида қонуний кафолатланган. Зеро, жамиятимизда амалга оширилаётган ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад инсон манфаатларини рўёбга чиқаришдир.

Мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотлари

Мамлакатимиз мустақилликка эришиб, жаҳон харитасидан алоҳида давлат сифатида ўрин эгаллаганига 16 йил тўлди. Ҳеч шубҳасиз, ўтган давр мамлакатимиз тараққиёти учун туб бурилиш, ўзига хослик асосида илдамлаш, миллий давлатчилигимизнинг эса ривожланган давлатлардаги каби фаровонликка эришиш, муҳими, демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш каби эзгу мақсадларни амалга оширишга қаратилди.

Албатта, ўтган даврда эришган ютуқларимиз осонликча қўлга киритилгани йўқ, аксинча, маълум бир қийинчиликлар, қарама-қаршиликларни енгиб ўтиш, узоқни кўзлаб, оқилона йўл тутишга тўғри келди. Аниқроқ айтганда, муҳтарам Юртбошимиз Ислом Каримовнинг оқилона изчил сиёсати халқимизни турли таҳдид, найранглар, бўҳтонлар, туҳматлар, бир неча маротаба террорчилик хуружларидан эсон-омон сақлаб қолди ҳамда тараққиётнинг янги босқичларига олиб чиқди.

Мамлакатимизда барпо этилаётган ҳуқуқий — демократик андозаларга тўла мос ҳуқуқий давлатда барча соҳаларни баб-баравар, бир текисда модернизациялаштириш борасида амалга оширилган ислоҳотлар ҳақида бирма-бир фикр юритиш узоқ вақт талаб қилади. Аммо шуниси қувонарлики, жамиятни ислоҳ қилиш тизимли, босқичма — босқич ва изчиллиги билан киши эътиборини жалб этади.

Айниқса, Юртбошимизнинг бевосита ташаббуслари, йўл-йўриқлари ва саъй-ҳаракатлари билан суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш жараёнида суд ҳокимиятининг мустақиллигини мустаҳкамлаш, ҳуқуқ-тартибот идораларининг жамиятда қонун устуворлигини таъминлашдаги аҳамияти ва таъсирчанлигини ошириш

борасида беқиёс, кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилганига ҳар биримиз гувоҳмиз. Бу жараёнда суд ва ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолияти билан боғлиқ қонун ҳужжатларининг доимий равишда такомиллашиб бораётгани жамиятнинг узлуксиз ривожланаётганидан дарак беради.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, бошқа соҳалардаги каби суд-ҳуқуқ тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг барчаси ўзаро бир-бирини тўлдирувчи, уйғун, тизимли тарзда йўлга қўйилган ва чамбарчас боғлиқ бўлиб, уларни боғлаб турувчи асосий мезон — инсон манфаатларидир.

Ўтган даврда юртимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этишнинг муҳим таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизимининг мутлақо янги концепцияси амалда жорий этилди. Жаҳон андозаларига мос Конституциявий суд ва хўжалик судлари ташкил этилди. Умумий юрисдикция судлари жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича ихтисослаштирилди. Судларда ишларни апелляция ва кассация тарзида кўриб чиқиш институтлари жорий этилди. Дастлабки тергов ва айбланувчиларни қамоқда сақлаш муддатлари сезиларли даражада қисқартирилди, ишларни судларда кўриб чиқишнинг аниқ муддатлари белгиланди.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, 2001 йилнинг 29 августида қабул қилинган «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан Жиноят кодексимизга инсонпарварлик принципини янада чуқур акс эттира олдик. Чунки мазкур Қонун билан Жиноят кодексидаги ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар 345 тани, яъни жами жиноятлар таркибининг 75 фоизини ташкил этмоқда.

Жиноий жазоларни либераллаштирилиши маҳкумларга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни кўпроқ қўллаш имконини яратди. Қолаверса, суд ҳукми билан бу тоифадаги жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахсларга белгиланган жазони ўташ даврида эркин ҳаракатланиб, манзил-колонияларида бўлиш имкони яратилди.

Шуни қайд этиш жоизки, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши натижасида судлар томонидан 2006 йилда жами 70 фоизга яқин судланганларга озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар қўлланилган.

Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичида ҳал этилган муҳим масалалардан яна бири Президент фармони ва қарорларига биноан тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилгани ҳамда уларнинг молиявий жавобгарлиги эркинлаштирилганлигидир. Шу муносабат билан 2005 йилнинг биринчи июлидан бошлаб тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари фақат суд тартибида қўлланилиши жорий этилди.

Биргина мисол, охирги 2 йил мобайнида хўжалик судлари томонидан тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашга оид 53 мингтадан ортиқ иш кўрилган бўлиб, шулардан 15 мингтадан ортиғи, яъни 29 фоизи ёки қарийб ҳар учта аризадан биттаси асоссиз бўлгани учун суднинг қарори билан рад этилган.

Бу кўрсаткич мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида асосий ўрин эгаллаган тадбиркорларнинг янада эркин ва самарали фаолият юритишига ҳуқуқий имконият яратилганлигидан ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари давлат томонидан қатъий ҳимоя қилинаётганлигидан далолат беради.

Кейинги йилларда жамиятда зарур ижтимоий муносабатларнинг вужудга келганлиги, ижтимоий-

иқтисодий, маънавий, ҳуқуқий асосларнинг яратилганлиги, фуқаролар сиёсий ва ҳуқуқий дунёқараши такомиллашгани, ўз навбатида, ўлим жазоси ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказиш тўғрисидаги қонунларнинг қабул қилиниши учун шарт-шароит яратди.

Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари, меъёрларига содиқ эканини, айниқса, ўзи тан олиб, ратификация қилган халқаро ҳужжатлар қоидаларини миллий қонун ҳужжатларимиз билан уйғун бўлишини таъминлаш мақсадида ўлим жазосини бекор қилиш ёки санкция бериш ваколатини судларга ўтказиш билан боғлиқ тарихий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилди.

Ўз навбатида бу тарихий-ҳуқуқий воқелик Ўзбекистонда жамиятни демократик ислоҳ этишда дадил қадам бўлди. Мазмун-моҳияти жиҳатидан миллий давлатчилигимизнинг бугунги ривожида муҳим ўрин эгаллаган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил август ойидан қабул қилинган ўлим жазосини бекор қилиш ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисидаги Фармонлари жиноят, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия кодекслари ҳамда қатор қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қонунларни қабул қилиш учун асос бўлди.

Мазкур қонунларни муҳим жиҳати шундаки, улар энг либерал ва инсонпарвар қонунлардир.

Хулоса қилиб айтганда, истиқлол йилларида жамият ва давлатда озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётга эришиш мақсадида тадрижийлик принципига таянган ҳолда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар босқичма-босқичлик ҳамда изчиллик хусусиятига эга бўлди. Ўтган давр мобайнида асрларга тенг амалий ишлар қилинди.

Инсонпарварлик – олий мезон

Инсон ҳаёти, қадр-қиммати, шаъни муқаддас. Шу маънода юртимизда инсоннинг ҳақ-ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳимоя қилиш, ҳуқуқий манфаатларини муҳофаза қилиш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Бунинг самараси ва жамиятни демократлаштиришдаги аҳамияти ҳақида аниқ ва лўнда фикр-мулоҳаза ва хулосалар Юртбошимизнинг Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг мустақиллигимизнинг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасида баён этилди.

Тарихан жуда қисқа давр ичида моҳияти жиҳатидан жуда катта ислоҳотлар амалга оширилди. Буни давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, икки даврни, яъни ўтиш (1991–2001 йиллар) ва жамиятни эркинлаштириш, мамлакатни модернизациялаш ҳамда демократик янгиланиш (2001–2007 йиллар) даврига бўлиб, таҳлил қилиб, мамлакатимиз тараққиётининг босқичма–босқич давом этаётганлигида кўриш мумкин. Бу даврлар ўз ичига бир неча босқични қамраб олган бўлиб, энг муҳими, Ўзбекистон деб аталмиш демократик давлатнинг барпо этилгани ҳар бир юртдошимизнинг кўнглида ғурур ва ифтихор уйғотди. Биз бу жараёнда ўзимизнинг ҳеч кимдан кам эмаслигимизни ҳамда кам бўлмаслигимизни тўла исботладик. Миллий давлатчилигимизнинг ҳуқуқий асоси ва пойдевори ҳисобланган Конституциямизда акс этган инсон ва фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш, қонун устуворлигига эришиш, фуқароларнинг қонун олдида тенглигини рўёбга чиқариш учун суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган ислоҳотлар бугунги кунда самара бераётганини тўла ишонч билан айта оламиз. Ўтиш даврида жамият ҳаётининг барча соҳаларини баб-баравар ислоҳ этиш

учун ҳуқуқий асос яратиш, айниқса, жаҳондаги ривожланган давлатлар каби суд ҳокимиятига эга бўлиш учун янги конституциявий суд ва хўжалик судлари ташкил этилди. Ўша пайтнинг ўзида умумий юрисдикция судларининг ихтисослашувига эътибор берилди. 2000 йилнинг январидан бошлаб фуқаролик ишлари бўйича туманлараро ҳамда жиноят ишлари бўйича туман-шаҳар судлари ташкил этилди. Судларнинг ихтисослашувидан кўзланган мақсад фуқаролик ва жиноят ишларини судларда кўриш сифатини ошириш, судьяларнинг профессионал жиҳатдан кучайишига имконият яратиш ва шу йўл билан фуқароларнинг суд қарорларига нисбатан ишончини оширишдан иборат эди. Бу ислоҳот тез орада ўзини оқлади.

Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш билан боғлиқ ислоҳотлар самараси ҳақида гапирганда, 2001 йилнинг 29 августидаги қонун билан Ўзбекистон Жиноят кодекси, Жиноят процессуал кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга киритилган қўшимча ва ўзгартишлар ҳақида алоҳида тўхталиш жоиз. Чунки бу айнан иккинчи даврнинг дастлабки ойларида қабул қилинди. Мазкур янгилик жамиятни эркинлаштириш ва ислоҳотларни янада чуқурлаштириш жараёнининг тезлашишига, натижада эса ислоҳотларни том маънода янгича мазмун-моҳият билан бойитишга сабаб бўлди. Жумладан, Ўзбекистонда жиноятчиликка қарши кураш сиёсати давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири деб баҳоланди. Бунда гап Жиноят кодексининг махсус қисмидаги жами жиноятларни тоифалашда янгича ёндашув, яъни, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар сафини кенгайтириш, шунга ўхшаш унча оғир бўлмаган жиноятлар сонини оғир жиноятлар ҳисобидан кўпайтириш ҳақида бормоқда. Бир сўз билан айтганда, Жиноят кодексидаги ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар жами жиноятларнинг қарийб 75 фоизига етказилди. Оғир ва ўта оғир жиноятлар

бор-йўғи 25 фоизни ташкил этмоқда. Бунда яна бир нечта янгилик жорий этилди. Жумладан, иқтисодий ва мулкий жиноятларни содир этган шахсларга агар улар қилмишларидан пушаймон бўлиб етказилган зарарни тўла миқдорда қоплашса озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаш қонунда белгилаб қўйилди. Аёллар ва 60 ёшдан ошган эркаклар озодликдан маҳрум қилинганда улар содир этган жиноят учун назарда тутилган жазо миқдорининг тўртдан уч қисмидан ортиқ бўлмаслигига инсонпарварликнинг намунаси сифатида қаралмоғи даркор.

Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишда одил судловни амалга ошириш жараёнининг иштирокчиси ҳисобланган адвокат ва давлат айбловчиси бўлмиш прокурорнинг суд муҳокамасидаги тенглигини ҳамда уларнинг тортишув принципини тўлақонли амалга оширишдаги роли ва таъсирини кучайтиришга қаратилган ҳуқуқий механизм қайта кўриб чиқилди. Хусусан, адвокатлик фаолияти билан боғлиқ иккита қонун қабул қилинди ва бу қонунлар ҳимоячи фаолиятини ҳам ҳуқуқий, ҳам ташкилий жиҳатдан ислоҳ этишга кўмаклашди. Жазони ижро этиш жойларидаги шароитни яхшилаш, айниқса, маҳкумларнинг яшаш шароитини ҳамда жазони ўташ жойидан ташқарида бўлган қариндош-уруғлари, яқинлари билан алоқасини янада кенгайтириш, шунингдек, жиноий жазони қўллаш моҳиятидан келиб чиққан ҳолда маҳкумнинг ахлоқан тузалишига ижобий таъсир кўрсатувчи муҳитни яратиш учун Жиноят ижроия кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Натижада манзил-колонияларда жазони ўтовчилар сони кўпайди. Жазони ижро этувчи органлар сони ортди. Жумладан, Адлия вазирлиги ҳузурида суд қарорлари ва бошқа органлар қарорларини ижро этишга ихтисослашган департамент ташкил этилди. Ижро департаменти фаолиятини такомиллаштиришга ҳар йили ҳукумат томонидан алоҳида эътибор берилмоқда. Буни жамиятдаги

ўзгаришлар, юксалишлар билан изоҳлаш лозим. Чунки шиддат билан ўзгараётган замонда янгича ёндашув ва ўзгаришларни қонунда акс эттириш давр талабидир.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишда бир босқич иккинчи босқични мантиқан давом эттиришига, яъни изчилликка эътибор қаратилянти. Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари билан боғлиқ янгиликлар ҳақида гапирганда, 2005 йилдан бошлаб амалга оширилган оламшумул аҳамиятга эга икки масала ҳақида тўхталмасдан бўлмайди. Ўлим жазосини бекор қилиш ва қамоққа олишга санкция бериш ваколатини судларга ўтказиш муносабати билан Жиноят, Жиноят ижроия, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда «Судлар тўғрисида» ва «Прокуратура тўғрисида»ги қонунларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди.

Жамиятда рўй берган ўзгаришлар оқибатида юзага келган шароит, жумладан, иқтисодиётнинг тубдан яхшиланиши, халқимизнинг ҳуқуқий маданияти юксалиб борганлиги, Конституцияда ёзилган яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи эканлиги, жиноят содир этган шахсларни жазолашдан мақсад уларни ахлоқан тузатиш, жамиятга қайтариш экани, шунингдек, Ўзбекистоннинг халқаро ҳуқуқ нормаларига содиқлигини намоён этиб, юртимизда ўлим жазосидан воз кечиш масаласи ҳал этилди. Шу ўринда алоҳида эслаш лозимки, кўпчилик ривожланган давлатлар, жумладан, Европа Иттифоқи жамиятда демократиянинг чуқур илдиз оттани ёки демократик ҳуқуқий давлат барпо этилганининг алоҳида жиҳатларидан бири ўша давлатда ўлим жазосини қўлламаслик, деб қарайди.

Ўзбекистон ҳам истиқлол йилларида айнан ўлим жазосидан воз кечиш масаласини ҳал этди. Ҳозир иккита жиноят, яъни, оғирлаштирувчи ҳолларда қасддан одам ўлдириш (97-модданинг 2-қисми) ва терроризм (155-модданинг 3-қисми) учун умрбод озодликдан маҳрум

қилиш жазоси назарда тутилмоқда. Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси аёллар, вояга етмаган ва 60 ёшдан ошган шахсларга ҳамда тамом бўлмаган жиноятларни содир қилган ҳар қандай шахсларга нисбатан қўлланмайди.

Қамоққа олишга санкция бериш ваколатини судларга ўтказишдан мақсад шахс дахлсизлигини таъминлаш, яъни, суд қарорисиз ҳеч ким қамоққа олиниши ёки ҳибсда сақланиши мумкин эмас, деган фикрнинг исботи бўлди. Бу жараён, шунингдек, суднинг ваколатини кенгайтиради ва судьялар мустақиллигини таъминлайди.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш мамлакатни янгидан барпо этиш жараёнида ўзига хос ўринга эга. Бу ислоҳотлар жараёнининг узвийлигидан дарак беради.

Ҳуқуқий муҳофаза самарадорлиги

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик ва эркин фуқаролик жамияти барпо этилмоқда. Бу эса жамиятнинг ҳар бир аъзоси онгида қонунларга оғишмай амал қилиш лозимлиги тушунчаси шаклланиши, қонунларда акс этган ҳуқуқий меъёрлар турмуш тарзимизнинг қатъий қоидаси ва мезонига айланишини тақозо этади. Қувонарлиси шундаки, юртимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш жараёни муваффақиятли давом этяпти. Бу жараён аниқ муддатлар билан чегараланмаган. Чунки ривожланишнинг ўзбек модели босқичма-босқич тамойили асосида тадрижий (эволюцион) тарзда амалга оширилмоқда.

Бошқа соҳалардаги каби суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар моҳиятида ҳам Конституция ва қонунларимизда эътироф этилган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, шунингдек, шахс, жамият ва давлат манфаатларини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш мужассамлашган.

Истиқлол йилларида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш борасида кенг кўламли, ижобий амалий ишлар бажарилди. 2001 йилнинг 29 августида Олий Мажлис томонидан қабул қилинган «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш билан боғлиқ давлат сиёсатида туб ижобий ўзгаришлар рўй беришига сабаб бўлди. Ушбу Қонун асосида қатор қонун ҳужжатларига киритилган янги нормалар ва ўзгартишлар давлатимизнинг демократик йўналишдан бораётганлигини исботлади.

Албатта, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Жиноят кодекси ва бошқа кодексларга

киритилган қўшимча ва ўзгартишлар ушбу қонун ҳужжатларидаги барча муаммоларнинг узил-кесил ечимини топишига олиб келди, деб хулоса чиқаришга асос бўла олмайди. Аксинча, у мазкур кодекслардаги нормаларни такомиллаштириш йўл-йўриқлари мақсадга мувофиқ амалга оширилаётганини англатади ва бу борадаги ишларни давр талаблари нуқтаи назаридан янада чуқур таҳлил қилиш хусусида ўйлашга ундайди. Шу сабабли ҳозирда ҳам бу борадаги изланишлар янгича мазмун-моҳият билан бойиб бормоқда.

Шу ўринда эслаш жоизки, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Жиноят кодексидаги жиноятларни таснифлаш белгилаб қўйилган 15-модда янги таҳрирда ўзгартирилди. Ушбу моддада жиноятлар тўрт тоифага: яъни ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир жиноятларга бўлинган. Жиноят кодексининг Махсус қисмидаги тегишли моддаларда белгиланган жазо тури ва миқдорига қараб жиноятларнинг қайси тоифага кириши аниқланади. Таъкидлаш жоизки, Жиноят кодексида вояга етмаганларни жавобгарликка тортиш ўзига хос хусусиятга эга. Айниқса, суд вояга етмаганларни жазодан озод этишда қуйидаги мажбурлов чораларидан бирини қўллаши мумкин. Яъни:

1) суд белгилаган шаклда жабрланувчидан узр сўраш мажбуриятини юклаш;

2) ўн олти ёшга тўлган шахс зиммасига зарарни ўз маблағи ёки меҳнати билан ёки бартараф қилиш мажбуриятини юклаш;

3) вояга етмаганни махсус ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш.

Мазкур Қонун билан Жиноят кодексининг умумий қисмидаги унча оғир бўлмаган жиноятни содир этган вояга етмаганларга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда, жазодан озод қилиш акс эттирилган 87-моддaнинг иккинчи қисмидаги «уч» сўзи «беш»

сўзига алмаштирилиб, Жиноят кодексининг 15-моддасига мослаштирилгани тўғри.

«Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддаси 2-бандида Жиноят кодексининг 207-моддаси учинчи қисми янги таҳрирда баён этилган ҳолда жиноий жавобгарликни белгиловчи қўшимча киритилиб, шундай баён этилган:

«Ўша қилмишлар:

а) одам ўлишига;

б) гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг кўп миқдорда Ўзбекистон Республикаси давлат ёки божхона чегаралари орқали қонунга хилоф равишда олиб ўтилишига сабаб бўлса, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жазоланади».

Жиноят кодексидаги мансабга совуққонлик билан қараш, яъни 207-модданинг учинчи қисмига қўшимча киритилиши давлат чегараларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш тизимларида фаолият кўрсатаётган мансабдор шахсларнинг зиммаларига қонунлар ёки норматив ҳужжатлар билан юклатилган вазифаларни виждонан лозим даражада бажаришга ундайди. Шунингдек, наркотрафикага қарши кураш ва унинг олдини олиш тизимида самарали ишларнинг амалга оширилиши ҳамда чегара атрофида жойлашган туманлар аҳолиси хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан гиёҳвандлик воситалари билан ноқонуний савдо-сотиқ қилиш ёки уларни истеъмол қилишнинг олдини олиш, наркоэкспансияга қарши кураш тадбирларини, хусусан трансмиллий гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласи билан шуғулланувчи жиноий гуруҳларни

аниқлаш ва уларнинг жиноий фаолиятига чек қўйиш, давлатимиз ҳудудидан гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний йўллар билан олиб ўтилишига барҳам бериш, таркибида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар мавжуд бўлган экинларни қонунга хилоф равишда экиш ёки етиштиришни тақиқлаш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилганига қарамасдан, кутилган натижага эришиш қийин кечмоқда.

Маълумотларга қараганда, 2004 йилда Афғонистонда ноқонуний қорадори тайёрлаш манбаи бўлган ўсимликларни ўстиришда фойдаланилган ер майдонининг ҳажми ортган. Ўтган йили жаҳон бўйича гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг ноқонуний йўллар билан муомалада бўлиши кўпайганлиги ҳам қайд этилган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, Афғонистонда тайёрланган героиннинг 26 фоизи ҳар йили «шимолий йўллар»даги давлатлар, хусусан Марказий Осиё давлатлари орқали транзит тарзда Ғарб давлатларига ўтказилади. Шу жараёнда транзит давлатлар томонидан героиннинг маълум қисми ички «эҳтиёжлар», яъни истеъмолчиларга сотиш, ноқонуний муомалада бўлиш ёки сақлаш учун олиб қолинади, асосий қисми эса Россия Федерацияси орқали Европа давлатларига ўтказилади.

Бундай аҳвол транзит давлатларда, жумладан, Ўзбекистон Республикасида бу турдаги жиноятларнинг ўсишига, яъни минтақада гиёҳвандлик воситалари билан ноқонуний савдо қилиш баробарида бу воситаларни истеъмол қилувчилар сони ҳам тобора ортиб боришига олиб келиши мумкин.

Юзага келган вазиятни инобатга олган ҳолда гиёҳвандлик воситаларини контрабанда йўли билан мамлакатимиз ҳудудига кириб келишини тақиқлаш, жумладан, божхона назоратини кучайтириш ва

чегараларни моддий-техник жиҳатдан мустаҳкамлашга йўналтирилган қўшимча комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш баробарида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг кўп миқдорда Ўзбекистон Республикаси давлат ва божхона чегаралари орқали қонунга хилоф равишда олиб ўтилишига сабаб бўлган божхона ва давлат чегарасидаги мутасадди ходимларнинг мансабга совуққонлик билан қараш қилмиши жиноят сифатида қонунда акс этишини ўринли деб ҳисоблаймиз[1].

[1] «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Қонун юзасидан Сенатнинг учинчи ялпи мажлисида сўзланган маъруза.

Ҳамжиҳатлик ва муроса йўли

Мамлакатимиз истиқлолга эришган дастлабки кунларданоқ, халқ фаровонлигини ошириш, иқтисодиётимизни юксалтиришни бозор муносабатларини шакллантириш орқали амалга оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Чунки жаҳон цивилизациясининг асосий принципларидан бири — бозор муносабатларида эркин рақобатга асосланган мулкчиликнинг турли шаклларини, айниқса, хусусий мулкни кўпайтириш йўли билан кўп укладли иқтисодиётни ривожлантириш ҳисобланади. Дунёдаги ривожланган давлатлар тажрибаси ҳам тадбиркорликнинг турли-туман кўриниши ва шакллари жамиятнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш, аҳолининг турмуш даражаси ва фаровонлигини юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатмоқда.

Шу боис жаҳонда тараққиётнинг ўзбек моделини яратган Президентимиз Ислом Каримов «барқарор бозор иқтисодиёти ташқи сиёсатга асосланган кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш пировард мақсад бўлиши керак» деган ғояни илгари сурганлиги бежиз эмас. Бу ғоянинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида узоқ гапириш мумкин.

Тадбиркорлик фаолиятини янада эркинлаштиришдек устувор вазифаларни тадрижий давом эттириш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш жараёнини ташкилий — ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашни янада мукаммаллаштириш мақсадида ўтган йили ва шу йилнинг саккиз ойи давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятини эркинлаштириш борасида қатор фармонлари ва қарорлари қабул қилинди. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қонунчилигимизни такомиллаштиришга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Қайд этиш жоизки, давлатимиз раҳбари Олий Мажлис палаталарининг биринчи қўшма мажлисидаги маърузасида суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш билан боғлиқ муаммоларни таҳлил қилиб, бундай деган эди: «Биз барчамиз, биринчи навбатда, қонун ҳимоячилари, шўро давридан қолган эски иллатлардан тўлиқ халос бўлишимиз, тадбиркорлик, бизнес ва хусусий сектор вакилларига нисбатан муносабатимизни тубдан ўзгартиришимиз керак». Шу нуқтаи назардан ёндашганда, суд-ҳуқуқ тизимининг навбатдаги босқичида ҳал этилиши зарур бўлган муҳим масалалардан бири мамлакатимиз тараққиёт йўлини белгилаб берадиган тадбиркорлик фаолиятига кенг имкониятлар яратиш, уларга берилиши зарур бўлган ҳуқуқий асос, имтиёз ва кафолатларни давр талаби даражасига кўтаришдек муҳим вазифаларни ҳал этиш лозим.

Шуни эслаш жоизки, Юртбошимизнинг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2005 йил 14 июндаги ПФ — 3619-сонли Фармонининг 3-бандида «тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги хўжалик низолари хўжалик суди ёки ҳакамлик суди томонидан кўриб чиқилиши» белгиланиб, «Ҳакамлик суди тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини тайёрлаш ва уни Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиш вазифаси тегишли мутасадди ва нодавлат ташкилотлар зиммасига юклатилган эди.

Эътироф этиш ўринлики, мамлакатимизда «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги янги Қонуннинг қабул қилиниши бундай нодавлат тузилмани ташкил этиш ва фаолиятини йўналтириш учун кенг кўламли ҳуқуқий имкониятлар яратади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 9-моддасига мувофиқ фуқаролар ва юридик шахслар ўзларига тегишли фуқаролик ҳуқуқларини, шу жумладан уларни ҳимоя қилиш ҳуқуқини ўз хоҳиш-истакларига

мувофиқ тасарруф қила олади. Кодекснинг ана шу меъёрига асосланиб, низо субъектлари ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун давлат ёки ҳакамлик судига мурожаат қилишни ўзлари ҳал этишга ҳақлидирлар.

Агар томонлар низони кўриб чиқишни ҳакамлик судига топшириш тўғрисидаги шартномани имзоласа, у ҳолда давлат суди Фуқаролик процессуал кодексининг 100 ва 152-моддаларига мувофиқ ишни кўриб чиқишни тугатади ёки даъво аризасини қабул қилишни рад этади. Хўжалик процессуал кодексининг 86, 88, 117-моддаларида ҳам шундай меъёрлар мавжуд. ХПКнинг 25-моддасида эса хўжалик судига тегишли низо суд қарор қабул қилгунга қадар тарафларнинг келишуви бўйича кўриб чиқиш учун Ҳакамлик судига берилиши мумкинлиги назарда тутилган. Суд қарорлари ва бошқа органларнинг қарорларини мажбурий ижро этиш чоғида вужудга келадиган муносабатларни тартибга солувчи «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасига асосан эса ҳакамлик судларининг қарорлари, шунингдек, хорижий судлар ва арбитражларнинг қарорлари ижро этилиши лозим. Бундан ташқари, мазкур Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ, Ҳакамлик судининг қарорларини мажбурий ижро этиш юзасидан судлар берадиган ижро варақалари ижро ҳужжатлари қаторига киритилган.

Дарвоқе, собиқ шўро даврида, яъни эски ФПКга илова тарзида Ҳакамлик тўғрисидаги Низом (ЎзССРнинг 1963 йилдаги ФПКга 3-илова), шунингдек, бирлашмалар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ўртасидаги хўжалик низоларини ҳал этувчи ҳакамлик судлари тўғрисидаги Низом (СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат арбитражининг 1975 йил 30 декабрдаги 121-сонли қарори билан тасдиқланган) каби меъёрий ҳужжатлар ҳозир ҳам «де-юре», яъни номигагина кучини сақлаб турибди. Ҳолбуки, бу ҳужжатлар амалий жиҳатдан аллақачон эскирган бўлиб, давр талабларига жавоб бермайди. Шу сабабли бу борада янги ҳуқуқий база зарур.

Яна бир муҳим жиҳати шундаки, Ўзбекистон қонунларида халқаро ҳужжатлар тан олинганлиги учун халқаро хусусий ҳуқуқдаги тарафлар низони кўришни ҳакамлик судига топшириш тўғрисида битим тузиши мумкин, бу низога давлат судининг аралашмаслиги лозим, деган муҳим қоиданинг Ўзбекистон қонунларига сингдирилганлигини, яъни мазкур қонуннинг халқаро ҳуқуқ нормаларига тўлиқ мос эканлигини англатади.

«Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг асосий мақсади — Ўзбекистон Республикасида ҳакамлик судларининг ташкил этилиши ва фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

«Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Қонун тузилиш жиҳатдан тўққиз боб ва эллик тўққиз моддадан иборат.

Қонуннинг «Умумий қоидалар» деб номланган 1-боби саккиз моддани ўз ичига олган бўлиб, «Асосий тушунчалар» деган 3-моддасида ваколатли суд, доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг қоидалари, низоми ва регламенти, шунингдек, ҳакамлик битими, битим тарафлари, ҳакамлик муҳокамаси, муҳокама тарафлари, муҳокама қоидалари, ҳакамлик суди ва ҳакамлик судьяси каби юридик атамалар тушунчалари баён этилган. Қонуннинг тўртинчи моддасига мувофиқ ҳакамлик судлари фаолияти қонунийлик, мустақиллик, муҳокама маълумотларининг ошкор қилинмаслиги, ҳакамлик судларининг холислиги, диспозитивлик, ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги принциплари асосида амалга оширилади.

Ҳакамлик судлари давлатнинг суд тизимига кирмайди, аммо фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиққан низоларни мустақил ҳал этади. Бир сўз билан айтганда, ҳакамлик суди низоларни кўриб чиқиш борасида давлат судларига муқобил суд шакли ҳисобланади. Шуни ҳисобга олиб, «Ҳакамлик судларини ташкил этиш» деган 5-модда «давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳакамлик

судларини ташкил этиши ҳамда ҳакамлик битими тарафлари бўлиши мумкин эмаслиги»ни назарда тутади.

Қонунга мувофиқ ҳакамлик судлари юридик шахс бўлмайди. Улар доимий фаолият кўрсатувчи ва муваққат ҳакамлик судлари каби турларга бўлинади.

Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг асосий вазифаси — муайян тарафлар ўртасида келиб чиққан низоларни ҳал этиш учун доимий фаолият кўрсатишдан иборат бўлиб, бундай суд юридик шахс томонидан ташкил этилиши мумкин ва уни ташкил этган ташкилот ҳузурида фаолият кўрсатади. Қонунда қайд этилишича, юридик шахс доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилгани ҳамда доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг қоидаларини, шунингдек, ҳакамлик судьялари рўйхатини тасдиқлаган тақдирдагина доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ташкил этилган, деб ҳисобланади. Бундай ҳакамлик судини ташкил этган юридик шахс унинг ташкил этилганига доир ҳужжатлар нусхаларини ҳакамлик суди жойлашган ҳудуддаги адлия идораларига юборади.

Муваққат ҳакамлик судлари эса бирор-бир юридик ташкилотлар томонидан эмас, балки ҳакамлик битими тарафлари, яъни жисмоний ёки юридик шахслар ўртасида келиб чиққан муайян низони ҳал этиш учун тарафларнинг ўз ташаббуси билан ташкил этилади, низо кўриб чиқилганидан кейин ўз фаолиятини тугатади (7-модда). Муваққат ҳакамлик суди ташкил этилганида ҳакамлик битими нусхаси ва муваққат ҳакамлик суди ташкил этилганлиги тўғрисидаги ёзма билдириш ҳакамлик судида раислик қилувчи ёки ҳакамлик судьяси томонидан адлия идораларига ҳакамлик муҳокамаси бошлангунига қадар юборилади.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судлари ҳисобини рўйхатдан ўтказиш ва муваққат ҳакамлик судларини ҳисобга олиш масъулияти Қонуннинг 8-моддасига асосан адлия

идоралари зиммасига юклатилмоқда. Бундан ташқари, Қонунда доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судларини ташкил этиш ва фаолиятини тугатиш, муваққат ҳакамлик судларини ташкил этиш тўғрисидаги, шунингдек, доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судлари таркибига кирувчи ҳакамлик судьялари ҳақидаги ахборот Адлия вазирлиги томонидан тизимлаштирилиши ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами»да эълон қилиниши назарда тутилган.

Мазкур Қонуннинг «Ҳакамлик суди томонидан ҳал этиладиган низолар. Ҳакамлик битими» деб номланган 2-боби бешта моддадан иборат. Ҳакамлик судлари фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқувчи низоларни, шу жумладан тадбиркорлик субъектлари ўртасида вужудга келувчи хўжалик низоларини ҳал этади. Шу ўринда қайд этиш жоизки, мазкур қонуннинг 9-моддаси иккинчи қисмида ҳакамлик судлари маъмурий, оила ва меҳнат ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган низоларни, шунингдек, Қонунда назарда тутилган бошқа низоларни ҳал этмаслиги белгиланган. Ҳакамлик судлари низоларни Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари асосида, шартнома шартлари ва иш муомаласи одатларини инобатга олган ҳолда ҳал қилади, борди-ю тарафларнинг муносабатлари қонун ҳужжатларида ёки ҳакамлик битимида тўғридан-тўғри тартибга солинмаган бўлса, ҳакамлик суди қонун ўхшашлиги (қонун аналогияси) ва ҳуқуқ ўхшашлиги (ҳуқуқ аналогияси)ни қўллайди.

Низони ҳакамлик судининг ҳал қилувига топширишнинг энг муҳим шарти тарафлар ўртасида махсус битим, яъни ҳакамлик битими тузилган бўлиши керак (11-модда). Шу билан бирга тарафлар томонидан ҳакамлик битими ваколатли суднинг ҳал қилувида бўлган низо юзасидан мазкур суд ҳал қилув қарори қабул қилгунига қадар ҳам тузилиши мумкин.

Қонуннинг 12-моддаси ҳакамлик битими доимо ёзма шаклда тузилишини назарда тутади. Қонун ҳакамлик

битимини шартноманинг таркибий қисми бўлган эслатма тарзида ёки алоҳида битим тарзида расмийлаштиришга йўл қўяди.

Ҳакамлик битимининг мазмуни 13-моддада белгиланган бўлиб, унга кўра ҳакамлик битимида ҳакамлик битими тарафлари ўртасида келиб чиққан ёки келиб чиқиши мумкин бўлган барча ёхуд айрим низолар ҳакамлик судида кўриб чиқилиши кераклиги ҳақидаги қоида, низо доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ҳал қилувига топширилган тақдирда эса, мазкур ҳакамлик судининг номи кўрсатилиши ҳамда шу битимда ҳакамлик судьяларининг сони, ҳакамлик муҳокамаси ўтказиладиган жой ва тил, ҳакамлик муҳокамасининг қўлланиладиган қоидалари, низони кўриб чиқиш муддати ҳақидаги маълумотлар ҳам кўрсатилиши мумкин. Шу модданинг учинчи қисмида ҳакамлик битимининг шакли ва мазмуни юзасидан белгиланган талабларга риоя қилинмаган тақдирда, ҳакамлик битими ҳақиқий эмас, деб топилиши назарда тутилади.

«Ҳакамлик судьялари. Ҳакамлик судининг таркиби» билан боғлиқ меъёрлар Қонуннинг 3-бобидаги олтита моддада акс эттирилган. 15-моддага биноан йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, низонинг холис ҳал қилинишини таъминлашга қодир бўлган, низонинг пировард натижасидан бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлмаган, ҳакамлик битими тарафларидан мустақил бўлган, ҳакамлик судьяси мажбуриятларини бажаришга розилик берган Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳакамлик судьяси этиб сайланиши ёки тайинланиши мумкин. Бундан ташқари, низони якка тартибда ҳал қилганда ҳакамлик судьяси, шунга ўхшаш низони ҳайъатда ҳал қилганда ҳакамлик суди таркибининг раиси олий юридик маълумотга эга бўлиши керак. Ҳакамлик судьясининг малакасига қўйиладиган талаблар ҳакамлик битими тарафлари ўртасида бевосита келишиб олинади ёки доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди қоидалари билан белгиланади.

Қонунга мувофиқ муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилганлиги тўғрисида суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори бўлган шахс;

судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахс;

ўз касбий фаолиятига мос келмайдиган қилмишлар содир этганлиги учун судья, адвокат, нотариус, терговчи, прокурор ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг бошқа ходими сифатидаги ваколати тугатилган шахс;

қонунда белгиланган мансаб мақомига мувофиқ ҳакамлик судьяси этиб сайланиши (тайинланиши) мумкин бўлмаган шахс ҳакамлик судьяси этиб сайланиши (тайинланиши) мумкин эмас.

Ҳакамлик суди таркибини шакллантириш тартиби 16-моддада баён қилинган. Ҳакамлик битимининг тарафлари ҳакамлик суди таркибини ва судьялари сонини мустақил белгилайди. Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судида ҳакамлик судьялари мазкур ҳакамлик судини ташкил этган юридик шахс томонидан тасдиқланган ҳакамлик судьялари рўйхатига киритилган судьялар орасидан сайланади (тайинланади). Агар тарафлар ҳакамлик судьясини сайлай олмаса ёки ҳакамлик судьялари раислик қилувчини сайламаса, доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг раиси ҳакамлик битими тарафларидан бирининг илтимосига биноан судья ёки раисни тайинлайди. Муваққат ҳакамлик судида ҳакамлик судьялари ҳакамлик битими тарафлари томонидан сайланади. Борди-ю тарафлар судьяларни сайлай олмаса ёки ҳакамлик судьялари раислик қилувчини сайлай олмаса, низо ваколатли судга ҳал қилиш учун топширилади. Бундай ҳолларда ҳакамлик битимининг амал қилиши тугатилади.

Ҳакамлик судьясини рад қилиш тартиби, ҳакамлик судьясининг ваколатларини тугатиш, ҳакамлик судьясини алмаштириш билан боғлиқ меъёрлар қонунда алоҳида—алоҳида нормаларда, яъни 17—20-моддаларида белгилаб берилган.

Низони ҳакамлик судида ҳал қилиш билан боғлиқ харажатлар Қонуннинг тўртинчи бобидаги тўртта моддада акс эттирилган. Низони ҳакамлик судида ҳал қилиш билан боғлиқ харажатлар жумласига:

— ҳакамлик судьяларининг гонорари;

— ҳакамлик муҳокамасини ташкилий, моддий жиҳатдан таъминлаш харажатлари;

— ҳакамлик судьяларининг харажатлари;

— экспертлар ва таржимонларга тўланиши лозим бўлган суммалар;

— гувоҳларнинг харажатлари;

— ҳакамлик суди тарафи вакилининг хизматлари ҳақини тўлаш харажатлари ва бошқа харажатлар киритилган.

«Ҳакамлик муҳокамаси» билан боғлиқ 5-боб ўн тўртта моддани ўз ичига олган. Мазкур бобдаги ҳакамлик судининг ваколати, ҳакамлик муҳокамаси қоидаларини белгилаш, ҳакамлик муҳокамаси ўтказиладиган жой, муҳокама тили, ҳакамлик муҳокамаси маълумотларининг ошкор қилинмаслиги, даъво аризаси, қарши даъво, даъвони таъминлаш чораларини кўриш, далилларни тақдим этиш, ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг ҳакамлик суди мажлисида иштирок этиши, ҳакамлик суди мажлисининг баённомаси билан боғлиқ нормалар ҳакамлик муҳокамасини амалга оширишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Қайд этилганлардан ташқари, Қонуннинг «Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори» деб номланган олтинчи бобида ҳакамлик суди томонидан ҳал қилув қарорининг қабул қилиниши, ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг шакли ва мазмуни, қўшимча ҳал қилув қарори, қарорни тушунтириш, ҳакамлик судининг ажрими, ҳакамлик муҳокамасини тугатиш, низоларга доир ишларнинг сақланишини тартибга солувчи меъёрларга ҳам ўрин берилган.

Шу ўринда муҳим бир жиҳатни таъкидлаш жоизки, Қонуннинг 44-моддасига биноан, ҳакамлик суди низони

кўриб чиқиш учун ваколатга эга бўлмаган, даъвогар ўзининг даъво талабидан воз кечган, ҳакамлик муҳокамасини тугатиш тўғрисида келишувга эришилган, келишув битими тузилган, ҳакамлик муҳокамаси тарафлари бўлган юридик шахс тугатилган ёки жисмоний шахс вафот этган (бедарак йўқолган) деб топилган, шунингдек, ҳакамлик муҳокамаси тарафлари ўртасидаги низо юзасидан ваколатли суднинг ёки ҳакамлик судининг қонуний кучга кирган ҳал қилув мавжуд бўлган ҳолатларда ҳакамлик муҳокамаси тугатилади.

Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судида кўрилган ишлар мазкур ҳакамлик судида сақланади, муваққат ҳакамлик суди томонидан кўрилган ишлар эса ваколатли судга сақлаш учун юборилади (45-модда).

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори юзасидан низолашиш масалалари Қонуннинг уч моддадан иборат бўлган 7-бобида баён қилинган бўлиб, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорлари юзасидан ҳакамлик муҳокамаси тарафи ваколатли судга ариза бериш йўли билан низолашиши мумкин (46-модда). Бундай аризанинг берилгани низо бўйича иш юритиш ваколатли суд томонидан тугаллашгунига қадар ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг ижроси бўйича иш юритишни тўхтатиб туради.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш асослари Қонуннинг 47-моддасида санаб ўтилган бўлиб, унга кўра, хусусан, агар ҳакамлик битими ҳақиқий эмас деб топилса;

ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик судининг ваколатига кирмайдиган низо юзасидан чиқарилган бўлса;

ҳакамлик судининг таркибини шакллантириш тартиби бузилган бўлса;

ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг қайси бирига қарши қабул қилинган бўлса, ўша тараф ҳакамлик судини сайлаш

(тайинлаш) тўғрисида ёки ҳакамлик судининг мажлиси бўладиган вақт ва жой ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинмаган бўлса, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори бекор қилинади. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори бекор қилинган тақдирда тарафлар яна ҳакамлик судига янгитдан мурожаат этишга ҳақли.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини ижро этиш Қонуннинг 8-бобида ўз ифодасини топган. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини ихтиёрий ижро этиш 49-моддада баён қилинган. Агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ихтиёрий ижро этилмаса, у 50-моддага биноан, «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ваколатли суд берган ижро варақаси асосида мажбурий ижро этилади.

«Якунловчи қоидалар» деган 9-бобда ҳозирга қадар амал қилиб келган Ҳакамлик судлари тўғрисидаги низомнинг ўз кучини йўқотган деб топиш (57-модда) белгиланган, Вазирлар Маҳкамаси қарорларини мазкур Қонунга мувофиқлаштириш, давлат бошқаруви идоралари ушбу Қонунга зид бўлган ўз меъёрий—ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқиши ва бекор қилишини таъминлаш юклатилган. Қонуннинг охирги, яъни 59-моддасида мазкур Қонун 2007 йил 1 январдан кучга кириши белгиланган. Чунки мазкур Қонун қабул қилинганидан кейин ФПК ва ХПК ларга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида алоҳида қонун қабул қилиниши кўзда тутилмоқда.

Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Қонун меъёрлари мамлакатимиз Конституциясига, шунингдек, қонунчилик техникаси қоидаларига тўлиқ мосдир. Бу эса ушбу Қонуннинг мукаммал маромига етказилганидан далолатдир[1].

---

[1] «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни юзасидан сўзланган маъруза.

Қонун уйғунлиги

Демократик ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг зарур таркибий қисми сифатида суд-ҳуқуқ тизимини чуқур ислоҳ этиш ва эркинлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишларимиз йилдан-йилга янги мазмун-моҳият билан бойиган ҳолда такомиллашиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 15-моддаси, яъни жиноят ишини қўзғатишнинг муқаррарлиги принципига биноан, суд, прокурор, терговчи ва суриштирувчи жиноят аломатлари топилган ҳар бир ҳолда, ўз ваколатлари доирасида жиноят ишини қўзғатиши, жиноий ҳодисани, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсларни аниқлаш ва уларни жазолаш учун қонунда назарда тутилган барча чораларни кўриши шарт. Чунки дастлабки терговда, кейинчалик эса судда жиноят иши бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текшириб чиқилади.

ЖПКда ўрнатилган тартиб-қоидаларга мувофиқ, жиноят иши юзасидан иш юритув икки босқични, яъни дастлабки тергов ва суд жараёнини ўз ичига олади. Шундан жиноят ишини судга қадар юритиш жараёни Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг махсус қисмининг тўққизинчи бўлимидаги олти бобни ўз ичига олувчи олтмиш битта моддадан иборат дастлабки тергов фаолияти билан боғлиқ нормаларни ўз ичига олади.

Жумладан, ЖПКнинг 332-моддаси талабига кўра тергов ёки судда жиноят ишлари бир иш юритувга бирлаштирилиши ёки алоҳида иш юритувга ажратилиши мумкин. Ишни бирлаштириш ва ажратиш терговчининг қарори ёки суднинг ажрими билан амалга оширилади. Мисол учун, охирги беш йилда дастлабки тергов органлари томонидан 25259 та жиноят иши битта иш юритувига бирлаштирилган (жами тергов қилинган ишларнинг 6,3фоизи),

10664 таси эса алоҳида иш юритувига ажратилган (жами тергов қилинган ишларнинг 2,6 фоизи).

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 345-моддасига биноан барча жиноят ишлари бўйича дастлабки тергов ўтказилиши шарт. Дастлабки тергов суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан жиноят ишини қўзғатиш тўғрисида қарор чиқарилган пайтдан бошланади ва маълум бир муддат ичида тергов юритилади. ЖПКнинг 351-моддаси билан дастлабки тергов жиноят иши қўзғатилган кундан бошлаб уч ойдан ошмаган муддатда тамомланиши лозим. Бу муддатни узайтиришга қонун рухсат беради. Масалан, тергов муддати Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри прокурори томонидан беш ойгача, Бош прокурорнинг ўринбосарлари томонидан етти ойгача, Бош прокурор томонидан тўққиз ойгача, алоҳида ҳолларда эса Бош прокурор томонидан бир йилгача узайтирилиши мумкин.

Олий Мажлиснинг қуйи палатаси томонидан 2007 йил 20 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунда айнан юқорида тилга олинган ЖПКнинг 332-моддаси, яъни жиноят ишини бирлаштириш ва ажратиш ҳамда 351-модда, яъни дастлабки тергов муддатлари билан боғлиқ нормаларни такомиллаштириш назарда тутилган.

Мазкур қонун Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида парламент қуйи палатасига киритилган.

Қонуннинг мақсади, мазмун-моҳияти ҳақида гап кетганда қуйидагиларга эътибор қаратиш зарур. Мазкур қонунни қабул қилишдан мақсад тергов амалиётида жиноят ишини тергов қилиш билан боғлиқ муддатларга қатъий риоя этишни таъминлаш орқали айбланувчиларнинг процессуал қонун ҳужжатларида белгилаб берилган ҳуқуқлардан фойдаланиш имконини яратиш ҳисобланади. Шу кунга қадар жиноят ишини ажратиш жараёни билан боғлиқ тергов амалиётида

чалкашлик ва ноаниқлик ҳолатлари мавжуд. Айниқса, тергов қилинаётган жиноят ишига мутлақо боғлиқ бўлмаган янги жиноят аниқланган тақдирда мазкур ҳолат бўйича жиноят ишининг бир қисми алоҳида иш юритувга ажратиш билан боғлиқ қоида ЖПКнинг 332-моддасида ўз аксини топмаган. Қонун ҳужжатларидаги мазкур камчиликни бартараф этиш, энг муҳими, жиноят иши қўзғатилган янги иш юзасидан дастлабки тергов муддатларига риоя қилинишини таъминлаш мақсадида ЖПКнинг 332-моддаси қуйидаги мазмундаги янги — учинчи қисм билан тўлдирилмоқда: «Тергов қилинаётган жиноят иши билан боғлиқ бўлмаган янги жиноят аниқланган тақдирда, мазкур ҳолат бўйича жиноят ишининг бир қисми жиноят иши қўзғатилган ҳолда алоҳида иш юритувга ажратилади».

Шунингдек, бирлаштирилган ёки ажратилган жиноят ишларини тергов қилишда айрим сансалорлик ҳолатларига, айниқса терговчилар томонидан жиноят ишларини асоссиз бирлаштириш ёки ажратиш орқали ўрнини қоплаш, тергов муддатини чўзиб юбориш каби номақбул тергов амалиётига чек қўйиш учун эса ЖПКнинг 351-моддаси янги — иккинчи ва учинчи қисмлар билан тўлдирилди. Бундан буён тергов органлари жиноят ишларини бирлаштирганда иш юритиш муддатини узоқроқ муддат давомида тергов қилинган жиноят иши бўйича ҳисоблайдиган бўлади.

Бундан ташқари, агар жиноят иши янги жиноят бўйича ёки янги шахсга нисбатан ажратилаётган бўлса, ишни қўзғатиш ва алоҳида иш юритувга ажратиш ҳақидаги қарор чиқарилган кундан бошлаб тергов муддати бошланган ҳисобланади.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, мазкур Қонун амалиётда Жиноят-процессуал кодексидаги судга қадар иш юритиш билан боғлиқ нормаларнинг яхлит ҳолда, бекаму кўст ишлашини таъминлайди[1].

---

[1] «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни юзасидан сўзланган маъруза.

Адолатпарварлик тамойиллари

Мамлакатимизда икки палатали Парламентнинг фаолият юритиши истиқлол йилларида миллий давлатчилик тараққиёти йўлида эришилган муҳим ютуқлардан биридир.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис палаталарининг биринчи қўшма мажлисида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишнинг ҳозирги босқичида амалга оширилаётган долзарб масалалардан бири — суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларининг масъулиятини кучайтириш ҳақида алоҳида тўхталган эди.

Чунки суд идораси ходимларининг профессионал ва фуқаролик бурчи, ўз вазифасини ҳалол ва сидқидилдан бажариши, энг аввало, ҳокимият идоралари обрўсини ошириш баробарида халқимизнинг суд ҳокимиятига нисбатан ишончи янада ортишига хизмат қилади. Бу борадаги ислоҳотлар жараёнини янада чуқурлаштириш, айниқса, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, уларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш учун мавжуд имкониятлардан тўлиқ ва самарали фойдаланиш ҳозирги даврнинг энг муҳим ҳаётий талабидир.

Қайд этиш жоизки, охирги ўн йилликда суд соҳасида судьяларни танлаш ва лавозимига тавсия этишнинг янада самарали, демократик жиҳатдан такомиллашган ҳуқуқий механизмини яратиш борасида босқичма-босқич равишда кўплаб амалий ишлар, қўшимча чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Айниқса, 2006 йилнинг 17 мартида «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Президент Фармони билан «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш Олий малака комиссияси

тўғрисида»ги Низом тасдиқланганн, шунингдек, мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан «Судлар тўғрисида»ги Қонунга, «Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш» ва «Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида»ги Низомларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилаётгани ҳам бу йўналишда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссиясининг янги Низомига биноан, комиссия доимий ишловчи орган бўлиб, унинг таркиби Сенат, Қонунчилик палатаси, Олий суд, Олий хўжалик суди, Адлия, Ички ишлар вазирликлари, Бош прокуратура ва ҳуқуқ соҳасидаги юқори малакали мутахассислар, шунингдек, жамоатчилик вакиллари — жами ўн етти кишидан иборат. Президент томонидан тасдиқланган комиссия раиси ва ўн бир нафар аъзоси беш йил муддат мобайнида жамоатчилик асосида фаолият юритади. Раис ўринбосари ва тўрт нафар комиссия аъзоси эса доимий асосда ишлайди. Мазкур комиссия судьялик лавозимига кадрлар тайинлашга тавсиянома тайёрловчи охирги босқич ҳисобланади.

Олий Мажлис Сенатининг ўнинчи ялпи мажлисида «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, «Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Низомга, «Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида»ги Низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни маъқулланди.

Мазкур Қонунни қабул қилишдан кўзланган мақсад суд ҳокимияти мустақиллигини янада кучайтириш, судьялар захирасини шакллантириш, номзодларни танлаш ва лавозимларга тавсия этишнинг демократик тамойилларини мустаҳкамлаш, судьялар корпуси барқарорлигини таъминлашдан иборатдир.

Қонун тўртта моддадан иборат бўлиб, унинг биринчи моддаси билан «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг судлар

фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлашга доир қоидалари (11-модда) янги таҳрирда баён этилган, бир неча моддаларга эса қўшимча ва ўзгартишлар киритилмоқда. Хусусан, «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддаси янги таҳрирда баён этилган бўлиб, унда эндиликда Президент ҳузуридаги судьяларни танлаш ва лавозимига тавсия этиш бўйича Олий малака комиссияси нафақат умумий юрисдикция судлари, шу билан бирга, хўжалик судлари судьяларини танлаш ва лавозимига тайинлаш юзасидан ҳам тавсия тайёрлаши; Олий малака комиссиясининг таркиби ўн етти кишидан иборат бўлиши, комиссиянинг раиси ва ўн бир нафар аъзоси жамоатчилик асосида беш йил муддатга тасдиқланиши, раис ўринбосари ва тўрт нафар аъзоси ўз фаолиятини доимий асосда амалга ошириши билан боғлиқ янгиликлар акс этган.

«Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 53-моддасида киритилаётган ўзгартишга биноан, бундан буён хўжалик судлари судьяларининг малака ҳайъати таркиби ва раиси илгаригидек Олий хўжалик суди Пленуми томонидан эмас, Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари судьяларининг конференцияси томонидан сайланади. Мазкур Қонуннинг 63-моддаси иккинчи ва учинчи қисми қуйидаги янги таҳрирда баён этилмоқда: «Қорақалпоғистон Республикаси судларининг судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Комиссия хулосаси асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси тақдимномасига биноан Жўқорғи Кенгес томонидан лавозимга сайланади ёки тайинланади».

Қонуннинг иккинчи ва учинчи моддалари билан Олий Мажлис томонидан 2000 йил 14 декабрда тасдиқланган «Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Низом ҳамда Олий Мажлис томонидан 2001 йил 7 декабрда тасдиқланган «Судьяларнинг малака

ҳайъатлари тўғрисида»ги Низомга ҳам бир қанча ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш орқали янада такомиллаштирилган. Хусусан, Низомнинг янги таҳрирдаги 8-моддаси учинчи қисмида «Судьяларнинг малака ҳайъатлари фаолиятида судья кадрларнинг захирасини шакллантириш ва уларни танлашда ошна-оғайнигарчилик, маҳаллийчилик, хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш ва бошқа йўсиндаги қоидабузарлик фактлари аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссияси судьяларнинг тегишли малака ҳайъати раисини эгаллаб турган лавозимидан бўшатишгача бўлган интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида тақдимнома киритишга ҳақли», деган қоида акс эттирилган.

Низомнинг 24-моддасида эса ваколат муддати тугаётган судьяларга нисбатан уларнинг номзодини янги муддатга кўрсатиш тўғрисидаги масала судьяларнинг тегишли малака ҳайъатлари томонидан кўриб чиқилиши; судьялар малака ҳайъатларининг мазкур шахсларнинг судьялик лавозимига муносиблиги ёки муносиб эмаслиги хусусидаги ҳамда уларни янги муддатга тайинлаш мумкинлиги ҳақидаги қарори уларнинг ваколат муддати тугашидан камида уч ой олдин Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссиясига юборилиши белгиланмоқда.

Судьяларнинг малака ҳайъаглари тўғрисидаги Низомга мувофиқ Олий малака ҳайъати, тегишли малака ҳайъати ёки хўжалик судларининг малака ҳайъатлари ваколатлари турлича бўлиб, мазкур Қонун билан улар фаолиятидаги энг муҳим масала, жумладан, судьялар захирасини шакллантириш билан боғлиқ Низомнинг еттинчи боби шакл ва мазмун жиҳатдан ўзгартирилиб такомиллаштирилган. Жумладан, ушбу бобнинг номи «Судьялик лавозимларига номзодлар захирасини шакллантириш ва номзодларни танлаш» деб номланган.

Қонунчилигимиздаги тартиб-таомилларга кўра, қуйидан юқори поғонагача бўлган судларнинг судьялари улар томонидан шаклланган захирадаги номзодлар орасидан танлаб лавозимга тавсия этилади. Кадрлар захирасини шакллантириш ва судьялик лавозимига тақдим этиш судьяларнинг малака ҳайъатлари зиммасига юклатилган.

Шунинг учун ҳам еттинчи бобдаги 51—59-бандлар янги таҳрирда баён этилган. Жумладан, 51-модданнинг иккинчи қисмига кўра, судьяликка номзодлар захирасига:

— фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларининг ва жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларининг, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Олий судларининг, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар судларининг, ҳарбий судларнинг судьялигига номзодлар захирасини шакллантириш судьяларнинг тегишли малака ҳайъатлари томонидан;

— Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьялигига, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Олий судларининг, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар судларининг, Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судининг раиси ва раис ўринбосарлари лавозимларига номзодлар захирасини шакллантириш Судьялар олий малака ҳайъати томонидан;

— Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судларининг судьялигига номзодлар захирасини шакллантириш Хўжалик судлари судьяларининг малака ҳайъати томонидан амалга оширилиши;

судьяликка номзодлар захирасига йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, ихтисослиги, мутахассислиги бўйича камида уч йиллик иш стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари

киритилиши мумкин. Судланган шахсларнинг судьяликка номзодлар захирасига қабул қилиниши мумкин эмаслиги 52-модданинг биринчи қисмида белгилаб қўйилган.

Шунингдек, судьяликка номзодлар захирасига киритилиши рад этилган шахс бир йил муддат ўтганидан сўнг судьяларнинг малака ҳайъатларига тегишли ариза билан такрор мурожаат қилиши мумкинлиги 56-моддада кўрсатилган.

Бундан буён судьяларнинг малака ҳайъатлари судьялик лавозимларига номзоди биринчи марта кўрсатилаётган шахсларни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказида махсус курсларда ўқитишни ташкил этади. Махсус курсларни тамомлаганлик тўғрисидаги сертификат берилган кундан эътиборан уч йил мобайнида амал қилиши ҳақидаги янги тартиб эса 58-модданинг биринчи қисмида ҳамда 58—59-моддаларининг иккинчи қисмларида ўз аксини топган.

Бўшаб қолган судьялик лавозимига ўтказиладиган танловда иштирок этиш истагини билдирган шахслар малака имтиҳони топширади, мазкур имтиҳон натижаларига кўра, судьяларнинг малака ҳайъатлари уларнинг судьялик лавозимига муносиблиги ёки муносиб эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилади.

Ва ниҳоят, судьяларнинг малака ҳайъати муайян бўш судьялик лавозимига тавсия этилган камида икки нафар номзодга доир материалларни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссиясига юборади, деган таҳрирда баён этилган.

«Судлар тўғрисида»ги Қонун ва Низомларга киритилган бундай ўзгартиш ва қўшимчалар билан боғлиқ тартиб-таомиллар мамлакатимиз суд тизимини билимли, тажрибали ва ҳалол кадрлар билан тўлдиришни таъминлашга хизмат қилади. У холислик, ошкоралик ва адолатпарварлик тамойилларига таянади.

Қимор – ёмонлик дояси

Аввало шуни айтиш керакки, 2007 йилнинг 28 мартида давлатимиз раҳбарининг «Қимор ўйинларини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ноқонуний фаолиятнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида қимор ўйинларини ташкил этиш ва ўтказиш фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш, қимор бизнеси ривожланишининг салбий оқибатларидан аҳоли, айниқса, ўсмирлар ва ёшлар маънавиятини муҳофаза этиш, уларнинг қимор ўйинларига жалб этилишига қарши қатъий ҳаракат қилиш, энг муҳими, таваккалчиликка асосланган ўйинлар ташкилотчиларининг жавобгарлигини ошириш зарурлиги қайд этилган эди.

Мазкур қарор, шунингдек, ноқонуний қимор ўйинлари ташкилотчилари ва қатнашчиларининг жавобгарлигини кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2007 йил 16 августда қабул қилинган «Қимор ўйинларини ташкил этиш ва ўтказишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан шу йилнинг 1 сентябридан бошлаб:

– Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қимор ўйинларини ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни (шу жумладан, тотализаторлар) ташкил этиш ва ўтказиш (тиражли, бир лаҳзали ва рақамли лотереялардан ташқари);

– қимор ўйинларини ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ва ўтказиш учун телекоммуникация тармоқларида, шу жумладан, Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғи провайдерлари томонидан хизматлар кўрсатиш;

– Ўзбекистон Республикаси ҳудудига пул ютуғига эга бўлган ўйин автоматларини олиб кириш тақиқланади.

Мазкур қарорлар Олий Мажлис Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлисида муҳокама этилган «Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил

этиш ҳамда ўтказишни тартибга солиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунни тайёрлашда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди.

Айтиш керакки, ушбу Қонун жами еттита моддадан иборат бўлиб, унинг олтита моддаси билан Жиноят, Маъмурий жавобгарлик, Фуқаролик, Солиқ кодекслари ҳамда «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги Олий Мажлиснинг 2001 йилнинг 12 майидаги қарорининг 1-иловасига қўшимча ва ўзгартиш киритилмоқда.

Мазкур Қонунни қабул қилишдан кўзланган мақсад шундан иборатки, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларга қарши курашнинг ҳуқуқий механизмини яратиш ва мустаҳкамлашдир.

Жиноят кодексининг 278-моддаси янги таҳрирда, яъни «қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ва ўтказиш» деган мазмунда номланган. Мазкур модда тўрт қисмдан иборат.

Унинг биринчи қисмида қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни қонунга хилоф равишда ташкил этиш ёки ўтказиш, шу жумладан, қиморхоналар ташкил этиш ёки уларни сақлаш етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгиланмоқда.

Иккинчи қисмда ўша ҳаракатлар уюшган гуруҳ ёки шу гуруҳ манфаатларини кўзлаб, такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса, етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши кўзда тутилмоқда.

Учинчи қисмда вояга етмаган шахсни қимор ёки таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларга жалб қилиш, бундай ҳаракатлар маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик

бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд тўрт ойгача қамоқ жазоси билан жазоланиши белгиланмоқда.

Тўртинчи қисмда эса телекоммуникация тармоқларида, шу жумладан, провайдерлар томонидан Интернет жаҳон ахборот тармоғида қимор ёки таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ёки ўтказиш учун хизмат кўрсатиш, тегишли дастурий маҳсулотларни босмалаш, кўпайтириш ва тарқатиш, бундай ҳаракатлар маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд тўрт ойгача қамоқ билан жазоланиши қайд этилган.

Шунингдек, Жиноят кодексининг «Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси» деб номланган саккизинчи бўлими «қимор ёки таваккалчиликка асосланган бошқа ўйин — ўйин ташкилотчиси (ўйин муассиси) томонидан бир ёки ундан ортиқ иштирокчилар билан тасодифга (воқеага) ва ёки ўйин иштирокчисининг қобилияти, эпчиллиги ва бошқа сифатларига боғлиқ ютуқ тўғрисида тузилган, таваккалчиликка асосланган битимга мувофиқ ўйин ташкилотчилари ва иштирокчиларининг хатти-ҳаракатлари мажмуини назарда тутувчи ўйин, шу жумладан, тотализаторлар, казино, шунингдек, ўйин автоматларидан фойдаланиладиган ўйин» мазмунидаги юридик атама билан тўлдирилмоқда.

Шу ўринда алоҳида қайд этиш жоизки, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ва ўтказиш фуқароларнинг, айниқса, вояга етмаганларнинг онги ва ахлоқига салбий таъсир қилади. Уларнинг ижтимоий хавфли қилмишлар содир этишига шароит яратади. Бундан ҳам хавфли жиҳати шундан иборатки, бу ўйинларни ташкил этишнинг ортида ғаразли мақсадлар ётади, айниқса, бундай қилмишлар банкдан ташқари нақд пул айланмаси, солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларининг кўпайишига сабаб

бўлади. Бу эса ўз навбатида қилмишнинг ижтимоий хавфли, ҳуқуққа хилоф эканлигидан дарак беради. Шу боис ҳам бундай хатти-ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик белгиланмоқда.

Яна бир янгилик шундан иборатки, Қонуннинг 2-моддаси билан «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодекснинг 191-моддаси (Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар) янги таҳрирда баён қилинмоқда.

Унга кўра, қимор ёки таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларда иштирок этган шахслар, вояга етмаган шахсларни қимор ўйинларида иштирок этишга жалб қилган, телекоммуникация тармоқларида қимор ўйинларини ташкил этиш ёки ўтказиш учун хизмат кўрсатиш ёки хизмат кўрсатишга кўмаклашиш, тегишли дастурий маҳсулотларни босмалаш, кўпайтириш ва тарқатиш учун маъмурий жавобгарлик ўрнатилмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, жиноий ёки маъмурий жавобгарликка тортилиб жазоланган шахсларнинг ўйин анжомлари, шу жумладан, ўйин автоматлари, ўйинда ставка ва ютуқ бўлган бойликлар, шунингдек, бундай ўйинларда қатнашиш натижасида олинган бошқа даромад тегишинча Жиноят-процессуал ёки «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодекслардаги тартиб-таомиллар асосида жиноят предмети ёки ҳуқуқбузарлик нарсаси сифатида давлат даромадига ўтказилади.

Яна шуни қайд этиш жоизки, давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 28 мартдаги «Қимор ўйинларини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ноқонуний фаолиятнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш юзасидан Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан ҳамкорликда амалга оширилган тадбирлар жараёнида Фарғона, Самарқанд, Наманган, Навоий вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида ноқонуний қимор ўйинлари таркибига кирувчи компьютер қимор ўйинлари, тотализатор, бильярд, карта, «шарикли лохотрон» шаклидаги қимор

ишларини ўтказиш, пул тикиб ҳайвон ёки парранда уриштириш, автотранспортда пойга уюштириш ҳолатларига барҳам бериш борасида қатъий қонуний чора-тадбирлар кўрилган.

Мисол учун айтадиган бўлсак, Наманган вилояти прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаментининг Наманган шаҳар бўлими томонидан 2007 йил 15 июнда ўтказилган тадбир давомида фуқаро Х. Исмоилов Чорсу деҳқон бозори ҳудудидаги «Навбаҳор» ошхонасини қимор ўйинлари учун жиҳозлаб, «лото» қимор ўйинини ташкил этгани аниқланган. Суднинг 2007 йил 11 августдаги ҳукми билан Х. Исмоилов тегишли муддатта озодликдан маҳрум этилган.

Шу ўринда, яна янги Қонун тўғрисида фикр юритадиган бўлсак, унинг 3-моддаси билан Фуқаролик кодексининг «Лотереялар, тотализаторлар ва бошқа ўйинларни давлат томонидан ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари» номли 984-моддаси, Солиқ кодексининг «Айрим тоифадаги корхоналарга солиқ солиш хусусиятлари» номли 8-моддасининг тўртинчи қисми ҳамда 6-моддаси билан «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги 2001 йил 12 майда қабул қилинган Олий Мажлис қарорининг биринчи иловаси эллигинчи хатбошисидаги «тотализатор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар» деган сўзлар чиқариб ташланган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, ушбу Қонуннинг қабул қилиниши билан қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ва ўтказиш каби жиноий қилмишларнинг олдини олиш, бу тоифадаги жиноятларни ўз вақтида фош этиш ҳамда айбдор шахсларга нисбатан жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш, ёшларни ахлоқий-маънавий жиҳатдан соғлом муҳитда тарбиялаш кафолати яратилди.

Тараққиётнинг ойдин йўли

Демократик ҳуқуқий давлат қуриш, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланадиган буюк давлат барпо этиш эзгу мақсадимиз бўлиб, ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар айни шу эзгу мақсадга қаратилган. Жумладан, суд-ҳуқуқ тизимидаги кўламли ислоҳотлар самараси ўлароқ, суд тизими инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи, унинг манфаатлари учун курашувчи ҳуқуқий институтга айланди. Негаки, унинг қонуний мустақиллиги тўла таъминланди. Шу билан бирга, суд фаолиятидаги энг асосий мезон холислик ва беғаразлик бўлиб, фуқаролик, хўжалик ва жиноят ишларини кўришда судьялар ана шу нуқтаи назарда туриб фаолият юритмоқда.

Шу ўринда мустақиллик халқимизнинг улкан салоҳияти, заковати ҳамда катта машаққатлар эвазига қўлга киритилган улуғ неъмат эканини таъкидлаш жоиз. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, бугунги кунда мамлакатимизда барча соҳаларда муваффақият билан олиб борилаётган ва амалда ўзининг юксак самарасини бераётган ислоҳотлар ҳам ўз-ўзидан амалга ошаётгани йўқ.

Жумладан, шўро замонида атай ўйлаб топилган «ўзбеклар иши», «пахта иши» каби воқеаларни эсласак, қаттол тузумнинг манфур манзараси намоён бўлади. Ўша даврда марказдан жўнатилган десантчилар жиноят ишлари бўйича фақат сохта далилларни йиғишга уринишарди. Иш бўйича тергов бир ёқлама олиб борилар, яъни улар ҳар қандай ишга айблов нуқтаи назаридан қарашар, ким бўлишидан қатъи назар, уни айбланувчи сифатида жазолаш керак, деган ақидага суянишар эди. Бундай сохта айблов, туҳматлар замирида халқимизнинг

руҳини синдириш, унинг шаъни, қадр-қимматини оёқ ости қилишдек қабиҳ мақсад бор эди.

Бу иш билан боғлиқ терговлар жараёни очиқдан-очиқ таҳдид ва зуғумдан иборат эди. Ўзлари ўзбек тилини билмас, маҳаллий терговчиларга ҳам сўроқ қилишга рухсат бермасди. Жараёнларда эса таржимон қатнаштиришдан ҳам қўрқишарди. Мана шундай оғир бир даврда Президентимиз Ислом Каримов халқимизнинг шаъни, қадр-қимматини қатъий ҳимоя қилди.

Айтмоқчимизки, собиқ тузумда суд жазоловчи орган бўлибгина қолмай, образли қилиб айтганда, тузумнинг «қўғирчоғи» ҳам эди. Фақат истиқлол туфайли буларнинг барчаси барҳам топиб, судлар том маънода адолатни тиклашдек муқаддас бурчини адо этмоқда.

Айтиш керакки, ҳуқуқий-демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қураётган мамлакат ҳаётида қонун устуворлигини ёки қонун олдида фуқароларнинг тенглигини таъминлаш энг бирламчи вазифа ҳисобланади. 2001 йил 29 августда қабул қилинган жиноий жазоларни либераллаштириш муносабати билан Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган ўзгартишлар ҳам ана шу вазифалар ижроси, аниқроғи, суд-ҳуқуқ ислоҳотлари йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг муҳим босқичи бўлди. Бу, табиийки, жиноят қонунчилигимизни тубдан ўзгартирди. Натижада нафақат жазолар, авваламбор, жазолаш учун жиноятларни таснифлаш ҳам қайта кўриб чиқилди.

2007 йилнинг биринчи ярмидаги суд ҳукмларини жамласак, судланганларнинг қарийб 70 фоизига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар қўлланилганига гувоҳ бўламиз. Булар асосан, жарима, ахлоқ тузатиш, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки шартли ҳукмлардир.

Либераллаштириш жараёнидаги энг катта янгиликлардан яна бири — бу Ярашув институтининг жорий этилганидир. Бу институт жавобгарликдан озод

қилиш масаласини ҳал этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Агар жабрланувчи етказган зарарнинг қопланганлиги сабабли айбдор билан келишиб, уни кечириб, ярашиш таклифини билдирса, судлар бу тоифадаги ишлар бўйича ҳеч қандай жазо белгиламайди, аксинча, ишни тугатиб, ярашишни тасдиқлайди. Бу билан айбдор жавобгарликдан озод этилади. Судланган ҳисобланмайди. Ярашув институти бўйича охирги тўрт йил ичида 40 минг нафарга яқин шахсга нисбатан жиноят ишлари тугатилди.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг мантиқий давоми, албатта, ўлим жазосининг бекор қилиниши ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилишига оид масалалардир. Жамиятда рўй берган ўзгаришлар оқибатида юзага келган шароит, жумладан, иқтисодиётнинг тубдан яхшиланиши, халқимизнинг ҳуқуқий маданияти юксалганлиги, Конституциямизда белгиланган яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи, жиноят содир этган шахсларни жазолашдан мақсад уларни ахлоқан тузатиш, жамиятга қайтариш эканлиги, шунингдек, Ўзбекистоннинг халқаро ҳуқуқ нормаларига содиқлигини намоён этиб, юртимизда ўлим жазосидан воз кечиш масаласи ҳал этилди.

Жамиятимиздаги яна бир муҳим янгилик — қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши уларнинг ваколатини кенгайтириши баробарида масъулиятини янада ошириши шубҳасиз. Бундан кўзланган мақсад — шахс дахлсизлигини таъминлаш, яъни суд қарорисиз ҳеч ким қамоққа олиниши ёки ҳибсда сақланиши мумкин эмас. Демак, суд эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш масаласини ўзи ҳал қилади. Бу дунё тамаддунида қарор топган демократик тамойилларга ҳам тўла мос. Тарафлар бир-бирига суднинг олдида очиқлик асосида фикр билдиради, ошкоралик асосида иш кўрилади. Суд фақатгина иш материалларига қараб эмас, балки гумон қилинувчи ёхуд айбланувчини бевосита

ишлаш йўли билан, аниқроғи, содир қилинган жиноятда қанчалик айби бор ёки йўқлигига қараб хулоса чиқаради.

Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш даврида одил судловни амалга ошириш жараёнининг иштирокчиси ҳисобланган адвокат ва давлат айбловчиси бўлмиш прокурорнинг суд муҳокамасидаги тенглиги ҳамда уларнинг тортишув принципини тўлақонли амалга оширишдаги роли ва таъсирини кучайтиришга қаратилган ҳуқуқий механизм қайта кўриб чиқилди. Адвокатлик фаолияти билан боғлиқ иккита қонун қабул қилинди ва бу қонунлар ҳимоячи фаолиятини ҳам ҳуқуқий, ҳам ташкилий жиҳатдан ислоҳ этишда муҳим ўрин тутади.

Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш жараёнининг кўлами ниҳоятда кенг. Биз масаланинг айрим жиҳатларини таҳлил қилдик, амалиётдаги айрим самарали ишларга тўхталдик, холос.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг қўшма мажлисида қилган «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» номли маърузасини қайта-қайта ўқиб, шу нарсага амин бўлдикки, жамият тараққиётида шахснинг роли ниҳоятда катта. Президентимиз ўтган йиллар давомида нафақат Ўзбекистонни дунё ҳавас қилгулик даражага олиб чиқди, балки халқимизни бало-қазолардан, турли офатлардан, сиёсий ва диний таҳдидлардан, ички ва ташқи манфур кучлардан асради. Бугунги кунда ҳар қандай хорижлик сиёсатдон ҳам Ўзбекистон ҳақида ўйлаб гапиради. Чунки уларнинг барчаси юртимиздаги дунёвий ўзгаришларга гувоҳ бўлиб турибди. Ҳуқуқий-демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти қураётган халқимизнинг шаҳду шижоатига ҳавас билан қарамоқда. Чунки кечагина бировнинг қўлига қарам бўлган мустамлака бир юрт бугун юксалишнинг ойдин йўлига чиқиб олди.

Муҳими – жавобгарлик муқаррар

Мустақилликнинг мазмун-моҳияти ҳақида гапирганда, Конституциядан келиб чиқиш лозим. Инчунин, бугун Конституциямизнинг ҳар бир моддаси жамият тараққиётида ўзини тўла оқлади. Бугунги фаровон ҳаёт Асосий қонун орқали эришилган муваффақият ҳамдир. Унинг моҳиятида инсон ҳуқуқлари, шахс эркинлиги ётади. Шахс деганда, аввало ҳуқуқий жиҳатдан эркинлиги тўла таъминланган одам тушунилади. Бундан икки-уч юз йил олдин яшаган европалик олимлар ҳам, бугунги жамият аъзолари ҳам шахсга эркинлик тамойили нуқтаи назаридан ёндашади. Фуқаро юридик атамаси замирида эса, албатта, бирор-бир давлатга дахлдорлик ётади. Ўзбекистонда ягона фуқаролик жорий қилинган. Ҳукуматимиз ўз фуқароларини нафақат ички, балки ташқи сиёсатда ҳам ҳимоя қилади. Чунки Конституциямиз моҳиятида инсон, шахс, фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари ётади. Булар орасида энг муҳими, шубҳасиз, табиий ҳуқуқ. Одам она қорнида вужудга кела бошлагандан у учун қандайдир ҳуқуқлар пайдо бўлади. Хусусан, ҳуқуқ лаёқати, кейинчалик муомала лаёқати... Чақалоқ туғилган пайтдан бошлаб мерос ҳуқуқи вужудга келади. Табиий ҳуқуқлар орасида энг асосийси – яшаш ҳуқуқи. Шунинг учун ҳам Асосий қонунимизнинг 24-моддасида «яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Унга қарши ҳар қандай тажовуз жавобгарликни келтириб чиқаради» деб белгилаб қўйилган. То шу вақтга қадар бу фикрни бир томонлама, яъни бир кишининг бошқа бир одам жонига тажовуз қилмаслиги сифатидагина тушунардик. Энди шу фикрнинг иккинчи томонига ҳам баҳо берилиб, давлатнинг ҳукмронлиги ҳам тўхтатилди. Чунки яшаш ҳуқуқи шахснинг узвий ҳуқуқи сифатида белгиланган экан, бу ҳуқуқдан маҳрум қилишга ҳатто давлат ҳам ҳақли эмас.

Хаттоки, айбни оғирлаштирадиган ҳолатлар — қасддан одам ўлдириш ва терроризм жиноятлари содир этилган жиноятчиларга ҳам умрбод озодликдан маҳрум этиш жазоси қўлланилади. Охирги вақтларда нима учун ўлим жазосини бекор қилиш керак, деган икки тенденция қаршисида турибмиз. Жаҳондаги юздан ортиқ мамлакатлар ўлим жазосидан воз кечган, айримларида мораторий эълон қилинган, баъзиларида эса бу жазо ҳали ҳам сақланиб турибди. Яқинда БМТ ўлим жазосини бекор қилмаган давлатларга ўлим жазоси билан боғлиқ бўлган жазони ижро этмасдан тўхтатиш (мораторий) юзасидан расмий қарор қабул қилди. Албатта, бу мажбурий эмас, балки тавсия характерида эканлигини эсдан чиқармаслик лозим. Ҳозирги кунда БМТга аъзо давлатларнинг барчаси учун ўлим жазоси билан боғлиқ энг қулай жиҳат ундан воз кечиш ёки ижросини тўхатишдир. Масалан, Россияда ўлим билан боғлиқ жазо берилади, лекин маҳкум ҳукм ижросини ҳаёти давомида камераларда кутиб ётади.

Президентимизнинг 2005 йил августдаги «Ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони жаҳонда ўз акс садосини берди. Дунёнинг турли бурчакларида ушбу ҳужжат таҳлил қилинди. Чунки Ўзбекистонга баҳо беришда ўлим жазосини бекор қилиш биз хоҳлаётган демократиянинг асосий қиррасига айланди. Жумладан, Германияда бўлганимизда, Бундестаг аъзолари билан бир стол атрофида ўтириб, ўлим жазосини бекор қилиш билан боғлиқ фармон ҳамда бир қатор қонунларимиз ижросидаги босқичма-босқичликни эътироф этишди. Президент Ислом Каримов ўша фармонга имзо чекишдан олдин ҳам, Сенат билан Қонунчилик палатасининг 2005 йил 28 январдаги қўшма мажлисидаги маърузасида ҳам ўлим жазосидан воз кечишни аҳоли билан келишайлик, сабабларини халқимизга тушунтирайлик, деб алоҳида таъкидлаган эди. Бу ишга ҳуқуқшунослару иқтисодчилар, сиёсатчилару файласуфлар бош қўшиб, ҳар бир киши нима учун биз ўлим билан боғлиқ жазолардан воз

кечишимиз кераклигини ўз соҳасига боғлаган ҳолда тушунтириб бера олди. Ва шундай якуний хулосага келинди: ҳар бир жазодан кўзланган мақсад — жиноятчи ахлоқан тузатилиши лозим. Давлат жиноятчини жамиятдан ажратган ҳолда жазони ўташ колонияларда сақлайдими, ахлоқ тузатиш ишларига жалб қиладими ёки ҳукмни кечиктирадими, уни муайян ҳуқуқлардан маҳрум қиладими — ҳамма-ҳаммасида шахсга онгли равишда ўз қилмиши учун жавобгарликни ҳис қилдиришни кўзлайди. Жиноятчи қилмиши туфайли кишиларга, жамиятга азият етказганини тушуниб, бу хатони такрорламасликка ҳаракат қилиши шарт. Ўлим жазосида эса бу мақсадга эришиб бўлмайди. Ҳар бир қилмиш учун жавобгарлик муқаррардир. Бироқ бу тушунчани жазонинг муқаррарлиги деб тушунмаслик лозим. Буни Юртбошимиз ҳам таъкидлаб, «биз жазонинг эмас, жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлашимиз керак» деганди. Бу дегани — жиноят қилган ҳамма кишига ҳам жазо берилмайди. Баъзи ҳолатларда жавобгарликдан озод қилиб юборилмоқда. Ярашув институти жорий қилинди. Бунда ҳеч ким жазоланмайди. Жабрланувчи кечирса, айбдор ўзи етказган моддий-маънавий зарарни қоплайди. Бу ўртадаги адоватни кўтариш учун амалга оширилади.

Жазо ўз хусусияти билан ҳам жазо бўлиши керак. Биз жиноятларни қуйидагича таснифлаганмиз: ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир жиноятлар. Амнистия тўғрисидаги фармонга назар ташласангиз ҳам шу таснифга гувоҳ бўласиз. Бу ҳам Конституциямизнинг туб моҳияти инсон манфаатларига қаратилганини кўрсатади. Яна бир муҳим далил: бизда ҳар йили мустақиллик ёки Конституция байрами арафасида амнистия тўғрисидаги қарор чиқарилади. Аввалари шу ҳақдаги фармон Президент томонидан чиқариларди, ҳозир эса Президент тақдимномасига асосан

Сенат қарор чиқарянти. Яъни бу ҳам Сенат ваколатига киритилди. Амнистия масаласи Сенатнинг ялпи мажлисида сенаторлар томонидан муҳокама қилиниб, кейин аниқ тўхтамга келиниши давлат қурилишида демократиянинг янада чуқурлашганидан далолат беради.

Яна бир жиҳат: биз доимо инсон ҳуқуқлари, эркинликларини жамият билан таққослаган ҳолда ўлчаймиз. Ҳозирги кунда кучли давлат деган тушунча ўз нуфузини йўқотмоқда. Ҳуқуқшунослар тилида «давлатнинг ўлиши» деган тушунча бор. Бу ҳақда турли мутафаккирлар ўз фикрларини айтиб ўтишган, бироқ ҳалигача давлатнинг ва жиноятчиликнинг ўлиши ҳақида ягона тўхтамга келингани йўқ. Бу фикрнинг исботи тарзида Париж коммунаси ёки СССР тизимини кўриш мумкин. Уларнинг ҳар иккиси давлатнинг кераксиз эканлигини исботлашга уринишганди. Оқибати эса барчага маълум, инқирозга учради. Аммо ҳозирги даврда Ўзбекистонда қурилаётган янги тузумда асосий мақсадларимиздан бири «Кучли давлатдан — кучли жамият сари» тамойилига биноан иш кўришдир. Жамият ҳар доим давлатга нисбатан кенг тушунча сифатида идрок қилинган. Чунки жамиятнинг бошқарув асослари давлат механизмига нисбатан кенг кўламли иши билан ажралиб туради. Давлат деганда эса бошқарувнинг уч механизмини тушунамиз: қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти. Мамлакатимизда ҳозирги кунда 5000 дан ортиқ нодавлат ташкилотлар бор. Уларнинг ҳар бири ўз вазифасига эга. Бири бирини такрорламайди. Ўзини ўзи бошқариш ташкилотлари улариинг бир кўринишидир. Унда фақат ишонтириш усулидан фойдаланилади, давлат каби мажбурлов методидан ушбу ташкилот фойдалана олмайди. Шу боис ўзини ўзи бошқариш ташкилотларининг ваколатлари кенгайтирилди. Бу ҳақдаги Қонунни янада такомиллаштириш керак деган нуқтаи назарда иш олиб боряпмиз. Эҳтимол, уларнинг аҳамиятини янада ошириш

лозимдир. Чунки ҳар қандай ўзгаришнинг асоси маҳалладан бошланади. Ўзини ҳурмат қилган ҳар қандай давлатда энг бебаҳо тушунчалардан бири инсон шаъни, унинг қадр-қимматидир. Ҳеч қачон унинг нархи белгиланмайди, ўлчанмайди. Баъзан маънавий зарарни ундириш юзасидан судларга мурожаатлар келиб тушади. Бу нисбий ҳолат, албатта. Чунки бировга айтилган гап унга жуда қаттиқ таъсир қилиши, кимгадир эса умуман таъсир қилмаслиги мумкин. Шу нуқтаи назардан кимгадир маънавий зарар 100 минг сўм этиб белгиланса, бошқа кишига 1 млн. сўм қилиб белгиланиши мумкин. Судьялик фаолиятимда шунга гувоҳ бўлганман. Маънавий зарарни ундириб бериш тўғрисида шикоят ёзган киши билан суҳбатлашиб: «Сизга бу ҳолат қай даражада таъсир қилди?» десам, тайинли жавоб қайтаролмади. Чунки унинг кўнглига бу гап қаттиқ таъсир қилмаган. Бошқа бир киши айтган гаплар эса мени анча ўйлантириб қўйди. «Шу ҳодисадан кейин ўзим тугул болаларим ҳам кўчада бош кўтариб юролмай қолди» деганди у ўйчанлик билан. Табиийки, маънавий зарар суммаси уларнинг иккиси учун икки хил миқдорда белгиланади.

Шу ўринда эслаш жизки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ота-она ва фарзанд муносабатлари, мажбуриятлари хусусида алоҳида модда бор: «Ота-оналар фарзанди вояга етгунга қадар боқиш ва тарбиялашга ёки вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар». Чет эллик баъзи мутахассислар эътироз билдиришади: нима учун сизлар ҳуқуқни мажбурият билан алмаштиргансизлар? Биз эса уни халқимизнинг менталитети билан боғлаган ҳолда ушбу муносабатлар тобелик асосида эмас, балки ўзаро меҳр-муҳаббат тушунчалари асосида вужудга келганини тушунтиришга уринамиз. Ахир Асосий қонунимиздан тортиб, барча меъёрий ҳужжатлар аввало миллийлигимиз ва бой давлатчилигимиз тарихи асосида яратилган. Албатта, мажбурлаш услубидан йироқмиз.

Фарзандларимиз эркин фикрли, дунёқараши кенг бўлиб ўсиши лозим. Қолаверса, бугуннинг боласи ўзгача: фикри теран, энг муҳими, озод. Эътиборлиси, бу жараённи қонунийлаштириш учун «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Ўша ҳужжатга шуидай норма киритилди: «Оилада ҳар бир бола ўз фикрини ифода этишга ... ҳақлидир». Бундан буён оилада боланинг эркин фикр юритиши ҳам қонунан кафолатланди. Буларнинг барчаси, албатта, келажак авлоднинг жисмонан ва маънан соғлом бўлиб улғайиши йўлида қилинаётган хатти-ҳаракат, агар таъбир жоиз бўлса, яхши ниятлар билан қадалаётган ниҳол. Бу ниҳол бир куни, шубҳасиз, кутилган мевасини беражак. Зотан, Асосий қонунимизда зикр этилганидай «Ўзбекистонда ижтимоий ҳаёт фикрлар хилма-хиллиги асосида ривожланади».

Одамийликиинг олий намунаси

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси муқаддимасининг саккизинчи хатбошисида қайд этилганидек, Ўзбекистон халқи инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаган бўлиб, Ўзбекистон Республикасида демократия, Асосий қонунимизнинг 13-моддасида белгиланганидек, умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда барпо этилаётган адолатли ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг туб моҳияти ўзида инсонпарварлик ғоясини мужассам этган дейишга тўлиқ асос бор.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси ўз ички сиёсатини халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда инсонпарварлик принципи шартлари, талаблари, қоидаларига, шунингдек, ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таянган ҳолда амалга ошириб келмоқда.

Мамлакатимиз давлатчилиги ривожи тарихи, ҳуқуқий тажрибаси, айниқса Шарқ фалсафаси ва ижтимоий тафаккурида инсонпарварлик ғоялари азалдан кенг тарқалган бўлиб, унинг кўп минг йиллик тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ва бошқа мутафаккир аждодларимиз асарларида инсонпарварлик, инсон эркинлиги, унинг қадр-қимматини ардоқлаш ғоялари акс эттирилган. Жумладан, Форобий инсонларнинг иноқ ва дўст яшаши мамлакатда халқлар учун катта фойда келтиришини исботлашга ҳаракат қилган, тинчликни қатъият билан қувватлаб, бутун фаолиятини инсон, унинг манфаатлари хизматига қаратиш билан ибрат кўрсатган. Навоий инсон тақдири, халқ манфаати, мамлакат ҳақида ғамхўрликни давлатни

бошқаришдаги энг муҳим ва энг асосий масала сифатида эътироф этган. Дунёда инсондан улуғ ва қадрли нарса йўқ деган ақидани илгари сурган. Унинг фикрича, бутун мавжудот, борлиқ инсонга, унинг бахт-саодатига хизмат қилиши лозим. Жаҳондаги жамики динларда, шу жумладан муқаддас ислом динимизда ҳам инсонпарварлик ғоялари ўз ифодасини топган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида инсонпарварлик принципини рўёбга чиқариш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан изчил сиёсат олиб борилмоқда. Давлат ва жамият ҳаёти билан боғлиқ муҳим соҳаларга оид, шу жумладан амнистия тўғрисидаги норматив хусусиятга эга қатор фармонлар қабул қилиб, Ўзбекистоннинг инсонпарварлик принципига доимо содиқ эканлигини жаҳон ҳамжамияти олдида ҳам намоён қилиб келганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги эълон қилиниши муносабати билан, яъни 1991 йил 31 августда, сўнгра мустақиллик эълон қилинганлигининг бир, уч, беш, тўққиз, ўн йиллиги муносабати, шунингдек, «Ўзбекистон Жаҳон миллатлар ҳамжамиятига аъзо бўлганлиги муносабати билан» (1992 йил 6 апрель), «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг бир, беш, олти, ўн, ўн бир, ўн икки йиллиги муносабати билан ёки 9 май Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилинганлиги муносабати билан» — умуман олганда, Юртбошимиз томонидан ўтган 14 йил давомида Амнистия тўғрисида жами бўлиб 15 та Фармон қабул қилинган.

Мамлакатимизда икки палатали парламент фаолият бошлаганидан сўнг Олий Мажлис Сенати Конституцияда акс эттирилган мутлақ ваколатига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қиладиган бўлди.

Кези келганида таъкидлаш жоизки, инсонпарварлик принципи моҳият эътибори билан сермазмун, чуқур маънога эга тушунча. Ўзбекистон Республикасида Конституция асосида қабул қилинаётган қонунлар, умуман олганда эса барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳияти жиҳатидан инсонпарварлик намунаси ҳисобланади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида инсонпарварлик принципи асосий принциплардан бири сифатида акс эттирилган. Унга кўра жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламаслиги, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши учун етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланиши керак. Айни шу нуқтаи назардан ёндашган ҳолда, яъни инсонпарварлик принципи асосида амнистия тўғрисида қарор қабул қилинмоқда.

«Амнистия» юридик атамаси замирида инсонпарварлик, кечиримлилик тушунчалари ётади, бинобарин бу норматив ҳуқуқий ҳужжатда жиноят содир этган бир тоифа шахсларни жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш масаласи акс этади.

«Амнистия тўғрисида»ги 2006 йилнинг Сенат қарори лойиҳаси аввало мазмун жиҳатдан аввал шу масала юзасидан қабул қилинган қарорга нисбатан анча кенглиги билан фарқ қилишини қайд қилмоқчимиз. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг Махсус қисмидаги жиноятлар ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятига қараб уч юздан ортиқ бўлиб, улар белгиланган жазо турларини ҳисобга олинган ҳолда тўрт тоифага бўлинади:

1) ижтимоий хавфи катта бўлмаган;
2) унча оғир бўлмаган;
3) оғир;
4) ўта оғир жиноятлар.

Амнистия тўғрисидаги қарор матнидан бу ҳуқуқий ҳужжатда юқорида санаб ўтилган тўрт тоифадаги жиноятни содир этган шахсларнинг деярли барчасига татбиқ этилмаслиги кўрсатилган 8-бандда санаб ўтилганлардан ташқари, алоҳида ёндашув асосида, яъни қарорни тегишли бандларида белгиланган тартибда қўлланилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур ҳуқуқий ҳужжатни қўллаш жараёнида, биринчидан, маълум тоифа шахслар жиноий жавобгарликдан, иккинчидан, яна бир гуруҳи жазодан озод қилинади. Учинчидан, бир гуруҳ маҳкумларнинг жазоси қисқартирилади ёки жазоси енгилроқ жазога алмаштирилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қарорнинг биринчи бандида ўта оғир бўлмаган жиноятлари учун биринчи марта судланган:

а) аёллар;

б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар, яъни вояга етмаганлар;

в) 60 ёшга тўлган эркаклар;

г) чет эл фуқаролари жазодан озод қилинади.

Бундан ташқари қарорнинг 2, 3, 4-бандларида:

эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этганлар, шунингдек, биринчи марта ҳукм қилинган ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлар;

мазкур қарор кучга киргунга қадар жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликка чалинган ёки биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари;

ўталмай қолган жазо муддати икки йилдан кўп бўлмаган (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод этилиши кўзда тутилган.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжатнинг 5-бандига кўра, ўтган йилги амнистия тўғрисидаги қарордан фарқли равишда, «тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар

таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта 10 йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилиниб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилинади». Айнан мана шу ўринда Юртбошимизнинг инсонпарварлик принципига нечоғлиқ содиқлиги яққол кўринади. Кези келгани учун эслаш жоизки, муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг «Террорчи гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида» 2000 йилнинг 6 сентябрида чиқарилган Фармони ҳозирги кунда ҳам амалда қўлланилмоқда. Мазкур Фармонда Ўзбекистонга қўшни бўлган давлатлар ҳудудидаги террорчи гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган, оғир жиноятлар содир этмаган, Ватанига, ота-онаси бағрига қайтиб, тинч ҳаёт кечиришни ният қилган шахсларга яна бир имконият бериш, уларни беҳуда қурбон бўлишига йўл қўймаслик сингари инсонпарварлик туйғуси ифодаланган бўлиб, бу соф инсонпарварлик ҳаракати ҳам биз танлаган тўғри йўлни кўра олмаётган кимсаларнинг эътиборидан четда қолмаган бўлса керак, деб ўйлаймиз.

Қарорнинг 6—7-бандлари ҳам эътиборга молик. Зеро, унда қарорнинг 1—2-бандларида қайд этилган, яъни аёллар, вояга етмаганлар, 60 ёшга тўлганлар, чет эл фуқаролари, шунингдек, эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган, чет эл фуқаролари, ҳамда эҳтиётсизликка тааллуқли жиноятлар юзасидан олиб борилаётган барча тергов ишлари ва судда кўрилмаган ишлар тугатилади. 7-бандда белгиланишича, жазодан озод қилинмайдиган шахслар жазо муддатининг ўталмаган қисми:

қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга учдан бир қисмга;

ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга тўртдан бир қисмга қисқаради.

Қарорнинг 8-бандига кўра:

ўта хавфли рецидивистларга;

жазо ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган шахсларга;

шунингдек, муқаддам афв этиш ёки амнистия тартибида жазодан озод этилиб, яна қасддан жиноят содир этган шахсларга;

тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар содир қилганлиги учун судланганларга мазкур қарор татбиқ этилмайди.

Қарорнинг 9-бандида ушбу қарорни ижро этиш чорасини кўриш Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилмоқда.

Ниҳоят, қарорнинг 10-бандида қарор эълон қилинган кундан кучга кириши ва уч ой давомида унинг ижросини таъминлаш белгиланмоқда.

Юртбошимиз томонидан тақдим этилган, инсонпарварлик, кечиримлилик ғояси ифодаланган мазкур қарорни қабул қилиш Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг халқаро андозаларга мослиги, мамлакатимизнинг ўзига хос изчил сиёсатини амалга оширишда Сенатнинг алоҳида ўрни борлигининг ёрқин ифодаси бўлади[1].

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 14 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги Сенат қарори юзасидан сўзланган маъруза.

Амнистия: бағрикенгликнинг амалдаги ифодаси

Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ, халқимизга хос бағрикенглик ва кечиримлилик тамойиллари қонунларимизда ва амалда ўзининг аниқ ифодасини топаётир. Зеро, ҳаётда билиб-билмай хато қилган ёки жиноятга қўл урган кишини кечириб, унинг тўғри йўлга тушиб кетиши учун имкон бериш халқимизга хос эзгу амаллардан саналади.

Давлатимиз раҳбари тақдимномасига асосан Олий Мажлис Сенати томонидан 2007 йилнинг 30 ноябрида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн беш йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарор замирида ҳам айнан шундай мақсад мужассам.

Айтиш керакки, Бош қомусимиз бугунги тинч ва осойишта ҳаётимизнинг ҳуқуқий пойдеворидир. Унинг беқиёс қадр-қиммати, ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги ўрни ҳамда аҳамияти йиллар ўтгани сайин ортиб бормоқда. Айни чоғда Конституциямиз туб моҳиятида олий қадрият сифатида эътироф этилган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шахс эркинлиги ва унинг дахлсиз ҳуқуқларини таъминлаш ғояси устуворлик касб этади. Шу маънода ҳар йили Конституциямиз қабул қилинган сана муносабати билан юртимизда амнистия акти эълон қилиниши бежиз эмас.

Асосий қонунимиз ўз мазмун-моҳияти жиҳатидан халқчил, серқирралиги билан жамият ва давлат ривожининг барча соҳаларини ўзида акс эттирган, халқаро ҳуқуқ талабларига тўлиқ мос экани билан ҳам эътиборга молик. Хусусан, «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги халқаро Пактнинг учинчи

бунимида амнистия, афв этиш ҳамма ҳолларда инсонга нисбатан этилиши мумкин, деган қоида мавжуд. Халқаро ҳуқуқнинг асосий манбаларидан бири саналган мазкур ҳужжатдаги бундай қоидалар мамлакатимиз Конституцияси ва қонунларида ўз ифодасини топган.

Юқорида номи зикр этилган қарор бу ишларнинг мантиқий давоми бўлиб, у улкан бағрикенглик ва меҳр-шафқатга йўғрилган. Жумладан, унда аёллар, вояга етмаган шахслар ва ёши улуғ кишиларни биринчи навбатда жазодан озод этишга алоҳида эътибор қаратилгани фикримиз исботидир. Зеро, жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлиги жазонинг оғирлигида эмас, балки қонунни бузган шахс жазонинг муқаррарлигини нечоғли англашига боғлиқ.

Шу боис бугунги кунда жиноят кўчасига кириб қолганларни қайта тарбиялаш, соғлом ҳаётга қайтариш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда. Бунда амнистия муҳим ўрин тутади.

Жумладан, қарорга мувофиқ, биринчи марта содир этган жиноятлари учун судланган аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар, 60 ёшга тўлган эркаклар, чет эл фуқаролари жазодан озод қилинади. Шунингдек, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахслар, жинси ёки ёшидан қатъи назар, жазодан озод қилинади.

Қайд этиш жоизки, мазкур тоифадаги шахслар жазони ўташ жойларидан бўшатилади ва шу билан бирга аёллар ёки вояга етмаганлар ёхуд 60 ёшдан ошган эркаклар ёинки чет эл фуқаролари томонидан содир этилган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган барча тергов ишлари ва судда кўрилмаган ишлар тугатилади. Мазкур ҳужжатнинг яна бир афзаллиги шундан иборатки, унга кўра, жазо ўтаётган айрим шахсларнинг жазо муддати тегишлича қисқартирилади.

Ҳужжатнинг эътиборни жалб қиладиган яна бир жиҳати, унда тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги

иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта 10 йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилиниб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилиниши белгиланган. Буни ўзбек халқига хос кечиримлилик ва бағрикенгликнинг намунаси, десак, асло хато қилмаймиз.

Шу ўринда қайд этиш керакки, ўта хавфли рецидивистларга, жазони ўташ тартибини муттасам равишда бузаётган шахсларга, шунингдек, муқаддам афв этиш ёки амнистия тартибида жазодан озод бўлгач, яна қасддан жиноят содир этган шахсларга ушбу қарор татбиқ этилмайди.

Ушбу қарорнинг ижросини таъминлашга мутасадди бўлган давлат ҳокимияти ва нодавлат ташкилотлар ўзаро ҳамкорликда бир қатор ташкилий-ҳуқуқий тадбирларни ўз вақтида амалга оширсагина бу ҳуқуқий ҳужжатдан кўзланган асосий мақсадга эриша оламиз. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва ҳокимликлар жазони ижро этиш жойларидан қайтганларнинг жамиятга мослашиш чорасини кўриши, яъни биринчидан, улар тўлиқ ҳисобга олиниши, иккинчидан, ишга жойлаштирилиши, учинчидан, ёлғиз ва ёрдамга муҳтож шахсларнинг ногиронлар ва қариялар уйига жойлаштирилиши, тўртинчидан, вояга етмаганлар эса ота-оналари ёки васийлик ва ҳомийлик органларининг назоратига топширилиши, зарур ҳолларда уларнинг тегишли таълим муассасаларига юборилиши таъминланиши зарур. Бу борада зарур шарт-шароитлар мавжуд бўлиб, жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман, шаҳар ҳокимликларида бу масала билан шуғулланувчи махсус комиссиялар ташкил этилган.

Бундан ташқари, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг жойлардаги бўлинмалари қарорга биноан жазони ўташга

тусқинлик қиладиган оғир касалликка чалинган биринчи ёки иккинчи гуруҳ ногиронларининг диспансер ҳисобига олиниши ва махсус даволаш муассасаларига жойлаштирилишини ташкил этиши лозим бўлади. Шунингдек, Ички ишлар ва Ташқи ишлар вазирликлари эса озод қилинган чет эл фуқароларини ҳисобга олган ҳолда мамлакат ҳудудидан чиқариб юбориш чорасини кўриши лозим.

Мазкур ҳужжат эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим. Бу ҳуқуқий ҳужжат жиноят содир этгандан сўнг айбига иқрорлик билдириб, қилмишидан пушаймон бўлиб афсус-надомат чеккан, оиласи, қариндош-уруғлари, маҳалла-кўйга қайтиш илинжида юрган маҳбусларнинг жамиятга қайта қўшилишига кенг йўл очиб беради.

Шу ўринда айтиш жоизки, турмуш чорраҳаларида иродасизлиги туфайли адашган, хатога йўл қўйиб жиноятга қўл урган, эндиликда мазкур қарор туфайли озодликка чиқариладиган кишилар атрофдагиларнинг меҳр ва кўмагига эҳтиёж сезади. Агар ана шундай вазиятда унга беминнат кўмак берилса, у, шубҳасиз, ҳаётда қайта тўғри йўл топиб олади. Зеро, халқимиз табиатида адашганга тўғри йўл кўрсатиш, йиқилганни суяш, бир сўз билан айтганда, бағрикенглик фазилати чуқур ўрин олган.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, мазкур қарорнинг қабул қилиниши ва ижросининг таъминланиши давлатимиз сиёсатидаги инсонпарварлик тамойилининг яна бир ифодаси бўлди. Зеро, у туб мазмун-моҳияти билан одамийлик ва бағрикенгликнинг олий намунасидир.

Адолатли қонунлар – тараққиёт кафолати

— Мавжуда опа, барчамизга яхши маълумки, инсоният азал-азалдан ер юзида адолатли ва фаровон жамият қуриш, муносиб ҳаёт кечириш йўлида тинмай изланиб келади. Одамзот ўз ақлини таниганидан буён бу борада қанчадан—қанча ғоя ва концепциялар илгари сурилган. Сиз таниқли ҳуқуқшунос олима ва тажрибали амалиётчи сифатида адолат ғоясининг жамиятдаги ўрни қандай мезонлар асосида белгиланади деб ўйлайсиз?

— Дарҳақиқат, инсоният учун ғоят муҳим бу саволга барча замонларда жавоб изланган. Буюк мутафаккирлар, ижодкорлар, давлат арбоблари бу ҳақда мунтазам бош қотириб келган. Адолат ғоясининг фалсафий маъно-мазмуни, юридик аҳамияти ҳар қандай онгли инсонни чуқур мушоҳада юритишга ундайди. Ҳозирги даврда бу ғоя кўпроқ жамиятни ҳаракатлантирувчи, тартибга солувчи восита ҳисобланган қонунларда ўз ифодасини топаётганини таъкидлаш лозим. Қадимда буюк файласуфлардан бири «Адолат бу — қонундир, қонун эса адолатдир» деган хулосага келгани ҳам бежиз эмас. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом муборак ҳадисларида «Адолат дин иззати, султон қуввати, раият тотувлиги, ҳамма яхшиликлар мезонидир», деганлар. Мазкур ҳадис тарихда «қилич ва қалам соҳиби» сифатида танилган вазир Низомулмулкнинг «Сиёсатнома» асарида ҳам келтирилган. Адолатга берилган бу таъриф неча асрлардан буён ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Адолатнинг «султон қуввати» дейилишига сабаб шуки, бирор давлатда қабул қилинаётган қонунлар ижтимоий масалаларни нечоғлиқ акс эттирган, яъни халқнинг хоҳиш-иродаси, эҳтиёжини қанчалик тўғри ифодалаган бўлса, ўша жойда у қарор топади.

Сирасини айтганда, адолат ғояси ҳаётнинг барча соҳаларида ўзига хос мезон вазифасини ўтайди. Шу

ўрнида буюк бобомиз Амир Темурнинг «Куч — адолатдадир» деган шиорини алоҳида қайд этиш лозим. Ана шу олижаноб ғояга амал қилган Соҳибқирон тузукларида мазкур тамойил қуйидагича таърифланган: «Адолат ва инсоф билан Тангрининг яратган бандаларини ўзимдан рози этдим. Гуноҳкорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм қилиб, ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим». Бу сўзлар Амир Темур салтанатида адолатпешалик нақадар муҳим тамойил сифатида амал қилганидан далолатдир.

Адолат ғояси ҳозирги замонда айниқса долзарб аҳамиятга эга. Шу боис биз қурмоққа бел боғлаган озод ва обод Ватан ғояси ҳам адолат тамойилига уйғун тарзда амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ «Ислоҳотларимизнинг пировард мақсади битта. Бу ҳам бўлса адолатли жамият барпо этиш» деган фикр асосида бу борадаги мақсад ва вазифаларни аниқ белгилаб берган эди. Жумладан, адолат масаласининг жамият ҳаётидаги аҳамиятини таъкидлаб, Юртбошимиз бундай деган эди: «Халқ очликка, йўқчиликка, ҳамма нарсага чидаши мумкин. Аммо адолатсизликка чидай олмайди».

Адолат ғояси муқаддас ислом динида ҳам жамиятнинг асосий мезони сифатида қаралади. Фиқҳ илмига доир манбаларда ҳуқуқ ва адолат бир бутун тушуича деб ҳисобланган. Бу икки истилоҳ гўё тарозининг икки палласи деб тасаввур қилингани сабабли қозихоналар пештоқига айнан тарози тасвири туширилган.

— *Халқимиз буюк давлатчилик тарихига эга. Шу боис бизда давлат бошқаруви ва жамияшунослик соҳасида бой тажриба тўпланган. Ўтмишда юртимизда одил судлов тизими, унинг ўзига хос хусусиятлари қандай бўлган?*

— Юртимиз тарихи, миллий маданий меросимиз ислом дини билан чамбарчас боғлиқ. Буни ҳуқуқшунослик тарихи мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Имом Бухорий ва имом Термизий, имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Абулайс Самарқандий каби ўнлаб алломалар бу соҳа ривожига беқиёс ҳисса қўшган.

Ислом ҳуқуқига оид тарихий манбаларда қайд этилишича, мусулмон жамиятида қонунлар ижросини назорат қиладиган асосий институт — қозилик маҳкамасида энг иқтидорли, тажрибали ва билимдон мутахассислар ишлаши талаб этилган. Энг муҳими, бу касб эгаларининг хулқ-атворини тартибга соладиган махсус одоб-ахлоқ қоидалари бўлган ва уларга қатъий амал қилинган. Унга кўра, қози босиқ-вазмин, кўп гапирмайдиган, ҳуда-беҳуда кулавермайдиган, ҳалол-покиза, дўст-ёрни кўпайтиришдан ўзини тиядиган, кўпчиликнинг диққатини жалб этмайдиган кийим-бошда юрадиган одам бўлиши талаб этилган. Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» асарида шу хусусда бундай дейилган: «Қозилик лавозими кишига юксак масъулият юклайди. Чунончи, бу мансаб инсон ҳуқуқларини муҳофазалаш ва жамиятни ноҳақликдан халос қилишни тақозо этади». Ушбу асарда қайд этилишича, қози даъвогар ва жавобгарга, айбланувчи ва жабрланувчига бир хил муносабатда бўлмоғи, улардан бирортаси билан алоҳида суҳбатга киришмаслиги, ҳаттоки имо-ишора ҳам қилмаслиги, уларни мақтамаслиги, жавобларни эса маъқулламаслиги шарт бўлган.

Бир сўз билан айтганда, ислом ҳуқуқида қозилик ишининг одиллик тамойили асосида холис амалга оширилишига алоҳида эътибор берилган. Шариат ва фиқҳ масалаларига бағишланган «Ҳидоя», «Мажмаъ ул-мақсуд» ва «Мухтасар» асарларида қозилар ниҳоятда юксак маданият ва тафаккур соҳиби бўлмоғи зарурлиги ҳақида муҳим фикр-мулоҳазалар билдирилган. Одил судлов билан боғлиқ бундай мезон ва қарашлар ҳозирги вақтда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

— *Халқимиз ҳуқуқий-демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этмоқда. Бу эса қонун ижодкорлиги жараёнини мунтазам такомиллаштириб боришни тақозо этади. Парламентимиз бу борада қандай фаолият юритмоқда? Бу масалада муаммо ва қийинчиликлар борми?*

Фалсафий жиҳатдан ёндашадиган бўлсак, жамият доимо диалектик ривожланишда, яъни ҳаракатда бўлади. Бошқача айтганда, қайсидир жиҳатлари билан эскирган жамият ўрнида янгича жамият барпо этилади. Бу ҳақиқат кишилик жамияти тарихида кўп бор исботини топган. Ўтган XX асрнинг охирида «социализм» ғоясига асосланган мустабид тузум таназзулга юз тутди. Унинг ўрнида пайдо бўлган янги мустақил давлатларнинг ҳар бири, жумладан Ўзбекистон ҳам ўзига хос тараққиёт йўлини танлади. Биз танлаган ҳуқуқий давлатчилик концепциясининг асосий хусусиятлари шундаки, уни амалга ошириш жараёнида халқнинг хоҳиш-иродаси, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари биринчи ўринда туради, ривожланишда инқилобий усуллар эмас, балки тадрижий тараққиёт устувор аҳамият касб этади. Бундан ташқари, мазкур концепцияга асосан қонунларни ҳар томонлама такомиллаштириб бориш йўли билан жамият ривожи таъминланади. Шу маънода, ҳозир юртимиздаги қонунчилик жараёнлари ҳам Президент Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган тараққиёт тамойиллари асосида изчил ривожланиб бормоқда. Бунда бошқа кўпгина масалалар қатори жамият аъзоларининг ҳуқуқий маданияти ва тафаккурини юксалтиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Бугунги кунда парламентимизнинг қонун ижодкорлиги борасидаги фаолияти кўп босқичли бўлиб, дастлаб қонунчилик ташаббуси субъекти томонидан муайян соҳага тааллуқли масалалар юзасидан қонун лойиҳаси тайёрланади. Лойиҳа қуйи палатада бир неча бор муҳокамадан ўтказилиб, такомиллаштирилади ва депутатлар томонидан овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Кейин у Сенатга тақдим этилади. Сенатда бу қонун белгиланган тартибда муҳокамадан ўтиб, ё маъқулланади ёки рад қилинади. Рад этилган қонун қуйи палатага юборилади ва келишув комиссияси тузилиб, шу асосда у қайтадан тайёрланади.

Бундай мураккаб жараёнлар қабул қилинаётган ҳар бир қонуннинг мукаммал бўлишини таъминлайди. Албатта, бу соҳадаги фаолиятда айрим нуқсонлар учраши табиий ҳол. Аммо ҳал этиш имконияти бўлмаган муаммо йўқ. Ҳар икки палата ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликда фаолият юритса, шубҳасиз, кўзланган мақсадга эришилади. Айни вақтда парламентда ана шундай муҳит қарор топган. Эндиги вазифа — барча куч ва имкониятларни сафарбар этиб, қонунларнинг сифатини янада оширишдан иборат.

— *Жамият ҳаётини маънавий-ахлоқий қадриятларсиз тасаввур этиш қийин, албатта. Сизнингча, маънавият, ахлоқ ва қонуннинг муштарак жиҳатлари нималарда намоён бўлади?*

— Ҳар қандай жамиятда ҳам фаровон ҳаёт таъминланган бўлса-ю, маънавий ва ахлоқий қадриятлар эътибордан четда қолган бўлса, унинг фуқаролари ҳақиқий бахту саодатга эришолмайди. Янада аниқроқ айтганда, ундай жамиятда фақат зўр ва зар ҳукмрон бўлади. Бу эса алалоқибат жамиятни таназзулга олиб боради.

Маълумки, маънавият деганда биз инсоннинг ички кечинмаларини, ён-атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга онгли муносабатини, уларнинг туб моҳиятини англаб, дунё неъматларидан баҳра олиб яшашини тушунамиз. Маънавият шундай кучки, у кўр-кўрона эмас, балки чуқур мушоҳада-мулоҳаза асосида оқни қорадан, яхшини ёмондан ажрата олишни тақозо этади. Юксак маънавият барқарор бўлган жамиятда ахлоқий қадриятлар ҳеч қачон заволга юз тутмайди. Чунки маънавий қадриятлар ҳам, қонун, ҳуқуқ, бурч ҳам айнан ахлоқий қарашлар негизида юзага келади.

Ахлоқ ва ҳуқуқнинг ўзаро муштараклиги қонунларда ўз аксини топади. Инсоннинг хулқ-одоби ва дунёқараши эса аввало унинг ахлоқида намоён бўлади. Таъкидлаш жоизки, ахлоқий қарашлар ҳуқуқий қарашларга нисбатан

анча кенгдир. Ҳуқуқий қарашлар қонун билан тартибга солинадиган, яъни олий юридик кучга эга бўлган мажбурий меъёрлар мажмуасидан иборат. Бироқ жамият ҳаётининг барча соҳаларини қонун асосида тартибга солиш иложи йўқ. Баъзи ўринларда ахлоқий қарашлар, хусусан, урф-одат ва удумлар қонундан устун бўлиши ҳам мумкин. Улар одамлар томонидан миллий қадрият даражасида ихтиёрийлик асосида амалга оширилади. Лекин буни қонунга қарши қўйиш нотўғри. Шунинг учун ҳам бугун юртимизда умуминсоний, миллий ва маънавий қадриятлар устун қўйилиб, шахснинг шаъни ва қадр-қиммати ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган олий қадрият деб баҳоланмоқда. Буни Конституциямиздаги «Инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадриятдир» деган қоида ҳам тўлиқ тасдиқлайди. Бинобарин, маънавият, ахлоқ, қонун муштарак тушунчалар бўлиб, бири иккинчисини тўлдириши баробарида доимо бир бутун ҳолда намоён бўлади.

— *Инсон ҳаётини фалсафий маънода йил фаслларига менгзаш мумкин. Мутасаввиф боболаримиз таъбири билан айтганда, инсон камолотга эришиш учун турфа йўлларни — тариқат босқичларини босиб ўтиши зарур. Ҳар бир одам етуклик ва комиллик сари интилар экан, бирор-бир ғоя ёки ҳикматга таянади. Шу нуқтаи назардан, Сиз ҳаётда қандай ғоя ёки шиорга амал қиласиз?*

— Ҳар бир инсоннинг алоҳида субъектив қарашлари борлигини ҳеч ким инкор этмаса керак. Унинг дунёқараши ва тафаккури ўзи яшаган муҳит, оила, жамият билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Инсон ҳаёти давомида бир қанча даврни босиб ўтади. Уларнинг ҳар бири инсон тафаккурини бойитиб, уни етуклик ва комиллик пиллапоялари сари бошлайди. Гўдаклик ва кексаликни ҳисобга олмаганда, оралиқдаги икки давр инсоннинг маънавий баркамол бўлиши, фикр ва дунёқарашининг такомиллашувига хизмат қилади. Шу сабабли у доимо

изланиш ва интилишда бўлади. Бунда кишининг нимага эътиқод қилиши ўта муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода, муқаддас ислом дини ва ҳуқуқшунослиги манбалари, тариқат таълимотлари ва уларнинг намоядалари ҳақида битилган фалсафий асарлар мен учун беқиёс маънавий хазинадир. Шунингдек, илмий-бадиий, жумладан ҳуқуққа оид адабиётлар тафаккуримга қанот беради, десам, асло муболаға эмас. Шу ўринда айтиш жоизки, мен таваллуд топган Бухорои шариф заминида етти пир қўним топган, Нақшбандия тариқатининг асосий шиори бўлган «Кўнглинг — Оллоҳда, қўлинг — ишда бўлсин» деган ғоя мен учун ҳаётий дастуриламалдир. Бундан ташқари, нақшбандия тариқати пирларидан бўлмиш Хожа Ориф Ревгарийнинг «Орифнома» асарида битилган қуйидаги ўгитларга жуда-жуда амал қилгим келади: «Шам каби мулойим бўл ва ўзинг ёниб оламни мунаввар айла. Шма каби ўзинг яланғоч қолиб, ўзгаларни кийинтир ва бировларни бировлар билан пайванд эт. Оллоҳ таало ҳузурига олиб борувчи йўл соч толаси каби ноик ва ингичкадур. Тойиб йиқилишдан ҳушёр бўл». Очиғи, кимнингдир оғирини енгил қилсам, унга йўл-нуриқ кўрсатсам, ўзимни бахтиёр сезаман. Тўғрисўз ва ҳалол бўлиш, одамлар ишончини қозониш, айбни биродан эмас, ўзимдан қидириш, виждонан меҳнат қилиш — булар менинг ҳаётий қоидаларимдир.

— *Бугун инсоният янги даврга қадам қўйди. Ахборотлашув ва глобаллашув даври деб аталаётган бугунги мураккаб замонда миллий ўзликни сақлаб қолиш асосий масалага айланмоқда. Бундан ҳуқуқ соҳаси ҳам мустасно эмас, албатта. Бундай шароитда мамлакатимиз миллий ҳуқуқ тизими истиқболларини қандай тасаввур этасиз? Сизнингча, бу борада нималарга кўпроқ эътибор қаратиш зарур?*

— Мустақиллик йилларида қўлга киритилган бир-биридан улкан ютуқлар, эришилган муваффақиятлар чуқур таҳлил қилинса, мамлакатимизда ҳар томонлама

самарали ҳуқуқ тизими шаклланганн маълум бўлади. Бугунги кунда юртимизда мазкур тизимнинг деярли барча соҳалари қонуний асосга эга. Хусусан, миллий қонунчилигимизда ўндан ортиқ кодекс мавжуд. Улар ҳуқуқ тизимида эътиборга молик ҳужжат саналади. Шу билан бирга, биз ўтган даврда ҳар бир соҳага тааллуқли кўплаб қонунларнинг такомиллашувига эришдик. Масалан, кейинги икки йил давомида мамлакатимизда бир қанча янги қонунлар қабул қилинди. Қонун ижодкорлиги билан бевосита боғлиқ бўлган «Қонун лойиҳасини тайёрлаш ва Қонунчилик палатасига киритиш тўғрисида»ги янги Қонун шулар жумласидандир. У келгусида ҳуқуқ тизимини янада тараққий эттиришга хизмат қилиши тайин.

Бугун жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизация этиш мақсадида юртимизда махсус дастурлар ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг ижроси изчиллик билан таъминланаётир. «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги конституциявий Қонуннинг қабул қилингани шу йўлдаги жиддий қадам бўлди. Ана шу Қонун қабул қилинганидан сўнг бир қанча қонунларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиб, янада такомиллаштирилди. Шунингдек, мамлакатимиз Конституциясининг 89-моддаси, 93-моддасининг 15-банди, 102-моддасининг иккинчи қисмига тузатиш киритиш тўғрисидаги қонун қабул қилинди. Улар ўз мазмун-моҳияти билан миллий ҳуқуқ тизимининг истиқболларини белгилаб берувчи қонунлардир.

Мамлакатимиз Конституциясида белгиланганидек, ҳар бир киши фикр эркинлигига эга. Шу боис ҳар бир юртдошимиз қонунчиликни такомиллаштириш, турли давлат идоралари, ташкилот ва муассасалари фаолиятини яхшилаш, жамият фаровонлигини ошириш билан боғлиқ

фикр ва таклифларни бемалол билдириши мумкин. Қисқаси, тараққиётга нафи тегадиган ҳар қандай фикр албатта инобатга олинади.

Ҳозирги пайтда жамиятимизда барча тармоқлар қатори ўзини ўзи бошқариш идоралари фаолиятига ҳам алоҳида эътибор бериляпти. Бу борада тегишли қонун қабул қилинган. Лекин фуқаролардан мазкур қонунни такомиллаштиришга доир таклиф ва мурожаатлар келиши давом этмоқда. Шуниси қувончлики, уларнинг аксариятида ўринли фикрлар бор. Ҳозирда парламентда мазкур қонунни такомиллаштириш бўйича ишчи гуруҳи фаолият юритмоқда. Унга Самарқанд вилояти Пахтачи туман «Маҳалла» жамғармаси раиси Исмат Сапаев йигирмадан ортиқ таклиф жўнатган. Бу эса юртдошларимизнинг миллий ҳуқуқ тизими ва қонун ижодкорлиги жараёнига бефарқ эмаслигидан далолатдир.

— *Ҳар бир даврнинг ўзига хос муаммолари, чиғириқ ва вазифалари бўлади. Ҳозирги даврда жамоат арбоби, зиёли, қолаверса, она сифатида сизни нималар кўпроқ ўйлантиради?*

— Ёшлар тарбиясини бугунги куннинг энг долзарб масаласи деб ҳисоблайман. Чунки бу масала ҳам илмий, ҳам ахлоқий аҳамиятга эга. Ёшлар тарбияси билан мунтазам шуғулланиш, улар учун изчил тарбия дастурлари ишлаб чиқиш олдимизда турган муҳим вазифадир. Маълумки, инсон ҳаётида ўсмирликдан 30 ёшгача бўлган давр энг нозик ва мураккаб босқич саналади. Ана шу даврда инсон ҳар томонлама шаклланиб, ҳаётда ўз ўрнини топади. Шуни эътироф этиш жоизки, ҳозирги ёшларнинг дунёқараши, ақлий ва жисмоний ривожланиши илгаригига нисбатан бир неча баробар юқори. Ахборот технологиялари, интеллектуал ривожланиш туфайли ёшлар онги тез ривожланмоқда. Улар компьютердан тортиб мураккаб технологияларгача фойдаланиш имкониятига эга. Бу — масаланинг бир қирраси. Бошқа жиҳатдан эса улар улкан ахборот оқимига тўқнаш

келаётир. Бунинг фойдаси билан бирга салбий жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Биринчидан, интернет тармоғига кирган истеъмолчига ахборотнинг қайси бири тўғри ёки нотўғрилиги маълум бўлмайди. Бу эса ёшларнинг уни тўғридан-тўғри қабул қилиб, ўзича хулоса чиқаришига олиб келяпти. Ахборотлаштириш жараёнининг туб моҳиятини англаш ва тегишли хулоса чиқариш инсондан зарур даражада билим, малака талаб этади.

Бундан ташқари, ёшларимизни Ватанимиз истиқболини кўролмайдиган айрим бузғунчи кучлар таъсиридан ҳам асрашимиз лозим. Бунинг учун уларнинг онгу шуури ва тафаккурига миллий ўзлик, ватанпарварлик туйғусини янада чуқурроқ сингдириш зарур.

Ёшлар тақдирига ғамхўрлик қилиш ҳар бир юртдошимизнинг шарафли бурчидир. Тарбиянинг асосий ўчоғи саналмиш оилада ёшлар келажаги учун мустаҳкам замин яратишимиз керак. Гўдак оила, боғча, мактаб, лицей ёки коллеж, олий ўқув юрти каби масканларда таълим-тарбия олиб, инсон сифатида шаклланади. Шундан кейингина у жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўша олади. Биз бу жараёнда уларга қўлдан келганча ёрдам беришимиз лозим. Илм олиш, ишга жойлашиш, ҳаётда ўз ўрнини топиб кетиш йўлида ёшлар ёрдамга муҳтож. Президентимизнинг яқинда эълон қилинган «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ёшлар ҳақида қайғуришнинг юксак намунасидир. Ёш оилалар учун зарур шарт-шароит яратиш, уларни тураржой билан таъминлаш мақсадида кредит ажратилиши ҳам беқиёс ғамхўрликдан далолат.

Биз ҳаётимизга файзу тароват бағишлаб келаётган кексаларни ҳам эътибордан четда қолдирмаслигимиз лозим. Ёрдамга муҳтож кишиларга меҳр-мурувват кўрсатиш халқимизга хос фазилат. Айниқса, нуроний отахон ва онахонларимизга моддий-маънавий жиҳатдан кўмак бериш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз

саналади. Ҳаётда бир оғиз ширин сўз ҳам инсон кўнглини тоғдек кўтариб юборади. Шу боис кексаларимиздан меҳримизни аямаслигимиз керак.

— *Сизнингча, мамлакатимизни янада тараққий эттиришда ватандошларимиз олдида турган энг муҳим вазифалар нималардан иборат?*

— Ҳам маънавий, ҳам иқтисодий жиҳатдан юксалган жамиятдагина киши муносиб турмуш кечириши мумкин. Ана шу эзгу мақсадга эришиш учун илғор технологияларни ўзимизда ишлаб чиқаришимиз зарур. Юртимиз Хоразмий, Фарғоний, Бухорий, Термизий, Беруний, Ибн Сино, Форобий, Мирзо Улуғбек, Навоий каби кўплаб буюк алломаларга бешик бўлган. Халқимизда «Оққан дарё оқаверади» деган ҳикматли нақл бор. Бинобарин, иқтидорли ёшларнинг қизиқишини инобатга олган ҳолда уларнинг истеъдодини мураккаб технологиялар яратишга йўналтиришимиз керак. Уларни нафақат ижтимоий, балки табиий йўналишлар, хусусан, физика, кимё каби фанлар ҳамда мураккаб технологияларни ўзлаштиришга жалб қилиш даркор. Бу эса мураккаб замонавий технологияларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш имконини беради.

Олимларнинг эътирофича, тараққиётга эришиш жараёнида инсон омили ҳамиша бирламчи ҳисобланади. Статистик маълумотлар шуни кўрсатадики, мамлакатимиз аҳолисининг каттагина қисми ёшлардан иборат. Шу сабабли ёшлик омилидан оқилона фойдаланишимиз зарур. Хуллас, мамлакатимиз тараққиёти кўп жиҳатдан ёш авлоднинг ақл-идроки, маънавияти, билим ва тафаккурига боғлиқ.

Суҳбатдош: Холли Норбой

Умр фалсафаси – озод юртда эркин яшаш

Аёл... Унга хос фазилатларни санаб ўтишнинг ҳожати йўқ. Чунки у ўз номи билан авлод давомчиси, гўзаллик тимсоли. У бежизга баҳорга қиёсланмайди. Баҳор кириб келганда борлиқ қанчалик яшнаб кетса, аёл кирган хонадон, даргоҳ ҳам шу қадар нурафшон бўлади. Аёлнинг хонадон фариштаси дея таърифланишининг боиси ҳам шундандир балки. Бугунги кун аёли теран нигоҳ, шаҳдам қадам, ўткир овози билан ҳар соҳада ўз ўрнини топмоқда. Замон билан ҳамнафас инсонни баҳолаш, унга таърифу таҳсин айтиш шарт эмас. Сабаби, у бажараётган иш халқ кўз ўнгида намоён. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси, юридик фанлари доктори, сенатор Мавжуда Ражабова ҳам ўз бахтини, обрў-эътиборни меҳнатдан, халққа хизмат қилишдан топганлардан.

— Ота-онам дуоси ижобат бўлиб, шу кунларга етиб келдим, — дейди опа. — Шофиркон туманидаги Тезгузар қишлоғида зиёли оиласида дунёга келганман. Академик Иброҳим Мўминов, халқ артисти Раззоқ Ҳамроев қишлоғимизда таваллуд топишган. Қишлоғимиздан юзга яқин олимлар етишиб чиққан. Ана шундай етук, комил инсонлар юртида тарбия топганимдан фахрланаман. Шу ватаннинг нон-тузини оқлашга ҳаракат қиламан. Оилада 8 нафар фарзанд бўлганмиз. Уларнинг барчаси олий маълумотли, бугунги кунда турли соҳаларда фаолият кўрсатишмоқда.

Онам Матлуба Ражабова ниҳоятда дилбар аёл бўлиб, ишёқмас одамни хушламас, «Меҳнатни севмаган киши менинг душманим», дер эдилар. Отам Абдулла Ражабов бизни ҳалол яшашга, тўғрисўз бўлишга ўргатдилар. Ота-она дуоси фарзанд учун катта маънавий куч-қувват ато этишини, улкан мадад бўлишини англаб вояга етганмиз.

Ҳаётнинг ўтган йилларига назар ташлаш жуда ҳаяжонли. Болалик ва талабалик йиллари, ўша ўтган даврга хос хотираларнинг ўзи бир олам. Ўрта мактабни олтин медаль билан тамомлаб, 1973 йилда Тошкент Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга кирдим. Олийгоҳдаги аъло ўқишим ва жамоат ишларида фаол иштироким учун «Ҳурмат белгиси» ордени билан тақдирлашди. Бу орден мен учун олдиндан билдирилган ишонч, ҳурмат деб ҳисоблайман. 30 йиллик фаолиятим давомида ана шу ҳурматни сақлашга ҳаракат қиляпман. Ўқишни тамомлаган чоғимда устозларим назария билан шуғулланишни маслаҳат беришган эди. Лекин мен амалиёт билан назарияни қўшиб олиб боришга қарор қилдим. Ҳуқуқшуноснинг ишини шифокорлик билан қиёслайман. Ҳар иккала соҳада ҳам янглишмаслик керак. Акс ҳолда тузатиб бўлмас хатога йўл қўйилади.

Мавжуда Ражабова узоқ йиллар прокуратура идораларида турли лавозимларда ишлади. 1996 йилда юридик фанлари номзоди, 2002 йилда эса юридик фанлари доктори илмий даражасини олди.

Суҳбат асносида опанинг юртимиз аёлларининг жамиятдаги ўрни, замонавий ўзбек аёли ҳақидаги фикри билан ҳам қизиқдик:

— Айтиш жоизки, истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб аёллар масаласи, жумладан, уларнинг жамиятдаги ўрнини белгилашга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу ўринда Конституция муҳокамасига бағишланган Олий Мажлисдаги сессияда, яъни 1992 йил 8 декабрдаги жараённи эслаш жоиз. Чунки ўша пайтда Юртбошимизнинг таклифига биноан, Конституциянинг 46-моддасида хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидир, деб белгилаб қўйилган эди. Шу норма аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва фаоллигини белгилаб берган, десак хато бўлмайди. Мамлакатимизда аёллар билан эркаклар тенг ҳуқуқли асосда фаолият кўрсатмайдиган соҳанинг ўзи йўқ. Аёлларнинг фаоллиги тўғрисида гапирганда,

аёллар меҳнатини ташкил этиш билан боғлиқ, яъни қонун ҳужжатларида меҳнат фаолиятини амалга ошираётган аёлларга нисбатан имтиёз ва қўшимча кафолатлар яратилганлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексидаги алоҳида бобда аёлларга бериладиган қўшимча имтиёзлар ва кафолатлар ҳақида қатор нормалар мавжуд. Бундан ташқари, аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва кафолатлашни таъминловчи Президент фармонлари, қарорлари, ҳукумат қарорлари аёлларимизнинг жамиятни демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда фаол иштирокини таъминлашда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Хулоса ўрнида қайд этиш жоизки, юртимизда аёллар масаласи давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири, доимо эътиборга молик масала сифатида таҳлил қилиб келинмоқда. Шу боис юртимиз аёллари, оналар Юртбошимиз томонидан уларга кўрсатилаётган эътибор, ғамхўрликка жавобан йил сайин янада фаол ишлашга азму қарор қилаётганлиги барчамизни қувонтиради.

Дарвоқе, сиёсий партиялар фаолиятида ҳам «Аёллар қаноти» йўналишида иш олиб борилаётгани жамиятда аёллар сиёсий фаоллигининг ортишига, бу ўз навбатида демократик қадриятларнинг чуқур илдиз отишига сабаб бўлмоқда. Жумладан, сайлов қонунчилигида депутатликка номзодлар кўрсатишда ҳам аёлларга имтиёз мавжуд. Яъни хотин-қизлар сони сиёсий партияларга кўрсатилган депутат номзодлар умумий сонининг 30 фоизи бўлиши лозимлиги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунда акс эттирилгани ҳам аёллар фаоллигига эътибордан дарак беради.

Бугунги кун ўзбек аёли маърифатли, маънавияти юқори, тафаккури теран, шу билан бирга замонамизга хос барча ижобий хислатларни ўзида мужассамлаштирган, оқила ва доно бўлиши керак. Чунки аёл жамиятнинг негизи ҳисобланган оилада фарзандлар тарбияси билан шуғулланиб қолмасдан, жамиятда ҳам ўз

ўрнига эга бўлмоғи лозим. Замонавий аёл деганда саводхон, мустақил фикрлайдиган, оқни қорадан ажрата оладиган, жамиятга ёт иллатлардан нафақат ўзини, балки тарбияланаётган ёш авлодни ҳам асрайдиган, ватан тақдири, келажаги ҳақида қайғурадиган, эзгулик дилида доимо жо бўлган фидойи инсон кўз ўнгимда гавдаланади. Унда ишбилармонлик, тадбиркорлик, олиму фозилалик, келажагимиз ворислари бўлмиш ёш авлодни комиллик сари бошловчи, ватанни саждагоҳ каби муқаддас билувчи ўғлонлар тарбиячиси бўлишдек хислатлар намоён бўлишини хоҳлайман.

Айтишларича, Кореяни ривожлантириш учун қандай йўл тутиш кераклиги ҳақида мамлакат аҳлига мурожаат қилинганида, корейс аёллари ташаббус кўрсатиб, қимматбаҳо тақинчоқларини давлат хазинасига топширган экан. Бу эса кўп миқдордаги маблағ тўпланишига олиб келган экан.

Ана шу мисол ҳам аёлнинг нақадар фидойилигидан далолат беради. Унинг фидойилик, ташаббускорлик, юрт ҳақида қайғуришда ҳеч кимдан қолишмаслигини исботлайди.

Ўзбек аёлларида ҳам ана шундай фазилатлар билан бирга дунёқараши, ички кечинмаларида меҳр устун. Ёл учун, юрт учун яшаб, мамлакатнинг янада тараққий этишида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшадиган суянч, таянч бўла олади. Зеро, улар вужудида тарихда номи муҳрланган Тўмарис, Бибихоним, Нодирабегим каби мард, шижоатли аёлларнинг қони жўш урмоқда.

— Қонунлари мукаммал юртда адолат устуворлиги таъминланади. Шунингдек, қабул қилинаётган қонун қанчалик мукаммал, пишиқ бўлса, халқимиз манфаатига хизмат қилади. Бундай масъулиятли вазифани адо этишнинг ўзи бўлмайди.

Қонун ижодкорлиги, умуман, бугунги кундаги фаолиятингиз ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Мана салкам икки йилдан зиёд вақт ўтдики, мамлакатимизда парламент икки палатали асосда фаолият кўрсатмоқда. Қонун ижодкорлиги жараёни, яъни қонунларни тайёрлаш, қуйи палата қонунчилик палатасида профессионал депутатлар томонидан чуқур, ҳар томонлама муҳокама қилиниши, бу муҳокама жараёнида қонунларни мукаммаллаштириш, бир неча ўқишда баҳс-мунозаралар асосида қабул қилиш, қабул қилинган қонунни эса юқори палата — Сенатда маъқуллаш ёки рад этиш учун батафсил ўрганиш йўлга қўйилган. Бу жараёнлар давлатимизда қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини оширишга олиб келади.

Ўзбекистон танлаган тараққиёт йўлини дунё эътироф этмоқда. Зеро, мамлакатимизда ислоҳотлар босқичма-босқич, тадрижий тарзда амалга оширилмоқда. Биргина мисол, ўлим жазосини Жиноят Кодексидаги жазо тизимидан чиқариш ёки эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш ваколатини судларга ўтказиш ёхуд тадбиркор субъектлари фаолиятини эркинлаштириш билан боғлиқ жараёнда уларга нисбатан таъсир чораларини қўллашни судлар томонидан амалга оширишни жорий этиш учун пухта ва пишиқ қонунлар қабул қилишни тақозо этмоқда. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишда айнан юқорида қайд этилган принциплар асосида аста-секин амалга оширилиши шак-шубҳасиз самарали кечади.

Қонун ижодкорлиги деганда, фақат Олий Мажлис палаталаридаги жараённи тушунмаслик керак. Бу жараён қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга субъектлар, яъни Конституцияда қайд этилган Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, Қонунчилик палатаси депутатлари, Олий суд, Олий хўжалиқ суди, Бош прокурор томонидан қуйи палатага тақдим этилаётган соҳалар ёки тармоқлар ривожига беназир ҳисса қўшиши назарда тутилган қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш жараёнини ўз ичига олади. Бунда ҳар бир фуқаро иштирок этиши мумкин. Шунинг учун ҳам яратилаётган

ҳар бир қонун мазмун-моҳияти жиҳатидан юртимиз аҳолисининг хоҳиш-иродасини ўзида акс эттирган бўлиши ва инсон манфаатларига тўла хизмат қилиши шарт.

Қонун ижодкорлиги жараёнида кўпроқ масъулият қонун чиқарувчи Олий давлат вакиллик органи Олий Мажлис палаталари зиммасига юклатилган.

Дарҳақиқат, суҳбатдошимиз таъкидлаганидек, ҳар бир вазифанинг залвори бўлакча. Бу юкни кўтариб туриш, айниқса, раҳбарлик қилиш аёл учун осон кечмайди, албатта.

— Оила муқаддас, оила табаррук. Ундаги вазифаларнинг аксарияти аёл зиммасида. Ишга бориш, оилада бекаликни адо этиш, фарзанд тарбияси билан шуғулланиш... Бу вазифаларни баробар олиб бориш аёл учун оғирлик қилмайдими?

— Оила ва жамият бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Уларни айро ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Аёл оиладаги бекалик, фарзанд тарбияси билан бирга жамиятдаги вазифаларини ҳам бир маромда, бекаму кўст адо этган тақдирда ўз ўрнига эга бўлади. Албатта, бунинг учун вақт, чидам ва маҳорат талаб қилинади. Ҳаёт тажрибалари, турмушдаги икир-чикирлар шундан далолат беради ки, оила ва жамият ҳаётидаги вазифаларни ҳамиша бир вақтда бажариш қийин кечган. Ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланиш, айниқса, дам олиш кунлари кўпроқ эътиборни оилага қаратиш, фарзанд тарбиясига масъулият билан ёндашиш аёлдан ҳам маънавий, ҳам жисмоний куч-қудратни тақозо этади.

Турмуш ўртоғим Бердиев Шоназар ҳам юридик фанлари номзоди. Икки нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказяпмиз. Маълумки, қизларга нисбатан ўғил болаларни тарбиялаш бир оз мушкул. Чунки улар уй-рўзғор юмушларини бажариши амримаҳол. Фарзанд тарбиясида она масъул. Агар тарбияда қаттиққўллик бўлмаса, атроф-муҳитдаги салбий ҳолатлар ҳам болага таъсир қилиши мумкин. Шуни ҳисобга олиб

фарзандларимга нисбатан жуда талабчанман. Катта ўғлим Шоазиз олийгоҳ талабаси. Бўлғуси ҳуқуқшунос. Илм олишга қизиқиш, мустақил фикрлаш, ҳар бир дарсга алоҳида тайёрланиш унга ёшлигидан одат. Шоҳжаҳоннинг табиатида эса меҳрибонлик, меҳнатсеварлик, мулоҳазалилик кўпроқ кўзга ташланади.

Оиланинг ўзига хос ташвиш ва қувончлари бўлади. Ҳаёт бир текис эмас. Агар инсон моддийликка берилса, маънавият кемтик бўлиб қолади. Маънавият, тафаккур бойликдан устун бўлиши лозим. Айтиш жоизки, бу хислатлар ҳам бевосита оилада шаклланади.

Тиниб-тинчимас, ижодни ҳам, изланишни ҳам бир зум тўхтатмайдиган опанинг «Шариатда жиноят ва жазо», «Ҳуқуқий давлатчилик сари», «Диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш муаммолари» сингари 7 та китоби чоп этилди. Тинимсиз қилинган меҳнат, изланишлар ўз самарасини берди. Ўтган йили опа «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирланди.

— Бир куни вояга етмаган набираси йўлдан адашиб ўғирлик жиноятига қўл урган боланинг бувиси ҳузуримга келди. «Ундан бошқа ҳеч кимим йўқ. Адолат қилинг», деди. Воқеани атрофлича ўрганиб, қарор қабул қилишда тарозининг икки палласини бир хилда кўрдим. Кейин бу воқеа эсимдан чиқиб кетган экан. Бир ҳафта ўтгач, ўша онахон келиб роса дуо қилди. Одамларга яхшилик қилиш, беғараз ёрдам бериш, наф келтириш ҳаёт мезони. Дунёқарашимда шаклланган энг асосий тушунча эса ўзгалар юкини енгил қилиш, лекин менинг юким, оғирлигим ҳеч кимга тушмасин дейман.

Мен учун ҳаёт фалсафаси озод юртда эркин яшаш, халқ, жамият, юрт тақдирини, ватан равнақини елкасига кўтараётган фидойи инсонлар, юртдошларим сафида бўлишдан иборат.

Ҳаётда ҳамма нарса ўткинчи. Молу дунё, шону шуҳрат. Лекин беиз кетмайдиган, самарасини йиллар давомида кўрсатадиган бир нарса мавжуд. У ота-она

дуоси. Ота-она дуосидан улуғ ва азиз нарса бормикин? Ҳар бир ота-онанинг нияти ҳам фарзанд камолини кўриш, албатта. Қолаверса, фарзанд учун ота-она дуосини олмоқ ва унинг ижобатини кўрмоқдан ортиқ бахт бўлмаса керак дунёда. Мавжуда опа ана шу бахтга эришган ҳолда меҳнат қилмоқда. Ҳалол меҳнат ортидан келган обрў-эътибор, эл назарига тушишдек юксак шараф, изланувчанлик ва ташаббускорлик у кишида мужассам. Муҳими, опа тимсолида жамиятда ўз ўрнини топган, камтарин, самимий аёлни кўриш мумкин.

Суҳбатдош: Ҳидоят Жўраева

Адвокатура институти такомиллашув йўлида

2008 йилнинг 10 декабрида дунё аҳли, жумладан, мамлакатимизда ҳам «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси» қабул қилинганининг 60 йиллиги кенг миқёсда нишонланди. Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур халқаро ҳужжатнинг асосий тамойиллари Бош Қомусимиз бўлган Конституциямизда тўлиқ ўз ифодасини топган. Бутун дунёда умумэътироф этилган инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг ҳуқуқий механизми сирасига кирувчи адвокатура институти эса фуқаролик жамиятининг энг муҳим тузилмаларидан бири ҳисобланади.

Бош Қомусимиз бўлган Конституциямизнинг 116-моддасига биноан айбланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланади. Тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади. Адвокатурани ташкил этиш ва унинг иш тартиби қонун билан белгиланади.

Мазкур конституциявий тамойилни рўёбга чиқариш мақсадида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишнинг ўтган барча босқичларида тадрижийлик принципига тўлиқ амал қилинган ҳолда адвокатура институтини янада кучайтиришга алоҳида эътибор берилди. Хусусан, 1996 йилнинг 27 декабрида "Адвокатура тўғрисида"ги, 1998 йилнинг 25 декабрида эса "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги Қонунлар қабул қилинди. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш билан боғлиқ Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўлининг иккинчи босқичида, яъни 2000 – 2007 йиллар мобайнида "Адвокатура тўғрисида"ги Қонунга давр талаби ва жамият

эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда бир неча маротаба ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилди. Бу адвокатура институтининг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаёти ва миллий қонунчилиги тизимида нақадар муҳим ўрин эгаллаганидан далолат беради.

Мазкур институтни янада кучайтириш ҳамда такомиллаштириш мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизими соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳозирги давридаги энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Зеро, 2008 йилнинг 1 майида қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент Фармони қабул қилингани мазкур вазифанинг нечоғлик долзарб ва катта аҳамиятга молик эканидан далолат беради.

Фармонда адвокатура институтини янада ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари сифатида адвокатуранинг самарали ўзини ўзи бошқарадиган марказлаштирилган тизимини ташкил этиш; адвокатларнинг мунтазам равишда касбга оид малакасини оширишнинг мажбурийлигини жорий қилиш; адвокатурани касб маҳорати юқори бўлган мутахассислар билан таъминлайдиган самарали лицензиялаш тизимини яратиш; адвокатлик тузилмаларининг ваколатларини аниқлаштириш ва ҳуқуқий мақомини белгилаб бериш; шунингдек жиноят процессида айблов ва ҳимоя тарафларининг процессуал ҳуқуқлари тенглигини таъминлаш, юридик соҳада махсус билимга эга бўлмаган шахсларнинг суд ишида иштирок этишига йўл қўйилмасликка қаратилган тарафлар вакиллиги институтини босқичма-босқич такомиллаштириш, адвокатлар томонидан касб этикаси қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш механизмини янада мукаммаллаштиришни таъминлаш масалаларини ҳал этиш белгилаб берилган.

Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, унинг 2-4 бандларида Ўзбекистон Адвокатлар палатасини ташкил этиш ҳамда унинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари, таркибий тузилмалари, уларни молиялаштирилишнинг ҳуқуқий асослари яратиш лозимлиги назарда тутилган.

Бундан ташқари, Фармоннинг 5-бандида "Адвокатура тўғрисида"ги ҳамда "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ қонун лойиҳасини тайёрлаш ҳамда уни парламентнинг қуйи палатаси муҳокамасига киритиш вазифаси юклатилган, тегишли органлар зиммасида эди.

Мазкур Фармонга мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси томонидан "Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси тайёрланган. У Олий Мажлиснинг қуйи палатаси томонидан бир неча ўқишда муҳокама этилганидан сўнг қабул қилинган ва Сенатга тақдим этилган. Мазкур Қонунни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад жиноят ишларини кўриш жараёнида айблов ва ҳимоя тарафларининг процессуал ҳуқуқлари тенглигини таъминлаш билан боғлиқ қонун ҳужжатларига аниқлик киритиш, шунингдек адвокатлик тузилмалари ваколатларини ва ҳуқуқий мақомини янада кучайтириш ҳамда адвокатларнинг самарали фаолият кўрсатиш билан боғлиқ ҳуқуқий механизмни такомиллаштиришдан иборатдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, мазкур Қонунга мувофиқ Жиноят, Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ҳамда "Адвокатура тўғрисида"ги, "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги қонунларга бир қанча ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган. Жумладан, ЖПКга киритилган янги тартиб-

қоидалар билан айбланувчи (ЖПК 46-моддаси), гумон қилинувчи (ЖПК 48-моддаси), ҳимоячининг процессуал ҳуқуқлари кенгайтирилмоқда. Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, эндиликда айбланувчи ёки гумон қилинувчи қамоққа олингани ёки турган жойи тўғрисида адвокатига ёки яқин қариндошларига телефон орқали қўнғироқ қилиши, ҳимоячиси билан сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда холи учрашиши, ишда ҳужжатлардан техника воситаси ёрдамида ўз ҳисобидан нусхалар олиш ҳуқуқига эга бўлди. Шунга ўхшаш ҳуқуқлар ҳимоячига ҳам тегишлидир. Бундан ташқари, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ёки фуқаровий жавобгарларга ҳам ўз ҳисобидан ишдаги ўзига тегишли бўлган ҳужжатлардан техника воситаси ёрдамида нусхалар олишига имкон яратилган.

Мазкур Қонун билан ЖПКга "Гувоҳнинг адвокати" деб номланган янги 66[1]-модда киритилган. Унга кўра жиноят ишининг исталган босқичида, яъни суриштирув, дастлабки тергов ёки судда гувоҳнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда унга зарур юридик ёрдам кўрсатиш мақсадида адвокат кўмагидан фойдаланишга рухсат берилади.

Шу ўринда мазкур нормада гувоҳнинг адвокати ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳни кўндиришга уриниш ва бошқа қонунга хилоф ҳаракатлар орқали ишни ҳал этишда тўсқинлик қилмаслиги шарт экани ҳақидаги талаб қонун ҳужжатларида акс эттирилганини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим.

Қонун ҳужжатларига киритилган яна бир янгилик шундан иборатки, унга биноан ҳимоячи ишга тааллуқли ахборотга эга бўлган шахсларни сўровдан ўтказиш ҳамда уларнинг розилиги билан ёзма тушунтиришлар олиш, давлат ва нодавлат ташкилотларига сўров юбориш ва улардан ҳужжатлар, тушунтириш олиб ишга қўштириш каби ҳуқуқлардан фойдаланиши мумкин.

Қайд этилган Қонунга кўра Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс адвокатнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилганлик билан боғлиқ янги 197[1]-модда билан тўлдирилган. Мазкур тоифадаги маъмурий ишлар судлар томонидан кўриладиган бўлди.

Қонуннинг 4-моддасига асосан "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуннинг "Адвокат" деб номланган 3-моддаси янги таҳрирда баён қилинган ва бир неча янги нормалар билан тўлдирилган. Мисол учун Адвокат мақомига эга бўлиш (3[1]-модда), адвокатлар бюроси (4[1]-модда), адвокатлик фирмаси (4[2]-модда), адвокатлар ҳайъати (4[3]-модда), юридик маслаҳатхоналар (4[4]-модда) каби янги нормалар шулар жумласидандир.

Шунингдек, адвокатнинг стажёри (8[1]-модда), юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида битим (шартнома) (9[1]-модда), Адвокатлар палатасининг асосий вазифалари (12[2]-модда), Адвокатлар палатасининг органлари ва мансабдор шахслари (12[3]-модда), адвокат мақомини тўхтатиб туриш (13[1]-модда) ҳақидаги нормалар ҳам шундай янгиликлар сирасига киради.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, "Адвокатура тўғрисида"ги Қонунинг янги таҳрирда баён қилинаётган 3-моддасига биноан, олий юридик маълумотга эга бўлган ва адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси адвокатлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин.

Шу билан бирга, муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган, шунингдек судланганлиги бекор қилинмаган ёки олиб ташланмаган шахсларнинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланишига йўл қўйилмайди.

Адвокат илмий ва педагогик фаолиятдан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасидаги ва унинг ҳудудий бошқармаларидаги фаолиятдан ташқари

ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланишига ҳақли эмас.

Қонундаги яна бир янгилик, шундан иборатки, Адвокатлар палатаси Ўзбекистон Республикаси барча адвокатларининг мажбурий аъзолигига асосланган нотижорат ташкилоти ҳисобланади ҳамда Адвокатлар палатаси ўзининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида тузиладиган ҳудудий бошқармалари билан биргаликда адвокатуранинг ўзини ўзи бошқариш ягона тизимини ташкил этади.

Қўшимча маълумот сифатида айтиб ўтиш жоизки, муҳокама қилинаётган Қонуннинг 6-моддасига асосан "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги Қонуннинг олтита моддасига тегишли тарзда ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган.

Қонуннинг 7-моддаси ҳам алоҳида эътиборга молик. Зеро, унга кўра мазкур Қонун кучга кирган кундан бошлаб фаолият кўрсатиб келаётган адвокатлик тузилмалари, шунингдек, уларда ишлаётган адвокатлар адвокатлик тузилмаларининг ташкилий—ҳуқуқий шакллари, лицензиялари ҳамда адвокат мақомларини олти ой ичида янги Қонунга мувофиқлаштириши шарт бўлади.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида қайд этиш жоизки, мазкур Қонун мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишнинг ҳозирги босқичидаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланган адвокатура институтини янада эркинлаштириш ва адвокат фаолиятини такомиллаштириш, шунингдек жамиятда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш жараёнида нодавлат ташкилотларидан бири бўлган адвокатураниг ўрни ва таъсирини кучайтиришга хизмат қилади.

Амнистия актини қўллаш тартиби

Мустақиллигимизнинг ўтган ўн етти йилида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш мақсадида жиноят, жиноят-процессуал қонунчилигини либераллаштириш, айниқса инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатли ҳимоя қилишни таъминловчи мустақил суд ҳокимиятини шакллантиришга йўналтирилган кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Эътиборга молик жиҳати шундан иборатки, суд идоралари ваколатларини кенгайтиришга қаратилган узлуксиз, тизимли ва мазмун-моҳияти жиҳатидан тадрижий равишда босқичма-босқичлик тамойилига асосланган ислоҳотлар ҳозирда ҳам изчил давом этмоқда. Суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва либераллаштиришдан кўзланган асосий мақсад одил судлов тизимини янада такомиллаштириш, суд ҳокимиятининг обрўси ва мустақиллигини мустаҳкамлаш йўли билан фуқароларнинг одил судлов орқали ҳимояланиш ҳуқуқларини самарали таъминлаш ҳуқуқий механизмининг яратилишига эришишдан иборатдир.

Парламентимизнинг юқори палатаси ҳисобланган Сенат Конституциямизнинг 80-моддасида белгилаб берилган мутлоқ ваколатлари доирасида шу вақтга қадар мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим саналардан бири ҳисобланган Мустақиллик ёки Конституция қабул қилингани куни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига мувофиқ инсонпарварлик тамойилига амал қилган ҳолда тўрт маротаба Амнистия тўғрисидаги қарорлар қабул қилди. 2008 йилнинг 28 август куни "Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн етти йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Сенат қарори қабул қилинганида мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг қўлланиш тартиби ҳақидаги Низомни

тасдиқлаш ҳақида сенаторлар томонидан алоҳида қарор қабул қилинган эди. Мазкур Низом билан амнистия ҳужжати қоидалари таъсирига тушувчи ҳар қандай шахсни фақат суд ажримига биноан жиноий жавобгарлик ёки жазодан озод этиш амалиёти жорий этилди.

Сенат томонидан қабул қилинган Низом талабларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Конституцияда белгилаб берилган қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланиб "Амнистия актини қўллаш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини парламент қуйи палатасига киритган.

Мазкур Қонун тўртта моддадан иборат бўлиб, унинг биринчи моддаси билан Ўзбекистон Республикасининг ЖПКдаги ўн саккизта моддаларга қўшимча ва ўзгартишлар киритилган. Авваламбор суднинг ваколатларига дахлдор ЖПКнинг 29-моддаси "прокурорнинг амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ёки жиноят ишини тугатиш ҳақидаги ёхуд маҳкумни жазодан озод қилиш тўғрисидаги илтимосномасини кўриб чиқади" деган мазмундаги сўзлар билан тўлдирилган, яъни суд органларининг ваколатлари кенгайтирилди.

Бундан ташқари, ҳукм, ажрим ва қарорларни ижро этишда юзага келган масалаларни ҳал қилишни назарда тутган 59-боб янги 536[1]-модда, яъни маҳкумни амнистия актига асосан жазодан озод қилиш тартибини белгиловчи янги норма билан тўлдирилган. Унга кўра, маҳкумга амнистия актини қўллаш прокурорнинг илтимосномасига биноан маҳкумнинг жазони ўташ жойидаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг судьяси томонидан амалга оширилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг ЖПК амнистия актини қўллашни тартибга солувчи қатор моддаларни ўз ичига олган янги 63-боб билан тўлдирилган.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, ишни судга қадар юритиш жараёнларида, жумладан терговга қадар ёки дастлабки тергов босқичида, яъни жиноят иши қўзғатилгунга ёхуд жиноят иши юзасидан тергов ҳаракатлари ўтказилаётганида амнистия актини қўллаш учун асослар мавжуд бўлганда суриштирувчи, терговчи иш қўзғатишни рад этиш ёки ишни тугатиш тўғрисида судга илтимоснома киритиш ҳақидаги тақдимнома билан прокурорга мурожаат этади. Бундай ҳолларда суд томонидан амнистия актини қўллашда гумон қилинувчи ёки айбланувчининг розилиги тўғрисидаги ариза албатта ишга қўшилиши керак (ЖПК 58-модда).

Яна бир муҳим янгилик шундан иборатки, амнистия актини қўллашда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судьянинг процессуал муддатларга қатъий риоя қилиш тартиби қонун ҳужжатларида аниқ акс эттирилган. Жумладан, суриштирув ёки тергов органи 3 ёки 10 суткада материал ёки жиноят ишини прокурорга (ЖПКнинг 329-моддаси 1-қисми) юборади. Прокурор ишни ўрганиб, агар амнистия актини қўллаш лозим деган хулосага келса материаллар ёки жиноят иши унга келиб тушган кундан эътиборан беш суткадан кечиктирмай ўзидаги материал ёки ишни судга юбориши лозим. (ЖПКнинг 589-моддаси). Ўз навбатида суд ўн сутка ичида ўзига келиб тушган материал ёки ишни суд мажлисида кўриб чиқади (ЖПК 590-моддаси). Бу масаланинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, суд муҳокамасида қабул қилинган ажрим агар гумон қилувчи ёки айбланувчи қамоқда бўлса, дарҳол ижро этилиши лозим.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, "агар суд мажлиси давомида амнистия актини қўллаш учун асослар мавжуд эмаслиги аниқланса, суд терговга қадар ўтказилган текширув материалларини ёки жиноят ишини умумий

қоидалар бўйича прокурорга юборилиш тўғрисида ажрим чиқаради".

Шу ўринда, туман ёки шаҳар суди ёхуд округ, ҳудудий ҳарбий суд ўзига юборилган ҳар қандай материал ёки иш юзасидан амнистия актини қўллаш шарт деб тушунмаслик керак. Чунки, ЖПКга киритилган янги 591-модданинг тўртинчи қисмига биноан суднинг ажримига нисбатан шахс ёки гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар), уларнинг ҳимоячиси, қонуний вакиллари хусусий шикоят ва прокурор хусусий протест келтириши мумкин.

Мазкур Қонуннинг 2-моддаси билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексидаги, "Жазодан амнистия ёки афв акти асосида озод қилиш тартиби" деб номланувчи 166-модда янги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилган. Унга биноан жазони ижро этувчи муассаса маъмурияти маҳкумга нисбатан амнистия актини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани судга киритиш ҳақида прокурорга тақдимнома билан мурожаат этадиган бўлди.

Баён этилган тартиб-таомиллардан келиб чиққан ҳолда Қонуннинг 3-моддасига асосан "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуннинг 2-моддаси, жумладан "Прокурорнинг ваколатлари" деб номланувчи 28-моддаси ва 31-моддаси тегишлича ўзгартирилиб, прокурорнинг амнистия актини қўллаш билан боғлиқ ваколатларига аниқлик киритилган.

Мазкур Қонуннинг маъқулланиши мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишнинг бугунги босқичида амалга оширилиши зарур бўлган амнистия актини фақат судлар томонидан қўллаш амалиётини жорий этишга тўлиқ ҳуқуқий механизм яратади ҳамда мустақиллиги қонун билан кафолатланган суд ҳокимияти ваколатини янада кенгайтиради ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилишига аниқ шароит яратиб беради.

Омбудсман институти: инсон ҳуқуқларининг ишончли ҳимояси

Ўтган асрда юзага келган глобаллашув жараёни бутун ер юзини қамраб олаётган бир пайтда жаҳон миқёсида молиявий-иқтисодий инқироз рўй бергани барча давлатларда яшовчи халқларни қаттиқ ларзага келтирди. Зеро, бу инқироз мазмун-моҳияти жиҳатдан ғоятда кенг бўлиб, дунёдаги барча жамият ва давлатларга ўз салбий таъсирини кўрсатаётганини ҳар лаҳзада эшитиб, кўриб-билиб турибмиз.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов жаҳон молиявий инқирозидан имкон қадар тезроқ чиқиш, унинг оқибатларини енгиллаштириш кўп жиҳатдан ҳар бир давлат доирасида ва умуман, дунё ҳамжамияти миқёсида қабул қилинаётган чора-тадбирларнинг қанчалик самарадорлигига, уларнинг бир-бири билан уйғунлигига боғлиқ, деб таъкидлаш баробарида мамлакатимизда моливий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизими, шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш учун етарли даражада мустаҳкам захиралар яратилганини ва зарур ресурслар базаси мавжудлиги инқироз таъсирини камайтиради, дея фикр билдирдилар.

Жаҳон моливий-иқтисодий инқирозини бартараф этиш омиллари хусусида сўз борганда унинг таъсирига дучор бўлган инсонларнинг ҳуқуқларини, айниқса иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг кафолатларини таъминлашни янада кучайтириш зарурлигини алоҳида эътироф этиш зарур. Мисол учун айтадиган бўлсак, ҳар бир инсоннинг меҳнат қилиш ҳуқуқига эга экани ҳисобга олинса, уни ишсизликдан ҳимоя қилиш учун иш ўринлари яратиш долзарб муаммо экани аён бўлди. Кўриниб турганидек, жаҳон моливий-иқтисодий инқирози бирор-бир соҳани четлаб ўтаётгани

йўқ. Бу эса ўз навбатида унга қарши собитқадамлик билан курашишни тақозо этади.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мазмун-моҳиятида ҳам молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий таъсирини мамлакатимиз миқёсида камайтиришга қаратилган ҳуқуқий асослардан бири деб ҳисоблаш мумкин.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш мақсадида турли тизимли механизм ҳамда институтлардан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда. Шулардан бири "омбудсман" институтидир. Зеро, замонавий ҳуқуқ тизимида "омбудсман" институти инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва давлат органлари фаолиятида қонун устуворлигини таъминлашнинг муҳим механизми дея эътироф этилган. Тарихга назарга ташласак, хорижий давлатлар тажрибасида "омбудсман" атамасини истеъфода этишда турлича ёндашув ва талқинлар мавжуд бўлган. Масалан, ўрта асрда швед тилида "ombud" атамаси негизида "куч ёки обрў-эътибор" деган мазмун ўз аксини топган. Герман қабилаларида эса "омбудсман" жиноят содир этган айбдорлардан жабрланганлар фойдасига жарима ундириш билан шуғулланган. Тарихий-ҳуқуқий манбаларнинг гувоҳлик беришига қараганда, ўтмишда, яъни ислом ҳуқуқи ҳукмронлик қилган даврларда миллий давлатчилигимиз тараққиётида омбудсман вазифасини мухтасиб амалга оширган.

Вақт ўтиши билан омбудсманнинг нуфузи ва самарадорлиги ошиб бораверган. Шу тариқа "омбудсман" институти ҳуқуқи бузилган шахснинг манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ҳозирги мавқега эришган.

Дунё омбудсманлари роли ва нуфузига кўра ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан уч тоифага бўлинади.

Биринчиси ижро тизимига кирувчи омбудсман ҳисобланади. У ҳукумат ёки Президент томонидан тайинланади ва уларнинг назоратида фаолият юритиб ҳисобдор бўлади. Мисол учун айтадиган бўлсак, Францияда Омбудсман ҳукумат томонидан тайинланади.

Иккинчиси мустақил омбудсман деб аталади. Португалия, Намибия, Нидерландия давлатларида омбудсман ҳокимиятининг мустақил тармоғи сифатида шаклланган.

Учинчи тоифадаги омбудсман парламент омбудсмани ёки классик шаклдаги омбудсман ҳисобланади.

У қонун чиқарувчи ҳокимият тизимида фаолият юритади. Парламент томонидан сайланади (тайинланади), парламентга ҳисоб беради. Мамлакатимизда вакил (омбудсман) институтини шакллантиришда айнан классик кўринишдаги омбудсман институтига хос хусусиятлар ҳисобга олинган.

XXI асрда халқаро миқёсида, жумладан Ўзбекистонда ҳам омбудсман институтини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Масалан, Европа Иттифоқига кирувчи Швеция, Норвегия, Финландия, Дания, Буюк Британия, Чехия, Словакия, Польша, Бельгия ва бошқа мамлакатларда омбудсман давлат органлари фаолиятида қонун устуворлигини таъминлаш, шунингдек инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилинишини кузатувчи мустақиллиги таъминланган махсус мансабдор шахс ҳисобланади.

Алоҳида қайд этиб ўтиш жоизки, омбудсман институтининг муҳим хусусиятларидан бири унинг мустақиллигидир. Аксарият давлатларда, жумладан мамлакатимизда ҳам омбудсман Парламент томонидан сайланади ва у парламент олдида хисобдор. Омбудсманнинг асосий вазифаси сифатида ижро органлари фаолиятида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни

таъминлаш масаласини кўрсатиш мумкин. Ҳозирги пайтда омбудсман институтини такомиллаштиришга эътибор кучайгани шу билан изоҳланадики, омбудсман инсон ҳуқуқларини тўла-тўкис рўёбга чиқаришнинг қўшимча механизми ҳисобланади ҳамда унинг амал қилиши демократик жамият қонуниятларининг натижаси деб баҳоланади.

Маълумки, 1995 йили давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг ташаббуси билан Марказий Осиёда биринчи бўлиб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) лавозими жорий этилган эди. Орадан икки йил ўтгач, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Мазкур қонуннинг бир неча йил давомида амалиётда қўллаш тажрибасидан келиб чиқиб ва 2005 йилнинг январ ойидан бошлаб Олий Мажлис икки палатали тизимда фаолият кўрсатишини ҳисобга олган ҳолда 2004 йилнинг 27 августида "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида"ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Шу аснода мазкур қонун давр талабига мослаштирилди.

Шунингдек, Омбудсманнинг ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (78-модданинг 16-банди), "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги (8-моддаларнинг 16-банди), "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"ги (23 ва 33-моддалар), "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида"ги (19 ва 32-моддалар) конституциявий қонунларида ҳам ўз аксини топган.

Қонунга мувофиқ Ўзбекистонда Вакил парламент органи сифатида фаолият кўрсатади ва у бир қанча муҳим

ваколатга эга. Бу эса вакилнинг парламентда мустақиллиги тўлиқ таъминланганидан далолат беради.

Жумладан, юқорида номи тилга олинган қонуннинг 1-моддасига биноан Бакил давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ва мансабдор шахслар томонидан инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан парламент назоратини таъминлаш ваколатларига эга ҳамда қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва уларни халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлаштиришга, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади, фуқароларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ижтимоий онгини оширишга кўмаклашади.

Қайд этилган ваколатларни амалга ошириш учун Вакил дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланади.

Эътиборли жиҳати шундаки, мустақилликнинг дастлабки босқичида ташкил этилган инсон ҳуқуқлари бўйича Вакилнинг жамиятдаги нуфузи йилдан йилга ошиб бормоқда. Ҳозирда мамлакатимиз аҳолиси Вакилнинг хизмат ёки маъмурий жиҳатдан бирор-бир давлат органига бўйсунмовчи, мустақиллиги Қонун билан таъминланган фуқаронинг бузилган ҳуқуқларини давлат органи билан ўзаро ҳамкорликда тиклашга қодир, кўпчилик ҳолатларда инсон манфаатларини кўзлаб ишлайдиган мустақил мансабдор шахс деб тушунади десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) амалдаги фаолияти халқаро жамоатчилик томонидан ҳам инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида "ўзбек" модели сифатида эътироф этилмоқда. Буни Ўзбекистон парламенти Омбудсмани 1998 йилдан буён Халқаро Омбудсман институтининг аъзоси (Канада), 2002 йилдан Европа Омбудсмани институтининг аъзоси (Австрия) экани ҳам яққол тасдиқлайди. Қолаверса, Омбудсман

томонидан Европа, Америка ва МДҲ давлатлари омбудсманлари билан ўзаро ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилган. Россия, Швеция, Польша, Латвия, Озарбайжон, Словакия ва бошқа давлатлар омбудсманлари билан ҳамкорлик борасида битимлар имзоланган ва улардаги келишувлар изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда.

Қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги "Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясининг 60-йиллигига бағишланган чора-тадбирлар тўғрисида"ги 3994-сонли Фармони ижросини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида қуйи палатага киритилган.

Мазкур Қонунни қабул қилишдан кўзланган мақсад биринчидан, Вакил борасидаги қонунчилик базасини такомиллаштирилишига, миллий қонунчиликни халқаро стандартларга яқинлаштирилишига, иккинчидан, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида"ги Қонун нормаларини ижро қилиш юзасидан ҳуқуқни қўллаш амалиётининг такомиллаштирилишига, учинчидан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида Вакил ва ижро ҳокимияти органлари, судлар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятининг кучайтирилишига ҳамда мувофиқлаштирилишига эришишдан иборат. Мазкур Қонун 6 та моддадан иборат бўлиб, ундаги 1-3 моддалар билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, Жиноят-ижроия ва Божхона кодексларига, 4—5-моддалари билан эса "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари такомиллаштирилган.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида"ги Қонуннинг "Вакилнинг шикоятларни кўриб чиқиш чоғидаги ҳуқуқлари" деб номланувчи 14-моддасида Вакил шикоятларни кўриб чиқиш, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳолларини ўз ташаббуси билан текшириш чоғида ушлаб турилган ёки қамоқда сақланаётган шахс билан учрашув ва суҳбатлар ўтказиш ҳуқуқига эгалиги ҳамда "Вакил томонидан шикоятлар кўриб чиқилаётганда инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилинишининг кафолатлари" деб номланувчи 19-моддасида Вакилга шикоят берган шахс ҳамда Вакил томонидан ахборот тўплаш ва уни таҳлил этиш ёки эксперт баҳоси бериш топширилган шахслар бундай ҳаракат учун таъқиб қилиниши ёки ҳуқуқлари бошқача тарзда чекланиши мумкин эмаслиги белгиланган. Аммо мазкур нормалардаги бундай тартиб-қоида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал ҳамда Жиноят-ижроия кодексларида назарда тутилмаган эди. Шунинг учун Вакилнинг ваколатлари билан боғлиқ қонундаги мазкур нормалар талаби асосида Жиноят-процессуал кодексидаги процессуал-мажбурлов чораларини ижро қилувчи жой маъмуриятининг мажбуриятлари акс эттирилган 216-модданинг иккинчи қисми "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) билан учрашиш ҳамда суҳбатлашиш учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш" деган мазмундаги қоида билан тўлдирилди. Шунингдек, Жиноят-процессуал кодексидаги "Ушлаш чоғида иммунитет ҳуқуқидан фойдаланувчи шахслар" (223-модда), яъни депутатлар, судъялар, прокурорлар тоифасига Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ҳам киритилгани мазкур Қонуннинг 1-моддаси 2-бандида ўз аксини топган.

Бундан ташқари, Жиноят-ижроия кодексининг "Жазони ўташ жойларига кириш" деб номланувчи 18-моддасининг иккинчи қисмига шикоятларни кўриб чиқишда, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳолларини ўз ташаббуси билан текширишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) жазони ижро этиш муассасаларига монеликсиз кириш ҳуқуқига эга экани, "Маҳкумларнинг ёзишмалари" деб номланувчи 40 ва 79-моддаларга маҳкумларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) билан ёзишмалари цензурадан ўтказилмайди деган мазмундаги Янги қоида киритилган.

Яна бир янгилик шундан иборатки, унга мувофиқ Божхона кодексининг 50-моддаси Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) божхона назоратидан озод қилинувчи мансабдор шахс экани ҳақидаги қоида билан тўлдирилган. Бундан буён Вакилнинг шахсий багажи, агар у хизмат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтаётган бўлса, божхона текширувидан озод этилади.

Қонуннинг 4 ва 5-моддаларига алоҳида эътибор қаратиш жоиз. Чунки "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида"ги Қонуннинг 18-моддаси 1-қисмига асосан Вакил Олий Мажлиснинг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши ёки суд тартибида белгиланадиган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмас.

Вакилга нисбатан жиноят иши фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан қўзғатилиши мумкин. Вакилни мажбурий келтириш, ушлаб туришга, унинг шахсий буюмлари, юки, транспорти, турар жойи ва хизмат хонасини кўздан кечиришга йўл қўйилмайди

деган қонун талабидан келиб чиққан ҳолда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"ги ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида"ги қонунлари 30[1]-моддалар билан, яъни Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилни (омбудсманни) дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш тартибини белгиловчи янги нормалар билан тўлдирилган. Унга кўра Вакилни (омбудсманни) дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш учун икки палатанинг розилиги керак. Мазкур масала юзасидан Бош прокурорнинг тақдимномаси палаталар томонидан алоҳида-алоҳида тарзда кўриб чиқилади.

Дастлаб қуйи палата Вакилнинг дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилиш масаласини муҳокама қилиб, розилик берган тақдирда ўз қарорини юқори палатага юборади. Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, палаталардан бирортаси, яъни Қонунчилик палатаси ёки Сенат Вакилни жиноий жавобгарликка тортиш, ушлаб туриш, қамоққа олиш ёки унга нисбатан суд тартибида бериладиган маъмурий жазо чораларини қўллашни рад этса, жиноят ёки маъмурий иш тугатилади.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) жамиятимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасидаги энг муҳим ҳуқуқий институт ҳисобланади. Муҳокама этилган Қонун эса Вакил (омбудсман) фаолиятини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

ЮРИДИК ФАННИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

ИЗЛАНИШЛАР ЙЎЛИДА

Мамлакатимиз истиқлолга эришгандан сўнг барча ижтимоий-гуманитар фанлар қатори юридик фаннинг ривожида ҳам туб сифат ўзгаришлари рўй берди. Аввало шуни таъкидлаш керакки, мамлакатни қонунлар асосида бошқаришнинг асосий дастурамали ва муҳим кафолати бўлмиш Конституциямизнинг қабул қилинганлиги, унда инсон манфаатларининг давлат манфаатларидан устун этиб белгилангани, инсон ҳуқуқ ва эркинларининг устувор қадрият сифатида қайд этилгани сиёсий ҳаётимизнинг улкан ютуғи бўлди. Конституциямизнинг қабул қилиниши миллий қонунчилигимизнинг халқаро меъёрларга, халқимизнинг бой тажрибаси, турмуш тарзи, менталитети, урф-одат ва анъаналарига мувофиқ келиши учун асос бўлди. Яъни юртимизда амалга оширилиши лозим бўлган энг муҳим йўналишлар ва дастурларни белгилаб олишда аввало асосий эътибор уларнинг қонуний-ҳуқуқий жиҳатларига қаратилди. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек: «Муайян ижтимоий йўналишга қаратилган дастурларни амалга оширишда, энг аввало, унинг қонуний-ҳуқуқий асосини атрофлича ўрганиш, яна қандай янги қонун ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилиш зарурлигини аниқлаш, бу йўлда ғов бўлиб турган тўсиқларни олиб ташлаш, керак бўлса, давлат томонидан тегишли имтиёз ва қўшимча имкониятлар яратиб бериш биринчи даражали аҳамият касб этади»[1].

Ана шу талабларга мувофиқ равишда мамлакатимизда юридик фанни ривожлантириш, унинг назарий асосларини чуқурлаштириш ва амалиётда қўллаш механизмини такомиллаштириш борасида, гарчи бу

[1] **Ислом Каримов**. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари — олий қадрият, Т., «Ўзбекистон» НМИУ, 2006 й., 14-том, 84-бет.

борада ҳали қатор муаммолар мавжуд бўлса-да, сезиларли ижобий ўзгаришларга эришилди.

Бу борада олиб борилаётган тадқиқотлар, илмий изланишларда мамлакатимиз, халқимиз ҳаёти учун ғоят муҳим, долзарб муаммолар кўтарилмоқда. Муаллифлар кўтариб чиқараётган масалалар, уларнинг ечими борасида илгари сурилаётган таклифлар, фикр-мулоҳазалар бу фаннинг ёрқин истиқболидан далолат беради.

Биз бу тадқиқотлар билан танишар эканмиз, уларнинг янгилиги, долзарблигини қайд этиб, кўпгина назарий масалалар тўғри ечимини тонганлигини мамнуният билан таъкидлаганимиз ҳолда, баъзи бир баҳсли ўринларда муаллифлар билан баҳоли қудрат мунозарага киришишни лозим топдик. Зеро, бу баҳсу мунозаралар масалани тўғри ҳал этишга ва алалоқибат юридик фаннинг ривожига ёрдам беради, деб ўйлаймиз.

ПОРАХЎРЛИК – ЎТА ХАВФЛИ ЖИНОЯТ[1]

«Порахўрлик учун жиноий жавобгарлик» мавзусидаги диссертация, шубҳасиз, долзарб аҳамиятга эга.

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблик аҳамияти ва унинг илмий жиҳатдан ишланганлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, олиб борилган тадқиқотнинг илмий жиҳатдан янгилиги, унинг методологик ва назарий асослари, изланишнинг илмий аҳамияти, олинган натижаларнинг апробацияси, қоида ва таклифлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби порахўрлик таркибининг юридик таҳлили ва уларни қонунчиликда такомиллаштириш муаммоларига бағишланган.

Тадқиқот ишининг иккинчи бобида порахўрлик учун жавобгарликни оғирлаштирувчи белгилар ёритилган бўлиб, порахўрликнинг такроран содир этилганлиги, пора миқдорининг порахўрликни квалификация қилишга таъсири, товламачилик йўли билан пора олиш, бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб пора олиш, уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб пора олиш, пора бериш ва пора олиш-беришда воситачилик қилиш, пора олиш-беришда ҳақ эвазига содир этилган воситачилик каби масалалар тадқиқ қилинган.

Диссертациянинг учинчи боби порахўрликнинг ўхшаш жиноятлардан фарқлари ва унинг жазога сазоворлиги муаммоларига бағишланган. Ушбу бобда порахўрликнинг ўхшаш таркибли жиноятлардан фарқлари, жиноят қонунини либераллаштириш муносабати билан порахўрликка жазо тайинлаш муаммолари таҳлил қилинган.

Тадқиқотнинг тўртинчи бобида порахўрликнинг криминологик тавсифи берилган ва шу асосда унинг олдини олиш йўллари ёритилган.

---

[1] «Порахўрлик учун жиноий жавобгарлик» мавзусидаги юридик фанлар доктори илмий даражаси учун ёзилган диссертация ҳақида мулоҳазалар.

Диссертация мазмунидан келиб чиқиб, тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат деб айтиш мумкин: сўнгги йилларда Ўзбекистонда порахўрликка қарши кураш соҳасидаги суд амалиёти, порахўрлик жиноятлари учун маҳкум қилинган шахслар криминологик жиҳатдан таҳлил этилган, статистик маълумотлар ўрганилган ва шу асосда порахўрлик учун жиноий жавобгарлик масаласи монографик даражада тадқиқ қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ЖК бўйича порахўрликка қарши кураш мамлакатимиз тергов-суд амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш, шунингдек, кўрсатилган жиноятлар учун жазога маҳкум этилган шахсларни криминологик тадқиқ этиш; порахўрликка қарши курашнинг жиноят ҳуқуқий ва криминологик чораларини комплекс равишда махсус тадқиқ қилишга дастлабки уринишлардан бири бўлиб ҳисобланади. Диссертацияда жиноий жазони қўллаш назарияси ва амалиётининг мунозарали масалалари ўрганилган, жазоларни тартибга солишга доир қонун ҳужжатларини такомиллаштириш мақсадида муайян тавсиялар ишлаб чиқилган.

Диссертациядаги янгиликнинг яна бири — тадқиқотчи Ўзбекистон Республикасига оид аниқ материал ёрдамида айтиб ўтилган жиноятлар механизмига таъсир кўрсатувчи барча ўзаро боғлиқ омиллар, алоқалар ва жараёнларга тизимли ёндашганлиги ва муаммони тадқиқ этишга уларни комплекс кўриб чиқиш мавқеидан туриб ҳаракат қилганлигидадир. Жиноят ишларини, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг статистика маълумотларини, уқтирилган жиноятлар учун маҳкум этилган шахсларни криминологик ўрганиш ана шу шахсларнинг хатти-ҳаракатларидаги хос қонуниятларни аниқлаш имконини беради. Тадқиқот натижалари, муайян даражада, амалиётда мавжуд бўлган нуқсонларни бартараф этади.

Ишнинг илмий янгилиги қуйидагиларда ифодаланади.

Пора — пора олиш, пора бериш жиноятларининг предметидир. Пора олишнинг бевосита объектига тааллуқли мунозарали масаланинг кенг қамровли таҳлили муаллифга давлат ва жамоат ташкилотлари аппарати, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг нормал фаолияти, яъни қонунга асосланган, давлат ва жамият ривожланишининг ҳозирги босқичида унинг олдида турган мақсад ва вазифаларига тўлиқ жавоб берадиган фаолият пора олиш жиноятининг бевосита объекти бўлиб ҳисобланади, деган хулосага келишга имконият берган. Диссертантнинг фикрича, порахўрлик ва бошқарув тартибига қарши бошқа жиноятларнинг бевосита объектлари бир-бирига мос келади.

Пора пул, қимматли қоғозлар, мулкка бўлган ҳуқуқ ёки мулкий наф тарзида берилади (ва олинади), яъни мансабдор шахснинг хизмат фаолиятига ҳақ тўлашнинг ноқонуний воситаси бўлиб хизмат қилади. Муаллиф, пора берувчи аёлларнинг сексуал хизматлари ёки «мардикорлар» хизмати учун ҳақ тўлаганида, пора олувчи эса бундай ҳақни рад этмаганида бундай ҳақ тўланадиган хизматларни пора предмети сифатида квалификация қилиш керак, деб ҳисоблайди.

Жиноятни таснифлаш поранинг миқдорига боғлиқ. Худди шунинг учун ҳам поранинг ҳар қандай предмети жиноят содир этилган кунда юзага келган хизматларнинг нархи, баҳоси ва тарифларига қараб, бундай кўрсаткичлар мавжуд бўлмаганида эса, экспертларнинг хулосалари асосида пулда баҳоланиши керак.

Муаллиф (қонуннинг маъносига кўра) оғдириб олиш учун пора беришни ҳам, ҳақ тўлаш тарзидаги пора беришни ҳам жиноий жазога сазовор жиноят деб ҳисоблайди, шу боис поранинг кўрсатилган турларининг бевосита қонунда назарда тутилишини таклиф этувчи муаллифларнинг фикрига қўшилмайди.

Муаллиф ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг айрим илмий ва амалиётчи ходимларнинг давлат ва жамоат ташкилотлари аппаратида моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимни эгаллаб турган барча хизматчилар пора олиш субъекти бўлиши мумкин бўлган мансабдор шахслар, деб эътироф этилиши лозим деган фикрига қўшилмайди.

Спортчилар мансабдор шахслар ҳисобланмаслиги боис, муаллифнинг фикрича, спортчилар томонидан ғаразгўйлик ниятида содир этилган спорт мусобақалари натижаларини қасддан бузганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи махсус норма Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига киритилиши керак.

Пора олиш тўғри қасд билан содир этиладиган мансабдорлик жиноятидир. Жиноятнинг субъекти фақатгина мансабдор шахс ҳисобланади. Субъектив томондан ушбу жиноят қасддан содир этилган айб сифатида тавсифланиб, у мансабдор шахснинг ўзи олган моддий қимматликлар хизмат фаолияти учун қонунга хилоф равишда ҳақ тўлаш эканлигини, шунингдек, уларни олиш истаги мавжуд эканлигини англашини (тушуниб етишини) тақозо этади.

Давлат, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари хизматидаги шахсларнинг ҳамда турли жамоат ташкилотлари ва тижорат тузилмаларида тегишли бошқарув функцияларини бажараётган шахслар хатти-ҳаракатларининг ижтимоий моҳияти бир хил бўлмаганлиги учун, биринчилари, оммавий ҳокимият томонидан уларга берилган ваколатларни суиистеъмол қилиб, давлат аппаратининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларининг, шунингдек, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари аппаратининг нормал фаолиятини бузади, обрўсига путур етказади ва булар оқибатида давлат ҳокимиятининг заифлашишига, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларга нисбатан ишончсизлик билдирилишига олиб келади.

Жамоат ташкилотига бирлашган мулкдорлар ёки фуқаролар томонидан муайян бошқарув функциялари билан таъминланган тижорат тузилмалари ва жамоат ташкилотлари хизматчилари томонидан хизмат вазифалари суиистеъмол қилинганда юқорида кўрсатилган вазият юзага келмайди.

Муаллифнинг фикрига кўра, тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, унинг натижаларидан жиноий жазо тайинлаш муаммолари бундан буён ўрганилишида, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари тайёрланишида, маърузалар ўқиш ва амалий машғулотлар ўтказилишида олимлар томонидан фойдаланилиши мумкин. Қонунчиликни ва уни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга тааллуқли таклифлар ҳамда тавсиялардан тегишли қонун лойиҳалари, Олий суд Пленумларининг қарорлари тайёрланишида, шунингдек, судларнинг фаолиятида конкрет жиноят ишларини ҳал этишда бевосита фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқотчининг порахўрликни жиноят ҳуқуқий ва криминологик таҳлили натижаларидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг амалий ишларида (жиноий жазолар тайинлаш, профилактик тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга ошириш ва шу кабиларда), шунингдек, ушбу муаммога доир кейинги илмий тадқиқотларда фойдаланиш мумкин.

Илмий ишнинг назарий аҳамияти шундан иборатки, ўтказилган тадқиқотлар жазо тайинлаш бўйича судлар фаолиятини такомиллаштиришда ва шу орқали уларнинг жазо амалиётини мақбуллаштиришда муайян роль ўйнаши мумкин.

Порахўрлик учун жазони назарда тутувчи қатор санкцияларнинг асосли ўзгартирилганлиги ижтимоий объектларни жиноий-ҳуқуқий муҳофаза қилишга нисбатан аксеологик ёндашувнинг умумий принциплари билан мувофиқлаштиришга олиб келди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 24 майдаги «Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги Қарорининг лойиҳаси муҳокама этилишида тадқиқотчи томонидан конкрет масалалар бўйича қатор таклифлар киритилган.

Ушбу тадқиқотдаги баъзи бир фикр-мулоҳазалар, таклифлар юзасидан муаллиф билан баҳслашишни лозим топдик.

1. Муаллиф порахўрликни «нозик» муаммо деб (и.б. 24, 27) қўштирноқ ичига олиб ифодалаган. Фикримизча, порахўрликни нозик деб парда ортига олишдан кўра, порахўрлик ёки коррупция ўта мураккаб муаммо бўлиб, кўпчилик ҳолларда латентлигича қолади деб урғу берилса, юридик тадқиқотлар нуқтаи назаридан тўғри ёндашилган бўлади.

2. Тадқиқотнинг 40-бетидаги «У давлат механизмини ташкил этувчи барча органларни қамраб олади: давлат ҳокимият органлари, ижроия-тақсимлаш фаолиятини амалга оширувчи органлар, одил судлов ва прокуратура органлари» деган ғализроқ фикрига қўшилиб бўлмайди.

Чунки мустақилликка эришилгандан сўнг давлат механизми тушунчасига аниқлик киритилди. Конституция асосида ҳокимият уч тармоққа, яъни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органларига ажратилган. Ҳар қандай давлат органи ҳокимиятнинг шу уч тармоғи ичига киритилган, жумладан, прокуратура ижроия ҳокимияти таркибига кириши эътироф этилган. Шу нуқтаи назардан давлат ҳокимият органлари, ижроия-тақсимлаш (?), прокуратура органлари давлат механизми деб алоҳида урғу берилгани ўринсиз кўринади.

3. Шу билан бирга, жамоат ташкилотлари сирасига диний ташкилотлар ва фуқароларнинг норасмий ташкилотлари киритилиши мумкин эмас. Тадқиқотчининг «жиноят қонуни диний ташкилотларнинг фаолиятини тартибга соладиган ижтимоий муносабатларни муҳофаза қилмайди», деган фикрига ҳам қўшилиш қийин. Зеро,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида айнан тадқиқот объекти ҳисобланган бошқарув тартибига қарши жиноятлар бўлимида «Жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотларни қонунга хилоф равишда тузиш» (216-м.), «Диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш» (216^2-м.), «Диний таълимотдан сабоқ бериш тартибини бузиш» (229^2-м.) каби моддаларнинг мавжудлиги жиноят қонуни диний ташкилотлар фаолиятини ҳам жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиши равшан кўринади.

4. Муаллифнинг «амалдаги жиноят қонун ҳужжатларида пора миқдори ҳақида ҳеч нарса айтилмайди», (и.б. 50) деган фикри мантиқан тўғри эмас. Бизнингча, диссертант поранинг энг кам миқдорини қонун чиқарувчи белгилаши лозим деб фикр билдирмоқчига ўхшайди. Зеро, порахўрлик, яъни пора олиш, пора бериш, пора олиш-беришда воситачилик қилиш (ЖК нинг 210, 211, 212-м.) билан боғлиқ ЖК даги моддаларнинг ички тузилишидан, яъни қисмларда кўп, жуда кўп миқдор кўрсатилганидан бу турдаги жиноятларни малакалашда (квалификация) пора миқдори муҳим роль ўйнашини пайқаш қийин эмас. Шунингдек, миқдор, яъни анча, кўп ёки жуда кўп миқдор тушунчалари ЖК нинг атамаларнинг ҳуқуқий маъноси ифодаланган бобида очиқ-ойдин аксини топган.

5. Муаллифнинг ЖК 210-моддасининг биринчи қисми диспозициясини янги таҳрирда ифодалаш тўғрисида таърифига ҳам қўшилиш қийинроқ чамаси. Чунки, ушбу модда диспозициясидаги жиноятнинг объектив томонини ифодаловчи элементлар қонун чиқарувчи томонидан аниқ ифодаланган, тадқиқотчи таклиф этган тарзда ифодалаш тергов ва суд амалиётида бир оз қийинчиликка олиб келиши мумкин.

6. «Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори қабул қилинганлигига қарамасдан,

мутахассисларнинг мансабга ва мансабга оид фаолиятини фарқлаш масаласи яна очиқ қолди» деган фикр бир оз бўлса-да ноўрин кўринади. Чунки давлат органи, мулк шаклидан қатъи назар корхона, муассаса ёки ташкилот, жамоат бирлашмаси, фуқаролар ўз-ўзини бошқариш органининг мансабдор шахс бўлмаган хизматчисининг хизмат вазифаси доирасига кирадиган муайян ишни бажариши эвазига ҳақ беришни талаб қилиши учун (ЖК нинг 214-м.) жавобгарлик белгиланган. Яъни, қонун чиқарувчи мансабдор шахс билан мутахассиснинг ҳақ эвазига иш бажариши ёки бажармаслигини фарқлаб қонун ҳужжатида акс эттирган.

7. Ишнинг хулоса қисмидаги 5-банд (и.б. 269) «а» ва «б» кичик бандлардаги айбини оғирлаштирувчи ҳолатларда пора олганлик учун жарима миқдорини энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз баравари миқдорига кўтариш, ушбу жиноят учун озодликдан маҳрум қилиш жазоси муддатини камайтириб, жарима ёки ахлоқ тузатиш ишлари (ЖК нинг 210-м. 2, 3 қ.) каби муқобил жазоларни қўшиш тўғрисидаги таклифи баҳсли кўринади. Чунки ЖК нинг 15-моддасида жиноятлар тўрт тоифага бўлиниб таснифланган. Жарима ёки ахлоқ тузатиш ишлари, умуман озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга қўлланилади. ЖКнинг 210-моддаси иккинчи қисми оғир жиноят, шу модданинг учинчи қисми ўта оғир жиноят ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан қараганда оғир ёки ўта оғир жиноятларга жарима ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоларини қўллашни қонунан тўғри деб бўлмайди.

Хулоса қилиб баён этганда, мазкур тадқиқот иши жиноят ҳуқуқи фанини янада ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиши шубҳасиздир.

ЖИНСИЙ ЖИНОЯТЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАСИ[1]

Мамлакатимиз Конституциясининг 13-моддасида Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланиши, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши белгилаб қўйилган. Шу нуқтаи назардан ёндашилса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан шахсга қарши, шу жумладан жинсий эркинлик ва дахлсизликка қарши содир этиладиган жиноятлар билан курашиш улар фаолиятининг асосий мезони ҳисобланади.

Муаллиф жинсий жиноятлар динамикаси инсоннинг темпераментини шакллантиришга таъсир этувчи жўғрофий, биологик омиллар ва бу турдаги жиноятларнинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган профилактик чораларнинг самарадорлигига боғлиқ ҳолда шаклланиши ҳақида фикр юритади. Статистик маълумотлар Ўзбекистоннинг баъзи ҳудудларида мазкур турдаги жиноятларнинг ўсиши, айрим вилоятларда эса камайиши кузатилаётганлигидан далолат беради. Бироқ жинсий жиноятлар динамикасининг барқарор эмаслиги уларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва ҳуқуқий мазмунига таъсир этмайди, чунки ушбу турдаги қилмишлар ижтимоий хавфлилик даражасининг юқорилиги, шахснинг жинсий эркинлиги ва дахлсизлигига тажовуз қилиши билан бошқа жиноятлардан фарқ қилади. Мамлакатимизда жинсий жиноятларнинг айрим турлари, хусусан бесоқолбозлик ва аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш камайиб бораётган бўлса-да, номусга тегиш ва

[1] Юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган «Ўзбекистон Республикаси қонуни бўйича жинсий жиноятлар учун жавобгарлик муаммолари» мавзусидаги диссертация ҳақида мулоҳазалар.

жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш ҳолатлари ортиб бораётганлиги кузатилади. Ушбу ҳолат, ўз навбатида, мазкур турдаги жиноятлар учун белгиланган жиноят қонуни нормаларининг мукаммал эмаслиги ва бу масалада аҳоли ҳуқуқий билимларининг пастлигидан далолат беради. Жинсий жиноятларни фош қилиш, улар профилактикасининг назарий асослари мукаммал ишлаб чиқилмаганлиги, шунингдек жинсий жиноятларнинг жиноят ҳуқуқи ва криминологик хусусиятлари, уларга бағишланган кўплаб асарлар мавжудлигига қарамай, жинсий жиноятлар учун жиноий жавобгарлик, мазкур жиноятларни квалификация қилиш ва таснифлаш, уларнинг олдини олиш, жинсий жиноятларнинг виктимологик профилактикасини ташкил этиш, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш билан боғлиқ муаммолар ҳалигача долзарб бўлиб қолаётганлигини инобатга олган ҳолда «Ўзбекистон Республикаси қонуни бўйича жинсий жиноятлар учун жавобгарлик муаммолари»га бағишланган тадқиқот ишида кўтарилган муаммо ҳақиқатан ҳам долзарбдир ҳамда илмий ва амалий жиҳатдан тадқиқ қилинаётганлиги алоҳида эътиборга лойиқ.

Тадқиқот ишининг вазифалари муаллиф томонидан тўғри танланганлигини эътироф этиш лозим. Шунингдек мазкур ишда илгари сурилаётган илмий тавсиялар ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан катта аҳамият касб этади.

Диссертация ишининг кириш қисмида муаллиф томонидан тадқиқотнинг долзарблиги асослаб берилган, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, методологик ва назарий асослари, тавсиялар, шунингдек, ишнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган.

Тадқиқотнинг «Жинсий жиноятларнинг жиноий жазога лойиқлиги ва жиноят таркибининг белгилари» деб номланган биринчи бобида «Жинсий жиноятларнинг

ҳуқуққа хилофлиги, жазога лойиқлиги ва унинг турлари», «Жинсий жиноятларнинг объекти», «Жинсий жиноятлар объектив томонини ташкил қилувчи хатти-ҳаракатларнинг тавсифи», «Жинсий жиноятларда айб, мотив ва мақсад», «Жинсий жиноятлар субъектининг юридик ва ижтимоий-психологик тавсифи» билан боғлиқ масалалар таҳлил қилинган. Жумладан, жинсий жиноятлар тушунчаси, уларнинг турлари ва айрим таркибларига алоқадор бир қатор масалалар ҳанузгача батафсил ёритилмаганлиги туфайли турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётганлиги муаллиф томонидан эътироф этилади. Бу борада муаллиф жинсий жиноятларни ахлоққа қарши жиноятлар билан тенглаштириш тўғри эмаслигини таъкидлаб, «ахлоқ» тушунчаси «жинсий жиноят» тушунчасидан анча кенгроқ эканлигини, ҳар қандай жиноят ҳам табиатан жамиятда ҳукмрон бўлган ахлоқ қоидаларини бузиш эканлигини асослаб беради. Диссертант мазкур турдаги жиноятларни «жинсий жиноятлар» деб номлаш тўғрироқ бўлишини кўрсатиб ўтади.

Муаллиф жиноят сифатидаги жинсий зўрликнинг асосий элементлари сифатида ҳам аёл, ҳам эркак билан жинсий алоқа қилиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш; жабрланувчининг хоҳиш-иродасига қарши ёки бу хоҳиш-иродани менсимасдан жинсий алоқа қилиш ҳолларини таҳлил қилган, шунингдек, ўтган асрнинг 20—30-йилларигача жинсий жиноятларга доир адабиётларда ушбу турдаги жиноятларнинг объекти сифатида жабрланувчи кўрсатилганлигини таъкидлайди.

Жинсий жиноятлар объектив томондан қуйидагича: номусга тегиш, зўрлик ишлатиб, қўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, табиий усулда жинсий алоқа қилиш; бесоқолбозлик — эркакнинг эркак билан зўрлик ишлатмасдан жинсий эҳтиёжини қондириши; аёлни жинсий алоқага мажбур этиш эса хизмат, моддий ёки бошқа жиҳатлардан айбдорга қарам бўлган аёлни жинсий алоқа қилишга ёки жинсий

эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга мажбур этиш орқали содир этилиши муаллиф томонидан асосланади. Муаллиф жинсий зўрликни содир этиш воситаси бўлган жисмоний ёки руҳий зўрликнинг белгилари сифатида хатти-ҳаракатлар кетма-кетлиги бўйича зўрлик доим жинсий алоқадан аввал юз беришини, зўрлик жинсий алоқага киришиш учун жабрланувчининг иродавий қаршилигини енгишга ёки бундай қаршиликни бартараф этишга қаратилган бўлишини келтириб ўтади. Бу жиноятларни квалификация қилишнинг муҳим белгиларидан бири бўлган ожизлик тушунчаси ҳам турли мезонларда ёритиб берилган.

Тадқиқотчи суд амалиёти материалларига таянган ҳолда «жинсий жиноятларнинг аксарияти тасодифан юзага келган қулай вазият натижасида содир этилади» деган фикрни илгари суради, шунингдек қасднинг ўзига хос хусусияти сифатида унинг ниҳоятда ўзгарувчан бўлишини таъкидлайди.

Диссертант жинсий жиноятлар учун жавобгарлик ёши ҳақида ҳам тўхталиб, бу борада тадқиқот олиб борган олимлар (П.П.Осипов, А.Н.Игнатов)нинг фикрларини келтирган ва ушбу масала юзасидан ўз фикрини асослаб, ЖК 118-, 119-моддаларидаги жиноятлар учун 14 ёш ҳамда 120-, 121-моддаларидаги қилмишлар учун жавобгарликнинг 16 ёшдан белгиланиши амалиётда ўзини оқлаётганлигини таъкидлайди.

Диссертациянинг иккинчи боби «Жазони оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилган жинсий жиноятлар учун жавобгарлик» деб номланиб, у ўз ичига «Жиноят объекти ва жабрланувчисини тавсифловчи ҳолатлар», «Қилмиш ва жиноят субъектини тавсифловчи ҳолатлар»га бағишланган. Муаллиф жинсий жиноятларнинг объекти ҳамда жабрланувчиси билан боғлиқ жавобгарлик ва жазони оғирлаштирувчи ҳар бир ҳолатни алоҳида тадқиқ этган. Хусусан, «икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан жинсий зўрлик содир этиш

жазони оғирлаштирувчи ҳолат, деб топилиши учун жинсий зўрлик икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан ягона қасд билан қамраб олинган бўлиши лозим», деган фикрни билдиради. Диссертант вояга етмаганлар билан зўрлик ишлатиб жинсий алоқа қилиш жинояти таркибининг ўзига хос хусусиятларини ҳам очиб берган. Шунингдек, тадқиқотчи томонидан ўлдириш билан қўрқитиб жинсий зўрлик содир этиш, жинсий зўрлик содир этиш натижасида оғир оқибатларнинг келиб чиқиши, жинсий зўрликнинг оммавий тартибсизлик қатнашчиси, бир гуруҳ шахслар, хавфли ёки ўта хавфли рецидивист томонидан ёхуд такроран содир этилиши каби масалалар атрофлича, ҳам назарий, ҳам амалий таҳлил қилинган.

Тадқиқот ишининг «Жинсий зўрликнинг ўхшаш жиноятлардан фарқлари» номли учинчи боби «Жинсий зўрлик ва аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этишнинг фарқлари», «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 118-, 119-моддаларида назарда тутилган жиноятлар ва 16 ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш», «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 118-, 119-моддаларида назарда тутилган жиноятларнинг 16 ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилишдан фарқлари», «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 118-, 119-моддаларида назарда тутилган жиноятлардан аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилишнинг (ЖК 136-м.) фарқлари» масалаларига бағишланган бўлиб, унда мазкур турдаги жиноятларнинг ўзига хос хусусиятлари ва бир-биридан фарқ қилувчи белгилари ҳар томонлама ёритиб берилган. Диссертант ЖК 121-моддасини таҳлил қилган ҳолда, уни «Шахсни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш» деб ўзгартиришни Конституцияда белгиланган нормаларга таяниб асослаб беради. Шунингдек, диссертант томонидан уятсиз-бузуқ ҳаракатларга айбдорнинг ёки бунга йўл қўяётган шахснинг жинсий эҳтиёжини қондириш ёки

16 ёшга тўлмаган шахсларнинг жинсий ҳиссиётини қўзғатишга қаратилган ҳаракатлар кириши таъкидланади.

Диссертациянинг «Жинсий жиноятларнинг криминологик тавсифи» ва «Жинсий жиноятлар содир этилишида жабрланувчи хулқ-атворининг ўрни»га бағишланган тўртинчи ва бешинчи бобларида «Жинсий жиноятларни содир этган шахснинг криминологик тавсифи», «Жинсий жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон яратувчи сабаб ва шарт—шароитлар», «Жинсий жиноятларни олдини олишнинг жиноят-ҳуқуқи ва криминологик чоралари», «Жинсий жиноятлар жабрланувчиси хулқ-атворининг таснифи ва тавсифи», «Жабрланувчи хулқ-атворининг жиноят субъектига жазо тайинланишидаги аҳамияти», «Жинсий жиноятларнинг виктимологик профилактикаси» билан боғлиқ масалалар жиноят-ҳуқуқий ва криминологик нуқтаи назардан батафсил ёритиб берилганлигини алоҳида таъкидлаш даркор.

Шу ўринда ишда айрим баҳсли фикрлар мавжуд деб, қуйидагиларга эътибор беришликни лозим топдик.

1. Тадқиқотчи томонидан билдирилган асосий қоидалар ва илмий тавсиялардаги (7-банд) «эр-хотиннинг ўзаро яқин қариндош ҳисобланмаслиги ҳақидаги қоида киритилиши» тўғрисидаги таклифи баҳсли кўринади. Чунки ЖКнинг атамаларнинг ҳуқуқий маъноси билан боғлиқ саккизинчи бобида эр-хотин яқин қариндошлар сирасига киритилган. Бу масалада муаллиф батафсил фикрини баён этса ўринли бўлар эди.

2. Диссертант «Жинсий зўрликнинг ўхшаш жиноятлардан фарқлари» билан боғлиқ масалалар тадқиқотнинг учинчи бобида баён этилган бўлиб, унда номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш жиноятларини ўхшаш таркибли, яъни ЖКнинг 129-ва 136-моддаларидан фарқлашнинг жиноят-ҳуқуқий жиҳатларини таҳлил қилиб хулосалар билдирган. Фикримизча, ҳозирги даврда

ташкилий жиноятчиликка қарши курашда глобал муаммо — трансмиллий жиноятлардан бири ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддаси, яъни шахвоний мақсадларда фойдаланиш учун алдаш йўли билан одам ёллаш, айниқса бундай шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиб кетиш мақсадида содир этилаётган жиноят таркибини ЖКнинг 118-, 119-моддаларидан фарқи ҳақида фикр юритилганида тадқиқот иши янада бойиб, ушбу мавзунинг нақадар долзарблиги янада ойдинлашган бўлар эди.

Тадқиқотда муаммонинг чуқур таҳлил қилингани, унинг тизимлилиги, назарий-амалий аҳамиятга эга эканини, унда билдирилган хулоса, таклифлар ва фикр-мулоҳазаларни инобатга олиб, яхлит ҳолда тугалланган деб ҳисоблаймиз. Жиноят ҳуқуқи фани илмий-назарий жиҳатдан бойимоқда дейишга тўла асослар мавжуд.

РАШКНИНГ ЖИНОЯТ СИФАТИДАГИ ТАҲЛИЛИ[1]

Инсоният тарихий тараққиётининг барча босқичларида, жамиятдаги ижтимоий муносабатлар объектига тажовуз қилиш билан боғлиқ ижтимоий хавфли қилмишлар, яъни жиноятларга қарши кураш масаласи муҳим аҳамият касб этган. Субъектив жиҳатдан қасддан муайян мотив (ният) асосида, объектив томондан турли усулларда фаол ҳаракатлар ёрдамида, куч ишлатиш йўли билан содир этилган, мотиви рашк бўлган шахснинг ҳаёти ва соғлиғига қарши жиноятлар ҳар доим содир этилган ва келгусида ҳам бундай жиноятлар содир этилиши эҳтимолдан холи эмас. Чунки инсон юриш-туриши, ички руҳий кечинмалари, ахлоқ-одоби, атрофдагиларга бўлган муносабатларда яқинларини, айниқса, икки жинсдагиларни бир-бирига нисбатан кимдандир ёки нимадандир шубҳа остига олиб, ўзига яқин кишисини йўқотиб қўйиши мумкиндек туюлиши, арзимас баҳона билан рашк пайдо бўлиши мумкин. «Рашк» тушунчаси нафақат психология фанида, балки ҳуқуқшунос олимларнинг ҳам доимо диққат-эътиборида бўлиб келган.

Муаллиф ҳам рашк туфайли содир этилган жиноятларга қарши кураш масаласини криминология фани нуқтаи назаридан тадқиқ этиб, жиноятчининг шахси, рашк мотиви билан содир этилган жиноятларни сабаблари ва шарт-шароитлари, жиноят қурбонлари ҳисобланган жабрланувчиларнинг хулқ-атвори жиноятнинг содир этилишига туртки бўлишини илмий хулосалар асосида таҳлил қилган.

Маълумки, амалдаги Жиноят Кодексининг махсус қисмидаги меъёрлардан биронтасида «рашк туфайли»

---

[1] «Рашк туфайли содир этилган жиноятларга қарши кураш муаммолари» (жиноят-ҳуқуқий, криминологик ва виктимологик жиҳатлар) мавзусидаги юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация ҳақида мулоҳазалар.

деган тушунча ёки атама йўқ. Лекин қасддан одам ўлдириш (97-м. 1-қ.), кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш (98-м.), кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш (106-м) жиноятлари субъектив томондан рашк мотиви билан содир этилиши мумкин. Қайд этилган жиноятлар мотиви турли-туман бўлади. Шунинг учун қонун ижодкорлигида рашк замирида қасддан одам ўлдириш, кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш ёки кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказишда умумий тушунчалар асос қилиб олинган. Бу ушбу мавзунинг долзарб эканидан далолатдир.

Одатдагидек, тадқиқотнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, илмий янгилиги, илмий ва амалий аҳамияти, апробацияси тўғрисида маълумотлар акс этган.

Ишнинг биринчи боби «Рашкнинг ижтимоий-психологик таҳлили ва у туфайли содир этилган жиноятларнинг умумий тавсифи» деб номланган бўлиб, унда рашк билан боғлиқ муаммоларни ўрганишнинг қисқача тарихи, рашк тушунчаси, унинг ижтимоий хавфлилиги ва табиати, рашк туфайли вужудга келган ғайриқонуний хулқнинг руҳий механизми (фикримизча, таъсири бўлса керак), рашк мотиви билан содир этилган жиноятларнинг статистик тавсифи каби масалалар психология фани нуқтаи назаридан, психолог олимларнинг илмий қарашлари асосида ўрганилиб, илмий таҳлиллар баён қилинган. Рашк тушунчасининг жиноятларни содир этишдаги юридик табиати мавжудлиги, яъни инсонларнинг рашк ўтида ёниши айрим ҳолларда уларда жиноят содир этишга майл уйғотиши мумкин экани қайд этилган. Шунингдек, ўхшаш муаллиф айрим жиноятчиларнинг спиртли ичимлик истеъмол қилгандан сўнг рашк баҳонасида жиноят содир этишга мойиллиги ошишига олиб келишига тўхталиб, «бундай ҳоллар қабул қилинган қарорни ижро этиш жараёнига ҳам ўзига хос таъсир кўрсатишини» таъкидлаган. Тадқиқотчи фикрини

ойдинлаштириш учун суд амалиётида кўрилган жиноят ишлари мисолида эътиборга молик фикрларни баён этган.

Тадқиқотнинг иккинчи бобида «рашк туфайли содир этилган жиноятларнинг жиноий-ҳуқуқий тавсифи»ни илмий жиҳатдан ўрганишга ҳаракат қилинган. Бу боб уч бўлимдан иборат бўлиб, унда рашкнинг жиноятнинг мотиви сифатидаги тушунчаси, рашкнинг жиноятнинг мотиви сифатидаги жиноят ҳуқуқий тавсифи, рашк туфайли содир этилган жиноятларни квалификация қилишнинг баъзи масалалари баён қилинган. Муаллиф ўтган асрда тадқиқот олиб борган россиялик психолог ва ҳуқуқшуносларнинг (И.И.Ковалев, И.А.Васильева, Ш.Ш.Магомед—Эминов, Н.И.Загородников, С.В.Бородин, Э.Ф.Побегайло) ушбу мавзуга алоқадор юридик адабиётларидаги илмий қарашларни таҳлил қилган.

Муаллиф «қонун чиқарувчи рашк сабабини айбдорнинг жазосини оғирлаштирувчи ҳолатлар сирасига киритмасдан тўғри қилган»ини маъқуллайди. Зеро, ўтмишда мусулмон жиноят ҳуқуқида вафосизлик қилган аёлни эри ўлдирганида эркакни жазодан озод этилгани бунга мисолдир.

Қайд этиш жоизки, мусулмон жиноят ҳуқуқида зино энг оғир жиноятлардан бири ҳисобланади. Шунинг учун зинокорларни, яъни рашкнинг келиб чиқишига сабабчи бўлган шахснинг хулқ-атвори (эр ёки хотин) ижтимоий хавфли қилмиш деб баҳоланган.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг суд ва тергов амалиётида жинсий эркинлигидан фойдаланиб, бегона эркак ёки аёл билан жинсий яқинлик қилган инсоннинг ҳаёти ёки соғлиғига қарши қаратилган қилмиши ишнинг ҳолатига қараб кучли руҳий ҳаяжонланиш (аффект) ҳолатида, қасддан одам ўлдириш, баданга турли даражада тан жароҳатлари етказиш ва ҳоказо деб квалификация қилинади. Бу масала юзасидан муаллиф профессор М.Х.Рустамбоевнинг «эр ёки хотиннинг ўзининг турмуш ўртоғи кўрмаган вақтда унга хиёнат қилганлигини оғир ҳақорат деб бўлмайди» деган

ва Ф.Тоҳировнинг «ўзга шахс билан жинсий алоқага киришиш қонунга хилоф эмас, шу муносабат билан эр-хотин вафодорлигининг бузилиши ҳодисаси оғир ҳақорат деб топилиши мумкин эмаслиги» ҳақидаги фикрларини келтириб ўтса-да, бироқ улар билан баҳслаша олмаган. Фикримизча, ушбу тадқиқот сарлавҳасида қайд этилган муаммолар, жумладан жиноят ҳуқуқи фани нуқтаи назаридан ҳал этилиши мумкин бўлган ушбу тоифадаги жиноятларни квалификация қилиш билан боғлиқ масалалар юзасидан муаллифнинг фикр-мулоҳазалари, хулосаси ишда акс этиши лозим.

«Рашк туфайли содир этилган жиноятларнинг криминологик ва виктимологик тавсифи» деб *номланган* учинчи бобда рашк мотиви билан жиноят содир этган шахсларнинг ўзига хос жиҳатлари, рашк туфайли содир этилган жиноятлар сабабларининг хусусиятлари, бундай жиноятларнинг виктимологик тавсифи тадқиқ этилган.

Криминология фанидаги доимий қолип (классик схема) асосида рашк мотиви билан жиноят содир қилган шахснинг ижтимоий мавқеи, психологик тавсифи ўрганилган. Жумладан, муаллифнинг таъкидлашича, рашк туфайли содир этилган жиноятларнинг 94 % ни эркаклар, бор-йўғи 6 % ни аёллар содир этган.

Рашк туфайли содир этилган жиноятларнинг объектив ва субъектив сабабларининг хусусиятларини таҳлил қилиш асосида муаллиф қуйидаги хулосаларни ойдинлаштирган:

биринчидан, ўрганилаётган қилмишлар тизимини ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий сабаблар билан изоҳлаш қийин;

иккинчидан, индивидуал жиноий хулқ даражасида мотиви рашк бўлган жиноятларнинг содир этилиши иккита детерминант — жиноятчи шахсига хос хусусиятлар ва криминоген вазият ҳосиласидир;

учинчидан, бундай жиноятлар содир этилиши арафасидаги вазият ҳис-туйғулардан тўйинганлик, юксак даражадаги виктимликни муносабат субъектларини

ажратиб юбориш йўли билан бартараф этишнинг мураккаблиги, қилмиш замиридаги зиддиятнинг ишқий хусусиятга эга эканлиги;

тўртинчидан, бундай вазиятнинг латентлиги ва давомийлиги натижасида унинг субъектларида салбий ҳис-туйғуларнинг жамланиб боришига, рўй берган вазиятнинг ғайриқонуний усуллар билан ҳал этилишига олиб келади.

Тадқиқотчининг фикрига қараганда, 77,9 % ҳолларда жабрланувчининг хулқи шахсда жиноий хулқ шаклланишининг шарти ёки ғайриқонуний қилмиш содир этилишининг вазият билан боғлиқ криминоген шарт—шароити бўлган ва ўзига нисбатан жиноий қилмиш содир этилишига кўмаклашган.

Шунинг учун жабрланувчилар хулқ-атворининг содир этилган жиноятлардаги ўрни ва таъсирини ўрганиш мотиви рашк бўлган қилмишларнинг виктимологик профилактикаси чора-тадбирларини ишлаб чиқиш имконини беради.

Муаллиф жиноят содир этишга сабабчи инсондаги рашк туйғусини сусайтириш учун ғарбдагидек жинсий эркинлик чегараланмагани, бу ҳар бир инсоннинг шахсий ҳуқуқ-эркинлиги ҳисобланиши, бундай жиноятларнинг олдини олиш учун фарзандлар онгига боғча ёшидан бошлаб жинсий тарбияни сингдириш зарурлиги, шу йўсинда аста-секинлик билан оила ва жамиятда «нима табиий бўлса, у бузуқлик эмас» деган тушунчани қарор топтириш руҳида тарбиялашни тавсия қилади.

Диссертациянинг сўнгги тўртинчи бобида «рашк туфайли содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш муаммолари» ўрганилган бўлиб, унда рашк туфайли содир этиладиган жиноий қилмишларнинг умумий профилактикаси ва уларнинг олдини олишга доир махсус чоралар ишлаб чиқариш зарурлиги қайд этилган.

Муаллифнинг фикрича, рашк мотиви билан содир этилган жиноятларнинг махсус профилактикасига қаратилган фаолиятни такомиллаштиришнинг қуйидаги йўналишларига эътибор берилмоғи лозим:

1) профилактика тадбирларига психологлар, сексологлар ва бошқа соҳа мутахассисларини кенг жалб этиш, шахсий ҳаётга, ишқий алоқалар соҳасига эҳтиёткорлик билан аралашиш зарур;

2) профилактика чора-тадбирларини шахслараро низоларни ҳал этишга ва кўриб чиқилаётган жиноятларнинг сабабият механизмида катта роль ўйнайдиган ўзаро муносабатларга тузатишлар киритишга (уларни муросага келтириш имкониятларидан фойдаланиш, гуруҳ профилактикаси ва шу кабилар) қаратилган чора-тадбирлар ҳисобига кенгайтириш; жиноятларнинг олдини олишда жазолар ва чеклаб қўйиш чораларидан воз кечиш;

3) суд-тергов амалиётида мотиви рашк бўлган жиноятларнинг олдини эрта олишга алоҳида эътибор бериш; бу борада профилактика мақсадларига эришиш учун кенг имкониятлар мавжуд, чунки бу вақтда шахс ҳали жамиятга бўлган турғун қарашларга эга бўлмайди, шахслар ўртасидаги зиддият эса жуда чуқурлашган бўлмайди;

4) таҳлил этилаётган жиноятларнинг юз беришида жабрланувчиларнинг роли салмоқли эканлигини инобатга олиб, виктимологик профилактикани кучайтириш, профилактика ишларини умумижтимоий ва индивидуал даражада олиб бориш лозим;

5) ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган, аммо айбдорни жабрланувчидан ажратиб қўя оладиган жазо чорасини қўллаш (масалан, эркинлигини чеклаш) тажрибасини жорий этиш самаралироқ бўлар эди;

6) рашк туфайли содир қилинган жиноятлари учун жазони ўтаб қайтган шахсларнинг ҳаётга қайта мослашиши қийин кечишини, уларнинг феълига хос хусусиятларни, бу шахсларнинг такроран жиноят содир этишлари эҳтимоли юқорилигини инобатга олиб, қамоқдан кейинги профилактикага эътиборни кучайтириш.

Тадқиқот жараёнида жамланган фикр-мулоҳазалар, илмий хулосалар 14 банддан иборат хулосада ўз аксини топган. Муаллиф томонидан билдирилган илмий фикрлар рашк мотиви билан содир этилган жиноятларни олдини олишга, айниқса, криминология фанидаги ушбу масаладаги бўшлиқни тўлдиришга хизмат қилади.

Тадқиқотни ўрганиш жараёнида қуйидаги баҳсталаб фикрларга алоҳида эътиборимизни қаратдик.

1. Тадқиқотнинг иккинчи боб учинчи бўлимида (и.в. 103—107) рашк туфайли содир этилган жиноятларни квалификация қилиш билан боғлиқ баъзи масалалар ёритилган. Жумладан, рашк замирида содир этилган жиноятларни (кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш ёки шу ҳолатда баданга оғир ёки ўртача оғирликда шикаст етказиш) безорилик жиноятидан фарқли экани таҳлил этилган. Маълумки, жиноят ҳуқуқи фанида жиноятлар бир-биридан жиноят таркибининг белгилари (объектив ва субъектив) билан фарқланади. Илмий тадқиқотларда эса айнан ҳар бир белги чуқур таҳлил қилган ҳолда фарқланиши лозим бўлса-да, тадқиқотда бунга кам эътибор берилган.

2. Муаллифнинг «шахснинг кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида жиноят содир этганлигини аниқлаши учун психология фанининг ютуқларидан амалий фаолиятда деярли фойдаланилмайди. Фавқулодда ҳолатлардагина кўриб чиқилаётган тоифадаги жиноят ишлари юзасидан суд-нсихиатрия экспертизаси ўтказилади, ўшанда ҳам унинг олдига кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида жиноят содир этганми ёки йўқми, деган савол эмас, шахснинг руҳий ҳолати инобатга олиниб, ўз хатти-ҳаракатларини идрок этиш ва уларни бошқариш ҳолида бўлганми ёки йўқми, деган масала қўйилади. Назаримизда, шу тоифадаги барча жиноят ишлари бўйича суд-психиатрия экспертизасини ўтказиш тўғрироқ бўлар эди» (и.в. 115—116-бетлар) деган фикри билан қўшилиш бир оз мушкул. Чунки суд—психология экспертизаси билан суд-

психиатрия экспертизаси турли соҳалар бўлиб, экспертлар олдига қўйиладиган саволлар бир-биридан фарқ қилади. Одатда, психологлар воқелик ёки ҳодисани шахснинг руҳиятига қай даражада таъсир этганини, психиатр — врачлар эса жиноятчининг ақли расо ёки норасолигини аниқлашади. Энг муҳими, кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолати юридик тушунча бўлиб, тергов ёки суд органи томонидан ЖКнинг тегишли моддалари билан уни баҳолаб, шахснинг қилмиши квалификация қилинади. Психолог эксперт олдига шахсда кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолати бор-йўқлиги билан боғлиқ савол қўйилмайди.

3. Муаллиф тергов ва суд амалиёти билан боғлиқ ҳисоботларда мотиви рашк ҳисобланган жиноятлар тўғрисида аниқ маълумотлар олиш имкони йўқлигини кўрсатган. Шунинг учун муаллиф фақат ўзи тадқиқот жараёнида махсус сўров анкеталари, саволлар тузиб ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, жазони ўташ жойидаги маҳбусларни, тадқиқот мавзуига алоқадор бошқа соҳа (психология ва психиатрия) ходимларидан сўраб-суриштириб умумлаштирилган ва фоиз ҳисобида жамланган аниқ рақамларни йиғишга муваффақ бўлганини баён қилган. Шунинг учун бу иловалар нусхасини ишга қўшиш биринчидан, тадқиқотчини мотиви рашк бўлган жиноятларга қарши кураш билан боғлиқ муаммоларни нечоғлик илмий, амалий жиҳатдан таҳлил қила олганлигини ва хулосаларнинг қанчалик асослилигини кўрсатса, иккинчидан, келгусида ушбу мавзуда изланувчиларга йўл кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу тадқиқот иши шу тоифадаги жиноятларга қарши курашда, жумладан, унинг олдини олишда криминология фанидаги шу йўналишдаги бўшлиқни тўлдирилишига кўмаклашади.

АЁЛЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ[1]

Ма'лумки, Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг ўзининг ҳуқуқий доктринасини мамлакатда шаклланаётган янги ижтимоий-сиёсий қарашлар ва демократик тамойиллар асосида белгилаб олди. Унга кўра, қонунчилик жараёни, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмуни ҳам янгича ёндашув асосида қабул қилинмоқда. Ана шундай қонунлардан бири Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси бўлиб, ундаги нормалар инсонпарварлик ва одиллик тамойиллари ҳамда жиноий жазоларни либераллаштириш асосида ишлаб чиқилгани билан илгариги Жиноят кодексидан мутлақо фарқ қилади. Жиноий жазоларни либераллаштириш жараёнида қонунчиликка ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этган шахсларга озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан боғлиқ бўлмаган жазоларни кўпроқ қўллаб, маҳкумларни ахлоқан тузатиш каби жазонинг мақсадини таъминлашга қаратилган бир қанча ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Бу эса жиноятчиликка, айниқса аёллар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг жиноят-ҳуқуқий тавсифи ва криминологик жиҳатларини комплекс тарзда тадқиқ этишни тақозо этади. Зеро, жиноятчиликка қарши курашишда аёллар жиноятчилигининг ҳолати, тузилиши ва динамикасини аниқлаб, олдини олиш чора-тадбирларини тўғри белгилаш жиноятчиликка қарши кураш билан боғлиқ давлат сиёсатининг ҳозирги босқичида аёллар жиноятчилигини камайтиришда муҳим аҳамиятга эга.

---

[1] Юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган «Аёллар жиноятчилигининг жиноят ҳуқуқий ва криминологик муаммолари» мавзусидаги юридик фанлар доктори илмий даражаси учун ёзилган диссертация ҳақида мулоҳазалар.

Шу маънода, тадқиқотчи томонидан танланган «Аёллар жиноятчилигининг жиноят ҳуқуқий ва криминологик муаммолари» мавзусини долзарб ҳисобланга асослар етарли. Шуни қайд этиш жоизки, бугунги кунгача давлатчилигимизнинг бир неча минг йиллик тарихи мобайнида аёлларга бўлган эътибор қанчалик кучли бўлишига қарамай, улар томонидан ахлоққа зид ҳуқуқбузарликлар ва турли жиноятлар содир этилаётгани айни ҳақиқатдир. Республикамизда аёллар томонидан содир этилаётган жиноятлар сонининг ортиши, сифат кўрсаткичларидаги ўзгаришлар, аёлларнинг жиноят йўлига кириши ва унинг фарзандлари, жамият ва давлатга таъсири билан боғлиқлиги илмий тадқиқотларга муҳим асос бўла олади. Қолаверса, аёллар жиноятчилигининг эркаклар жиноятчилигидан криминологик тавсифи жиҳатидан фарқлари, аёллар жиноятчилигининг ҳолати, тузилиши, динамикаси ва ушбу жиноятларнинг сабаблари ва шароитларини яхлит тадқиқ этиб, аниқ ҳолатни очиш билан боғлиқ муаммоли масалалар ҳам мавжуд.

Тадқиқотчи томонидан танланган мавзу асосан аёллар жиноятчилигига дахлдор республикадаги умумий ҳолатни очиб беришга, тайинланаётган жазо турларининг таъсири ва самарасини аниқлашга қаратилган. Тавсиялари асосан аёллар жиноятчилигининг умумий ва махсус олдини олишга қаратилган, улардаги иқтисодий қийинчилик, ишсизликни бартараф этиш, ички ва ташқи миграцияни тўғри йўлга қўйиш, аёлларга оғир жазо тайинламаслик, аёлларнинг жиноят содир этишининг профессионаллашувига таъсир этувчи омилларни бартараф этишга йўналтирилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги республикамизда аёллар жиноятчилигининг назарий ва амалий масалалари биринчи марта монография даражасида тадқиқ этилаётгани билан баҳоланади.

Диссертация иши беш боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат тарзда тузилган.

Биринчи боб «Аёллар жиноятчилигининг ўзига хос хусусиятлари ва унинг криминологик тавсифи» деб номланиб, биринчи бўлим аёллар жиноятчилигининг ўрганиш тарихини, иккинчи бўлим эса аёллар жиноятчилигининг ҳолати, тузилиши ва динамикасини ёритишга бағишланган. Шунингдек, боб бўйича алоҳида хулоса ҳам берилган.

Иккинчи боб жиноятчи аёллар шахсининг криминологик тавсифига бағишланган бўлиб, унда жиноятчи аёллар шахсини ўрганишнинг криминологик асослари, аёллар жиноятчилиги ва аёлларга нисбатан содир этиладиган жиноятларнинг виктимологик жиҳатлари, шунингдек, профессионал жиноятчи аёллар типологияси ва боб якунига бағишланган хулоса баён этилган.

Учинчи боб «Аёллар жиноятчилигининг сабаблари» деб аталиб, унда аёллар жиноятчилигининг иқтисодий, ижтимоий-маиший, уларнинг профессионаллашувига олиб келувчи сабаблари ва жиноятчи аёллар хулқ-атворига озодликдан маҳрум этиш муассасаларининг таъсири, шунингдек, бобга тегишли хулоса алоҳида тартибда ёритилган.

Тўртинчи боб «Аёллар жиноятчилигининг олдини олиш чоралари» деб номланиб, унда аёллар жиноятчилигининг олдини олишнинг умумижтимоий ва махсус чоралари, шунингдек, аёллар жиноятчилигининг криминологик прогноз қилиш йўналишлари батафсил ёритилган, бу боб ҳам тегишли хулоса билан якунланган.

Бешинчи боб жиноят содир этган аёлларга нисбатан жазо тайинлаш муаммолари масаласини ёритишга бағишланган ва шу бобга тегишли алоҳида хулоса билан якунланган.

Хулоса қисмида тадқиқотчи ўзининг диссертация юзасидан умумий мулоҳазалари, фикрлари ва таклиф ёки тавсияларини тизимли тартибда баён этган. Илова тарзида эса жиноят содир этган аёлларни сўровдан ўтказишга мўлжалланган саволнома берилган.

Тадқиқот ишидаги баъзи баҳсли ўринларга ҳам тўхталиб ўтиш жоиз деб ҳисоблаймиз.

1. Тадқиқотчи ишнинг биринчи боби биринчи фаслида аёллар жиноятчилигини ўрганиш тарихи билан боғлиқ масалани ёритишда Ч. Ломброзанинг асаридан айрим иқтибослар келтириш билан чекланган. Ваҳоланки, XVIII асрдан бошлаб Европа ҳуқуқ мактаблари, хусусан, маърифий-инсонпарварлик назарияси (Ш.Монтескье, Ч.Беккарий), жиноят ҳуқуқининг намояндалари (классик) мактаби (А.Фейербах, И.Кант, Г.Гегель) ва антропологик-социологик мактаб (Ч.Ломброза, Э.Ферри, М.Ансель) жиноятларга белгиланиши лозим бўлган жазо тўғрисида нисбатан маърифатли, инсонпарварлик руҳи билан йўғрилган ғоялар ва қарашларни илгари сурган. Ҳозирда Европадаги аксарият давлатларнинг жиноят ҳуқуқи ёки жиноят қонунчилиги замирида икки-уч аср илгари яратилган ана шундай таълимотлар мужассамлашган, ўз навбатида улар асосида ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти тамойиллари шаклланган.

Антропологик-социологик мактаб намояндалари Ч.Ломброза, Э.Ферри, М.Ансель жиноят ҳуқуқида жиноятчининг шахсини ўрганишга жуда муҳим аҳамият бериш лозим, деган фикрни асослаб беришга уринишган. Айнан улар яратган назария Ғарбда криминология фанининг вужудга келишига сабаб бўлган десак, янглишмаймиз. Антропологик-социологик мактаб намояндалари жиноят ва жиноятчининг шахсини антропология, психология, жиноят статистикаси ва жазони ижро этиш ҳуқуқи фанлари ёрдамида чуқур ўрганиб, бу жиноят ҳуқуқига алоқадор азалдан ечимини топмаган масалаларни ҳал этишга кўмаклашади, деб ҳисоблашган.

Бу каби таълимотлардаги жиноят ва жазо масалалари кейинчалик Ғарб давлатларида тадқиқ этилиб, «янги ижтимоий ҳимоя» назарияси ишлаб чиқилган. Бу назария замирида жиноятчиликка қарши курашда алоҳида олинган бир шахсни жазолаш деб эмас, жамиятни жиноятчилардан ҳимоя қилиш воситаси деб қараш; ижтимоий ҳимоянинг мақсади — жиноятчини жамиятдан ажратган ҳолда тузатиш ва тарбиялаш чораларини қўллаш; жиноятчиликка қарши кураш сиёсати жиноятчини жамият билан қайта муносабатини тиклашга, яъни уни қонун билан белгилаб берилган жамиятдаги меъёрларга риоя қилиш, одатдаги ҳаётга қайтаришга йўналтирилган бўлиши керак, деган ғоялар ўз аксини топган.

Баён этилган мулоҳазалардан чиқадиган хулоса шуки, барча даврларда жиноятчиликка қарши курашнинг асосий мезони — жазонинг мақсади жамият аъзосида қонунларда белгиланган меъёрларни бузмаслик, уларга риоя этиш талаби асосида жиноят содир этган шахсларни жамиятга қайтариш ва тарбиялаш билан бирга жамият аъзоларини жавобгарликнинг муқаррарлиги тўғрисида хабардор қилиб, умумий тарзда огоҳлантириш чорасидан иборат бўлган. Шу боис муаллиф тадқиқот ишида жиноятчилик, жумладан, аёллар жиноятчилиги билан боғлиқ масалалар тарихини Ғарб ва Шарқ ҳуқуқ тизимини таққослаш, айниқса Ўзбекистон Республикасининг XX асрдаги тарихий-ҳуқуқий ривожини ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилишга кўпроқ эътиборни қаратиш лозим эди.

2. Тадқиқот ишида аёллар жиноятчилигини ўрганиш босқичлари тўғрисидаги хулосалар илмий жиҳатдан тўлиқ асослантирилган деб бўлмайди. Хусусан, охирги босқичнинг ўтган асрнинг 70-йилларидан то ҳозиргача деб баҳоланиши мантиқан тўғри эмас. Зеро, мустақил Ўзбекистон Республикаси ёки МДҲ давлатлари ҳуқуқ тизимининг ҳозирги ривожи мазмун-моҳияти билан 70—80-йиллардан тубдан фарқ қилади. Бу борадаги янги сифат босқичи, нафақат жамиятдаги ижтимоий-

иқтисодий омиллар, балки мафкуравий-сиёсий ва маънавий ўзгаришлар хусусида ҳам фикр юритилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

3. Бундан ташқари, муаллифнинг «аёллар жиноятчилиги бугунги кунга қадар республикамизда ўрганилмаган ва бу ҳақда маълумотлар деярли йўқ» деган хулосаси ҳам анча мунозарали. Чунки собиқ иттифоқ даврида ҳам, ҳозирги вақтда ҳам жиноятчилик тўғрисидаги умумий ҳисоботларда (Ички ишлар вазирлиги, прокуратура ва суд) аёллар томонидан содир этилган жиноятлар умумий жиноятчиликнинг алоҳида бир кўриниши, деб баҳоланиб келинмоқда. Қолаверса, аёллар масаласи, айниқса улар томонидан содир этилган жиноятларни таҳлил қилиш, аёллар жиноятчилигининг олдини олиш ва уларга қарши курашиш Республика Хотин-қизлар қўмитаси ва унинг жойлардаги бўлимларининг доимий диққат марказида десак, хато қилмаймиз. Тадқиқотчи мутасадди идоралардаги аёллар масаласига тааллуқли маълумотларни (таҳлил ёки умумлашмаларни) чуқур ўрганиб чиққанида, тадқиқотда мамлакатимизда аёллар жиноятчилигига қарши курош билан боғлиқ ҳақиқий аҳволга тўғри баҳо беришга эришган бўлар эди.

4. Тадқиқотчи аёллар жиноятчилигининг сабабларини тор маънода, яъни уларни ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар билан боғлиқликда изоҳлаган. Ҳолбуки, бундан кўра ўрганилган масаланинг маънавий-ахлоқий жиҳатлари муҳим аҳамият касб этади. Бу эса ушбу масалага ёндашишда миллий қадриятлар ҳамда халқимиз менталитетига хос хусусиятларига алоҳида эътибор беришни талаб этади.

5. Тадқиқотчининг «Аёл давлат сиёсатининг алоҳида объекти бўлиши лозим» деган хулосаси ҳам унчалик ўринли эмас. Чунки Жиноят кодексининг 46-моддасида ҳомиладор аёлларга ёки боласини боқиш учун таътилда бўлган аёлларга ахлоқ тузатиш ишлари қўлланилмаслиги,

50-моддасида (янги тўртинчи қисм билан тўлдирилган) «аёлларга нисбатан тайинланаётган жазо муддати махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган озодликдан маҳрум этиш энг кўп муддатининг тўртдан уч қисмидан ортиқ бўлиши мумкин эмас»лиги, шунингдек, «ижтимоий хавфи катта бўлмаган, эҳтиётсизлик оқибатида, қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этган ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга нисбатан озодликдан маҳрум этиш жазоси қўлланилмаслиги» белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, аёлларнинг жазони ўташ жойлари, яъни колониялардаги режим эркакларга нисбатан анча енгиллаштирилган (ЖКнинг 50-моддаси 6-қисми), аёлларга нисбатан шартли ҳукм қўллашда ҳам эркакларга нисбатан енгилликлар мавжуд (ЖКнинг 72-моддаси 7-қисми). Амнистия актларини қабул қилишда ҳам аёлларга алоҳида эътибор қаратилаётгани жиноятчиликка қарши курашиш ва уларнинг олдини олиш билан боғлиқ давлат сиёсатида аёллар жиноятчилигининг олдини олиш алоҳида йўналиш сифатида ҳал этилаётганини исботлайди.

6. Муаллифнинг жиноят содир этган аёлларга нисбатан жазо тайинлаш юзасидан билдирган таклифларини ҳам илмий-амалий жиҳатдан тўлиқ асослантирилган дейиш мушкул. Чунки ҳомиладор аёлларга, ёш боласини боқиш учун таътилда бўлган аёлларга ахлоқ тузатиш ишлари каби жазонинг озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган енгилроқ тури амалиётда кўпроқ қўлланилаётган ҳозирги кунда бу жазо турини уч йилдан тўрт йилга кўпайтириш ҳақида ёки ишсиз аёлларга энг кам иш ҳақининг минг баробари миқдорида жарима жазосини белгилаш билан боғлиқ таклифлар ҳам мантиқан тўғри эмас. Зеро, жиноий жазоларни либераллаштириш муносабати билан аёллар томонидан содир этилган жиноятларга имкон қадар енгил жазо қўллаш амалиётга кенг жорий этилмоқда.

Фикримизча, тадқиқотчи аёлларга нисбатан жарима миқдорини ёки ахлоқ тузатиш ишлари муддатини кўпайтиришдан кўра, уларни шартли ҳукм қилиш, яъни ЖКнинг 72-моддасини такомиллаштириш, жумладан, мазкур моддани алоҳида банд билан тўлдириш масаласини илгари сурганда, бу тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларига мос бўлар эди. Чунки, муаллиф аёлларга нисбатан жазони кучайтиргандан кўра, Жиноят кодексида уларга нисбатан янада инсонпарвар нормаларини кўпайтириш тарафдори.

7. Муаллиф жиноят содир этган аёлларга нисбатан жазо тайинлаш муаммолари ҳақидаги 5-бобда олимларнинг жазо тўғрисидаги умумий фикрлари билан баҳслашишга ҳаракат қилган. Жумладан, араб олими Муҳаммад ал-Раделнинг шариатда жазонинг мақсади тўғрисидаги фикрига қўшилган Мавжуда Ражабованинг хулосасини баён қилиб, «биз юқоридаги олимларнинг фикрига қўшилмаймиз» деган мазмунда мулоҳаза юритган. Ваҳоланки, диний ғоялар билан йўғрилган ислом ҳуқуқидаги (шариат) жазонинг мақсади билан дунёвий ҳуқуқ тизимидаги, айниқса Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида акс эттирилган жиноий жазоларнинг мақсади тубдан фарқ қилади. Муаллиф масаланинг бу жиҳатларига эътибор бермаган.

Бу ўринда тадқиқотчи миллий давлатчилигимизнинг тарихий тараққиётига, яъни мозийга назар ташлаб, шариатда ҳам аёлларга жазо тайинлашдаги ўзига хослик ҳақида фикр юритганда, тадқиқот мазмунан бойиб, ҳозирги давр ҳуқуқ фанининг миллий ўзига хослик асосида ривожланишига ҳисса қўшган бўлар эди.

Ушбу жузъий камчиликлардан қатъи назар, муаллиф мавзунинг назарий ва амалий жиҳатларини анча кенг ва теран ёритиб бера олган. Мазкур тадқиқот криминология фанининг ушбу йўналишини янада ривожлантиришга хизмат қилади, деб ишонамиз.

ШАХСИЙ НОМУЛКИЙ ҲУҚУҚЛАР МУҲОФАЗАСИ[1]

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг жамиятимиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида бўлгани каби мамлакатимизнинг ҳуқуқий тизимини тубдан ислоҳ қилиш, қонунчиликни такомиллаштириш борасида ҳам жиддий қадамлар қўйилди. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида қонун устуворлигини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, инсоннинг шахсий ва маънавий эҳтиёжларини қаноатлантиришга кўмаклашиш, унинг учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш ва муҳофаза қилиш ҳуқуқ соҳаларининг олдида турган жиддий, долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Шахсий номулкий ҳуқуқлар инсоннинг тўлақонли ҳаёт кечириши ва камол топиши учун асосий таянч нуқталари ҳисобланади. Моддий эҳтиёж ҳар қандай биологик жонзотда мавжуд. Аммо маънавий эҳтиёж, руҳий дунё фақат инсоният оламига хос хусусиятдир. Шахсий номулкий ҳуқуқлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг узвий таркибий қисми ҳисобланади. Инсон, жамият, давлат мураккаб ва кўп қиррали ижтимоий муносабатларнинг асосий иштирокчиларидир ва бунда албатта инсон манфаатлари ва ҳуқуқлари устуворлиги сўзсиз таъминланиши керак. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларнинг асосий мазмуни ва негизида худди шу ғоя мужассамлашган. Барча мамлакатлар ҳуқуқ тизимлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси миллий ҳуқуқ тизими ҳам худди шундай устуворликни ўзининг асосий принципи сифатида эътироф этади. Мазкур тадқиқот иши ҳам айнан шу мақсадга қаратилгандир.

---

[1] Юридик фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган «Шахсий номулкий ҳуқуқларни амалга ошириш ва муҳофаза қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари» мавзусидаги диссертация ҳақида мулоҳазалар.

Тадқиқотнинг мақсади шахсий номулкий ҳуқуқларни тартибга солувчи фуқаролик ҳуқуқларини ривожлантириш ва бу соҳада ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, шахсий номулкий ҳуқуқларни фуқаролик ҳуқуқий тартибда ҳимоя қилиш механизмини мустаҳкамлаш, шахсий номулкий ҳуқуқларнинг алоҳида турлари мазмунини очиб бериш ва уларни амалга ошириш хусусиятларини аниқлаш, шахсий номулкий ҳуқуқларни бузганлик учун фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик чоралари самарадорлигини ошириш билан боғлиқ муаммолар мажмуини ўрганиш ва илмий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги шундан иборатки, унда мамлакатимиз миллий ҳуқуқ тизимида шахсий номулкий ҳуқуқларнинг фуқаролик қонунларида қай даражада ўз ифодасини топганлиги, унинг тизими, мазмуни ва фуқаролик ҳуқуқий ҳимоя қилиш масалалари, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш билан боғлиқ равишда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳар томонлама мустаҳкамлаш вазифаларини амалга оширишда шахсий номулкий ҳуқуқлар бўйича фуқаролик қонунларини ривожлантириш истиқболларини назарий ва амалий жиҳатлари илк маротаба тадқиқ этилмоқда.

Яшаш ҳуқуқини амалга оширилишида ҳаётнинг бошланиш вақтини қонуний мустаҳкамлаш муҳим амалий аҳамиятга эга бўлган масаладир. Она қорнидаги бола ривожланишнинг қайси давридан яшашга қодир ёки яшаш қобилиятига эга ҳисобланишлиги ва ҳуқуқнинг субъектига айланишлиги, шунингдек боланинг параметрлари қандай бўлиши кераклиги масалалари қонуний ечимини топмоғи лозимлиги диссертант томонидан асослантирилган. Яшаш ҳуқуқининг вужудга келиши қанчалик амалий аҳамият касб этиши, «ўлган» деб ҳисоблаш мезонларининг ҳам муҳимлиги, айрим мутахассислар ўлимни юрак фаолиятининг тўхташи билан

боғласа, айримлари уни бош мия фаолиятининг тўхташи билан боғлаши каби фикрлар юзасидан баҳс юритган. Бу ҳолатларнинг қонун ҳужжатларида белгиланиб қўйилиши амалиётда учраб турган баъзи муаммолар ечимини топиш имконини бериши мумкинлиги таъкидланган. Автореферат мазмуни билан танишиб шундай хулоса қилиш мумкинки, ушбу мақсадга эришиш учун муаллиф тегишли йўналишдаги вазифаларни белгилаган ҳамда уларни бажаришга ҳаракат қилган.

Тадқиқотчи шахсий номулкий ҳуқуқлар билан боғлиқ бир қатор масала ва муаммоларни ўрганиб чиққан. Жумладан, сўнгги вақтларда олимлар томонидан яшаш ҳуқуқини фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиш ва ҳимоя қилиш вегетатив (ўсимлик тарзидаги) тириклик ва эвтаназия (ўз ҳаётини ўз хоҳиши билан тугатиш) кўринишларида ўрганилаётганлиги, ушбу масалаларни ҳал қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши лозимлиги тадқиқотчи томонидан таклиф этилган.

Муаллиф томонидан тадқиқотнинг илмий янгилиги сифатида чуқур асосланган назарий ва амалий аҳамиятга эга хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Унда шахсий номулкий ҳуқуқлар соҳасидаги назарий ва амалий муаммолар, шунингдек, у билан боғлиқ ҳуқуқшунослик фанларида вужудга келган назарий ва амалий масалаларнинг мажмуи ҳамда жиҳатларини яхлит равишда таҳлил қилишга илк бор уриниб кўрилган.

Тадқиқот мавзуга оид муаммоларнинг турли жиҳатлари мажмуини муайян изчилликда умумлаштириб таҳлил этишга асосланган бўлиб, бу усул Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини ривожлантириш йўлларини ҳамда шахсий номулкий ҳуқуқларни амалга ошириш ва муҳофаза қилиш масаласи билан боғлиқ ҳозирги замон ҳолатини аниқлаш, илмий мушоҳада қилиш, шунингдек, уни такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш

имконини беради. Шу билан бирга шахсий номулкий ҳуқуқлар соҳасида учрайдиган тадқиқот иши мавзуи билан боғлиқ хатолар аниқланиб, уларни бартараф этиш йўллари кўрсатиб берилган.

Тадқиқот ишининг биринчи бобида шахсий номулкий ҳуқуқларни фуқаролик ҳуқуқи фани нуқтаи назаридан тадқиқ қилиш, уларнинг табиатини очиш бошқа ҳуқуқ тармоқлари томонидан шахсий ҳуқуқларни таҳлил қилиш билан мос тушмаслиги асослантирилиб, фуқаролик ҳуқуқи фани бундай ҳуқуқларни ўзининг предмети, методологияси бўйича ўрганиши ва таҳлил қилиши зарурлиги қайд этилган. Ушбу бобдаги юридик адабиётларда таъкидланиб келинаётган «номулкий жавобгарлик концепцияси»ни ишлаб чиқиш лозимлиги тўғрисидаги таклиф, фуқаронинг шахсий ҳуқуқларига унинг интилишларини, орзу-мақсадларини, эҳтиёжларини қаноатлантириш воситаси сифатида қаралиши лозимлиги қўллаб-қувватланганлиги ва асослантирилганлиги ижобий ҳолат.

Диссертациянинг иккинчи бобида тадқиқотчи шахсий номулкий ҳуқуқларни қуйидагича туркумлайди: Биринчи гуруҳ, шахсни индивидуаллаштиришни таъминлашга қаратилган ҳуқуқлар, яъни номга бўлган ҳуқуқ, ташқи қиёфага бўлган ҳуқуқ, шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсига бўлган ҳуқуқ, товушга бўлган ҳуқуқ ва ҳ.к. Иккинчи гуруҳ шахснинг жисмоний бардамлигини таъминловчи ҳуқуқлар, хусусан, яшаш ҳуқуқи, руҳий ва жисмоний дахлсизликка бўлган ҳуқуқ, сиҳат-саломатликка бўлган ҳуқуқ, қулай атроф-муҳитга ва бошқа экологик хавфсизликка бўлган ҳуқуқ ва бошқалар. Учинчи гуруҳ шахснинг мухториятини таъминлашга хизмат қилишга йўналтирилган ҳуқуқлар, хусусан, шахсий маълумотларнинг сир тутилишига бўлган ҳуқуқ, адвокатлик сирига бўлган ҳуқуқ, нотариал ҳаракатлар сирига бўлган ҳуқуқ, банк сирига бўлган ҳуқуқ, тиббий маълумотлар сирига бўлган ҳуқуқ, фарзандликка олиш

сирига бўлган ҳуқуқ. Тўртинчи гуруҳ шахсий дахлсизликни таъминловчи ҳуқуқлар, хусусан, тураржой дахлсизлиги ҳуқуқи, шахсий ҳужжатлар дахлсизлиги ҳуқуқи, ёзишмалар, телефон сўзлашувлари ва телеграф хабарлари сирига бўлган ҳуқуқ. Бешинчи гуруҳ интеллектуал ва бошқа фаолият натижаларини ҳимоя қилишга йўналтирилган ҳуқуқлар, хусусан, фан, адабиёт, санъат асарларининг, ихтиролар, саноат намуналари, фойдали моделлар ва интеграл микросхемалар топологияси муаллифларининг шахсий номулкий ҳуқуқлари, товар белгисига бўлган ҳуқуқ.

Тадқиқотчи шахсий номулкий ҳуқуқларнинг бир тури бўлган яшаш ҳуқуқининг аҳамиятини очиб беришга ҳаракат қилган ва таҳлиллар қилишда Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармонининг мазмунига таянган, чунки яшаш ҳуқуқини амалга ошириш ўлим жазосини бекор қилинганлиги билан чамбарчас боғлиқдир.

Диссертациянинг учинчи бобида тадқиқотчи шахсий маълумотларга фуқаролик ҳуқуқий ҳимоя объекти сифатида қарашни, унда мазкур соҳа ҳуқуқий муҳофазага эҳтиёж сезаётганлиги, Ўзбекистон Республикасида ҳам бу борада қонун қабул қилиниши лозимлиги, унда шахсий маълумотлар мазмуни нимадан иборат эканлиги ҳақида фикр юритган. Тадқиқотчи таъкидлашича, ҳозирги кунда жуда кўплаб фуқароларимиз интернет тизимидан фойдаланмоқда. Кундан-кунга оммавий ахборот воситалари ҳамда интернет тизимида ахборотлар ва шахсий маълумотлар объект сифатида ўз ўрнини кенгайтириб бормоқда. Бундан ташқари, турли тадбиркорлик субъектлари, чунончи молиявий ташкилотлар, давлат муассасалари, нодавлат-нотижорат ташкилотлар ўз фаолиятларида турли ахборотлар ва маълумотлар тўплаш, қайта ишлаш кабилар билан шуғулланмоқдалар ёки бундай функция улар фаолиятини амалга оширишининг ўзига хос усулига айланиб бормоқда.

Диссертациянинг тўртинчи боби интеллектуал мулк ҳуқуқи субъектларининг шахсий номулкий ҳуқуқларига бағишланган бўлиб, унда муаллифлар шахсий номулкий ҳуқуқларининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида турли қарашлар ўрганилган, таҳлил қилинган. Тадқиқотчининг фикрича, муаллифлик ҳуқуқий муносабатларда мулкий ва номулкий ҳуқуқлар мустақил характерга ва ҳар бири маълум мазмунга эгадир. Шу билан бир қаторда бу ҳуқуқлар ўзаро узвий ва чамбарчас боғлиқ ҳуқуқлардир.

Ишнинг охирги бешинчи бобида тадқиқотчи томонидан маънавий зарар тушунчасига фанда ягона таъриф мавжуд эмаслиги, аммо қатор тадқиқотларда узоқ вақтлардан бери қонуний тартибда маънавий зарарни қоплаш имкониятларини белгилаб қўйиш зарурати асосланиб келинганлиги таҳлил этилади. Тадқиқотда келтирилган амалий маълумотларга асосланиб, маънавий зарарни қоплаш миқдорини аниқлаш масаласида ягона ёндашув мавжуд эмас деган хулосага келинган.

Тадқиқотда келтирилган хулосаларга кўра, шахсий номулкий ҳуқуқларнинг бузилишида айбни намоён бўлиш хусусиятларини аниқлаш, уни жавобгарлик характерига ва шаклига таъсирини белгилашда жиноят ҳуқуқи томонидан ишлаб чиқилган методологик асослардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлишлиги таҳлил этилди. Тадқиқотчининг фикрига кўра, шахсий номулкий ҳуқуқларнинг мазмуни тўғрисида биринчи навбатда, таълим муассасаларида, жумладан мактабларда, ўрта махсус, олий ўқув юртларида шахсий ҳуқуқлар мазмунини етказишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланмоғи лозим. Иккинчи навбатда, ҳуқуқий тарғиботда бу аҳолининг онги, маданиятини оширишда оммавий ахборот воситалари, маънавият ва маърифат маркази ва бошқа ҳуқуқий тарғибот органлари фаолиятининг алоҳида йўналиши бўлмоғи лозим. Учинчи навбатда, шахсий номулкий ҳуқуқларнинг мазмун ва моҳиятига бағишланган рисолалар ва кўргазмали қуроллар яратилмоғи зарурлиги тўғрисида бир қатор таклифлар баён этилган.

Тадқиқотда кўрсатилиб ўтилган янгилик ва ютуқлар билан бир қаторда айрим мунозарага сабаб бўладиган ҳолатлар ҳам мавжуд. Жумладан:

1. Ишда хориж тажрибасида шахсий номулкий ҳуқуқларни амалга ошириш ва муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий муаммоларига алоҳида параграф ажратилиб, бу борада ривожланган давлатлар томонидан эришилган ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликлар асосида мамлакатимиздаги вазиятни янада кенгроқ таҳлилий таққослаш орқали, ҳам илмий, ҳам амалий асосланган муайян таклифларнинг илгари сурилиши мақсадга мувофиқ эди.

2. Мавзуни ёритиш жараёнида фойдаланилган хорижий адабиётлар билан бирга бошқа халқаро ҳуқуқ нормаларидан ҳам кўпроқ фойдаланганида мазкур тадқиқот иши янада сермазмун бўлар эди.

Юқорида кўрсатилган камчиликлар диссертациянинг умумий моҳияти ва мазмунига салбий таъсир этмайди, чунки тадқиқот юқори илмий савияда ва равон тилда ёзилган бўлиб, Фуқаролик ҳуқуқи фанининг ривожига ўзига хос ҳисса қўшади.

ҲИМОЯ ҲУҚУҚИ КАФОЛАТИ[1]

Мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган ислоҳотларнинг самарали бўлиши адвокатура тизимидаги ҳимоячиларнинг фаолиятига ҳам боғлиқ эканини ҳеч ким инкор этмайди. Судда ишларни кўришда (жиноят, фуқаролик, маъмурий, хўжалик) бир тарафдан ҳимоячи ёки вакил, иккинчи тарафдан давлат айбловчиси ёки прокурор иштирок этиб, судьянинг холис ва беғараз қарор ёки ҳукм чиқариши одил судловни амалга оширишга хизмат қилади.

Адвокатуранинг роли ошиб бориши кўп жиҳатдан адвокатларнинг ўз хизмат вазифасини нечоғли чуқур англаб етишига ҳам боғлиқ. Шу нуқтаи назардан қараганда, тадқиқотчи шу соҳада кўп йиллар давомида хизмат қилиб, тажриба тўплаган мутахассис сифатида илмий изланишларини якунлаб, яхлит ва тугалланган тадқиқот тарзида ҳимояга тавсия этган.

Ушбу тадқиқот иши кириш, ўн бешта параграфни ўз ичига олган тўрт бўлим ва хулосадан иборат. Кириш қисмида (умумий тавсифи) мавзунинг долзарблиги, ишланганлик даражаси, мақсади, вазифаси, илмий ва амалий аҳамияти ҳамда бошқа жиҳатлари батафсил баён этилган.

Автореферат да тадқиқотнинг асосий мазмуни тўғрисида қисқа маълумотлар тизимли тарзда, яъни ҳар бир бўлимдаги алоҳида бандларда изчил баён қилинган. Шу билан бирга тадқиқотчининг илмий ва амалий жиҳатдан асослантирилган фикр-мулоҳазалари, илмий ва амалий таклифлари ҳамда хулосалари акс этган. Тадқиқот мазмунан бойлиги, илмий-назарий жиҳатдан баҳсли масалалар чуқур таҳлил қилинганлиги билан эътиборга молик.

---

[1] «Ўзбекистон Республикасида адвокатлик фаолияти, унинг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси (тажриба ва муаммолар)» мавзусидаги юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация ҳақида мулоҳазалар.

Тадқиқотчи бу илмий ишда нафақат профессионал мутахассис, балки илмий изланишларни маромига етказиб, чуқур таҳлил қилиш иқтидори билан ажралиб турадиган олим тариқасида ўзини кўрсата олган. Тадқиқотчи хорижий давлатлар, жумладан, Россия Федерацияси ҳуқуқшунос олимларининг адвокатура ва адвокатлар фаолиятига тааллуқли тадқиқотларидаги баҳсли фикрлар юзасидан ўз нуқтаи назарини тортишув асосида баён қилганлиги ҳам эътиборга лойиқ.

Адвокатуранинг жамиятда тутган ўрни нақадар муҳим эканини ҳисобга олган ҳолда тадқиқотчи ишнинг иккинчи бўлим тўртинчи параграфида шахсий ва оилавий ҳимоячига эга бўлиш ҳамда юридик хизмат кўрсатишни такомиллаштириш тўғрисидаги таклифларни батафсил ёритишга эришган. Дарҳақиқат, демократик қадриятлар жамият ҳаётига чуқур илдиз отиб, жамиятни эркинлаштириш борган сари яққол кўзга ташланаётган ҳозирги кунда ривожланган давлатларда бўлгани каби эркин турмуш тарзига эришган ҳар бир фуқаро ёки жамият аъзоси зарурат туғилганида юқори малакали адвокат маслаҳатидан фойдаланиши фойдадан холи бўлмайди.

Тадқиқотчининг адвокатликка даъвогарнинг малака имтиҳони топшириши билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш, адвокатлик лицензиясини бекор қилиш ва тўхтатиш ёки тугатишни такомиллаштириш тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари юридик фандаги бу масала билан боғлиқ бўшлиқни тўлдиради.

Муаллифнинг яна бир ютуғи Ўзбекистонда бу соҳани ривожлантириш учун хорижий давлатлар тажрибаси, жумладан МДҲ, Европа давлатлари ва АҚШнинг шу соҳага тааллуқли қонунлари қиёсий таҳлил этилганида деб биламиз.

Тадқиқот жараёнида ҳар тарафлама пухта ўрганилиб, таҳлил этилиб, қиёмига етказилган фикр-мулоҳазалар, таклифлар ишнинг хулоса қисмида тизимли тарзда батафсил баён этилганлиги тадқиқотчининг тугалланган тадқиқот ишини ҳимояга тавсия этганини билдиради. Фикримизча, ушбу тадқиқот иши адвокатура ва адвокат фаолияти билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни амалга оширишга илҳомлантиради ва кенг йўл очиб беради.

ҚИЛМИШНИ МАЛАКАЛАШ: НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАР[1]

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, юртимизда яшаётган ҳар бир инсоннинг фаровон ҳаёт кечириши учун шарт-шароит яратишдан иборат.

Ривожланиб бораётган ижтимоий муносабатлар, уларни тартибга солишга қаратилган ҳуқуқ соҳалари қаторида, жиноят қонунчилигини ҳам такомиллаштириб боришни талаб қилади. Бунда жиноят қонуни нормаларини тўғри қўллаш, қилмишни тўғри квалификация қилиш масалаларини назарий жиҳатдан ўрганишга эҳтиёж янада кучайиб боради.

Маълумки, квалификация жиноят ҳуқуқида қонунийликнинг асосий элементи ҳисобланади. Диссертант тадқиқ қилган мавзу ҳам квалификация масаласига, чунончи, қилмишни жиноят-ҳуқуқий нормалар рақобатида квалификация қилишнинг назарий ва амалий масалаларига бағишланган. Таъкидлаш жоизки, қилмишни тўғри квалификация қилиш осон жараён эмас. Мазкур ҳолатни қилмишни нормалар рақобатида квалификация қилишда ҳам яққол кузатиш мумкин. Чунки рақобатда шахснинг қилмишида бир вақтнинг ўзида Жиноят кодексининг турли моддалари ёки битта моддасининг қисмларида назарда тутилган жиноятларнинг аломатлари мавжуд бўлади. Қилмиш эса мазкур моддаларнинг фақат биттаси билан квалификация қилиниши керак.

Тадқиқотчининг иши қилмишни жиноят-ҳуқуқий нормалар рақобатида квалификация қилиш масаласи

---

[1] Юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун «Қилмишни жиноят-ҳуқуқий нормалар рақобатида квалификация қилишнинг назарий ва амалий масалалари» мавзусидаги ёзилган диссертация ҳақида мулоҳазалар.

бўйича амалиётда мавжуд бўлган муаммоларни ўрганишга бағишлангани сабабли долзарб ҳисобланади.

Ишнинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгиланган, методологик асослари, назарий ва амалий аҳамияти, илмий янгилиги, ҳимояга олиб чиқилаётган асосий қоидалар кўрсатилган.

Биринчи боб «Жиноят-ҳуқуқий нормалар рақобатининг тушунчаси ва моҳияти» деб аталади. Мазкур бобда муаллиф юридик адабиётдаги нормалар рақобати тушунчасига оид фикрларни таҳлил қилган, ушбу институтнинг хусусиятлари, ўзига хос таснифи, вужудга келиш сабаблари, бошқа ўхшаш жиноят-ҳуқуқий институтлардан фарқларини кўрсатган.

Муаллиф таҳлил қилиш асосида жиноят-ҳуқуқий нормалар рақобатининг қуйидаги хусусиятларини аниқлаган:

1. Жиноят-ҳуқуқий нормалар рақобати абстракт эмас, яъни у коллизиядан фарқли равишда ўз-ўзидан мавжуд бўлавермайди. Рақобат қонунни қўлловчи шахс ихтиёрида реал иш ҳолати бўлиб, шу ҳолатни тартибга соладиган нормалардан бирини қўллаётган вақтда пайдо бўлади.

2. Рақобатга киришувчи нормалар ўртасида қарама-қаршилик эмас, балки фарқ мавжуд бўлади.

3. Рақобатга киришувчи нормалар ижтимоий муносабатни тартибга солиш доираси билан фарқланади.

4. Рақобатга киришувчи нормалар ижтимоий муносабатни тартибга солиш мазмуни билан фарқланади. Улардан фақат биттасигина содир қилинган жиноятнинг ҳуқуқий табиатини бошқасига қараганда тўғрироқ ва тўлиқроқ акс эттиради;

5. Рақобатга киришувчи нормалар ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд бўлиб, битта жиноят-ҳуқуқий муносабатни тартибга солади, улардан бирортаси бошқасига қараганда ортиқроқ юридик кучга эга бўлмайди. Рақобатлашаётган нормалардан бири бекор

бўлган тақдирда тегишли ижтимоий муносабат бошқа норма билан тартибга солинаверади.

Тадқиқотнинг аҳамиятга молик томонларидан бири шундан иборатки, диссертация ишининг биринчи боби якунида муаллиф, нормалар рақобатига доир амалиётдаги муаммоларни ҳал қилиш, жиноят ҳуқуқи назариясида ва суд-тергов амалиётида жиноят-ҳуқуқий нормалар рақобатининг мустақил ҳуқуқий ҳодиса сифатида мавжудлигини кўрсатишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига «Жиноят-ҳуқуқий нормалар рақобати» деб номланган алоҳида 33[1]-модда киритишни, унда мазкур институтнинг таърифини ва рақобатни бартараф этувчи нормаларни назарда тутишни таклиф қилади. Диссертантнинг фикрича, қонунда назарда тутиладиган ушбу нормалар рақобатлашувчи нормалардан қайси бири устунлигини аниқлашга, ҳуқуқни қўллаш амалиётини енгиллаштиришга хизмат қилади, квалификацияда қонунни қўлловчи шахснинг фикрларини эмас, балки қонун даражасига кўтарилган қоидаларни қўллаш, қонунни ўзгартирмасдан ёки бекор қилмасдан туриб рақобатни бартараф этиш имкониятини беради. Бу ҳолат биринчи навбатда қонунийлик ва одиллик принципларига амал қилишни таъминлайди, қонунни бир хил тарзда қўллашга шароит яратади.

Иккинчи боби «Қилмишни умумий ва махсус ҳамда махсус жиноят-ҳуқуқий нормалар рақобатида квалификация қилиш масалалари»га бағишланган бўлиб, унда умумий нормалар тушунчаси; махсус нормалар тушунчаси; умумий ва махсус нормалар рақобати тушунчаси; махсус нормалар рақобати тушунчаси; ушбу рақобат турларининг хусусиятлари; Жиноят кодексининг бир моддаси турли қисмлари ўртасидаги рақобатни бартараф қилиш шартлари; Жиноят кодекси Махсус қисми турли моддалари ўртасидаги рақобатни бартараф қилиш шартлари; Жиноят кодексининг Умумий ва Махсус

қисми нормалари ўртасидаги рақобатни бартараф қилиш шартлари; қонун чиқарувчи томонидан умумий нормадан махсус нормани ажратиб кўрсатиш шартлари; оғирлаштирувчи таркибли махсус нормалар рақобатини бартараф қилиш шартлари; енгиллаштирувчи таркибли махсус нормалар рақобатини бартараф қилиш шартлари; оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи таркибли махсус нормалар рақобатини бартараф қилиш шартлари батафсил таҳлил қилинган.

Аввало қайд этиш керакки, умумий ва махсус нормалар рақобати нормаларнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солиш кўламига кўра фарқланиши натижасида вужудга келади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг баъзи моддаларида бир неча қилмишлар учун жавобгарлик назарда тутилган бўлиб, улар умумий нормалар ҳисобланади. Лекин мазкур нормалардаги барча қилмишлар ҳам бир хил ижтимоий хавфлилик даражасига эга бўлавермайди. Баъзи қилмишларнинг ижтимоий хавфлилиги умумий нормага қараганда юқори бўлади. Умумий нормани қўллаш билан ушбу қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги ва фарқли хусусиятларини эътиборга олиб бўлмайди. Шу сабабли ҳам қонун чиқарувчи умумий нормадаги қилмишнинг ўзига хос хусусиятларини ва хавфлилик даражасини эътиборга олиб, унинг учун алоҳида модда, яъни махсус нормада жавобгарликни белгилайди. Диссертант мазкур мулоҳазалар натижасида шундай хулосага келадики, қилмиш учун махсус нормада алоҳида жавобгарлик назарда тутилган экан, шахснинг ҳаракатида ҳам умумий, ҳам махсус норманинг аломатлари мавжуд бўлса, қилмиш махсус норма билан квалификация қилиниши лозим.

Шунингдек, муаллифнинг фикрича, махсус норманинг санкцияси унинг хусусиятларидан келиб чиқиб оғир ёки енгил бўлиши табиийдир ва бу ҳолат умумий ва махсус нормалар рақобатини бартараф этишда квалификацияга

таъсир кўрсатмаслиги керак. Муаллиф Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида»ги Қароридаги баъзи тушунтиришларни баҳсли деб ҳисоблайди.

Маълумки, суд-тергов амалиётида мансабдор шахслар томонидан содир қилинган жиноятларни квалификация қилиш масалалари мунозарали ва илмий изланишларни талаб қиладиган муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Бу муаммоларнинг предметини мансабдор шахснинг шу турдаги ҳаракатларини жиноятлар мажмуи ёки битта ягона жиноят сифатида квалификация қилиш керакми деган савол ташкил этади. Диссертант мазкур масалаларни ҳам умумий ва махсус нормалар рақобати доирасида таҳлил этишга ҳаракат қилган.

Диссертант суд-тергов амалиётида қилмишни умумий ва махсус жиноят-ҳуқуқий нормалар рақобатида квалификация қилишдаги мавжуд муаммоларни ечиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг алоҳида моддасида умумий ва махсус нормалар рақобатини бартараф қилувчи қоидани белгилашни таклиф қилади.

Диссертация ишининг учинчи боби «Қилмишни бутун ва қисм жиноят-ҳуқуқий нормалар рақобатида квалификация қилиш масалалари» деб номланган. Унда мазкур рақобат турининг тушунчаси, турлари, хусусиятлари, вужудга келиш сабаблари, ушбу рақобат ва унинг турларида қилмишни квалификация қилиш қоидалари кўрсатилган.

Қайд этганимиздек, умумий ва махсус нормалар рақобати нормаларнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солиш доирасига кўра фарқланиши натижасида вужудга келади. Бутун ва қисм нормалари рақобати эса

нормаларнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солиш мазмунига кўра фарқланиши натижасидир.

Бутун ва қисм нормалари рақобатида қилмиш бир вақтнинг ўзида бир неча нормалар аломатларига тўғри келиб, бу нормаларнинг биттаси айбдор томонидан содир этилган қилмишнинг барча аломатларини, бошқаси эса унинг бир қисмини қамраб олади, холос. Бундай ҳолат бир жиноят бошқа оғирроқ жиноятнинг содир этиш усули, воситаси, баҳоланган белгиси, содир этиш босқичи бўлиб келган вақтда кузатилиши мумкин.

Муаллиф мазкур рақобат турини: а) оддий ва ягона мураккаб таркибли жиноятларга оид нормалар рақобати; б) тамом бўлган ва тамом бўлмаган жиноятларга оид нормалар рақобати; в) иштирокчиликда содир қилинган ва мустақил таркибли жиноятларга оид нормалар рақобати турига бўлиб ўрганган.

Тадқиқотчи оддий ва ягона мураккаб таркибли жиноятларга оид нормалар рақобати вужудга келишини жиноят қонунида алоҳида қилмишлар учун жавобгарликни назарда тутувчи оддий жиноят таркибларидан ташқари, алоҳида олиб қаралганда ҳар бири мустақил жиноят ҳисобланган бир неча оддий жиноятларни ўзида бирлаштирган ягона мураккаб таркибли жиноятларнинг акс эттирилиши билан изоҳлайди. Унинг фикрича, жиноят қонунида мураккаб таркибли жиноятларнинг назарда тутилиши, авваламбор, бундай жиноятни ташкил қилган оддий таркибли икки ёки ундан ортиқ жиноятларнинг амалиётда шу мураккаб таркибда кўрсатилган бирикувда кўпроқ содир қилинишидан келиб чиқади. Шунингдек, оддий таркибли жиноятларнинг айнан шу бирикувида мураккаб таркибли жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги ошади ва шу сабабли уларнинг санкцияси уларни ташкил қилган оддий таркибли жиноятларнинг санкциясидан одатда юқори бўлади.

Диссертант қилмишни рақобатнинг мазкур турида квалификация қилишда устунлик қилмишнинг барча фактик белгиларини тўлиғича қамраб олувчи нормага берилиши керак, деган хулосага келади ва бунда нафақат жиноятларнинг санкциялари, балки уларнинг хусусиятлари, ҳуқуқий табиатидан келиб чиқиш керак, деб ҳисоблайди. Мазкур ҳолат муаллифнинг таҳлил қилинаётган масалага етук тадқиқотчи тариқасида ёндашувидан далолатдир.

Битта жиноят таркиби доирасидаги тамом бўлган ва тамом бўлмаган жиноятларга оид нормалар рақобатини таҳлил қилган диссертант, бундай рақобатда тамом бўлган жиноятга оид норма бутун норма ҳисобланиб, қилмишни квалификация қилишда жиноятнинг бошқа босқичларига нисбатан устун хусусиятга эга бўлади деган хулосага келган.

Диссертация ишининг хулоса қисмида қилмишни жиноят-ҳуқуқий нормалар рақобатида квалификация қилиш масалаларига, суд-тергов амалиётидаги муаммоларни ечишга ва жиноят қонунини такомиллаштиришга доир назарий, амалий хусусиятдаги хулоса, таклиф, тавсиялар ёритилган.

Тадқиқот жараёнида суд-тергов амалиёти материалларидан, чунончи, муаллиф томонидан тегишли жиноят ишларини ўрганиш, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари билан ўтказилган анкета сўровлари натижаларидан кенг фойдаланилган. Бу эса муаллифга ўз мулоҳаза ва таклифларини ҳар томонлама ҳамда батафсил асослаш имкониятини берган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги унда илк бор номзодлик диссертацияси даражасида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси бўйича қилмишни жиноят-ҳуқуқий нормалар рақобатида квалификация қилиш масалалари комплекс тарзда ўрганилгани, жиноят ҳуқуқи назарияси ва амалиётда нормалар рақобатининг мустақил ҳуқуқий ҳодиса, яъни воқелик сифатида мавжудлиги асослаб берилгани билан изоҳланади.

Диссертациянинг илмий аҳамияти шундан иборатки, тадқиқот жиноят ҳуқуқи назариясининг ривожланишига муайян даражада ҳисса қўшади. Қилмишни нормалар рақобатида квалификация қилиш масалаларига доир назарий хулосаларни бойитишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти қилмишни жиноят-ҳуқуқий нормалар рақобатида квалификация қилишда суд-тергов амалиётидаги муаммолар, жиноят қонунининг нормалар рақобатини келтириб чиқарувчи ёки унинг ҳал қилинишини қийинлаштирувчи камчиликлари аниқланиши, уларни бартараф этиш ва жиноят қонунчилигини такомиллаштиришга доир таклифлар берилишида ўз ифодасини топган.

Диссертациянинг боблари ва бўлимлари мантиқан тўғри тузилган бўлиб, улар бир-биридан келиб чиқади ва бир-бирини тўлдиради. Ҳар бир бобнинг якунида, умуман диссертация ишида аниқ хулосалар баён қилинган. Диссертация ва унинг автореферати равон тилда ҳамда юқори илмий даражада ёзилган.

Тадқиқотда муаллиф томонидан қилинган хулосалар, берилган таклифлар эътиборга молик бўлиб, янгилиги билан ажралиб туради ва кишини фикрлашга, мулоҳаза қилишга ундайди.

Шу билан бирга тадқиқот иши юзасидан мунозаралари фикрларни баён этган ҳолда муаллифни баҳсга чорлаймиз.

1)Тадқиқотчи ишнинг деярли барча бобларида «кўлам» деган сўзни такрор ва такрор қўллаган. «Кўлам» сўзининг маъноси ҳажм жиҳатдан чегарасиз деган маънони англатиши сабабли, мисол тариқасидаги «Жиноят кодексининг 206-моддаси кенг кўламли муносабатларни тартибга солиши билан, 234-модда эса фақат шахс эркинлигини қўриқлаш билан боғлиқ тор кўламли муносабатни тартибга солиши билан ажралиб туради» (и.в. 24) деганга ўхшаш ғализликка йўл қўймаслик учун «кенг ёки тор доирада» ёки «тартибга солиш доираси» деган сўзлар билан алмаштириб ифодалашни тавсия этамиз.

2)Тадқиқот ишининг хулосасидаги (и.в. 50—51, 145) «а) Жиноят кодексининг 184[1]-моддасини қонундан (қонундан эмас, балки Жиноят кодексидан — *М.Р.*) чиқариш; б) Жиноят кодексининг 207-моддаси 3 қисми «б» бандини қонундан (қонундан эмас, балки Жиноят кодексидан — *М.Р.*) чиқариш керак» деган таклифлар билан келишиш қийин. Чунки муаллиф «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексидаги электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун 185[2]-моддасида алоҳида жавобгарлик назарда тутилди. Ваҳоланки, мазкур қилмишлар учун жавобгарлик Жиноят кодексининг «алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулкий зарар етказганлик учун жавобгарлик» назарда тутилган 170-моддасида кўрсатилган (и.в. 50—51)» деб баҳсталаб хулосани баён этди. Зеро, ЖКнинг 170-моддасида «алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулкдорга анча миқдорда зарар етказиш, башарти, бу қилмишда талон-торож қилишнинг аломатлари бўлмаса» жиноий жавобгарликка тортиш назарда тутилган. ЖКнинг 185[2]-моддасида эса «газ ёки водопровод тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ёхуд электр, иссиқлик энергияси, табиий газ, совуқ ёхуд иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига қасддан шикаст етказиш ёки бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин анча миқдорда зарар етказган ҳолда содир этган бўлса» жиноий жавобгарликка тортиш мумкинлиги белгиланган. Мазкур моддалар мазмунидан уларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида жиноят таркибини ташкил этиши, рақобатлашувчи нормалар эмаслиги очиқ-ойдин кўринади. Шунингдек, ЖКнинг 207-модда 3-қисми «б» банди, яъни «гиёҳвандлик

воситалари ва психотроп моддаларнинг кўп миқдорда Ўзбекистон Республикаси давлат ёки божхона чегаралари орқали қонунга хилоф равишда олиб ўтилишига сабаб бўлган» божхона мансабдор шахсининг совуққонлиги учун жиноий жавобгарлиги норма қисмлари рақобати қоидасига биноан қилмишни ЖКнинг 207-моддаси 1-қисми билан эмас, балки шу модданинг 3-қисми «б» банди билан квалификация қилинади. Бу эса суд-тергов амалиётида ғоят асқатади.

3) Хулосанинг 16, 17, 18, 19-бандларидаги, яъни ЖКга қўшимча 33[1]-модда киритиш тўғрисидаги муаллифнинг таклифи баҳсли кўринади. Биргина мисол: «Шахс содир этган қилмишда ушбу Кодекснинг бир-бирига зид бўлмаган, тенг юридик кучга эга бўлган, тартибга солиш кўлами ёки мазмуни билан фарқланадиган икки ёки ундан ортиқ нормалар аломатларининг мавжуд бўлиши жиноят-ҳуқуқий нормалар рақобати деб топилади» деган таклифни мантиқан таҳлил қилайлик. Биринчидан, ЖКда бир-бирига зид бўлмаган нормалар бўлса, бир-бирига зид нормалар ҳам бор; иккинчидан, ЖКда тенг юридик кучга эга бўлган нормалар бор бўлса, тенг юридик кучга эга бўлмаган нормалар ҳам бор дейишга асос пайдо бўлади. Ваҳоланки, жиноят ҳуқуқи фани нуқтаи назаридан ёндашганда ЖКнинг махсус қисмидаги ҳар бир модда ва унинг қисмлари ҳамда бандларидаги жиноят турлари алоҳида-алоҳида жиноят таркибидан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири юридик жиҳатдан (юридик табиати ва кучи тенг бўлмаган) ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусияти билан ўзаро фарқ қилувчи турли-туман нормаларни ташкил этади. Қолаверса, ЖК умумий қисмидаги 15-моддага биноан махсус қисмдаги барча моддалар тўрт тоифага бўлиниб таснифланган бўлиб, шу мезон асосида ўзаро фарқ қилиб жазо белгиланади. Бу

каби илмий ғализликлар ва ноўхшашликларни таклиф этилаётган 20-банднинг «г» кичик бандидаги таклифда ҳам кўриш мумкин. Бироқ шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу каби камчиликлар тадқиқот ишининг илмий қиммати ва мазмунига салбий таъсир этмайди.

Тадқиқотда ушбу масала илмий жиҳатдан чуқур таҳлил этилгани, унинг тизимлилиги, назарий-амалий аҳамиятга эга экани, унда билдирилган хулоса, таклифлар ва фикр-мулоҳазаларни инобатга олиб, яхлит ҳолда тугалланган Жиноят ҳуқуқи фанининг ривожига ҳисса қўшади, деб ҳисоблаймиз.

ТЕРРОРИЗМ – ИНСОНИЯТ КУШАНДАСИ[1]

Ҳаммамизга маълумки, XX асрнинг охирги чораги жаҳондаги давлатлар тараққиётининг жадаллашувига ижобий таъсир кўрсатди. Илмий-техника ривожи мамлакатлар интеграциялашуви, ўзаро ҳамкорликда иқтисодий юксалишга эришиш мумкин эканлигини яна бир карра намойиш қилди.

Ўтган аср саксонинчи йилларининг бошларида дунёда ҳукмронликка даъвогар бўлган социалистик тузум ичичидан емирилиб, батамом қулади. Собиқ иттифоқнинг тугаши бир-бирига қарама-қарши кучларнинг, қутбнинг барҳам топишига бевосита сабаб бўлди. Натижада собиқ СССР ҳудудида ўн бешта мустақил суверен давлат, жумладан Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди. Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов истиқлолга эришилган дастлабки кунларданоқ мустабид тузум асоратларидан тезроқ халос бўлиш, айниқса ўзбек миллий давлатчилигининг тарихий-ҳуқуқий илдизларига, бой тажрибаларига таянган ҳолда адолат устуворлигига асосланган эркин, демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишдек буюк мақсад йўлида ўзбек моделига асос солди. Мамлакатимизда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида босқичма-босқич, изчиллик билан амалга оширилган ислоҳотлар ўз самарасини бера бошладики, бугунги кунда буни бутун дунё ҳамжамияти эътироф этди.

Бошқа давлатлар қаторида Ўзбекистон Республикасининг турли миллат ва элатлардан ташкил топган тинчликсевар халқлари дунёдаги давлатлар тараққиётида рўй берган муҳим ўзгаришлар, глобаллашув ва интеграциялашув жараёнининг янада кенгайиши,

---

[1] Юридик фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун «Терроризм: уголовно-правовой аспект» мавзусида ёзилган диссертация ҳақида мулоҳазалар.

айниқса, давлатлар ва жамиятларнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлигининг мустаҳкамланиб боришидан умидвордир. Таассуфлар бўлсинки, ўтган асрнинг охирги чорагида халқаро терроризм ёки терроризм деб номланган ўта оғир жиноятлар бутун дунё халқларини ташвишга солиб, инсонлар бошига катта мусибатлар ёғдириб, таҳлика туғдиргани учун ҳам бу масала ечимини топиши зарур бўлган энг долзарб муаммолардан бирига айланди. Халқаро террорчиликка асосланган жиноий уюшмалар, тўдалар Ўзбекистон Республикасидаги тинчлик, барқарорликка ҳам очиқдан-очиқ хавф сола бошлади. Халқаро терроризм глобал муаммо экани туфайли бу мавзу нафақат халқаро ҳуқуқ билан шуғулланувчи олимлар, балки бошқа соҳа мутахассислари, хусусан, ҳар бир давлатнинг ички қонунлари, жиноятчиликка қарши кураш муаммоларини ўрганувчи олимлар ва амалиётчилар томонидан ҳам тадқиқ қилиниши зарур бўлган ғоят мураккаб ва баҳсли мунозара мавзусига айланди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда ҳам террорчилик хуружлари миқёсининг кенгайиб бораётганлиги ҳеч кимга сир эмас. ОАВ хабарига кўра террорчилик хуружлари туфайли у ёки бу давлатда ўнлаб бегуноҳ инсонлар қурбон бўлмоқда, ҳисобсиз мол-мулк нобуд қилинмоқда, юзлаб аҳоли турли даражада тан жароҳатлари олиб, узоқ муддатлар давомида соғлиғини тиклаш учун касалхоналарда даволанишда моддий аҳволининг етишмаслиги сабабли руҳий-маънавий қийноққа дучор бўлмоқда. «Террор» сўзи байналминал хусусиятга эга бўлиб, «ваҳима, даҳшат, қўрқув» деган маънони англатади. Бугунги кунда террор сўзини эслашнинг ўзи ҳар қандай инсоннинг кўз ўнгида даҳшат, саросима, ваҳима, қўрқувни гавдалантириши турган гап.

Юқорида қайд этилганларнинг барчаси терроризм жиноятининг жиноят ҳуқуқи фани нуқтаи назаридан чуқур ўрганилишини, таҳлил қилинишини тақозо этади. Бу эса мавзунинг ўта долзарблигидан далолатдир.

Тадқиқот ишининг биринчи боби «Терроризмнинг ҳуқуқий тавсифи» деб номланган бўлиб, унинг биринчи параграфида терроризм билан курашда алоқадор бўлган халқаро ҳуқуқий асослар хусусида тўла маълумот берилган. Муаллиф терроризм жиноятининг дунёдаги кўпчилик давлатларда содир этилганлиги халқаро майдонда унга қарши курашнинг янада самарали бўлиши учун хизмат қилаётгани БМТ ва бошқа давлатлараро, минтақаларараро доираларда қабул қилинган Конвенциялар ва шартномалардаги терроризм, террорчилик фаолият учун жавобгарлик масаласи кўзда тутилган тушунчаларни таҳлил қилиб (и.в. 9—23) баҳслилари юзасидан ўз нуқтаи назарини баён қилган (и.в. 24—31б). Шунингдек, тадқиқотчи Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисидаги» Қонунидаги «терроризм», «террорчилик фаолияти», «террорчилик ҳаракати» тушунчаларининг мазмун-моҳиятини чуқур таҳлил қилиб, ушбу Қонуннинг 2-моддасида том маънодаги (собственно терроризм) (и.в. 33) терроризм акс эттирилгани, шунинг учун Қонун ва ЖКдаги терроризм тушунчалари бир-бирига айнан мос бўлиши кераклиги тўғрисида махсус тадқиқотдаги фикрга қарши чиқиб баҳслашган.

Муаллиф халқаро ҳужжатларни ўрганиш натижасида халқаро жиноятларга, жумладан, терроризмга қарши кураш юзасидан Универсал Конвенциянинг ишлаб чиқилиши, унда терроризм жиноятини таснифлашда (классификация) умумий ўзига хос белгиларини эътиборга олиб (тинчликка қарши жиноят, ҳарбий жиноят, инсониятга қарши жиноят экани) тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноятлардан бири, деб белгилаш керак деган нуқтаи назарини билдирган.

Иккинчи параграфда «терроризм тушунчаси ва унинг турлари» хусусидаги фикрлар таҳлил қилинган. Муаллиф юридик адабиётларда, айниқса россиялик, украиналик олимлардан Антанян Ю., Ляхов Е., Емельянов В., Миньковский Г., Рявин В., Литвиков П., Комиссаров В.,

Устинов В. ва бошқаларнинг терроризмга бағишланган мақолалари ва китобларидаги фикр-мулоҳазалар юзасидан баҳслашиб, улар томонидан билдирилган тушунчаларга аниқлик киритиш ва тўлдириш зарурлиги хусусида ҳам талай фикрларини баён қила олган (и.в. 36—63). Шунингдек, АҚШ Конгресси томонидан 2001 йилда қабул қилинган «Акте патриота США 2001 года» аксилтеррор Қонунидаги «халқаро терроризм», «терроризм» тушунчалари, Россия Федерациясининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисидаги» Қонунидаги бу ҳақдаги таъриф-таснифлар, РФ ЖКдаги терроризмга алоқадор нормаларни ўрганиб, уларни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 155-моддасидаги «терроризм жинояти» тушунчасига таққослаган ҳолда халқаро терроризм ва том маънодаги терроризм тушунчаларини илмий жиҳатдан ишлаб чиққан.

Шунингдек, диссертант Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг махсус қисмидаги терроризм билан боғлиқ жиноятларни илмий жиҳатдан уч гуруҳга бўлиб, терроризм жиноятига хос мезонларни (критерия) алоҳида санаб ўтган. Жумладан, биринчи гуруҳга том маънодаги терроризм (ЖК 155-м); иккинчи гуруҳга ЖКдаги террорчилик хусусиятига эга 23 та моддадаги жиноятлар киритилган (и.в. 70—71), ниҳоят, терроризм билан боғлиқ учинчи гуруҳга эса террорчилик фаолияти учун замин яратувчи ва террорчилик ҳаракатлари учун асослар келиб чиқишига «кўмаклашувчи» жиноятлардан ўн биттасини санаб кўрсатган (11-модда) (и.в. 73).

Тадқиқотнинг иккинчи бобида (терроризм билан курашнинг жиноий-ҳуқуқий чоралари) том маънодаги ЖКдаги терроризм жинояти таркибининг объектив ва субъектив хусусиятлари Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи фанида эришилган ютуқлар, яъни жиноят таркиби тўғрисидаги таълимот доирасида таҳлил қилинган. Жумладан, муаллиф терроризм жиноятининг объектини тўртга бўлиш, яъни ушбу жиноят умумий, махсус, бевосита

ва турига кўра бўлишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди. (и.в. 85). Маълумки, Ўзбекистон Республикаси ЖКда терроризм жинояти «тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар» қаторидан ўрин эгаллаган. Шунинг учун муаллиф «тинчлик» ва «хавфсизлик» атамаларининг юридик табиатини баён қилиш мақсадида қатор манбалардан фойдаланиб хулосалар билдирган. Жумладан, у Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида баён қилинган илмий-назарий фикрларни асос қилиб олган (и.в. 86). Шунга ўхшаш ЖКнинг 155-модда 2-қисмида кўрсатилган «...давлат ва жамоат арбоби, ҳокимият вакили» тушунчаларини тавсифлашга ҳаракат қилган (и.в. 87—96).

Муаллиф терроризм жиноятининг объектив томондан зўрлик, куч ишлатиш, шахс ёки мол—мулкка хавф туғдирувчи бошқа қилмишлар билан содир этилиши, зўрлик, руҳий ёки жисмоний бўлиши, куч ишлатиш тушунчасининг Жиноят кодексига янгилик эканлиги, шунингдек, у ЖКнинг 155-моддаси биринчи қисмида шахс ёки мол-мулкка зўрлик, куч ишлатиб таҳдид қилиш, террорчилик ташкилотининг мавжуд бўлиши, ишлаб туриши, молиялаштирилишини таъминлаш ва бошқа объектив томонини тавсифловчи белгилар тўғрисидаги илмий таҳлиллари натижасида ЖКнинг 155-моддаси 3-қисмини такомиллаштириш тўғрисидаги таклифни баён қилган (и.в. 100—133).

Терроризм жиноятининг субъектив томонидан қасддан, қасднинг тўғри айб ёки эгри шаклида бўлиши ҳамда муаллиф ушбу жиноятда мотив ва мақсадни аниқлаш жиноятни квалификация қилишда муҳим ўрин эгаллаши хусусида ўзбекистонлик ва яқин хориж давлатлар олимлари билан баҳслашган. Россия, АҚШ қонунларида терроризм жинояти субъектив томондан ўч

олиш, қасос олиш мақсадида содир этилиши мумкинлиги қайд этилганини эътироф этиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 155-моддаси 1-қисмига «ўч олиш ёки қасос» деган жумлаларни киритиш тўғрисидаги таклиф билдирилган (и.в. 126). Диссертант терроризм жиноятининг субъекти 16 ёшга тўлган жисмоний шахс бўлиши, терроризм жинояти учун юридик шахсларнинг жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақидаги юридик адабиётлардаги фикрларга қўшилмаслигини исботлашга ҳаракат қилган (и.в. 128—131). Иккинчи бобнинг охирги параграфида терроризм жиноятининг ўхшаш таркибли жиноятлардан, жумладан, экстремизм, диверсия, одам ўғирлаш, гаровга олиш ва бошқа жиноятлардан фарқлаш масалалари таҳлил этилган (и.в. 132—152).

Тадқиқот жараёнида тўпланган илмий хулосалар, фикр-мулоҳазалар ва таклифлар диссертациянинг хулоса қисмида бирин-кетин баён қилинган.

Шу ўринда тадқиқот ишида баҳсга чорловчи фикр-мулоҳазалар хусусида фикримизни батафсил баён этмоқчимиз. Зеро, ҳақиқат баҳсларда қарор топади, деб бежиз айтишмайди.

1. Муаллифнинг терроризм жиноятининг объектини таҳлил қилиш жараёнида ЖКнинг 155-моддасида том маънодаги (собственно) терроризм тушунчаси тўла-тўкис ифодаланган, Ўзбекистон Республикаси ЖКдаги терроризм жинояти тушунчаси билан «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонундаги тушунчанинг бир хил бўлиши тўғрисида махсус тадқиқотда билдирилган фикр нотўғри, шунинг учун илгари шу масала юзасидан изланишларни амалга оширган Мавжуда Ражабованинг ЖКнинг 155-моддасини янги таҳрирда баён қилиш ҳақидаги таклифи эътиборга молик эмас, деган фикри билан келишиш қийинроқ.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, авваламбор, ижтимоий ҳаётдаги воқеликлар, жиноятлар, жумладан террорчилик кўринишдаги жиноятлар хилма-хил

усулларда содир этилаётганини барча давлат олимлари, жумладан, тадқиқотчининг ўзи ҳам эътироф этган. Иккинчидан, биз Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 155-моддаси «халқаро ҳимоя ҳуқуқидан фойдаланувчи халқаро ташкилотлар, ходимлари, дипломатик ваколатхона вакили, жумладан, консуллик хизмати ходимига нисбатан, худди шунингдек, уларнинг хизмат бинолари ёки транспорт воситаларига ҳужум қилиш билан амалга оширилса, «шахсни гаровга олиш тарзда», «такроран», «жиноий уюшма», «уюшган гуруҳ ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб молиявий содир этилса», «бир ёки бир неча шахснинг ўлимига сабаб бўлса» деган мазмунда такомиллаштирилиши лозим экани тўғрисида таклифимизни қонун ижодкорлигида қарор топган тартиб-таомилни ҳисобга олган ҳолда ЖКнинг махсус қисмидаги ҳар бир моддданинг ички тузилиши жиҳатидан қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасига кўра бир неча турларга ажратиш зарурлигини, яъни ушбу жиноятни квалификация қилишда таъсир этувчи айбни оғирлаштирувчи ёки ўта оғирлаштирувчи, айни пайтда жазони кучайтирувчи ҳолатларни Ўзбекистон Республикасида содир этилган ва суд амалиётида кўрилган шу турдаги жиноятлар мисолида исботлаб берганмиз. Учинчидан, чет эл давлатининг дипломатик ваколатхонаси вакили, жумладан, консуллик хизмати ходимларини халқаро ташкилотнинг мансабдор шахслари деб баҳолаш нотўғри. Улар халқаро ҳимоядан фойдаланувчилар тоифасига киради, лекин халқаро ташкилот, уларнинг мансабдор шахслари эмас. Бу ҳақдаги тушунчалар Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган «Халқаро ҳимоядан фойдаланувчи шахсларга, шу жумладан дипломатия агентларига қарши жиноятларнинг олдини олиш ва жазолаш тўғрисида»ги Конвенцияда ўз аксини топган.

2. Яна муаллиф терроризм жинояти таркибининг объектив тавсифини таҳлил қилиб, махсус тадқиқотларда ЖКнинг 155-моддасининг матни ревизия қилинган, бунга бирор-бир объектив асос йўқ деб қатъий позицияни эгалламоқчи бўлган.

Фикримизча, тадқиқотчи тафтиш (ревизия) сўзининг туб маъносини англаб етмаган ҳолда амалда қўллаган кўринади. Зеро, «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да ревизия сўзи икки хил маънони англатиши билдирилган: биринчидан, ташкилот ёки бирон мансабдор кишининг иш фаолиятини текшириш, тафтиш; иккинчидан бирор таълимот ёки назарияни ўзгартириш, унинг асосларини бузиш ниятида қайтадан кўриб чиқиш (ўша луғат 1 т. 619-б.). Яна шу луғатда (1 т. 229-б.) диссертация — илмий даража олиш мақсадида ёзиладиган ва илм-фан аҳллари орасида ҳимоя қилиш учун тақдим этиладиган илмий тешириш иши экани кўрсатилган. Биз айнан иккинчи йўналишда изланишлар олиб бориб, ЖКнинг 155-моддаси матнини такомиллаштириш хусусида таклиф берганмиз, ушбу нормани ревизия қилиш фикридан эса мутлақо йироқдамиз.

3. Тадқиқотчининг терроризм жинояти учун жисмоний шахсларни 16 ёшдан, юридик шахсларни эса жавобгарликка тортиш мумкин эмас, деган фикрига ҳам қўшилмаймиз.

Зеро, ҳуқуқшунос олим А.Якубов ва тадқиқотчининг «қонун чиқарувчи орган жиноят учун жавобгарлик ёшини ўзидан-ўзи эмас, балки шахснинг психофизиологик, ижтимоий психологик ривожланиш даражасини ҳисобга олиши ҳамда қатор криминологик мезонларни назарда тутган ҳолда белгилайди» деган фикрига қўшилган ҳолда Ўзбекистон Республикасидаги қонун ижодкорларининг эътиборини қуйидаги асосларга қаратиб айнан ҳозирда ЖК терроризм жинояти учун жисмоний шахслар ёшини пасайтиришга, яъни 13 ёки 14 ёшдан деб белгилаш керак деган таклифни маъқуллаймиз.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ЖК қабул қилинган пайтда, яъни 1994 йилда бу жиноятни содир этиш хавфи деярли йўқ эди; иккинчидан, охирги беш-олти йил ичида террорчилик кўринишидаги халқаро терроризмга қарши кураш масаласи долзарб муаммога айланди, жумладан Ўзбекистонда ҳам бу ўта оғир жиноят содир этилди. Ҳозирда ҳам бу хавф мавжуд. Терроризмнинг оғир оқибатларга олиб келиши, жумладан, бир пайтнинг ўзида кўплаб инсонлар ўлимига сабаб бўлиши, жуда кўп миқдорда зарар етказиши, давлатда ёки бутун бир қитъада ёки минтақа аҳолисида ваҳима, даҳшат, қўрқув уйғотиб, ойлаб ва йиллаб хавфсизликка таҳдид солиши мумкинлиги туфайли ҳам бу жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини бошқа ўта оғир жиноятларга нисбатан юқори деб баҳолашга тўла асос бор; учинчидан, ЖКда айбни оғирлаштирувчи ҳолатда қасддан одам ўлдириш жинояти учун жавобгарлик ўн уч ёшдан, ўғрилик ва бошқа бир қанча бошқа жиноятларга ўн тўрт ёшдан жавобгарлик белгиланган; тўртинчидан, энг муҳими, интеллектуал ривожланиш асри ҳисобланган янги аср ёшларининг дунёқараши, жумладан, Ўзбекистондаги ёшлар ҳам атрофда рўй бераётган салбий воқеа ва ҳодисаларнинг зарарли оқибатини англаб етишга қодир эканлиги билан ўтган асрнинг 70—80-йилларидаги ёшлардан тубдан фарқ қилиши руҳшунослар томонидан эътироф этилган.

«Терроризмга қарши кураш тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 29-моддасида «ташкилот суднинг қарори асосида террорчилик ташкилоти деб топилади ва тугатилади» дейилган. Демак, ушбу Қонун билан юридик шахс — террорчиликка алоқадор ташкилот жавобгарликка тортилади, яъни тугатилади. Қайд этилганлардан муаллифнинг «бирор-бир юридик шахсни терроризм учун жавобгарликка тортиб бўлмайди», деган хулосаси ҳам амалиётга таянмаганлигидан дарак беради.

4. Тадқиқотчининг «16 ёшга тўлмаган, яъни вояга етмаган шахс террорчилик ҳаракатларини содир этиш жараёнида қасддан одам ўлдирса, ЖК 97-моддасининг тегишли қисми билан жавобгарликка тортилади» (и.в. 129) деган фикрига ҳам қўшилиши қийин. Чунки ЖКнинг 155-моддаси 3-қисмида терроризм учун айбни оғирлаштирадиган ҳолатлар: одам ўлишига, бошқа оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши (ЖКнинг 155-м., 3-қ.) кўрсатилган. Қолаверса, муаллифнинг ўзи бошқа оғир оқибатлар тушунчасини таҳлил қилганда, террорчилик хуружлари натижасида бир неча кишиларнинг ўлдирилиши ҳам оғир оқибатлардан бири ҳисобланади», деган фикрни билдирган (и.в. 121). Терроризм жиноятининг содир этилиши оқибатида одамлар ўлими (кўпликда) юзага келса, оғир оқибатлар рўй берган деб баҳолашга асос бўлса, демак, вояга етмаган шахслар томонидан содир этилган терроризм жинояти оқибатида ҳам одамлар ўлдирилган бўлса, ЖКнинг 155-моддаси 3-қисми билан квалификация қилинади (ЖК 97-моддасининг тегишли қисми билан эмас).

5. Муаллиф терроризм жиноятини бошқа ўхшаш таркибли жиноятлардан фарқлашда ҳам ноаниқликка йўл қўйган. Жумладан, муаллиф «Терроризмга қарши кураш тўғрисидаги» Шанхай Конвенциясидаги экстремизм тушунчасини (и.в. 133—134) Ўзбекистон Республикаси ЖКдаги терроризм (155-м.) жинояти тушунчаси билан қиёслаб, экстремизм жинояти Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига тажовуз қилиш (159-м.), жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотларни қонунга хилоф равишда тузиш (216-м.), ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар фаолиятида қатнашишга ундаш (216[1]-м.), жиноий уюшма ташкил этиш каби жиноятлар (242-м.) тўғри келади, бу жиноятлар таркиб жиҳатдан экстремизм жиноятининг айнан ўзи деб хулоса ясаган. Диссертантнинг бу фикри ҳам баҳсли. Чунки Ўзбекистон

Республикаси ЖКдаги юқорида санаб ўтилган моддалар жойлашишига қараб, яъни биринчиси (159-м.) давлатга қарши жиноятлар туркумидан, иккинчи ва учинчиси (216 ва 216[1]-м.) бошқарув тартибига қарши жиноятлар, охиргиси эса жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар қаторидан жой олган. Жиноят таркиби тўғрисидаги таълимотга асосан бу жиноятлар объектига қараб турларга бўлинган ва тегишли бобдан ўрин олган. Шу нуқтаи назардан қараганда, муаллиф Жиноят кодекси махсус қисми тузилиши билан боғлиқ тартиб-таомилга риоя қилмаган дейиш мумкин. Фикримизча, Шанхай Конвенциясидаги экстремизм тушунчаси Ўзбекистон Республикаси ЖКга сингдирилиши (имплементация), яъни бу тушунча ЖКнинг охирги бўлими— атамаларнинг ҳуқуқий маъноси акс эттирилган бўлимдан жой олиши, унда экстремизм ва диний экстремизм юридик атамаларини фарқлаб баён қилиш керак.

Ундан кейин бу тушунча ЖКнинг 244[1], 244[2]-моддаларидаги жиноятлар таркиби доирасида таҳлил қилиниши лозим. Шунда экстремизм ёки диний экстремизм юридик атамалар ўз ўрнида ишлатилган бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, халқаро терроризм ва терроризмнинг кўринишларига қарши кураш муаммоси юзасидан тадқиқот ишларини амалга ошириш жуда мураккаб масала бўлиб, «Ўзбекистон Республикаси ЖКдаги биргина моддада бу жиноят таркибининг барча белгилари мукаммал тарзда ифодаланган, уни такомиллаштиришга асос кўринмайди», деган хулосага келишга ҳали эрта. Шунга қарамасдан диссертант ушбу муаммонинг айрим жиҳатларини жиноят ҳуқуқи фани нуқтаи назаридан муваффақиятли ҳал қилган.

ЭҲТИЁТ ЧОРАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ТАРТИБ-ТАОМИАИ[1]

Процессуал мажбурлов чоралари жиноят ишини тергов қилиш ва судда кўришда қонунийликни таъминлашда муҳим ўрин эгаллайди. Мажбурлов чораларининг алоҳида тоифасини эҳтиёт чоралари ташкил этади. Эҳтиёт чоралари турлари бир нечта бўлиб, уларни қўллаш Жиноят-процессуал кодексидаги меъёрлар талаби доирасида -ҳал этилади.

Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан жиноят-процессуал мажбурловдан ҳисобланган эҳтиёт чоралари, айниқса қамоқда сақлаш муддатлари қисқартирилди, уни қўллаш асослари қайта кўриб чиқилди.

Ҳозирда эҳтиёт чораларини қўллашнинг янги механизмини яратиш учун ислоҳотларни йўналтирувчи ва бошловчи сифати давлат қонун чиқарувчи орган орқали Жиноят-процессуал кодексни такомиллаштириш йўлидан бормоқда. Шу нуқтаи назардан танланган мавзу долзарб ҳисобланади.

Ушбу тадқиқот иши кириш, учта боб, ўнта параграф ва хулосадан иборат. Авторефератда тадқиқотнинг қисқача мазмуни баён қилинган, хулоса эса тўлиқ ёритилган. Тадқиқотчининг билдирган илмий хулоса, таклиф-мулоҳазалари эътиборга молик.

Шу билан бирга авторефератда ёритилган баҳсли фикр-мулоҳазалар, таклифлар юзасидан баҳс юритиб, қуйидагиларни баён этмоқчимиз.

1. Муаллифнинг «мулкни ҳибсга олиш ва мулкдорнинг ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқини чеклаш

---

[1] «Жиноят процессида эҳтиёт чораларини қўлланиши муаммолари» мавзусида юридик фанлари номзоди илмий даражаси учун ёзилган диссертация ҳақида мулоҳазалар.

билан боғлиқ ЖПКнинг 35-бобидаги моддаларни ҳам шу тизимга, яъни процессуал мажбурлов чоралари қаторига киритиш мантиқан тўғри» деган фикри (8-б.) ва таклифи (20-б.) баҳсли кўринади. Чунки ЖПКнинг 290-моддасидаги талабга кўра, ҳукмнинг фуқаровий даъвога ва бошқа мулкий ундирувларга доир қисмини ижросини таъминлаш учун айбланувчи, судланувчи ва фуқаровий жавобгарнинг мол-мулки хатланади. Мулкнинг хатланиши «айбланувчи ёки судланувчи мулк ҳуқуқидан узил-кесил маҳрум этилди», деган тушунчани билдирмайди. Чунки амалиётда мол-мулки хатланган ишлар юзасидан мулкни рўйхатдан чиқариш тўғрисида мулк эгалари, яъни айбланувчи ёки судланувчи билан бирга яшовчи ота-онаси, хотини ёки эри ва бошқалар, ҳаттоки қариндош-уруғлари ҳам даъво аризаси билан фуқаролик судига мурожаат этади.

Фикримизча, қонун ижодкорлари мол-мулкни хатлашни процессуал мажбурлов қаторига киритмасдан тўғри йўл танлаган. Зеро, мол-мулкни мусодара қилиш каби қўшимча жиноий жазо ЖКдан чиқарилган. У илгари жиноятга алоқаси бўлмаган ота-она ва бошқа шахсларга тегишли мол-мулк хатлаш каби мажбурлов услубини қўллаш билан тортиб олинарди. Натижада мулк эгаларига моддий ва бирор-бир миқдор билан ўлчаб бўлмас маънавий зиён етказилгани амалиётда тез-тез учраб турар эди. Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиб, инсонпарварлик принципи қонунларга сингдирилаётган ҳозирги кунда яна мажбурлов усулини қўллаб, мулкни тортиб олиш масаласини муҳокама қилиш ўринли эмас, деб ҳисоблаймиз.

2. Тадқиқотчи томонидан ЖПК нинг 249-моддасини, яъни гаров туридаги эҳтиёт чорасини такомиллаштириш юзасидан билдирилган таклиф ҳам илмий ва амалий жиҳатдан мунозарали деб ҳисоблаймиз. Жумладан, диссертантнинг «қамоққа олиниши мумкин бўлмаган айбланувчидан гаров талаб қилинмаслиги керак», деган

фикри ажабланарлидир. Гаров туридаги эҳтиёт чораси ҳар қандай тоифадаги, жумладан оғир ва ўта оғир жиноятларга ҳам қўлланиши мумкинлиги ЖПК нинг 249-моддаси мазмунидан очиқ-ойдин кўринади. ЖПК нинг 237-моддасида эҳтиёт чоралари енгилидан оғирига қараб, яъни гаров қамоққа нисбатан енгилроқ эҳтиёт чораси экани акс эттирилган. Энг муҳими, эҳтиёт чорасини қўлланганда ЖПК нинг 236-моддасидаги асослардан ташқари айбнинг оғирлиги, айбланувчининг шахси, машғулот тури, ёши, соғлиғи, оилавий аҳволи ва бошқа ҳолатлар ҳам ҳисобга олиниши керак. Шу нуқтаи назардан қараганда тергов органи айбланувчи тариқасида ишга жалб этилган ҳар қандай шахсга у ёки бу турдаги (қамоқ, гаров, кафиллик ёки муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат ва ҳ.к.) эҳтиёт чораларидан бирини қўллашга мажбур.

3. «Гаровнинг гумон қилинувчига ҳам қўлланиши мумкин» деган диссертант таклифи ноўрин. Чунки гаров туридаги эҳтиёт чораси айбланувчи ёки судланувчига нисбатан қўлланилади, амалдаги ЖПК меъёрлари (27-боб, 220—235-м.) талабларига кўра гумон қилинувчига нисбатан фақат қисқа муддатда, яъни 72 соатдан ошиқ бўлмаган вақт мобайнида ушлаб туришга рухсат берилади.

Фикримизча, тадқиқотчи эҳтиёт чораси институтининг таъсир доирасини кенгайтириш тўғрисидаги таклифни баён қилишда ушлаб туриш билан боғлиқ Жиноят-процессуал кодексидаги меъёрлар моҳиятини чуқур ўрганиши ва эҳтиёт чораларидан бу институтни фарқлаш лозимлигига эътиборини қаратса ўринли бўларди.

4. «Шахс маҳкум этилган ҳолда унга тегишли гаров суммаси жиноят оқибатида етказилган зарарни ҳамда суд харажатларини қонун талабларига риоя қилиб қоплаш учун сарфланиши гаровга қўювчи ўзига етказилган зарарни гаровда бўлган шахсдан ундириб олишга ҳақли экани» тўғрисидаги (21-б.) таклиф ҳам илмий жиҳатдан

чуқурроқ мушоҳада қилишга муҳтож. Энг муҳими, «гаров» юридик атамасининг мазмун—моҳияти чуқур маъно-мазмун касб этади. Чунки гаровнинг қўлланиши айбланувчи ёки судланувчига тергов ёки суд жараёнида зиммасига юклатилган мажбуриятларни (ЖПК нинг 46-м.) ўз вақтида беками-кўст бажариш масъулиятини юклайди. Шунингдек, гаровни таъминлаш мақсадида мол-мулкини тергов ёки суднинг депозит ҳисоб варағига топширган жисмоний ва юридик шахсларга ҳам айбланувчи, судланувчи мажбуриятларни бажармаган тақдирда мулкидан маҳрум бўлиши тушунтирилади (ЖПКнинг 249-м.).

Хулоса қилиб айтганда, гаровдаги мулк маълум бир муддатда иш юзасидан ҳақиқатни аниқлаш, қонунийликни таъминлашнинг ҳуқуқий кафолати ҳисобланади, бу мулк зарарни қоплаш ёки бошқа суд харажатларини ундиришни таъминловчи восита бўлолмайди. Зеро, ФКнинг 264-моддасида «бир шахснинг бошқа шахсга мол-мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни мажбуриятларни таъминлаш учун берилиши гаров ҳисобланади», деган тушунча акс этган. Қолаверса, ЖПКда мулкий зарарни қоплашнинг эркин, самарали воситаси бўлган айбланувчи ёки судланувчига тегишли мол-мулкни хатлаш механизми мавжуд. Гаровга қўювчи ўзига етказилган зарарни гаровда бўлган шахсдан ундириш масаласи Жиноят-процессуал кодексидаги меъёрлар билан эмас, балки фуқаролик тартибида иш юритиш йўли билан ҳал қилинади.

5. «Касаллар, вояга етмаганлар, аёллар, кексаларга нисбатан баъзи бир эҳтиёт чораларини қўлламаслик тўғри бўлур эди ёки вояга етмаганни кузатувига олган шахслар ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда маъмурий ёки интизомий жавобгарликка тортилишлари лозим», деган фикр-мулоҳазалар ва таклифларга ҳам қўшилиш қийин.

Чунки шахсга айбланувчи тариқасида ишга жалб этиш қарори эълон қилиниб, айбланувчи тариқасида сўроқ

қилинган пайтдан бошлаб унга нисбатан бирор-бир турдаги эҳтиёт чораси қўлланиши шартлиги ЖПКда қатъий белгиланган. Шунингдек, жазо чораларининг либераллаштирилиши натижасида ижтимоий хавфи катта бўлмаган, эҳтиётсизлик оқибатида ва қасддан унча оғир бўлмаган жиноятлар содир этган ҳомиладор, уч ёшга тўлмаган болалари бор бўлган аёллар, ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга, шунга ўхшаш вояга етмаганларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо тайинланмаслиги ЖКда белгилаб қўйилди. ЖКдаги бу меъёр терговчи ёки судьянинг санаб ўтилган шахсларга нисбатан «қамоқдан ташқари енгилроқ эҳтиёт чораси қўлланиш керак», деган хулосага келишига асос бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий Жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 207-моддасида вояга етмаганни қаровга олиш тўғрисидаги ёзма мажбуриятни бажармаганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган. Бу тоифадаги маъмурий ишлар судьялар томонидан кўрилади (ЖПК 245-м). Демак, вояга етмаганни ўз кузатувига олган шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш қонунда мавжуд. «Уларни интизомий жавобгарликка тортиш керак», деган фикр ноўрин. Вояга етмаганнинг қаров ёки кузатув остига берилиши ота-оналар ёки бошқаларнинг меҳнати муносабатларини амалга оширишлари билан боғлиқ эмас. Зеро, меҳнат интизомини бузган ходим интизомий жавобгарликка тортилиб, жазоланиши Меҳнат кодексининг 181-моддасида қайд қилинган. Вояга етмаган шахсларнинг «кузатув остига олиш» ёки «қаровга олиш» каби атамалар хусусидаги тадқиқотчининг таклифига тўхталсак, ЖПК нинг 555—556-моддаларидаги қаровга олиш мазмун-моҳияти жиҳатдан кузатув остига олиш жумласини тўлиқ англатади. Чунки вояга етмаган жиноятчи доимо кимнингдир қаровига, яъни тарбиясига муҳтож бўлади.

Шу сабабли муаллифнинг «ЖПКнинг 237, 253, 555, 556-моддаларида қонунчилик техникаси қоидаларига зид бўлган ортиқча қайтаришлар, баъзи ички зиддиятлар мавжуд», дейиши ножоиз. Фикримизча, ЖПК нинг 237-моддасидаги «кузатув» сўзининг «қаров» сўзи билан алмаштирилиши мақсадга мувофиқ.

6. Диссертантнинг «суд жиноий таъқиб қилувчи орган эмас, шу боис қонун ҳужжатларидаги суднинг жиноят ишини қўзғатиш ва янги шахсларга нисбатан эҳтиёт чораси ҳуқуқи бекор қилиниши лозим», деган фикри ҳам илмий жиҳатдан баҳс талаб этади. Чунки судья, прокурор, терговчи ва суриштирувчи жиноят аломатлари топилган ҳар бир ҳолда ўз ваколатлари доирасида жиноят ишини қўзғатиши лозим экани жиноят процесси принциплари қаторидан ўрин эгаллаган (ЖПКнинг 15-м.).

Энг муҳими, жаҳон давлатларининг жиноят-процессуал қонунчилигида жиноят ишини қўзғатиш ва эҳтиёт чоралари, жумладан қамоққа олиш, гаров ва ҳоказоларни қўллаш, ўзгартириш ва бекор қилиш суднинг ваколатига киритилган. Тергов, прокуратура судга далилларни топиш, мустаҳкамлаш ва баҳолашда ёрдам беради.

Хулоса ўрнида қайд этиш жоизки, суд ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш жараёнида муҳим аҳамият касб этувчи мазкур тадқиқот иши жиноят процесси фани ривожига ҳисса қўшади.

УЮШГАН ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ[1]

Жиноятчилик, айниқса, уюшган жиноятчиликнинг «жиноий уюшма ташкил этиш» каби кўриниши жамият ва давлат манфаатлари, инсоният ҳаёти хавфсизлигига таҳдид солувчи ўта ижтимоий хавфли қилмиш ҳисобланади. Айни пайтда унга қарши курашиш муаммосини илмий-назарий ва амалий таҳлил этиш жиноятчиликка қарши курашишнинг самарали механизмини шакллантириш, бу каби жиноятларнинг олдини олишга кўмаклашувчи чора-тадбирларни кўриш орқали муаммонинг оқилона ечимини топишга хизмат қилади.

Жиноий уюшма ташкил этишнинг ЖКда алоҳида модда тарзида белгиланиши ҳам унинг ижтимоий хавфлилик даражаси юқори эканини кўрсатади. Қолаверса, сўнгги йилларда дунё давлатлари, жумладан, мамлакатимиз ҳудудида ҳам жиноий уюшмалар томонидан амалга оширилаётган террорчилик ҳаракатлари ва бошқа трансмиллий жиноятлар содир этилаётгани натижасида ҳисобсиз зарар ёки зиён етказилаётгани бу борадаги амалиётни умумлаштириш ва илмий-назарий мушоҳадалар юритишни тақозо этмоқда.

Тадқиқотчи томонидан танланган мавзу жиноятчиликка қарши курашда, айниқса, жиноятчиликнинг олдини олиш, профилактикани кучайтириш шароитида амалга оширилгани билан ўзининг илмий—амалий аҳамияти ва моҳиятини белгилайди, деб баҳолашга лойиқ.

Мавзунинг долзарблиги жиноий уюшманинг хавфлилиги ва улар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг

---

[1] Юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган «Жиноий уюшма ташкил этишга қарши кураш муаммолари» мавзусидаги диссертация ҳақида мулоҳазалар.

ўта уюшқоқлик ва махсус тайёргарлик билан амалга оширилиши, шунингдек, ҳозирги замон уюшган жиноятчилигининг муҳим хусусияти, яъни унинг миллий чегарадан четга чиқиб, чет элдаги жиноий бизнес билан қўшилиши, уюшган жиноятчилик субъектларининг бирлашуви унга қарши кураш чораларидан илгарилаб кетаётгани, чет элдаги жиноий уюшмаларнинг Ўзбекистонда ҳам жиноий уюшма ташкил этишга уринаётгани билан боғлиқ ҳолатларнинг таҳлили, унга қарши курашнинг замонавий чора-тадбирларини ишлаб чиқиш масаласи жиноят ҳуқуқи фани ютуқлари, айниқса, жиноят тўғрисидаги таълимот асосида исботланиши зарур.

Диссертациянинг I боби «Уюшган жиноятчиликнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва унга қарши курашнинг жиноят ҳуқуқий асослари» деб номланиб, у икки параграфдан иборат.

Биринчи параграф «Уюшган жиноий фаолиятнинг замоний тушунчаси, таърифи ва уюшган жиноятчиликнинг халқаро миқёсда интеграциялашуви» деб номланади. Мазкур параграфда уюшган жиноятчилик тушунчаси, унинг ўзига хос хусусиятлари криминалистика ёки криминология фани нуқтаи назаридан таҳлил қилинган. Мазкур соҳа бўйича олим ва тадқиқотчиларнинг уюшган жиноятчилик тушунчаси тўғрисидаги қарашлари тўғрисида тўхталиб ўтилган. Шунингдек, чет эллардаги уюшган жиноятчиликнинг ўзига хос жиҳатлари ҳам баён этилган.

Иккинчи параграф «Жиноий уюшманинг моҳияти ва ижтимоий хавфлилиги» деб номланади. Унда жиноий уюшманинг жамият учун хавфлилиги ҳамда унинг олдини олиш чоралари тўғрисида фикр юритилган.

Диссертациянинг II боби «Жиноий уюшма (жиноий ташкилот) тузишнинг жиноят-ҳуқуқий тавсифи» деб номланади. Мазкур боб икки параграфдан иборат.

Биринчи параграф «Жиноий уюшма тушунчаси ва унинг асосий белгилари, ҳуқуқий таърифи» деб номланиб, жиноий уюшманинг асосий белгилари, яъни жиноий уюшмага хос бўлган хусусиятлар, уларнинг криминалистик таърифига тўхталиб ўтилган.

«Жиноий уюшма тузилмалари, раҳбарлари ва иштирокчиларнинг тавсифи» деб номланувчи иккинчи параграфда Ўзбекистон Республикасида 1990—2000 йилларда фош этилган жиноий гуруҳлар фаолияти, уларнинг қилмишлари илгариги ЖК даги 67-модда билан квалификация қилингани, жиноий уюшма иштирокчилари ҳақидаги статистик маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг III боби «Жиноий уюшма ташкил этиш ва унинг олдини олишга қаратилган чоралар» деб номланади. Мазкур боб икки параграфдан иборат.

Биринчи параграф «Жиноий уюшма ташкил этиш ва бундай фаолиятни квалификация қилиш, жиноий уюшмани жиноий гуруҳдан фарқлаш муаммолари» деб номланган бўлса, иккинчи параграф «Уюшган жиноятчиликка қарши курашувчи органлар фаолиятининг ахборот-таҳлилий таъминоти ва уни такомиллаштириш йўллари» деб номланади. Унда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мазкур жиноятчиликнинг олдини олиш билан боғлиқ фаолияти криминалистика фани ютуқлари асосида тушунтирилган.

Мазкур тадқиқот ишида ҳам баҳс-мунозарага чорловчи фикрлар, таклифлар мавжуд бўлиб уларнинг айримларига батафсил тўхталишни жоиз деб топдик.

Муаллифнинг «жиноий уюшма томонидан содир этилган жиноятларни фош этиш ҳамда тез ва сифатли тергов олиб боришни таъминлаш мақсадида Жиноят кодекси махсус қисмининг 242-моддасига рағбатлантирувчи (жиноий жавобгарликдан озод қиладиган) норма сифатида 3-қисм киритиш тавсия этилган» деган таклифи ҳам мунозарали. Зеро, ЖКнинг 242-моддасидаги

жиноят учун жавобгарлик жиноий уюшма тузилган пайтидан, яъни жиноят содир этишга киришмасданоқ тугалланган жиноят ҳисобланади. Бу ўринда тадқиқотчи жиноят ҳуқуқи фанида кесик таркибли жиноятлар тушунчаси мавжуд эканига эътибор бериши лозим эди. Фикримизча, жиноий уюшма ташкил этиш билан боғлиқ жиноятнинг бошқа жиноятлардан фарқи ҳам айнан кесик таркибли экани билан баҳоланади.

Изланувчи тадқиқот объекти билан боғлиқ миллий жиноят ҳуқуқи фани йўналишида изланишлар олиб борган олимларнинг илмий ишларини бирма-бир, батафсил таҳлил қилиши лозим эди. Ажабланарлиси шундаки, муаллиф «ҳуқуқшунос олима Мавжуда Ражабованинг мақола ва монографияларида кўпроқ ташкилий жиноятчилик ибораси ишлатилган, дейишдан нарига ўтолмаган. Ваҳоланки, М. Ражабованинг «Диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш муаммолари» китобида «терроризмнинг ўта хавфли шакллари ва турлари»га бағишланган алоҳида параграфда айнан жиноий уюшма ташкил этиш билан боғлиқ жиноятлар ҳақида сўз юритилган. Фикримизча, тадқиқотчи шунга ўхшаш ўзбекистонлик олимларнинг тадқиқот ишларидаги илмий хулосалар мазмун-моҳияти билан батафсил танишганда, баҳс илмий асосга эга бўлар эди.

Тадқиқот ишининг айрим жойларида 1990—1995 йилларда Ўзбекистон Республикасида содир этилган оғир жиноятлар (1995 йилгача бўлган ЖКнинг 7—1-моддасидаги тушунча) билан боғлиқ ишлар тафсилоти баён қилинган. Муаллиф бу жиноятчиларнинг қилмиши илгариги ЖКнинг 67-моддаси (бандитизм) ва бошқа моддалар билан квалификация қилингани, ҳаттоки айбдорларга нисбатан ўлим жазоси қўлланганини ҳам қайд этгани ноўрин. Чунки биринчидан, «бандитизм» жинояти учун жавобгарликни назарда тутувчи норма амалдаги ЖКда йўқ.

Иккинчидан, «жиноий уюшма» (ЖК 29-модда, 242-модда) тушунчаси амалдаги ЖКдаги янги тушунчалардан бири ҳисобланади. Шу ўринда нима сабабдан муаллиф эски ЖКдаги «бандитизм» жинояти тушунчасини «жиноий уюшма» жинояти тушунчаси билан қиёсий ўрганишга уринмаган, деган эътирозли савол туғилади. Фикримизча, тадқиқот ишида айнан жиноий уюшма ташкил этиш жиноятини ЖКга киритиш сабаблари таҳлил қилиниши лозим эди.

Учинчидан, тадқиқотчи мамлакатимизда содир этилган уюшган жиноятлар билан боғлиқ жиноят ишлари тафсилотидан жиноий уюшма ташкил этиш жинояти таркибини, яъни объекти, объектив томони, субъект, субъектив томонини, бу турдаги жиноятларни квалификация қилишда эътибор берилиши лозим бўлган ЖК 242-моддасидаги санаб ўтилган белгиларни таҳлил қилишда мантиқан тўғри йўл тутганда эди, мавзу сарлавҳасида қавс ичида акс эттирилганидек, жиноий уюшма ташкил этишга қарши курашнинг айнан жиноят ҳуқуқи фанига боғлиқлигини исботлаган бўлар эди.

Тадқиқотда «халқаро жиноий тузилмалар», «халқаро жиноий ташкилот», «ташкилий жиноятчилик», «ташкилий жиноий тузилма», «жиноий гуруҳ», «уюшган гуруҳ», «жиноий уюшма», «жиноий тўда» (77-б.), «уюшган гуруҳлар бирлашмаси»(86-б.), «жиноий уюшмалар таркибий бўғини»(86-б.), «жиноий тузилма»(91-б.), «жиноий уюшма йўлбошчиси (авторитет) сардори, саркори» (87-б.) деган атамалар учрайди. Танланган мавзу номидан, яъни жиноий уюшма ташкил этишга қарши кураш муаммолари бўлгани сабабли тадқиқотчи жиноят ҳуқуқидаги жиноятлар тўғрисидаги таълимотнинг жиноятда иштирокчилик институти, айниқса иштирокчилик тушунчаси (икки ёки ундан ортиқ шахснинг қасддан жиноят содир этишда биргалашиб қатнашиши), иштирокчиликнинг турлари, иштирокчиликнинг шакли, жиноятда иштирок этганлик

учун жавобгарлик, жумладан, бошқа иштирокчиларнинг жиноий нияти билан қамраб олинмаган қилмиш учун жавобгарлик (экс бажарувчи) каби масалаларни ўрганиш асосида жиноий уюшма ташкил этиш жинояти таркибини чуқур таҳлил қилинса тадқиқот моҳият жиҳатидан жиноят ҳуқуқий фанига тўла жавоб беради.

Муаллифнинг «ЖК 29-моддасининг 5-қисми, шунингдек, 242-моддасининг 1-қисми «ҳудудлараро ёхуд халқаро миқёсда» деган сўзлар билан тўлдирилиб, янги мазмунда баён этилиши тавсия қилинган» деган таклифи ҳам ноўрин. Чунки Ўзбекистон Республикасида «ҳудуд» юридик атамаси умумий тушунча тарзида маълум жойларнинг бўлинишини, жумладан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, кўчалар, мавзе ва ҳоказолар бўлинишини акс эттиради. Шу маънода бирор-бир жиноий уюшмани ҳудуд бўйича бўлиб ўргаиганда «бир кўчада иккита уюшган гуруҳ борлиги аниқланганда ҳудудлараро дейиладими ёки йўқ?» деган ўринли савол туғилади.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу тадқиқот иши жиноий уюшма ташкил этиш жиноятларига қарши курашда, жумладан, унинг олдини олишда криминология фанидаги шу йўналишдаги бўшлиқни тўлдиришга кўмаклашади.

АЖДОДЛАРИМИЗ ҲУҚУҚИЙ МЕРОСИДАН НАМУНА[1]

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида аждодларимиз қолдирган бой маданий мерос, маънавий қадриятлар ва қадим тарихимизни ҳаққоний ўрганишга кенг имкониятлар яратилганига ҳар биримиз гувоҳмиз. Ўзбек халқининг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътиборини ва қадр-қимматини кўтариши учун аввало асрлар синовидан ўтган бой ўтмишини қайта тиклаш биринчи галдаги вазифалардан бири эди. Муҳтарам президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов таъкидлаганларидек: «Тарихни билмаган, тарихдан сабоқ олмаган инсон нафақат олис ва яқин аждодларни қандай яшагани, ўзи мансуб миллат қандай шаклланганн, балки келажагини ҳам тасаввур қила олмайди. Шу заминдан етишиб чиққан буюк мутафаккирларимизнинг мероси билан таниш бўлмасак, келажаги буюк давлат қуришимиз мумкин эмас».

Маълумки, халқимизнинг маънавий қадриятлари, дунёқарашларининг илдизлари муқаддас ислом дини билан туташиб кетган. Шунинг учун ҳам тарихда «Икки дарё оралиғи» деб ном олган бу табаррук заминдан номи ва довруғи бутун дунёда машҳур бўлган алломалар етишиб чиққан. Жумладан, ҳадис илмининг соҳиблари Имом Бухорий, Ҳаким ат-Термизий, фиқҳ илмида эса Бурҳониддин ал-Марғинонийлар яратган асарлар бугунгача ҳам ислом илмини ўрганиш бўйича асосий манба сифатида эътироф этиб келинмоқда.

---

[1]Тадқиқотчи И.Бекмирзаевнинг "24.00.02 – Ислом тарихи ва манбашунослиги ихтисослиги" бўйича тарих фанлар номзоди илмий даржасини олиш учун «Бурҳониддин Маҳмуд ал-Бухорийнинг «Ал-муҳит» асари ва унинг Мовароуннаҳр қозилигида тутган ўрни» мавзуида ёзган диссертацияси юзасидан расмий оппонент сифатида тақдим қилинган тақриз

Мустақиллик йилларида бир қатор исломшунос тадқиқотчилар томонидан ҳадис, тафсир, тасаввуф, фиқҳ илмлари ривожига ҳисса қўшган алломаларнинг бой меросини ўрганишга бағишланган қатор илмий изланишлар олиб борилди. Аммо ислом ҳуқуқи, айниқса, Мовароуннаҳр ҳудудида давлатчилигимизнинг тараққиётига ҳисса қўшган қозилик маҳкамаларида ишларни юритиш жараёнини ўзида акс эттирган манбалар юзасидан алоҳида тадқиқот амалга оширилгани йўқ эди.

Тадқиқотчининг «Бурҳониддин Маҳмуд ал-Бухорийнинг «ал-Муҳит» асари ва унинг Мовароуннаҳр қозилигида тутган ўрни» мавзусидаги номзодлик диссертацияси ўрта асрларда қозилик маҳкамасида амал қилган ҳуқуқий ҳужжатлар ва жараёнлар ҳақидаги маълумотларга бой илмий меросни ёритиб бергани билан долзарб тадқиқот ҳисобланади.

Тадқиқот кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганганлик даражаси, мақсади, вазифалари, объекти, предмети, усуллари, ҳимояга олиб чиқилган ҳолатлар, илмий ва амалий аҳамияти, натижаларининг жорий қилингани, синовдан ўтгани ҳақидаги маълумотлар баён қилинган. Тадқиқот кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар, иловалардан (жами 203 бет) иборат.

Айтиш керакки, ушбу тадқиқот маълум бир изчиллик асосида баён этилган бўлиб, дастлаб Бурҳониддин Маҳмуд ал-Бухорий яшаган даврни тарих нуқтаи-назаридан илмий баҳолаш учун қатор манбаларни чуқур таҳлил қилган ҳолда баъзи бир тарихий масалаларга аниқлик киритилган. Мисол учун ўн иккинчи асрда давлатни бошқаришда садр лавозими мавжуд бўлган. Муаллифнинг қайд этишига қараганда, маҳбубийлар ва Оли Моза оилалари ҳақидаги маълумотлар ўртасида чалкашликлар борлигини, аслида садрлик ўрта асрда Мовароуннаҳрдаги марказий шаҳарларда Бурҳониддин Маҳмуд ал-Бухорийнинг бобоси Бурҳонул Кабирдан сўнг қолган расмий унвон (37-бет) бўлиб, сулолаларга тааллуқли эмас.

Оли Моза оиласи Бухорода аҳолидан солиқ ундирувчи ҳамда Султон Санжарнинг ишончли вакили сифатида фаолият олиб борган.

Муаллиф тарих фанига оид тадқиқотларни тизимли таҳлил этишни давом эттириб, Бурҳониддин Маҳмуд ал-Бухорий билан унинг амакиси Ҳусомиддин ас-Садр аш-Шаҳид шахсига ва уларнинг асарларини қайси бирига тегишлилиги тўғрисида ҳам батафсил маълумот берган (39-бет).

Шунингдек, тадқиқотда баён этилишига қараганда, Бурҳониддин Маҳмуд ал-Бухорий оиласининг машҳур бўлишига унинг амакиси Ҳусомиддин ас-Садр аш-Шаҳид муҳим ўрин тутган, бу оила бир асрдан зиёд вақт давомида Бухоро ва Самарқандда ислом ҳуқуқига оид илмларни тадқиқ қилган (42 бет) ва Бурҳониддин Маҳмуд ал-Бухорий мужтаҳид олим мақомига сазовор бўлган.

Тадқиқотнинг биринчи бобидаги учинчи фасл «Ал-муҳит» асари қўлёзма нусхаларининг айрим кодикологик хусусиятлари» деб номланган бўлиб, унда ўрта асрда ижод этган Абул Лайс ас-Самарқандий, Муҳаммад ал-Бухорий, Ҳусомиддин ас-Садр аш-Шаҳид қаторида Бурҳониддин Маҳмуд ал-Бухорий фатво йўналишида асарлар ёзгани қайд этилган. Муаллифнинг таъкидлашига қараганда, Бурҳониддин Маҳмуд ал-Бухорий жами 9 та асар ёзган бўлиб, уларнинг барчаси фиқҳнинг фатволар йўналишидаги асарлар ҳисобланади (44 бет). «Ал-муҳит» асарининг тўлиқ номи «Нўмоний фиқҳдаги Бурҳоний Уммон». Шуни қайд этиш жоизки, тадқиқотчи Бурҳониддин Маҳмуд ал-Бухорий «аз-Захиратул-бурҳонийя» асари хусусида ҳам фикр-мулоҳазаларини билдирар экан, ҳозирги кунда мазкур асарнинг нусхалари Туркия, Миср Араб Республикаси кутубхоналарида сақланаётгани ва хорижлик олимлар томонидан чуқур ўрганилаётганини исботлашга уринган.

Тадқиқотдаги яна бир янгилик шундан иборатки, муаллиф ўзи ўрганган манбанинг, яъни «Ал-муҳит» асари муаллифи айнан Бурҳониддин Маҳмуд ал-Бухорий эканлигига аниқлик киритиш мақсадида ўша даврларда

Сарахсий томонидан ёзилган яна бир «Ал-муҳит» номли асар мундарижасини қиёсий ўрганиб чиққан, Сарахсийга тегишли «Ал-Муҳит» юзасидан манбаларда мавжуд чалкашликка нуқта қўйган (48—50 б).

Шунингдек, мазкур тадқиқот жараёнида Бурҳониддин Маҳмуд ал-Бухорийга тегишли «Ал-муҳит» асарининг турли давлатларда сақланаётган қўлёзмалари (Туркия, Миср) Тошкентдаги Шарқшунослик институтидаги нусхалар билан қиёсий ўрганилган ва ЎзФА ШИ қўлёзмалар фондида сақланаётган 2861 рақамли (1241 бетли) нусха тўлиқ, энг мукаммал ва асл нусха деган, қатъий хулоса баён этилган (56 бет).

XI — XIII асрларда Мовароуннаҳр қозилигида шартномаларнинг тарихий шакллари баён этилган тадқиқотнинг икки бобида муаллиф ўн иккинчи асрда диёримиздаги қозилик ишлари ҳанафий мазҳаби манбаларига таянган ҳолда ҳал этилган, айниқса Аҳмад ал-Хассофнинг «Адаб ал-қози» асари юксак эътирофга сазовор бўлган, ислом ҳуқуқида шартномалар тузишга оид (шурут) асарлар дастлаб ҳанафий мазҳабдагилар томонидан ёзилган (63 бет), кейинчалик бошқа мазҳабларда ҳам шурутга оид масалалар ҳақида асарлар битилган, деган хулосага келган. Тадқиқотда бу ҳақда батафсил маълумот берилган. Шуниси эътиборга моликки, тадқиқотчи томонидан ўн учинчи асргача Мовароуннаҳрда ёзилган шурут илмига оид асарлар кейинги давр олимлари учун бирламчи манба бўлиб хизмат қилгани таъкидланган.

Тадқиқотчи ҳозирги даврда бир қатор хорижий (Франция, Канада) исломшунос олимларнинг шурутга оид қарашларини танқид қилган ҳолда аслида шурут — шартномага оид қоидаларни ўзида акс эттиргани, у қозилар томонидан расмийлаштирилгани, шартномавий муносабатларга низоларни қозилик маҳкамасида кўриб чиқиш учун қабул қилинган ҳужжатлар, ҳисобланади деб тўғри таъкидлаган. Муаллиф қози томонидан ишни кўриш жараёни маҳзар — баёниома, қайд ҳужжатида ёзилгани,

қозий қабул қилган ҳукмлар учун реестр ёки рўйхатга олиш дафтари — сижил юритилгани билан боғлиқ фикр-мулоҳазаларини «Ал-муҳит» асаридаги икки бўлимни ўрганиш асосида исботлашга уринган.

Тадқиқотда «Ал-муҳит» асаридаги шартномаларга (шурут) оид қоидалар икки гуруҳга бўлиб ўрганилган. Биринчиси, оилавий муносабатлар, яъни никоҳ тузиш ва уни бекор қилиш тўғрисидаги битимлар. Иккинчиси — мулкий муносабатларга оид шартномаларни тузиш тартиби акс этган. Жумладан, никоҳ шартномасини тузишда тарафларнинг иштироки, кўчмас-мулкни маҳр сифатида бериш, маҳрни бериш муддати, никоҳни бекор қилиш усуллари — талоқ, хул, тафриқга оид шартномалардан намуналар таҳлил қилинган. Никоҳни бекор қилишда болаларни моддий таъминлаш масаласига алоҳида эътибор берилган, "агар ёш бола бўлса, эр аёлга боласига бир неча йил қараб туриш шарти билан нафақа тўлаган" (80-бет). Шуниси эътиборга моликки, никоҳни бекор қилишда вакилнинг иштирок этишига йўл қўйилган. Никоҳ шартномаси ёзма шаклда тузилган бўлиб, шартнома никоҳни тузишда иштирок этган тарафлар ва гувоҳлар томонидан имзоланган, энг муҳими никоҳ шартномасида тузилган сана кўрсатилиши шарт бўлган, яна бир муҳим жиҳати бу ҳужжатни расмийлаштиришга қозилик маҳкамасидаги ходимлар ниҳоятда масъулият билан қарагани асардаги намуналар мазмунидан кўринади.

Муаллифнинг таъкидлашига кўра, Бурҳониддин Маҳмуд ал—Бухорий томонидан XII—асрда ёзилган «Ал-муҳит» асарида намуна сифатида келтирилган шартномалар тузиш билан боғлиқ тартиб-таомиллар XIX—асрнинг иккинчи ярмида руслар томонидан Туркистоннинг босиб олинганига қадар қозилик амалиётида асос бўлиб хизмат қилган (86-бет).

Фикримизча, тадқиқотнинг иккинчи бобидаги учинчи фаслда баён этилган «Ал-муҳит» асаридаги мулкий муносабатларга оид битимлар юзасидан билдирилган

фикр-мулоҳазалар ва хулосалар муҳим аҳамият касб этади. Ўрта асрда Мовароуннаҳрда мулкчиликнинг барча турлари билан боғлиқ шартномаларни тузиш қоидалари ишлаб чиқилган бўлиб, у сакк (ҳужжат) деб номланган. Айниқса, олди-сотди шартномаларини тузишда қуйидаги асосий шартлар ёки талабларга риоя қилинган: томонлар; мулк ва унга кирувчи барча нарсалар; мулкка эгалик ҳуқуқи; мулкнинг жойлашган манзили ва шакли; мулкнинг эвазига бериладиган пул миқдори; мулкда бошқа шахсларнинг ҳаққи йўқлиги; олувчининг мулкни қабул қилиб олганлиги; тарафларнинг бошқаларнинг аралашувисиз шартномани тузганлиги; шартнома тузилган сана (88-бет).

Кўчмас мулкнинг олди-сотдисида шартномада мулк жойлашган жой атрофидаги кўчмас мулкларга нисбатан қай йўсинда жойлаштирилгани батафсил баён этилиши шарт бўлган, бу масалада ўша давр олимлари ўртасида ихтилоф, турлича фикрлар мавжуд бўлгани тадқиқотда баён этилган (90-бет).

Мулк билан боғлиқ шартномаларни тузишдаги яна бир эътибор берилиши шарт бўлган жиҳати шундан иборатки, унинг ўлчамини кўрсатиш, мисол учун ўлчанадиган, тортиладиган, саналадиган, донали, тижорат моли, ҳайвон сотиш билан боғлиқ 53-та шартномалар тузиш билан боғлиқ ҳужжатлардан намуналар «Ал-муҳит»да кўрсатилгани алоҳида эътиборга молик (95-100 бетлар). Қайд этилганлардан ташқари, маҳсулот етказиб бериш, шуфъа (имтиёзли сотиб олиш), ижара шартномаларини тузишда ёзилган ҳужжатлар намуналари, айниқса, турар жойни ижарага беришнинг ўн иккита турлари, айниқса шартномада мулкни эгаллаш, фойдаланиш масалалари батафсил кўрсатилган бўлиши, ижара шартномаси узоқ муддатли, кўпи билан ўттиз бир йилга тузилиши мумкин бўлган. Мулкни ўттиз бир йил муддатга ижарага бериш сабаби ҳақида Бурҳониддин Маҳмуд ал-Бухорий шундай деган: «Ўттиз йил инсон умрининг ярми ҳисобланади.

Чунки Муҳаммад пайғамбар умматининг ўртача ёши олтмиш йилдир. Агар муддат ўттиз йилдан ошса, бу абадийликни ифодалайди ва бу мулкни ижарага олган шахсга ўтиб кетиш эҳтимоли бўлиши мумкин. Шунинг учун ижарада аниқ муддат керак, энг юқори муддат ўттиз йил. Лекин одамлар фойда олишни исташади. Шу мақсадда бир йил қўшиб ўттиз бир йил ижара берилган».

Ёлланма меҳнат тури билан боғлиқ шартнома тузишда, яъни бирор-бир ишни бажариш, қудуқ қозиш, туя боқиш, хат ташиш, ҳунармандчилик билан шуғулланиш, болани ўқитиш, юк ташиш каби юмушлар. Бурҳониддин Маҳмуд ал—Бухорий меҳнатга ёлланган кишидан муайян муддатда болага илм ёки ҳунарни ўргатишни битимда кўрсатишни тўғри эмас деб ҳисоблаган. Чунки, — дейди у — боланинг заковати ва қобилияти белгиланган вақт оралиғида муайян билимни мукаммал ўзлаштиришга қодир бўлмаслиги ҳам мумкин дея қайд этган (107 бет).

Иккинчи бобдаги хулосада муаллиф Мовароуннаҳрда ёзилган кўплаб ҳуқуқга оид асарлар, жумладан, Бурҳониддин Маҳмуд ал-Бухорий билан бир даврда яшаган аллома Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг ислом оламида машҳур ва маълум «Ҳидоя» асарида шартномаларни тузиш қоидалари (шурут), қозилик маҳкамасида иш юритиш, айниқса, қози ҳужжатларини тузиш, расмийлаштириш тартиб—таомиллари (мазҳар, сижил) каби ўша давр учун муҳим масалалар ёритилмаган (109 бет) деган хулосани баён этаркан, Бурҳониддин Маҳмуд ал-Бухорий «Ал-муҳит» асарининг мазмун-моҳияти «Ҳидоя»дан ҳам кенг ва мазмунан бой, ислом ҳуқуқида катта уммон деб таъкидлайди. Қолаверса, «Ҳидоя» асарида моддий ҳуқуқ масалалари ёритилган бўлса, «Ал-муҳит»да ҳам моддий ҳам процессуал ҳуқуқ яхлит ҳолатда аксини топган.

Тадқиқотнинг учинчи боби ўрта асрларда Мовароуннаҳрда қўлланилган қозилик ҳужжатлари ва

уларни расмийлаштириш тарихи деб номланган бўлиб, учта фаслни ўз ичига олган.

Ўрта асрда қозилик маҳкамаларида қозидан ташқари қози ўринбосари (ноиб), котиб, мунадий (низолашувчиларни чақирувчи), ҳожиб, жилвоз, шурта, қўриқчилар, яъни қозихонага келганларнинг ишни кўришдаги иштирокини таъминлаш, интизомга риоя этиш ишларини амалга оширувчи ходимлар, шунингдек, масоъил, яъни қозига кўрилаётган иш бўйича барча маълумотларни тўплаб, етказиб берувчи, айниқса, гувоҳлардан тушунтириш олиб далиллар тўплаган, даъво кўриб ҳал этилгандан сўнг мулкни тегишли шахсга бериш, тақсимлаш қозилик маҳкамасидаги қассомга, етим, боқувчисини йўқотган ёки бедарак йўқолган шахсларнинг мол-мулки ёки мерос мулкини сақлаш мажбурияти аминга юклатилган.

Қозихона архивини юритиш, ҳужжатларни сақлаш учун хозин девон-ул ҳукмнинг зиммасига юклатилган. Қайд этилганлардан ташқари қозихонада таржимонлар хизматини амалга оширувчи ходимлар ҳам бўлган.

Шуниси эътиборга моликки, котиб ёки масоъил қози томонидан кўрилаётган ҳар бир иш бўйича сўроқ қилиниши лозим бўлган кишини (даъвогар, жавобгар, гувоҳ) олдиндан рўйхатга олиб, уларнинг қўлига қачон (куни), кимдан сўнг қози ҳузурига кириши ҳақида ёзиб берган, қозининг фаолиятини амалга оширишида муфтийнинг кўмаги зарур ҳисобланган. Қозилар ишни муҳокама қилишда ёки ҳукм чиқаришдан олдин муфтийга мурожаат қилиб, маслаҳатлашган.

Тадқиқотда қайд этилишига кўра, қозиликда энг қуйида, яъни туманда ҳоким, ўрта бўғинда, яъни вилоятда қози ва энг юқорида, яъни мамлакат миқёсида «қози ул-қуззот» — Олий қози фаолият кўрсатган. Низолар кўпчилиги вилоятдаги қози томонидан маҳкамадаги жараёнда кўриб ҳал этилган. Ҳокимлар моҳияти жиҳатдан унча мураккаб бўлмаган, мисол учун ярашувга оид,

ишкоҳни, қайд этиш, вақф мулкини бошқарувчисини тайинлаш, восий белгилаш, қози томонидан юборилган фуқароларнинг мурожаатларини ҳал этиш каби тоифадаги ишлар билан шуғулланган.

Шуниси эътиборга моликки, «Ал-маҳозир вассижилот» «Ал-муҳит» асарининг йирик бўлими бўлиб унда қозилик маҳкамларида иш юритиш билан боғлиқ ҳужжатларни юритиш, яъни муҳокама жараёнини расмийлаштириш билан боғлиқ ҳуқуқий хусусиятдаги қатор ҳужжатларни белгиланган тартибда юритишни назарда тутган. Муаллиф маҳзар, яъни баённомада қайд этиш ҳамда ишни кўриш натижасида қози томонидан ёзилган ҳукмларни тартибли равишда, кетма-кетликда рўйхатга олиш ҳужжатларини сижил деб тушунтириш баробарида оила, мулкий муносабатлар ҳамда жиноят ишларини кўришда қабул қилинган маҳзар ва сижил — ҳужжатлардан намуналарини илмий таҳлил қилиш орқали фикр-мулоҳазаларини баён этган. Шунингдек, у қозилар томонидан иш юритиш жараёнида ёзилган нафақат ҳукмлар, баённомалар балки жавоб хатлари, гувоҳларнинг шахсини текшириш юзасидан ҳокимга юборилган хатлар, камчилик туфайли рад этилган расмий ҳужжатлар бўйича берилган хулосаларни таҳлил қилган.

Шу билан бирга тадқиқот иши айрим камчиликлардан ҳам холи эмас.

1. Тадқиқотнинг биринчи бобида қатор асар номлари, атамаларнинг баъзилари араб тилида берилган бўлиб (18-43 бет), уларнинг ўзбек тилидаги таржималари берилмаган. Илмий муомалага киритилган бундай асар номлари ва атамалар албатта ўзбек тилида берилиши керак.

2. 70-бетда Э.Тян ва В.Ҳаллақнинг «шурут» илмига таърифи ва муносабати келтирилиб, тадқиқотчи ўзининг қарши фикрини билдирмаган. Аксинча уларнинг фикрларини тўлдирган. Ваҳоланки, ушбу бетнинг бошланишида муаллиф шурут илми шартномаларни

қонуний расмийлаштириш бўйича қози томонидан ишлаб чиқилган ёхуд аниқ ўзгармас низомга солинган қоидалар мажмуаси деб таърифлайди.

3. Тадқиқот иши ўзбек тилида ёзилгани сабабли бошқа тиллардаги сўзларни ишлатишда уларнинг изоҳи берилмаган. Масалан, биринчи бобнинг учинчи фасли (параграфи) номидаги «кодикологик» (43-бет), «инвокация», «институляция», «инскрипция», «салютация» (121-бет) атамаларнинг ўзбек тилида қандай маънони англатишига изоҳ бериш керак.

4. Тадқиқотнинг 122-бети охиридаги «дипломатика фанида бу терминлар эксорциум (пролог, преамбула), публикация, наррация, диспозиция, санкция, корроборация номлари остида келтирилади» деган иқтибос (сноска) ҳам изоҳ талаб этади.

Қайд этилган нуқсонлар жузъий хусусиятга эга бўлиб тадқиқот қимматига таъсир этмайди.

Тадқиқотнинг кириш қисмида қайд этилган вазифалар илмий жиҳатдан чуқур таҳлил этилгани, унинг тизимлилиги, назарий-амалий аҳамиятга эга экани, унда билдирилган хулосалар ва фикр-мулоҳазаларни инобатга олиб, яхлит ҳолда тугалланган деб ҳисоблаймиз.

Хулоса ўрнида қайд этиш жоизки, Бурҳониддин Маҳмуд ал-Бухорийнинг серқирра илмий-маънавий меросини ўрганиш халқимизнинг ҳуқуқи чуқур тарихга ҳамда қонунчилигимизнинг бой тажрибага эга эканини, диёримизда қадимдан ҳуқуқ институтлари шаклланганлигини исботлайди. Шу ўринда, "Ал-муҳит" асарини ўзбек тилига таржима қилиб, изоҳли нашр этиш орқали XI—XIII асрлар Мовароуннаҳр қозилигининг мусулмон халқлари тарихида тутган ўрнини жаҳон илмий жамоатчилиги эътиборига етказишга эришишимиз керак.

МУНДАРИЖА

Кириш 3

ШАРИАТДА ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО 10

***I боб.* Исломда давлатчилик ва унинг тарихий-ҳуқуқий илдизлари 10**

1.1. Ислом давлати шаклланган даврдаги ижтимоий-иқтисодий муҳит ва давлатнинг моҳияти 10

1.2. Ислом давлатининг илк босқичида давлатни бошқариш тартиби 17

1.3. Давлат бошқарувининг салтанат шакллари ва усуллари. Шом уммавий халифалиги 19

1.4. Ироқ аббосий халифалиги 23

1.5. Миср аббосий ва Усмонли турк халифаликлари ... 24

1.6. Суннийлик ва шиаликнинг давлатни бошқаришдаги фарқи 28

***II боб.* Мусулмон ҳуқуқида адолат ва қозилик 33**

2.1. Ислом ҳуқуқида қозиликнинг пайдо бўлиши ва унинг мазмун-моҳияти 33

2.2. Шариатда қозини тайинлаш тартиби 36

2.3. Ислом ҳуқуқида қозининг ахлоқ-одоби бўйича талаблар 41

2.4. Ислом ҳуқуқида қозиларнинг ихтисослашуви 44

2.5. Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» асарида қозилик ҳақида 46

***III боб.* Шариат ва унинг асосий манбаларида жиноятга доир масалалар 50**

3.1. Қуръони каримда жиноят ва жазога оид асосий ғоялар 50

3.2. Суннатнинг мусулмон жиноят ҳуқуқи манбаи сифатидаги ўрни 59
3.3. Ижмоъ ва қиёс — мусулмон жиноят ҳуқуқининг манбалари 69

***IV боб.* Шариатда жиноят талқини 76**
4.1. Шариатда жиноят тушунчаси ва унинг турлари 76
4.2. Шариатда жиноят объекти 83
4.3. Шариатда жноятнинг объектив томони 88
4.4. Шариатда жиноят субъекти 95
4.5. Шариатда жиноятнинг субъектив томони 99

***V боб.* Шариатда жиноий жазо масалалари 107**
5.1. Шариатда жазо тушунчаси ва унинг турлари 107
5.2. Ҳад жазоси турлари 115
5.3. Жазонииг қасос ва товон турлари 124
5.4. Таъзир жазо турлари 133

МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИДА ДАВЛАТ ҚУРИЛИШИ ВА СУД–ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИ 141

***I боб.* Давлат қурилиши ва бошқарувини ислоҳ этиш 141**
Эзгу ғоянинг амалий ифодаси 141
Янгилик — тараққиёт манбаи 150
Сиёсий партиялар фаоллиги — тараққиёт мезони 155
Келажак қайғуси 159
Ҳамкорлик самараси 162
Ўзбекистон ва Европа Иттифоқидаги асосий сиёсий жараёнлар, демократия ва инсон ҳуқуқлари масалалари 167
Истиқболли ҳамкорлик 174
Эгалик ҳисси имкониятлари 178
Қонун ижросини таъминлашда фуқаролар фаоллиги 183

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва аёллар ҳуқуқи 189
Одам савдоси (траффик жинояти): қонунчилик ва жавобгарлик 193
Сайлов қонунчилиги такомиллаштирилди 201

II боб. **Суд–ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш 208**
Яшаш ҳуқуқи дахлсиздир 208
Шахсий дахлсизлик кафолати 218
Мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотлари 228
Инсонпарварлик — олий мезон 232
Ҳуқуқий муҳофаза самарадорлиги 237
Ҳамжиҳатлик ва муроса йўли 242
Қонун уйғунлиги 254
Адолатпарварлик тамойиллари 256
Қимор – ёмонлик дояси 262
Тараққиётнинг ойдин йўли 267
Муҳими – жавобгарлик муқаррар 271
Одамийликнинг олий намунаси 277
Амнистия: бағрикенгликнинг амалдаги ифодаси 283
Адолатли қонунлар – тараққиёт кафолати 287
Умр фалсафаси – озод юртда эркин яшаш 298
Адвокатура институти такомиллашув йўлида 306
Амнистия актини қўллаш тартиби 312
Омбудсман институти: инсон ҳуқуқларининг ишончли ҳимояси 316

ЮРИДИК ФАННИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ 325

Изланишлар йўлида 325
Порахўрлик – ўта хавфли жиноят 327
Жинсий жиноятлар учун жавобгарлик масаласи 335

Рашкнинг жиноят сифатидаги таҳлили 342
Аёллар жиноятчилиги: назария ва амалиёт 350
Шахсий номулкий ҳуқуқлар муҳофазаси 358
Ҳимоя ҳуқуқи кафолати 365
Қилмишни малакалаш: назарий ва амалий
масалалар 368
Терроризм — инсоният кушандаси 379
Эҳтиёт чораларини қўллаш тартиб—таомили 390
Уюшган жиноятчиликка қарши курашнинг долзарб
муаммолари 396
Аждодларимиз ҳуқуқий меросидан намуна 402

МАВЖУДА РАЖАБОВА

ҲУҚУҚ ВА АДОЛАТ:
ЎТМИШ, БУГУН, ИСТИҚБОЛ

Муҳаррир:
А. Ҳамро қизи
Мусаввир:
Н.Попов
Техн. муҳаррир:
И.Зохидова
Мусаҳҳиҳ:
Компьютерда саҳифаловчи:
Ш.Юсупова

"YURIST–MEDIA MARKAZI" нашриёти 100000,
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30.
Теришга 6.07.2009 й.да берилди.
Босишга 19.08.2009 й.да рухсат этилди.
Бичими 60 × 84 1/16. Baltika гарнитураси.
Офсет босма усулида босилди.
Шартли б.т. 26,0. Адади 1000 нусха.
Буюртма № 17/09. Нархи шартнома асосида.

«Sano-standart» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент ш., Широқ кўчаси, 100-уй.

6100

Мавжуда Абдуллаевна Ражабова 1955 йилда Бухоро вилоятининг Шофиркон туманида туғилган. 1978 йилда Ўзбекистон Миллий университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тугатган. Прокуратура ва суд идораларида ишлаган. 2005 йилдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси лавозимида ишлаб келмоқда.

Юридик фанлар доктори. Муаллифнинг «Шариатда жиноят ва жазо» (1996), «Ҳуқуқий давлатчилик сари» (2000), «Диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш муаммолари» (2003), «Жиноий жазоларни либераллаштириш» (2005), «Давлат қурилиши ва суд-ҳуқуқ ислоҳоти истиқболлари» (2005), «Сенат ва суд-ҳуқуқ ислоҳотлари» (2006) китоблари ва кўплаб мақолалари чоп этилган.

«YURIST-MEDIA MARKAZI» nashriyoti

ISBN 978-9943-337-37-4